

РАҲМАТУЛЛО ФАЙЗУЛЛАЕВ
НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВ

МУҲАММАД ЮСУФ
ҲАЗИН МАРҒИНОНИЙ

(Хонақоҳий Ҳазрат Домла)

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2013

УЎК: 297
КБК 86.38
Ф 27

Масъул муҳаррир
Шайх Абдулазиз Мансур

Тақризчилар:
Бахтиёр Бобожонов,
тарих фанлари доктори

Икромиддин Остонақулов,
тарих фанлари доктори

Ф 27 **Файзуллаев Раҳматулло, Абдулаҳатов Нодиржон**
Муҳаммад Юсуф Ҳазин МАРҒИНОНИЙ (ХОНАҚОҲИЙ
ҲАЗРАТ ДОМЛА) // Р.Файзуллаев, Н.Абдулаҳатов. – Т.:
«Sharq» 2013. – 544 б.

Ушбу китоб XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марғилонда яшаб ўтган мутасаввиф шоир ва мударрис Муҳаммад Юсуф Ҳазин ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти ва инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қилади. Муаллифлар аллома яшаган даврда ёзилган турли кўлёмалар, архив ҳужжатлари ва кейинги даврда яшаган кишилар хотиралари асосида ўзига хос маноқиб-рисола яратишга муяссар бўлишган. Тарихий-агиографик жанрда ёзилган янги тадқиқотда XIX аср ва XX аср бошлари Марғилон маданий муҳитига тегишли қимматли маълумотлар ҳам жамланган бўлиб, у ўзбек маданиятшунослигини яна бир манба билан бойитганлиги билан диққатга сазовордир.

УЎК: 297
КБК 86.38

ISBN 978-9943-26-091-7

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси Бош таҳририяти, 2013.

*Аввалги ўтганлардан кейин дунёга келганлар
(дуо қилиб) айтадилар: «Парвардигоро,
бизларни ва биздан муқаддам имон билан
ўтган биродарларимизни мағфират қил...».
(Ҳашр сураси, 10-оят)*

*«Ўтган (киши)ларингизни яхшиликларини
(эслаб) гапиринглар...».
(Термизий ривояти)*

*«Ўтган авлиёulloҳнинг ҳар бирларидан бир сўз ёд
олинглар, агар сўзларидан ёд билмасангизлар,
уларнинг табаррук номларини ёд олинглар,
мунинг бирла баҳра олурсизлар».
(Шайх Абдуллоҳ Ансорий)*

Сўзбоши

Маълумки, ҳар бир халқнинг жаҳон маданияти сахнасида бошқаларга фахр қилгудек бебаҳо бойлик ва хазиналари бўлади. Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий обидалар, буюк аждодлар салоҳияти ва бошқалар. Айниқса, улар орасида аждодлар маънавий мероси алоҳида тенгсиз хазинадир. Зеро, мазкур хазина нафақат ўз даврининг ютуғи, балки келгуси авлодларнинг маънавий салоҳиятига мустаҳкам замин бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир. Миллатимизнинг асрлар давомида бойиб келган мазкур хазинаси бу каби бебаҳо дурларга тўла экани мустақиллик йилларида олиб борилаётган ижобий ишлар туйғули янада яққол намоён бўлмоқда.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Алишер Навоий каби буюк даҳолар ва улар қолдирган бой илмий мерос миллатимизнинг фахри ва ифтихоридир. Бугун уларнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини дунё халқлари эътироф этади.

Маълумки, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳри Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов буни мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеа деб баҳолар эканлар, Тошкентга «Ислом маданияти пойтахти» номи берилишининг тарихий, маданий ва маънавий асослари борлигини таъкидлаб, шундай дедилар: «Агар тарихимизга назар ташлайдиган бўлсак, хоки поклари Ўзбекистон тупроғида ётган улуғ аждодларимиз, не-не мутафаккир зотлар асрлар мобайнида дунёвий ва диний илмлар соҳасида қандай буюк кашфиётлар яратгани, бунинг учун қанча заҳмат ва машаққатлар чекканини кўрамиз. Бугун биз гувоҳ бўлиб турган юксак эътироф, аввало, ана шундай аждодларимизнинг табаррук номлари ва қолдирган меросига, ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз».

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марғилонда яшаб фаолият олиб борган буюк аллома, тасаввуф шайхи Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазрат – Ҳазин Марғиноний ҳам жаҳон халқлари эътироф этган миллатимиз маънавий хазинасининг бебаҳо дурларидан бири экани шубҳасиз. Зеро, алломанинг илм-маърифат йўлида олиб борган қизғин фаолияти халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалтиришга қўшган ҳиссаси таҳсинга лойиқ. Талабалик давримизда мухтарам устоз Муҳаммад Қосим Файзимухаммад ўғли тез-тез тўлқинланиб сўзлаб бериши туфайли қалбимизга ўрнашган бу буюк зот сиймосини бугун қайта кашф қилдик.

Алломанинг марғилонлик маънавий фарзандлари меҳнати эвазига юзага келган китобнинг қоралама нусхаси кўлимга етган чоғда беихтиёр қалқиган кўз ёшларимни китобхондан яшира олмайман. Шу кунгача унутилиб кетиш арафасида турган тарихий хотираларга бугун яна ҳаёт бағишлангандек гўё. Бу эса мазкур хотиралар келгуси авлодларга ҳам етиб боришини таъминловчи омилдир. Муҳими шундаки, Мавлоно Ҳазин баҳонасида Марғилоннинг ўша даврга хос бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий ҳаёти атрофлича ёритиб берилган. Зеро, Марғилоннинг XIX–XX асрлар бошларидаги даври ижтимоий ва маърифий муҳити серқирра бўлган. Бу даврда шаҳарда Қўқон, Бухоро мадрасаларида таълим олган етук уламолар масжид ва хонақоҳларда фаолият олиб бориб, ўз билимлари ва таълим усуллари асосида ёшларга таълим ва тарбия беришган. Шаҳар ва қишлоқлар маданий муҳитида катта обрў-эътибор қозонишган.

Бу ўринда Хонақоҳий Ҳазрат, Толий Марғиноний, Мирхалил Марғиноний, Охунжон қори Номий, Хўжажон Қози Домла Рожий Марғиноний, Холмуҳаммад қори Марғиноний, Мулла Абдураҳмон Домла, Муҳаммад Амин қори, Тўхтаназар Аълам Домла, Муҳаммадниёз Эшон Марғиноний, Охунжон қори Водилий, Муҳаммад Мусо Бекий Полмоний, Фозилжон махдум Марғиноний, Мукаррамхон тўра – Хон бува, Мулла Зокиржон охунд, Абдулазиз Ғолиб Марғилоний каби олим ва фозилларни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Ушбу уламолар орасида Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғинонийнинг мазмунли фаолияти ва серқирра ижоди

алоҳида эътиборга молик. Шу сабабдан муаллифлар айнан, Муҳаммад Юсуф Марғиновичнинг ҳаёти ва ижодига диққат-эътиборни қаратганлар. Муаллифлар Хонақоҳий Ҳазрат фаолиятини ўрганиш давомида Марғилон шаҳрининг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги маданий ва маърифий муҳитига доир шу давргача тадқиқ этилмаган шахсий ва давлат архивларидаги маълумотларни йиғишга муяссар бўлганлар. Мазкур маълумотларни изчиллик билан ўрганиш натижасида муаллифлар қуйидаги қимматли хулосаларга эришганлар:

– Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғинович Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилган уч катта хонликнинг бири – Қўқон хонлиги таркибида маданий шаҳарлардан бири Марғилон ижтимоий-сиёсий, диний-маданий ҳаётида ўзига хос нуфузга эга. Мазкур ҳудудларда маънавиятни ривожлантиришда, хусусан, тасаввуф таълимотининг маҳаллий маданиятга янада чуқурроқ кириб келишида Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғинович ва у зот издошларининг хизматлари катта;

– Нақшбандий тарикатининг йирик пешвоси сифатида Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғинович XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги мураккаб сиёсий жараёнларда ўзига хос мавқега эга;

– Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғинович илмий меросини ўрганиш тасаввуф тарихини ўрганишда, шу билан бирга ўша давр Қўқон адабий муҳитида фаолият олиб борган марғилонлик шоирлар силсиласи ҳақида бирмунча тўлиқ тасаввур берувчи манба;

– Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғиновични ҳаётини ўрганиш Қўқон адабий муҳитида фаолият олиб борган марғилонлик шоирлар силсиласини яна бир улкан зулфонанга шоир номи билан бойитишга асос;

– Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғинович асарларида олға сурилган ҳалоллик, поклик, тақво, камтарлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш каби кўплаб умуминсоний қадриятлар ёш авлодни тарбиялашда муҳим тарбия воситаси;

– Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғинович ва у издошларининг фаолияти мисолида Марғилонда азалдан миллий-диний қадриятларга меҳр, мусулмончилик анъаналарга муҳаббат тамойиллари қай тарзда эканининг намунаси;

– Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғиноний ва издошлари фаолиятида устозларга, шариат уламолари, тариқат пирларига самимий муҳаббат ва унинг ижобий натижалари ҳақида тўлиқ тасаввурлар ва шу билан бирга ўша давр маҳаллий аҳолисининг ўзига хос хусусиятлари – оддийлик ва холислик ва бошқа кўплаб фазилатлар ҳақида кенг тушунчалар юзага келади.

Китобда Хонақоҳий Ҳазрат тўғрисида сўз юритиш ба-робарида муаллифлар Марғилон шаҳрида яшаб ўтган кўплаб етук уламолар фаолияти ва қолдирган мероси ва ўнлаб бадий ижод вакилларининг ижодига доир қизиқарли маълумотларни келтириб ўтганлар.

Китоб билан танишар экансиз, гўё улар билан бирга ҳамсуҳбат бўлгандек бўласиз. Қувонч ва ташвишларга бой ҳаёт икир-чикирларидан бир оз бўлса-да, узилиб, қалбингиз ором топгандек туюлади. Уларнинг дину миллат йўлида чеккан ташвишлари, илм-маърифат тарқатиш йўлидаги риёзатлари кишига завқ беради. Улардаги ажодлар йўлига содиқлик, ўзаро муносабатларда қўлланган юксак ахлоқий меъёрларнинг ноёблиги кишини бефарқ қолдирмайди. Ёш толиби илмларга ҳам ибратли жиҳатларининг кўплиги унинг бугунги кун учун аҳамиятини белгилайди. Унда мулоҳаза ва муҳокамага ундовчи мавзуларнинг келиши эса унинг халқчиллигини таъминлаган.

Халқимиз маънавий меросини ташкил қилувчи мустаҳкам ҳалқанинг энг кичик бўғини ҳақида сўз юритилган китоб билан танишишга шошилинг.

Шайх Абдулазиз Мансур,
*Ўзбекистон Муслмонлари идораси раисининг
ўринбосари, нашр масъул муҳаррири.*



МУҚАДДИМА

Бандалари орасидан илм аҳллариининг даражаларини олий қилган Аллоҳ таолога ҳамду сано, «Уламолар пайғамбарларнинг меросхўрларидир», дея марҳамат қилган пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога дурудун саломлар бўлсин! Умрини илм ва маърифатга бағишлаб ўтган барча алломаларга саломлар бўлсин!

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, давлатимиз томонидан халқимиз маънавияти ва маърифатига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ўзининг илмий салоҳияти билан жаҳон илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ва уларнинг бой илмий-маънавий меросига нисбатан эҳтиром ўзгача бўлди. Ҳозиргача олимларимиз томонидан уларнинг кўплаб бебаҳо асарлари ҳар томонлама чуқур ўрганилиб, халқимизга тақдим қилинмоқда. Улар қўним топган, аммо қаровсиз ҳолга келган мақбара ва мазорлари обод этилиб, халқимизнинг доимий зиёратгоҳига айланди. Ҳар йили уларнинг турли санадаги таваллудлари нишонланиб, катта-катта илмий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Қувончли томони шундаки, бу ишларнинг барчасига муҳтарам юртбошимиз И.Каримовнинг ўзлари бош бўлмоқдалар.

Бу ҳақда Республикамиз Президенти шундай деган эдилар: *«Биз миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтириши масаласини ўз олдимизга қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутушини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини – унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий обидалар, энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади»*.¹

¹ И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. 29–30-б.

Маълумки, жаҳон маънавий ва маданий тараққиётида ўзининг буюк фарзандлари, олиму алломалари билан беқиёс ҳисса қўшган Мовароуннаҳр шаҳарлари орасида Марғилон шаҳрининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Жуғрофий жиҳатдан унча катта бўлмаса-да, бу кўҳна шаҳар ўзида юзлаб алломаларни тарбия қилиб, уларни «Марғинонийлар сулоласи» номи билан бутун жаҳонга машҳур этган ва шу туфайли дунёнинг улкан тарихий шаҳарлари қаторидан муносиб жой олган. Ҳатто «Сундук ул-орифин» («Орифлар сандиғи») деган юксак баҳога ҳам сазовор бўлган. Чунки қадимдан тарихий шаҳар ва жойлар ҳақида сўз айтган тарих аҳли улар фазилатини ўша ердан етишиб чиққан машҳур шахслар адади билан баҳолаганлар. Марғилон тарихида бу каби зотлар сони оз эмас, албатта.

Айниқса, Мовароуннаҳр фикҳ² мактабининг тадрижий ривож ва унинг кейинги босқичида марғилонлик фақиҳ³ларнинг ўрни беқиёс. Чунки айнан, шу ерда туғилиб фаолият олиб борган ва тарихга «Марғинонийлар сулоласи» номи билан кирган фақиҳларнинг салмоғи ва уларнинг ислом ҳуқуқшунослиги ривожига қўшган ҳиссаси барча тарихчилар томонидан эътироф этилган.⁴

² Фикҳ сўзи луғатда «тушуниш» маъносини билдириб, илм (билиш)дан ҳам кўра кенгроқ маънони англатади. Яъни, у бирон нарсани нозик жойларигача тушуниш, англаб етиш демакдир Усули фикҳ олимларининг истилоҳида фикҳ илмининг таърифи шундай: «Фикҳ – асл шаръий далиллардан фаръий шаръий ҳукмларни чиқаришдир.» (Баъзан, бу таъриф ижтиҳодга ҳам қўлланади.) Бу ерда аслий шаръий далиллардан Куръони карим, ҳадиси шариф, ижмоъ ва қиёс мурод қилинган. Фаръий ҳукмлардан эса, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳлар кўзда тутилади. Фақиҳлар истилоҳида: «Фикҳ илми – ҳалол ва ҳаром ҳақида баҳс юритувчи, жоиз ва фосид орасини ажратишга боис бўлувчи, олим ва авом бир хилда унга муҳтож бўлувчи ҳукмлардир». (Ан-Ниқоя) Яна бир таърифи: «Фикҳ – шаръий далиллардан чиқарилган шаръий ҳукмларни далиллар келтириш билан билишдир.» (Иршодул фуҳул).

³ Фақиҳ – фикҳ фани билан шуғулланувчи олим.

⁴ Такий ад-дин ибн Абдулқодир ат-Тамимий ад-Дорий ал-Ғаззий ал-Мисрий ал-Ҳанафий. Ат-Табақот ас-санний фий тарожим ал-ҳанафийя, 1–4 жилдлар. Қоҳира, 1970; Абу Саъд Абдулкарим ас-Самъоний. Китоб ал-ансоб. 12-ж. Қоҳира, 1405/1984, 11-ж. 248-б; Кураший, Абу Муҳаммад Абдулқодир ибн Абу-л-Вафо Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Мисрий. Ал-Жавоҳир ал-музиййа фий табакот ал-ҳанафийя. 5-ж. Қоҳира: Ҳижр. 1993; Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоъ (673–748). Сияр аълом ан-нубало. 23-ж. Байрут: Мавсуат ар-рисола, 1992; Мустафо ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳанафий аш-шаҳир би-Ҳожи Халифа (ваф: 1067/1656–57). Кашф аз-зунун ʻан асмо ал-кутуб ва-л-фунун. 2-ж. Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981; Зайнулдин Қосим ибн Кутлубуго. Тож ат-тарожим фий табакот ал-ҳанафийя. Бағдод, 1962. 1-ж., 14-б.

Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ Марғинович (ваф.1055 йил.), Имом Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр Марғинович (ваф.1197 йил.), Имом Абу Ҳафс Низомуддин Умар Марғинович (ваф.1203 йил.), Имом Абул Маҳосин Заҳридин Марғинович (ваф.1233 йил.) каби зотлар ушбу диёр фақиҳларининг дунё эътироф этган машҳур вакиллариридир.⁵

Улар тасниф қилган асарлар, жумладан, «Ҳидоя», «Фатовойи Заҳирия» ва бошқалар ҳозиргача қўплаб ислом дунёси дорулфунунларида ҳанафий фикҳи бўйича дарслик сифатида қўлланади ва бутун ислом олами уларни ўзига устоз деб билиб, табаррук номларини ҳурмат билан тилга олади.

2000 йилнинг куз ойида Марғилонда буюк ватандошимиз Бурҳониддин Марғинович ҳазратларининг 910 йиллик таваллудининг нишонланиши, 2007 йилда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейининг ўтказилгани ҳам ушбу замин ва унда туғилиб ўсган буюк шахсларга эҳтиром натижаси эди.

Бу ҳақда Республикамиз Президенти И.Каримов Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқларида, жумладан, шундай деган эдилар:

“Марғилон шаҳрининг дунёда эътироф этилган энг қадимий шаҳарлар рўйхатига киритилиши, бу муқаддас заминда туғилиб яшаб ўтган буюк аждодларимизнинг келажак авлодларга қолдирган бебаҳо меросини, ноёб тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларни ардоқлаб, ўтмишга ҳурмат ва эҳтиром намунасини кўрсатиб келаятигани, бир сўз билан айтганда, Марғилон шаҳрининг жаҳон маданияти ва цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасининг ЮНЕСКО ва унинг тимсолида халқаро жамоатчилик томонидан тан олинishi албатта барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди...”

Шу борада Марғилоннинг муқаддас ислом динимиз, муслмончилик ақидаларининг раванқ топишига улкан ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш ўринли, деб биламан.

Табаррук Марғилон диёрида дунёга келиб камол топган алломалар миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккури-

⁵ «Ал-мўъжам ал-кабир» 1-ж. 156-б; Зириклий. «Ал-аълум». 5-ж. 73–74-б; Ал-Бағдодий. «Ҳадият ул-орифин» 1-ж. 272-б.

миз кудратини намоён этадиган ўлмас асарлар яратгани ҳам бу заминнинг илоҳий хосиятидан далолат беради. Ҳеч шубҳасиз, бундай беназир зотлар аввало, Аллоҳнинг назари тушган, унинг ўзи азиз қилган муқаддас жойдангина етишиб чиқади, десам, ўйлайманки, сизлар бу фикрга қўшиласиз.

Биз Марғилон деганда нафақат Ўзбекистон, балки бутун ислом оламининг фахри бўлмиш Бурҳониддин Марғинович бобомизнинг муборак номларини ҳурмат билан тила оламиз. Мусулмон уммати орасида «Ҳидоят йўлининг сарбони» деган юксак эътирофга сазовор бўлган бу мумтоз сиймонинг буюк мероси, ибратли ҳаёти ва маънавий жасорати тўққиз асрдан буён ўзининг улкан аҳамияти ва кадрқимматини йўқотмай келмоқда.

Марғилоннинг мўътабар заминида бу улуғ зотнинг кўплаб сафдош ва издошлари илму маърифат, дину диёнатни юксалтириш йўлида беқиёс хизматлар қилгани ҳам кейинги йилларда ўз исботини топаётгани эътиборга сазовор».⁶

Тарихий ҳақиқатлар шуни маълум қиладики, «Марғиновичлар сулоласи» номи билан танилган бу улкан силсила тарихнинг барча даврларида дунёнинг турли мусулмон мамлакатларида изчил давом этган ва унинг машъали авлодлар қўлида қўлма-қўл бўлиб келган.

Юқорида номлари келтирилган алломалар томонидан бошлаб берилган мазкур силсиланинг сўнгги бўғин вакиллари сифатида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марғилонда яшаб, илм-фаннинг турли соҳалари бўйича самарали ижод қилган бир қатор алломалар ва тасаввуф шайхлари номини келтириш мумкин. Чунки бу даврда Марғилонда кўплаб шариат олимлари ва етук мутасаввифлар истиқомат қилиб, илм-фаннинг турли соҳаларига доир, жумладан, фикҳ, сийра, тарих, адабиётга оид турли мазмун ва шаклда кўплаб нодир асарлар яратганлар.

Араб, форс ва туркийда битилган мазкур асарлар халқимизнинг нодир, бебаҳо бойлиги сифатида кадрлидир. Бу ҳақда юртбошимиз И. А.Каримов: *«Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошғув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги*

⁶ Президент Ислам Каримовнинг Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Марғилон, 2000. 07.09.

кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар халқнинг буюк маънавий бойлигидир. Бунча катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади»⁷, – дея бежиз таъкидламаган эдилар.

Айниқса, бу даврда Марғилонда бадиий адабиёт вакилларининг фаолияти ҳам сермахсул бўлганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Ҳозирги кунда улар қолдирган бой илмий мерос ва унга доир кўплаб қўлёзмалар Республикаимизнинг турли манбашунослик хазиналарида, жумладан, Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти хазиналарида ва уларга алоқадор кишиларнинг шахсий кутубхоналарида сақланмоқда.

Айтиш ўринлики, Бурҳониддин Марғинович таваллуд саналарини нишонланиши ушбу заминда туғилиб, номлари дунёга кетган юзлаб «Марғинович» алломаларга кўрсатилган эҳтиром бўлиши билан бирга, келажак авлод маънавий тарбиясига масъул ҳар бир кишини, бу каби ишларга ҳисса қўшиши зарурлигини яна бир бор маълум қилди.

Қолаверса, юртбошимизнинг: «Муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил гаразли хуружлар ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу гояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида маънавият ва маърифат аҳли, олимлар, зиёлиларимиз, оммавий ахборот воситалари вакилларида, бир сўз билан айтганда, шу Ватанга меҳр қўйган ва ўзини шу юрт фарзанди деб ҳисоблайдиган ҳар бир инсондан фаоллик ва фидойилик талаб этади»⁸ деган сўзлари ҳам кишига бу соҳада катта ғайрат бағишлар эди.

⁷ И. Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 30–31-б.

⁸ И. Каримов. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган ҳиссасининг юксак эътирофи. // Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маъ-

Мазкур масъулият тақозосига кўра, биз ҳам яқин тарихда яшаб ўтган марғилонлик улуғ алломалар ҳақида сўз айтишни мақсад қилдик. Қолаверса, бу бир неча йиллардан бери дилимизга тугиб қўйган эзгу ниятимиз бўлиб, айтиш чокда аввалроқ бошланган изланишлар туфайли марғилонлик алломалар ҳақида талай маълумотлар ҳам йиғилиб қолган эди.

Улар сўнгги юз эллик йил ичида Марғилонда яшаб, фаолият олиб борган юзга яқин алломалар, тасаввуф шайхлари ҳақида бир-биридан қимматли маълумотлар бўлиб, уларни халқимизга етказиш ҳар жиҳатдан муҳим кўринар эди. Чунки илму амалда, тақвою тоатда мумтоз бўлиб, умрини дину миллат хизматига сарф этган комил зотлар ҳаёти авлодлар учун ибрат мактабидир.

Мавлоно Абдулхай Лакнавий⁹ (1847–1886) айтганларидек: «Ўтган алломалар зикрини қилишда қатор фойдалар бордир: аввало уларнинг фазилат ва аҳволлари, буюк мақомларидан хабардор бўлинади, бу туфайли уларнинг одоби билан одобланиш, ахлоқлари билан хулқланиш келиб чиқади, натижада киши гарчи уларнинг мақомида бўлмасда, қиёмат куни улар жамоасининг ичида бирга туришлик ҳосил бўлади. Иккинчидан, уларнинг асарлари, воқеалари ва таснифотларидан хабардор бўлиш орқали кишида улар йўлидан юриш ва уларга эргашиш ҳиммати келиб чиқади».¹⁰

Ҳанафий алломалар таржимасига бағишланган «Ат-табақот ас-санийя фи тарожим ал-ҳанафийя» китоби муаллифи ҳам яхшилик улуғларга эргашмоқ билан ҳосил бўлади, дея таъкидлар эканлар, ўз ўрнида шогирдларига аввалги ўтган салафи солиҳлар, амаллик олимлар ва муҳаққиқ фозиллар йўлига эргашмоқни лозим тут, дея насиҳат қиладилар.¹¹

навиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.: «Ўзбекистон», – 2007. 221-б.

⁹ Муҳаммад Абдулхай ал-Лакнавий – буюк олим, муҳаддис, факих, мутакаллим, тарихчи, тадқиқотчи. Муҳаммад Абдулҳалим ал-Ансорий ал-Лакнавий ал-Ҳиндийнинг ўғли. Алломанинг 1264-ҳижрий, 26-зулкаъда ойининг сешанба куни (1847/10/23-милодийда) Ҳиндистоннинг Бонда шаҳарчасида дунёга келган. У зот таълиф этган китоблар 110 дан зиёд. Аллома 1304-ҳижрийда 39 ёшида Лакнау шаҳрида вафот этган.

¹⁰ Абдулхай Лакнавий. Ал-фавоид ал-бахийя. Қозон: 1902. – 3-б.

¹¹ Такийиддин ибн Абдулқодир ат-Тамимий ат-такий ал-Ғаззий. «Ат-табақот ас-санийя фи тарожим ал-ҳанафийя». Риёз – 1983. 1-ж., 1-б.

Айниқса, бундай зотлар кишининг ўзи яшаб турган диёр вакиллари бўлиши янада ибратлидир. Қолаверса, шу кунгача Марғилоннинг айни давр алломалари ва тасаввуф шайхлари ҳақида тўлиқ ва атрофлича хабар берувчи бирор-бир биографик асар тасниф қилинмагани ҳам барчага маълум. У ёки бу аллома ҳақида тасниф қилинган баъзи кичик рисоалар ўз даврида қувончли воқеа бўлгани ҳолда, халқимизнинг бу соҳадаги ташналигини тўлиқ таъминлай олмаган эди. Ушбу ташналикни қондириш учун ҳам имкон қадар тўлиқроқ бир асар яратиш зарурияти пайдо бўлган эди.

Бироқ, йиғилган маълумотларда номи келган шахслар ҳаётини бир китобнинг ўзида ёритиш мушкул эканидан, биз улар орасидан XIX аср охири ва XX аср бошларида Марғилонда истиқомат қилиб, ўзининг буюк хизмати ва маънавий жасорати билан муқаддас динимиз ривожи, халқимиз маънавиятига беқиёс ҳисса қўшган буюк аллома, тасаввуф тариқатининг улуғ шайхи мавлоно Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазрат Ҳазин Марғионий қуддиса сирруҳу¹² номларини танлаб олиб, биринчи галда шу зот маноқиб¹³лари устида иш кўрмоқчи бўлдик. Зеро, ўз даврида водий шаҳарлари ижтимоий-маданий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган Ҳазин Марғионийнинг илмий фаолияти, ибратли ҳаёти, маънавий жасорати Марғилон тарихида ўзига хос аҳамиятга эга экани билан ажралиб туради.

Шу мақсадда китоб учун зарур барча маълумотларни излаш ва йиғиш бошланди. Лекин, ўша маълумотлар қаерда, аслида борми, ўзи? Бор бўлса кимларнинг қўлида? Бу тўғрида кимларга мурожаат қилиш керак? Бу каби саволлар кўп ўйлантирар эди. Чунки, тўлиқ бир маноқиб ёзиш учун маноқиб қахрамонининг бутун бошли ҳаёти ҳақида хабар берувчи мукамал манбага эга бўлиш лозим. Ўша пайтда эса қўлимизда у зотга тааллуқли бир нечта оғзаки маълумотдан бошқа нарса йўқ эди.

Энг ачинарлиси, биз билан Хонақоҳий Ҳазрат Домла яшаган давр орасидан юз йилликдек олис вақт ўтгани, у зотни кўрган ва қўлларида таълим олган кишилар ҳам

¹² Мазкур ибора «Аллох сирларини муқаддас қилсин» маъносини англатиб, одатда тасаввуф шайхларига нисбатан ишлатилади. Бундан кейин (қ.с.) тарзида.

¹³ Бирор аллома ёки тариқат шайхининг ҳаёти ва шахсий фазилатига бағишланган рисола.

аллақачон раҳмати илоҳийга восил бўлгани эди. Борди-ю, ҳаёт бўлсалар ҳам излаб топиш қийин, топган чоғда ҳам кексаликлари боис, зиёратдан бошқа нарсага эга бўлиш мушкул эди. Замондошлари томонидан у зот фаолиятига доир бирор асар ёзилгани ҳам маълум эмас. Ёзилган бўлса ҳам замон талотумлари остида бизгача етиб келмаган эди.

Лекин биз бу борада Хонақоҳий Ҳазрат Домлани кўрган кишиларни кўрганлар ва у зотга қариндошлик алоқаси бор кишилар билан суҳбатлашиш, ҳамда Хонақоҳий Ҳазрат Домлада таълим олган уламолар қолдириб кетган илмий мерос – турли қўлёзмалар, девон ва баёзлар, мактублар, тарих-марсиялар, шажара ва насабномалар ва у зотга алоқадор бошқа маълумотларни излаб топиш ва улардан фойдаланиш орқали иш кўрдик. Аввалига ҳаваскорлик маъносида бошланган ҳаракат доираси тез фурсатда кенгайиб, тадқиқот иши каби жиддий мавзуга айланди. Шу туфайли, ўша даврда чоп қилинган китоблар, баъзи вақтли матбуот нашрларини ҳам назардан четда қолдирмадик. Республикамиз Давлат архивларида ва Фарғона вилоят Ўлкашунослик музейи фондларида сақланаётган қўлёзма материаллардан ҳам имкон доирасида унумли фойдаланилди.

Ўн йилдан ортиқ давом этган бу давр мобайнида биз шаҳримиз Марғилон ва унга қўшни туман ва шаҳарлар, жумладан; Тошлоқ, Кува, Марҳамат, Асака, Андижон, Олтиариқ, Кўкон, Хонқиз, Водил, Аввал, Полмон, Шоҳимардон, Ёзёвон, Наманган, Тошкент, қўшни Қирғизистоннинг Новқат ва Аравон туманларида яшовчи кўплаб кишилар билан суҳбатлашиб, бирмунча қўлёзма ҳужжатларни кўздан кечириб, Хонақоҳий Ҳазрат Ҳазин Марғинович ва у зот ҳаёти ва фаолиятига доир кўплаб бир-биридан қимматли нақлий ва ёзма маълумотлар тўплашга эришдик.

Маълумот йиғиш асносида Ҳазин Марғиновичдан ташқари Марғилон ва унинг атрофида яшаб фаолият олиб борган у зотнинг замондошлари, издошлари, шогирдлари ва бошқа кўплаб халқимизга номаълум бўлган маҳаллий уламолар ҳақида ҳам турфа маълумотларни топишга муваффақ бўлдик.

Шукрки, юксак маънавиятли бўлган халқимиз ўзининг буюк фарзандларига дахлдор маълумотларни ҳар қандай шароитда ҳам асраб-авайлаб келганлар. Қайд этиш жоизки,

махаллий халқ орасида кўплаб қимматбаҳо кўлэзма хазиналар ўз эгаси ва тадқиқотини кутиб ётибди.

Келтириш ўринлики, биз суҳбатлашган ахборотчиларнинг асосий қисми келтирилаётган воқеа-ҳодисаларга бевоқифа гувоҳ бўлган катта ёшли кишилар эди. Улар орасида мақсадимизни англагач, кўзига ёш олиб: «Баъзилар ўз ажодлари хотирасини билишга ҳам эътиборсизлик қилаётгани ҳолда ўтганлар хотирасига қизиқиш катта ҳиммат», дея таҳсин айтганлари, ёки: «Модомики, китобда бобомиз номлари ҳам тилга олинар экан, сизга ёрдам бериш бурчимиз», дея ҳиммат кўрсатганлари кўпчиликни ташкил қилган эди. Афсуски, ҳозир уларнинг кўпи орамизда йўқ.

Ҳазин Марғинович ҳаёти ва фаолиятини ёритишда асосан, у зотнинг турли йилларда ёзилган ва кўчирилган кўлэзма асарлари, у зот даврида яратилган бошқа асарлар, замондошларидан Рожий Марғинович (ваф. 1918), Абдуллоҳ Марғинович, шогирдларидан Фазлул Ваҳҳоб Мозорий, Охунжон қори – Водилий-Асий (ваф.1959 йил.), Амониддин Арабоний (ваф.1946 йил.), Охунжон қори Марғилоний (ваф.1974 йил.) ва Муҳаммад Мусо Бекий Полмоний (ваф.1977 йил.) ларнинг қолдирган ёзма маълумотлари асосий манба бўлиб хизмат қилди. Бунда, айниқса, алломанинг кўлэзма асарларини таҳлилий ўрганишга асосий эътибор қаратилди. Аҳамиятлиси шундаки, тилга олинган асарларнинг бирортаси ҳозиргача илмий муомалага киритилмаган. Айни пайтда мазкур алломалар қаламига мансуб диний-фалсафий асарлар нақшбандия тариқатининг илмий-назарий жиҳатларини ўрганишда муҳим манба экани ва улар ҳанузгача илмий тадқиқотлар доирасига тўлиқ тортилмаганини ҳам эслатиш ўринли.

Узоқ давом этган изланиш ва тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазрат Ҳазин Марғинович шахсиятлари ўз даврининг йирик шариат олими, етук тасаввуф шайхи, кўплаб муридлар тарбиялаган муршид, дин-миллат манфаъати йўлида жасорат кўрсатган фидойи зот сифатида кўз олдимизда намоён бўлди.

Аллома XIX аср иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Чор Россияси бошқаруви остида мамлакатда юзага келган мураккаб сиёсий жараёнларда ўзига хос салмоқли

мавқени эгаллаган. Зеро, у зот фаолиятлари ўша даврда Марғилонда вужудга келган ижтимоий-диний вазиятнинг барқарорлашувида катта аҳамият касб этган. Мавжуд жамиятда маънавиятни ривожлантиришда, хусусан, тасаввуф таълимотининг умуминсоний ғояларини маҳаллий халқ орасида янада чуқурроқ кириб келишида Хонақоҳий Ҳазрат Домла ва издошларининг хизматлари катта бўлган. Маҳаллий халқ орасидан чиққан юзлаб кишиларни илм-маърифатли бўлишига ҳаракат қилиб, уларни кейинчалик ўз даврида шариат олими ва тариқат пири сифатида маънавият ва ирфон ходимлари бўлишига беқиёс ҳисса қўшганлар.

Шуниси диққатга сазоворки, у зотнинг ҳаёти, ижтимоий-маънавий фаолияти ва илмий мероси ҳанузгача бирор-бир тадқиқотчи томонидан алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган ва кенг жамоатчиликка маълум қилинмаган. Бошқача айтганда, ҳозиргача бу зот шахси халқимизга мутлақо номаълум эди.

Айни пайтда, Ҳазин Марғиноний ҳаёти ва фаолиятларини илмий-назарий жиҳатдан атрофлича ўрганиш Қўқон хонлиги таркибидан мустаҳкам ўрин эгаллаган Марғилон шахрининг ўша даврга хос бўлган маданий тарихини ёритишда жиддий аҳамият касб этади. Ҳазин Марғинонийнинг асарларини ўрганиш эса нақшбандийа тариқатига оид ҳанузгача номаълум бўлган қатор ахлоқий, маънавий ва назарий масалаларни ёритишга ёрдам беради.

Зеро, бу сулукнинг мазкур ҳудудда етакчи тариқатга айланиши бевосита Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний номи билан боғлиқ. Зотан, у зот ўз фаолиятида мазкур минтақада ўзига хос услуб – шариат таълимини тариқат вазифалари билан уйғунлашган ҳолда олиб борган ва бу соҳа ривожига катта ҳисса қўшган буюк тарихий шахсдир. У зотнинг беқиёс хизматлари туфайли Марғилон ва унга қўшни шаҳар ва кишлоқлар ижтимоий-маънавий, диний-маданий ҳаётида ўзига хос нуфузга эга бўлган алоҳида сулола – хонақоҳийлар – Хонақоҳ мадрасасида таълим олган алломалар ва тариқат соликлари фаолияти юз йилдан ортиқ давр мобайнида изчил давом этиши таъминланди. Айниқса, у зотни диёримизда амал қилиб келинган суннийликдаги ҳанафийлик мазҳаби софлигини сақлаш йўлидаги хизматлари диққатга сазовор.

Шу жиҳатдан мамлакатимиз ўтмиш маънавий ҳаётининг муҳим жиҳати ҳисобланган тасаввуф таълимоти ва тарихининг Қўқон хонлиги даврини ёритишда Марғилонда ўтган тариқат шайхлари, хусусан, Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазрат ва у зот издошларининг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш ва тадқиқ қилиш муҳим ва катта аҳамият касб этади.

Китобда Хонақоҳий Ҳазрат Ҳазин Марғиновичнинг замондош ва издошлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз-ўзидан турли муносабатлар билан келтирилди. Чунки уларнинг ҳам нақшбандия тариқатига мансублиги ва Ҳазин Марғинович издошларидан экани Ҳазин Марғинович ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бера олиши инobatга олинди. Бунинг учун уларнинг ҳам ҳаёт ва фаолияти, илмий-маънавий мероси имкон қадар атрофлича ўрганилди, уларнинг тариқат ва жамият ҳаётида тутган ўрни илмий-таҳлилий ёритиб берилди.

Эслатиш ўринлики, мазкур асарни дунёга келишига асосий туртки – бу яқин ўтмишда яшаб ўтган кўплаб алломалар, тариқат пирлари, саййидларнинг номи маҳаллий халқ томонидан унутилиб кетаётганига ачиниш ҳисси эди. Чунки кунлар ўтиши билан уларни кўрган ва билган кишилар ҳам камайиб бормокда. Иш шундай кетаверса, тез кунда ёшларимиз ўзининг мустаҳкам илдизи бўлмиш аجدодлари номини унутиши турган гап. Бу эса кечирилмас айбдир.

Аждодларни эслашнинг фойдаси кўпроқ эслагувчиларга бўлгани каби унутишнинг зарари ҳам уларга бўлиши ҳақиқат. Қолаверса, кишининг фазилати кўп ҳолларда аждодларининг йўлига эргашмоғи ва уларга муносабати билан белгиланади. Бу борада юртбошимизнинг куйидаги сўзлари ибратли:

«Бизга ҳамиша маънавий куч-қувват берадиган миллий қадриятларимиз, буюк аждодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину диёнатимизни кўз қорачигидай асраб-авайлаб, эъозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Бугун халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини тобора чуқурроқ англаб борган сари барчамизнинг қалбимизда: «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахр-

ланамиз», деган даъваткор сўз теран маъно касб этишии табиийдир».¹⁴

Шундай экан, зиммамизда диёримиз алломалари хусусан, Марғилоннинг ўша буюк фарзандлари номини унутмаслик, ибратли ҳаётларидан атрофлича хабардор бўлиб, қолдирган илмий-маънавий меросини ўрганиб халқимизга етказиш, бир сўз билан айтганда, уларга муносиб ворис бўлиш масъулияти мавжуд.

Энг қизиги, айна ҳақиқатни уларнинг ўзи эслатиб кетганидир. Марғилонда яшаб ўтган машҳур олим Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний (1886–1973) бу ҳақда шундай ёзган эдилар:

*Қадамни ончунон қўйгилким, ўтганлар ризо бўлсун,
Қилиб қоим сени ўрнига, кетганлар ризо бўлсун,
Жаҳонда сен учун, гусса ютганлар ризо бўлсун,
Дуо айларму деб, кўз санга тутганлар ризо бўлсун,
Бўлур роҳат аларга, орқасидан тухфа борғони.*¹⁵

Ёки, Абдулазиз Ғолиб Марғилонийнинг (1900–1983) бу борадаги сўзлари қуйидагича:

*Гарчи биз осий эдик, соҳиб дуолар бор эди,
Ҳар дуо қилса ижобат, дил сафолар бор эди,
Биз каби «омин» деган, бахти қаролар бор эди,
Қўл очиб, қўнгилда орзу, муддаолар бор эди,
Кетдилар бир-бир алар, гўё бадан бебошимиз.*¹⁶

Маълум бўлмоқдаки, ушбу ёруғ кунлар ўтган аждодларимизнинг тинимсиз илтижоси ва кўз ёши эвазига келган. Ҳақ таоло улар меҳнатининг самарасини авлодларига насиб этди.

Ҳозиргача баъзи улуғ ёшли кишиларнинг: «Ҳозир аввалги замон илм аҳллари эмас, балки, ўша давр оддий кишилари ҳам йўқ», дея ўтмиш файзли кунлар ва унинг аҳлларини қўмсаши бежиз эмас. Зеро, уларнинг дин-миллат равнақи

¹⁴ И. Каримов. «Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсадидир. Т.: «Ўзбекистон» 2007. – 9-б.

¹⁵ Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний. Баёз. Қўлёзма, 60-б. Қўлёзма ҳозирда алломанинг авлодлари қўлида сақланмоқда. Бизда унинг кўчирилган нусхаси мавжуд. Бундан кейин: «Қоил Марғилоний, Баёз.» тарзида берамиз.

¹⁶ Ғолиб Марғилоний. Баёз. Қўлёзма. 5-б. Баёз муаллиф авлодлари қўлида сақланмоқда. Бундан кейин: «Баёзи Ғолиб Марғилоний» тарзида келтираамиз.

йўлида кўрсатган бекиёс хизматлари аждодлар хотирасида бир умрга муҳрланиб қолган.

Ушбу сатрларни ёзар эканмиз, қачонлардир ўқиганимиз Ҳувайдо¹⁷ ҳазратларининг қуйидаги сатрлари ёдимизга тушди:

*...Афсус, юз афсуски, эранлар ўтди,
Ул ҳомийи дин, қутби замонлар ўтди,
Биз ғамзадалар йиғлаю, ҳасрат билла қолдик,
Аҳволи жаҳонга нигоронлар ўтди.*

*Афсус, юз афсуски, анқолар ўтди.
Шоҳи дуҷаҳон, камтари Худолар¹⁸ ўтди,
Биз кўнгли ўлик, бахти қаролар қолдик,
Етар кўз кучидан Исонафаслар ўтди.*

*Афсус, юз афсуски, марди саролар ўтди,
Ҳар бир сухани қиймат баҳолар ўтди,
Бир неча ёмон, аҳди бузуқлар қолдик,
Сўзлар сўзи бар, марди саролар ўтди...¹⁹*

Китобга тартиб беришда Шарқ мумтоз адабиётида амал қилиб келинган анъанавий манокіблар тартиб ва услубини танладик. Қадимдан, Шарқ халқлари орасида бу соҳада тазкира, манокіб, мақомот, рисола номида кўплаб агиографик²⁰ асарлар яратилган.

Хусусан, милодий IX–X асрлардан бошлаб агиографик жанрда ҳамда тасаввуф таълимоти бўйича ирфоний, тарихий ва назарий асарлар яратила бошлангани манбаларда қайд қилинади. Абдурахмон ас-Сулабийнинг «Табақот ас-суфия», Абулҳасан Ҳужвирининг «Кашфу-л-маҳжуб», Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозилу-с-сойирийн», «Табақот ас-суфийя» (XI аср), Яҳё ас-Сухравардий (1155–1191)нинг «Китоб ҳикмат ал-ишроқ», Муҳйиддин ибн ал-Арабий (1165–1240)нинг «Ал-Футухот ал-Маккийя», Салоҳ ибн Муборак Бухорийнинг «Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин» (XIII аср охири), Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳоту-

¹⁷ Ҳўжаназар Ғойибназар ўғли Ҳувайдо. 1704 йилда Фарғонанинг Чимён кишлоғида туғилиб, умрининг охиригача шу ерда яшаб, ижод этган муҳаббатли сўфий шоир. Ҳувайдо тахминан 1780–1781 йилларда вафот этган.

¹⁸ Аллоҳнинг камтар бандалари.

¹⁹ Хожаназар Ҳувайдо. Девон. 168–169-б.

²⁰ Агиография грекча *αγιος* (муқаддас) ва *γραφω* (ёзаман) деган сўзлардан таркиб топган бўлиб, у муқаддас хулкли кишилар — авлиёлар, руҳонийлар ҳақидаги тарихий-маданий ва диний адабиётлар ҳақидаги билимлар тизимидир.

л-унс мин ҳазороти-л-қудс» (XIV аср), Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», Али Сафийнинг «Рашаҳот айни-л-ҳаёт» (XV–XVI асрлар) Фаридиддин Атторнинг «Тазкирату-л-авлиё», Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққири аҳбоб», Ғулом Сарвар Лоҳурийнинг «Хизонату-л-асфиё», Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Алининг «Маноқиби Баҳоуддин Нақшбанд» тазкира ва рисолалари бунга мисолдир.

Мазкур услубда ёзилган асарларнинг бош мақсади уларда зикр қилинган зотларнинг ҳаёти ва ахлоқини ибрат қилиб кўрсатиш орқали кишиларни уларга эргашिशга чақиришдан иборатдир. Шу билан бирга уларнинг етакчи мақсади у асарларда зикр қилинаётган валий зотлар риёзат билан эгаллаган маънавий ҳол, мақом орқали инсон нафсини тарбиялашдир.

Мазкур асарларда келтирилган умумий қоидага кўра, китобда аввал маноқиб қаҳрамони ҳақида умумий маълумот берилгач, сўнгра алоҳида боб остида ҳар бир мавзу ёритиб берилди. Китобхонда шубҳа бўлмаслиги учун маълумотлар манбаси кўрсатилди. Изланишлар давомида йиғиб олинган ва нусха кўчирилган қўлёзмаларни шахсий кутубхонамизга жойлаштирилган номи остида, ҳужжатларни эса йиғма жилд рақами билан келтирдик.²¹

Тилга олинган тарихий жараёнлар, ижтимоий-маънавий муҳит илмийлик ва холислик тамойиллари асосида ёритилишига имкон қадар эътибор қаратдик. Баъзи ўринларда воқеалар мазмунини чуқурлаштириш мақсадида ўринли мулоҳазалар келтирилди. Чунки, бизнингча китобнинг услубий софлигини сақлашдан кўра, маънолар томлиги муҳимроқ кўринди.

Ахборотчилар томонидан берилган маълумотларни тарихий ҳужжатларга таққослаб, аниқ ва равшан бўлганларини келтирдик. Марғилоннинг айни давр ижтимоий ҳаёти ҳақида кенгроқ тасаввур қилишимизда имкон беришини инobatга олиб, қўшимча илова – шеър, ёки ривоятларни ҳам кўпроқ Хонақоҳий Ҳазратнинг замондош ва издошлари асарларидан бўлишига эътибор қилдик.

Қадимдан водий шаҳар-қишлоқларида маҳаллий аҳоли

²¹ Китобда: «Муаллиф шахсий кутубхонаси» қайд қилинганда мазкур қўлёзма ва ҳужжатлар рўйхатга олинган шахсий кутубхонамиз назарда тутилган. (Муаллифлар)

орасида катта ёшли уламоларга эҳтиром юзасидан «махдум», «махдум почча» «охунд», «охунд дада» каби иборалар билан мурожат қилишгани боис, биз ҳам кўр ҳолларда мазкур анъанага риоа қилдик.

Эслатиш лозимки, китобда келтирилган баъзи фикр ва ҳолатлар ўша воқеа қаҳрамонларининг ўзига хос бўлиб, бу уларнинг шахсий эътиқоди, диний урф-одатларга муносабати натижасида юзага келган. Шунга кўра, уларни ўрганишда мазкур жиҳатларни эътибордан қочирмаслик мақсадга мувофиқ.

Ушбу уринишда биз Хонақоҳий Ҳазрат Ҳазин Марғинович ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ барча маълумотларни жамладик, дейишдан узоқмиз. Фақат имконимиз доирасида бўлган ва топа олганимизнигина келтирдик, холос.

Бинобарин, кейинчалик Хонақоҳий Ҳазрат Марғинович маноқиблари билан боғлиқ янги-янги маълумотлар топилишига, аниқроғи, ихлосли кишилар топиб халқимизга тақдим қилишларини умид қиламиз. Қолаверса, изланиш ва тадқиқотларимиз ҳозир ҳам давом этаётганини эслатишни ўринли деб биламиз.

Ожизлик ва тажрибасизлигимизни эътироф этган ҳолда китобни ўқувчи барча азизлардан хато ва нуқсонларини афв этишларини ва унинг мутолаасидан хушнуд бўлган чоғда, ҳаққимизга дуойи хайр қилишларини умид қилиб қоламиз. Халқимиз маънавияти ва маърифатига, ёшларимиз ахлоқига хизмат қилиши умидида яхши ният билан қилган арзимас амалимиздан Парвардигорнинг Ўзи рози бўлсин.

МАРҒИЛОН АЛЛОМАЛАРИ

Китоб аввалида ўрта асрларда Марғилонда яшаб ўтган алломалар ҳақида бир оз маълумот бериб ўтамиз.

Марғилон алломалари тўғрисида Ёкут Ҳамавий, Абу Саъд Самъоний (506/1113–1167/562.), Нажмуддин ан-Насафий, Ҳожи Халифа (1017–1068 х.), Кафавий (ваф. 990/1582.), Хайриддин Зириклий (1310–1396 х.), Али ал-Қорий (ваф. 1014 х.) ва бошқа ўрта аср тарихчи ва адибларининг асарларида кўплаб маълумотлар учрайди. «Ал-Муҳит» асарининг кўлёзма нусхасида Марғилон ҳақида: «Бу шаҳардан кўплаб фозил одамлар етишиб чикқанлар», дея келтирилган.²²

Аллома Абдулҳай ал-Лакнавий (ваф. 1304/1844.) «Ал-фавоид ал-баҳийях фи тарожим ал-ҳанафия»²³ («Ҳанафий фақиҳларнинг таржимайи ҳоллари ҳақида қимматли маълумотлар») номли асарида марғилонлик алломалар ҳақида гапириб шундай дейди:

«Ал-Ҳасан ибн Али Заҳириддин ал-Кабир ибн Абдулазиз ал-Марғиноний «Заҳириддин Абул-Маҳосин» номи билан машҳур бўлиб, у Бурҳониддин ал-Кабир Абдулазиз ибн Умар ибн Моза,²⁴ Шамс ал-аимма²⁵ Муҳаммад ал-Ўзжандий²⁶лардан илм ўрганган, улар эса Шамсул аимма

²² Махмуд ибн Аҳмад ал-Бухорий. Ал-Муҳиту-л-бурҳоний. Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисрийя // Кўлёзма /№ 471. В.1. (И.И.Бекмирзаев. Бурҳонуддин Махмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги. «Таълим нашриёти» Т.: 2011. – 13-б.)

²³ Мазкур асар ўрта асрларда фаолият кўрсатган алломалар ҳақида маълумот берадиган муҳим манбалардан бири саналади. Абдулҳай ал-Лакнавий ўз навбатида Мавло Махмуд ибн Сулаймон ал-Кафавийнинг «Катоиб аълам ал-ахёр мин фуқаҳо мазҳаб ал-Ну`ъмон ал-мухтор» асарини мухтасар шаклга келтириб, айрим ўринларда эса унга муайян қўшимчалар киритган.

²⁴ Аллома Сирож ул-аимма Бурҳониддин Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Садр Мозий номи билан машҳур бўлган. Ўз даврида Бухоронинг машҳур имоми бўлган. Унинг кўлида Заҳириддин Кабир Али ибн Абдулазиз Марғиноний, унинг ўғли Ҳасан, Бурҳон Балхий Абул Ҳасан Зоҳид Али ибн Ҳасан, Абулфатх Абдурашид Валволийлар илм олган.

²⁵ Фақиҳлар ўртасида «Шамс ул-аимма» («Имомлар куёши») атамаси мутлақ келганда Шамс ул-аимма ас-Сарахсий ҳазратлари ирода қилинган бўлади. Бошқа зотлар эса нисбатлари ила қайд қилинади.

²⁶ Фахр ал-ислом Ҳасан ибн Мансур ибн Махмуд ал-Ўзжандий ал-Фарғоний. Ҳанафий мазҳабининг улуғ имомларидан. Замонасининг мужтаҳиди. Заҳириддин ал-Марғиноний, Бурҳониддин кабир кабилардан илм олган. 592 /1195 йилда вафот қилган.

ас-Сарахсий²⁷дан у эса Шамсул аимма ал-Ҳалвоий²⁸дан олган. Ундан эса синглиснинг ўғли «Ал-Хулоса» китобининг муаллифи Ифтихоруддин Тоҳир ва «Фатовойи Захирийя» китобининг муаллифи Захириддин Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Бухорий ва Фахруддин ал-Ҳасан ибн Мансур ал-Ўзжандийлар фикҳ илмини ўрганганлар. У факих, муҳаддис олим бўлиб илмни имло²⁹ ва тасниф йўли билан тарқатган. Унинг машҳур асарларидан «аш-Шурут», «ал-Фатова» ва «ал-Фавоид» кабиларни келтириш мумкин». ³⁰

Ушбу асарда жумладан яна шундай дейилади: «Марғилонлик алломалардан яна бири Абдулазиз ибн Абдурраззоқ ал-Марғинович бўлиб, унинг олти нафар ўғиллари ҳам фатвога моҳир кишилар бўлишган. Агар у ўғиллари билан кўчага чиқса, одамлар, бир ҳовлидан етти нафар муфтий чиқмоқда, дейишар эди. ³¹ У 477/1055 йилда вафот этган. Ўғилларининг орасида Абул-Маҳосин Захириддин Али ибн Абдулазиз ва Шамс ал-аимма Маҳмуд ал-Ўзжандийлар машҳур бўлишган». ³²

Ўғилларидан бири Али ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ Захириддин ал-Кабир ал-Марғинович бўлиб, фикҳни отаси Абдулазиздан, Али Саййид ибн Шужоъ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамзадан ва Абу Муҳаммад Бурҳониддин ал-Кабир Абдулазиз ва бошқалардан олган. У «Хулоса» китоби соҳибининг она томонидан бобоси саналади. Ундан эса ўғли Абул Маҳосин Захириддин ал-Ҳасан ибн

²⁷ Шамсул-аимма Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аби Саҳл Сарахсий. Мутакаллим ва факих. Энг муҳим асари Ал-Мабсут бўлиб, уни зиндонда турганида айтиб туриб ёздирган. Унинг вафот санаси турлича кўрсатилган бўлиб, энг ишончлиси 483/1090 йил, буни Брокельман (Brockelmann), Хефенин (Heffening) ва Сезгин (Sezginlar) каби шарқшунослар ҳам қабул қилгани айтилган. (The Encyclopaedia of Islam. Edited by P. J. Bearman, Th. Bianquis, C. E. Bosworth, E. Van Donzel and W. P. Heinrichs. V. IX. – Leiden: Brill, 2002. – P. 36.)

²⁸ Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ Шамсул-аимма Ҳалвоий Бухорий. 448/1057 йилда Кеш шаҳрида вафот этган. Бухорога дафн қилинган.

²⁹ Имло сўзи араб тилида «ёздирмоқ» маъносида бўлиб, унга кўра устоз оғзаки айтиб турган дарсни шогирдлар ёзиб боришган. Бу услубни ханафийлар кўпроқ «Имло» деб, шофёрийлар эса аксар вақтда «Таълиқ» деб атайдилар. (Муҳаммад Амин Ибн Обидийн. Шарҳ Манзума Уқуди расм ал-муфтий // «Расоили Ибн Обидийн» тўплами таркибида. 2-рисола. Истанбул: Саодат, 1320. – 17-б.)

³⁰ Абдулҳай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях фи тарожим ал-ханафия» Қозон, 1903. – 75–76-б. Бундан кейин: Абдулҳай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях».

³¹ Абдулҳай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях»... 118-б.

³² Абдулҳай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях»... 201-б.

Али, «Хулоса» китоби муаллифининг отаси Қивомуддин Аҳмад ибн Абдуррашид Тоҳир ибн Аҳмадлар дарс олишган. «Жавоҳирул музиа»да келтирилишича, у Фаҳруддин Қозихон ва «Фатовойи Захирия» мусаннифларининг устози бўлади.³³ Аммо Лакнавий Қозихоннинг устози Заҳириддин ал-Ҳасан ибн Али ибн Абдулазиз ал-Марғинонийдир, унинг отаси Заҳириддин ал-Кабир эмас, деб айтган. Аллома 504 хижрийда вафот этган.

Марғилонлик алломалар орасида шайх ул-ислом Бурҳониддин Марғинонийнинг алоҳида номлари бор. Зеро, бу зоти шарифнинг бекиёс асарлари туфайли Марғилон улкан шарафларга эга бўлган. Бурҳониддин Марғиноний нафақат ҳанафий мазҳаби таълимотини, балки фикҳ илмини ривожлантирган аллома сифатида ўз даврида маълум ва машҳур бўлган. «Ал-Ҳидоя» буюк олимнинг йигирма йилдан ортиқ давр мобайнида олиб борган назарий-амалий тажрибаси маҳсули бўлиб, мазкур асар бир неча асрлар давомида кўп мамлакатларда, жумладан, Марказий Осиёда ҳам ҳуқуқшуносликка доир энг асосий манбалардан бўлиб келди. Ислом ҳуқуқшунослиги асосида иш юритиладиган мусулмон мамлакатлари ҳуқуқшунослигида ҳозирги кунда ҳам бу асардан кенг фойдаланилади. «Сияру аълом ан-Нубало» китобида бу зот ҳақида шундай дейилади:

«Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний Бурҳониддин Абул-Ҳасан ҳанафий алломалардан бўлиб, факих, муҳаддис, ҳофиз, муфассир ва барча илмларда пешқадам бўлган. Машҳур асарлари: Аш-Шайбонийнинг «Ал-жомеъ ал-Кабир» китобига ёзган шарҳи, «Бидоят ул-мубтадий», «Кифоят ул-мунтаҳий», «Ал-ҳидоя» «Ат-тажнис», «Ал-мазид» ва «Мухтор ал-Фатово» бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳанафий фикҳига бағишлангандир».³⁴

Аллома 1123 йилда Рошидон (Фарғона вилоятининг Риштон тумани)да туғилиб, 1197 йилда Самарқандда вафот этганлар. Самарқанд шаҳридаги машҳур Чокардиза³⁵ қабристонига дафн қилинганлар.

³³ Абдулхай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях» ...148-б.

³⁴ Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз (673–748). Сияр аълом ан-нубало. 23-ж. Байрут: Мавсуат ар-рисола, 1992. 21-жилд, 232-б.

³⁵ Самарқанднинг жанубий-шаркида жойлашган қабристон. У ерда машҳур калом (ақида) илми алломаси Имом Абу Мансур Мотуридий ас-Самарқандий ва кўплаб ҳанафий алломалар дафн қилинган.

Аллоганинг фарзандлари «Ал-фусул ал-Имодийя» асарининг муаллифи Имоуддин ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдул Жалил ал-Фарғоний ал-Марғинович ҳам марғилонлик алломалардан бири сифатида машхур. Фикҳни оталаридан ва Заҳириддин ал-Бухорийдан олган.³⁶

Аллоганинг яна бир фарзандлари Умар ибн Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Шайх ул-ислом Низомуддин ал-Фарғоний бўлиб, илмни отасидан олган. «Жавоҳирул-фикҳ», «Ал-Фавоид» ва бошқа асарлари бор.³⁷

Аллоганинг машхур шогирдларидан бири Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад Шамс ул-аймма ал-Кардарий бўлиб, Хоразмнинг Кардар шаҳридан бўлган. «Ҳидояи шариф»ни муаллифдан энг биринчи таълим олиб эшитган. Шамс ул-аймма ал-Кардарийни қози Абу Зайд ад-Дабусий (ваф.430/1038)дан кейин фуруъ ва усулни тирилтирган зот, деб таърифланган. Ўзи ҳам Имом Хоҳарзода (ваф.651/1253), Ҳамидуддин аз-Зарийр (ваф.667/1268), Ҳофизуддин Бухорий (ваф.693/1293) каби олимларга дарс берган. 559/1163 йилда туғилиб, 643/1245 йилда Бухорода вафот этган.

Абдулхай Лакнавий Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Абдулазиз ибн Умар Бурҳониддин ал-Марғинович ҳақида ҳам маълумот бериб, жумладан шундай дейди: «У ханафий фуқоҳоларининг катталаридан эди. Ибн Камол Бошо уни мужтаҳидлардан санаган. Илмни отасидан олган. «Захират ул-Фатово», «Татиммат ул-Фатово», «Ал-Муҳит ал-Бурҳоний фи фикҳи ан-Нўъмоний», «Ал-Воқеот» ва бошқалар унинг машхур асарларидандир», дейилган ва унинг яшаган йилларини 551–616/1175–1220 деб кўрсатилган.³⁸

Марғилонда яна Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф Баҳоуддин Марғинович Абу-л-Маолий ал-Исбижобий ҳам яшаб ўтгани айтилиб, уни Жамолиддин Убайдуллоҳ ал-Бухорий ал-Маҳбубийга устозлик қилгани келтирилган.³⁹

³⁶ Абдулхай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях»... 205-б.

³⁷ Абдулхай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях»... 182-б.

³⁸ Абдулхай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях»... 205-б; «Ал-аълум» 8-жилд. 36-б; Умар Ризо Каҳҳола. «Мўъжамул-муаллифин». Байрут. Дору ихёу туросил арабий. 12-жилд. 147-б.

³⁹ Абдулхай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях»...192-б.

Машхур тарихчи ва сайёҳ Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоний (1113–1167) «Китаб ал-ансоб» («Насаблар ҳақида китоб») номли китобида Марғилонни Фарғонанинг энг машхур шаҳарларидан бири эканини айтиб, бу ерда кўплаб машхур алломалар ўтганини зикр қилади ва жумладан шундай дейди:

«Абу Муҳаммад Умар ибн Аҳмад ибн Абулҳасан ал-Ғандобий ал-Марғиноний, Марғилоннинг Ғандоб қасабасидан бўлиб, у «ал-Фарғоний» номи билан машхур бўлган. У ҳижрий 485/1093 йилда таваллуд топган. Фикҳ илмини қози Маҳмуд ал-Ўзжандийдан олган. Балхда Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Хусайн ас-Симжоний, Абу Али Исмоил ибн Аҳмад ал-Байҳақий ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абдурахмон ал-Хатибдан таълим олган.

Яна бирлари Абу Юсуф ибн Аҳмад ибн Ҳамза ибн Моҳус ибн Моҳ ал-Марғиноний бўлиб, Маккада Абу Али ал-Ҳасан Абдурахмон аш-Шофеъийдан дарс тинглаган. У Сарахсда яшаган ва у ерда 416/1025 йилда вафот этган».⁴⁰

Машхур сайёҳ, географ, адиб ва тарихчи Ёкут Ҳамавийнинг (1179–1229) «Мўъжам ул-булдон» («Мамлакатлар қомуси») номли 14 жилдлик асарида ҳам марғилонлик алломалар ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган:

«Имом Абул-Маъолий Қайс ибн Исҳоқ Муҳаммад ибн Амир ал-Марғиноний фозил кишилар жумласидан эди. Самарқандда яшаган ва шу ерда дарс берган. Ундан Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Журжоний дарс тинглаган. У ҳақида Абу Ҳафс Умар ан-Насафий ривоят қилган. 1132 йили вафот этган ва Самарқанднинг Чокардиза қабристонига дафн қилинган».⁴¹

Марғинонийлар сулоласи билан машхур бўлган фуқаҳолар нафақат Мовароуннаҳр фикҳ илмининг ривожиди, балки илм-фаннинг турли соҳаларида жаҳон илм-фани ривожига катта ҳисса қўшганлар.

Биз марғилонлик фуқаҳолар ҳақида тўхталар эканмиз,

⁴⁰ Абу Саъд ас-Самъоний. «Китаб ал-ансоб» 1-жилд. 337, 354-б; Абу Абдуллоҳ Ёкут ибн Абдуллоҳ Ал-Ҳамавий. «Мўъжам ал-булдон». Дорул фикр. Байрут – 3-жилд, 295-б.

⁴¹ Абу Абдуллоҳ Ёкут ибн Абдуллоҳ Ал-Ҳамавий. «Мўъжам ал-булдон»... 2-жилд. 56-б.

ўз-ўзидан бу борада Фарғона фикҳ мактаби вакиллари ҳам етакчи ўрин тутганларини эслатишни жоиз деб билдик. Бу соҳада ЎзРФА Шарқшунослик институти катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Одилжон Қориевнинг келтирган маълумотлари ишончли.

Усул ал-фикҳ бобида машхур бўлган мазкур мактаб вакилларида бири Абу Бакр ибн Масъуд ибн Аҳмад Алоуддин малик ал-уламо ал-Косоний (ваф. 1191) бўлиб, «Тухфат ул-фуқаҳо» номли асарнинг «ал-Бадоеъ» номли шарҳи муаллифи саналади.⁴² Аллома Алоуддин ас-Самарқандий (ваф. XII аср), Абу Йуср ал-Паздавий, Мажд ал-аимма ас-Сарахсий каби алломалардан таълим олган. Усул ал-фикҳ соҳасида «Султон ал-Мубин фи усул ад-Дин» номли асари маълум. Олимнинг илмий фаолияти анча самарали бўлиб, қатор шогирдларга устозлик ҳам қилган. Шогирдлари қаторида алломанинг ўғли Маҳмуд ал-Косоний ва «ал-Муқаддима ал-Ғазнавийя» асари муаллифи Аҳмад ал-Ғазнавийларнинг исмлари машхур. Алоуддин ал-Косоний Суриянинг Ҳалаб шаҳри яқинидаги қабристонга аёли, етук олима Фотима бинт Алоуддин ас-Самарқандий билан бир жойда дафн этилганлар.⁴³

Фарғона фикҳ мактабининг йирик вакилларида Ҳасан ибн Мансур ибн Маҳмуд Фахруддин Қозихон ал-Ўзжандий (ваф. 1197) ҳақида юқорида маълумот ўтди.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Муҳаммад Бурхониддин ал-Косоний (ваф. XII аср) Фарғона фикҳ мактаби вакиллари орасида фикҳ илмининг фуруъ ва усул қисмларида етакчи аллома сифатида таърифланади. Бу киши Нажмуддин Умар ан-Насафий, Садрул-ислом Абу Йуср ал-Паздавий каби алломалардан таълим олган. Шу билан бир қаторда ўзи ҳам фикҳ илмида юқори даражаларга эришган Ашраф ибн Нажиб ибн Муҳаммад Абул-Фазл ал-Косоний, Шамсул-аимма Муҳаммад ибн Абд ал-Карим ал-Туркистоний каби алломаларга устозлик қилган. Манбаларда бу кишини ал-Косоний нисбасидан ташқари, Самарқанд аҳлидан бўлган, деб ҳам зикр қилинади.

Шу ўринда фикҳ илми асослари соҳасида ижод қилган

⁴² Алоуддин Масъуд ал-Косоний. «Бадоеъ у-саноеъ фий тартиб аш-шароеъ» Дорул кутуб ул-илмийя, Байрут. 1997.

⁴³ Абдулхай Лакнавий. «Ал-фавоид ал-бахийях»... 66-б.

Фарғона, шу жумладан Марғилон фикҳ мактаби олимлари ҳақидаги маълумотларни турли манбалардан топиш ва илмий тадқиқ этиш муҳимлигини эслатиш жоиз.

Зеро, фикҳ илми асослари соҳасининг ривожланишида Фарғона, хусусан, Марғилон фикҳ мактаби олимларининг тутган ўрни ва мазкур соҳада бу мактабнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш нафақат соҳа ривож тарихини ёритишда, балки Фарғона водийсида ўрта асрларда кечган тарихий жараёнларнинг минтақага хос бўлган жиҳатларини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛА ЯШАГАН ДАВР ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ МУҲИТИ

Хонақоҳий Ҳазрат Домла яшаган даврни ўрганишда уни икки қисмга бўлиш мумкин. Унинг биринчи қисми Марғилоннинг Қўқон хонлиги (1710–1876) таркибида бўлган даври бўлса, иккинчиси Чор Россиясига мустамлака бўлган (1876–1917) даври саналади. Шундан келиб чиқиб, уларни ижтимоий-маънавий жиҳатдан кенг ва танг давр деб таърифлаш мумкин. Хонақоҳий Ҳазрат фаолиятлари мазкур икки давр орасида кечган.

Хўш, Марғилон Қўқон хонлиги даврида ижтимоий-маънавий жиҳатдан қандай бўлган?

Тарихдан маълумки, Марғилон яқин минг йиллик даврдан бери илм-маърифат ўчоқларидан бири бўлиб келган. Тарихий асарларда ҳам Марғилон XI–XII асрларда Ўрта Осиёнинг энг буюк шаҳарларидан бирига айланиб, илм-фан ва маданият маркази сифатида машҳур бўлгани, кейинчалик Соҳибкирон Амир Темур ва темурийлар даврида шаҳар Фарғона водийсидаги мавжуд Андижон, Ўш, Хўжанд, Исфара, Косон, Ахси, Марғинович каби етти қасаба (шаҳар)лардан бири сифатида эътироф этилгани таъкидланган.⁴⁴

Шоҳимардонлик шоир Мулло Ниёзнинг ёзишича (1823–1896) XIX асрнинг охирига келиб Марғилон Фарғона водийсининг йирик маданий марказига айланибгина қолмай, балки пойтахт шаҳар сифатида ҳам эътироф этилган.⁴⁵

Марғилонда асрлар давомида тадрижий равишда ривожланиб борган бу илмий-тарихий-маданий жараён табиийки, шаҳарнинг Қўқон хонлиги даврида ҳам серқирра бўлган. Шаҳар ўз маънавий фаоллиги билан ажралиб туришидан ташқари, бу ерда тармоқлашган таълим тизими ва маҳаллий аҳолининг ўзига хос маданий анъаналари мавжуд

⁴⁴ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов. – Т.: «Шарк», 2002. – 35-б.

⁴⁵ Молло Нияз. Санат дигарсттар / Арап тамгасиндан эски жазмадан азыркы тамгага Р. Зулпукаровдун комогу менен кочурген, китеп кылып тузгон жана баш созу менен создукторун, кошумчаларын жазган Омор Сооронов. Бишкек: «Учкун» концерни, 1993. – 82-б.

бўлган. Бу даврда Марғилонда шариат олимлари билан бирга, тариқатнинг машҳур шайхлари, шоир ва адиблар фаолият олиб борганлар. Жаҳон отин Увайсий ва Нодирабегимлар ва бошқа ўнлаб шоир ва адиблар, тарихчилар етишиб чиққани бадиий адабиёт вакилларининг ижоди ҳам сермаҳсул бўлганини кўрсатади. Улар илм-фаннинг турли соҳалари: тарих, адабиёт, шеърият соҳаларида кўплаб қимматбаҳо асарлар яратганлар.

Чунки ўзининг донолиги билан юрт орасида ном чиқарган Норбўтахон ибн Абдурахимхон ибн Абдулкаримхоннинг (тахм. 1749–1798) ҳукмронлик даврида (тахм. 1763–1798) унинг адолатли бошқаруви сабаб хонлик таркибидаги Фарғона халқлари осойишта турмуш кечирган. Табиийки, бундай ҳолат бу ерда маданий ҳаётнинг жадал ривожланишига туртки бўлган. Шу тарзда аста-секинлик билан бўлса-да, Қўқон адабий муҳити (шу жумладан, Марғилон адабий муҳити) ҳам янги қирралар билан шаклланиб, тараккий этиб борган.

Бу даврда айниқса, тасаввуф тариқатининг пирлари бўлмиш Махдуми Аъзам, Хожа Лутфуллоҳ, Абдулқодир Гилоний авлодларининг ҳозир бўлиши бу ерда мусулмончилик анъаналарини янада раванқ топишига катта таъсир ўтказган. Бундай табаррук хонадон вакилларининг Фарғона водийсида истиқомат қилишлари ва уларнинг халқ орасида ва хусусан, ҳукмрон табақалар ўртасида тутган мавқеи, аввало, бу ерда осойишталикни барқарор туришига хизмат қилди. Улар раҳнамолик қилаётган тариқатларнинг таъсир доираси шунчалик кучли эдики, ҳар қандай ҳукмдор ҳам мамлакатни идора қилишда уларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб иш кўришга интилган.

Чунончи, Қўқон хонлари даврида ҳам бундай диний жамоаларнинг салмоқли ўрин эгаллашлари туфайли уларнинг хоҳиш ва истаклари давлат бошқаруви чоғида, албатта инобатга олинган. Норбўтабий ҳам ҳамма соҳа вакиллари билан келишувчилик асосида иш юритиб, давлатнинг равнақиға эриша олган.

Марғилон эса хонлик таркибида нафақат Фарғона музофотида, балки, бутун Ўрта Осиёда обод ва аҳолиси гавжум шаҳарлардан бири саналган. Шунингдек, Марғилон хонлик маркази бўлмиш Қўқон билан чамбарчас боғлиқ ва

ажралмас шаҳар сифатида катта аҳамият касб этар эди. Шу сабабдан ҳам Қўқон хонлиги тарихида Марғилон аҳли бирон мартаба хонларга қарши чиқишлар қилмаган, аксинча, Марғилон хонлар учун вақти келса, бошпана вазифасини ўтаган.

Бу фикрларни Марғилонга ташриф буюрган сайёх Мир Иззатулло ҳам тасдиқлайди. У 1812 йилда Ҳиндистондан Қашқар орқали Марғилонга келиб, бу ерлик аҳоли тўғрисида жуда самимий фикрларни билдирган эди. У жумладан: «Марғилонликлар эътиқод бобида энг аввалги қаторда турадилар. Шаҳарнинг ўзи жуда хушманзара бўлгани сабаблими, унинг одамлари ҳам хушахлоқ ва сертавозедир. Уларнинг каттаю кичиги шариат аҳкомига тўлиқ амал қиладилар», – деб қайд этади.

Аҳолининг мазкур хусусиятларини эътиборга олган хонлар бу шаҳарга энг ишончли кишиларини тайин этганлар. Жумладан, Норбўтабий ҳам худди шундай йўл тутган ва бу ерга ўзининг тўнғич ўғли Муҳаммад Аминбекни ҳоким қилиб қўйган. Айтишларига қараганда, деб ёзади рус тарихчиси В.П.Наливкин, Норбўтабийнинг Марғилондаги ўғли эътиқодли мусулмон эканлиги Марғилон шаҳри ўртасида катта обрў-эътибор қозонишига сабаб бўлган. Бироқ у Норбўтабий ҳаётлик вақтидаёқ оғир хасталиқдан вафот этади. Марғилонга янги ҳоким тайинлаб улгурмасданок, Норбўтабийнинг ўзи ҳам вафот этади.

Норбўтабийнинг вафотидан кейин унинг иккинчи ўғли Олимбек хонлик тахтига келади ва укаси Умарбекни Марғилонга ҳоким этиб тайинлайди. Марғилон аҳли янги ҳоким Умарбекни ҳам иззат-икром билан кутиб олади. Ўз навбатида Умарбек ҳам ўзига кўрсатилган юксак ҳурматга жавоб тариқасида марғилонликлардан ўз меҳр-муруватини дариғ тутмаган. Айниқса, унинг дин пешволари – уламо-ларга самимий муҳаббати бор эди. Бу нарса ҳам ўз-ўзидан бу ерда диний соҳаларнинг ривожига сабаб бўлган. Унинг шундай ишларидан бири Марғилондаги Мўйи муборак зиёратгоҳини бино қилиши эди.

Маълумки дунёнинг кўплаб мусулмон мамлакатларида бўлгани каби Марғилонда ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак соч толалари – Мўйи муборак сақланади. Мазкур муқаддас ашё учун бино

қилинган иншоот Марғилоннинг Хожа Муоз деб аталадиган, аслида Абдуллоҳ ибн Муоз ибн Жабал зиёратгоҳи ёнига барпо қилинган ва бу ерда зиёратга келувчилар учун етарли шароит яратилган.

Марғилондаги мазкур маданий ободончилик ишлари кейинги ҳокимлар даврида ҳам давом эттирилган. Масалан, кейинчалик, яъни 1848 йили Марғилон шаҳрида Элатон уруғига мансуб Ўтамбой парвоначи ҳокимлик қилиб турган кезлари у ҳам Мўйи муборак иншоотини таъмирлаш ишларига катта эътибор берган. У ўзининг холис молига мазкур зиёратгоҳнинг гумбазини бино қилади. Қолган маблағига эса илм ва дин аҳлининг талабига кўра зиёратгоҳ яқинидаги мадрасаи олийни таъмирлайди. Ўтамбой парвоначи бу билан чекланиб қолмай, Мўйи муборак зиёратгоҳининг ҳовлисида зиёратчилар учун зиёратхона, меҳмонхона, дарвозахона қурдиради.⁴⁶

Кейинги хонлар даврида ҳам Марғилон шаҳар ҳаётида маданий-маърифий соҳаларда ўсиш давом этиб турган. Қўқоннинг сўнгги хони Худоёрхоннинг даврида ҳам бунинг ёрқин мисолини кўриш мумкин. Бу пайтда шаҳар ҳокими Султон Муродбек эди. Султон Муродбек – Худоёрхоннинг укаси бўлиб, бу мансабга унинг ўзи тайинлаган эди. 1871 йили Қўқонга ташриф буюрган рус географ олими А.П. Федченко Султон Муродбек хонадонидида меҳмонда бўлиб, хоннинг укаси тўғрисида самимий илиқ сўзларни ёзиб қолдирган: «Султон Муродбек ипакдан тўқилган заррин чопон кийган бўлиб, ёши 35–40 атрофида. Юз тузилиши келишган, ўта мулойим, кишини ўзига жалб қилувчи ажойиб инсон эди».⁴⁷

Айниқса, бу даврда Марғилонда тасаввуф арбобларининг фаолияти ҳам салмоқли бўлган. Шаҳарнинг турли жойларида «Қодирия» «Нақшбандия» тариқатининг йирик намояндалари фаолият олиб борганлар. Улар истиқомат қилган хонақоҳлар доим мурид-мухлислар билан обод бўлган.

Манбаларда XVIII асрга келиб Қўқон хонлиги Бухородан мустақил давлат сифатида яшай бошлаган даврда водий шаҳарларида жумладан, Марғилонда Қодирия ва Нақшбандия тариқатлари ривожланиш палласига киргани

⁴⁶ ЦГА.Узбекистан. Фонд №И-19 Оп. №1, Д. № 34739. № 12

⁴⁷ Бу ҳақда қаранг: Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950.

таъкидланган. Жумладан, Мирзаолим Мушрифнинг «Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин» («Султонлар насаблари ва ҳоконлар тарихлари») номли асарида бу ҳақда маълумотлар бор.⁴⁸

Илм-фан, таълим соҳасидаги тараққиётни эса шаҳарда фаолият олиб борган қатор илм даргоҳлари – мадрасалар, қорихоналар, отин ойи мактабларининг фаолиятида ва бу каби масканларни янгидан бино қилиниши мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бинобарин, айти пайтда нафақат Марғилон балки Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида ҳам давлатманд кишилар томонидан масжид ва мадраса қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, марғилонлик тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилович айтганидек: *«Ушбу замони тинчда Эски Марғилонда ва ҳам Янги Марғилонда Ҳазрат Худованд раҳматидан умид тутиб, газабидан сақлаб қоларми деб, розилик излаб, мадраса ва қорихона, масжид қуриб садақани жория учун ўз дунёи ҳалолани сарф қилиб турган кишилар кўп эди»*.⁴⁹

Биргина 1876 йилда Марғилон шаҳри ва унга яқин мавзеларда 57 та мадраса, 254 та масжид,⁵⁰ 458 та мусулмон мактаблари, шу жумладан 25 та отин ойилар мактаби ва 21 та қорихона бўлгани⁵¹ ва уларда таълим берувчи мударрис ва муаллимлар ўз даврининг маърифатли кишилари эканини инobatга олсак, юқоридаги фикр янада ойдинлашади.

Миддендорфнинг маълумотида кўра, 1877 йилда Марғилон шаҳрида жами 5239 хонадон мавжуд бўлган. Шаҳар тўрт даҳадан иборат. Даҳаларнинг ҳар бирида бозор ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида тахминан 16 тадан маҳаллалар ташкил топган. Мадрасалар – 28 та (417 нафар талабаси билан). Масжид – 214 та (130 нафар мулла, 214

⁴⁸ Остонақулов И. Фарғоналик валийлар. «Мовароуннаҳр», Т., 2001. – 8-б.

⁴⁹ Муҳаммад Азиз Марғилович. «Тарихи Азизий» // Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Д.Сангирова. – Т.: «Маънавият», 1999. Бундан кейин: Муҳаммад Азиз Марғилович. «Тарихи Азизий».

⁵⁰ Бушков В.И. Сельские мечети Среднеазиатского междуречья // Среднеазиатский этнографический сборник. – М.: «Наука», 2001. – С.119.

⁵¹ А.Салмонов, А.Султонов, Н.Алимова. «Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Марғилондаги мактаб ва мадрасалар аҳволи» // Марғилон шаҳри ўтмиши, бугуни ва эртаси мавзусидаги республика илмий семинар материаллари. Фарғона, 2007.

нафар имом, 214 нафар мударрис билан), қорихона – 28 та. Мактаблар – 70 та (780 нафар ўқувчиси билан) бўлган.⁵²

Марғилон маънавий муҳитида салмоқли ўрин эгаллаган таниқли шоирлар Умидий, Фаҳмий, Номий, Насимий, Толий каби шоирларнинг ижодий фаолияти ҳам айни даврга тўғри келган.

Таъкид жоизки, Марғилоннинг бир-икки аср олдинги тарихига доир маълумотлар нафақат маҳаллий тарихчилар, балки хорижлик тадқиқотчиларнинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, француз сайёҳи Мари Бурдон Марғилон тўғрисида кўрган-кечирганларини ўзининг «Париждан Самарқандгача» номли китобида тилга олади:

«Биз... Марғилон шаҳридан ўтдик. Барча уйлари худди ҳаммомли уйларга ўхшаб кетади. Бекчурин⁵³ жанобининг уйи Худоёрхон⁵⁴ нинг уруғларидан бири томонидан қурилган... Серхашам шарқона услубда безалган саройча кенг ва чиройли боғнинг ўртасида жойлашган... Бир катта ҳовузнинг атрофида камиш девор мавжуд. Бу нарса ҳовузда чўмилганликлари учун ўраб қўйилган.

[Марғилонда] бир мусулмон мактабини кириб кўрдик. У Тошкентдагидек муҳташам бўлмаса-да, болалар дарсларни жуда яхши ўқиётган эдилар».⁵⁵

Марғилон Чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин бу ердаги ижтимоий-сиёсий аҳвол аста-секин бўлса-да, ўзгара бошлаган. Чунки Русия Кўкон хонлигини тугатгандан сўнг (1876 йил 16 февраль) унинг худудида Фарғона вилояти тузилиб, у бир неча уезд⁵⁶ларга, уездлар волост⁵⁷-

⁵² Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882. Прибавление X.

⁵³ Солих Бекчурин татар миллатига мансуб. Чор Россия армиясининг «Мусулмонлар батальони» (Мусульманский батальон)нинг штаб капитани бўлган. 1876 йилдан то 1884 йилларгача Марғилон уезд бошлиғи (Уездный начальник) вазифасини эгаллаб турган.

⁵⁴ Худоёрхон Шералихон ўғли. 1831 йилда Кўконда туғилган. 1884 йилда Афғонистоннинг Каррух мавзесида вафот этган. 1845–1875 йилларда (танаффуслар билан) Кўкон хони бўлган.

⁵⁵ Ujfalvy-Bourdon, De Paris a Samarkand. Le Ferghanah, le Kouldja et la Siberie occidentale. Impressions de voyage d'une Parisienne. Paris, Librairie Hachette 1880. p 293-300.

⁵⁶ Уезд – Россияда ва 1929 йилгача собиқ СССРда губерна таркибидаги маъмурий-худудий бирлик.

⁵⁷ Волость – уезд таркибига кирган қуйи маъмурий худудий бўлинма. Туркистон аҳолиси бўлис, вўлис деб юритган. Туркистон генерал-губернаторлиги 5 та вилоят, 27 уезд ва 603 та волостга бўлинган эди. Волостлар 1926 йилги иқтисодий-маъмурий районлаштиришга қадар сақланиб турган.

ларга бўлиниб идора қилинган. Марғилон уезди вилоятда алоҳида ўринга эга бўлган. Марғилон 1876–1926 йилларда Фарғона вилоятининг уезд шаҳри бўлган, сўнгра Фарғона округи миқёсидаги шаҳарга айлантирилган.⁵⁸

Чор Россиясининг ўлкамизга бостириб келиши табиий-ки, аҳоли ўртасида ижтимоий соҳаларда турли парокандаликларни келтириб чиқарган. Бу ҳақда Муҳаммад Азиз «Тарихи Азизий» асарида шундай дейди:

«Тарих 1876 нчи масиҳо йили эди. Хўқанд мулкига ўрусия келиб дохил бўлди. Улар Марғилонни жануб тарафида Сум деган қишлоқнинг ерларини зархарид қилиб (олтинга сотиб олиб), янги шаҳар бино қилдилар ва номини Янги Марғилон деб қўйдилар. ...Ёзоч ўтин қиммат бўлди. Уни кўриб ҳамма дарахтни кўп ўтқазадиган бўлдилар...»

*Баъдаз он тарихи 1898 йил эдики, Фарғонага вагон, яъни оташ ароба, темир йўл бу ҳангомаларни олиб келди. Бу оташ ароба келгандан сўнг Фарғонага ҳар хил ранг ва ҳар дин, миллатдаги одамлар кўп келиб, шаҳар одамга тўлди, еру мулкларининг нархлари неча ҳисса қиммат бўлди...».*⁵⁹

Муҳаммад Азиз хонликлар даврида аҳолининг ижтимоий-маънавий ҳолати ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради:

*«Хўқанд хонларининг вақтида Фарғона аҳоли орасида пул оз эди ва нарх арзончилик эди. Ва лекин одамлар охираат ишини илгарироқ қилиб, дунё ишини кечроқ қилур эдилар. Рўзаи моҳи шарифи рамазонда ҳар ким ифтор қилдурмоққа рағбати тамом қилур ва икки кун илгари ҳаракатга тушар эди. Ййди қурбонда қурбонлиқ қилурга кўп ихлос билан қиладилар. Қайси жойда мусофир ёки мулло бўлса, кўп иззат-икром билан бориб айтиб, олиб келиб ўтқазиб, катта табақларда ош қўйиб, дуосини олмоқ фикрида эди, одам азиз, ош хор эди. Ва лекин олим муллонинг олдида бойлар дунё иши тўғрисида сўзламоққа ҳадлари йўқ эди. Кишиларда силаи раҳм ва шафқату мурувват бор эди».*⁶⁰

Ўтган аср бошидаги жадидлик ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан Ҳожи Муъин (1883–1942) Чор Россияси кйриб келишидан аввалги ҳолатларни эслаб, шундай ёзган эди:

⁵⁸ О разделении Ферганской области на уезды. // ЎЗМДА. И-19-фонд, 1-рўйхат, 10-йиғма жилд.

⁵⁹ Муҳаммад Азиз Марғионий. «Тарихи Азизий»... 66-б.

⁶⁰ Муҳаммад Азиз Марғионий. «Тарихи Азизий»... 252-б.

«Бизнинг ота-боболаримиз авлиё эканми, ёки ўз замонларида уларга Хизр назар қилгон эканмикин, уларнинг даврларидаги хайру баракот, омонлиқ, арзончилик бизнинг замонамизда йўқ. Ёки, уларнинг қилиб кетган ишларини ва солгон иморатларини букун биз қила олмаймиз. Ҳатто улардан нуха-нишона қолгон катта биноларни тоза сақлашдан ҳам ожиз қоламиз. Шундан билинадирким, раҳматлик ота-боболаримизда биз билмаган ва кўрмаган бирор хислат бор экан...»⁶¹

Шундай бўлса-да, Чор Россияси босқинига қадар Марғилонда давом этган ижтимоий-маънавий ҳолат мустамлаканинг аввалги даврида ҳам, оз бўлса-да, ўз маромига сақлаб турган. Чунки Россия мустамлакачилиги диний муассасалар фаолиятига очиқдан-очиқ тазйиқ қилмай, бир муддат, аниқроғи, бу илм масканлари ривожланишига тўсиқ бўлувчи ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни ишлаб чиққунига қадар, ўз ҳолига қўйиб берган эди.⁶² Лекин айтиш ўринлики, Чор ҳукумати маҳаллий бошлиқлари расмий тарзда мазкур муассасаларнинг ишларига тўғридан-тўғри аралашмаса-да, аммо уларни назорат қилишни эътибордан четда қолдирмаганлар.

Бу даврда аҳолининг диний таълим олишга рағбати доимгидек кучли бўлган. Гарчи бу даврда хонликка қарашли ҳудудларда мустамлакачилар ташкил этган рус-тузем мактаблари очилган бўлишига қарамай, аҳолининг асосий қисми мадрасалар, шунингдек, эски усул мусулмон мактаблари, қорихона, отин ойи мактабларида таҳсил олишда давом этаверган.⁶³ Масалан, Чор армияси зобити М.Терентьевнинг қайд этишича⁶⁴ 1869 йилда Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида 6331 маҳаллий – мусулмон ўқув юртлари билан бир қаторда, атиги 89 та рус-тузем ўқув юртлари бўлган.⁶⁵ Бундан мактаб ва мадрасаларнинг тутган ўрни ва

⁶¹ Ҳожи Муъин. «Машраб» 1924, 8-сон.

⁶² А.Салмонов, А.Султонов, Н.Алимова. «Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Марғилондаги мактаб ва мадрасалар аҳволи»...

⁶³ Салмонов А., Султонов А., Алимова Н. «Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Марғилондаги мактаб ва мадрасалар аҳволи»... 46-б.

⁶⁴ Терентьев М. Туркестан и туркестанцы // Вестник Европы. – 1875. №10. 518-б.

⁶⁵ Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мектебы и медресе Средней Азии. – СПб., 1913. С. 41.

аҳолининг ислом илмларига нисбатан муносабати ўз-ўзидан маълум бўлади.

Бинобарин, ўша даврда Марғилон диний муассасалар – мадраса ва мактаблари сони жиҳатидан Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида Фарғона водийсида жойлашган йирик шаҳарлар Қўқон, Андижон, Наманган, Хўжанд ичида юқори салоҳиятга эга бўлган.

Мисол тариқаси айтадиган бўлсак, 1908 йил Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида жами 268 та мадраса мавжуд бўлса, шундан 176 таси Фарғона вилояти йирик шаҳарларида фаолият юритган. Марғилон шаҳрида 25 та мадраса бўлиб, Қўқондан кейин (34) сон жиҳатдан иккинчи ўринда турган. Аммо бошқа манбада эса шу йили Марғилонда мадрасалар сони 51 та, улардаги талабалар сони 1147 тани ташкил қилгани айтилган. Халқ таълими вазирлигининг берган 1910 йил ҳисоботига кўра, 1911 йилнинг 1 январига қадар Фарғонада 93 та мадраса бўлган.⁶⁶

Шундай бўлса-да, юқорида тилга олганимиз мамлакатда пайдо бўлган хилма-хиллик аниқки, маърифат ва зиё аҳлининг фаолиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатган. Уларнинг эрк ва ихтиёри тўла-тўқис ўзида бўлмаган. Ҳар жиҳатдан Оқ подшо маъмурлари билан мураса қилишга тўғри келган. Бу эса табиийки, улар фаолиятини қийинлаштирган.

Лекин мазкур вазият олдида Туркистон зиёлилари, шу жумладан, марғилонлик маърифат аҳли оқилона ва тадбирли иш кўришга эриша олганлар. Хусусан, маноқиб соҳиби Хонақоҳий Ҳазрат Марғинович ва у зот замондошларининг бу борада тутган йўллари таҳсинга лойиқ бўлган. Бунга китоб давомида гувоҳ бўламиз.

⁶⁶ Керенский Ф.М. Медресе Туркестанского края. – СПб., 1892. С. 3–8; Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мектебы и медресе Средней Азии. – СПб., 1913. С. 41; Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. С. 472.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ МАРҒИНОНИЙ

Қадимдан илм-маърифат маскани бўлмиш кўҳна Марғилон шаҳрида яшаб ўтган машҳур зотлардан бири – буюк аллома, етук мутасаввиф, нақшбандия тариқатининг пири муршиди, шайхи комил, мавлоно Муҳаммад Юсуф (баъзи манбаларда Муҳаммад Юсуфхон) Хонақоҳий Ҳазрат – Ҳазин Марғиноний (қ.с.) бўладилар.

Тарихий манбалар бизга у зотни шайх, муршид, аллома, фақиҳ, муфассир, мударрис, шорих, хаттот, адиб ва шоир сифатида танитади.

*Онки Марғинон намоянд ифтихор,
Бар фалак зи анвори он меҳри мунир.*⁶⁷

Мазмуни: «У зот Марғинон аҳлининг фаҳри ва ифтихори бўлиб, илму ирфонларининг нури фалакларга қадар етарди».⁶⁸

Халқ орасида «Ҳазрат Домла», «Хонақоҳий Ҳазрат», «Муҳаммад Юсуфхон Домла», «Ҳазрат Домлоий Хонақоҳий» номлари билан машҳур бўлган бу зот Марғилоннинг Бачқир маҳалласида тақволи новвой хонадониде таваллуд топганлар. (Мазкур маҳалла ҳозирда шаҳарнинг Тошкент кўчасида жойлашган.) Алломанинг вафот йиллари манбаларда аниқ кўрсатилгани ҳолда таваллуд саналари кўрсатилмаган. Аммо, шоғирдларидан Нуриддин маҳдум Зокиржон ўғли ва Миряхё қори Мирбобо ўғлининг маълумотларига кўра, аллома 78 ёшда вафот этганлар. Шунга кўра, 1840 йилда таваллуд топганлари маълум бўлади. Бу Қўқон хони Умархон ибн Муҳаммад Абдулҳамид (Норбўтахон) Баҳодирнинг ўғли Муҳаммад Алихоннинг хонлик даврига (1822–1842) тўғри келади.

Аллома бобомиз ҳақидаги маълумотлар асосан, ўша даврда чоп қилинган баъзи асарлар, шоғирд ва замондошларининг қўлёзмаларида келтирилган. Жумладан, 1912 йилда Тошкентда Ғуломҳасан Орифжонов матбаасида Амо-

⁶⁷ Охунжон қори Водилий. Қўлёзма. 40-бет. Қўлёзма кутубхонамизда №6 рақам билан рўйхатга олинган. Бундан кейин: «№6-қўлёзма».

⁶⁸ Рисола ичида келтирилган таржималар муаллифларники.

ниддин Арабоний ташаббуси билан чоп қилинган «Маҳбуб ул-махбуб» баёзида⁶⁹, Пўлатжон домла Қайюмийнинг «Тазкирайи Қайюмий» асарида, замондошларидан Рожий Марғинович, Номий Марғинович, Абдуллоҳ Марғинович, шогирдларидан Фазлул Ваҳҳоб Мозорий, Охунжон қори – Водилий-Асий (ваф. 1959 йил.), Амониддин Арабоний (ваф. 1946 йил.), Миряхё қори Марғинович (ваф. 1961 йил.), Охунжон қори Марғилович (ваф. 1974 йил.), Муҳаммад Мусо Бекий Полмоний (ваф. 1977 йил.), Абдурахмон Домла – Баҳрий (ваф. 1994 йил.) ва бошқаларнинг қолдирган қўлёзмаларида тарқок маълумотлар бор.

Улар алломанинг ҳаёт ва фаолиятлари, таълим ва тадрислари, мадраса ва хонақоҳлари, вафотларига ёзилган тарих-марсиялар, ижодларига доир қимматли маълумотлар бўлиб, бизга аллома бобомиз билан яқиндан танишишимизга ёрдам беради.

Ёзма манбаларда Хонақоҳий Ҳазрат Домлани қуйидаги сифатлар билан таърифлайдилар: «Аълами аллома» – «олиmlар олими», «кутби замон» – «замон яғонаси», «ҳодийи туллуб» – «толиблар йўлбошчиси» ва бошқалар.⁷⁰

Шогирдларидан Водилда туғилиб Асий тахаллуси билан ижод қилган Охунжон қори Водилий (ваф. 1959 й.) «ҳомийи шаръ» – «шариат ҳимоячиси», «моҳийи бидъат» – «бидъатларни йўқ қилувчи», «шарафи дин» – «диннинг шарафи» каби сифатлар билан зикр қилганлар.⁷¹ Замондошларидан машҳур шоир Хўжажон қози домла Рожий (ваф. 1918 й.) эса:

*Ҳибре ҳамном бо Аби Юсуф,
Вофирул илм фавқол ақрон шуд».*⁷²

Яъни, ҳазрат Абу Юсуфга⁷³ номдош бу зот бекиёс илм соҳиби ва замон муқаддами эдилар, дея таърифлаганлар.

⁶⁹ Баёз – бир ёки бир неча шоир шеърларидан танлаб олинган шеъринг тўплам. Бундан кейин: «Баёз Маҳбуб ул-махбуб».

⁷⁰ «Баёз Маҳбуб ул-махбуб» Тошкент – 1912, 50-б.

⁷¹ Охунжон қори Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

⁷² №6-қўлёзма. 37-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁷³ Абу Юсуф – Яъқуб ибн Иброҳим ал-Кўфий. Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг илмини биринчилардан бўлиб тарқатган. Ҳорун ар-Рашид (786–809 й.) даврида яшаган. Ислом тарихида биринчи марта «Қози ал-қуззот» деб аталган. Имом Абу Юсуф 183/799 йил вафот қилган.

Мазкур таърифларнинг ўзиданок аллома бобомизнинг мақоми нечоғлик юқори бўлганини билиш мумкин.

Ҳазрат Домла бошланғич таълимни Марғилоннинг Гўри Аввал маҳалласидаги мактабда олганлар. Бу тахминан, 1848–51 йилларга тўғри келади. Ўша даврда бу ерда мадраса, масжид ва қорихона бўлган.⁷⁴

Архив маълумотларида Қўқон хонлари даврида Гўри Аввал мадрасаси учун Заркент, Рамадон қишлоқларидаги ерлар вақф қилиб берилгани айтилган.⁷⁵ Мадраса яқинида жойлашган қадимий қабристонга эса кўплаб машхур кишилар дафн қилинган ва табаррук қадамжо сифатида зиёрат қилинган.

Давроннинг аёвсиз зарбалари туфайли бу муборак маскан биноларидан бирортаси бизгача етиб келмаган. Зиёратгоҳ ўтган асрнинг 50-йилларига қадар сақланиб қолган. Бироқ шундан сўнг янги бино қурилиши баҳонаси билан бузиб юборилган. Шундай бўлса-да, зиёратгоҳни кўрган ва у ҳақида эшитган маҳаллий халқ томонидан яқин-яқинларгача унга нисбатан эҳтиром у ёки бу маънода сақланиб қолган. Бу ерлик кекса ёшли кишиларнинг ҳар гал зиёратгоҳ жойлашган ердан ўтиб кетаётиб, юзларига фотиҳа тортиб ўтишлари ҳам шундан.

Бир нарсга эътиборлики, бу эҳтиромни улар фарзандлари қалбига ҳам сингдиришга эришганлар. Бундан, маҳаллий аҳолининг ўз аجدодларига нисбатан эҳтироми англашилади. Жумладан, мазкур маҳаллада яшаган мулла Аббосхон домла Ҳакимхўжа ўғли (ваф. 1960 йил) ҳар гал зиёратгоҳ ҳақида сўз кетганда, суҳбатдошларига унинг атрофидан одоб билан юришни уқтирар эканлар.

Ҳазрат Домла мактабни тугатгач, Хонақоҳга келиб, бу ердаги «Катта ҳазрат» номи билан машхур мавлоно Муҳаммад Карим (қ.с) нинг муридлари қаторида келаётган кўплаб зиёратчиларга хизмат қила бошлайдилар.

Ҳозирги Марғилон шаҳар Хонақоҳ жомеъ масжиди рўпарасида халқ банки биноси ўрнида (Б.Марғилоний кўча 172-уй.) жойлашган мазкур маскан ўз даврида кўплаб

⁷⁴ Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеленский уезд. Составиль С. А. Геппенеръ. Г. Новый Маргелань, 1899.

⁷⁵ Абдулахатов Н, Ғозиев Т. Бурҳониддин Марғиноний. Тарихий ҳақиқат ва асотирлар. Т.: «Янги аср авлоди», 2010. – 19-б.

тариқат шайхлари истикомат қилган муборак жой бўлиб, асрлар давомида бу ерда Марғилон ва унинг атрофига илм ва маърифат нурлари таралиб турган.

Айни пайтда бу ерда Муҳаммад Карим – Катта ҳазрат (қ.с.) тариқат сулукини бошқарар эдилар. Ҳазрат Домланинг бу ерда хизмат қилишларига ҳовлиларининг Хонақоҳга ёнма-ён жойлашгани сабаб бўлган эди. Акс ҳолда, эндигина мактабни тугатган, етарлича илму билимга эга бўлмаган боланинг улуғ даргоҳда хизмат қилишининг ўзи бўлмайди.

Сўнгра Бухорога бориб у ердаги Мир Араб мадрасасида узоқ вақт таълимни давом эттирадилар. Ҳазрат Домланинг айнан, ушбу мадрасага киришлари ҳам устозлар тавсияси билан бўлганини айтиш ўринли. Бундан улар ҳам мазкур мадрасада таълим олгани англашилади. Ҳазратнинг ўзлари ҳам кейинчалик, Бухорога бориш истагида бўлган талабаларни мазкур мадрасага жўнатганлари ҳам шундан. Чунки Ҳазрат Домла фаолиятида устозлар силсиласига содиқлик ва ҳар соҳада улар йўлига эргашиш биринчи ўринда турган, балки бу у зот ҳаётининг маъносига айланган эди.

Абул Қосим Қушайрий айтадилар: «Устозим Абу Али ад-Даққоқ шундай деганлар: «Кимки ўз шайхига хилоф қилса, у бу йўлдан чиқибди».⁷⁶

Ҳазрат Домла мадрасадан қайтганларидан сўнгра шаҳардаги бирор-бир мадраса ва қорихоналарга бормай тўғри Хонақоҳга, ўзлари учун қадрли ўша муборак масканга келадилар. Бу тахминан, 1870 йилларга тўғри келди. Бу пайтда бу ердаги устозлари Катта ҳазрат вафот этган бўлиб, ўрниларида «Калон ҳазрат» номи билан машҳур тариқат шайхи мавлоно Абдулкарим (қ.с.) халифа бўлиб қолган эдилар.

Айтиш ўринлики, мадрасани тамомлаб, етарли илму билимга эга бўлиб қайтган йигитнинг мустақил дарс айтмай, замон алломаси ҳузурига ходим ва шогирд бўлиб келиши Ҳазратдан содир бўлган одоб ва билим натижаси эди. Бу келгусида ўзининг ижобий самарасини берганини кўрамиз. Чунки кейинчалик Ҳазрат Домла замон уламолари ўртасида энг муқаддами бўлганлар.

Алломанинг айни одоб йўлини тутиши табиийки, Хона-

⁷⁶ Абул Қосим Ал-Қушайрий. «Ар-Рисола ал-Қушайрийя» Байрут – 1412/1991. 334-б.

қоҳ шайхлари ва бу ерга келиб-кетувчи кишиларга маълум бўлиб, уларнинг олқишларига сазовор бўладилар. Чунки айни пайтда мадрасани битириб келиши биланоқ мустақил дарс бера бошлаган кишилар Марғилон атрофида оз бўлса-да, топилар эди.

Шу тариқа Ҳазрат Домланинг дастлабки дарс бериш фаолиятлари ҳам шаклланади. Айни пайтда, у зотнинг иқтидор ва салоҳиятини англаган мавлоно Абдулкарим ҳазрат (қ.с.) бу ерда талабалар билан шуғулланишларига имкон яратиб берганлари маълум бўлади. Акс ҳолда, у зот ижозатисиз Ҳазрат Домлани бу ерда дарс айтишини тасаввур қилиш қийин. Абдулкарим ҳазрат (қ.с.) эса асосан, тасаввуф ва ҳол билан машғул бўлиб, талабаларга дарс айтиш ишига ортмасликлари ўз-ўзидан маълум. Келаётган мурид-мухлислар орасида таълим олишга қизиққанлари ҳам бўлган.

Ўз ўрнида бундан мавлоно Абдулкарим (қ.с.) нинг ҳақиқий маърифат соҳиби ва мутаассибликдан йироқ бағрикенг муршид экани англашилади. Айни пайтда, Ҳазрат Домла устознинг бу ишидан ҳурсанд бўлганларини у зот вафотига ёзган марсияда келтирган фикрларидан англаймиз.

Айтиш ўринлики, бошланган мазкур таълим жараёнлари Хонақоҳнинг янги йўналишдаги фаолиятининг муқаддимаси эди. Шунгача бу ерда асосан, тасаввуф арбоблари истиқомат қилиб, фақат тариқат солиқлари билан гавжум бўлган эди.

Шу тариқа, Ҳазрат Домланинг номлари секин-асталик билан танилиб боради. Бу жараён мавлоно Абдулкарим ҳазрат (қ.с.) вафотидан кейин (1884 й.) ўрниларига халифа бўлиб қолганларида ҳам давом этади. Дарвоқе, Абдулкарим ҳазратнинг мақоми юқори эканидан одамлар: «Агар бу зот вафот топса, ким ҳам у зотга халифа бўла олар эди» – дея, ўйлашар, Ҳазрат халифа бўлгач, ҳамма хурсанд бўлган экан.

Муршидлик вазифаси, солиқлар билан ишлаш Ҳазрат Домлани талабаларга дарс беришдан тўхтатиб қўймайди. Балки аксинча, таълим жараёни аввалгидан ҳам кўра кенг кўламда олиб борилади. Ёнларида янги-янги мударрислар пайдо бўла бошлайди.

Аввалига қатнаб туришлик билан дарс олган талабалар, кейинчалик Хонақоҳ ёнига ўзлари учун хужралар бино қилишиб, муқим бўлиб дарс ола бошлайдилар. Секин-аста хужралар сони кўпайиб боради. Бу даргоҳ нафақат тариқат

соликлари балки шариат толиблари учун ҳам қадрли даргоҳга айланади. Бир томонда тариқат соликлари, бошқа томонда толиби илмлар Ҳазрат Домла бошлиқ Хонақоҳ шайхларидан дарс ва суҳбат тинглар эдилар. Ўз-ўзидан бу ер фаолият олиб бориш учун бир оз торлик қилиб қолади.

Пайдо бўлган бу муаммо ўша давр давлатманд кишиларини бефарқ қолдирмайди. Улар бу муаммони ҳал этиш йўлига киришадилар. Чунки ўша давр Марғилон ижтимоий-маънавий муҳити гарчи Чор Россияси ҳукмининг таъсири остида бўлса-да, юқорида айтилганидек, бу каби ишлар учун имкон берар эди.

Биринчилардан бўлиб, ўша давр ғаний кишиларидан Сайид Аҳмад Хўжа Ҳазрат ҳузурларига келиб, хонақоҳ ёнгинасига мадраса қуриб бериш истагини айтади. Лекин Ҳазрат бунга розилик бермайдилар. Бунинг сабаби бизга қоронғи, аммо бу камтарлик юзасидан бўлгани ҳақиқатга яқинроқ. Чунки Ҳазрат Домла фаолиятларини ўрганар эканмиз, у зот ҳаётида мазкур сифат етакчи ўрин эгаллаганини кўрамыз.

Орадан бир йил ўтгач, шу ерлик мухлис кишилардан бири, кўплаб масжид ва мадрасалар бино қилган халқ ўртасида «Исмоил махдум»⁷⁷ номи билан машҳур саховатли савдогар бу ерга катта мадраса қуриб битқзади ва кўярда-қўймай Ҳазратни шу ерга кўчиб ўтиб мударрислик қилишга мажбур қилади. Ҳазрат Домла буни ночор қабул қиладилар.

Ҳазрат Домла мадрасага кўчиб ўтганларидан кейин ўз-ўзидан фаолият доиралари кенгайди ва номлари аввалгидан ҳам кўра кенгроқ ёйилади. Тез орада қўшни шаҳар ва қишлоқларга ҳам етиб, доврўқлари янада зиёда бўлади.

Илм-маърифат аҳли у зотга «Хонақоҳий Ҳазрат Домла», «Домлоий Хонақоҳий» дея мурожат этадиган бўлишади. Мадраса ва хонақоҳнинг шуҳрати «Ҳазрат Домланинг хонақоҳлари» ва «Хонақоҳий Ҳазратнинг мадрасалари» номи билан мадрасалар ўртасида машҳур бўлади. Бу ҳолни у зот ҳузурига келаётган талабалар, муриду мухлис кишилар оқимидан ҳам билиш мумкин.

⁷⁷ Исмоил махдум мулла Муҳаммад Юсуф. «Тарихи Азизий» муаллифи бу шахс ҳақида шундай маълумот келтиради: «Эски Марғилонда таниқлик машҳур кишилардан бири. Кўплаб мадраса ва масжидлар қуриб, уларга вақфлар тайин қилган». Архивдаги «О рассмотренни вакуфного документа мулла Исмаил махзума в Старом Маргилане» номли ҳужжатда 1864 йилдан бошлаб вақфнома берилганлиги айтилган ва 5 кози муҳри билан 1894 йилнинг 9 декабрида тасдиқланган.

Маълумотларда бу ерга бутун Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларидан Озарбайжон, Шарқий Туркистоннинг Қошғар вилояти, Татаристон ўлкасининг Қозон, Уфа шаҳарларидан ҳам мурид ва талабалар келиб таълим олгани айтилган. Ёзма манбаларда бу ҳақда шундай дейилади:

*Дар ҳалқайи тадрис саф-саф ҳама туллоб,
Таҳсили фунун мекардан, босад тараб ашвоқ.
Чун толиби ҳолу қол, зўёки аёлаш бувад,
Аз хони улуми онро, пайваста намуд инфоқ.⁷⁸*

Яъни, саф-саф толиблар у зот ҳузурида турли фанлардан таҳсил илм қиладилар. Илми ҳол ва қол толиблари гўё аҳли аёл каби у зот илм дастурхонидан баҳраманд бўлишади.

*Аз пейи таълими туллоб хаводирони хеш,
Дар маъориф дурафшоний карда монанди кабуд.⁷⁹*

Яъни, сон-саноксиз толиблар суҳбат-таълимларига иштиёқманд ва ташна. Зеро, у зот илму маърифатда дурлар сочилган осмон кабидир.

Марғилонлик шоир ва олим Абдураҳмон Баҳрий (1904–1994) XIX аср охири – XX асрда Марғилонда яшаб ўтган кўплаб уламолар вафотига бағишлаб ёзган марсиясида ҳам мазкур ҳолатга ишора қилган эди.

*Жаҳондин кетти хўблар, кўрди ибрат олмади бу кўз,
Бухорий қори домла, Хонақоҳ ҳазратлари ёлғуз,
Тамоми Марғилон олимлари шогирдлари ҳар рўз,
Келиб таҳсили илм айларди роҳи ҳақиқат сўз,
Бўлубон бизга устоз, бовужуди нешво ўтди.⁸⁰*

Изланиш ва тадқиқотлар шуни маълум қиладики, Ҳазрат Домла фаолият олиб борган давр Хонақоҳ тарихида олтин давр бўлган. Чунки бу ер айтилганидек, нафақат тасаввуф, балки шариат илмлари ҳам ўргатиладиган масканга айланган эди.

Бу даврга келиб Хонақоҳда катта илмий-ижодий жараён вужудга келади. Айни чоғда Марғилоннинг етук шариат олимлари, тариқат арбоблари – шайх ва сўфийлар, тарихчилар, шоир ва адилардан иборат катта жамоа Ҳазрат теграсида жам бўлиб, биргаликда фаолият олиб боришган. Ҳазрат

⁷⁸ Фазлул Ваҳҳоб Мозорий. Р. Файзуллаев кутубхонаси. № 6-қўлёзма. 55-б.

⁷⁹ Мулла Усмон Марғиноний. Р. Файзуллаев кутубхонаси. № 1-ийғма жилд.

⁸⁰ Абдураҳмон Баҳрий. Р. Файзуллаев кутубхонаси. Қўлёзма. 34–38-б.

Домла уларнинг барчасига «маржеъу аҳли замон» («замон аҳлининг пешвоси») бўлиб турганлар.

Қадимдан, дунёнинг барча мусулмон мамлакатларида фаолият олиб борган хонақоҳларда ҳам шу каби ҳолатни кузатиш мумкин. Масалан, мисрлик олим Амин Муҳаммад Муҳаммаднинг берган маълумотига кўра, мамлуқлар султонлиги даврида диний ва адабий мунозара, баҳс ва олимлар орасида фикр алмашиш учун катта шароитлар яратилган. Хонақоҳ, работ, зовияларда бўлиб ўтадиган мажлисларда фақиҳ, валий ва қозилар ҳам иштирок этишган. Бу мажлислар давомида ҳар бир қатнашувчи ўзларида юзага келган саволлар, адабий ва диний мунозаралар ва муноқашаларга жавоб топардилар.⁸¹

Ҳазрат Домланинг фаолиятларида кузатилган, муайян тариқат шайхининг бир вақтнинг ўзида ҳам тасаввуф, ҳам шариат илмидан дарс айтиши янгилик бўлмай, бу каби ҳолат тарихда кўплаб шайхлар ҳаётида кузатилган. Жумладан, Имодуддин фақиҳ (к.с.) ҳам шундай шайхлар жумласидан эди. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да бу зот ҳақида гапириб, шундай дейди: «Агарчи фақоҳат (фиқҳ илми)га машҳурдир, аммо соҳиби важду ҳол эрмиш. Хонақоси ва муридлари бор эрмиш ва самоъ суҳбатига кўп мойил эрмиш».⁸²

Бу ерда юзага келган илмий жараён ўша давр Қўқон адабий муҳитининг йирик вакиллари Фурқат, Муқимий, Ҳазиний, Насимий, Хислат, Муҳйи каби маърифат арбобларининг ҳам диққатини тортган. Буни ўша даврда чоп қилинган «Маҳбуб ул-маҳбуб» баёзида келтирилган маълумотлардан ҳам билса бўлади.

Мазкур баёзда Ҳазрат Домла ва Хонақоҳ илмий жараёни вакилларида Хўжажон Қози домла Рожий, Мирҳайдар домла Толий, Мирхалил домла Бухорий, Амониддин Арабоний, Муҳаммад Мусо Бекий ва бошқаларнинг асарлари Муқимий, Фурқат, Муҳйи, Ҳазиний, Камий Тошкандий, Хислат, Шавкат Афанди ва бошқа шоирлар асарлари қаторида келтирилган.

Баёзда Хонақоҳий Ҳазрат асарларидан намуналар бери-

⁸¹ Амин Муҳаммад Муҳаммад. Ал-авқоф ва-л-хаёт ал-ижтимоийа фий Миср. – Қоҳира: Ал-ҳайъа ал-мисрийя, 1980. 255–257-б.

⁸² Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат» Т., 2001, 478-б.

либ, улар Шарқнинг буюк даҳолари Жомий, Хўжа Ҳофиз, Бедил асарлари қаторида келтирилгани ҳам эътиборлидир.⁸³

Архив ҳужжатлари ва бошқа қўлёзмаларда Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг Хонақоҳ адабий муҳити вакиллари билан алоқаларига доир маълумотлар бор.⁸⁴

Машхур шоир Насимий ҳам Марғилонга келиб Хонақоҳ мадрасасида бир муддат истиқомат қилиб, бу ерда ижод қилган.⁸⁵ Баёзда Тожикистоннинг Хўжанд вилоятидан Фазлул Ваҳҳоб Мозорийнинг Хонақоҳ мадрасасида туриб ижод қилгани келтирилган.⁸⁶

Қирғизистоннинг Аравон қишлоғидан мулла Амоний Арабоний⁸⁷ эса Марғилонга келганида, бу кутлуғ даргоҳ зиёратидан файзёб бўлиб, шу ерда – Ҳазрат қўлларида талаба бўлиб қолганини кейинчалик шундай таърифлаган эди:

*Бешак эрур бул мадраса нурнинг кони,
Толибман деб, файз олмаса йўқдур жони,
Хонақоҳда яхшиларнинг кўпдур сони,
Бул сабабдан Марғинонга келдим, дўстлар,
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*⁸⁸

Ёзма маълумотларда бу муборак масканга кўпдан-кўп таърифлар берилгани ҳам унинг ўз даврида қанчалик равақ топганидан далолат беради.

Бундан ташқари, мазкур жараён вакиллари ўша давр вақтли матбуот нашрларида, жумладан, «Ал-Ислоҳ» журналида⁸⁹ ҳам ўз мақолалари билан фаол иштирок этганлар. Маълум бўлмоқдаки, Хонақоҳ ўз даврида водий шаҳарлари ижтимоий-маънавий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган.

Мазкурларни Чор Россияси бошқаруви остида мам-

⁸³ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб». Тошкент, 1912. – 6,10,23,49-б.

⁸⁴ Фурқат 1886–87-йилларда Марғилонга келиб, Масжиди Жомеъ хужрасида истиқомат қилган. Бу ерда асосан ижод билан машғул бўлиб, шаҳарнинг зиёлилари жумладан, Хўжажон Рожий, Муҳаммад Умар Ҳавоний, Мулла Тошболту Ройиқ каби ижодкорлар билан танишиб, адабий суҳбатлар куради. (Аҳмад ал-Фарғоний номидаги вилоят ахборот кутубхона маркази. Илмий услубият бўлими. Фарғона. 2009.)

⁸⁵ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 51–53-бетлар.

⁸⁶ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 76-б.

⁸⁷ Мулла Амониддин Ўринбой ўғли Амоний. Қирғизистоннинг Ўш вилояти Аравон қишлоғидан. 1946 йилда Андижоннинг Хуррамбек қишлоғида вафот этган.

⁸⁸ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 139–144-б.

⁸⁹ «Ал-Ислоҳ» журнали ойда икки марта чоп этилган бўлиб, 1915–1918 йиллар оралиғида етмиш еттита сони босилиб чиққан.

лакатда юзага келган мураккаб сиёсий жараёнлар даврида вужудга келганини ўйласак, ўз ўрнида катта тарихий воқеа бўлганини англаймиз. Зеро, Хонақоҳ ва унда истиқомат қилган зотлар фаолияти ўша даврда Марғилонда вужудга келган ижтимоий-диний вазиятнинг барқарорлашувида катта аҳамият касб этган. Уларнинг маҳаллий халқ орасида илм-маърифатни шаклланиши ва тасаввуф таълимотининг умуминсоний ғояларини янада чуқурроқ кириб келишида хизматлари катта бўлган.

Ҳазрат Домла бу ерда узоқ вақт (1883–1918), яъни умрлари охиригача истиқомат қилиб самарали хизмат қиладилар. Тариқат сулукини тебратиб, юзлаб муридлар ва талабалар тарбиялайдилар. Бу ҳақда шундай дейилади:

*Посбони боғи миллат, ҳукрони мулки дин.
Пешвои соликону шаръи Аҳмадро мадор.⁹⁰*

Яъни, бу масканда миллат боғининг посбони, дин мулкининг раҳбари, солиқлар пешвоси ва гўё дини Аҳмаднинг таянчи бўлмиш зот бор.

Мадрасада талабалар сонининг кўплиги кейинчалик Марғилон ва унга қўшни шаҳар ва қишлоқлар ижтимоий-маънавий, диний-маданий ҳаётида ўзига хос нуфузга эга бўлган хонақоҳийлар сулоласини узоқ вақт давом этишига сабаб бўлди. Ўрганиб чиқилса, бугунги кунда водий шаҳар ва қишлоқларида фаолият олиб бораётган кўплаб диний ва маърифий жараён вакилларининг силсиласи Хонақоҳ мадрасасига бориб уланишини кўриш мумкин.

Сўнгги юз йилдан ортиқ давр мобайнида Марғилон ва унинг атрофида яшаб, муқаддас динимиз ривожига хизмат қилган уламоларнинг кўплари, асосан, Хонақоҳ мадрасаси талабалари бўлишган. Жумладан, Мулла Муҳаммадҷон Асака домла (ваф. 1937 й.), Мавлоно Ҳожи Каримҷон домла (ваф. 1944 й.), Абдулмўмин қори (ваф. 1940 й.), Зайнобиддин маҳдум (ваф. 1935 й.), Абдулҳамид маҳдум (ваф. 1950 й.), Фозилҷон маҳдум Сулаймон Хўжа эшон (ваф. 1955 й.), Мулла Ёқубҷон Абдулҳошим ўғли (ваф. 1951 й.), Охунҷон қори Водилий (ваф. 1959 й.), Мулла Аббос-

⁹⁰ Охунҷон қори Водилий. Қўлёзма, 135-б. Мазкур қўлёзmani биз марғилонлик Зикриё қори мерослари орасидан топиб, №7 рақам билан кутубхонамизга жойлаштирганмиз. Бундан кейин: «№7-қўлёзма».

хон қори (ваф. 1960 й.), Миряхё қори домла Мирбобо ўғли (ваф. 1961 й.), Абдулкарим махдум домла (ваф. 1962 й.), Нуриддин махдум почча (ваф. 1962 й.), Абдулкарим махдум (ваф. 1962 й.), Зикриё қори домла (ваф. 1966 й.), Мулла Умаржон сўфи (ваф. 1968 й.), Абулқосим охунд (ваф. 1968 й.), Акрамхон Тўрам (ваф. 1968 й.), Мулла Алижон Охунд Муҳаммадҷон ўғли (ваф. 1970 й.), Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний (ваф. 1973 й.), Соли қори домла (ваф. 1973 й.), Мулла Тоштемир охунд (ваф. 1973 й.) Мулла Аҳмадали охунд домла (1974 й.), Соли Ҳожи домла (ваф. 1974 й.), Мулла Муҳаммадали махдум (ваф. 1974 й.), Охунҷон қори Марғилоний (ваф. 1974 йил.), Мирза Маҳмуд қори (ваф. 1975 й.), Турсун бобо махдум (ваф. 1975 й.), Мадқосим қори (ваф. 1980 й.), Абдурахим қори Шоқир қори ўғли (ваф. 1980 й.), Абдулғофур охунд домла (ваф. 1981 й.), Нусратуллох охунд Абдуллаҷон ўғли (ваф. 1982 й.), Мулла Акбарали охунд (ваф. 1984 й.), Мулла Зиёвуддин охунд (ваф. 1984 й.) ва бошқалар номини келтириш мумкин.

Изланишлар давомида биз Хонақоҳ мадрасаси ва талабалари фаолиятига доир кўплаб маълумотларни топишга муваффақ бўлдикки, уларнинг ҳар бири алоҳида бир китоб бўлишга лойиқдир.

Ҳазрат Домла фаолиятларининг сўнгига келиб Хонақоҳ биноси бир оз торлик қилиб қолади. Шу туфайли 1914/1333 йилда Ҳазрат бошчилигида Хонақоҳнинг янги биноси қайта қурилади. Бу ҳақда шундай дейилган:

*Аз сарваши мавж баҳр ҳиммати як комилӣ,
Зуд шуд юмни жилва соз чаши тоқ устувор.*⁹¹

Яъни, бу маскан бир марди комилнинг ҳиммати сабаб тез фурсатда қад ростлаб, фалак остида устувор бўлди.

Ҳазрат Домла фаолиятларининг сўнгги тўрт йили Хонақоҳнинг мазкур янги биносида ўтган. Шарқона кўринишда қурилган мазкур бино ҳозиргача ҳам яхши сақланган.

Хонақоҳий Ҳазрат Домла Туркистон замини Чор ҳукумати томонидан босиб олиниши туфайли ижтимоий соҳада хилма-хилликлар вужудга келаётган пароканда даврда яшаганлар, дея таъкидлаб ўтдик. Бу табиийки, халқнинг

⁹¹ №7-қўлёзма. 135-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ижтимоий-маънавий ҳаётига салбий таъсир кўрсатган ва унинг кўп йиллик тадрижий маромига жиддий ҳалал берган.

Шундай пайтда ўз-ўзидан халқни воқеалар таъсирига тушмай бир меъёрда «ушлаб» туриш зарурати пайдо бўлади. Бундай хизматлар Исҳоқхон тўра Ибрат айтганидек, «албатта, ҳар бир замонда уламолар зиммасига тушган». Ўзбек давлатчилиги тарихида бунинг мисолини кўплаб кўришимиз мумкин.

Шайбонийлар, ғазнавийлар ва темурийлар ва сўнги хонликлар даврида ҳам шундай бўлган. Масалан, яқин тарихимизда ўтган Қўқон хонларидан амир Умархон ҳам ўз фаолиятида асосан, уламолар фикри ва улар фатвоси билан иш кўргани манбаларда тилга олинади.⁹²

Тарихнавис Сомийнинг маълумотларига қараганда⁹³, Бухоронинг биринчи амири Амир Шоҳмурод ҳам бошқарув фаолиятини (1785–1800) уламоларнинг фатвоси асосида олиб борган ҳамда айнан, унинг даврида ҳуқуқ манбаси бўлмиш суннага сезиларли даражада амал қилинган. Шоҳмурод нафақат таълим жараёнида бошқа фуқароларнинг ҳам ислом ҳуқуқи нормаларини билишликка даъват этиш билан бирга, уларга кенг имтиёз ва имкониятлар яратиб берган.

Жумақули Хумулийнинг таъкидлашича, амир Шоҳмурод фикҳшунос олимлар ва вилоят бекларидан амирликнинг барча ҳудудларидаги масжид ва мадрасаларда аҳолига ҳақиқий ислом ҳуқуқи нормаларига асосланган одат ва мажбуриятларни тушунтиришни ҳамда уларнинг шаръий ҳуқуқий билимлари даражасини янада оширишни талаб қилган.⁹⁴

Умуман олганда, қадимдан нафақат илм аҳли, балки тасаввуф ва тариқат пешволари, улуғ орифлар халқимизнинг ахлоқий тарбияси, маънавий-маърифий камолотига катта таъсир кўрсатган. Шоҳу шахзода, амиру беклардан тортиб, ҳунарманд ва шоиргача сўфийларга эътиқод қўйиб, уларни Аллоҳнинг азиз бандалари ҳисоблаб ҳурмат қилганлар. Чунки тасаввуф аҳли халқимиз назарида поклик ва ҳақсеварлик, донолик ва заковат, илоҳий асрордан бохабарлик тимсоли

⁹² Исҳоқхон тўра Ибрат. Танланган асарлар. – Т.: «Маънавият», 2005. – 97–98-б.

⁹³ Мирза Абдал Азим Сами. Тарихи Салатини-и мангитийа (История мангытских государей). / Пред. Л.М.Епифановой. – М.: Вост. литер., 1962. – С.52.

⁹⁴ Хумулий. Тарихи Хумулий: Қўлёзма Ўз ФА ШИ, инв. №37/VI. 221-а ырақ.

сифатида танилган.⁹⁵ Марказий Осиё халқлари маънавияти ва тафаккури тарихида бундайин зотлар муҳим ўрин эгаллаган.

Шу нуқтаи назардан, агар синчиклаб ўрганилса, Марғилонда вужудга келган мазкур ижтимоий жараёнлар чоғида Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг хизматлари катта бўлганини кўриш мумкин. У зот ўзларининг суҳбат ва чиқишларида, ваъз ва насихатларида халқни ислом таълимоти устида мустаҳкам туришга, жамиятда пайдо бўлаётган хилма-хилликлар олдида чалғимасликка чақирганлар.

Тўғри, Ҳазрат Домла маҳаллий ҳукумат вакилларининг ишига аралашган ёки бирор расмий хизматда турмаганлар, балки у зот тарихчи Муҳаммад Азиз таъкидлаганидек, «амал ишига ҳеч аралашмай, мадрасаларда дарс айтиб ётган кишилар», жумласидан бўлганлар. Шундай бўлса-да, мавжуд ижтимоий муҳит мўътадиллигида Ҳазрат Домла ва у зот сафдошларининг ўрни бекиёс бўлган.

Шаҳарнинг барча зиёли кишилари, ҳатто шаҳар беклари ҳам ҳар бир муҳим ишда кўпроқ Ҳазрат Домла маслаҳатига таяниб, у зот кўрсатмалари билан иш кўришган. Ёзма маълумотларда:

*Муқими хизмати олияш, чу Қайсару Доро,
Дарин замона агар мезананд по басарир.*

*Ҳазор шоҳи замона Сикандари Жамшид,
Ба пеши адлу жалолаш, яки гулому ҳақир, —⁹⁶*

яъни, бу замонда Қайсар ва Доро каби султонлар ҳам у зот хизматининг ходими бўлиб, унинг камоли олдида Искандар⁹⁷нинг камоли ҳам қосир, деб айтинг. Минглаб замон Искандари ва Жамшиди⁹⁸ у зот адолати ва улуғлиги олдида ҳақир бир ғулом кабидир, мазмунидаги сўзларда айни маънолар назарда тутилган.

Бошқача айтганда, мавжуд ижтимоий соҳаларнинг парокандалиги Ҳазрат фаолиятига таъсир ўтказа олмаган. У зот атрофларида бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга «чалғимай»,

⁹⁵ Абул Қосим Қушайрий. «Ар-Рисола ал-Қушайрийя»... 36-б.

⁹⁶ Бекий Полмоний. «Девони Бекий». Қўлёзма. 1384/1954 йил. 256-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси. Бундан кейин: «Девони Бекий».

⁹⁷ Искандар – Эроннинг Каёнийлар сулоласининг машҳур подшоҳи.

⁹⁸ Жамшид – Эроннинг қадимги подшоҳларидан бири.

бутун умрларини дин хизматига бағишлайдилар ва зим-маларидаги улкан масъулиятни мукамал адо этадилар. Марказий Осиё шаҳарлари орасида ўз нуфузига эга бўлган Марғилонда давом этиб келаётган исломий маданият таназзули яқинлигини англаган ҳолда кўплаб шогирдлар чиқариш орқали илм-маърифат нурлари узоқ вақтгача порлаб туришини таъминлай олдилар.

Шу ўринда Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг ижтимоий соҳадаги фаолликларига сабаб бўлган жиҳатлар устида тўхталиб ўтсак. Айтилганидек, у зот фаолиятида расмий доиралар билан алоқалар сезиларли даражада кўзга ташланмасда, лекин хонлик ҳудудидаги шаҳар-қишлоқларда фаолият олиб борган тариқат шайхлари ўртасида алоҳида нуфузга эга буюк тариқат шайхи бўлганлар. Шунини ўзиёқ, у зотни аҳоли ўртасидаги мавқеларини кўрсатади.

Иккинчидан, у зотнинг халифа ва шогирдлари Қошғар, Хўжанд, Бухоро, Тошкент, Косон, Ўратепа, Қўқон, Наманган каби йирик шаҳарлар бўйлаб тарқалганини кўрамиз. Айниқса, улар орасида турли миллат вакилларини ҳам бўлиши аҳамиятли.

Улар мазкур ҳудудларда нақшбандия тариқатига амал қилиш билан бирга устозлари анъаналарига содиқ ҳолда у зот таълимоти ва насихатларини ҳаётга татбиқ этганлар. Биз буни шогирдларидан Охунжон қори Асий Водилий, Амониддин Арабоний, Идрис халифа Обшерий фаолиятида яққол кўришимиз мумкин. Бу нарса ўз-ўзидан улар етиб борган ҳудудларда Хонақоҳий Ҳазрат Домла назарий қарашларини кенг ёйилишини таъминлаган.

Учинчидан, мударрислик фаолиятлари тақозосича атроф қишлоқ ва шаҳарларда очилаётган масжид-мадрасаларга имом-хатиб ва мударрислар етказиб беришлари у зот нуфузини янада қулоч ёйишини сабаб бўлган.

Тўртинчидан, Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг асарларини чоп қилиниши, айниқса, «Сийға» дарслик китобларини Тошкентда чоп этилиб, мактаб-мадрасаларда қўлланиши бу борада алоҳида аҳамият касб этган.

Бешинчидан, ўша даврларда чоп қилинган турли баёзларга Хонақоҳий Ҳазрат Домла асарларидан намуналар киритилиши, асарларининг қўлёзма нусхаларини маҳаллий

аҳоли ўртасида кенг тарқалиши ҳам бу соҳада катта таъсир ўтказган. Айниқса, 1912 йилда Тошкентда чоп қилинган «Баёз Махбуб ул-махбуб» бу борада муҳим ўрин тутди.

Олтинчидан, Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг Бухоро, Наманган, Кўкон адабий муҳити вакиллари билан ўзаро илмий-амалий алоқалари мазкур ҳудудларда истиқомат қилувчи зиё ва маърифат аҳли ўртасида нуфузларини ошишига сабаб бўлган.

Шогирдларининг орасида иқтидорли шоирларни ҳам мавжуд экани, зиё аҳли ўртасида уларга мансуб баёз ва девонларнинг қўлёзма нусхаларини тарқалиши, уларда устозлари Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг номлари алоҳида тилга олинishi бу соҳада мустаҳкам ўрин эгаллаган.

Мазкурларнинг барчаси ижтимоий соҳаларда Хонақоҳий Ҳазрат Домла таъсир доирасининг кенг бўлганидан далолат беради. Аслида, Нақшбандийа тариқатига хос хусусиятлардан бири ҳам унинг муайян бир минтақага боғланиб қолмай, балки бутун мусулмон диёри бўйлаб кенг тарқалганлигидадир.⁹⁹

Айниқса, алломанинг ўша даврда Чор ҳукумати томонидан халқ орасига қўйилган миссионерлар¹⁰⁰ ва уларнинг кирдикорига қарши ўта хушёрлик ва огоҳлик билан жавоб қилишлари диққатга сазовор. Чунки ўша даврлардаёқ, миссионерлар маҳаллий халқ орасига суқилиб кириб, турли йўллар билан уларни диний ва миллий қадриятларидан узоқлаштиришга ҳаракат қилишар ва бу билан бу ерга келиб жойлашаётган мустамлакачи гумашталарини янада мустаҳкам ўрнашишига имкон яратмоқчи бўлишар эди.¹⁰¹

Ҳазрат Домланинг буюк хизматларидан бири, диёримизда узоқ даврлардан бери келаётган суннийликдаги ҳанафий мазҳаби софлигини сақлаш, уни турли бузғунчи оқимлар ва

⁹⁹ Юлдашходжаев Хайдар Хашимханович. Мусохон Даҳбедийнинг нақшбандийа-муҷаддийа тариқати ривожидида тутган ўрни (XVIII аср). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент – 2008, 10-б.

¹⁰⁰ Миссионер ва миссионерлик – ушбу сўз лотин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер эса «вазифани бажарувчи» деган маъноларни англатади. Миссионерлик эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуини билдиради.

¹⁰¹ Бу ҳақда қаранг: Эгамназаров А. «Сиз билган Дукчи Эшон». – Т.: 1994.– 48-б; Сидкий Хондайликий. Танланган асарлар. Т.: «Маънавият», 163-б.

бидъатлардан ҳимоя қилишлари эди. Маълумотларда Ҳазрат Домлани шаръий қоидага зид ҳар қандай янгилик ва бидъатга қарши муросасиз бўлганлари айтилган.

*Ҳомийи шаръи шариф, моҳийи расму бидаъ,
Кошифи сирри Илоҳ, маҳрами даргоҳ бувад.*¹⁰²

Яъни, у зот шаръи шарифни ҳимоя қилувчи, бидъату хурофотларни ўчирувчи, илоҳий сирлар қошифи ва Ҳақ даргоҳининг маҳрами эдилар.

Шу туфайли, Ҳазрат Домла кўлида таълим олган талабалар орасида Аманий таъкидлаганидек: «*Зоҳир тузук, кўнгли бузуқ муллоси, бир дона ҳам бежоси*», бўлмаган.

Булардан ташқари, Хонақоҳий Ҳазратнинг шахсий камолотлари ҳам юксак бўлган. Аллома тинимсиз меҳнат ва риёзат туфайли маърифат ва ҳол (тасаввуфда сўфийлик мартабаларидан бири)да юксак мартабага етадилар. Аллоҳ таоло бу зотга ладуний илм (Аллоҳ томонидан бевосита бериладиган илм) ато қилган эди. Бу ҳақда Хонақоҳ мадрасаси талабаларидан мулла Усмон Марғинович шундай дейди:

*Соҳиби илми ладун, сарвари аҳли ҳунар,
Ҳазрати устоди кулл, орифи биллоҳ бувад.*¹⁰³

Яъни, у зот ладуний илмлар соҳиби ва барча фазилат эгаларининг сарвари бўлиб, орифи биллоҳ эдилар.

Ҳазрат Домла нақшбандия пирлари силсиласида ўттиз тўртинчи пир бўладилар. Кўплаб кароматлари зоҳир бўлган.

*Дар тариқат Боязиду, Нақшбанди Бухорий,
Бувад безанн он киромий, дар замони нек худ.*¹⁰⁴

Яъни, у зот тариқатда замонасининг Боязиди¹⁰⁵ ва Нақшбанди каби эдилар.

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг назм майдонидаги маҳоратлари ҳам салмоқли бўлган. Аллома «Ҳазин» («Ғамгин») таҳаллуси билан ижод қилганлар. Ҳозиргача кўплаб ғазал, мухаммас, рубоий ва тарихларини топишга

¹⁰² №6-қўлёзма. 45-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

¹⁰³ Мулла Усмон Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-ийғма жилд.

¹⁰⁴ Мулла Усмон Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-ийғма жилд.

¹⁰⁵ Абу Язид (Боязид) Тайфур ибн Исо ибн Сарушон Бистомий. Ҳижрий 161/785 йили Бистомда туғилган. Тайфурия сўфийлик тарикатининг пири-муршиди. 251/875 йилда Бистом шаҳрида вафот қилган

эришдик. Асарларининг ғоявий-бадий мазмуни қадимдан тасаввуф намояндалари учун хос мавзу – комил инсон ғоясидир.

Аллома ўз ижодида Шарқнинг буюк шоирлари Жомий,¹⁰⁶ Ҳофиз,¹⁰⁷ Хисрав Дехлавий,¹⁰⁸ Бедил,¹⁰⁹ Нодира ғазалларига мухаммаслар боғлаганлар. Шунини ўзиёқ, аллома асарларининг илмий даражасини кўрсатади. Ёзма маълумотларда: «фасоҳатда беназир», «балоғатда бемисл», «маърифатда беҳамто» дея, келтирилган таърифлар мазкур фаолиятларига берилган баҳодир.

Ҳазрат Домланинг насрдаги ижодлари ҳам ўзига хос бўлиб, бу соҳада мударрислик фаолиятлари тақозосича, кўпроқ дарсликлар таснифига эътибор қаратганларини кўрамай.

Хонақоҳий Ҳазрат Домла 1918 йил рамазон ойининг ўнинчи куни Марғилон шаҳрида 78 ёшда вафот этганлар. Бу ҳақда шундай дейилади:

*Рухаш даҳум рамазон, шуд бол кушо тайрон,
Аз корки тақйид, то боргоҳи итлоқ.¹¹⁰*

Яъни, покиза руҳлари рамазоннинг ўнинчисида бу чигал дунёдан воз кечиб, қодир зот даргоҳига қанот қокмоқ учун ҳозирлик кўрди.

Ҳазратни Хонақоҳ ёнгинасидаги қадимий қабристонга икки устозлари ёнига дафн қилинган. 1928 йилда янги йўл қурилиши муносабати билан қабрлари кўчирилиб, Сармозор қабристонига олиб борилган. Ҳозирда табаррук зиёратгоҳдир.

¹⁰⁶ Абдурахмон Жомий – (1414 йил Жом вилоятининг Харгарда даҳасида туғилиб 1492 йили Ҳиротда вафот этган) форс-тожик адабиётининг лирик намояндаси, гениал шоир, мутафаккир олим, Навоийнинг яқин дўсти ва устози. Фалсафа, тарих, адабиёт, тил, музыка, муаммо, аруз, шеърят ва бошқа соҳаларда юзга яқин асарлар муаллифи.

¹⁰⁷ Хожа Ҳофиз Шерозий – Шамсуддин Муҳаммад (1321) буюк форс шоири. Ундан бир девон қолган. Ҳофизнинг макбараси Шероздаги Мусалло боғида.

¹⁰⁸ Хисрав Дехлавий – (1253, –1325, Дехли) Яминуддин Абулҳасан Амир – Хисрав Дехлавий номи билан машҳур шоир, адиб, мутафаккир.

¹⁰⁹ Мирзо Абдулқодир Бедил. Форс-тожик мумтоз адабиётининг йирик вакили. 1644 йилда Хиндистоннинг Азимобод шаҳрида дунёга келган. Араб, форс, хинд, урду тилларини мукамал билган, Шарқ халқлари адабиётини, тасаввуф ва юнон фалсафасини атрофлича ўрганган. Унинг фалсафий фикри бойлигидан Туркистонда «Абулмаъоний» («Маънолар отаси») деган ном олган. 1721 йилда вафот этган.

¹¹⁰ Фазлуд Ваҳҳоб Мозорий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 7-қўлёзма. 86–90-б.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ ИСМ ВА УНВОҲЛАРИ

Изланишлар давомида биз турли қўлёзма ва чоп қилинган асарларда Хонақоҳий Ҳазрат Марғиновичнинг исм, унво, тахаллус ва кунялари ҳақида турли маълумотларни учратдик. Уларнинг ҳаммаси ўттиз икки хилдан ошадди. Бу, у зотни фазилатини белгилашдан ташқари, замондошининг эҳтиромини ифодалайди.

Исмлари Муҳаммад Юсуф (баъзан, Муҳаммад Юсуфхон) экани юқорида айтилди. Бу исмнинг улуғ ва мўътабарлиги ҳаммага маълум. Бадриддин ал-Айний¹¹¹ «Саҳиҳ ул-Бухорий»нинг шарҳи «Умдат ул-қорий»да мазкур исмнинг фазилатига доир қимматли маълумотларни келтириб ўтганлар.¹¹²

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Фарзандларингизга исмимни қўйинглар...»¹¹³ дея, айтган муборак тавсиялари машҳур ҳадис китобларида келтирилган. Қадимдан мусулмон уммати ўз пайғамбарлари соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббат тақозосича, фарзандларига бу муборак исмни танлаганлар.

Дикқат билан кузатилса, ушбу исмга мушарраф кишилар ахлоқида мазкур исмнинг маънавий таъсирини кўриш мумкин. Тарихда ўтган кўплаб буюк зотлар, жумладан, Имом Бухорий,¹¹⁴ Имом Термизий,¹¹⁵ Имом

¹¹¹ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Мусо Абу Муҳаммад Бадриддин Ал-Айний, Ал-Ҳанафий (762/1361–855/1451) Буюк аллома, муаррих, муҳаддисларнинг катталаридан. Асли Халабнинг Айнтоб кишлоғида туғилиб, Миср, Дамашк, Қуддусда яшаган. Машҳур асарларидан ўн бир жилдлик «Умдат ал-Қорий лишарҳил Бухорий», икки жилдлик «Маонил ахёр фи рижоли маонил осор», «Иқдул жимон фи тарихи ахлил азмон», «Ал-биноя фи шарҳи Ҳидоя», «Шарҳи сунани Аби Довуд» ва бошқаларни келтириш мумкин. <http://www.ahlalheeth.com>.

¹¹² Абу Муҳаммад Бадриддин Ал-Айний Ал-Ҳанафий. «Умдат ал-Қорий лишарҳил Бухорий». 24-ж., 79-б.

¹¹³ Мазкур ҳадисни Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Ибн Мажалар турли санад ва лафзлар билан ривоят қилишган.

¹¹⁴ Имом ал-Бухорий. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Муғййра ибн Бардазбех. Ҳадис илмида «Имом ал-муҳаддисин» («муҳаддислар имоми») баъзан, «Амир ал-мўминин фи-л-ҳадис» («ҳадис илмининг султони») деб эътироф этилган буюк муҳаддис аллома. 194/810 йилда Бухорода туғилганлар. Йигирмадан ортиқ асарлар ёзганлар. 256/870 йилда Самарқанда вафот этганлар.

¹¹⁵ Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн аз-Заҳҳок Абу Исо ас-

Ғаззолий,¹¹⁶ Баҳоуддин Накшбандий,¹¹⁷ Шайх Фаридиддин Аттор¹¹⁸лар (уларга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) ҳам бу қутлуғ исмга соҳиб бўлганлар.

Самарқанднинг Чокардиза қабристониди исми «Муҳаммад» бўлган тўрт юз ҳанафий алломалар дафн қилингани, бу ерни алоҳида эҳтиром билан, «Турбати Муҳаммадийин», яъни, «Муҳаммад исмли уламолар туфроғи», деб, аташгани бежиз эмас. «Жомеъу каромот ал-авлиё» («Авлиёлар кароматлари») китобининг муаллифи Исмоил Набҳоний мзкур китобида «Муҳаммад» исмли 245 нафар авлиё номини келтирган.¹¹⁹ Ҳатто мазкур исм охират куниди ўз эгаларининг фойдасига сабаб бўлиши ҳам айтилган.¹²⁰

Тарихда мазкур исмга мушарраф бўлиш алоҳида фазл саналган. Бу ҳақда табақот муаллифлари алоҳида тўхталиб ўтганлар. Жумладан, мавлоно Абдулҳай Лакнавий «Ал-фавоид ал-баҳиййа» номли китобларида шундай дейдилар: «Ал-Қорий «Табақот»да айтишига кўра, Муҳаммад исми уч марта кетма-кет келган кишилар ҳанафий фуқаҳолардан «Муҳит» китобининг соҳиби Ризоуддин, шофеъийлардан Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад хужжатул-ислом Ғаззолий ва Шамсиддин ал-Жазарийлардир».¹²¹

Лекин Лакнавийнинг ўзи ҳанафий фуқаҳолар орасида

Сулламий аз-Зарийр ал-Буғий ат-Термизий. Буюк муҳаддис аллома. 209/824 йилда Термиз яқинидаги Буғ кишлоғида туғилганлар. Имом Бухорий, Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож, Абу Довуд ва бошқа кўплаб буюк муҳаддислардан ҳадис тинглаганлар. Машхур асарларидан олти саҳих ҳадис тўпламларидан бири сифатида эътироф этилган «Сунан ат-Термизий», «Аш-Шамоил ан-набавийя», «Китоб ат-тарих» ва бошқа кўплаб асарлари мавжуд.

¹¹⁶ Хужжат ул-ислом Муҳаммад Абу Ҳомид ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ғаззолий ат-Тусий – буюк қомусий олим. 450/1058 йилда Хурсоннинг Тус (Ҳозирги Эрон давлатининг Машҳад шаҳрида жойлашган.) шаҳрида туғилганлар. Бағдоддаги Низомийя мадрасасида мударрислик қилганлар. Кўплаб мўътабар асарлар яратган. 505/1111 йилда вафот этганлар.

¹¹⁷ Хожа Баҳоуддин Накшбанд. 1318 йилда Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувонда туғилиб, 1389 йилда шу кишлоқда вафот этганлар. Сўфийликдаги нақшбандия тариқати асосчиси саналдилар. Тариқат одоби ва илмини Сайид Амир Кулол ҳазратларидан олганлар.

¹¹⁸ Шайх Фаридиддин Аттор 513 хижрийда Нишопурда туғилиб, 627 йилда вафот этган. Тасаввуф шайхи. «Тазкират ул-авлиё» номли асарлари машхур.

¹¹⁹ Юсуф Набҳоний. «Жомеъу каромот ал-авлиё». Байрут, 2005. – 133–212-б.

¹²⁰ Сайид Аҳмад Сайид Зайний. «Тақриб ал-усул литаҳсил ал-вусул» Миср. Матбаъ ал-баййина. 1403-х, 87-б.

¹²¹ Абдулҳай Лакнавий. Ал-фавоид ал-баҳиййа... 300–301- б.

этилган¹²⁶ бўлсалар, асарларида «Мулла Муҳаммад Юсуф-хон Домлойи Марғиноний» деб кўрсатилган.¹²⁷ Бу ҳақда Пўлатжон домла Қайюмий «Тазкираи Қайюмий» асарида қуйидагича маълумотлар келтирган:

«Бу киши тўзрасида Марғилон шоирларининг бир нечаларининг ашъорларини тўплаб, Оний (Амоний, муаллифлар.) деган киши ўрта қўлда бир баёз вужудга келтирмиш. 1915 (1912, муаллифлар.) йилда литографияда босдирилмишдур. Бунда бир неча тожик тилида мухаммаслар ва туркий газаллар Мавлоно Ҳазиндан намуналар ёзилмишдур. Сарлавҳада тубандагича тавсифлар бордур. Айнан: «Аз ламъаи табъи хуришид мавлоно Шайх ул-ислом ва устодуно ал-киром ал-Марғиноний ал-мутахаллис Ҳазин салломаҳу ал-Муъин» деб ҳурмат ила ифодалаб кўрсатадур. Ҳурмат юзасидан номларини айтмайдур. Англашиладурки, бу шоир улуғ мударрис олим ва фозил ва муришид бўлуб, ҳаммага маълум кишидур. Шайх ул-исломлик рутбасида бўлмишдур.

Баёзни тўплаган киши ҳам шогирдларидан бўлиши эҳтимол, тутуладур. Тожик тилидаги Жомийга айтган пайравлари кўздан кечирилганда кучли шоир экани кўринадур.

Феодализм даврида Марғилондами ўтгани ё бошқа жойда нашъу намо этса ҳам Марғилонга нисбат берилгани кўринадур. Кўп кишилардан ҳам сўраб, бир жавоб ололмадик. Лекин шул баёзда юқоридагича сарлавҳа остидаги бир ашъорда Ҳазин тахаллуси ўрнида Юсуф деб тахаллус кўринади. Агар бошқа бўлмаса шоир бошда ўз номини қўйгани ҳам бўладур. Кўп шоирларда гоҳо ўз номида тахаллус ижро этиш одати учрайдур.

*Марғилон фозилларидан Муфаззалхон махдумнинг 13 август... тарихли баёнотларига кўра шоир Ҳазиннинг номлари домла Муҳаммад Юсуф бўлуб, 1924 (1918, муаллифлар.) йилда мадрасадаги Хонақоҳ дарсхонасида 73 (78, муаллифлар.) ёшида вафот эмишлардур».*¹²⁸

Этибор берилса, Қайюмийнинг келтирган маълумотларида бир оз чалкашликлар мавжуд. Бу мазкур маълумотлар шошилиш йиғилганини кўрсатади. Шундай бўлса-

¹²⁶ Абдулқодир Марғиноний. №12-қўлёзма. 202-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

¹²⁷ «Сийға» Тошкент. Ильин босмахонаси. 1912.

¹²⁸ Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: Акад. Қаюмов А. Уч жилдлик. – Т.: «ЎзРФА Қўлёзмалар институти тахририй нашриёт бўлими», II жилд. 1998. 348–351-б. Бундан кейин: «Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий».

да, мазкур маълумотлар Хонақоҳий Ҳазрат Домла ҳақида эълон қилинган бирдан-бир расмий маълумотдир. Биз китобда мазкур хатоларни тўғрилаб келтиришга ҳаракат қилдик.

Кўлёзма асарларда

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг исм ва унвонлари:

– *Фасоҳат ва балогат соҳиби Мулла Муҳаммад Юсуфхон Домлоий Марғинович;*¹²⁹

– *Ҳурматли устодимиз ва муришидимиз ва Хожамиз (Аллоҳ у кишини саломат қилсун) Марғинович;*¹³⁰

– *Ҳурматли муаллимимиз ва муришидимиз «Ҳазин» тахаллусли шайх ул-ислом Марғинович;*¹³¹

– *Ҳазратимдан кўргай назар қадди хамлар;*¹³²

– *Камина ҳақирул фақир гуноҳкор кўзларим билан кўрган ва ҳозирда олами фонийдан олами боқийга риҳлат қилган уламоий изом, муришидлар ва саййидлардан Марғиновичдан кўрганларимдан, «Илми ҳол ва илми қол эгаси Ҳазрат Домла;*¹³³

– *Камина Бекий жаноб устозим ва пирим, қутби дунё, мавлоно Муҳаммад Юсуф Марғинович Хонақоҳий;*¹³⁴

– *Устозимиз ва муришидимиз Ҳазрат Домлоий Хонақоҳий раҳматуллоҳи алайҳ;*¹³⁵

– *Марҳум Муҳаммад Юсуфхон Ҳазрат Хонақоҳий;*¹³⁶

– *Ҳазрат ваҳиди замон, фариди даврон, эшон шайх ул-ислом Домлоий Муҳаммад Юсуфхон алайҳи раҳмату вал гуфрон;*¹³⁷

– *Муҳтарам устодимиз мавлоно орифи раббоний ва маъруф бил Марғинович;*¹³⁸

¹²⁹ «Сийға» Тошкент, Ильин босмаҳонаси.1912.

¹³⁰ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»...12-б.

¹³¹ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 49-б.

¹³² Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»...114-б.

¹³³ Абдуллоҳ Марғинович. Кўлёзма, 20-б. Изланишлар давомида асли Андижоннинг Чинобод туманидан келиб, бу ерда истиқомат қилиб қолган Муҳаммад Али охунд Муҳаммад Содик ўғли (1881–1974) мерослари орасида учратганимиз мазкур кўлёмани №12-рақам билан кутубхонамизга жойлаштирганмиз. Бундан кейин: «№12-кўлёман».

¹³⁴ «Девони Бекий». 1-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

¹³⁵ «Девони Бекий». 13-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

¹³⁶ Р.Файзуллаев кутубхонаси.№1-ийғма жилд.

¹³⁷ №6-кўлёман. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

¹³⁸ №6-кўлёман. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

- *Шайхи комил Ҳазрат халифа Муҳаммад Юсуфхон қуддиси сирруху;*¹³⁹
- *Ҳазрат Мавлоиймиз розияллоҳу анху;*¹⁴⁰
- *Шафқат соялари жудо бўлмасин устозимиз;*¹⁴¹
- *Ҳазрат устодимиз (қ.с.);*¹⁴²
- *Ҳазрати устод Марғинович раҳматуллоҳи алайҳ;*¹⁴³
- *Домла Муҳаммад Юсуфхон шайх ул-исломи замон;*¹⁴⁴
- *Ҳазрат жаноби шайх ул-ислом яъни, ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга ҳамном бўлмиш, Ҳазрат Домла.*¹⁴⁵

Хонақоҳий Ҳазрат Домла шайх ул-ислом

Кўриниб турганидек, кўп ўринларда Хонақоҳий Ҳазрат Домлани «шайх ул-ислом» унвони билан келтирилган. Пўлатжон Домла Қайюмий ҳам: «*Шайх ул-исломлик рутбасида бўлмишдур*», – деб ёзган эди.¹⁴⁶ Марғилонлик таниқли шоир Абдурахмон Фаҳмий (ваф.1899 й.) ҳам «шайхи замон»га байъат қилдим, дея зикр қилган.

*Инобат айладим шайхи замонга,
Бузургон бузурги ҳазрат эшонга.*¹⁴⁷

Шу ўринда «шайх ул-ислом» рутбаси ҳақида маълумот бериб ўтсак. «Шайх ул-ислом» – муайян мамлакатда ислом ташкилотлари бошлиғи – диний унвон. Фаҳрий унвон сифатида Х асрдан у ёки бу фақиҳ ёхуд сўфийга нисбатан ишлатилган. XIII асрдан кейин мунтазам суратда қўлланилган. Бухоро хонлиги, Туркия (XVI асрдан 1924 йилгача) ва бошқа давлатларда шайх ул-ислом – энг олий диний лавозим».¹⁴⁸

«Шайх ул-ислом» минтақамизда Амир Темур асри-

¹³⁹ Абдулқодир Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №20-қўлёзма.

¹⁴⁰ №6-қўлёзма. 45-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

¹⁴¹ Зикриё кори Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №3-қўлёзма. 32-б.

¹⁴² Миряхё кори Марғинович. Баёз. Қўлёзма.4-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси. Мазкур қўлёзма Миряхё кори мерослари орасидан топилиб №21-рақами остида шахсий кутубхонамизда рўйхатга қўйилган. Бундан кейин: «№21-қўлёзма.»

¹⁴³ Мажруҳ Ҳақирул Ибод Ёзёвоний. Қўлёзма.1340 хижрий. 62-б.

¹⁴⁴ Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 1-йиғма жилд.

¹⁴⁵ «Девони Ғурбатий» /Тўплаб нашр қилувчи Алишер Бек. «Фарғона» нашриёти, 2008. 3–6-б. Бундан кейин: «Девони Ғурбатий».

¹⁴⁶ Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 348–351-б.

¹⁴⁷ Фаҳмий Марғинович. Девон. Қўлёзма.16-бет. Мазкур қўлёзма ҳозирда шоирнинг авлодларида қўлида сақланади. Бундан кейин: «Девони Фаҳмий».

¹⁴⁸ Абдулаҳатов Н, Ғозиев Т. Бурҳониддин Марғинович: Тарихий ҳақиқат ва асотирлар. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010. – 52–53-б.

дан бошлаб давлат девони қошида давлат миқёсида қабул қилинган фатволарни тафтиш этиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга рутба (мақом, унвон) сифатида берилган.

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» номли йирик асарининг ўн биринчи фаслни «шайх ул-ислом» тўғрисида» деб атаб, жумладан шундай дейдилар:

«Шайх ул-ислом – мусулмонлар пешвоси бўлиб, мусулмонлар унинг йўлидан боришлари лозим. Бундай одам етук олим бўлмоғи, ислом динини ҳимоя қилмоғи ва унинг тарғиботчиси бўлмоғи даркор. У даргоҳга яқин, шариат қонунидан чиқмовчи, фақирликка қаноат қилувчи, поклик йўлини тутувчи, ёмон-яхши кишиларга бирдай шафқатли, катта-кичикка бир хил – фақат тўғри йўл кўрсатувчи, шариат қонунларида мустаҳкам ва барқарор турувчи, ҳар қандай бидъатчининг бидъатини йўққа чиқарувчи, файзли ва обрўли одам бўлмоғи шарт. Шундай бўлгандагина уни «шайх ул-ислом» деса бўлади».

Биз Ҳазрат Домла фаолиятларини синчиклаб ўрганадиган бўлсак, келтирилган шартларнинг барчаси у зотда мавжуд эканини кўрамиз. Аммо фуқаҳолар наздида шайх ул-ислом алоҳида унвон бўлиб, уни кимларга берилиши ҳақида Мавлоно Абдулхай Лакнавий қуйидагиларни айтадилар:

«Шайх ул-ислом» унвони буюк фуқаҳолар ва катта уламолар ўртасида пайдо бўлган низо ва тортишувлар чоғида мушкул маслаларни ечиб, уларга фатво беришга лаёқатли кишиларга нисбатан ишлатилган. Мазкур унвон билан бешинчи ва олтинчи ҳижрий санада яшаб ўтган бир неча буюк зотлар машҳур бўлишган. Улардан шайх ул-ислом Абул Ҳасан Али ас-Саъдий, шайх ул-ислом Ато ибн Ҳамза ас-Суғдий, шайх ул-ислом «Хулоса» китоби муаллифининг бобоси Али ибн Муҳаммад ал-Исбижобий, шайх ул-ислом Абдуллашид ал-Бухорий, шайх ул-ислом «Ҳидоя» китобининг муаллифи Бурҳониддин Али ал-Марғиноний, шайх ул-ислом Маҳмуд ал-Ўзжандий ва бошқалар».¹⁴⁹

¹⁴⁹ Абдулхай Лакнавий. Ал-фавоид ал-бахийя... 299-б.

Исмларга ишора

Мавзу Хонақоҳий Ҳазрат исмлари борасида кетар экан, қадимдан диёримиз алломалари ўртасида шаклланган бу борадаги гўзал одат ҳақида тўхталмоқчимиз. Улар ўзаро мактуб ва ёзишмаларда мурожаат этилаётган шахс исмини ҳурмат ва эҳтиром юзасидан очиқ айтмай, ишора йўли билан баён қилганлар.

Хонақоҳий Ҳазрат Домлага ҳам замондошлари айна тарзда мурожаат қилганларини кўрамиз. Бу ҳақда Пўлатжон домла Қайюмий: «...*ҳурмат ила ифодалаб кўрсатадур. Ҳурмат юзасидан номларини айтмайдур*», – дея таъкидлаб ўтган эди.¹⁵⁰

Айни пайтда Ҳазратнинг ўзлари ҳам замондошларига мурожаатларида мазкур услубни қўллаганларини кўрамиз. Жумладан, Марғилонда туғилиб, шу ерда фаолият олиб борган, кейин Маккага ундан Мадинага ҳижрат қилиб, ўша ерда яшаб қолган машҳур олим Охунжон қори Номийга юборган мактубларининг бирида шундай деганлар:

*Наҳну ла нусаммийка ижлалан ва тақриматан,
Ва қадрукал мутаъолий ан зока юғнийна.*¹⁵¹

Яъни, биз сизнинг исмингизни очиқ айтмадик ва иззат-эҳтиром юзасидан ишора билангина кифояландик. Чунки, қадрингизни буюклиги бундан (яъни, исмингизни очиқ айтишдан) бизни беҳожат қилди. Номий жавоб мактубида шундай деганлар:

*Ва наҳну нусаммийка таъзиман ва таъмиятан,
Азиза Мисрин ва ман бил ҳавзи юрвийна,
Исмул-ҳабиби вас-сиддиқи, аса-а биҳима,
Минал-азаби Илаҳул-холқи юнжзийна.*¹⁵²

Яъни, биз исмингизни таъзим ва муаммоли (кинояли) қилиб, шундай айтамыз: «Миср Азизи, (яъни, Юсуф алайҳиссалом), ва ҳавзи кавсардан сероб қилувчи зот (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом) нинг исми. Бири маҳбуб пайғамбар, яна бири сиддиқ сифатли пайғамбар исми. Шо-

¹⁵⁰ Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 348–351-б.

¹⁵¹ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 58-б.

¹⁵² Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 58-б.

ядки, бу икки исм сабаб оламлар Парвардигори бизга азобдан нажот берса.

Бу ҳол Ҳазрат Домла вафотига ёзилган марсияларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, мулла Усмон Марғинович Ҳазрат исмига куйидагича ишора қилган:

*«Номии поки он жанобе бил киноя гуфтаам,
Ҳаст «Азизи Миср», бешак: «Молики асҳоби жуд».*¹⁵³

Яъни, ул жанобнинг покиза номини киноя билан айтсам, «Миср Азизи» («Юсуф алайҳиссалом») ва «саховат аҳлининг султони» («Муҳаммад алайҳиссалом») исмларидир. Охунжон қори Асий Водилий эса шундай келтирганлар:

*Он самиййи ҳабиби ҳазрати Ҳақ,
Мутахаллиқ бахулқи бузрукон.*

*Ҳам самиййи азизи Сиддиқаст,
Божамолу камолу сирри аён.*¹⁵⁴

Яъни, бузруклар ахлоқи билан хулқланган, зоҳиру ботини гўзал у зот Ҳақнинг ҳабиби («Муҳаммад алайҳиссалом») ва «Сиддиқи Азиз» («Юсуф алайҳиссалом») га номдош эдилар.

Бу ҳолни замондошлари Хўжажон кози Рожий асарларида ҳам учратиш мумкин.

Маълум бўлмоқдаки, қадимдан одоб ва ҳурмат рамзи бўлган мазкур анъанага Марғилон алломалари жиддий амал қилганлар. Улар учун устозлар номини айтиш, ҳатто, хатга ёзиш ҳам одобсизлик саналган. Бугун мазкур анъанани унутилиб кетгани ачинарли.

¹⁵³ Мулла Усмон Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 1-йиғма жилд.

¹⁵⁴ №6-қўлёзма. 50-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг ота-оналари ҳақида кўп маълумотга эга бўлмасак-да, бизгача етиб келган улар ҳақидаги баъзи хабарларнинг ўзидан ҳам уларнинг маънавий қиёфаларини билсак бўлади. Умуман, Ҳазрат ота-оналари ҳақида: «Улар Ҳазрат Домладек зотга ота-она бўлиш бахтига муяссар кишилар», дейиш мумкин. Чунки инсон дил меваси бўлмиш фарзанднинг маънавий камоли ота-онанинг икки дунёдаги саодатидир.

Оталари новвойлик касби билан машғул бўлиб, фарзандларини ҳалол меҳнат билан тарбия қилган эканлар. У зотни илм аҳлига, хоссатан, Хонақоҳда фаолият олиб бораётган шайхларга эҳтиромлари айрича бўлганини фарзандлари Хонақоҳий Ҳазратнинг юксак камолидан ҳам билса бўлади. Чунки: «Кимки, фарзанди олим бўлмоғини истаса, уламоларга хизмат қилсин, фарзанди олим бўлади, борди-ю, фарзанди бўлмаса, набираси бўлади»,¹⁵⁵ дейилган сўз тажрибада синалган. Бунга уларнинг ҳовлиси Хонақоҳга ёнма-ён жойлашгани сабаб бўлган. Бу ўз-ўзидан, у ердаги шайхларга хизмат қилиш имконини берган. Бу ерда бўладиган турли тадбирлар – хатмона, ифторлик ва бошқа анжуманларда улар каби хунармандларга эҳтиёж тушиб турган.

Ўрганиб чиқилса, ўз даврида Хонақоҳга нафақат илм-маърифат аҳли, балки, турли соҳа вакиллари ҳам ўз меҳнати билан иштирок этишга интилганини кўрамиз. Бу бир томондан, бошқа томондан эса бу маҳаллий аҳолининг эътиқоди, илм аҳлига муҳаббати сифатида эътиборга молик. Шу тўғрисида, бу ерда зиёлилардан ташқари, хизмат қилиш учун келган оддий фуқароларни, молиявий кўмак беришга келган кўнгилли кишиларни, талабаларга хизмат кўрсатувчи қосиб-хунармандларни, ҳатто халқ орасида «хароботий» дея аталадиган дарвеш-девоналарни ҳам учратиш мумкин эди. Барчага «бағрикенг» бўлган Хонақоҳ уларни ўз ичига сиғдира ол-

¹⁵⁵ Шайх ул-ислом Имом Бурхониддин Зарнужий. «Таълим ул-мутааллим»... 22-б.

ган. Энг қизиғи, бу ерда уларнинг ҳар бирига яраша хизмат топилиши эди.

Ўрта аср тарихчиси Мақризий Мисрдаги энг яхши хонақоҳлардан бири «Байбарсий» хонақоҳи ҳақида гапириб, уни Қоҳирадаги энг чиройли ва кенг хонақоҳлардан бири эди дея таъкидлар экан,¹⁵⁶ ва у ердаги ички тартиб ва ташкилий тизим ҳақида ҳам қимматли маълумотлар келтиради.

«...Шунингдек, (хонақоҳда) сўфийлар йўқлигида хонақоҳ хавфсизлигини таъминлайдиган ходим ҳам бўлган. Хонақоҳларда шакар, шарбат, дори-дармон, сўфийларни даволаш учун каҳҳол (кўз табиби), сувларни алмаштириб турувчи ваккод, фаррош, йиғиб-терувчи сокий бор эди. ...Хонақоҳда ошхона бўлиб, ошпаз сўфийлар учун овқат тайёрлаган, меъёрида таом ва унга қўшиб нон берилган. Шунингдек, рамазон ойида, Курбон ҳайити ва ашууро кунларида ҳар йили агар хонақоҳ шайхи лозим топса, ширинликлар тарқатилган.¹⁵⁷

Биз Мақризийнинг маълумотини бежиз келтирмадик. Агар биз диққат билан кузатадиган бўлсак, Марказий Осиё ҳудудларида фаолият олиб борган хонақоҳларда, шу жумладан, биз тилга олган Марғилондаги Хонақоҳда ҳам шу каби ҳолатлар мавжуд бўлганини кўрамыз. Бу қадимдан дунёнинг турли мусулмон мамлакатларида шаклланган хонақоҳларнинг ички тизимида бир-бирига ўхшашлик бўлган, деган хулосани келтириб чиқаради. Масалан, Ҳазрат Домланинг хонақоҳларида ҳам кўп қатори ҳунар ва касб аҳлининг хизмати беқиёс бўлган. Талабаларнинг кавуш-маҳсисини ямаш, китобларга мукова қилиш ва бошқа хизматлар улар зиммасига тушган.

Тарихий манбаларда ҳам қадимдан мадрасалар қошида кутубхоналар ҳам мавжудлиги айтилиб, талабалар бу ерда ўзлари қизиққан турли адабиётлар билан танишишлари мумкинлиги айтилган. Хонақоҳлар атрофида ва асосан, бозорларда фаолият олиб борган китоб дўконларида эса мадраса талабалари учун зарурий дарслик китоблар савдоси ташкил қилинган. А.Хорошхин бу билан боғлиқ хотира-

¹⁵⁶ Мақризий Такий ад-дин. Китоб ал-Мавоъиз ва-л эътибор би зикр ал-хутат ва-л-осор. 4-ж. Булок: Кастон виит, 1906–1908. – 274-б.

¹⁵⁷ Моҳир Суъад. Масожид Миср. 3 жилдлик.– Қоҳира: Дор ал-фикр ал-арабийа, 3-ж., 170-б.

ларини Тошкент мисолида гапириб, шаҳарда 11 та китоб дўкони бор эди,¹⁵⁸ дея хабар берар экан, китоб дўкони вазифасини шаҳарларда мавжуд муқовасозлик устахоналари ҳам ўтаганини айтади.

Бундай устахонанинг шаҳар маданий ҳаётида тутган ўрни хусусида Самарқанддаги шундай устахонани кузатган Ю.О. Якубовский XIX асрда: «Муқовасозлик устахонаси одатда толиби илмлар учун китоб дўкони ва ҳатто кутубхона вазифасини ҳам ўтаган», – деб қайд этади.¹⁵⁹

Биз Хонақоҳ мадрасаси қошида мавжуд бўлган бу каби дўкон ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлмасак-да, аммо мадраса талабаларининг шу каби дўконларда турувчи кишилар: саҳҳофлар, сотувчилар билан алоқаларига доир маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, Охунжон қори Водилийнинг ёзмаларида шундай сўзлар бор: *«Беш сўм мулла Усмон саҳҳофда «Кашф ул-асрор» учун турибдур. Мулла Аҳмад ҳожига етти танга берурман «Урват ул-вусқо» учун. Маҳдумчага ўн икки танга қоғоз учун берурман. Мир Аҳмаджонга етти танга бердим. Қолганини Ҳазрат Домламга еткурдим»*.¹⁶⁰

Мазкур сўзлардан яна шу нарса маълум бўлмоқдаки, у ерда хизмат қилаётган кишиларнинг кўплари кўнгилли кишилар бўлиб, талабаларни моддий имкониятларини эътиборга олиб, уларга ҳар жиҳатдан имкон яратиб беришган.

Ҳазрат Домланинг оталарини бу ерда қилган самимий хизматлари ўз натижасини берган. Шайх ул-ислом Имом Бурҳониддин Зарнужийнинг айтишича, буюк аллома шайх ул-ислом Ҳалвонийнинг ҳам илмда юксак мақомга етишларига оталарининг муҳаббати сабаб бўлган. Оталари Аҳмад ибн Наср фақир киши бўлиб, ҳолвапазлик ва ҳолва сотиш касби билан шуғулланган эканлар. Тез-тез талабаларни тўплаб, уларга ҳалво тарқатар ва: «Боламини ҳақиқага дуо қилинглар, олимлардан бўлсин», деб айтар эканлар. Отанинг дуо-илтижоси, беғуноҳ болаларнинг тилаклари зое кетмаган.

¹⁵⁸ Хорошхин А.П. Очерки Ташкента // Сборник статей., касающихся до Туркестанского. края А.П. Хорошхина. – Спб., 1876. – С. 86.

¹⁵⁹ Якубовский Ю.О. Переплетное ремесло у туземцев Самарканда // Справочная книжка Самаркандской области. Самарканд, 1896. – Вып. IV. – С. 61.

¹⁶⁰ Мохир Суъад. Масожид Миср... 170-б.

Фарзандлари кейинчалик ҳанафий фикҳининг буюк аллома-ларидан бирига айланган.

Алломанинг тўлиқ исми Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ Шамсул-аимма Ҳалвоний Бухорий. Машҳур мужтаҳидлардан ҳисобланган аллома ўз даврида катта таъсирга эга фақиҳлардан бўлиб, унинг фикҳ илмини Ҳусайн ибн Али Насафийдан олгани, 448/1057 йилда Кеш шаҳрида дунёдан ўтиб, Бухорога келтирилиб дафн этилгани, машҳур ва катта ҳажмли «Мабсут», «Китоб ан-наводир» каби асарлар битгани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Муҳаммад ибн Аҳмад Шамсиддин Заҳабий (1274–1347) «Сияр аълом ан-нубало» асарида ёзишича, Ҳалвоний ҳанафийлар пешвоси бўлган. Ундан Шамсул-аимма Сараҳсий, Фахрул-ислом Паздавий, укаси Садрул-ислом Абулюср, Шамс ул-аимма Бакр ибн Муҳаммад Заранжарийлар илм олганлар.

Ҳазрат Домланинг оналари ҳақида ҳам шу каби илик сўзларини айтиш мумкин. Айтишларича, оналари Ҳазрат Домлани гўдаклик чоғида эмизаётиб, ҳар гал «Ёсин» сура-сини тиловат қилиб, эмизар эканлар. Бундан онанинг оқила, доно ва шу билан бирга маърифатли аёл экани англашилади.

«Маноқиб Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий» асарида келтирилган маълумотга кўра, Фарғона водийсида туғилиб, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган уламолардан бири, нақшбандия тариқатининг Махдуми Аъзам Косонийдан кейинги энг йирик вакили Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (1487–1571)нинг оналари ҳам фарзандларига бирор марта таҳоратсиз кўкрак тутмаган эканлар.

Ҳазрат Домла оналарининг тақвоси ҳақида шогирдлари Миряхё қори домладан нақл қилинган қуйидаги воқеа ибратли. Айтишларича, кунларнинг бирида Қўқондан имом Раббоний авлодларидан бўлган Миён Сотиболдихон эшон Ҳазрат Домла зиёратига келадилар. Дастурхон ёзилиб, меҳмонларга об-таом берилгач, Миён ҳазрат сўз бошлаб: «Бу ерда Ҳазрат дастурхонидан нон еб турган кишиларни осмонда учиб юрмаганига ҳайронман», – дейдилар.

Бундай дейишларига сабаб, ўша пайтда Ҳазрат Домланинг оналари ҳаёт бўлиб, фарзандларига нонни ўзлари тайёрлаб берар ва ҳар гал хамир қоришдан аввал, бир ғул ва

бир таҳорат олиб, сўнгра қорар эканлар. Буни каромат йўли билан билган у зот шундай баҳо берган эканлар.

Мазкурлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хонақоҳий Ҳазратнинг маънавий камолотида ота-оналарининг хизматлари алоҳида ўрин тутган. Тўғри, бу соҳада Ҳазрат Домланинг тинимсиз меҳнат ва доимий риёзатлари ҳам муҳим бўлгандир, лекин фарзанд қалбида бу каби ишларга муҳаббатни шакллантирган шахслар аввало ота-она эмасми?!

Бу борада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзлари машҳур. «Ҳеч бир ота-она фарзанди учун гўзал тарбиядан ҳам кўра яхшироқ нарсани мерос қолдира олмайди».¹⁶¹

«Тухфат ул-Аҳвазий»нинг муаллифи Муҳаммад ал-Муборакфурий мазкур ҳадисни шарҳлар экан, ҳатто чиройли тарбия қуллари султонлар мартабасига кўтаради, дея таъкидлайдилар.¹⁶²

¹⁶¹ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. «Сунани Термизий». Дорул кутубул илмийя. Байрут, Лубнон. 7-ж., 430-б; Аҳмад ибн Ханбал. «Муснад ул-Имоми Аҳмад ибн Ханбал», Дор ул-кутуб ул-илмийя, Байрут, 1987, 32-ж., 346-б; Табароний. «Мажмаъ аз-завоид ва манбаъ ал-фавоид». Дорул фикр. Байрут. 1412/1992. 8-жилд. 81-б;

¹⁶² Муҳаммад ал-Муборакфурий. «Тухфат ул-Аҳвазий» Дорул кутуб ал-илмийя. Байрут. 5-ж., 183-б.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ ЁШЛИК АҲВОЛЛАРИ

Маълумотларда Хонақоҳий Ҳазрат Домлани ёшлик пайтларида кучли истеъдод ва зехн соҳиби бўлганлари айтилган. Мактабда баъзан, болаларга қўшилиб ўйнаганлари ҳолда, кўпинча фикр ва андиша билан туриб қолар эканлар.

Бу борада Гўри Аввалдаги мактабда таълим олаётган кезлари бўлиб ўтган воқеа қизиқарли. Кунларнинг бирида устоз дарсхонага кириб келганида унинг деворига Куръони каримнинг «Фил» сураси нақш тарзида ёзиб қўйилганини кўради. «Буни ким ёзди» деб, сўрайди. Ҳеч ким жавоб бермайди. Устоз иккинчи марта сўрайди. Шунда ёш Ҳазрат Домла: «Мен» деб, ўзлари ёзганини айтадилар. Устоз бундан таажжуб қилади. Чунки ёзув хатосиз, тўғри ёзилган эди. Ҳолбуки, ўшанда Ҳазратнинг мактабга янги келган пайтлари экан. Бундан Ҳазратнинг мактаб ёшигача ҳам уйда оналаридан таълим олганлари англашилади.

«Бўлмаса, – дейди, устоз ҳайрон бўлиб, – мен ҳавога ёзаман, шуни ўқиб беринг-чи», – дейди ва бармоқлари билан ҳавога баъзи нарсаларни ёзган бўлади. Дикқат билан кузатиб турган Ҳазрат уларнинг барчасини тўғри ўқиб берган эканлар.¹⁶³

Шамсиддин Заҳабий «Тазкират ул-хуффо» («Ҳофизлар ҳақида тазкира») номли асарида қуйидаги ҳикояни келтиради: Буюк муҳаддис Абу Исо Ат-Термизий Маккага ҳажга бораётганида йўлда кўп машҳур муҳаддислар билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, олимлардан биридан ҳадисдан сабоқ беришини илтимос қилади. Олим: «Бўлмаса, қоғоз қалам ол», – дейди. Аксига олиб, шу пайтда Термизий қалам топа олмаган ва олим қаршисида ўтириб, эшитган ҳадисларини гўё ёзиб олаётгандек, қўлини қоғоз устида юргизиб турган. Олим шу алфозда етмишга яқин ҳадисларни айтиб бер-

¹⁶³ Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинариқ. 1998. Биз китоб давомида «Маноқиб материаллари» деб, келтирганимизда мазкур китоб учун турли йилларда, йиғилган материалларни назарда тутганмиз. Маълумотлар йиғилган жой – шаҳар, ё кишлоқ ва маҳалла – номи ва йили билан кўрсатилди.

ган. Шу орада кўзи қоғозга тушиб, унда ҳеч қандай ёзув кўрмагач, толибининг бу ишидан жажли чиқиб: «Нима, ҳали сен менинг вақтимни бекорга олмоқчимисан?» – деб қаттиқ ранжиган. Ат-Термизий бўлса, хотиржамлик билан: «Сиз айтган ҳадисларни ёддан айтиб берайми?», – деган ва ҳозиргина олимдан эшитган ҳадисларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб берган. Термизийнинг хотирасининг кучли эканидан олим ҳайратга тушиб, қоил қолган.¹⁶⁴

Маълум бўлмоқдаки, ёшлигидан кучли зеҳн ва ноёб қобилиятга эга бўлиш кўплаб машҳур алломалар учун хос хусусият саналган.

Ҳазрат Домла мадраса талабаси

Юқорида айтганимиздек, Ҳазрат Домла мактабни тугатгач, Бухорога бориб у ердаги Мир Араб мадрасасига жойлашадилар. Маълумотларга кўра, ушбу мадрасани Сайрамда туғилиб, асли Яманнинг Ҳазарамавт ўлкасидан бўлган Мир Араб Мир Абдуллоҳ исмли шахс қурган. 1529–1537 йилларда қурилган бу мадраса Бухорода Масжиди Калоннинг рўпарасида жойлашган.¹⁶⁵

Айтиш ўринлики, Ҳазратнинг илмга чанқоқликлари Бухорога борганларида ҳам давом этган. Фавқулудда зеҳн ва қобилият соҳиби бўлган Ҳазрат Домла тез фурсатда кўплаб талабалардан ўзиб кетадилар ва юксак одоблари билан устозлар назарига тушадилар. Албатта, бунда Марғилонда олган таълимлари, айниқса, Катта ҳазратга қилган хизматлари қўл келгани аниқ. Қизиғи, Ҳазрат таълим олаётган жамоага тақво ва парҳезда ажралиб турувчи талабалар тўплангани эди. Бежиз, мазкур жамоани «авлиёлар жамоаси» деб аташмаган.¹⁶⁶

Кейинчалик уларнинг барчаси машҳур бўлгани ҳолда, тўрт нафари янада машҳур бўлишгани нақл қилинган. Улар Марғилондан Ҳазрат Домла, Андижондан Муҳаммад Мусо эшон домла, Намангандан Авлиё домла ва Хўжаободдан Тоҳир эшон домлалар эди. Масалан, улардан Тоҳир эшон

¹⁶⁴ Ўзбекистон буюк алломалар юрти. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Убайдулла Уватов. Т.: «Маънавият». – 2010, 61-б.

¹⁶⁵ Б.Бабаджанов. Мир-и Араб // *Культура кочевников на рубеже веков (XIX–XX вв.)*: проблемы генезиса и трансформации. – Алматы, 1995, С. 88–102.

¹⁶⁶ Маноқиб материаллари. Марғилон – Андижон. 2010.

домлани олиб кўрайлик. Андижонлик Ҳошимжон қори мулла Муҳаммад Қосим ўғлининг айтишича эшон домла инқилобдан олдин ҳижрат қилиб, аввал Маккага, кейин эса Мадинага кетиб қолганлар. У ерда ҳам таълим-тадрис ишлари билан машғул бўлганлар.

Айтишларича, Андижон шаҳар жомеъ масжидини қурдирган Маҳмуд Алибой¹⁶⁷ масжид қурилиши тугаганида (1302/1885) у ерга хизмат қилиши учун кўрсатилган имомга қатор шартлар қўйган. Аввало, у мукамал қори, етук мулла, сўфий ва ҳожи бўлиши керак, дейди. Андижон уламолари кенгашиб, бу хизматга фақат хўжаободлик Тоҳир эшон муносиб бўла олади, дейишади ва у зотни бу ерга имом этиб сайлашади. Қолган икки уламо ҳақида ҳам шу каби маълумотлар келтирилган.

Хонақоҳ мадрасасида таълим олган талабалардан Мазҳариддин маҳдумнинг айтишларича, Ҳазрат Домла Бухорода ўқиб турган кезлари оналари савдогарлар орқали бир оз тухфа бериб юборадилар. Бухорога етиб боргач, савдогар Ҳазрат ўқийдиган мадрасани топади, хужраларини сўраб, у кишини чақиради. Ҳазрат ҳадеганда жавоб беравермайдилар. Савдогар айтади: «Шунда бетоқат бўлиб, дарчадан ичкарига қарадим. Йигит хужра ўртасида чўкка тушганча ўтириб, катта бир китобни мутолаа қилар эди. Хаёлини бузмаслик учун бир оз кузатиб кутиб турдим. У гоҳ ёнида турган китоблардан бирини олиб унга қарар, гоҳ токчада тахланиб турган китоблардан олиб, бир-бирига солиштирар эди. Шу зайлда санаб турсам, ҳаммаси бўлиб ўн саккизта китобга мурожаат қилганини гувоҳи бўлдим...

Кейин секингина ичкарига кириб, онаси нарса бериб юборганини айтиб, омонатни бердим. У менга миннатдорчилик билдириб, нарсаларни олди-да, хужранинг бир чеккасига қўйди. Сўнгра мени кузатгач, уларни очиб ҳам кўрмасдан тўғри жойига бориб, яна китоб мутолаасига машғул бўлди».¹⁶⁸

Шу ўринда мазкур маълумотни берган Мазҳариддин маҳдум ҳақида тўхталиб ўтсак. Ҳазрат Домланинг шогирдлари орасида кучли зехн ва хотирада муқаддам бўлган алло-

¹⁶⁷ Маҳмуд Алибой ҳақида китобнинг кейинги бобларида батафсил маълумотлар бор.

¹⁶⁸ Р.Файзуллаев. Манокӣб материаллари. Марғилон–Қаландархона. 1997.

ма кўплаб илмларда беназир бўлгани ҳолда, айниқса, тарих илмига моҳир бўлган. Турли жойлар, саҳоба ва тобеинлар, тариқат шайхлари, насаб ва силсилаларга доир маълумотлар у зотга яхши маълум бўлган. Буни замондошлари бўлган уламолар ҳам эътироф этишган. Афсуски, ҳамманинг тарихини билган олим ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Маълумот йиғиш мақсадида фарзандлари билан суҳбат қилганимизда улар бизга етарлича маълумот бера олмаган эдилар. Аллома 1989 йил 26 октябрда 89 ёшда вафот этганлар.

Шогирдларидан Абдулмўмин қори Муҳаммадрасул ўғлининг айтишларича, Ҳазрат Домла мадрасада хулқу одоблари билан талабалардан ажралиб турганлар. Айниқса, устозларга эҳтиромлари юқори бўлган. Агар улар дарс асносида ўринларидан туришса, Ҳазрат ҳам туриб олар ва улар ўтирмагунча ўтирмас эканлар. Буни кўрган устозлари: «Сиз бошқачасиз-да, Муҳаммад Юсуф», – дейишар экан.

Ҳазратнинг устозларга кўрсатган мазкур эҳтиромлари улар қалбига муҳрланиб қолишига сабаб бўлган. Агар шундай бўлмаса кейинчалик ҳам Ҳазратнинг мактублари етиб боргач, улар: «Бизни турганимизни кўриб, у ҳам туриб оладиган марғилонлик Муҳаммад Юсуфдан бизга мактуб келибди», – дея эсламаган бўлар эдилар.

Ҳазрат Домланинг мазкур одоблари устозлар назаридан жой олишларидан ташқари, мадрасада етарли ўрин эгаллашларига ҳам сабаб бўлган. Айтиш ўринлики, бу фаолликлар кейинчалик Марғилон ва Бухоро зиёлилари ўртасида шаклланиб келаётган илмий-адабий, ижтимоий-маънавий алоқаларни янада мустаҳкамланишига сабаб бўлган. Бу нарса ўз-ўзидан кўплаб бухоролик талабаларни Марғилон Хонақоҳ мадрасасига келиб таълим олишини таъминлаган. Марғилондан Ҳазрат Домла тавсиялари билан Бухорога таълим олиш учун борган талабалар сони ҳам талайгина.

Кўлимизда бухоролик Каримшер Бухорий исмли шахсни Марғилонга келиб таълим олганини тасдиқловчи ҳужжат бор. У ўзининг бир баёзида Ҳазрат Домла асарларидан ҳам намуна келтириб ўтган. Бу уни Хонақоҳ мадрасасига алоқадор эканини ифода қилади.

Бундан ташқари, мазкур алоқалар икки юрт зиёлиларининг ўзаро ёзишмаларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Хўжажон қози домла Рожийни бухоролик қозийи судур

Мир Қиёмиддин билан муносабатларини олиб кўрайлик. Рожий Мир Қиёмиддин вафоти муносабати билан ёзган тарих-марсиясида унинг маънавий камолоти, шахсий фазилатларидан ташқари ўзаро алоқаларининг ижтимоий асосларини ҳам айтиб ўтади.

Марғилондаги Чукур мадрасанинг бош мударриси Мир-халил Домла билан бухоролик машхур уламо Низомуддин домла ўрталаридаги алоқаларни олиб кўрайлик. Зеро, уларнинг ўзаро муносабатларига доир тарихий ҳужжатлар мазкур алоқаларнинг ўта қизгин кечганини кўрсатади. Таъкид жоизки, мазкур алоқалар муҳим мавзу бўлиб, ўз ўрнида алоҳида тадқиқот сифатида ўрганишга лойиқдир.

Устозга эҳтиром

Келтирилган мисолларда келтирилганидек, Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг устозларга эҳтиромлари юқори бўлган. Бу борада Мазҳариддин махдумдан нақл қилинган куйидаги воқеа ибратли. Ҳазрат Домла Бухородан қайтган кунлари келганлари хабарини эшитиб, мактабда ўқитган устозлари то ўзлари боргунича ҳам кўргани келадилар. Кексайиб қолган устозни келаётганини узоқдан кўрган Ҳазрат Домла ялангоёқ югурганча бориб, елкаларида кўтариб олиб келган эканлар.

Устозлар ҳурмати ҳақида гап кетганда шайх ул-ислом Имом Бурҳониддин Аз-Зарнужий (1150-?) нинг «Таълим ул-мутааллим» номли китобида келтирган насиҳатларини эслаб ўтиш ўринли.

«Толиби илмнинг муҳим вазифаларидан бири, бу устоз ҳурматини сақламоғидир. Одоблар жумласига устоз олдида юрмаслиги, ўрнига ўтирмаслиги, ҳузурида рухсатсиз сўз бошламаслиги ва гапирганда ҳам кўп гапирмаслиги, устоз толиққан пайтида ундан бирор нарса сўрамаслиги, таълим учун ҳовлисига борганда, то устоз ўзи чиққунича эшик қоқмай, кутиб ўтириши, кабилар киради...»¹⁶⁹

Буюк аллома Бурҳониддин Марғионийнинг ҳикоя қилишларича, Бухоро уламоларидан бири кунларнинг бирида дарс асносида бир неча марта ўрнидан туриб, ташқарига

¹⁶⁹ Шайх ул-ислом Имом Бурҳониддин Зарнужий. «Таълим ул-мутааллим»... Карочи, 1905. – 24-б.

қараб, бир оз таъзим қилиб, яна ўтиради. Толиблар бундан ҳайрон бўлиб, сабабини сўрашади. Устоз: «Ташқарида устозимнинг ўғилларидан бири болалар билан ўйнаб юрибди. Қачон бу ерга яқинлашганини кўрсам, устозим хурматидан ўрнимдан туряпман», деб жавоб берадилар.¹⁷⁰

Аббосийлар сулоласининг бешинчи халифаси Ҳорун ар-Рашид (763–809) ўғилларидан бирини замон олими Асмай – Абу Саид Абдул Малик ибн Қариб Боҳилий (122/740–216/831)га шогирдликка беради. Бир куни халифа аёнлари билан кетаётиб, йўлда Асмайнинг таҳоратда оёғини юваётганини, ўғлини эса унга сув қуйиб бераётганини кўриб қолади ва дарғазаб бўлиб ўтиб кетади. Буни кўрган устоз, ўғлини хизмат қилдирганимга халифанинг аччиғи келдида, деб афсусланади.

Кечқурун халифа Асмайни чақиртиради. Кириб борганида халифа: «Мен сени нима учун чақирганимни биласанми, – деб сўрайди. Асмай: «Ҳа, кундузи ўғлингни хизмат қилдирганим учун аччиғланиб чақирдинг», – дейди. «Тўғри»,– дейди халифа, – нима учун у сув қуйиб беради, сен оёғингни ювасан? Сен устозмисан, устоз бўлсанг, қуйиб бер уни ўзига, бир қўлида сув қуйиб, бир қўлида ювсин! Ахир, мен сенга ўғлимни тарбия қилишинг учун берган эдим, сен эса тарбия қилишни билмабсан», – дея қойиб беради.¹⁷¹

Аҳмад ибн Яҳё Ал-Абйурий айтадилар: «Кимнинг устози ундан рози бўлса ҳаётлик чоғида уни мукофотламайди, токи қалби устозидан хотиржам бўлиб қолмаслиги учун. Устози вафот топгачгина унинг розилиги натижасини кўради».¹⁷²

Рисолайи Қушайрияда келтиришларича, Абдуллоҳ Ар-Розий Абу Усмон Ҳирийнинг Муҳаммад ибн Фазл ал-Балхийни таърифлаётганини эшитади ва у зот зиёратига муштоқ бўлиб боради. Лекин зиёратдан кўнгли тўлмайди. Келгач, бу ҳақда Абу Усмони Ҳирийга айтади. Шунда у зот: «Сен у зотни менсимагансан, агар ихлос ва чин эътиқод билан борганимда эди, бундай бўлмас эди. Ким бировни енгил

¹⁷⁰ Шайх ул-ислом Имом Бурхониддин Зарнужий. «Таълим ул-мутааллим»... 25-б.

¹⁷¹ Шайх ул-ислом Имом Бурхониддин Зарнужий. «Таълим ул-мутааллим»... 24–25-б.

¹⁷² Абул Қосим Ал-Қушайрий. «Ар-Рисола ал-Қушайрийя»... 335-б.

санаса, ундан ҳеч қандай фойда ололмайди. Уни ҳузурига ҳурмат билан бор, дейди. Абдуллоҳ у зот ҳузурига айтилганидек бориб, катта фойдалар олиб қайтади.¹⁷³

Муҳаммад Шановий айтадилар: «Мен қачон шайхларнинг ҳузурига кирсам, аклимни синдирар эдим, яъни улардан содир бўлган нарсаларни ўзимча таъвил қилишдан сақланар ва ўзимни уларнинг оёғини остида кўрар эдим, шунда мен улар ҳузуридан катта фойдалар билан чиқар эдим».¹⁷⁴

Устоз-шогирд муносабатлари ҳақида гап кетганида Муҳаммад Мунир Самнудийнинг «Тухфат ус-соликин»да келтирган тавсиялари аҳамиятлидир. Узоқ йиллик тажрибалар, илм-билим маҳсули сифатида оят ва ҳадисларнинг умумий мазмунига мувофиқ¹⁷⁵ ишлаб чиқилган мазкур одоблар барча даврларда устоз-шогирдлар ва пир-муридлар томонидан қўлланган ва ўзининг яхши натижасини берган. Бинобарин, ҳам мазкур тавсиялар ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Маълумот сифатида қуйида мазкур тавсиялардан баъзиларини келтирамиз. Мусанниф бу ерда мурид лафзи билан келтирганлар. Бундан шогирдларнинг одоби ҳам шундай экани англашилади.

«Шогирд-мурид одоблари кўп бўлиб, улардан баъзиси, устоз-шайх ҳузурига борганида агар рухсат берса кириши, бордию, рухсат бермаса, қайтиб кетавериши керак. Унинг ҳузурига ўтирганида, бошини қуйи қилсин, дилини, тилини ва бутун вужудини бежо фикр ва ноўрин ҳаракатлардан сақлаши лозим. Фақат жавоб бериш учунгина гапириши ва шунда ҳам паст ва майин овоз билан сўзлаши керак.

Устозининг шаръийга мувофиқ бўлган ҳар бир ишини сўссиз бажарсин. Унинг амрларини бажаришда дилига ҳам бирор нарсани келтириб, қарши чикмасин. Чунки кўпинча устоз шогирдда ҳосил бўлаётган, аммо шогирд уни ўзи учун макр-ёмонлик бўлишини сезмайдиган нарсаларни билади.

Шогирд устоз билан бирга таом емасин, агар у ўзи таклиф қилса у ҳолда мумкин. Кечаси ва заруратдан бошқа

¹⁷³ Абул Қосим Ал-Қушайрий. «Ар-Рисола ал-Қушайрийя»... 335-б.

¹⁷⁴ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин» Миср, «Махмудийя» матбаъаси, 1310/1889. 60-б.

¹⁷⁵ Куръони қаримда Мусо алайҳиссаломни Хизр алайҳиссалом билан учрашгани ҳақида келган қиссада ва пайғамбаримиз саҳобалар билан ўтирган пайтларида ҳузурларига Жаброил алайҳиссалом келиб, баъзи нарсаларни сўрагани ҳақидаги ва бошқа кўплаб ҳадисларда бу билан боғлиқ одоблар баён қилинган.

пайтларда унинг олдида юрмасин. Ўзининг бирор-бир ҳолатини ундан яширмасин. У келганида таъзими учун ўрнидан турсин ва унга юзлансин. Унинг ҳузурида эснамасин, оёғини узатиб, суяниб ва чордана куриб ўтирмасин. Магар у ўзи рухсат берса, у холда ўтирса мумкин.

Устоздан берухсат унинг жойида ўтирмасин, кийимини берухсат киймасин, тасбеҳи, қалами ва бошқа нарсаларини ҳам ишлатмасин. Агар унга меҳри товлаб бирор нарса, масалан, кийим, кавуш, салла ва бошқа нарсалар ҳадя қилса, дарҳол уни олиб, унинг кўзи олдида ўша нарсаларни кийиб юрсин. Бунда ўша нарсаларни эҳтиёт қилаётганини билдириб турсин. Имкони борича ўзини тақвода, динда, ахлоқда, ички ва ташқи покликда устозининг аҳволига яқин олиб боришга ҳаракат қилсин.

Бунда пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга кийим бериб, уни унга ўраб олганлари ва шундан кейин у зотнинг зехни зиёда бўлгани воқеасини хаёлига келтирсин.

Имом Шаъроний айтадилар: «Бир куни устозим ҳузурларига кавушли боришни ўзимга эп кўрмай, кавушимни ечиб, ялангоёқ кириб бордим. Бу иш у зотга таъсир қилди ва ёнларида ўтирган кишига паст овозда: «Бу йигитнинг ўзига фойда ва зарарига қодир бўлмаган махлуқ – бандага қилган одоби шунчалик бўлса, барча нарсанинг молики – эгаси бўлган холикқа нисбатан одоби қанчалик юқори экан-а», – деганларини эшитдим. Билдимки, бундан у зот хурсанд бўлибдилар. Шаъроний яна шундай дейдилар: «Ҳақиқий мурид-шогирд устоз-шайхини ҳеч қачон машаққатга солмаслиги керак. Ҳақиқий толиб устози билан шарафланмай, балки устозни шарафлантирадиган бўлади».

Мурид одобларидан яна бири, унинг ҳузурида гўё, қул хожа ҳузурида ўтирганидек, чўкка тушиб ўтиришидир. Ортиқча ҳаракат билан унинг дилидан тушиб қолиши мумкин, бундан хушёр бўлсин. Натижада эса устозининг баракаси ва илмининг фойдасидан бебаҳра қолади.

Одоблардан яна бири, устоз ҳузуридан чиқаётганида орқа қилмай олди билан чиқиб кетсин. Чунки содиқ мурид-шогирд улуғликка фақат устозининг ҳурмати билангина етади. Агар у шайхининг одобини жойига қўйса, демак у Аллоҳ таоло билан бўладиган одобларни ҳам жойига қўядиган кишига айланади.

Устознинг уйига кирса, у йўқлик пайтида ҳам унинг олдида ўтирганидек ўтирсин. Унга устозининг фарзандлари, дўстлари, қариндошларининг ҳам ҳурмати вожиб бўлади. Ҳатто унинг гўдак фарзандларига ҳам шу каби ҳурматли бўлиши ва бу ҳурмат унинг вафотидан кейин ҳам давом этиши керак.

Имкон қадар, унинг қалбига у яхши кўрган кишиларнинг саломини етказиш, ё у ҳақида айтилган яхши сўзларни етказиш каби хабарлар билан хурсандлик солишга ҳаракат қилсин. Устози ҳақида бирор ножўя гап эшитса уни етказмай, балки уни ўша ерда қайтаришга ҳаракат қилсин. Жавоблари мутаассибона бўлмай, хужжат ва далиллар билан бўлишига эътибор қилсин. Қайсики, гапингиз жуда тўғри, лекин менимча шундай, шундай бўлса керак, каби сўзлар билан бўлсин.

Устозига эътиқод ва муҳаббати, ушбу замонда унга тенг келадиган бирор устоз йўқ деган эътиқодда бўлсин.

Шуни билсинки, устозга бўлган одоб унга бўлган муҳаббат билан бўлади, шунга кўра, ким устозини ўзининг барча истак ва хоҳишларидан устун қўймаса, илм ва сулукда зафарга эриша олмайди.

Яна бири, агар ундан бирор савол сўраса, унга жавоб бермаса, яна сўрамасин, мажлисни охиригача кутиб турсин. Чунки устоз бошқа нарсаларни мулоҳаза қилиб турган бўлиши мумкин. Агар устоз уни таълимдан ташқари бирор сафарда ёки ҳазардаги хизматларга буюрса, албатта уни муҳаббат билан қилсин, бу борада мен дарсдан қолдим деган ҳаёлга бормасин. Чунки устоз ундаги бунга муносиб салоҳиятни кўргани учун шундай қилаган бўлади. Агар уни ўз ҳолига қўйилса, улар истаётган нарсалар улар учун риё, шуҳрат, сохта обрў ва кишилар ўртасида қуруқ мақтовлар бўлиши мумкинки, буни аввалдан англаган устоз шу йўл билан толибларни оқибати ҳасрат ва надомат бўлган бу ишдан қайтараётган бўлади.

Одоблардан яна бири, у ўта зийрак ва хушёр бўлишидир, токи устоз буюраётган ишни биргина ишора билан англаб олсин. Уни назарининг ўзи кифоя демай, унинг бошқа хизматларини ҳам бажарсин. Чунки саҳобалар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан жаннатда у зот билан бирга бўлишни сўраганларида уларга ёлғиз муҳаббатни ўзи кифоя

қилади, демай уларни саждани кўпайтиришга, яъни, амал-мехнатга буюрганларидан ҳам бу нарса маълум бўлади.¹⁷⁶ Ҳадисда: «Кимни амали ўтказиб қўйса, уни насабининг то-залиги турғизиб қўймайди», дейилган.¹⁷⁷

Ўзида бирор фазилатни кўрса, албатта буни устозининг хизматидан деб билсин, агар ёмонлик кўрса буни ўз нафсининг ёмонлигидан билсин...»¹⁷⁸

Айтиш мумкинки, келтирилган одобларга амал қилганлари боис, Хонақойи Ҳазрат Домла ва у зотнинг издошлари ўз даврида юксак мақомга эришганлар.

Юқорида Самнудий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга илм ва зеҳн борасида қилган марҳаматларига ишора қилиб ўтди. Мазкур воқеа ҳақида маълумот бериб ўтсак.

Ибнул Ҳажар Асқалонийнинг «Ал-исоба фи тамйиз асаҳоба» номли китобларида келтирилган Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Аҳмадлар Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилан куйидаги ҳадиси шариф келтирилган. Абу Ҳурайра розияллоҳу анху шундай дейдилар: «Сизлар Абу Ҳурайра Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини кўп билади, бошқалар Абу Ҳурайрачалик кўп билмайдилар», – дейсизлар. Бунинг боиси, муҳожир биродарларимизни бозорларда олди-сотдилар, ансорларни эса молларини муҳофаза қилиш билан машғул бўлиб юрганларида мен қорним тўйиши бирлан кифояланиб, Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хизматларини қилиб юрдим, улар бўлмаган жойларда бўлдим, улар эшитмаган нарсаларни эшитиб, ёд олдим. Ҳатто бир куни Жаноб Расулуллоҳ ҳузурларига келсам: «Ким ушбу сўзларимни тугатгунимча кийимини ерга ёйиб ўтириб, сўзларимни тугатганимдан кейин, уни йиғиб олиб бағрига босса, мендан эшитганларини ёддан чиқармайдиган бўлур», – дедилар. Шунда мен чакмонимни ерга ёйиб қўйдим. Ҳадис тугагач, уни олиб бағримга босдим. У зотни ҳақ билан юбор-

¹⁷⁶ Мазкур ҳадисни Имом Бухорий, Муслим, Насоий, Абу Довуд, Байҳакий ва бошқалар Раба ибн Каъб Ал-Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган.

¹⁷⁷ Мазкур ҳадисни Имом Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можаляра Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган.

¹⁷⁸ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин» Миср, «Маҳмудийя» матбаъаси, 1310/1889. 58–65-бетлар.

ган зотга қасамки, шу-шу Жаноб Расулуллоҳдан нимаики эшитсам, ёдимда қоладиган бўлди».¹⁷⁹

Мазкур ҳадисни бошқа муҳаддислар ҳам турли санадлар билан турли лафз ва шаклларда ривоят қилишган.

Уларнинг бирида Абу Ҳурайра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга келиб: «Ё Расулуллоҳ, мен сиздан эшитган кўплаб ҳадислар ёдимдан чиқиб қоляпти, дея шикоят қилади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ридойингни ерга ёй», – дейдилар. Сўнгра: «Уни кўксинга ёп», – дейдилар. Абу Ҳурайра: «Уни кўксимга ёпдим ва ундан кейин бирор ҳадисни унутмайдиган бўлдим», – деб айтгани келтирилган.

¹⁷⁹ Аҳмад ибн Али Абул Фазл Ибнул Ҳажар ал-Аскалоний. «Ал-исоба фий та-мйиз ас- саҳоба». Дорул жиял.Байрут, 1412. – 7-ж., 436-б.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДАВРИДА МАРҒИЛОН МАКТАБЛАРИ

Шу ўринда Хонақоҳий Ҳазрат Домла яшаган даврда Марғилонда мавжуд бўлган мактаблар ҳақида тўхталиб ўтамиз. Мовароуннаҳрнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида бўлгани каби ўша даврда шаҳарнинг ҳар бир кўчасида жойлашган масжид қошида мактаб бўлган.¹⁸⁰

Маълумотларда келтирилишича, Марғилонда 1875 йилда 433 та ана шундай мактаб бўлиб, уларда 7340 нафар бола таҳсил олган. 1898 йилга келиб, улар сони 324 тани ташкил этган ва 3989 нафар бола билим олган.¹⁸¹ Аммо бошқа манбаларда бу пайтда 458 та мусулмон мактаблари, шу жумладан 25 та отин ойилар мактаби ва 21 та қорихона бўлгани келтирилган.¹⁸²

Чор Россияси мустамлакачилиги даврида эса мазкур мактаблар сони иқтисодий ва сиёсий вазиятга қараб ўзгариб турган. Айниқса, Чор ҳукуматининг мусулмон мактабларига нисбатан баъзи тадбирлари натижасида мактаблар ва болалар сони XX аср бошларига келиб камайиб борганлигини кўриш мумкин.

Мазкур мактаблар ўз даврида аҳолининг маънавий-маърифий тарбиясида жуда муҳим аҳамият касб этган. Уларда юксак билимли, тажрибали мураббийлар талабаларга сабоқ берганлар. Болаларнинг мурғак қалбига имону ислом уруғи айнан, ўша мураббийлар томонидан экилган. Улар талабаларни ўз фарзандидан ортиқ кўриб тарбия қилишган.

Фикримиз исботи учун шундай мактабларнинг бирида таълим олган марғилонлик буюк олим Абдулазиз қори Ғолиб Марғилоний¹⁸³нинг сўзларини эслаб ўтсак. Асарларининг бирида у зот шундай ёзган эдилар:

¹⁸⁰ Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца) // Турк. сб. – СПб., 1880. – Т. 239 С.24.

¹⁸¹ А.Салмонов, А.Султонов, Н.Алимова. «Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Марғилондаги мактаб ва мадрасалар аҳволи»...

¹⁸² Кўрсатилган манба.47-бет.

¹⁸³ Абдулазиз қори – Ғолиб Марғилоний Болтабой ўғли. 1900 йилда Марғилонда туғилганлар. Буюк аллома, файласуф, муфасссир, муаррих, шоир ва адиб. Кўплаб мўътабар асарлар муаллифи. Уч жилдлик «Манбаъул ҳаёт» номли тафсир, «Ислом тарихи», «Қуръон тарихи», «Шарҳи асмауллоҳ», «Улфат», «Нур тиглари», «Машъал» каби асарлар шулар жумласидан. 1982 йилда 82 ёшда вафот этганлар.

«Бизнинг маҳалламизда бобом Абдулмажид ҳожи солган масжид бўлиб, унинг қорилар учун солинган тўрт дона дахлизли ҳужралари ва бир бурчагида анҳор устига солинган қатгароқ биноси бор эди. Ушбу бино мактаб эди.

Масжиднинг имоми бир вақтнинг ўзида ҳам имом, ҳам муаллим эди. Бу одам бўйлари пастроқ бўлиб, исмлари мулла Абдулкарим эди. Бу домла мен ўқишга кирган пайтим (1906 йил) да жуда қариб мункайиб қолган эди. Дадам ҳам, маҳалладаги бошқа ҳамма ёши улғайганлар ҳам шу домлада ўқиб савод чиқаришган эди.

Мулла Абдулкарим домла сохибҳол авлиё ва тақводор покиза бир зот эдилар. Шу одамда савод чиқарганларнинг ҳеч бири адашмади, ҳаммалари покиза мусулмон бўлиб бирортаси ҳам муртад (диндан қайтган) бўлмади. Ҳаммалари ҳам ўзига тинч дуруст ҳаёт кечирмоқдалар.

Мен олти ёшда эдим. Дадам кўлимдан ушлаб, бир даста ширмон билан масжидга олиб келиб, Домлага топширдилар. Ўшал вақтнинг шарти билан «эти сизники, суяги бизники», – дедилар. Бу сўзнинг маъноси шулки, урсангиз майли, аммо, суягини синдириб қўймайсиз. Уша вақтдаги таълимнинг асосий шарти «Хирс мулло мешавад аз зарби чўп» – «Айиқ калтакнинг зарби билан мулло бўлади», деган сўз эди. Мен айиқ бўлмаганим учун ҳеч калтак емадим.

Эрта билан мактабга келамиз. Болалар баъзиси «Алифбе» ўқиса, баъзиси «Ҳафтияк», «Қуръон», ўқийди. Баъзиси «Чор китоб», Бедил ўқиса, баъзиси «Мантик» ўқийди. Баъзилар эса хат машқ қилади.

Болалар ҳаммаси аралаш-қуралаш ўтириб олиб, овозини имкони борица баланд чиқариб, чинқираб ўз сабоғини такрорлайди. Бири: «Алиф, бе, те, се» деб, чинқирса, бири «Ибтидо мекунам баноми Худо» деб, бақиради. Бири: «Алиф, лом забар – ал, «Ҳе, мим, забар – ҳам», дол, печду – ал-ҳамду» деб, оҳанг тузади. Қулоқ қоматга келади. Шу хилда намози асргача ўқиймиз. Аср яқинлашгач, ҳаммамиз тикка турамыз. Домла ҳам ўринларидан турадилар. Шунда савол-жавоб бошланади:

Домла: Уйга борганда нима деб кирасизлар?

Болалар баробар қўл қовуштириб эгилиб таъзим билан, «Ассалому алайкум», деб, кирамыз.

Домла: Дадаларинг, оналаринг чақирса нима дейсизлар?

Болалар: Лаббай, деймиз.

Домла: Ишга буюрсалар нима дейсизлар?

Болалар: Хўп деб, дарҳол бажарамиз.

Домла: Кўчаларда катталарни кўрганда нима дейсизлар, нима қиласизлар?

Болалар: Ассалому алайкум деймиз, йўл бўшатамиз, ишга буюришса хўп деб, дарров қиламиз. Қопларини кўтаришиб уйларига олиб бориб берамиз.

Шундан кейин озод бўлишиб, тўс-тўполон билан уйга кетар эдик. Домламизда илгари вақтларда ўқитган шогирдлари ҳозир хотин, бола-чақали, баъзилари набирали бўлишган».¹⁸⁴

Тадбирли одат

Бундан ташқари, Ғолиб Марғилоний мазкур китобда устозларининг тадбирли бир одатлари ҳақида ҳам гапириб, шундай дейдилар: «Домламизнинг тадбирли бир одатлари бор эди. Шу хил шогирдлардан бирортасининг хотини ё маҳалласидан бирор киши келиб, домлага: «Тақсир, фалончи сизни шогирдингиз бўлган, ҳозир қимор ўйнайдиган бўлиб, рўзгорини баракаси ўчди, ё «ичкилик ичади», деса, домла дарров маҳалладаги паҳлавон йигитлардан тўрт-бештасини юбориб, ўша «шогирд»ни олдириб келар эдилар. «Шогирд»нинг соқоли кўксига тушади, баъзиларининг соқолига оқ кирган бўлади.

Бу қазозада («жазога тортилган») «шогирд»ни йигитлар олиб келгач, масжиддаги ҳовуз бўйидаги ётиқ тутга маҳкам боғлатадилар. Ҳамма мактаб болалар ҳовуз бўйига тизилади. Маҳалла оқсоқоллари ҳам ҳозир бўлишади.

Домла аввалдан тайёрлаб сувга солиб қўйилган беҳи новдасини қўлларига олиб, халиги одамдан сўрайдилар: «Манда ўқиганмисан?» Боғланган бечора: «Ҳа тақсир», — дейди. Йўқ деса, «шогирд»ни маҳалласидан эргашиб келганлар гувоҳлик беришади, тона олмайди. Шогирдлиги аниқлангач, Домла қўлларидаги сўлқиллаган беҳи гаврони («новдаси») билан уни устига келадилар ва: «Ман устозинг тирик туриб, шундай номаъқулчилик қиласанми, занғар?! Сан Худодан кўркмасанг, ман кўрқаман, тонг-

¹⁸⁴ Ғолиб Марғилоний. «Насаб» Қўлёзма. 45–46-б. Қўлёзма ҳозирда муаллиф фарзандлари қўлида. Бундан кейин: «Ғолиб Марғилоний. Насаб».

ла машҳаргоҳда шу расво сени шогирдингми, деса нима дейман-а, занғар?!» – деб, гаврон билан савалай кетадилар. Икки зарба урилгандаёқ «шогирд» дод дегани туради. «Тақсир, тавба қилдим, тавба қилдим», деб. Домла: «Ман тирик туриб шундай қабоҳат қиласанми?!» – деб ура берадилар.

Охири, оқсоқол «шогирд» ёш боладай йиғлаб: «Жон домла почча энди қилмайман», – дейди. Шундан кейин оқсоқоллар келиб домлани тўхтатишади. «Домла, энди тавба қилди, тавба қилгани Худо кечади, яна шу номаъқулчилигини қилса ўзимиз тутиб келтирамиз, тово-нига туз тикасиз», – деб тилаб олишади. Бу «жазолаш»да «шогирд»ни хотин бола-чақаси ҳам эргашиб келган бўлади. Уларни дод-фарёди масжидни бошига кўтаради, буни эшитган ўткинчилар ҳам тўпланади.

Шогирдни ечишади. Оқсоқоллар: «Домлангни оёқларига йиқил, тавба қил, бадбахт», – дейишади. Орқаси қонаган, кўз ёшлари соқолидан оққан «шогирд» домлани оёқларига йиқилиб «тавба қилдим» дейди. Домла халққа қараб: «То ман тирикман, шогирдларим мани измимда, ёмонликка юришига йўл бермайман, ёмон бўлса ўлганимдан кейин ҳам арвоҳим уни уради», – дейдилар. Оқсоқоллар: «Тақсир дуо қилинг, Худо бунга инсоф-тавфиқ берсин» дегач, домла дуо қиладилар. Халойиқ эса «омин» деб, фотиҳа тортилади ва «шогирд» уйига кетади.

Бу хил жазоланган «шогирд»ларнинг хотинлари домланинг аёллари ҳузурига тез-тез келиб, миннатдорчилик билдиришиб: «Илоҳим, домла поччани умрларини узун қилсун, шогирдлари ўшандан бери туппа-тузук одам бўлиб қолди», дейишар эди.¹⁸⁵

Мазкур воқеалардан китобхонлар фикрида баъзи мулоҳазалар пайдо бўлиши табиий. Кўпчилик олдида бир кимсага таъзир бериш, бу бир қарашда мусулмончилик одобларига мос келмагандек кўриниши мумкин. Лекин уни остида тарбия, энг асосийси бошқаларга ибрат ётгани аниқ.

Халқимиз орасида: «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган нақл бор. Мазкур тадбир аини мақсадда бўлган. Қолаверса, домла кўринган ҳар бир шогирдларига шундай «жазо»ни қўллаган эмаслар. Насиҳат билан йўлга солиш мумкин бўлмаган ҳолдагина у зотга мурожаат қилганлар.

¹⁸⁵ Ғолиб Марғилович. «Насаб»... 129-б.

Шунда ҳам бу «жазо»ни ўзларига қарашли кишиларга қўлаган бўлишлари мумкин.

Бундан ташқари, бу воқеаларда ўша давр ижтимоий ҳолатларини, маҳаллий аҳолининг эътиқоди ва дунёқарашини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Ўша давр кишилари улуғ ёшли кишиларни ўзларига устоз, мураббий ва маънавий раҳбар сифатида қараб, уларнинг ҳар бир сўз ва ҳаракатини ижобий қабул қилганлар. Бу хусусиятлар воқеа қаҳрамонларининг муносабатларида ҳам кўриниб турибди.

Домлага тайинлик ойлик йўқ

Маълумки, ўша даврдаги кўплаб мактаб-мадрасалар уларга тайин қилинган турли вақф мулкларидан таъминланган. Аммо Голиб Марғилоний тилга олган мазкур мактабда бу каби моддий таъминот мавжуд бўлмаган экан. Эҳтимол, бу Чор Русияси томонидан жойлардаги вақф мулкларини бекор қилинишидан кейинги давр бўлгани ёки, мазкур мактаб вақф тайин қилинган бирор мадраса ёки, мазор қошида жойлашмаганидан бўлса керак.

Голиб Марғилоний шундай ёзадилар: *«Домлага тайинлик ойлик йўқ эди. Ҳар пайшанба болалар бир дондан нон олиб келишади. Баъзилар буғдой нон, баъзилар зогора нони. Ҳар йили икки ҳайитда 20–30 тийин, жуда кам 50 тийин, бир сўм олиб келишади. Янги сурага ёки бошқа китобга ўтганда бир товоқ ош келади.*

Худо раҳмат қилсун, ўшал домлаларимизни, улардан олган таълимларимиз тошга ёзилгандек ҳали ҳам дилимиз лавҳасида туради. Агар ўша вақтнинг домлалари ҳозирги усулда ўн йил ўқитишса эди, ҳар бир шогирдлари Ибн Сино бўлар эди. Уларни ўз шогирдларига муҳаббат ва шафқатлари чексиз эди...

Бир куни дадам домланинг ҳужраларида ўтириб: «Домла, сизга кўп сабр-тоқат берганда, шу жибилажибон болаларни тоқат билан битта-битта ҳарф ўргатиб саводини чиқарасиз»,– дедилар. Домла: «Мулла Болтабой, сиз буни билмайсиз, шуларни ўқитганимда неча йил уринсам, шу бола икки хат китобни ўзи ўқиб берганини эшитганимда, шундай шодлик келадик, шу болага шундай меҳрим товлайдик, ҳамма меҳнатларимни унутаман», – дедилар...

Илк бор қалбимга Аллоҳ номини сингдирган шу зот –

*Домла эдилар. Худо қабрларини нурга тўлдирсин, жойлари жаннатдан бўлсин, омин!».*¹⁸⁶

Кўнглимизни шод қил

Маълумотларда келтирилишича, ўша даврда мактаб талабаларига ҳар йили икки ҳайит муносабати билан турли мазмундаги тўртликлар ёзиб берилган. Болалар уларни отоналарига ўқиб беришган, улар устозлар ҳақиқа дуойи хайр қилганлар. Бу ҳақда Ғолиб Марғилоний шундай ёзадилар:

«Мен юқорида айтганимдек, ҳайитлик учун домла баъзи тўқ оила болаларига тўрт мисралик шеър ёзиб берар эдилар. Бу шеърни биз ёд олиб, оталаримизга ўқиб берар эдик, оталар қувонишиб бир сўм, ярим сўм домлага ҳайитлик беришар, биз буни домлага келтириб берар эдик...».¹⁸⁷

Изданишлар давомида биз бу каби шеърларнинг кўплаб нусхаларини топишга эришдик. Айтиш мумкинки, мазкур шеърлар ўз ўрнида ижтимоий ва ахлоқий мазмун касб этган. Аввало, болаларнинг илмга бўлган рағбатини оширса, иккинчидан ота-оналар қалбида устозга муҳаббатни шакллантирган. Бу эса ўз-ўзидан таълим ишларини ривожланишига катта таъсир қилган.

Тўғри, бунинг остида мадраса ва таълим ишини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсади ҳам бўлган.¹⁸⁸ Чунки ўша даврларда, Ғолиб Марғилоний айтганидек, баъзи кичикроқ мактаб-мадрасаларнинг молиявий тарафи отоналар томонидан бериладиган ихтиёрий маблағлар эвазига шакллантирилар эди. Шундай бўлса-да, асосан, бундан болаларнинг маънавий камолоти кўзланган. Маълумот сифатида қуйида улардан баъзиларини келтирамыз.

*Ийди рамазон ҳурматидан кўнглимизни шод қил,
Кулфату ғамдан Худоё барчани озод қил.
Ҳурмати моҳи шариф жумлага бергил омон,
Дини Исломни Худоё сан ўзинг обод қил.*

¹⁸⁶ Ғолиб Марғилоний. «Насаб»... 156-б.

¹⁸⁷ Ғолиб Марғилоний. «Насаб»... 258-б.

¹⁸⁸ Остроумов Н.П. Саргы. Этнографические материалы. – Т., 1908. С.39.

* * *

*Ийди қурбон келди, аммо яхши ёронлар қани,
Ақли ҳайрон, кўзи гирён, бағри бир ёнлар қани?
Эй ота, хизмат қилинг устозимизга илм учун,
Хонасидан ҳижрат этган жону жононлар қани?*

Эътибор берилса, шеърларда ўша давр кишиларининг ҳис-туйғулари шундоққина акс этган. Уларда Парвардигор неъматларининг шукронаси ҳам, замон бедодликларидан шикоят оҳанги ҳам, орзу-армонларининг рўёбига умид ҳиссини ҳам кўриш мумкин.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ УСТОЗЛАРИ

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг устозлари силсиласи кенг бўлиб, улар орасида юқорида номлари келтирилган марғилонлик икки буюк алломанинг ўрни беқиёс. Улар мавлоно Абдулкарим Калон ҳазрат (қ.с) ва мавлоно Муҳаммад Карим Катта ҳазрат (қ.с)лардир. Қуйида улар ҳақида маълумот берамиз.

Абдулкарим Калон ҳазрат

Ҳазрат Домланинг асосий устозлари бўлмиш мавлоно Абдулкарим Калон ҳазрат (қ.с.) айтилганидек, Марғилонда фаолият олиб борган тариқат шайхларидан бўлиб, ўз даврида юзлаб муридларни тарбиялаб, илоҳий муҳаббат томон йўллаган мукамал пир-муршид эдилар. Суҳбатларини тинглаш учун ҳузурларига мурид-мухлислар узоқ юртлардан ҳам келишган. Аввалроқ, биз Ҳазрат Домла Бухородан мадрасани тамомлаб қайтгач, бу зот хизматларига келганларини айтиб ўтган эдик. Бу у зот вафот этганидан кейин ўрниларига халифа бўлиб қолгунларига қадар давом этган эди.

Бу ерга Шарқий Туркистоннинг Қошғар вилоятидан ҳам талабалар келганини тасдиқловчи маълумотлар бор.¹⁸⁹ Шахсий кутубхонамизда сақланаётган Охунжон қори Водилийга мансуб қўлёзмада Шарқий Туркистоннинг Қошғар вилоятидан келган Абдулғаний Қошғарий исмли шахсга тегишли мактуб келтирилган бўлиб, унда жумладан, шундай сўзлар бор:

*«...Қудратли Роббисининг лутфиға муҳтож бўлган банда, яъни, мен Хожа заъиф Абдулғаний Фарғона диёрига келганимда, балдаийи машҳур Марғионга бордим ва у ерда Ётиқ Тут маҳалласидаги «Хонақоҳ» номи билан машҳур бўлган мадрасада Ҳазрат Абдул Карим домла ҳузурларида истиқомат қилиб туриб қолдим ва у зотдан таълим олдим...».*¹⁹⁰

¹⁸⁹ Охунжон қори Водилий. Қўлёзма. 42-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси. Мазкур қўлёзма муаллифнинг талабалик пайтида тутган хотиралар дафтари бўлиб, уни муаллиф мерослари орасида учратган эдик. Қўлёзма №23 рақами билан кутубхонамизда рўйхатга олинган. Бундан кейин «№23-қўлёзма».

¹⁹⁰ №23-қўлёзма. 42-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида яшаб 1974 йилда 90 ёшда вафот этган Охунжон қори домла мулла Муҳаммад Ёқуб ўғли аллома ҳақида маълумот бериб, у зотнинг «Ат-тариқату куллуҳа одобун», яъни «Тариқатнинг йўли бошидан-охиригача фақат одобдир», мазмунидаги сўзларини келтирар эканлар, ўз ўрнида Ҳазрат Домлага айрича муҳаббатли бўлганини ҳам таъкидлайдилар.

*Домлоийи Абдулкарим устоди кулли қутби дин.
Пешвойи муқтадойи сиддийқийбон айлади.*

*Домлоийи Муҳаммад Юсуфни Юсуфи соний билиб,
Нури чашимим деб ўзин, Яъқуби Канъон айлади.¹⁹¹*

Ўз даврида Марғилоннинг кўплаб машҳур кишилари Калон ҳазратга шогирд бўлганлар. «Чукур мадраса» мударриси Мирхалил Бухорий домла ҳам бу зот суҳбатларида кўп марта иштирок этганлари айтилган.

Айтишларича, Хонақоҳда Калон ҳазрат бошчилигида ўтаётган анжуманда Бухорий домла мажлиснинг пойгак қисмидан жой олган эканлар. Бундан кўринадики, мажлисга ўша даврнинг энг пешқадам алломалари жам бўлишган. Чунки, мадрасани битириб қайтаётганида устозлар тарафидан: «Бу йигит Бухоронинг ярим илмини ўзи билан бирга олиб кетаяпти», дея, баҳо берилган алломанинг пойгакдан жой олишидан мажлис иштирокчиларининг даражасини фаҳмлаш қийин эмас. Энг қизиғи, мазкур мажлисда Ҳазрат Домланинг келган меҳмонларга хизмат қилишлари эди.

Марғилонлик сайид авлодларининг йирик вакили, таниқли уламо Мукаррамхон тўра Хон бува¹⁹² (ваф.1959) ҳазратлари ҳам Калон ҳазратга шогирд бўлганлар.

Маълумки, бирор-бир алломанинг даражасини шогирдларининг илмий даражасидан ҳам билса бўлади. Шунга кўра, Калон ҳазрат мақомини Хон бувага берилган таърифлардан англашимиз мумкин. Ёзма маълумотларда Хон бува «ифтихори аҳли олам», «мукамал комилу акмал», «зубдайи шайху машойих», «қудвайи халойиқ», «далилу инсу жон», «аниси лутфи Ҳақ», «гавҳари шоҳи валоят», «манбаи иззу шараф» каби юксак сифатлар билан таърифланган эдилар.

¹⁹¹ Р.Файзуллаев кутубхонаси.№ 1-йиғма жилд.

¹⁹² Бу зот ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Маълумотларда Калон ҳазратни доимий тақво ва риёзат билан машғул бўлганлари айтилган. Қўл меҳнати билан кун кўрганлар. Касблари жияк тўқишлик бўлиб, тайёр бўлган жиякларни ишончли савдогарлар олиб кетишар экан.

Айтишларича, талабалик йилларида ҳам қаттиқ риёзат билан илм олган эканлар. Ҳатто Бухородан мадрасани битирганлик ҳақида берилган шаҳодатномани салла қатига қистирганча йўқчилик туфайли лозимсиз, узун кўйлакни ўзида Хонақоҳга кириб келганлари айтилган.

Калон ҳазрат риёзат ва мужоҳада эвазига умрлари сўнггида ҳайрат мақомига етадилар. Ўзлари билан машғул бўлиб, бутун борлиқни унутган ҳоллари кўп бўлар экан. Ҳайрат мақоми ҳақида Имом Тустарий шундай дейди:

«Ошиқларда қурб (Аллоҳга яқинлик) мартабалари ошиб борган сари Аллоҳ таоло зоти покининг улўғворлиги асари зиёда бўлади ва жаҳолатнинг зиддига бўлган илм кўпаяди, оқибатда илоҳий маърифат ортиб, ҳайрат устига ҳайрат қўшилади ва гўё, «Эй Роббим мен ҳайрат оғушидаман», деган нидо кўтарилади. Ёки: «Ҳайрат – ошиқнинг Парвардигор жамоли боқамоли мушоҳадаси билан машғул бўлиб, ўзини унутган ҳолатидир».¹⁹³

Шундай илоҳий ишқ оғушида бўлган Калон ҳазрат умрлари сўнггида емай-ичмай кўядилар. Шундай пайтларда муридлар суяқ атала пишириб, аста оғзиларига қуйиб қўйишар экан. Шунда ҳам буни сезмас, то улар, «ютинг ҳазрат», дегунларича оғизларида туриб қолар экан.¹⁹⁴

Калон ҳазрат ўз ўрнида соҳиб каромат валий бўлганлар. Бу борада Мукаррамхон тўра Хон бувадан нақл қилинган қуйидаги воқеа ибратли.

Калон ҳазрат талабалар сабоғини навбат билан уларнинг ҳужрасида берар эканлар. Ҳар бир ҳужрада уч-тўрт нафар талаба турар эди. Улардан бири эса ҳужрабоши саналар эди.

Бир куни шундай воқеа бўлади. Навбатдаги дарс тайин қилинган куни ҳамма келиб йиғилади. Аммо ҳужра эшиги берк, эгалари эса саросимада эди. Маълум бўлишича шерикларидан бири фаромуш қилиб кўчага чиқиб кетган экан. Қутилмаган бу ҳолатдан ҳамма ҳайрон бўлади. Кимдир уни топиб келиш учун кўчага югуради, яна кимдир кулфни

¹⁹³ Н. Комилов. Тасаввуф.Т.: «Ёзувчи» нашриёти, 1996. – 38-б.

¹⁹⁴ Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик.1998.

очмоқчи бўлиб, эшикка югуради. Лекин ҳазрат: «Ташвишланманглар», – дея, ҳаммани тинчлантирадилар ва хужра эшигига яқин келиб, бир зум кўзларини юмиб турадилар-да, сўнг кулфга қараб назар қиладилар. Не кўз билан кўрилсинки, кулф ўша ҳолда очилиб, шарақлаганча ерга тушади.¹⁹⁵

«Биз ўзини деймиз»

Айтишларича, Калон ҳазратнинг аввалги ҳолларида ўнг қўл бош бармоқлари устига жароҳат чиқиб, ҳадеганда тузалавермайди. Номдор табибларга кўрсатилиб, муолажа қилинса ҳам натижа бўлмайди. Оғриқ эса кундан-кунга кучайиб бораверади.

Ўша вақтларда Марғилонда одамлар назаридан беътибор бўлиб юрадиган «Рўзи девона» деб аталадиган бир девона одам бўлар экан. У ҳам гоҳо уйида беморларга муолажа қилиб дам солар, баъзилар унинг муолажасидан шифо топар эканлар. Калон ҳазратнинг бармоқлари тузалавермагач, баъзилар: «Ҳазрат ҳам девонага учрасалар бўларди», дейишибди-ю, лекин ботиниб айта олмабдилар. Охири, яқин кишилардан бири бу ҳақда у зотга оғиз очибди. Ҳазрат қабул қилибдилар ва икки киши ҳамроҳлигида девонанинг уйига борибдилар.

Кириб келишганда у бир неча беморларга дам солиб ўтирган экан. Меҳмонларни кўргач: «Ўша ерда ўтириб туринглар», – дея уларга пойгақдан жой кўрсатибди ва ўзи ишида давом этибди.

Беморларидан бўшагач: «Энди бу ёққа келинг», – деб, Ҳазратни чақирибди. У зотдан қаерлари оғриётганини сўраб билгач, кўзини юмиб, ичида бир нималарни ўқибди ва оғриётган бармоққа қараб: «Суф-ф» деб, дам урибди. Шунда не кўз билан кўрилсинки, оғриётган бармоқ ўша тобда оғриқдан тўхтаган экан.

Ҳазрат бундан таажжубланиб: «Менга қара, сен нималарни ўқиб, дам урдингки, шунчалик тез таъсир қилса?!» – деб, сўрабдилар. Девона бир зум Ҳазратга тикилиб: «Тақсир, сиз сўзини дейсиз-у, биз ўзини деймиз», дея, жавоб берган экан. Ҳазрат пешоналарига бир уриб: «Биз камол топдик

¹⁹⁵ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Яккатут. 1999.

деб, юраверган эканмиз-у, лекин, хали бир девоначалик ҳам бўлмабмиз», – дея таслим бўлган эканлар.¹⁹⁶

*Вайрон кўнгиллар Ҳақ мазҳаридур,
Ганж ўлди пинҳон вайроналарга.*¹⁹⁷

Кўриниб турибдики, девона гарчи бошқаларга билин-маса-да, қалби ҳақ зикридан огоҳ бўлган.

Фаридиддин Аттор «Тазкират ул-авлиё» асарида Имом Аҳмад ибн Ҳанбал замон авлиёси Бишр Ҳофийни¹⁹⁸ кўп севиб, хузурига тез-тез зиёратга бориб туришларини келтирганлар. Кишилар у зотдан шундай буюк аллома бўлганлари ҳолда оддий бир девонани зиёрат қилишлари сабабини сўрашганида, Ибн Ҳанбал, уни маърифати кучли авлиё эканини айтганлар.¹⁹⁹

Калон ҳазратнинг ижодий фаолиятлари ҳақида ҳам қисман маълумотлар бор. Асарларидан ҳозирча 1997 йилги изланишлар жараёнида марғилонлик Зуннун қори Юсуфжон ўғли (ваф.1994) нинг мерослари орасида учратганимиз, умид бобида ёзилган қуйидаги икки рубоийгина мавжуд.

*Ҳангоми қабр чу айёми баҳор,
Дил танг мабошад андарин хонаи тор,
Меҳмон ту ғариб соҳиб хона карим,
Ҳаргиз набувад карим меҳмон озор.*

Яъни, қабрда ўтадиган кунлар гўё баҳорнинг серфайз кунлари кабидирки, сен у ер тор ва қоронғу экан, деб асло дилтанг бўлма. Чунки, сен у ерга меҳмон бўлиб боряпсан. Меҳмон ғариб, аммо соҳиби хона эса карим – карамли зот. Шундай бўларкан, карамли зот ҳаргиз меҳмонга озор берувчи бўлмайди.

*Ғаффори зунуб аз ту омон металабам,
Исми ту зофурас тҳамон металабам,
Ҳар мўйи танам басад гуноҳ огушта,
Тақсири гунаҳ басад забон металабам.*

¹⁹⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Хотинарик.1997.

¹⁹⁷ Хожажон Қози Рожий Марғинович «Ҳайрат-ул-инсон» Нашрга тайёрловчилар: Муҳаммаджон Мадрозиев, Икромиддин Остонақулов. Т.: «Адиб» нашриёти. 2012. – 18-б.

¹⁹⁸ Бишр ибн Абдурахмон ал-Хофий Абу Наср. Машхур тасаввуф шайхларидан. 150/767 йили Марвда туғилган. 227/841 йили Бағдодда вафот этган.

¹⁹⁹ Фаридиддин Аттор. «Тазкират ул-авлиё» «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 1997. – 27-б.

Яъни, эй Раббим, сени гуноҳларни кечирувчи зот эканиндан менга омонлик беришингни тилайман, чунки сени бир исминг Ғофурдирки, доимо шуни талаб қиламан. Танамдаги ҳар бир мўйлар юзлаб гуноҳларга оғушта, шу сабаб гуноҳим кечирилмоғини юзлаб тилда талаб қиламан.

Айтишларича, Калон ҳазрат кўпинча мазкур икки рубоийни такрорлаб ўтирар эканлар. Калон ҳазратнинг бундан бошқа асарлари, девон ё баёзлари ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Аллома 1884 йилда вафот этганлар. Қабрлари Хонақоҳ ёнидаги қабристонга бино қилинган. 1928 йилда йўл ўтиши муносабати билан қабрлар кўчирилганида аллома қабри ҳам кўчирилиб, Сармозор қабристонига олиб бориб дафн қилинган.

Юксак одоб

Шу ўринда юқорида келтирганимиз, Ҳазрат Домланинг Бухородан қайтгач, Калон ҳазрат хузурига ходим ва шогирд бўлиб келиши чинакам одоб ва катталарга эҳтиром эканини яна бир бор таъкидлагимиз келади.

Қадимдан Ўрта Осиё халқлари ўртасида мазкур одобга юксак қадрият деб қаралган ва ўтган уламоларнинг барчаси бунга қаттиқ амал қилганлар. Ўз ўрнида уни бошқалардан ҳам талаб қилишган. Акс ҳолда, буни беодоблик деб билганлар. Чунки инсон маънавий камолотида устозлар марҳамат назари, айниқса, катта ёшли уламолар меҳрининг ўрни беқиёс эканини улар яхши англаганлар. Аслида, улар Аллоҳнинг розилигига олиб борадиган ҳар қандай ишда нафсларининг хоҳишига эътибор қилмаганлар. Уларни бемухокама қабул қилиб, муҳаббат ва самимият билан бажариб келганлар ва энг қизиғи, бу каби ишларни шогирдлари ва фарзандларига ҳам сингдиришга эришганлар. Айниқса, уларни устозлар ҳурмати ва катта ёшли кишилар эҳтироми борасидаги эътиборлари қаттиқ бўлган.

Машхур ҳанафий аллома Алий ибн Султон Муҳаммад Ал-Қори Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Кичикларимизга раҳм қилмаган, катталаримизни эса ҳурмат қилмаган киши биздан эмасдир», мазмунидаги ҳадиси шарифларини шарҳлар эканлар, «Бу ишни қилганлар биз мусулмонлар жамоасига хос кишилар жумласидан

эмас», дея маъно берганлар.²⁰⁰ Бу билан аллома катталарни ҳурмат қилиш имон ва мусулмонлик белгиларидан эканини таъкидламоқдаларки, бу имон ва ислomini муҳофазаси барча нарсадан муҳим саналган мўмин учун оддий гап эмас.

«Файз ул-қодир»да: «Катталарни ҳурмат қилиш вожиб-дир», дея келтирилган сўз эса, буни янада таъкидлайди.²⁰¹ Жалололидин Суютийнинг²⁰² «Жомеъ ул-аҳодис»ларида ҳам бу ҳақда алоҳида тўхтаб ўтилган.²⁰³

Алий Қори Имом Термизийнинг Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган: «Қайси бир ёш йигит ёши улуғ кишини, катталиги сабаб, ҳурмат қилса, албатта, Аллоҳ таоло унга ҳам кексалигида ҳурмат қиладиган кишиларни пайдо қилади», мазмунидаги ҳадиснинг шарҳида, бу – ёшлар улуғ кишини, ундан кўра илми, амали кўпроқ бўлгани ва Аллоҳни ундан аввалроқ танигани учун ҳурмат қилгани учун кейинчалик, унга ҳам хизмат қиладиган кишиларни пайдо қилади, деганлар ва бунда уларни ҳурмат қилиш қандай эътиқод ва ният билан бўлиши зарурлигини эслатмоқдалар. Унга кўра мазкур ҳурмат шунчаки, кўркўрона, мақсадсиз бўлмай, аниқ ният, соф эътиқод асосига кўра бўлиши зарур экан. Бундан ташқари, аллома, бу ҳадисда ҳурмат қилган йигитнинг умри аниқ узун бўлишига очик ишора бор, дейдилар ва мисол тариқасида қуйидаги ҳикояни келтирадилар.²⁰⁴

²⁰⁰ Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. «Миркот ал-Мафотих шарҳу Мишкот ал-Масобих». Дору ихйа туросил арабий. Байрут: 14-ж., 265-б.

²⁰¹ Абдурауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 5-ж., 100-б. 1356/1937.

²⁰² Абдурахмон ибн Абу Бакр Жалололидин Суютий 849/1445 йилда Қоҳирада туғилганлар. Ҳадис, тафсир, луғат, тарих, адабиёт, фикҳ ва бошқа фанлар бўйича қомусий олим. Илм талабида Шом, Ҳижоз, Яман, Ҳинд, Мағриб диёрларига борганлар, сўнгра Мисрга қайтиб ўша ерда туриб қоладилар. Қирқ ёшдан кейин умрларини буткул таълиф ишига бағишлайдилар. Аллома тасниф қилган асарлар рўйхатини катта-кичик бўлиб, 600 тага етказадилар. Машҳур асарларидан ҳадис соҳасида «Ал-жомеъ ас-Сағир», «Ал-жомеъ ал-Қабир», Курон илмида «Ал-итқон», «Ал-дурр ул-мансур фи тафсир бил-маъсур», «Танвир ул-хаволик фи шарҳи Муваттои Молик», «Табакот ул-хуффоуз», «Табакот ул-муфассирин» ва бошқаларни келтириш мумкин. Аллома 911/1505 йилда вафот этганлар.

²⁰³ Абдурахмон ибн Камолидин Жалололидин Суютий. «Жомеъул-аҳодис». 41-ж., 274-б.

²⁰⁴ Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. «Миркот ал-Мафотих шарҳу Мишкот ал-Масобих»... 14-ж., 265-б.

Ўтмишда бир мурид Хуросон шайхларининг бири ҳузурига хизматига боради ва у ерда узоқ вақт бирга бўлади. Шайх йигитга, асосан, ҳузурига келган зиёратчиларнинг отуловларига қараб туришни тайинлар экан. Лекин мурид бу хизматларни бажарса-да, шунча йил хизмат қилиб топган натижам шуми, деб ўйлар экан. Бир гал, зиёратчилар кетиб, шайхи ҳузурига кирганида, шайх: «Эй, болам, шошилма, яқинда Аллоҳ таоло сени ҳузурингга катталарни ҳам зиёратга келадиган қилади ва сенга хизмат қиладиган кишиларни чиқаради, дейдилар.

Алий Қори мазкур ҳикояни келтирар эканлар, Аллоҳ таоло юқоридаги ҳадисни ривоят қилган Анас ибн Моликка бу улуғ мансаб, яъни улуғлар хизматида туришни насиб этгани ва шу туфайли умрлари узун бўлгани, бир юз уч ёшда Басрада саҳобалардан энг охирги бўлиб вафот этгани, моллари ва фарзандлари ҳам кўп бўлганини айтиб, булар у зотни ўн ёшидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга хизмат қилганидан эди, дея келтирадилар.²⁰⁵

Маълум бўлмоқдаки, ёшлар, хусусан, толиби илмлар модомики, маънавий камолот ҳосил қилмоқчи эканлар, кўпроқ ёши улуғ кишилар, хусусан, уламолар билан кўпроқ бирга ўтириши, ҳамсуҳбат бўлиши, энг асосийси, уларга хизмат қилиши зарур экан.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Барака сизларнинг катталарингиз билан биргадир», мазмунидаги муборак ҳадисларини шарҳлар эканлар, Имом Муновий: «Кўп тажриба асосида ишларнинг савоблироғини яхши билладиган катталар билан биргадир, дея, изоҳлайдилар ва уларни фикр ва тажрибаларидан ўрганиш учун ҳам улар билан бирга ўтириб ҳамсуҳбат бўлиш зарур, дея, уқтирадилар.²⁰⁶ Ибн Шихоб эса, бу ҳадисдан ҳар бир ишда уларнинг маслаҳатига суяниб иш кўрмоқ кераклиги англашилади, дер экан, Аллоҳ таоло бежиз, Юсуф алайҳиссаломнинг акаларини зикрида, «Уларга катталари, деди», дея, катта ёшли акаларини зикр қилмаган. Чунки у укаларига қараганда илм

²⁰⁵ Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. «Мирқот ал-Мафотих шарҳу Мишкот ал-Масобих»... 14-ж., 265-б.

²⁰⁶ Абдурауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937. 3-ж., 287-б.

ва ёшда катта эди, дейдилар. Имом Бағавий²⁰⁷ эса у уларнинг нафақат ёшда, балки илм, ақл ва тажрибада катталари эди, деганлар.²⁰⁸

Шайх Калобозий ҳам «катталар»ни зикр қилганида, «тажрибали, ақллари комил, ёшларга хос бўлган тезобликлари сўнган, одоблари камолига етган», дея урғу берганлар. Ким улар билан бирга ўтирса, улар одоби билан одобланиб, тажрибаларидан ўрганеди. Уларнинг виқорлари суҳбатдошларининг нафси ва табиатида пайдо бўлиши мумкин бўлган кўплаб иллатларни тийиб қўювчи бўлади, дейдилар. Зеро, уларни ҳам динда, ҳам Аллоҳ олдида қадри бор кишилардир, дейдилар.²⁰⁹

Кўриниб турибдики, катталар ва устозлар ҳурматини сақлашга ўтмиш алломларимизнинг барчалари яқдил иттифоқ бўлганлар. Уларни бирортаси мазкур ҳурматни тарк қилишга йўл бермаган. Ушбу ҳақиқатларни англаб етган ва унга сидқидилдан амал қилган кишиларга саодат ёр бўлишида шубҳа йўқ.

Мисрлик буюк олим Абул Мавоҳиб Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ибн Али ал-Ансорий аш-Шаъроний (898/1493–973/1595): «Одоб билан амал қилиш фикри бўлмаса, кишининг илм талаб этмоғи дуруст эмас. Одоб диннинг учдан икки бўлагидир. Аллоҳнинг валийлари улуг мақомга кўп амал билан эмас, балки одоб ва гўзал ахлоқ билан етишганлар», деб айтганлар.²¹⁰

Хожа Баҳоуддин (қ.с.) ҳазратлари эса: «Бу йўл талабида бўлганлар куйидаги нарсаларга амал қилиши шарт. Тариқат йўли одобдан иборатдир, ҳар бир ҳол, ҳар бир мақомнинг одоблари бор, кимки одобни ушласа, у уни энг юқори мақом соҳиблари етган манзилга етказди. Агар адабдан озги-

²⁰⁷ Абу Муҳаммад Ал-Хусан ибн Масъуд ибн Фарро Ал-Бағавий Аш-Шофеъий. (436/1045–510/1117) Шофеъий алломалардан. Муҳаддис, факих, муфасссир. «Рукниддин» – «диннинг устуни», «Муҳйид-дин» – «Динни тиргизувчи» лақаблари билан танилган. Кўплаб таснифотлари бор. Хуросоннинг Марварруз шаҳрида вафот этган.

²⁰⁸ Абу Муҳаммад Ал-Хусан ибн Масъуд Ал-Бағавий. (ваф.516 х.) «Маъолим ат-танзил». Дору тоййиба лин-нашр.1417/1997.

²⁰⁹ Муҳаммад ибн Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Яъқуб Ал-Калобозий Ал-Бухорий Ал-ханафий. (ваф. 384 х) «Бахр ул-фавоид». Дорул кутубул илмийя. Байрут - 1420/1999. 1-ж., 129-б.

²¹⁰ Имом Шаъроний «Танбех ул-муғтаррин». Дорул маърифат-Байрут. 2004. 99-б. Бундан кейин: «Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин».

на нуқсонга йўл қўйсанг, нимаики қилсанг ҳам беадаблик кўринади», – деганлар.²¹¹

Абдуллоҳ ибн Муборак: «Биз илмнинг кўпидан кўра, одобнинг озига муҳтожроқмиз», – деганлар.²¹²

Тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, қадимдан Марғилонда яшаб дунёнинг турли ерларида фаолият олиб борган алломалар илму билимда мумтоз бўлиш билан бирга хулқ ва одобда ҳам беназир бўлишган. Водилда яшаб Асий тахаллуси билан ижод қилган уламо Охунжон қори Муҳаммадрасул ўғли (1876–1959) шундай деган эдилар: «Осмонда икки машъал – нур бор, ой билан қуёш. Бордию, учинчи нурга эҳтиёж тушса шубҳасиз у Марғилон бўлади».²¹³

Гарчи мазкур таъриф уларнинг шахсий муносабати сифатида баҳоланса-да, таҳсиға лойиқдир.

Дарвоқе, одоб ва муомалани ҳам кўпроқ марғилонлик уламолардан ўрганиш зарурлигини уларнинг ўзлари таъкидлаганлар. Ҳар қандай толиби илм мадрасани тугатган бўлса-да, амалий фаолиятини бошлашдан аввал Марғилонда бир оз истиқомат қилиб, бу ер зиёлиларининг муомала маданиятини ўрганиши шарт, акс ҳолда кўп ноқулайликларга тушиб қолиши мумкин, деган мазмундаги гап ўша давр илм аҳли ўртасида машҳур бўлган. Фикримиз исботи учун биз қаламга олган давр илм аҳллариининг баъзи ишларини мисол тариқасида келтириб ўтсак.

Маълумки, Марғилонда 1857–1938 йилларда Холмуҳаммад қори домла номи билан машҳур бўлган аллома яшаб ўтганлар. Алломадан содир бўлган айни одоб ҳақида марғилонлик яна бир уламо Тошпўлат ҳаким Раҳмутуллабек ўғли шундай дейди:

«Бизнинг ҳовлимиз Холмуҳаммад қори домла имомлик қиладиган Ширмонпаз масжидига яқин эди. Домла қачон ёлғиз қолди дегунча, кўпроқ мени чақиртирар эдилар. Бирга суҳбатлашиб ўтирар эдик.

Бир куни шундай воқеа бўлди. Одатдагидек, масжиддаги ҳовуз бўйида суҳбатлашиб ўтирганимизда, бехосдан

²¹¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. «Баҳоуддин Балогардон» Т.: «Ёзувчи» нашриёти. 1993. – 69-б.

²¹² Абул Қосим Ал-Қушайрий. «Ар-Рисола ал-Қушайрийя»... 285-б.

²¹³ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – 1999.

қори домла ўринларидан туриб, йўл томонга қараб, таъзим қилганча туриб қолдилар. Мен ҳайрон бўлдим. Чунки ҳеч ким йўқ эди. Шундай бўлса-да, мен ҳам туриб, у зотга шерик бўлдим. Бир оздан кейин кўчадан бир одам тентираганча ўтиб кетди. Унинг ақли заиф экани шундоққина билиниб турарди. У кетганидан кейин ҳам домла ўтирмадилар. Назаримда у масжиднинг нариги бурилишидан ўтиб кетгачгина жойларига ўтирдилар.

Мен бундай қилганлари сабабини билмай ҳайрон қараб турсам сўз бошладилар. «Биласизми, бу кишининг аждодлари ўз даврида улуғ кишилар бўлишган, Марғилон халқига устозлик қилишган. Мен ўшаларнинг ҳурматидан бу кишига таъзим қилдим», – дедилар. Ўшанда мен бу зотнинг каромат ва эҳтиромига қоил қолган эдим. Чунки домланинг ҳар икки кўзлари кўрмас эди.

Дарҳақиқат, Тошпўлат ҳакимнинг қоил қолганича бор. Илм аҳлининг ҳурмати улар вафотидан кейин ҳам сақлашни гўё ўзига вожиб деб билган Марғилон халқининг олийжаноблиги ҳам шунда. Афсуски, бугун мазкур юксак кадрият нутилиб бораётгани ачинарли.

Марғилонлик уламолардан Хонақоҳ жомеъ масжидида узоқ вақт имом-хатиблик фаолиятида хизмат қилган Ҳабибуллоҳ қори домла Дадажон хўжа ўғли (1901–1977) нинг манокибларида келтирилган қуйидаги воқеа ҳам бу соҳада ибратли. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида Марғилонда бўлиб ўтаётган анжуман пайти косагаронлик Маҳмуджон қори домла таҳоратга чиқадилар. Буни кўрган қори домла дарҳол сув тайёрлаб, ҳовлидан келишларини куйиб турадилар.

Келганларида у зотга сув қуйиб бермоқчи эканларини айтадилар. Бунга жавобан у зот: «Ҳай-ҳай, сизга сув қуйдирсак, маъшарга қайси юз билан борамиз», дея, рад қиладилар. Қори домла ҳарчанд илтимос қилсалар ҳам кўнмайдилар. Охири: «Ўзингизга маълум, исломнинг аввалида фаришта Жаброил (а.с.) таҳорат қилишни кўрсатиб берганида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кузатиб турган эканлар, ҳеч бўлмаса, биз ҳам шунга тақлид қилиб қўйсак», дея, кўндирадилар ва у зотнинг таҳорат олишларини диққат билан кузатиб, таълим олган бўладилар.

Этиборли жиҳати шундаки, бу одоб Ҳазрат Домла ва

мулла Абдурахмон қори домладек замон олимларида таълим олган зотдан содир бўлаётган эди. Таҳорат қилиш қоидаларини минглаб кишиларга таълим бериб, бу соҳада ўзи намуна бўлиб келаётган шахсдан содир бўлаётган эди, бу илтижо. Ҳа, одоб-ахлоқни кўпроқ марғилонлик уламо-лардан ўрганиш керак, деган кишилар ҳақ сўзни айтганлари шубҳасиз.

Маълумки, ўтган асрда Андижонда «Қози домла» номи билан машҳур бўлган улуғ олим – Абдулмажид қори Абдуллоҳ қори ўғли яшаб ўтганлар. Ҳофиз Қуръон, факих, зуллисонайн (араб, форс) шоир, адиб, қозий, мутасаввиф ва валийлик шарафига эга бу зот 1870 йилда Андижонда туғилиб, 1967 йилда вафот этганлар. «Қози домла», «Фаришта қози», «Ҳастдомла» («Ҳазрат домла») каби унвонлар билан машҳур бўлиб, «Ҳофиз» тахаллуси билан ижод қилган мазкур зотга кўп қатори марғилонлик илм ва маърифат аҳли ҳам эҳтиромли бўлишган.

Марғилонда яшаб ўтган Исмоилжон махдум Бухорий домла ўғли (1899–1989) ҳам мазкур зотга муҳаббатли кишилардан бири эдилар. Шу туфайли тез-тез зиёратларига бориб турганлар. Шундай сафарларнинг бирида у зотга ҳамроҳлик қилган шогирдларидан Зайнобиддин ҳожи ота Йўлдош ўғли шундай дейдилар:

«Бир куни махдум почча билан Андижонга Абдулмажид қози домла зиёратига борадиган бўлдик. Кетаётиб, махдум почча у зотнинг улуғлиги ва баъзи фазилатларидан сўзлаб кетдилар ва имкон бўлса зиёрат баҳона у зотдан баъзи нарсаларни сўраб олмоқчи эканларини ҳам айтдилар.

Етиб борганимизда у ерда катта анжуман бўлаётган экан, бизни ўша ерга олиб киришди. Биз сафнинг пойгакка яқин бўш жойига ўтирдик. Бир оздан кейин у ер ҳам меҳмонлар билан тўлди. Кейин савол-жавоб бошланди. Кишилар саволлари билан мурожаат қилиб, жавоб олишар эди.

Савол навбати махдум поччага келди, лекин у зот индамай ўтирардилар. Тез-тез кўз қирлари билан пойгакка қараб, у ерни бўшашини кузатардилар. Бир пайт у ерда ўтирган кишилардан бири рухсат сўраб, ташқарига чикди. Махдум почча дарҳол ўша ерга ўтдилар ва ўрниларидан туриб одоб билан қози домлага саволларини бердилар».²¹⁴

²¹⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – 2008.

Кўриниб турибдики, Исмоилжон махдум бу ерда савол бериш одобига риоя қилганлар. У зотга ўтирган жойидан мурожаат қилиб сўрашни муносиб билмаганлар. Бу, қози домлага эҳтиром бўлиши билан бирга юксак одоб эди. Ўз ўрнида мазкур одобни ҳар ким ҳам жойига келтира олмаслигини айтиш ўринли. Қолаверса, бу ўша мажлисда фақат марғилонлик кишилардан содир бўлгани ҳам этиборли. Ўз ўрнида бу эҳтиром махдум поччани қози домлага яқин бўлишларига сабаб бўлган. Кейинчалик қози домла ҳар гал Марғилондан борган зиёратчилар орқали у зотга салом йўллаб туришлари ҳам шу туфайли эди.

Шу ўринда XIV асрда яшаб, дунёнинг кўплаб мамлакатларини кезиб чиққан араб сайёҳи Ибн Баттутанинг²¹⁵ Мовароуннаҳр шаҳар-қишлоқлари аҳолисига берган таърифига эътибор қаратайлик. У жумладан хоразмликлар ҳақида гапириб, шундай дейди:

*«Бутун дунё бўйлаб қилган саёҳатимда мен хоразмликлардан кўра хушхулқ, олийжаноб, ажнабийларга нисбатан меҳмондўст одамларни учратмаган эдим. Улар намозни шундай тартибга риоя этиб ўқийдиларки, буни бошиқа ҳеч қаерда кўрмаганман».*²¹⁶

Ибн Баттута сафари давомида Фарғона водийси томонга юрмаган, Насаф шаҳридан қайтиб кетган. Агар водийга келиб, унинг шаҳар-қишлоқларида бўлганида албатта, бу каби таърифларни Марғилон аҳолиси ҳақида айтишига шубҳа йўқ эди.

Айтишларича, қадимда қўшни шаҳар ва қишлоқлардан Марғилонга келаётган зиёратчилар шаҳар дарвозасига яқинлашганларида аввал таҳорат олгач, икки ракат намоз ўқиб, сўнгра одоб билан кирар эканлар. Бу, шаҳар ва унда истиқомат қилаётган азизларга кўрсатилган ғойибона эҳтиром бўлган.

Дарвоқе, XIX асрда Марғилон шаҳрининг 12 та дарвозаси бўлган. Бу ҳақда элшунос А. К. Писарчик ва қадимшунос В. Д. Жуковлар қимматли маълумотлар келтиришган. Маъ-

²¹⁵ Ибн Баттута – Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Юсуф ибн ал-Лаватий ат-Танжий. 703–1304 йилда Танжада туғилган. Кўплаб дунё мамлакатларини саёҳат қилиб кезиб чиққан. Кейинчалик мазкур саёҳатларда кўрганларини жамлаб катта бир асар ёзган.

²¹⁶ Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Т., 1993. 58-б.

лумотларга кўра, Марғилон дарвозалари Қўқон хони Абдулкаримбий ибн Шоҳрухбий (1734–1750) хонлиги даврида қурилган. Чунки у асосий эътиборини давлатни мудофаа қилиш ишларига қаратган эди.

Қўқон хонлари даврида ҳам марғилонлик уламоларнинг ҳурмати бошқалардан устун эканини исботловчи воқеалар кўп бўлган. Чунончи, буни амирлашкар Олимқул²¹⁷ (Алимқул)нинг муносабатидан ҳам билсак бўлади. Султон Саййидни хон қилиб сайлаш асносида бўлиб ўтган маслаҳатда у ҳадя ва тухфаларни беришни аввал марғилонлик уламолардан бошлашни айтган эди.

Бу ҳақда Исҳоқхон тўра Ибрат шундай ёзади: *«Барчамиз амирни узатиб, ...манзил-баманзил кўруниши қилиб, салом бериб, Марғинонга қарийб (яқин) Ёрмозорга кўндик. Шаҳарнинг уламо ва фузало, аёнлари истиқбол қилдилар, чиқдилар. Ул жойда зиёфат бўлди. Адойи зиёфатдан сўнг мулла Олимқул сўз очиб, дедик: «...Ушбу тақсирлар ўзимизники, сарупони аввал Марғилон уламолариндан берсак, зероки дорулмулк Марғинондир», – деди.*²¹⁸

«Равзат ул-ансоб» номли китоб кўлөзмасида келтирилган маълумотлар ҳам қадимдан атроф-жавонибдаги кўплаб кишиларнинг бу шаҳарга муҳаббати нечоғли юқори бўлганини ифодалайди.

*«Аммо ровийони ахбор ва оқилони осор андоғ ривоят қилибдурларким, замони собиқда Фарғона деб, бир шаҳри аъзим бор эрди, ҳоло Марғинон дерлар. Шаҳарлар ичида кўб хушҳаво ва хушбахр ва одамлари хушхўй ва мусофир дўст эрдилар. Хусусан, саййид-содот фазилат осор ва машойих кибор ва уламои фасоҳат кирдор ва фузалои фазилат шуор ва ҳунармандон соҳиби иқтидорлар кўб эрдилар. Аларни хосият шарофатларидин ҳамма аҳли вилоят мўмин ва мусулмон муттақий ва пири ҳунаркор эрдилар ва ҳар шаҳарлардин одамлар бу вилоятни орзу қилиб келур эрдилар ва баҳра олур эдилар».*²¹⁹

²¹⁷ Алимқул Хусайнбий Ўтарчи ўғли. 1830 йилда Андижон атрофида туғилган. Султон Саййидхон ибн Маллахон уни 1863 йили амир ул-умаро мансабига тайинлаган. Алимқул энг олий амирлашкар сифатида чор истилоси арафасида хонликда тартиб ўрнатиб, русларга қарши ҳаракатларни бошқарган. Алимқул 1865 йили май ойида Тошкент ҳимоясида ҳалок бўлган.

²¹⁸ Исҳоқхон тўра Ибрат... 117-б.

²¹⁹ «Равзат ул-ансоб» кўлөзмаси. 8-варақ. Мазкур кўлөзма Марғилон шаҳар Ў. Аҳмедов маҳалласида яшовчи Аҳрорхон Қиличхонов хонадонидида сақланади.

ХІХ асрнинг таниқли шоирларидан Абдурахмон Фаҳмийнинг «Таърифи Марғинович» маснавийсида ҳам Марғинович шахрининг баъзи фазилатлари тилга олинган. Эътиборли жиҳати, унда Марғиновични тўрт томондан азиз авлиёлар мазори ўраб тургани, шаҳар ичкарасида ҳам кўплаб улуг зотларнинг марқади жойлашганига урғу берилганидир.

Маснавий

*Худоё, Марғиновични айла маҳфуз,
Элин қил, қолу ҳол илмига маҳзуз.*

*Ямини жонибида ётмиш ул амир Хизр,
Ясоридан ўтар дарёи сер ҳузр.*

*Ямини кўҳида шери Худодир,
Муоз бинни Жабал ҳам раҳнамодир.*

*Жавониб қиблада кўп мужтаҳидлар,
Саҳоба неча минг олий шаҳидлар.*

*Заҳириддин имоми пешводир,
Кўзи кўрмаслара гўё асодир.*

*«Захирия» фатово мунда эрмиш,
Масоил ҳал учун олам қидирмиш.*

*Имом ҳал айлаб очмишлар масоил,
«Захирия» бўлиб қуллуққа моил.*

*Йилу ой шугл этиб, қилди фатово,
Бил охир, ушбу туфроқ бўлди маъво.*

*Али туғи бирла ҳазрат Қутайба,
Келиб жанг айлади, бешубҳа райба,*

*Саҳобалар азизлар бўлди марқад,
Бу боис бирла бўлди номи «Маишад».*

*Шаҳар машириқ сари ҳам кўп мазорот,
Узоқ-яқин келиб қилгай зиёрат.*

*«Ҳидоя» дафтари аввални тасниф,
Қилиб «Пури Сиддиқ»да бўлди танзиф.*

*Ки чун пайдор бўлиб Хўқанди соний,
Қолиб бу бўлди хонлар макони.*

*Ҳама дину мусулмонликда собит,
Намозу рӯза эҳсонликда собит.*

*Масоҷидлар тўлиб вақти намозда,
Қадам аввал қўйур назру ниёзда...*

*Агар жаннат ер устида жаҳонда,
Ки, бўлса ушбу шаҳри Марғинонда.²²⁰*

Мазкур боб хулосаси сифатида айтиш ўринлики, қадимдан Марказий Осиёдаги кўплаб халқларга одоб-ахлоқда намуна бўлган кишиларнинг авлоди ўлароқ истиқомат қилаётган бугунги Марғилон халқининг зиммасида мазкур кадрятларни сақлаб қолиш масъулияти мавжуддир.

Мавлоно Муҳаммад Карим (қ.с.)

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг иккинчи устозлари мавлоно Муҳаммад Карим Марғинович Хонақоҳий (қ.с.) бўладилар. Халқ орасида «Катта ҳазрат» номи билан машҳур бу зот юқорида зикр қилинган Калон ҳазратнинг пирлари эдилар. Ўз даврда Ҳазрат атрофида замон уламоларидан иборат жамоа фаолият олиб боришган.

Аввал айтилганидек, Ҳазрат Домла мактабни тугатганларидан сўнг Хонақоҳга келиб бу зот ҳузурида хизматда турадилар. Тўғри, Ҳазрат Домла бу ерда аввалига фақат зиёратчиларга хизмат қилиш билан кифояланганлар. Улар марҳамат назарининг ўзиёқ кишини тарбия қилиши аниқ эди. Бинобарин, улар ҳузурида таълим олиш эмас, балки, хизматда туриш ҳам ҳар қандай ёш йигитнинг қўлидан келмаган.

Толиби илмга улуғларга хизмат қилиш ва уларга эргашиш, уларнинг ахлоқ ва тажрибаларидан ўрганиш учун ҳам зарурлиги таъкидланган.

Ҳанафий мазҳабининг буюк алломаларидан Зафар Аҳмад Ал-Усманий Ат-Таҳонавийнинг «Эъло ус-сунан» номли китоблари муқаддимасида шундай келтирилган: «Тажрибалар шунини кўрсатадики, ёлғиз илм ва кенг мулоҳазанинг ўзи инсоннинг тўғри диний тарбияси учун етарли эмас. Чунки нафснинг ислоҳи, қалбнинг поклиги ва ахлоқнинг

²²⁰ Девони Фаҳмий. 529-б.

тўғрилигида киши Ҳақнинг хос бандаларидан бирига намуна сифатида эргашиш ва унинг суҳбатини лозим тутиш, унинг тарбияси ва таълимидан фойда олиш ва ўша фойдаларни ўзига жалб қилиш билангина бўлиши маълум бўлган.²²¹ Зеро, Аллоҳ таоло «сиротум мустақим» деб атаган «тўғри йўл»ни набийлар, сиддиклар, шахидлар ва солиҳлардан иборат, ўзи уларга инъом қилган йўл эканини айтган. Бошқа бир оятда эса «Менга қайтганларнинг йўлига эргаш» (Лукмон сураси, 15-оят), дея марҳамат қилган.

Маълум бўлмоқдаки, бандадан унга эргашиши талаб қилинган йўл бу Ҳаққа қайтганларнинг йўлига эргашиш билан ҳосил бўлади.²²²

Бу ҳақда «Тафсири Табарий» номи билан машҳур «Жоме ул-баён фи тафсир ал-Қурон» китобининг муаллифи Муҳаммад ибн Жарир Ат-Табарий²²³ (224/839–310/923 х.й.) ҳам: «Ким Аллоҳ таоло каломида васф қилган зотларнинг йўлига эргашиб, бу йўлда Аллоҳ ва унинг расулига итоат қилган ҳолда истиқоматда турса, уларни ҳам ўзи ваъда қилганидек, ўшаларнинг мақомига етказди, дея таъкидлаганлар.²²⁴

«Тухфат ус-соликин»да шундай келтирадилар: «Мурид шариф мақом ва фойдали даражага фақатгина шайхлар суҳбати, улар билан бирга ўтириш, уларнинг сўзларини тинглаб мулоҳаза қилиш ва одобларини ўрганиш, шу билан бирга уларга доимий хизмат қилиш билангина етади. Кимки уларга эхтиром тариқида хизмат қилмаса, улар фойдасидан маҳрум қолади ва марҳамат назарларига эриша олмайди».²²⁵ Ҳатто мазкур тоифанинг шайхи Жунайид Бағдодий:²²⁶ «Ким одобсизлиги туфайли шайхлар эхтиромидан маҳрум қолса,

²²¹ Зафар Аҳмад Ал-Усманий Ат-Таҳонавий. «Эъло ус-сунан». Дорул фикр. Байрут. 1421/2001. 1-ж., 19-б.

²²² Зафар Аҳмад Ал-Усманий Ат-Таҳонавий. «Эъло ус-сунан»... 1-ж., 19-б.

²²³ Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Ғолиб Абу Жаъфар Ат-Табарий. «Муфассирлар имоми» номи билан машҳур аллома. 224/839 йилда Табаристонда туғилганлар. 16 ёшда илм талабини бошлаб, бир неча шаҳарларни кезадилар ва Бағдодга бориб, у ерда туриб қоладилар. Тафсир, тарих ва бошқа фанларга доир қимматли асарлар колдирганлар. 310/923 йилда Бағдодда вафот этганлар.

²²⁴ Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Ғолиб Абу Жаъфар Ат-Табарий. «Тафсири Табарий». «Муассасатур-рисола. 1410/2000. 1-ж., 180-б.

²²⁵ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин»... 58-б.

²²⁶ Жунайид Бағдодий. Кунияти Абул Қосим. Бағдодда туғилган. Имом Шофеъийнинг катта шогирдларидан. 297/909 йилда вафот этган.

Аллоҳ таоло уни одамлар орасида ёмон кўрсатиб кўяди», — деганлар. Ёки: «Ким тариқат шайхлари билан бирга ўтириб, уларни одобидан ўрганмаса, унга ҳаргиз маънавий файз яқин келмайди», деганлар.²²⁷

Шунга кўра тарихда ўтган кўплаб алломалар ўз даврининг йирик тариқат шайхларининг доимий суҳбати ва ҳатто хизматида ҳам бўлганлар. Мисол тариқасида Ҳинд уламоларидан Ашраф Али Таҳонавий ҳазратларини келтиришимиз мумкин. У зот ҳам тариқат шайхларининг хизмат ва суҳбатига ҳарис эканлари таъкидланган. Хусусан, Имдодуллоҳ ал-Муҳожир ал-Маккийга байъат қилиб, хизмат қилган ва суҳбатларидан катта фойдалар ҳосил қилганлари айтилган.²²⁸

Ўз сўзимизга қайтдик. Кейинроқ эса Ҳазрат Домла бу ерда Муҳаммад Карим Хонақоҳий Катта ҳазратдан бевосита таълим ола бошлайдилар. Қўлимизда Катта ҳазрат ҳақида хабар берувчи иккита ёзма маълумот мавжуд бўлиб, улардан бири Ҳазрат Домла томонидан ёзилган марсиядир. Унда Ҳазрат алломани, жумладан, шундай таърифлаганлар. «Жаҳон офтобининг файзиёб нури», «тавҳид денгизининг покиза куши», «садоқат мазҳари», «илоҳий завқлар сабабчиси», «илмлар кони», «илоҳий сирлар хазинаси», «раҳмоний лутфлар кони» ва бошқалар.²²⁹

Мазкур таърифларнинг ўзиданоқ, Катта ҳазратнинг маънавий камолотини билсак бўлади. Қуйида маълумот сифатида марсияни таржимаси билан келтираемиз.

Марсия

*Во даригоки аз зулми жаҳон,
Ҳама бо ашки чаим ҳайрон рафт.*

*Лолагул, бинафша ва насрин,
Сумбулу ёсуман, райҳон рафт.*

*Ҳасрато нур файзу меҳри шуҳуд,
Жилва кардида пинҳон рафт.*

²²⁷ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин»... 58-б.

²²⁸ Зафар Аҳмад Ал-Усманий Ат-Таҳонавий. «Эъло ус-сунан»... 1-ж., 19-б.

²²⁹ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №10-қўлёзма. 22-б.

*Дурри якто қулзуми тавҳид,
Раҳ намуда ба зери уммон рафт.*

*Тоири руҳи қудс манзили у,
Зуд азин ҳокдон пурафсон рафт.*

*Мафҳари зумрайи сафокешон,
Мазҳари сидқ, завқи виждон рафт.*

*Матлӯул илм, маҳзанул асрор,
Манбаи лутф, маҳзи ийқон рафт.*

*Қоддаса сирраҳуллоҳул ақдас,
Сӯйи мақсад ажсаб шитобон рафт.*

*Ҳамнишинони маҳфили унсаи,
Дийда гирён сийна сурон рафт.*

*Ҳамкунони жумла зери куҳ ғаманд,
Нола беҳад аз дили жон рафт.*

*Нафҳайи марқади мубораки у,
Атри азизону мушк ҳайрон рафт.*

*Файзи обод шуҳратаи номаи,
Бажавониб расад расон рафт.*

*Давс пурсидам аз ҳирад тарих,
Сарфуру кард дар гирибон рафт.*

*Як -ду оҳи кашед бешак гуфт,
«Маъдани илму нури ирфон» рафт.*

Таржимаси: Афсуски, жаҳоннинг зулму туғёнларидан ҳамма кўз ёш тўкиб ҳайронликда қолди. Негаки, бу дунё чаманзоридан қанчалаб лола, бинафша, насрин (оқ гул), сумбул, ёсуман ва райҳонлар кетди.

Ҳасратлар бўлсинки, жаҳон офтобининг файзёб нури бир жилва қилди-ю, ғойиб бўлди. Тавҳид денгизининг покиза куши ёлғончи дунё манзилгоҳидан тезликда учиб кетди. Бу билан сафо аҳлининг фаҳри, садоқат мазҳари ва илоҳий завқлар сабабчиси кетди. Илоҳ ошиқларига ваҳдат майидан улашувчи, ишқ завқидан маст бўлганлар соқийси кетди.

У илмлар кони ва илоҳий сирлар хазинаси, раҳмоний

лутфлар кони ва комил имон соҳиби. Аллоҳ пок руҳларини муқаддас қилсинки, у азалий мақсад сари шитоблаб кетди.

Вафотлари сабаб суҳбатдошларининг кўзлари гирён, кўнгиллари қон бўлди. Муборак номининг шуҳрати бутун атрофга ёйилган эди. Ҳамма-ҳамма у зот ғамининг тоғи остида эзилиб, ич-ичидан йиғлаб нола қилди. Ҳатто муборак марқадининг хуш бўйидан атру мушқлар ҳам ҳайрон эди.

Ақлдан вафоти тарихига сўз айтишни сўрасам, у бошини эгиб хомуш қолди, бир-икки оҳ тортти-ю, деди: «Илмлар кони ва маърифат нури кетди».

Айтишларича, Ҳазрат Домла бу зотга қаттиқ боғланиб қолган эканлар. Бу ҳолат марсиядан ҳам сезилиб турибди. Чунки, унда устозидан айрилган ёш шогирднинг ўтли нолалари ва дил оғриқлари ҳасратли тасвирланган. Бу унинг бир жиҳати. Бошқа бир жиҳати эса тасаввуф шайхи Зуннун Мисрий – Абул Файз Савбо ибн Иброҳим (қ.с.) нинг қуйидаги сўзларидан англашилади.

«Ҳар қачон бировни топсангки, бизоатинг анинг илкида бўлғай ва дардингга онинг доруси мувофиқ. Зинҳор этагин илиқдан берма ва берк тут!». ²³⁰ Демак, Ҳазратнинг у зотга қаттиқ боғланиши шу сабабдан эди.

Алломанинг вафоти абжад²³¹ йўли билан ҳисобланса 1857 йилга тўғри келади. Қабрлари Хонақоҳ қабристонига бино қилинган. Кейинчалик устига гумбаз шаклида даҳма қурилган. 1928 йилда йўл қурилиши муносабати билан бу зот қабри ҳам кўчирилиб, Сармозор қабристонига олиб берилган.

Муҳаммад Карим Хонақоҳий ҳақида бизга етиб келган маълумотлар шулардан иборат эди. Аммо бизнинг кейинги изланишларимиз давомида топилган баъзи маълумотлар бу зот шахсини яна бир оз аниқлашимизга ёрдам беради.

Адабиётшунос олим Муҳаммаджон Мадғозиевнинг шахсий кутубхонасида марғилонлик машҳур шоир Рожий-

²³⁰ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат» Т.: 2001. – 30-б.

²³¹ Маълумки, араб алифбосидаги ҳарфлар муайян товушларни ифодалашидан ташқари маълум сонларни ҳам билдиради. Уларнинг маълум тартиб асосида қурилган шакли «Абжад» деб аталади. Қадимдан абжад воситасида тарихий воқеалар, машҳур шахсларнинг туғилган ва вафот этган йиллари ва бошқаларни маълум сўз бирикмалари орқали яширин тарзда мохирона ифодалаганлар. Китобда тарих моддаси деб келтирилган ўринларда мазкур шеърини санъат назарда тутилган.

нинг ўз устози Абдулкарим ҳазрат вафотига бағишлаб ёзган тарих-марсияси мавжуд бўлиб, шоир унда мазкур алломага шогирд бўлгани ва у зот ҳузурида Бедил ғазалларининг энг дақиқ жойларигача таълим олгани, адабиётда мавжуд «муаммаёти акбар» санъатидан ҳам малака ҳосил қилганини келтиради ва алломани мана шу йилда вафот этганини айтади.

Шунга кўра, бу зот марсияда таърифланаётган Муҳаммад Карим Хонақоҳий бўлиши мумкин, деган хулосани келтириб чиқаради. Чунки келтирилган таърифлар мазкур зот ҳақида халқ орасида ҳозиргача сақланиб қолган баъзи хотираларга ҳам мувофиқ келади.

Қолаверса, Рожий билан Ҳазрат Домла замондош бўлиб, ёшлари ҳам деярли баробар бўлган, ҳар иккилари ҳам Марғилоннинг ўша даврдаги энг пешқадам уламоларидан сабоқ олганлар. Мазкур зотни ҳам марсияда ўз даврининг «беназир» алломаси дея, келтирилмоқда.

Бироқ бу ерда ўйлантирадиган бошқа бир жиҳати бор. У ҳам бўлса келтирилганидек, шундай машҳур зотни фақат бир киши ҳамроҳлигида саёҳатга чиққанидир. Ёки, кўпчилик бирга чиққан бўлишса-да, Рожий билан алоҳида сайрга чиққан бўлишлари ҳам эҳтимол кўринади. Гарчи хулосалар ўз ифодасини топмаган чоғида ҳам биз марғилонлик яна бир машҳур уламо ҳақида маълумотга эга бўлишимизнинг ўзи қимматли. Қуйида мазкур марсияни келтирамыз. Ўз ўрнида мазкур маълумотларни тақдим қилган муҳтарам устоз, адабиётшунос олим Муҳаммадҷон Мадғозиев домлага ўз миннатдорлигимизни билдирамыз.

Тарихи аҳвол

Рожий дар айём бисту ду солаги суҳбати Домулло Абдулкаримбек машҳур ёфта. Чанд дар хизмати мумий илайҳ истифодат менамуд. Алалхусус, дар аксари авқот бақуввати фикри соиби ў маъониши дақиқа абёти Мирзо Абдулқодир Бедил мустаҳриж мешуд, мешунид ва истилоҳоти ажибайи шеърия касб менамуд. Алалхусус, тариқайи истихроҷи асомийи «Муаммоёти акбар» бағоят мушкиласт, мар фузалоро ба ин санъат ба қоидаи муаммойи ихроҷи номи мўътабараст, аз он жаноб касб мена-

муд. *Иттифоқо, дар айёми рабеъ қасди тафарружи саҳро намуда, дар роҳ афтод, дар дасти фақир мақбуз кардида буданд. Дар санайи як ҳазору ду саду ҳафтоду чор ин тарих вафоти мумий илайҳ аз зодайи табиъти фақираст:*

*Булбули маъни навои боғи фазл,
Домулло Абдулкарими хурдабин.*

*Ғайр аз ин надида чашми рӯзгор,
Нуктасанҷиро ки бошад инчунин.*

*Беназир аср фард афтода буд,
То қиёмат нест уро жонишин.*

*Шуд асири панжайи дасти қазо,
Баризойи ҳазрати жон офарин.*

*Рафт аз ин дунёйи дуни бемадор,
Гаит озими жониби хулди барин.*

*Ин чи бедодест, к-он маънишунос,
Шуд ниҳон аз мо дар огуши замин.*

*Гаит торик ин жаҳон дар мотамаи,
Аз ҳужуми дуди оҳи оташин.*

*Шояд аз ин фурқати ҳасратфазо,
Хун бигирему шавем андуҳгин.*

*Килки Рожий зад рақам тарихи у:
«Рафт аз дори фано он нозанин»²³²*

Аҳвол тарихи

Рожий йигирма икки ёшларга етганида машҳур Абдулкаримбек суҳбатига мушарраф бўлди. Бир неча вақт ул зоти бобаракотнинг хизматида бўлиб, ундан жуда кўп нарсалар ўрганди.

Алалхусус, аксар вақтларда унинг фикр қуввати ёрдами билан Мирзо Абдулқодир Бедил абётининг нозик маъноларини тушуниш, дақиқ имо-ишораларигача англаш ва бул маъонийнинг ажиб шеърӣ истилоҳотини фаҳм этиш лаёқатини ҳосил қилдим.

²³² Академик А.М.Муҳаммадиев (Фарғона) шахсий кутубхонасидаги кўлёзма, 97–98 бетлар.

Хусусан, «муаммаёти акбар» бўйича илм чиқариш усули ниҳоятда мушқил бўлса-да, кўпчилик фузалолар муаммочилик ва ундан илм чиқариш билан мўътабар бўлганлар, мен бу санъатни ҳам шу жанобдан ўргандим.

Иттифоқо, баҳор айёмидаги кунлардан бирида иккала-миз кўнгили очиш учун сахро томошасига йўл олдик. Йўлда йиқилиб, фақир кўлида жон таслим қилдилар. Ҳижрий бир минг икки юзу етмиш тўртинчи (1274) йилда. Ул зот бобаракот вафотларига атаб фақирнинг тарих манзумаси ушбудир:

«Маънолар булбули, фазл боғининг навоси Домулла Абдулкаримбек нозик фаҳму нуктадон зот эрди. Бундай етук алломайи замонни, ҳали кўз кўриб, кулоқ эшитмаган.

Ўз асрининг беназиру бетимисоли эдики, энди киёматгача унинг ўрнини босадиган одам дунёга келмайди. Жонни ато қилган Аллоҳнинг розилиги билан қазо панжасининг асири бўлди. Бу дармонсиз паст дунёдан жаннат томон парвоз қилиб кетди. Бу қандай бедодликки, шундай маънишунос ер оғушига кириб биздан яширинса.

Унинг мотамида ўтли оҳларимиздан бу ёруғ дунё (мен учун) қоронғу бўлди. Ундан айрилишдек аччиқ мусибатда, (энди) қон йиғлаймиз-у, ғам-андухга бота-миз. Рожийнинг қалами унинг тарихини шундай рақам қилди: «Фано уйидан у нозанин кетди».²³³ Тарихга кўра бу 1273/1857 йилга тўғри келади.

Эшон Абдурраҳим ҳазрат (қ.с.)

Ҳазрат Домланинг марғилонлик устозлари силсиласида мавлоно эшон Абдурраҳим (қ.с.) нинг ҳам номлари бор. Чунки мавлоно Муҳаммад Карим Хонақоҳий ҳазрат (қ.с.) бевосита бу зотдан таълим олганлар. Мазкур зоти шариф ўз даврида Марғилоннинг йирик маърифат арбоби, тариқат шайхи бўлиб, Хонақоҳда фаолият олиб борган шайхлар силсиласида муҳим ўрин тутадилар.

Ҳозирда Марғилоннинг жанубий-ғарбий томонида улкан зиёратгоҳ жойлашган бўлиб, аҳоли уни Сармозор зиёратгоҳи деб атайдилар. Бу серфайз мазор Эшон Абдурраҳим (қ.с.) (баъзи маълумотларда Мир Абдурахмон)-нинг марқа-дларидир.

²³³ Таржима Муҳаммаджон Мадғозиевники.

Маълумотларга кўра, оталари Имом Хожа Султон эшон (баъзи маълумотларда Мирпўстин ёки, Мирўғлон), боболари Имом Хожа Мир Саййид Исомуддин валий бўлиб, асли андижонлик бўлишган. Хожа Мирсаййид «Мирпўстин» номи билан танилганлар. Насаблари Имоми Хусайнга бориб тақалади. Авлодлар шажараси билан боғлиқ насабнома ҳозирда Андижонда Мир Саййид Исомиддин валий мозори яқинидаги авлодлар хонадонидида сақланади.

Халқ орасида «Эшон бува» номи билан машҳур бу зот Марғилонда туғилганлар. Ҳовлилари Ётиқ тут маҳалласида бўлган. Ҳозирда яшаган ховлилари, чиллаҳоналарининг ўрни маълум. Бир ўғил ва бир қизлари бўлган. Ўғилларининг исми Мир Нажмиддин бўлиб, у зотдан Мирҳамид, Мирсаид Ориф, Мирсаид Мавлоно, Халфаи Сафо, Мадали махдум, Мирсаид Сафо Аҳмад исмли олти нафар ўғиллар дунёга келган.

Ҳазратнинг туғилган саналари маълум эмас. Аммо халқ орасида у зот яшаган даврга икки юз йилдан ортиқроқ бўлгани айтилади. Баъзи маълумотларга таққосланса, бу ҳақиқатга яқинроқ экани англашилади. Аммо авлодлари томонидан эсдаликлар ва баъзи хотиралар асосида тузилган ёзма маълумотда Эшон бува тахминан 1730–40-йиллар орасида туғилганлар деб кўрсатилган.

У кишининг тўртинчи авлоди Мирзуннун сайид Убайдулло ўғли маълумот бера туриб, эшон дадани Хонақоҳ шайхларидан бўлганини айтар экан, Хонақоҳ масжиднинг ўша даврдаги қурилишида (ҳозиргача Хонақоҳ масжиди бир неча марта қурилгани маълум) бош-қош бўлганларини ҳам таъкидлайди.

Масжиднинг ҳозирги биноси эса маълумотларга кўра, ҳижрий 1205, (милодий 1790) йилда қурилган.²³⁴ Тадқиқотчи олима Воронинанинг таъкидлашича, масжид ўзида қадимги миллий меъморчилик анъаналарини мужассам этган нодир ёдгорликлардан бири сифатида машҳур бўлган.²³⁵ Айвон устунлари орасига сиёҳ билан «сана 1205 (милодий 1790)» ёзуви туширилган. Кейинроқ эса ҳижрий 1282 (милодий

²³⁴ Н.Абдулаҳатов, Ў. Эшонбобоев. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф.: «Фаргона», 2007. – 27-б.

²³⁵ Воронина В. Л. Народни традиции архитектуры Узбекистана. – Москва. Государственное издательство архитектуры и градостроительство. 1951. С. 54.

1865) йилда қайта таъмирланган. Бу ҳақда элшунос олима А.К.Писарчик 1939 йили Марғилонга ташриф буюрган чоғи Хонақоҳ масжиди билан танишиб, қуйидагиларни баён этган эди:

«Сўнгги марта Хонақоҳ масжидининг биноси ҳижрий 1282 (милодий 1865) йилда таъмирланган бўлиб, меҳроб устида уни таъмирлашда иштирок этган усталар номи кўрсатилган: «Амалэ усто Исфандиёр нажжор, амалэ усто Раҳимбобо, амалэ усто Қосим Муҳаммадхўжа, амалэ усто Мирза Раҳим нажжор».

Эшон буванинг масжид қурилишига бош бўлганларини инобатга олинса, бу, ҳазратни XVIII аср охири ва XIX аср бошларида яшаганларини кўрсатади. Чунки қурилиш айтилганидек, 1790 йилларга тўғри келади. Бу халқ орасида Эшон бува яшаган давр ҳақида берилаётган фикрларга ҳам мувофиқ келади. Авлодлар томонидан тузилган маълумотномада Эшон буванинг вафотлари тахминан 1807–10-йиллар деб кўрсатилган.²³⁶

Эшон буванинг ҳозирги Сармозор ҳудудига бориб истикомат қилиб қолишлари сабабини маҳаллий аҳоли қуйидагича келтирадилар.

Айтишларича, кунларнинг бирида муридлари билан Оқ Билал қишлоғига бормоқчи бўлиб йўлга тушадилар. Йўлда ҳозирги Сармозор ҳудудидан ўтиб кетаётганларида тўсатдан отлари юрмай қолади. Ноилож отдан тушадилар ва муридларига бу ерни обод қилмоқчи эканлари айтадилар. Кейинчалик оилаларини ҳам олиб кетадилар.

Маълум бўлишича, ўшанда ер бу зотга ялиниб, обод қилишларини сўраган экан. «Мен ерга ваъда бердим, бормасам бўлмайди», деган эканлар ўшанда. Чунки ўша пайтларда бу ерлар қип-қизил дашт бўлиб, деярли аҳоли яшамас экан.

Кўчиб борганларидан кейин бу ерга ариғ очиб сув келтирганлар. Секин-аста бу ерга муридлари, авлодлари кўчиб бориб обод ерга айланган. Кейинчалик вафот этганларида ҳазратни шу ерга дафн қиладилар. Ўз-ўзидан бу ер Марғилоннинг файзли зиёратгоҳларидан бирига айланади. Бунга ҳазратнинг халқ орасидаги обрўлари, муридмухлисларининг кўплиги ҳам сабаб бўлган. Қабр устига

²³⁶ Саиджамол Саиджамол ўғли. Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи ва Б.Марғилович жамғармасига тақдим қилинган маълумотлар. Марғилон – 2010.

қурилган мақбарани Қўқон хони Худоёрхоннинг қайнотаси Мусулмонқулнинг буйруғи билан унинг куёви барпо этган. Бунга қуйидаги воқеа сабаб бўлган экан.

Айтишларича, мингбоши Сармозор маҳалласидан отда ўтиб кетаётиб, тўсатдан отидан йиқилиб ҳалок бўлишига бир баҳя қолади. Ҳаётида сира ҳам отдан йиқилмаган мохир чавандоз Мусулмонқул бу ерда қандайдир сир борлигини англаб, бунинг сабабини бу ерлик кишилардан сўрайди. Улар бу ерда Сармозор эшон буванинг қабрлари борлиги ва ҳурматлари ҳаммага лозим эканини айтадилар.

Ушбу воқеадан сўнг Мусулмонқул қилган хатосини англаб, Ҳазрат қабрлари устига мақбара қурдиришга буйруқ беради.²³⁷ Мақбарани эса Мусулмонқулнинг куёви барпо этади. Қурилишдан олдин катта туя сўйдириб, хайрия ташкил қилади. Айтишларича, Қўқондан аравада пишган ғишт ва махсус сувоқ келтириб қурган экан. Ўша воқеадан сўнг Сармозор маҳалласидаги қабристон олдидан ўтаётган отличлар отларидан тушиб пиёда ўтиб кетишга одатланган эканлар. Мақбара ҳозиргача бир неча марта таъмирлангани маълум.

Сармозор зиёратгоҳи

Ёзма манбаларда ушбу муборак маскан «маъдани файзи илоҳий» – «илоҳий файзлар кони», «мазҳари жуди карам» – «жуду эҳсон манбаи», «доруш-шифо» – «шифолар уйи», «матлаи омон» – «орзулар ушаладиган ер» каби сифатлар билан таърифланган.

Сармозор эшон буванинг кароматлари ва фазилатларига доир воқеа ва ҳикоятлар ҳозиргача маҳаллий аҳоли орасида зикр қилинади. Жумладан, у зотнинг бир отлари бўлиб, йўлда кетаётганда баъзан, йўлларни четлаб-айланиб юрар экан. Ҳазратдан бунинг сабабини сўраганларида: «Бу ерда азизларнинг қабри борлигини билиб, уларни босмаслик учун шундай қиялпти», – деб жавоб берар эканлар.

Ҳазратнинг ҳовлиларида бир мушук аралашиб юрар, мабодо қайси бир муридлариникига бормоқчи бўлсалар, боришларидан аввал у ўша ерга бориб, уларга хабар берар экан. Буни англаган муридлари Ҳазрат истиқболларига пеш-

²³⁷ Абдулахатов Н. Эшонбобоев Ў. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари... 214-б.

воз чиқишар экан. Айни шу каби воқеалар тарихда бошқа кўплаб кишилар ҳаётида ҳам содир бўлган эди. Бу ҳақда «Ҳаётул хайвон ал-кубро» китобининг муаллифи Камолиддин Муҳаммад ибн Мусо ибн Исо Ад-Дамирий (ваф.808 х.) қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган эди.²³⁸

Шу ўринда Эшон бува ҳақида келтирилган қуйидаги воқеани эслаб ўтсак. Айтишларича, кунларнинг бирида ҳузурларига бир киши келиб, остонада қуллуқ қилганича таъзим қилиб туриб қолади. Бу ҳол уч кун такрор бўлади. Учинчи кун ҳазрат қўлларини очиб дуо қиладилар. У қуллуқ қилганича кетади.

Муридлари бу ҳақда сўраганларида: «Ҳа, у фалон шаҳарнинг авлиёси эди, бир хато билан мақомидан тушиб қолган экан, яна ўрнига тиклаб қўйдик», – дейдилар. Шунда ёнларида турган муридлардан бири шошиб: «Эй, аттанг, бизга айтмабдилар-да, зиёрат қилиб олар эдик», – дейди. Кейин эса ўйламасдан айтиб юборгани учун бу гапига ўзи хижолат бўлган экан.²³⁹

Айтишларича унинг мақомидан тушиб қолишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган экан. Бир гал водийда кетаётсалар бирдан шаррос ёмғир қуйиб юборади ва ҳадеганда тинмайди. У зот шаҳарга назар солсалар у ерда ёмғир йўқ, боз устига гиёҳлар қуриётгани, халқ қийналаётганини кўрадилар. Шунда дилларидан ёмғир водийга ёғмай шаҳарга ёғса яхши бўлар эди, деган фикр ўтади. Шу туфайли, ўзлари билмаган ҳолда мақомларидан тушиб қоладилар.

Ҳазрат Домла ва Сармозор зиёратгоҳи

Изланишлар шуни маълум қиладики, Хонақоҳий Ҳазратнинг Сармозор эшон бувага муҳаббатлари зиёда бўлган. У зотни ўзларига маънавий устоз деб билганлар. Бунини мазкур зиёратгоҳга тез-тез келиб туришларидан ва у ерни ҳурматлаб «Улуғ мозор» деб аташларидан ҳам билса бўлади.

Умуман олганда, айни давр Марғилон уламоларининг мазкур зиёратгоҳга айрича муносабатда бўлганларига гувоҳ

²³⁸ Камолиддин Муҳаммад ибн Мусо ибн Исо Ад-Дамирий. «Ҳаётул хайвон ал-кубро». Дорул кутубул илмий. Байрут – 2010, 2-ж., 49-б.

²³⁹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Сафил тўда. 1999.

бўлдик. Бу уларнинг бизгача етиб келган асарларида ҳам кўзга ташланади. Қўлимизда Мирҳайдар домла Толийнинг Сармозор зиёратгоҳи шаънида ёзган асари бўлиб, у билан танишиш орқали мазорнинг ўша давр маънавий ҳаётида тутган ўрни ва мазор соҳибининг баъзи фазилатларини билиб оламиз.

Ахрорхон Марғинович²⁴⁰ га тегишли қўлёзма ҳам мавжуд бўлиб, у муаллифнинг назмий асарларидан тузилган баёздор. Унда келтирилишича, муаллиф отаси вафот этгандан сўнг бу мазорда бир муддат истиқомат қилиб турганини шундай ёзади:

*«Марҳуму мағфур қиблагоҳни вафотлари 1335 йил 11 шавволда эрди. Марҳумни вафотларидан кейин ҳижронни даштида бирмунча вақтлар саросима ва маҳжурликдан бетоқат бўлиб, охири шаҳардан чекка ва холи жой деб, Сармозорга бориб, бир холи ҳужрада мўътакиф (ибодат қилувчи) бўлиб, хурду хоб билан ишим бўлмай, багирни ерга бериб, йиглаб, эътикофни тамом қилдим. Ўшал вақтдаги бошимга келган савдолар фақат ўзим билан Парвардигорга маълум. Эътикоф асносида ёзилган мухаммасдур. Лекин ул вақтда ўзимга «Котиб» деб тахаллус қилар эрдим».*²⁴¹

Бир нарсани айтиш ўринлики, Сармозор қишлоқ аҳли Эшон бувага ихлос ва муҳаббатли кишиларнинг авлоди бўлгани боис бугун ҳам мазкур қишлоқ мусулмончилик анъаналарига содиқ кишилар истиқомат қиладиган масканга айланган.

Дарвоқе, Марғилоннинг Эшонгузар маҳалласи ҳам Эшон буванинг шу ердан ўтишлари туфайли шундай аталганини шу ерлик кекса ёшли кишилар нақл қиладилар. Бундан ерли халқнинг Эшон бувага эҳтиромини билиш мумкин.

Чақалоққа ёзиб берилган хат

Қўлимизда Худоёрхон даврида Қўқон ижтимоий-маънавий муҳитида салмоқли ўрин эгаллаган тариқат шайхи Имом Раббоний авлодларидан Миён Эшон Сотиболдихон-

²⁴⁰ Мазкур зотнинг шахсини аниқлай олмадик. Қўлимизда унинг қаламига мансуб бир нечта манзумаларгина мавжуд бўлиб, улардан муаллифнинг «Котиб» тахаллуси билан ижод қилганини билиб оламиз.

²⁴¹ Ахрорхон Марғинович Котиб. Р.Файзуллаев кутубхонаси. 25-б.

ни ҳам Сармозор зиёратгоҳида бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Жумладан, 1915 милодий йилда ташриф буюрган чоғлари бу ерлик Тўхтасин қори домла исмли муридларининг хонадонидида меҳмон бўладилар. Мезбоннинг янги фарзанд кўрган кунлари бўлади. Севинчаб, чақалоқни Миён ҳазратга тутқазиб, дуо сўрайди. Ҳазрат боланинг ҳақида дуо қиладилар ва эсдалик сифатида бир варақ қоғозга нақшли муаммо тарзида хат ёзиб берадилар.

Хонадон аҳли хатни табаррук билиб асраб қўядилар. Кейинчалик уни уйнинг тўрига осиб қўядилар. Орадан йиллар ўтади. Чақалоқ вояга етиб, етмиш беш ёшида вафот топади. Унинг ёдномаси учун қилинган бир маросимга марғилонлик машҳур уламо Абдуллажон махдум домла (1890–1994) ҳам ҳозир бўладилар. Сухбат асносида марҳумнинг фарзанди хатга ишора қилиб: «Мана бу хатни Миён ҳазрат отам туғилганида ёзиб берган эканлар, ҳозиргача туради, лекин унда нима ёзилганини билмаймиз», – дейди. Махдум дада хатга тикилиб қоладилар. Ҳақиқатан, хат бир муаммо эди. У ҳар қандай оддий саводлик киши ўқий олмайдиган даражада қийин эди. Кўринишидан бир дона ҳарф бўлиб кўринган бу шаклга бир вақтнинг ўзида ўнг саккизта ҳарф, бутун бошли бир ҳадис ёзилган эди.

Махдум домла хатга узоқ вақт тикилиб қоладилар. Ҳар замонда чой хўплаб олар, яна диққат қилар эдилар. Шу зайлда анча вақтдан кейингина унга яширинган ҳадисни ўқиб бердилар ва: «Ҳақиқатдан буни ёзган зот моҳир хаттот эканлар», – дея эътироф этадилар.

Ҳадиснинг матни: «Аъза ман қанаъа залла ман тамаъ кулла фаҷжин амиқин», яъни, кимки қаноат қилса азиз бўлади, тама қилган киши эса энг паст даражада хор бўлади, мазмунида экан. Остида ёзилган йили кўрсатилган. Ҳижрий 1333.

Зиёратгоҳдан файз олиш

Хонақоҳий Ҳазрат Домлани Сармозор зиёратгоҳига бориб туриш одатлари борлигини айтиб ўтдик. Бу анъана у зотнинг шогирдларига ҳам одат бўлган эди. Масалан, халифалари Ҳожи Каримжон Домла (қ.с.) ҳар куни Сармозор зиёратгоҳига бориб, мазор ичига кириб, у ерда тонгга қадар

бўлиб қайтар эканлар. Бундан у зотнинг у ердаги азизлар билан мулоқотлари маълум бўлади. Қизиғи, бу иш ҳар куни давом этишидир.

Қадимдан тариқат шайхлари ҳаётида ўтмиш бузрукворлар қабрини зиёрат қилишга алоҳида эътибор берилган. Албатта, бу нарса уларнинг зиёратдан маънавий файз олишлари билан изоҳланган. Масалан, буюк тариқат шайхи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор валий ҳаётларида ҳам шундай бўлган эди. Маълумки, ул зотнинг йигитлик ва дастлабки таҳсил йиллари Тошкентда кечади. Аллома бобомиз йигитликда мозорларни зиёрат қилишни ёқтирар эканлар. Лекин нимадирки, кечалари ташқарига чиқишдан қўрқар эканлар. Лекин бир марта зарурат юзасидан ёлғиз ташқарига чиқишга мажбур бўладилар ва бирдан журъат пайдо бўлиб, ойдин тунда аввал Шайх Исмоил Қаффол Шоший, кейин Шайх Хованди Тахур қабрларини бориб зиёрат қиладилар. Бирдан юракларида ички бир қувват ҳосил бўлади. Зиёратдан келиб туш кўрадилар, Шайх Қаффол Шоший ҳазратларидан ўзларига маънавий файз етганини у зотни тилларидан эшитадилар. Шайх кейинчалик буни: «Бул сўздин фақирнинг ўлган қалби янгидан тирилди», деб хотирлаган эдилар.

Хонақоҳ мадрасасида таълим олган уламолардан марғилонлик Абдулазиз саркор, Соли ҳожи домла, мулла Идрисларни ҳам тез-тез мазкур зиёратгоҳга келиб, Ҳазрат ва бошқа азизлар руҳига тиловат қилиб кетишлари ҳақида ҳам маълумотлар сақланиб қолган.

Қизиғи, зиёратгоҳга нисбатан эҳтиром, унинг уларнинг маънавий ҳаётларига таъсири билан боғлиқ қарашлар уларнинг авлодларига ҳам ўтгани эди. Марғилонлик кекса ёшли Абдулғофур ҳожи ота шундай дейдилар: «Миряхё қори домлада сарф фанидан таълим олаётган кезларим. Ўшанда Сармозордаги хужрада турар эдим. Ҳар куни кечкурун талабалар билан дарс такрор қилар эдик. Дарслик Хонақоҳий Ҳазратнинг «Сийға» номли дарслик китоблари эди. 22 сийғани ёдлашга келганда нимадирки, кўп қийналдим.

Бир кун такрор қилиб ўтириб, кўзим уйкуга кетди. Туш кўрибман. Тушимда Ҳазрат Домла қабристоннинг ўртасидан менга қараб кела бошладилар. Олдимга келиб, менга 22 сийғани бошидан-охиригача ўқиб бердилар, сўнг менга ҳам ўқитдилар. Кейин орқаларига юриб, қабрга кириб кетдилар.

Орқаларидан устозим Миряхё қори домла ҳам кириб кетганларини кўрдим. Уйғонганимда сабоқ қалбимга муҳрланиб қолган эди.

Воқеани устозга айтиб бердим. Лекин у кишини ҳам бирга кўрганимни айтмадим. «Сен ўрта ёшлик пайтларини кўрибсан», – дедилар. Орадан йиллар ўтиб, устозимиз вафот топганларида (1961 йил) васиятларига мувофиқ у кишини ҳам шу қабристонга дафн қилинди».²⁴²

Айтиш жоизки, Фарғона водийсининг Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон сингари шаҳарларида Сармозор деб аталувчи зиёратгоҳ ва жой номлари мавжуд.

²⁴² Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Тахтакўприк. 1999.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ ПИРЛАРИ

Муҳаммад Обид Намангоний

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг тариқат юзасидан пирлари шайхи комили мукаммал Муҳаммад Обид (қ.с.) бўладилар. Биз шу кунгача буни тасдиқлайдиган кўплаб маълумотларни топишга эришдик.²⁴³ Бу зоти шариф наманганлик бўлиб, тариқат таълимини шайхи комили мукаммал, халифа Абдулкарим (қ.с.)дан олганлар. Халифа Абдулкарим (қ.с.) эса шайхи комили мукаммал, халифа Мир Ҳомид (қ.с.)дан таълим олганлар.

Муҳаммад Обид (қ.с) етук пири комил, юксак маърифат соҳиби сифатида машҳур бўлганлар. Айниқса, у зот ҳанафийлик мазҳаби, аҳли сунна вал жамоат ақидасининг мотуридийя таълимотини кенг ёйишга хизматлари катта бўлган. Бу борада «Мироът ул-мўътақиддин» номли асарлари машҳур.

Мазкур асар ҳанафий алломалардан Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Ўший Фарғонийнинг 569 ҳижрий йилда ёзган «Қасидаи амолий» китобига шарҳдир. Сунний ақиданинг барча масалалари назмий тарзда баён қилинган мазкур асар қадимдан Мовароуннаҳр мадрасаларида бошқа ақида китоблари қаторида ўқитилган.

Асарга аллома Али ибн Султон Муҳаммад-Алий ал-Қорий «Зовъ ул-маолий» номли шарҳ ёзганлар. Муҳаммад Обид (қ.с.)нинг шарҳи туркий тилда ёзилган мукаммал шарҳ саналади. Асар ўша даврда Тошкентда тошбосма усулида чоп қилинган.

Ҳазрат Домланинг мазкур асарга эътиборлари юқори бўлганини, фаолиятлари давомида ундан кўп фойдаланганлари ва уни ўқиш ва таълим беришни шогирдларига тавсия қилганларидан ҳам билса бўлади. Ҳатто мазкур шарҳни кўргач, унга ўзлари ёзмокчи бўлган шарҳни тўхтатганлари ҳам устоз асарига ҳурмат натижаси эди.

Биз Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг пирлари Муҳаммад Обид (қ.с) ҳақларида маълумот йиғар эканмиз, у зотни

²⁴³ Абдулқодир Марғиноний. №12-қўлёзма. 302-б; Охунжон қори Марғиноий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-йиғма жилд.

кўплаб кароматлари ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар учратдик.

Маълумки, Марғилоннинг Сармозор қишлоғида тариқат шайхларидан Тўхтасунжон махдум эшон (Муҳаммад Саъид) (қ.с.) истиқомат қилганлар. Бу зоти шариф Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг халифалари Ҳожи Каримжон Домла (қ.с.) нинг фарзандлари бўлиб, оталаридан кейин у зотнинг халифалари вазифасида узок вақт тариқат сулуқини тебратганлар. Мазкур зотнинг Марғилон ва унинг атрофидаги қишлоқларда кечган амалий фаолиятлари, фазилатли ҳаётлари билан боғлиқ кўплаб воқеалар маҳаллий халқ ва хусусан, зиёли кишилар хотирасида мустаҳкам ўрин олган.

Ҳазрат махдум эшоннинг айтишларича, Ҳазрат Домла бир гал Наманганга Муҳаммад Обид (қ.с) зиёратига борадилар. Суҳбат кетаётган пайт ўша ерлик бир аёл ҳолвайтар пишириб, талабалар орқали меҳмонларга чиқаради ва дуо умидида эканини айтади. У зот ҳолвайтарни қўлларига олгач, аёл ҳақида дуо қиладилар ва шундай дейдилар: «Биродарлар, мазкур онани яна бир муддаолари ҳам бор. У ҳам бўлса ҳозир биттаю битта фарзандлари бўлиб, ҳозирда узок сафарда юрибди. Ҳолвайтарни ўша фарзандларига ҳам илиняптилар. Келинлар, бундан у кишига ҳам берайлик», – дейдилар ва косада турган ҳолвайтарни қўллари билан ҳавога кўтардилар. Шу тобда осмондан бир қўл келиб, косани олиб кетади...²⁴⁴

Бу каби воқеалар тарихда ўтган кўплаб тариқат шайхлари ҳаётида ҳам содир бўлганини кўрамиз. Масалан, 1079 йили Эроннинг Гилон шаҳрида туғилиб, 1166 йили Бағдодда вафот этган улуғ сўфий, Шарқда «Фавсул Аъзам», «Фавсус сақалайн», «Султонул авлиё» номлари билан машҳур бўлган Абдулқодир Гилоний ҳазратларининг маноқибларида шундай келтирганлар. Кунларнинг бирида минбар устида ваъз қилиб турганларида ҳолати важд (сўфийларда содир бўладиган руҳий ҳолат) воқе бўлади ва шу туфайли саллаларини бир чети очилиб кетади. Аммо ўзлари сезмайдилар. Буни кўрган барча ҳозирлар у зотга эргашиб, бошларидан саллаларини олиб минбар остига ташлайдилар. Шайх ўз ҳолларига қайтиб, сўзларини тугатадилар ва бузилган саллаларини тузатадилар. Муридларидан бирига: «Саллаларни

²⁴⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон–Милтиқоз. 2010.

олиб ўз эгаларига бергин», – дейдилар. У саллаларни эгаларига берадилар, аммо бир аёлнинг ёпинғичи ортиб қолади, лекин у бу ерда йўқ эди. Мурид уни шайхга узатади. Шайх уни олгач, эгниларига соладилар, ўша ҳолда у шайх эгнидан ғойиб бўлади. Шайх минбардан тушгач, шундай дейдилар: «Исфаҳонда бизнинг бир синглимиз бор эди. Мажлис аҳли саллаларини ташлаганларида мазкура ҳам ёпинғичини ташлади. Уни эгнимизга солганимизда эса у қўл узатиб уни эгнимиздан олди».²⁴⁵

Айтишларича, Муҳаммад Обид эшон (қ.с.)га намозда турганларида Каъба кўриниб турар экан. Энг қизиғи, буни ёнларида турган икки ҳамроҳлари ҳам кўриши эди. Камданкам кишиларга муяссар бўладиган мазкур ҳолат улар учун одатий ҳолга айланганидан уларнинг маънавий камолотини англаш мумкин.

Марғилонлик яна бир машҳур тариқат пири, Хожа Форсо мадрасасининг бош мударриси Мирҳайдар домла Толий (1833–1914) ҳам Муҳаммад Обид эшон (қ.с.) байъат қилган эдилар. У зотнинг кароматлари борасида Толийнинг мазкур мадрасада таълим олган шогирдларидан Лукмонжон қори Муҳаммад бобо ўғли (1890–1984) шундай дейди:

«Бир куни тушимда мадраса саҳни жуда ёришиб кетганини кўрдим. Ҳаммаёқ чироқ ёкилгандек эди. Бир жамоа улуғлар ташриф буюришган экан. Қарасам, устоз Мирҳайдар домла хизматдалар. Бу ишлар сирига ақлим бовар қилмай турганимда, баногоҳ устознинг оёғимни туртганларидан уйғониб кетдим. Маълум бўлишича, ўшанда устозимизнинг пирлари билан ғойибона мулоқотга киришган пайтлари экан. Устоз: «Сиз бундан хабардор бўлиб қолдингиз, зинҳор бировга айта кўрманг», – дедилар».²⁴⁶

Муҳаммад Обид (қ.с.)нинг мазкур мадрасага бошқа бир ташрифлари чоғида бўлиб ўтган воқеани Лукмонжон қори шундай эслайдилар: «Бу гал ҳам меҳмонларга устозимиз ўзлари хизмат қилдилар. Мен ҳар галгидек уларга таом тайёрладим.

Таом тортилгач, ҳазрат: «Таомни ким тайёрлади», – деб сўрабдилар. «Ўзимизни Қўшоқ тайёрлади», – дейишибди. Чунки қўл бармоқларим жуфтлиги учун менга шундай

²⁴⁵ Алишер Навоий. «Насойим ул-мухаббат» Т.: 2001. – 496-497-б.

²⁴⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Ҳамрак.2010.

исм кўйишган эди. У зот: «Йўқ бу кишининг исми «Кўшоқ» эмас, «Луқмони ҳаким» бўлади», – дебдилар ва «Ким яна шундай деб чақирса, талабаларга зиёфат қилиб беради», – деб, кўшиб кўйибдилар. Шу-шу мени отим Луқмонжон бўлиб қолди».²⁴⁷

Муҳаммад Обид (қ.с.)нинг такволари, луқма ва ғизога эътиборлари борасида ҳам талай нақллар етиб келган. Уларнинг бирига кўра, Ҳазрат таътил учун ҳовлисига бормоқчи бўлган муридларига узоқ юрмай, тезроқ қайтишларини, акс ҳолда зикр туфайли ҳосил бўлган завқ кўтарилиб кетишини таъкидлар эканлар. Умуман олганда, зикрдан ғофиллик қирқ кундан ошиб кетса, киши кўп нарсалардан махрум бўлиб қолиши мумкинлиги айtilган.

Бу борада тасаввуф шайхи Довуд Тоийнинг: «Дунёдан барча инсонларни жони ташна ҳолда чиқади, аммо зокирларнинг жонигина бундан мустаснодир»,²⁴⁸ деган гаплари машҳур. Ёки, Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) ҳазратлари: «Аллоҳдан бошқа нарсага боғланиб қолиш – бу йўлда (тасаввуф) юрувчилар учун умумий парда – тўсиқдир», деганлар.²⁴⁹

*Номи Аллоҳни дилингда доимо такрор қил,
Тебратарда тилларингни машғули истиғфор қил,
Хоби гафлатдан очиб, ибрат кўзинг бедор қил,
Бандаликдан тўшалар уқбо учун тайёр қил,
Ўтмасун беҳуда умринг, эй, биродар қор қил.*²⁵⁰

Шу ўринда тасаввуфда кенг қўлланиладиган «зикр», «байъат» ва унинг тарихи ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. Маълумки, зикр (Аллоҳни ёд этиш) барча тариқатларда муҳим амалларидан ҳисобланади.

Мавжуд тариқатларнинг ўзаро фарқ қилувчи хусусиятларидан бири зикр усуллари масаласи бўлиб, Ўрта Осиёда тарқалган тариқат сулуклари орасида жаҳрий (овоз чиқариб) ва ҳафий (яширин) зикр қилиш усуллари кенг тарқалган. Жаҳрий зикр самоъ, рақс ва ҳаракатлар билан бойитилиб

²⁴⁷ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Ҳамрак. 2010.

²⁴⁸ Имом Шаъроний. Танбеҳ ул-муғтаррин ... 96-б.

²⁴⁹ Абул Муҳсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али... 73-б.

²⁵⁰ Қоил Марғионий, Баёз. 46-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ижро этилган. Сўфийлар, одатда, жамоа тарзида (жаҳр) ёки якка ҳолда (хафий) зикр қилганлар. Асосан, Яссавийя, Қодирийя, Чиштиийя, Ишқийя тариқатларида зикри жаҳр усули қўлланган, Кубравийя тариқати вакиллари ҳам амалиётда бу зикр усулидан фойдаланганлар. Зикри жаҳр, айниқса, Яссавийя тариқатида кенг қўлланган. Яссавийя тариқатидан фарқли ўлароқ Нақшбандийя тариқатида зикрга алоҳида эътибор қаратилган.²⁵¹

«Байъат» сўзи арабча олди-сотди маъносини англатиб, шариатда кишиларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат ҳақида берган ваъдаларига айтилади. Бу ваъдада аҳд берувчи шахс ўз итоати эвазига савобни сотиб олиш маъноси борлигидан «байъат» дейилган. Расулуллоҳ (с.а.в.)дан кейин халифалар, давлат бошлиқларига байъат қилиш одати бўлган. Кейинроқ давлат бошлиғидан бошқаларга, маълум раҳбарлик маъносидаги улуғларга ҳам байъат қилиш тарқаган.

Аллоҳ таоло Фатҳ сурасида: «Албатта, Сенга байъат қилаётганлар, ҳақиқатда Аллоҳга байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир», (фатҳ сураси: 10-оят.)деган. Бу оят Ҳудайбия сулҳи вақтида нозил бўлган. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам 1400 нафар саҳобийлар биланн умра қилгани Макка томон юрганлар. Маккага яқинлашганларида, мушриклар йўлни тўсишга тайёргарлик кўраётгани ҳақида хабар келган. Ҳудайбия деган жойда тўхталган. Икки тараф бир-бирига вакил юбора бошлаган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Усмон ибн Аффон (р.а)ни юборганлар. У киши дараксиз узоқ қолиб кетганлар. Шунда «Мушриклар Усмонни ўлдирибди» деган гап тарқалган. Вазият оғирлашиб, қуролли тўқнашув бўлиши муқаррарга ўхшаб қолган. Ана шундай нозик ва хатарли бир пайтда мусулмонлар Ислом йўлида фидокорлик аҳдини бериб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилишлари лозим бўлган. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дарахт тагида туриб, байъат олганлар, Аллоҳ таоло ушбу байъатда иштирок этганлардан рози эканини эълон қилиб, оятлар нозил қилган. Байъат вақтида қўл ушлашиб туриб аҳд берилганидан аҳли та-

²⁵¹ Юлдашходжаев Хайдар Хашимханович. Мусохон Даҳбедийнинг нақшбандийя-муҷаддидийя тариқати ривожиди тугган ўрни (XVIII аср)... 12-б.

саввуфда муриднинг шайхга қилган байъатини «қўл бериш» дейилади. Шайхга муриднинг байъат қилиши ҳижрий бешинчи асрларда бошланган, бунда мурид ўз устозига тақвода бардавом бўлишга ахду паймон ила байъат қилади.

Марғилон ва Наманган

Айтиш ўринлики, Хонақоҳий Ҳазратнинг Муҳаммад Обид (қ.с.)га қўл бериб, байъат қилишлари ва шу туфайли Наманганга бориб туришлари Марғилон ва Наманган маънавий муҳити ўртасидаги мавжуд алоқаларни янада мустаҳкамланишига хизмат қилган. Мазкур алоқалар ўша давр ижтимоий-маънавий-маданий ҳаётининг ривожига қўшилган ҳисса сифатида диққатга сазовор.

Жумладан, мисол тариқасида машҳур шайх Мажзуб Намангонийнинг Хонақоҳ мадрасасига ташрифи, Меҳмонхон тўрам, мулла Шерали охундларни Марғилонга ёзма ва амалий алоқалари, Сўфихон тўра ва бошқа наманганлик бир гуруҳ кишиларни Ҳазрат Домлага қўл бериб мурид бўлиши, Марғилондан Бухорий Домла, Мирҳайдар Домла, Холмуҳаммад қори домла каби олимларни у ерга илмий-ижодий сафарларини келтириш мумкин. Бу вақтда Наманганда устоз-мураббийлар Иноятхон маҳдум Лангарий (ваф. 1316/1899), Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғли Нодим Намангоний (1844–1910) каби зотлар истиқомат қилишган.²⁵² Уларни ўша давр Қўқон адабий муҳити орасидаги муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар бор. Марғилонлик шоирларнинг ўрни Қўқон адабий муҳитида серқирра бўлган.

Айниқса, Марғилон ва Наманган мударрисларининг ўзаро фаолиятлари салмоқли бўлган. Жумладан, Мавлавий Намангоний мадрасасининг мударриси саййид Камолиддин-хожа Косоний вафотига Рожий томонидан ёзилган марсия икки юрт мударрисларининг илиқ муносабатини ифода этади.

XX аср Наманган маънавий муҳитининг йирик вакиллари Мулла Йўлдошхўжа Отахўжа ўғли Доғий ҳам кўплаб наманганлик шоирлар қатори Рожий Марғилоний ғазалига мухаммас боғлаган эдилар.²⁵³

²⁵² Хилватий Девон. Тўплаб нашрга тайёрловчи Исматуллоҳ Абдуллоҳ ва Абдуллоҳ Йўлдош. Ўзбекистон Республикаси. «ФАН» нашриёти. Т.: 2001. – 27-б.

²⁵³ Мулла Йўлдошхўжа Отахўжа ўғли Доғий. «Дилим изҳор айлайин дерман»

Мазкур алоқалар кейинчалик шогирдлар томонидан давом эттирилгани ибратли. Қўлимизда сақланаётган Асий Водилийнинг 1364/1945 йилда наманганлик мулла Акрам охундга ёзган мактублари шу қабилдадир.²⁵⁴

Мавзу Марғилон – Наманган адабий-маънавий муҳити ҳақида кетар экан, юқорида таъкидлаганимиз Рожий Марғинонийнинг Камолиддинхожа Косоний вафотига ёзган марсиясини келтиришни ўринли деб топдик. Мазкур асар водийнинг маданий шаҳарларидан Наманган ва Марғилон алломалари илмий алоқасига оид қимматли маълумотларга бой экани билан ҳам аҳамиятли. Марсияни таржимаси билан бизга тақдим қилган муҳтарам устоз Муҳаммадҷон Мадғозиев домлага ўз миннатдорлигимизни билдирамыз.

***Тарихи вафоти Камолиддинхожаи Косоний
мударриси мадрасайи мавлавий Намангоний
ки афзал-ут таҳқиқ аҳли улум буда***

*Аз ин кўҳна айвони ғамхона рафт,
Чи соҳибдилони фарзона рафт.*

*Басе панж рўзе зи дори сипанж,
Жудо ғашт аз хешу бегона рафт.*

*Агар шуд дили ман маризи ғамаш,
Ҳакими тасаллий масихона рафт.*

*Вагар дил шикастам табиби шикеб,
Зи баҳри шикастам ҳакимона рафт.*

*Мусибат гузашту ҳадиси ғамаш,
Агар зад бағўшам чу афсона рафт.*

*Чи тўфон шуд аз марги Саййид Камол,
Ба сар бувад агар хуш девона рафт.*

*Дар он рўзи жонҳо ба тобути ў,
Зи арбоби маъни радифона рафт.*

Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи: Ҳайдархон Йўлдошхўжаев, Иродахон Қаюмова. Т.: «Мовароуннаҳр» 2006. – 93-б.

²⁵⁴ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-ийғма жилд.

*Маро аз дари дил на донам чаро,
Ғами у на дар шаб, на рӯзона рафт.*

*Чу худ масти Ҳақ рафту жойи нашот,
Зи захроба пур карда паймона рафт.*

*Шароби ҳақиқат з-ҳақ маширабон,
Аз ин дурд нӯшиду мастона рафт.*

*Дилам зин мусибат ба сӯзу гудоз,
Азин мажмари ғам сипандона рафт.*

*Чаро дил на сӯзад ба Саййид Камол,
Камоли аҳоли зи Фарғона рафт.*

*Ба ботин зи ганжи қаноат гани,
Зи зоҳирпарсон фақирона рафт.*

*Жабини ниёзи ба ҳоки фано,
Бисоти адаб шуд хасирона рафт.*

*Аз ин раҳ зи бори тааллуқ ба ғӯш,
Сабукрав сабукбор мардона рафт.*

*Халаф аз шарафи хонадони салаф,
Саодатнасаб буд покона рафт.*

*Ниҳон буд афсус канзи улум,
Ба вайрона умре зи вайрона рафт.*

*Чунин ёфт Рожий ба тарихи у:
Ба жайби тафаккур чу пийрона рафт.*

*Вале бо одобе илму камол,
Зи асҳоби маънийи Фарғона рафт.²⁵⁵*

***Мавлавий Намангоний мадрасасининг мударриси саййид
Камолиддинхожа Косоний вафотиға
Рожий тарихи***

Бу кўҳна айвони ғамхонадан қандай яхши кўнгил эгалари – донолар кетди. Бу беш кунлик дунёда хешу ақрабодан бегона кетди. Юрагим унинг ғамидан хасталанди,

²⁵⁵ Академик А.Мухаммадиев кўлёзма мажмуаси. 130–131-бетлар.

чунки дилларга тасалли берувчи ҳаким Масиҳодек кетди. Унинг ғами дилимни эгаллаган эди, аммо ўша ғамнинг ҳакими бўлмиш у зот Масиҳона кетди. Мусибат ўтди-ю, лекин унинг ғам-андухига қулоқ солсам, хануз у – афсона каби кетди.

Саййид Камол вафотидан қандай тўфон юз берди, дейсизми, агар уни билмоқчи бўлсангиз, у бошида ҳуши бор кимсани ҳам ҳушсиз қилиб қўйди. Жонлар унинг тобути устида, маънолар арбоби бўлмиш унинг видолашувига кетма-кет бўлиб кетди. Лекин билмадим, нимадирки, унинг ғами бизнинг дилимиз эшигидан на кечаси ва на кундузи кетяпти. У ўзи Ҳақ нашъасидан маст бўлиб, шодлик ерига кетди, аммо бу туфайли бизнинг паймонамизни захарга тўлдириб кетди.

Ҳақиқат шаробини Ҳақ йўлида ичувчилардан, шароб дурдини ичди-ю, мастона кетди. Дилим бу мусибатдан куйиб-ёнишда, бу ғам мажмаридан (исирикдон) исирикдек кетди. Саййид Камол учун юрак нима учун ўртанмасинки, гўё, Фарғона аҳолисидан камол кетди.

Ботинда қаноат хазинаси билан бой бўлган у зот, зоҳирпарастлар учун фақирона кетди. Пешонаси доим ажзунӣз тупроғида ва ўзи эса одоб бисоти бўлиб, бўриёдек кетди. Бу йўлда тааллуқ юки унинг кифтида эди, шу туфайли (дунё молидан) енгил юриб, енгил юкли бўлиб, мардона кетди.

У шарафли саййидларнинг ўринбосари бўлиб, ўзи ҳам саййид насаблик эди, пок кетди. Афсус, унга илм хазинаси яширинган эди. Бу вайронадан бир умр обод бўлмайдиган вайронага кетди. Маъно қушлари ундан ҳуркимас эди, фикрининг панжаси гўё шер эди, лекин ажал шерига ўлжа бўлди.

Рожий унинг ўлими тарихини шундай топди: «Тафаккур ёқасидан қарилардек пийрона кетди». Аммо илму камол одобида, Фарғонанинг маъни аҳлларида эди-ю, кетди.²⁵⁶

Силсилаи шариф

Хонақойи Ҳазрат Домланинг пирлари ҳақида тўхталар эканмиз, у зотнинг пирлар силсиласини ҳам келтириш за-

²⁵⁶ Муҳаммаджон Мадғозиев таржимаси.

рур бўлади. Китоб аввалида айтилганидек, Ҳазрат Домла нақшбандия пирларининг силсиласида ўттиз тўртинчи пири-муршид бўладилар. Қўлимизда Ҳазрат силсилалари ҳақида маълумот берувчи тўртта қўлёзма мавжуд. Улар куйидагилар:

1. Охунжон қори Марғилонийга тегишли қўлёзма.

2. Охунжон қори Водилийга тегишли қўлёзма.

3. Мулла Абдулқодир Марғиновичга тегишли қўлёзма.

4. Ҳабибуллоҳ қори мерослари орасидан топилган 1347 хижрийда кўчирилган котиби номаълум қўлёзмалардир.

Қўлёзмаларнинг ҳар бири «Рисола» номи билан аталган бўлиб, унда нақшбандия тариқати сулук йўллари, зикр қоидалари ва ибодатлар услуби баён қилинган.

Қайд этиш жоизки, кўп йиллик изланишлар давомида биз бу каби «Рисола»ларнинг ўндан ортиқ нусхаларини учратдик. Бу шуни маълум қиладики, ўша даврда Марғилон уламоларининг деярли барчаси шарият олими бўлиш билан бирга, тариқат йўлига кирган сўфий кишилар бўлишган. Уларда кибр, тама, худбинлик каби иллатларнинг бўлмагани ҳам шундан. Чунки тасаввуф кишидаги барча салбий иллатларни тозалаб, уни ҳақиқий маънавий-ботиний покликка чиқарувчи ва уни комил инсон қилиб тарбияловчи олий таълимотдир. Ҳар бир рисола сўнггида Хонақоҳий Ҳазратнинг силсилалари келтирилган бўлиб, у куйидагича:

Пирони тариқат

Хонақоҳий Ҳазрат Домла тариқат таълимини шайх, комил мукамал, халифа Муҳаммад Обид (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукамал, халифа Абдулқарим (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукамал, халифа Мир Ҳомид (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукамал, халифа Абдураҳмон (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукамал, халифа Муҳаммад Амин (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукамал, халифа Муҳаммад Сиддиқ (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукамал, халифа Ҳазрат Саййид Мўсохон (қ.с.)дан, у зот эса шайх комил, мукамал, халифа Муҳаммад Обид Саномий (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукамал, халифа Миён Абдулаҳад (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукамал ва ҳам оталари шайх Муҳаммад Саъид (қ.с.)дан, у зот эса шайх,

комил мукаммал ва ҳам оталари ҳазрат Имом Раббоний мужаддиди алфи соний, шайх Аҳмад Сарҳиндий (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукаммал, ҳазрат Хожя Боқий Биллоҳ (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукаммал, ҳазрат Хожяи Имганакий (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукаммал, ҳазрат Хожя Муҳаммад Дарвеш (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукаммал, ҳазрат Хожя Муҳаммад Зоҳид (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукаммал, ҳазрат Хожя Убайдуллоҳ Аҳрор (қ.с.)дан, у зот эса шайх, комил мукаммал, ҳазрат мавлоно Яъқуб Чархий (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Хожя Баҳоуддин Нақшбандий (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Хожя Амир Кулол (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Хожя Муҳаммад Бобойи Самосий (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Хожя Али Рометоний (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Хожя Маҳмуд Анжир ал-Фағнавий (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Хожя ориф ар-Ревгарий (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Хожяи жаҳон Абдулхолиқ Фиждувоний (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Хожя Юсуф Ҳамадоний (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Хожя Абул Ҳасан Харақоний (қ.с.)дан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Жаъфар Содиқ розияллоҳу анҳудан, у зот эса қутби раббоний ва оналари томондан боболари ҳазрат имом Қосим розияллоҳу анҳудан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Салмон Форсий розияллоҳу анҳудан, у зот эса қутби раббоний, ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан, у зот эса Саййидул мурсалин ва хотамун набийийин, ҳазрат Пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо солаллоҳу алайҳи васалламдан олганлар.²⁵⁷

Ҳар бир силсила сўнгида куйидаги дуо ёзилган: «Илоҳо, пайгамбарларнинг саййиди ва ҳотами он ҳазрат Муҳаммад солаллоҳу алайҳи васаллам ва барча нақшбандия тариқати пиронларининг (Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қилсун) ҳурматларидан бу фақиру ҳақир, беибодат, осию жофий банданга раҳм эт ва завқу шавқ ва муҳаббат ато қил. Омин, йа роббал аъламин!»²⁵⁸

Охунжон қори Марғилоний томонидан Ҳазрат Домла ва-

²⁵⁷ Кўрсатилган манбалар.

²⁵⁸ Кўрсатилган манбалар.

фотига ёзилган тарих-марсия сўнгида мазкур силсила назмий тарзда келтирилган. Айтиш ўринлики, мазкур назмий силсиланинг биз учун икки жиҳатдан аҳамияти бор; биринчидан, силсила тартибидан воқиф бўламиз, иккинчидан, ҳар бир пирнинг ўзига яраша мақом ва мартабасидан хабардор бўламиз. Бундай назмий тартиб бошқа туркий манбаларда жуда кам учрайди. Шу боис асарни тўлиқ келтириш илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Пирони табақоти нақшбандия қоддасаллоху асрораҳум

*Ҳазрат пайгамбари охирзамон шайхуш шуйух,
Жумла аҳли туруққа устодон айлади.*

*Ҳазрат Бу Бакри Сиддиқ Мустафогадур халаф,
Жаъфари Содиқу, Қосим, Фориси Салмон айлади.*

*Боязид Бастом Тайфур бинни Исо отлари.
Неча санадан кейин шайхи Харрақон айлади.*

*Шайхи Али Фармадийдур намунаи жаҳон,
Хожа Юсуф, Абдуллоҳиқи Фиждувон айлади.*

*Хожа Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий,
Пири бузруг Хожа Алийи Рометон айлади.*

*Хожа Бобойи Самосий, саййид Мир Кулол,
Хожаи Бузруг шоҳи Нақшбандон айлади.*

*Ҳазрати мавлоий Чарх, Хожа Убайдуллоҳга,
Мавлоно Зоҳиду Дарвеш чарогон айлади...²⁵⁹*

*...Офтоби дину моҳи миллат, нажму ҳувайдо,
Ҳазрати Маҳдуми Мири Ҳомидон айлади.*

*Домлоий Абдулкарим устоди кулли қутбидин.
Пешвойи муқтадойи сиддийқибон айлади.*

*Домлоий Муҳаммад Юсуфни Юсуфи соний билиб,
Нури Чашим деб ўзин, Яъқуби Канъон айлади.*

*«Аттариқату қуллуҳа адабун», деган эр эди,
Ҳақ таоло жумла тилмизига равшон айлади.*

²⁵⁹ Шу ерда уч байт йўқолган.

*Ҳар бир таърифини қилсам ила явмит-танод.
Лол ўлғай тил магар, уири уирибон айлади.*

*Мулло Охунжона лутфи Ҳазрати Раҳмон ўлиб,
Қорию қуррою ровий шотибийдон айлади.²⁶⁰*

Хонақоҳий Ҳазрат Домла Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошланган муборак сислсиланинг энг сўнги бўғини саналсалар-да, бу туфайли у зотда фахрланиш туйғуси бўлмаганини кўрамиз. Буни ўзларини уларга муносиб билмаганларидан ва нафсларини доим хоксор тутишларидан ҳам билса бўлади.

Айтишларича, бир одам Баҳоуддин Нақшбанд (к.с.)-нинг суҳбатларида густоҳлик қилиб: «Силсилангиз қаерга боради?» – деб сўрайди. У зот: «Киши силсила билан ҳеч жойга бора олмайди», – деб жавоб берадилар.²⁶¹ Бу билан у зот кишини ажодларига суяниб, ўзи беамал қолишидан огоҳлантирмоқдалар.

Марғилон яқинида жойлашган Яккатут кишлоғида яшаб ўтган Обидхон тўра Қорихон тўра ўғлининг: «Кунларнинг бирида авлодлар шажарасини кўтариб келиб, ўзининг кимларнинг авлоди эканини айтиб фахрланган кишига қиблагоҳимиз Хон бува: «Болам буни кўтариб юрманг, қурук қоласиз, уни ўрнига амал қилинг,» – деган эдилар», дея эслаган сўзларидан мазкур сулола вакиллари ҳар бир даврда ажодлар йўлига содиқ бўлишга уринганларини билиш мумкин.²⁶²

²⁶⁰ Охунжон қори Марғилоний. №1-йиғма жилд. Р.Файзулаев кутубхонаси.

²⁶¹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али... 55-б.

²⁶² Р.Файзуллаев. Манокӣб материаллари. Марғилон – Яккатут. 2005.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ СИФАТ ВА ТАЪРИФЛАРИ

Ушбу бобда Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг сурат ва сийратлари борасидаги таърифларни келтирамиз. Изланишлар давомида биз у зотга замондошлари ва издошлари томонидан кўпдан-кўп таъриф ва тавсифлар берилганига гувоҳ бўлдик. Ёзма ва оғзаки тарзда етиб келган мазкур таърифлар бизга Хонақоҳий Ҳазрат Домла ҳақида янада кенгроқ тасаввур ҳосил қилишимизга ёрдам беради.

Шогирдларидан Турсун бобо махдум шундай дейдилар: «Хонақоҳий Ҳазратнинг кўринишлари чиройли бўлиб, ўрта бўйли, мавзун қомат ва ҳайбатли зот эдилар. Пешоналари кенг, буғдойрангдан келган, қоп-қора қошлик бўлиб, кам кулар эдилар. Хулқу одоб тўғрисида таърифдан ожиз қоларлик даражада баркамол эдилар».²⁶³

Маълумки, Турсун бобо махдум Хонақоҳий Ҳазрат Домлага икки томондан яқинликлари бўлган. Бири шогирдлик жиҳатидан бўлса, яна бири у зот халифаларининг фарзанди эдилар. Бу нарса ўз-ўзидан у зот берган маълумотларнинг ишончли эканини таъминлайди.

Фазлул Ваҳҳоб Мозорий шундай дейди: «У зот зоҳиру ботин қувватидан ўзидаги барча ғамларни кетказган, дунё ва унинг тааллуқларидан қалблари холи эди. Вактлари доимо илму амалга сарф бўлар, қилмишлари кечалари ибодат, кундузлари эса хушлик ила дарс айтмоқдан иборат эди. Сухбатлари залолатдан мажруҳ дилларга марҳам, хизматлари жаҳолатдан тойилганларга мадад эди.

Кўплаб талабалар дарс ҳалқаларида шавқ-завқ ила турли фанлардан таҳсил оладилар. Сўзлашлари ёқимли, хатлари дилкаш. Гаплари чигал ва тугунлардан йироқ. Сўзларининг ҳар бирида бир суннат, феълларининг ҳар бирида бир ахлоқ. Қилмишлари шогирд ва муридларга кўмак, фарзанду ақраболарга шафқату меҳрибонлик.

Умр бўйи дунёга меҳр билан бокмадилар. Доимий фикрлари хавфу ражо эди. Ботиний аҳволлари увайсий, сўзлари эса илҳомий. Қадамларининг нури дилларга ҳар лаҳзада

²⁶³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Хонақоҳ, 1996.

ёруғлик берар, илми ҳол ва қол толиблари гўё у зотга аҳли аёл каби у зот илм дастурхонидан ризқ ёйишар эди. Кимки у зотга мурид бўлса, таважжухлари сабаб дилидаги ғамлар куйиб кул бўлғуси эди».²⁶⁴

Мозорийнинг мазкур таърифларини келтирар эканмиз, улар буюк тариқат шайхи Ҳазрат Баҳоуддин (қ.с.)нинг шаънида келтирилган таърифларга монанд эканини кўрамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки аввал айтганимиздек, Ҳазрат Домла барча соҳада ўтган тариқат шайхларининг йўлига мувофиқ иш тутганларидан бўлса, бошқа жиҳатдан, улар сув ичган булоқнинг битта, яъни Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак равишлари эканидан эди.

Мисол тариқасида ўша таърифларнинг бирига назар қилсак. Хожа Баҳоуддин (қ.с.)нинг шогирдлари ва халифалари Хожа Алоуддин Атторнинг айтишларича, Ҳазрат Баҳоуддин (қ.с.)нинг тариқатлари фақр, таркидунё, кераксиз дунёвий алоқалардан кечиш, тўлиқ ёлғизлик, Аллоҳдан бошқа нарсалардан холи бўлиш эди. Уларнинг муқаддас сўзлари ҳам фақрнинг исботи ва камбағалларнинг муҳаббатидан эрди. Уларнинг эҳсонлари олий даражада бўлиб, азиз суҳбатларининг таъсири барчада маълум ва ҳаммада ошкор эди. Ҳазратнинг қадамлари суннатга эргашишда мустаҳкам эди. Ҳалолга интилиш ва шубҳалардан қочишни, айниқса, ҳалол лукмани таъкидлаб гапирар эдилар. Суҳбатларида доимо: «Ибодат ўн қисмдир, ундан тўққиз қисми ҳалол лукмада, бир қисми эса бошқа ибодатлардадир», мазмунидаги ҳадиси ўтур эди. Уларнинг барча ёронларида мазкур сифат акс этган ва унинг амали шундоққина кўриниб турар эди. Бу амалларнинг натижаларини улардан ҳар бири ўзларида мушоҳада-мулоҳаза қилар эдилар.²⁶⁵

Ёки, нақшбандия тариқатининг Маҳдуми Аъзам Косонийдан кейинги энг йирик вакили Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (1487–1571) ҳақида келтирилган фикрларга ҳам эътибор қаратсак, юқоридаги фикрларнинг тўғрилиги янада намоён бўлади.

«Мавлоно солиқлар вақтларини Аллоҳ ибодати билан ҳимматларини эса хайрли ишларга сарф қилиш билан ўтказмоқ ҳамда ғафлатда қолмасликка Қуръон ояти маз-

²⁶⁴ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №3-қўлёзма. 55–57-б.

²⁶⁵ Абул Мухсин Муҳаммад Бокир ибн Муҳаммад Али... 55-б.

муни билан буюриб, нафс хоҳишига эргашишдан қаттиқ огоҳлантирар эдилар. Мавлоно солиқларга истиғфор айтишни буюрар эканлар, Расулulloҳ (с.а.в)нинг «Мен ҳар куни юз марта истиғфор айтаман» ҳадисларини баён қилардилар. Мавлоно уйқудан барвақт уйғонишни, ғофилликдан огоҳ бўлишни таъкидлар эдилар. Мавлоно Лутфуллоҳ таҳажжуд намозига машғул бўлиб, ҳар бир ракатига уч порадан замсура ўқирдилар. Тонг отгач бомдод намозига машғул бўлардилар. Мухлисларга амаллари доим оят ва ҳадис асосида бўлишини тушунтирардилар. «Эй азиз!», деб бошланадиган сўзлар Мавлононинг ўз талабаларига буйруқлари эди. У зот солиқу мухлисларга кўпинча Жалололдин Румийнинг «Маснавийи маънавий»сидан ўқиб, маъносини шарҳлаб берар ва тариқат машойихларининг насихатларини баён қилардилар.

Мавлоно мухлис ёки солиқлардан бирортасида беодоблик кўрсалар, унга танбеҳ бериш учун кўлига китобни берар ва: «Бисмиллоҳ деб оч!», – дердилар. Шунда унинг беодоблиги китоб орқали намоён бўларди. Мавлоно Лутфуллоҳ уламолар ва амирларга ҳақиқатни дариг тутмай Аллоҳнинг андишасини қилиб, насихат қилар эдилар.

Мавлононинг муборак суҳбатлари шундай файзли эдики, ҳар қандай инсон мажлисларида ҳозир бўлса, қалбидаги гина-қудуратлари кетиб, қоронғуликдан ёруғликка чиққандек бўларди.

Мавлоно Лутфуллоҳ айтардилар: «Одоб инсон умрининг, ризқининг баракасидир, ибодат одоби эса шариатнинг нури бўлиб, тариқатнинг чироғидир. Ҳар бир солиқнинг қалби одоб нуридан нурланган бўлса, албатта у Аллоҳга яқин ҳисобланиб, қилган ибодатлари мақбул бўлади».

Яна айтардиларки: «Тариқат аҳли учун уч нишона бор:

1. Қалби мудом зикрда бўлиши.
2. Мажлисида айтадиган сўзи оят ва ҳадисга асосланиши.
3. Ҳеч бир аъзосини Аллоҳни ёдга олмасдан ҳаракатга келтирмаслиги».

Шариат уламоларини ҳурмат қилишни таъкидлаб, шундай дердилар: «Шариат қонуни уламолари ва тариқат аҳли равияларини маҳкам тутинглар. Бу тоифанинг сўзларини фосид қилманглар ва билингларики, у зотларнинг сўзларини фосид қилишга берилсангизлар, албатта гумроҳ бўлиб, за-

лолатда қоласизлар». Гуноҳлардан ҳазир бўлишга ва тавбаю истиғфорга буюриб, шундай насихат қилардилар: «Гуноҳ бамисоли хас-хашакка, тавба ва истиғфор ўтга ўхшайди. Ўт хас-хашакка тегса, албатта куйдиради. Банда доим гуноҳини эслаб, тавбада бўлса унинг гуноҳлари кечирилиб, мақсадига етар. Тавба шу тариқа бўлсинки, ўз гуноҳига тавба қилиб, йўлга киргандан кейин иккинчи бор гуноҳга қайтмаса, Аллоҳ даргоҳида энг улуғ банда ҳисобланади».

Мулла Усмон Марғионий Ҳазрат Домлани: «Устозимиз файзу саховат, ҳидоят нурининг матлаъи, қалби ғайбий нурларнинг кони, Ҳақ тажаллийсининг мазҳари, каромату кашуфот ва ёқимли сўзлар соҳиби, замон аҳлининг маслаҳатчиси, гўзал хулқлар манбаи эдилар», – деб таърифлаган бўлса, бошқа бир ўринда:

«Ладуний илмлар соҳиби Ҳазрат устозимиз «орифи биллоҳ» эдилар. У зот Ҳақ дийдорининг толиби, дини ҳаниф ходими. Илоҳ ибодатининг доими ва зикри барҳақ зокири. Жумла фазилатларни ўзида жамлаган ул жаноб илоҳий сирлар огоҳи эди. Фасоҳатда беназир, балоғатда бемисл ва маърифатда беҳамто дурдона. Тариқат илмларида шакшубҳасиз замонасининг Боязиди ва Нақшбанди, эдилар», – дея келтиради.²⁶⁶

Амоний Арабоний эса у зотни «афзал умам» – «умматнинг афзали», «мазҳари файзи футух» – «илоҳий файзлар кони», «мазҳари ғам» – «кўнгил ғамларининг кетгазувчи», «мавлавий қутби замон» – «замон яғонаси», каби сифатлар билан таърифлаганини кўраимиз.²⁶⁷

Охунжон қори Водилий эса: «баҳри илми раббоний» – «ладуний илмлар денгизи», «ҳомийи шаръ» – «шариат ҳимоячиси», «моҳий бидъат» – «бидъатларни йўқ қилувчи», «Жомийи вақт» – «ўз вақтининг Жомийси», «Нақшбанди замон» – «замонасининг Нақшбанди», «халафи сидқ» – «сиддиклар ўринбосари», «шарафи дин» – «диннинг шарафи», «собиҳи дажлайи тариқат» – «тариқат денгизида сузувчи», «ғоиси лужжайи ҳақиқат» – «ҳақиқат денгизининг ғаввоси», – дея муносиб таърифлаганлар.

²⁶⁶ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

²⁶⁷ Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 6-қўлёзма. 50–54-б.

«Бошқа бировга айтма!»

Изланишлар шуни маълум қилмоқдаки, Хонақоҳий Ҳазрат Домла гарчи юқорида келтирилган сифатлар соҳиби бўлсалар-да, имкон қадар ўзларидан содир бўлган фазилатларни кишилардан яширишга ҳаракат қилганлар. Масалан, Хонақоҳ мадрасасида таълим олган талабалардан Мушаррафхон домла шундай дейдилар: «Ҳазрат Домланинг мақомлари кўп улуғ эди-ю, лекин ҳеч кимга билдирмас эдилар».

Айтишларича, шогирдларидан бири ҳажга боради. Арафот куни намозда Ҳазратни имом орқасидаги сафда кўради. Биздан кейин йўлга тушиб, келган эканлар, деб ўйлайди. Намоздан кейин зиёрат қилмоқчи бўлади-ю, лекин топа олмади.

Сафардан қайтгач, Ҳазрат зиёратига кирганида бу ҳақда у зотга сўзлаб беради. Ҳазрат: «Буни менга айтдинг, бошқа бировга айтма», – дейдилар. Маълум бўлмоқдаки, Ҳазрат ўз мақомларини кишилардан яширишга ҳаракат қилганлар.

Дарвоқе, шу ўринда биз Ҳазрат Домлани масжидил ҳарамда бўлишлари билан боғлиқ воқеалар устида тўхталиб ўтсак. Нақлларга кўра, ҳажга борган кишилар Ҳазрат Домлани у ерда кўрганлари айтилган. Аммо расман ҳажга борганлари тўғрисида маълумот учратмадик. Эҳтимол, бунга ўша даврда Мовароуннаҳрдаги, жумладан, водий шаҳар ва қишлоқларида пайдо бўлган парокандалик ва турли ижтимоий воқеалар сабаб бўлгандир. Ҳазратнинг узокда юриши халқ маънавияти жиловининг номуносиб шахслар қўлига тушиб қолишига қулай имкониятлар яратиб беришига бўлган ташвиш ҳам сабаб бўлгандир. Ёки, бунга иқтисодий имкониятлар ҳам монелик қилган бўлиши мумкин. Бироқ Асий Водилий у зотни бир ўринда «ҳожиларнинг афзали» деб келтиради.

*Чунонки афзали ҳужжасоҳу аълами уламо,
Бино намуд чунин Хонақоҳу ин меҳроб.²⁶⁸*

Яъни, ҳожиларнинг афзали ва олимлар олими бўлган бу зот мазкур Хонақоҳ ва меҳробни барпо қилдилар.

²⁶⁸ Р.Файзуллаев кутубхонаси.№ 23-қўлёзма. 92-б.

Эҳтимол, бундан Водилий у зотни каромат йўли билан ҳажга борганларига ишора қилиб, шундай келтирган бўлиши мумкин. Масалан ўша нақлларнинг бирида шундай дейилади.

Кунларнинг бирида Марғилондан ҳажга кетаётган бир гуруҳ кишилар сафар олдидан Ҳазрат ҳузурига кирадилар. Ҳазрат уларга фотиҳа бериб, кузатиб кўядилар. Улар ҳажга етиб борганларидан сўнг бир куни бомдод намозида Ҳазратни биринчи сафда имом орқасида турганларини кўришади. Намоздан сўнг зиёрат қилмоқчи бўлиб, топа олмайдилар. Сафардан қайтгач, зиёрат пайти бу ҳақда айтдилар. Шунда уларга бир табассум қилган эканлар. Маълум бўлишича, Ҳазрат Домла ўша куни ўз Хонақоҳларида ҳам бўлган эканлар.²⁶⁹

Турли маноқиб ва тазкираларда тариқат шайхларининг бир пайтни ўзида бир неча жойларда ҳозир бўлиши каби кароматлар кўп зикр қилинади. Қуйида улардан бирини келтириб ўтсак.

Шайх Иброҳим Мажзубнинг бир муриди Маккага ҳажга боради, иккинчи муриди Бағдодда эди. Ҳажга борга мурид қайтгандан кейин Бағдодда қолган муридга, мен пиримизни Маккада кўрдим, дейди. У эса пиримиз ҳажга борганлари йўқ, ул кишини сен айтган вақтда шу ерда – Бағдодда кўрдим, дейди. Иккаласи мунокашага борадилар. Шу пайт Иброҳим Мажзуб ҳозир бўладилар. Муридлар қайси биримиз ҳақ деган маънода савол назари билан боқадилар. Иброҳим Мажзуб иккалангиз ҳам ҳақсиз, мен ўша дамда ҳам Бағдодда ҳам Маккада эдим, дейдилар.²⁷⁰

Айюб Сухтиёний айтадилар: «Аллоҳга қасамки, банда ҳолати-фазилатини бошқаларга билинмаслигидан хурсанд бўлсагина содиқ мухлис бўлибди».

Яна ўз сўзимизга қайтамыз. Айтишларича, мадраса таҳоратхонасида талабалар навбати билан хизмат қилар эканлар. Баъзида таҳоратхонани кимдир тозалаб, супуриб кўяр экан. Бу ҳақда Мазҳариддин махдум шундай дейдилар: «Ҳар куни эрталаб мадраса таҳоратхонаси супурилган бўлар эди. Лекин бу ишни ким қилаётганини билмас эдик. Кузатганимизда, кечаси тун ярмида, ҳамма уйкуга

²⁶⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Сафилтўда. 1998.

²⁷⁰ Н. Комилов. Тасаввуф.Т.: «Ёзувчи» нашриёти, 1996. – 69-б.

кетган пайт Ҳазрат Домла этакларини йиғиштириб олиб қилаётганларини кўрган эдик».

Шу ўринда баъзи салафларимизнинг ўз фазилатларини яширишга доир ибратли ишларини келтириб ўтсак.

Муҳаммад ибн ал-Восеъ шундай деганлар: «Агар гуноҳларимга хид берилганида эди, сизлар ҳаргиз менга яқин кела олмаган бўлар эдингиз. Мен шундай кишиларни кўрдим, улардан бирлари аҳли билан бир ёстикда ётарди. Кўз ёшидан чаккаси хўл бўлиб кетарди, аммо буни аёли ҳис қилмас эди. Яна шундай кишиларга етишдимки, улардан бири намозда бир сафда туриб, йиғларди, буни ёнида турган киши сезмасди».

Сурайя Рабеъ ибн Хузайм ҳақида айтадилар: «Рабеънинг барча ишлари махфий эди, у зот ҳузурига бирон кимса келиб қолса ва ўша вақт мусхафни очиб кўйган бўлсалар, уни кўйлақлари билан беркитиб олар эдилар».²⁷¹

Иброҳим ан-Нахайй агар мусхафдан бирон сура ўқиётган бўлсалар, олдиларига бирон киши кириб қолса, уни беркитиб яшириб қўяр эканлар.²⁷²

Бишр Ҳофийнинг: «Кимки машҳур бўлишни яхши кўрса, унинг тақво ва кўркуви кам экан», деган сўзлари машҳур.²⁷³

Хонақоҳий Ҳазратнинг мазкур ишлари камтарлик бўлишидан ташқари, покликка бўлган аҳамиятларини билдиради. Ислом поклик устига қурилгани, киши маънавий файз ва камолга зоҳиру ботинини покламагунича эриша олмаслигини улар яхши англаганлар. Энг қизиғи, Ҳазрат Домлага хос мазкур сифат кейинчалик у зот издошларига ҳам ўтгани эди.

Бунга мисол қилиб, Зайнобиддин маҳдум (ваф.1944.)ни Марғилондаги Торон бозор масжидида имом-хатиб вазифасида турган кезлари ҳар гал меҳробга чиқишдан олдин кийимларини алмаштиришларини ёки Абдулмўмин қорини (ваф.1940.) ҳар куни эрталаб, сабабсиз бўлса ҳам бир ғусл қилиб, кийимларини алмаштириш одатлари борлиги келтириш мумкин.

Салафи солиҳлардан Зайнул Обидин кунларнинг бирида ўғилларига: «Менга ҳожатга кирганимда кийиб кириш

²⁷¹ Имом Шаъроний. Танбеҳ ул-муғтаррин ...102-б.

²⁷² Имом Шаъроний. Танбеҳ ул-муғтаррин... 102-б.

²⁷³ Ибнул Жавзий Имом Жамолиддин Ал-Қураший Ал-Бақрий Ал-Бағдодий. «Сифатус софва» Байрут – Лубнон. 1429/2007. 1-ж. 435-б.

учун алоҳида бир кўйлак қилиб кўй, чунки унга нажосатга кўйган чивинларни кўнаётганини кўрмоқдаман», – дейдилар. Бундан хабардор бўлган кишилар: «Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда ҳам ҳожатлари ва намозлари учун биттадан ортиқ кўйлак бўлмаган», – дейишади. Бу гапдан кейин у зот мулоҳаза қилиб, мазкур ишдан қайтадилар. Имом аш-Шаъроний мазкур ҳолатга ўз муносабатини билдириб: «Нақлга кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг баданлари ва кийимларига чивин қўнмаган эди, буни далил қилиб келтириш ўринли эмас, балки буни ўрнига бу ишни бошқа бировни буюрманг, дейишганида яхшироқ бўлар эди», дейдилар.²⁷⁴

Чунки Абу Язид Бастомийнинг ҳам ҳожатхона учун алоҳида кийим қилганлари нақл қилинган.²⁷⁵

Қайд этиш жоизки, мазкур ишлар шаръий мажбурият бўлмай, уларнинг ўзига хос бўлган одоб кўриниши тарзида кўзга ташланади. Бошқаларга тарғиб қилмасалар-да, уни ўзлари шахсий ҳаётларида имкон қадар қўллашга интиланлар. Айни пайтда, мазкур ҳолат юксак даражада эҳтиёткорлик сифатида диққатга сазовордир.

²⁷⁴ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 22-б.

²⁷⁵ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 22-б.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ НАЗАРЛАРИ БАЁНИ

Ҳазрат Домланинг сифат ва таърифлари сирасида назарларининг ўткирлиги ҳақида ҳам тўхталиш ўринли. Зеро, биз ҳозиргача бу билан боғлиқ кўплаб маълумотларни учратдик.

Миряхё қори домла шундай дейдилар: «Ҳазрат Домла «кимё назар» соҳиби эдилар, назарлари кимга тушса, албатта, у улуғ бўлмай қолмас эди». Амоний Арабоний бу ҳақда шундай ёзади:

*Ҳазратимдан кўргай назар қадди хамлар,
Жонин бергай Ҳазратимга чин толиблар,
Бу бир жондур минг жон бўлса фидо айлар.
Бул сабабдин Марғиновичга бордим дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим дўстлар.²⁷⁶*

Булар Ҳазрат Домланинг ботиний назарларига берилган таърифлар бўлса, зоҳирий назарлари ҳақида ҳам шундай маълумотлар бор. Муҳаммад Мусо Бекий шундай дейди:

*Баранги оинайи дорад дақоқиқи кашшоф,
Маъолими назараш мадориқи асрор.²⁷⁷*

Яъни, илмнинг нозик жиҳатларини очиб беришда у зот гўё ойна янглиғ эдилар, назарларининг таъсири илоҳий сирлар таянчи эди. Ёки:

*Кушоди пардаи нигоҳаш зи чеҳрайи ҳадис,
Чи Довуд, Насоий, чи Муслимаст Бухор.²⁷⁸*

Яъни, у зот нигоҳи Абу Довуд, Насоий, Муслим ва Бухорийлар жамлаган ҳадислар юзидан нозик пардаларни очиб юборар эди.

Фалончига Худо берди

Айтишларича, Ҳазрат Домланинг кимга меҳрлари тушса унга айрича муносабатда бўлар эканлар. Бу ҳақда Охунжон

²⁷⁶ Баёз «Маҳбуб ал-маҳбуб»... 139-б.

²⁷⁷ «Девони Бекий». 5-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

²⁷⁸ «Девони Бекий». 4-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

қори Водилийнинг фарзандлари Мухториддин махдум шундай ҳикоя қиладилар:

«Отам вафотларидан кейин бирор ой ўтгач, Марғилонга ҳамдарс шериклари Миряхё қори домланинг зиёратига бордим. Домланинг мўъжазгина хужраларида узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Суҳбат тугагач, ижозат сўраб қайтмоқчи бўлганимда қори домла дастурхондаги ушатилган нондан бир бўлагини олиб, косадаги асалга ботирдилар ва менга узатдилар. Мен ҳам олиб шошилмасдан едим.

Нега бундай қилганлари сабабини билмай қараб турсам, сўз бошладилар: «Марҳум Домламиз Хонақоҳий Ҳазратнинг бир одатлари бор эди. Талабалардан қайси бирига меҳрлари тушиб колса, унга шу каби асалли нон узатар эдилар. Буни кўрган бошқа талабалар: «Фалончига Худо берди, чунки у Ҳазрат кўлидан асалли нон еди. Энди албатта у улуғлардан бўлади», дея, ҳаваслашарди», – дедилар ва: «Мен ҳам ҳозир устозимиз қилган ишни қилгим келди», – дедилар.

Эҳтимол, қори домланинг ўзлари ҳам Ҳазратдан айни илтифотни кўрган, лекин камтарлик юзасидан айтмаган бўлсалар керак. Шу ўринда Миряхё қори домла ҳақида тўхталиб ўтсак. Зеро, у зот ҳаёти билан атрофлича танишиш орқали устоз назарини топишнинг фойдалари ҳақидаги хулосаларимиз янада мукамал бўлиши шубҳасиз.

Миряхё қори домла 1880 йилда Марғилоннинг Қаландархона даҳасида туғилганлар. Оталари Мирбобо қори диёнатли киши эдилар. Оналари Ризвон биби ҳам тақводор, покиза аёл бўлганлар.

Айтишларича, оналари кейинчалик фарзандлари Миряхё қоридан бир оз қироат илмини ўрганганлари боис, «устозим» деб ҳурматлар, ҳатто бирор марта ҳам уйдан ўғилларига орқа ўгириб чикмаган эканлар.

Етти ёшга етганларида оталари вафот этади. Ёш йигит ва икки қизнинг тарбияси тоғанинг кўлида қолади. Маърифатли тоға ўзига тушган масъулиятни чиройли тарзда адо қилади. Жияни тарбиясида тўғри йўл тутати. Уни ёшлигидаёқ Қуръон таълимига беради. Ўн тўрт ёшидаёқ Қуръонни тўлиқ ёд олган болани илм ўқиши учун Хонақоҳ мадрасасига топширади. Ҳатто жиянини отга миндирган кўйи мадрасага олиб келган кунлари кўп бўлган.

Тоғаларнинг ота йўллик шафқати ва устоз Ҳазрат Дом-

ланинг шафқати боис домла тез фурсатда талабалардан ўзиб кетадилар. Мадрасани 1330/1908 йилда тамомлаганларини тасдиқловчи ҳужжатлар сақланиб қолган. Замондошлари Муҳаммадумар Ғурбатий у зот шаънида шундай ёзган эдилар:

Миряхё қори домла шаънида

*Кулбамизга келдилар олий жаноб,
Тушди зулмат ичра гўё офтоб.*

*Шодликдин ул замон жоним қуши,
Ўзни ийсор этгали кўп изтироб.*

*Номи Яҳё ўзлари Яҳё сифат,
Бу сифат офоқ узра комёб.*

*Бизга қилди Ҳақ каломидин хабар,
Бўлди гўё ул кунни явмул ҳисоб.*

*Амру маъруф, наҳйи мункардин сабақ,
Бердилар кўп баҳра олди шайху шоб.*

*Илм аҳли ноиби пайғамбарим,
Чин бу сўз валлоҳу аълам биссаовб.*

*Халқ аро шармандаيي рўзи жазо,
Ғурбатийни қилмағил ё Раб, иқоб.²⁷⁹*

Қори домла собиқ тузум даврида икки марта қамалганлар. Дастлаб, 1937 йилда, иккинчиси 1952 йилнинг охирида бўлган. Ҳар иккисида ҳам бор мол-мулклари мусодара қилиниб, уй-жойлари тортиб олинган. 1953 йили Сталин вафоти муносабати билан чиқарилган афв сабабли муддатидан олдин озод қилинганлар. Миряхё қори домла 1961 йилда 80 ёшда Марғилонда вафот этганлар. Вафотларига ёзилган марсияларнинг нусхалари кўлимизда сақланмоқда. Қуйида улардан бирини келтирамиз.

Марсия

*Тутти зулмат, ерга ботти, моҳитобон, ал-фироқ,
Қолди Канъон, бўлди Юсуф банди зиндон, ал-фироқ,*

²⁷⁹ Ғурбатий. Баёз. 12–13-б. Баёз алломанинг фарзандлари қўлида сақланади. Бизда унинг кўчирилган нусхаси мавжуд. Бундан кейин: «Баёзи Ғурбатий».

Халқи олам кўзда ёши, мавжи тўфон, ал-фироқ,
 Бўлди ҳижрон шиддатидин бағримиз қон, ал-фироқ,
 Хона торик бўлди, эй воҳ, байтул аҳзон, ал-фироқ.

Зулмати мотамга ташлаб, кетти ул шамъи жаҳон,
 Чунки мотам тутса лойиқ, то замину осмон,
 Тонг эмасдур, тўкса ашқин, барча мурғу мокиён,
 Арзигаи мотамда йиғлаб, тўкса ёш ўрнига қон,
 Кеттилар устоди олам, ҳифзи Қуръон, ал-фироқ.

Номи поки қори Яҳё, эрдилар Яҳё сифат,
 Чехраси монанди раъно, эрдилар Яҳё сифат,
 Маърифат баҳрида якто, эрдилар Яҳё сифат,
 Ҳақ каломи бирла гўё, эрдилар Яҳё сифат,
 Ҳуш лиқо-ю, ҳуш карамлик, жуду эҳсон, ал-фироқ.

Чун чаманни сарви эрди, орази мисли гули,
 Нофайи аттори мушқин, ё магар чун сумбули,
 Жаҳл аро лаб ташиналарга, косайи эрди мули,
 Ҳақ каломин ўқижурда, бўстонни булбули,
 Боғи жаннат ичра булбул, қилди тойрон, ал-фироқ.

Марғилон шаҳрида эрди, чунки бир ёнган чироқ,
 Қалби солимларга эрди, суҳбати бир боғу рог,
 Боғидан айрилди тушиди, лоладек кўксига доғ,
 Амри Ҳақ етгач ичурди, марғи жоимидин аёғ,
 Нўш этиб, дорул фанодан, бўлди пинҳон, ал-фироқ.

Шом ялдосида эрди, турфа шамъи пур зиё,
 Ҳастайи мажруҳларга, ҳар каломи мўмиё,
 Хоки пойи барча оғриқ, кўзга эрди тўтиё,
 Ҳосили оламда мундоғ, комёбу атқиё,
 Юмди кўзни, васл бўлди, жонга жонон, ал-фироқ.

Мағфиратлик ё Илоҳий, айла имондан насиб,
 Лойиқи дийдоринг айлаб, боғи ризвондан насиб,
 Қасри олий бирла жаннат, ҳури гилмондан насиб,
 Қалби поки ичра қилдинг, ҳифзи Қуръондан насиб,
 Фурқатидан барча элни, қилди гирён, ал-фироқ.

Ё Илоҳо, мағфиратлик, журмини мағфур қил,
 Тонг-ла маҳшар муттақийлар, силкида маҳшур қил,
 Раҳм этиб фазлинг олгил, қабрини пурнур қил,

*Ғофиру сатторсан, сан айбини мастур қил,
Ҳашр бозорида қилгил, покдомон, ал-фироқ.*

*Ким ўқийдур ёд қилсун, Ғурбатий бечорани,
Тай қилиб хори мазаллат, даштида овворани,
Роҳи ом устида ётган, мисли санги хорани,
Ёзди ул хуришиди аъзам, васфидан бир порани,
Йўқса авсофига йўқдур, ҳадди поён, ал-фироқ.²⁸⁰*

Дарвозабон хизмати

Ҳазрат Домланинг назарлари ҳақида сўз кетганда шогирдларидан Ёзёвоннинг Хонобод қишлоғида истиқомат қилган мулла Йўлдош охундга айтган сўзлари диққатга сазовор.

Маълумотларга кўра, мулла Йўлдош талабалик кезларида мадраса ўтин-чўпларини қишлоғидан келтириб турган. Бу воқеаларни эслаб, кейинчалик шундай деган эдилар:

«...Ҳушёрлик билан қараб тураман, ўтинлар камайишга бошлади, дегунча, Ҳазратдан ижозат олиб, қишлоққа келаман ва амакимларнинг аравасини олиб, бир арава қаттиқ ўтин, бир арава ғўзапоя юклаб, олиб келиб, ғамлаб қўяр эдим.

Бундан ташқари, мадрасада дарвозабонлик ҳам қилар эдим. Ҳазрат бирор жойга бордилар дегунча, дарҳол бориб, мунтазир қилмай дарвозани очардим. Келишларида ҳам то улар келмасидан аввал дарвозани очиб, атрофларни супуриб турар эдим. Буларни кўриб Ҳазрат хурсанд бўлар ва: «Дарвозабонимизнинг хизмати кўп бўлса ҳам, доим нигоҳбон экан-да» деб, ўтиб кетар эдилар. Бу гапдан қалбимга шундай хурсандлик келар эдики, мен тамом бошқача бўлиб кетар эдим. Шу туфайли келишларини кутиб, соатлаб турганимни ҳам унутар эдим».²⁸¹

Ҳазрат Домланинг рўзғор ўтин-чўплари ҳам мулла Йўлдош томонидан ёриб, саржинланар эди. Ўчоқ олди хизматлари ва бошқалар у зотни келгусидаги маънавий камолотига сабаб бўлган эди. Бежиз йиллар ўтгач, зиёратга келган биродарлари мулла Муҳиддин охунд²⁸² ва мулла Муҳаммад

²⁸⁰ Баёзи Ғурбатий... 42–48-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

²⁸¹ Р.Файзуллаев кутубхонаси. Маноқиб материаллари. Марғилон–Ёзёвон. 2006.

²⁸² Марғилоннинг Шолдирама маҳалласида истиқомат қилган аллома.

Амин охунд²⁸³лар унинг фазилатини баҳолаш чоғида: «Мулла Йўлдош кўп илм ўқий олмаган бўлса-да, аммо Ҳазратга ҳаммамиздан кўп хизмат қилган», – дея эслашмаган.

Илтифот қилибдилар-ку!

Маълумки, Марғилоннинг Хожа Форсо маҳалласида – даҳасида буюк уламо Нуриддин махдум Зокиржон ўғли яшаб ўтганлар. Ўз даврида Марғилоннинг йирик тариқат пирларидан бўлган мазкур зот ҳам Хонақоҳ мадрасасида таълим олган Ҳазрат Домланинг шогирдларидан бири эдилар. Устозни мазкур зотга кўрсатган марҳамат назарлари ҳам беқиёс бўлган бўлган. Бу ҳақда у зотнинг ўзлари шундай дейдилар:

«Болалик чоғимда отам бемор бўлиб, ётиб қолдилар. Шунда Ҳазрат Домла отамни кўргани келдилар. Отам билан бир оз аҳволлашгач, қайтадиган бўлдилар. Ўзлари юра олмаганлари учун отам менга Ҳазратни кузатиб қўйишимни буюрдилар. Ялангоёқ орқаларидан кузатиб, ташқарига чиқдим. Дарвозахонага етганда: «Энди сиз кириб кетаверинг, бу ёғига ўзим кетавераман», – дедилар ва: «Кириб, отангизга айтинг, соғайганларидан сўнг, албатта, сизни мени олдимга, мадрасага олиб борсинлар, сиз у ерда ўқийсиз», – дедилар. Кириб, бу гапни отамга айтсам, кўзларига ёш олиб: «Хай-хай, Ҳазрат сенга илтифот қилибдилар-ку!», – дедилар. Соғайганларидан сўнг мени Хонақоҳга олиб бориб, Ҳазрат қўлига топширдилар».²⁸⁴

Ҳақиқатдан, бу «катта илтифот» бўлганини мазкур ёш йигитнинг кейинчалик «замонасининг етук олими» даражасига етганидан ҳам билса бўлади. Мулла Абдурахмон домла Баҳрий у зот шаънида юз мисралик мадҳия ёзган бўлиб, унда у зотни ўттиз хилдан ортиқ сифат билан зикр қилгани бежиз эмас. Жумладан, унда шундай сўзлар бор.

*Во бўлиб миръоти қалби илму ҳолу илму қол,
Тожи сар фазли илоҳий босафо хуш келдингиз.*

²⁸³ Марғилоннинг Қаландархона маҳалласида яшаган аллома. Ҳазрат Домланинг шогирди ва куёвлари. Узоқ вақт Ўзбекистон Муслмонлари Идораси (ўша даврда Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари диний назорати)да хизмат қилганлар.

²⁸⁴ Р.Файзуллаев. Манокӣб материаллари. Марғилон – Ёзёвон. 2006.

*Вориси ҳазрат, чирогии дину дунё ичра бар,
Ҳодийи роҳи ҳақиқат, раҳнамо хуш келдингиз.*

*Бир тараф илму амал, бу бир тарафдан эътиқод,
Васфи тавҳид зоти поки кибриё хуш келдингиз.*

*Ҳақ иноёти бериб тавфиқ ҳидоят асли шул,
Ҳўб муборак сизга бу, лутфу ато хуш келдингиз.²⁸⁵*

Дарвоқе, кейинчалик Ҳазратнинг ўзлари ҳам буни эътироф этиб: «Мен бундан бошқа бирорта болани ўзим айтиб, олиб келган эмасман», – дея такидлаган эдилар.

Мазкур воқеа атрофида биз учун ибратли бир жиҳати бор. У ҳам бўлса юқоридаги воқеа сабаб Ҳазратнинг қадамлари Нуриддин махдум хонадонига етган. Маълумки, махдум замон уламоси Мукаррамхон тўра Хон бува билан қадрдон бўлганлар. Турли муносабатлар билан бу хонадонга ташриф буюрганлар. Ҳар гал бу ерга келсалар, Хон бува Ҳазрат Домланинг бу ҳовлига келганларига ишора қилиб: «Бу уй – кўп шукуҳли уй-да», – дея эсга олар эканлар. Бу Ҳазрат Домлага эҳтиром бўлиши билан бирга чинакам инсоф ва олимларча адолат эди. Чунки бу ўз замонида «Хон буванинг қадами бизнинг хонадонга ҳам етармикан», дея, кўз тутиб турган юзлаб мухлислари бўлган зотдан содир бўлаётган эди. Улуғларнинг фазлини фақат улуғ кишиларгина эътироф этадилар, деган сўз ҳақиқатдир.

«Ҳосил бўлди!!!»

Хонақоҳий Ҳазратнинг назарлари ҳақида сўз кетганда, Марғилонлик буюк уламо Абдуллажон махдум Аҳмад қори ўғли (1847–1933)нинг Ҳазрат билан мулоқотларини келтириш ўринли. Чунки айтишларича у зот ёшлик пайтларида Ҳазрат Домла билан кўришишга муяссар бўлган эдилар. Бу ҳақда махдум поччанинг ўзлари шундай хикоя қиладилар:

«Ёш болалик пайтим эди. Бир куни отам мени Ҳазрат Домла зиёратига олиб бормоқчи бўлдилар. Онамга: «Ўғлимиз ҳаққига дуо олиб келаман», – дея мени яхшилаб кийинтириб беришларини айтдилар. Ўзлари салла-чопон-

²⁸⁵ Мулла Абдурахмон Баҳрий. Баёз. Қўлёзма, 26–27-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ларини кийдилар. Менга дўппимни кийгиздилару, салламни тўрт буклаб, чопоним ичига – кўйнимга солиб кўйдилар.

Биз йўлга тушдик. Ҳазратнинг кексайиб қолган вақтлари экан, ўшанда. Бу ерга келганимизда, зиёратга кириш учун йигирма чоғли одам навбат кутиб туришган экан. Биз ҳам улар қаторига кўшилдик. Навбат келгач, ҳузурларига одоб билан кириб, салом бердик. Саломга алик олгач, биринчи кароматлари отамга қараб: «Қори, йигитнинг салласини ҳам ўратиб қўйвермабсиз-да», – дедилар. Кутилмаган бу гапдан отам бир оз довдирадилар-да, қуллук қилиб, ташқарига чиқдилар ва дарров салламни ўраб кўйдилар. Сўнгра таъзим билан қайта ҳузурларига кирдик. Ҳол-аҳвол сўрашгач: «Йигитча ким бўлади», – деб сўрадилар. «Ўғлим», – дедилар, отам ўрниларидан туриб, таъзим билан.

– Исмлари нима?

– Абдуллоҳ.

Ҳазрат бир оз жим қолдилар. Сўнгра ўзгача бир оҳангда: «Мирзо Абдуллоҳ!!!» – дедилар. Кейин: «Қани келинчи», деб, мени чақирдилар. Бордим. Менга бир зум тикилиб тургач, ички бир эҳтирос билан: «Ҳосил бўлди-и!!! – дедилар. Отамнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди. Дарҳол қуллук қилдилар. Мен нима бўлаётганини билмас эдим. Биз Ҳазрат ҳузуридан таъзим қилиб, орқамиз билан чиқиб кетдик. Уйга келгунча отам йиғлаб келдилар».²⁸⁶

*Назари онҳоки бар мушти хок бикарданд,
Алҳақ тавон додки, он соҳиби назаранд.*

Яъни, аларки бир мушт тупроққа назар этдилар, дарҳақиқат айтса бўлурки, улар соҳиб назардирлар.

Дарҳақиқат, бу махдум почча учун камолот боиси эди. Чунки у зот мазкур воқеадан кейин маълум вақт ўтгач, оталарининг розилиги билан Хўжандга бориб, у ерда бир муддат туриб, илм талабида бўладилар. Қайтиб келгач, замон олими Фозилжон махдум Сулаймон хўжа қўлларида таълим оладилар. Аллоҳ таоло у зотга беқиёс илмлар хазинасини ато қилади. Шу туфайли махдум почча ўз даврида етук шариат олими мақомига эришадилар. У зотга таъриф берган замондошлари: «У зот ўз даврининг энг сўнги забардаст олими», – дея баҳолаган эдилар.

²⁸⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Ҳожа Эгиз. 1999.

Айтишларича, махдум почча муборак ҳаж сафарига борганларида, (1991 йил.) ўша ерлик араб олимларидан бири тасодифан, у зот билан суҳбатлашиб қолади. Суҳбат асносида олим махдум поччанинг бекиёс илм соҳиби эканидан таъсирланиб, ҳайратга тушади ва ҳайратини яшира олмай: «Тоғнинг устига ёққан қор-ёмғирлар оқиб бориб, пастдаги водийларга тўхтагани каби, исломнинг пайдо бўлган жойи Макка ва Мадина бўлса-да, унинг илмий ривожини оқиб бориб, сизларнинг диёрингизга тўхтаган экан», дея баҳо беради.²⁸⁷

Мазкур эътироф ва Баҳрийнинг қуйида келтириладиган таърифлари ўша назар туфайли бўлса эҳтимол.

*Амалда бу ҳақиқат сўзи ошкоринга салламно,
Такаллум бирла сочган дурри ҳар боринга салламно...*

*Далилу ояту ҳадисдан келтирубон хўп ҳар доим,
Бериб фатво ҳаммага нутқи изҳоринга салламно.*

*Эрурлар раҳбари боғи ичра нурдон булбули гўё,
Фасоҳатда баёни сўзи саршоринга салламно...*

*Валийлик бу илмдур, кароматдан сўзи аъло,
Ато қилган ўзи у қурби атворинга салламно...*²⁸⁸

«Сен ҳам мени дуо қил»

Хонақоҳий Ҳазрат Домлани Абдулмўмин қорига кўрсатган марҳаматлари ҳам бошқа талабаларда кузатилмаган эди. Маълумки, Ҳазратнинг ҳовлилари Хонақоҳ биносига туташ бўлиб, кўпинча Хонақоҳга шу томондан кириб келар эканлар.

Ҳовли ичкараси «ҳарам» деб аталиб, балоғатга етмаган «хос шогирд»лардан бошқа ҳеч ким у ерга қўйилмас экан. Уларнинг вазифаси ичкаридан кўз-кулоқ бўлиб туриш, тушлик таомини олиб чиқиш ва Ҳазратга айтилиши керак бўлган сўзларни етқизиш ва бошқалардан иборат эди. Бу хизматга Абдулмўмин қорини танлаган эканлар. Бундан Ҳазратнинг қорига нисбатан меҳрлари англашилади.

²⁸⁷ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Ҳожа Эгиз. 1993.

²⁸⁸ Мулла Абдурахмон Баҳрий. Баёз. Қўлёзма, 56-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Бундан ташқари, Абдулмўмин қори домла узоқ вақт Ҳазратга хизмат қилиб, саллаларини ювиб бериб турганлар. Қилинган самимий хизматлар сабаб, устоз меҳрини қозонадилар. Бир куни Ҳазрат: «Қори, сен ҳам ҳаққимга бир дуо қил?», – дейдилар. Кутилмаган бу илтифотдан шошиб қолган қори домла: «Ахир мен қандай қилиб сизни дуо қиламан», – дейди. Ҳазрат эса: «Йўқ, мен сени дуо қилишингни хоҳлайман», – дейдилар. Ноилож қолган қори домла: «Омин, Аллоҳ таоло сизни икки дунёда хижолатга қўймасин», – дея дуо қилади.

Ҳазрат Домла кўзларига ёш олиб: «Боракаллоҳ, айна истаганимизни сўрадинг-ку», дея мамнун бўладилар. Шу ўринда Абдулмўмин қори ҳақида тўхталиб ўтсак.

Бу зот 1858 йилда Марғилоннинг Қаландархона даҳасига қарашли Пўстиндўз маҳалласида таваллуд топганлар. Ёшликларидаёқ, Куръони каримни ёд олиб, мукамал қори бўладилар. Сўнгра, ота-оналари Хонақоҳ мадрасасига олиб келиб, Ҳазрат Домлага топширадилар.

Шу кундан бошлаб қори домла Ҳазрат хузурида оз эмас, кўп эмас қирқ беш йил бирга бўладилар. Бу давр мобайнида оддий талаба, сўнгра пешқадам талаба, сўнгра сафарлардаги хос ходим, каби хизмат ва вазифалар билан Ҳазрат кўз остида бўладилар ва самимий хизматлар боис у зот марҳамат назарига тушадилар ва «Ҳазрат Домланинг имоми» мақомигача етадилар.

Абдулмўмин қори Домла устоз вафотидан сўнг, бир неча йил ҳовлилари ёнидаги халқ орасида «Тошли масжид» дея аталадиган масжидда имом-хатиблик қилганлар. Айтишларича, марғилонлик мулла Орифжон қори Охунжон ўғли ҳам Абдулмўмин қори домлага муҳаббатлари кучли бўлган. Агар шундай бўлмаса, 1932–39-йиллари Марғилон пиллакашлик фабрикасида меҳнат қилган кезлари, ҳар куни пешин намозига корхонадан бир қанча масжидларни босиб ўтиб, қори домла имомлик қилаётган масжидга келмаган бўлар эдилар.

Асий Водилий у зотни «олими раббоний», «бахри маъоний», «манбаи ирфон» каби сифатлар билан таърифлаганлар.²⁸⁹

²⁸⁹ Охунжон қори Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-ийғма жилд.

*Яъни, ул баҳри маъоний, олими раббонийким,
Ҳофизи Қуръону ҳожи, манбаи ирфон эрур.²⁹⁰*

Абдулмўмин қори домла 1359/1940 йилда ражаб ойининг биринчи кунида 82 ёшда вафот қилганлар. Марғилоннинг Оқ масжид қабристонига дафн қилинганлар. Вафотларига андижонлик машҳур олим Абдулмажид қози домла ва водиллик Охунжон қори марсия ёзгани маълум. Бизда улардан Охунжон қори ёзган марсия бўлиб, уни куйида келтирамыз.

Тарих вафоти мулла Абдулмўмин қори

*Чархи даври тавридин кўнглим қуши вайрон эрур,
Жавридин танҳо эмасман, жумла саргардон эрур.*

*Кўп халойиқ фавқи тоқат меҳнатига мубтало,
Баъзилар ҳибсу жало ранжи била гирён эрур.*

*Яъни, ул баҳри маъоний, олими раббонийким,
Ҳофизи Қуръону, ҳожи, манбаи ирфон эрур.*

*Эшитиб Ҳақдин садойи, «иржигий» ва «фадхулий»,
Шод ўлиб ҳозирда раҳмат хонида меҳмон эрур.*

*Саксон икки умри, диний илму иршоди ила,
Ўтқариб ҳосилга жумла мойайи гуфрон эрур.*

*Мен ҳам эрдим, фазлайи донишларидан хўшачин,
Айрилиб ўз ҳолима йиглаб, дилим вайрон эрур.*

*Ул моҳи ражаб, якшанба фавти рўз анга,
Боиси тийбу ҳаёту, шоми Марғинович эрур.*

*Эйки истарсиз надур тарихи хол оқибат,
Ғам еманг тарихи бекам: «Ҳофизиул Қуръон» эрур.*

*Нечун ўлмиш номи фарх Абдулмўмин зойбидин,
Бу башорат баски, мавло воҳиби ато эрур.²⁹¹*

Изоҳ: Тарих моддаси «ҳофизиул Қуръон» сўзларининг йиғиндисидан чиқади. 1359/1940 йил.

²⁹⁰ Охунжон қори Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-йиғма жилд.

²⁹¹ Охунжон қори Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-йиғма жилд.

Ўқимасанг ҳам бўлавереди

Шу ўринда дуо туфайли камолга етиш, айниқса, устозлар ва синиқ кўнгилли кишилар дуосининг баракасига доир кўплаб ибратли воқеалар Марғилоннинг бошқа уламолари ҳаётида ҳам бўлиб ўтганини эслаш жоиз. Жумладан, аллома Холмуҳаммад қори домла ҳаётида бу куйидагича бўлган.

Абдулазиз қори Ғолиб Марғилоний «Насаб» номли китобларида бу зот тўғрисида алоҳида тўхталиб, жумладан шундай дейдилар:

«Мен бу соҳибқаромат олий зот ҳақида қисқача бўлса ҳам маълумот бермай иложим йўқ. Чунки менинг ҳақиқий устозим шу зотдирлар. Ушбу ёзаётганларим ҳеч қандай муболағасиз ҳақиқий маълумотлардир. Саккиз ёшларида чечак чиқиб, кўр бўлиб қолганлар. 25–30 ёшларигача етакчисиз юрганлар. Бирор нимани шарпасини умуман, шаклни кўрар эканлар. Одамни ҳам. Лекин башарасини аниқлаёлмас эканлар. Хатни эса мутлақо кўрмас эканлар. 20 ёшларида Қуръонни оғиздан ёд олганлар. Марғилонга келиб, Хўжа Форсо мадрасасида дарс тинглай бошлаганлар. Ётоқ жойлари Марғилон Чилдухтаронидаги Саййидлар даҳмасида бўлган. Ҳар куни дарсга боришда, бир кўн этиклари бўлиб, шуни кийиб, кўчанинг ўртасидан кетар эканлар. Ушал вақтларда одатда дастёри йўқ, хотунлар кўза-пақирларни кўчага дарвозалари олдига қўйишиб кўяр эканлар. Ўткинчилар сув келтириб қўйишар экан. Домла кўзларининг ожизлигига қарамай, йўлларида учраган шу хил идишларга сув келтириб ўтар эканлар.

Хўжа Форсода «Аврод» (махсус зикр ва дуолар тўплами) ўқиқлар эди. Шаҳарнинг ҳар еридан ихлослик ёшу қари аёллар идишларда сув олиб келиб ўтириб, «Аврод» эшитиб, сувларини табаррук қилиб кетар эканлар. Бир куни куз фаслида ёмғир ёғиб турганда бир хотун «Аврод»дан икки кўза сув кўтариб чиқади. Дарсга келаётган домла бу хотуннинг сувларини зўрға кетаётганини кўриб: «Она сувингизни мен элтиб берай», деб қўлидан кўзаларини оладилар. Хотун йўл четидан, домла кўча ўртасидан кетишади.

Хотун Галахумдон маҳалласига келиб, бир эшикка киради. Домла сувни остонага қўйиб, орқага қайтадилар. Ҳалиги хотун чақириб: «Ҳой болам, бу ёқ сизнинг йўлингиз эмасми-

ди», – деб сўрайди. (Мадрасадан Галахумдон маҳалласигача уч чақиримлик жой.) Домла: «Йўқ она, мен ўшал ерда дарс ўқийман, сизни қийналманг, деб сувингизни келтиришиб бердим», – дейдилар. Ҳалиги хотун: «Шунча йўлни кўзингиз ожиз бўлатуриб, савоб деб босдингизми, келинг ҳаққингизга бир дуо қилай», – дейди ва уйига кириб жойнамоз кўтариб чиқиб, даҳлиз ичига солади. Сўнгра: «Мен икки ракат намоз ўқиб, дуо қиламан. Мақсадингизни дилингизга келтириб, «омин» денг», – дейди. Домланинг мақсадлари илм бўлгани учун илм тилаб «омин» дейдилар. Аёл дуо қилади.

Сўнгра домла Хожа Форсога дарсга келсалар мударрис дарсхонани беркитаётган эканлар. Домлани кўриб: «Холмуҳаммад ишинг битди, ишинг битди. Ўқимасанг ҳам бўлаверадиган бўлдинг», – дейдилар. «Шундан кейин, дейдилар домла, – нимани ўқисам-эшитсам, шу нарсани ҳақиқати менга очилаверди ва эшитганим ёдимда қолаверди. Нима топган бўлсам, ўшал хотуннинг дуосини баракотидан бўлди», – дейдилар.²⁹²

*Иноят айласа Ҳаййу Тавоно,
Қилур бир лаҳзада билмасни доно.*

Етим қизнинг дуоси

Ёки Ўрта Осиёда Ҳожи Мавлавий – Ҳиндистоний номи билан машҳур Мавлоно Муҳаммаджон Хўқандийнинг (1892–1989) бу борадаги хотиралари ҳам ибратли.²⁹³ Бу ҳақда у зотнинг ўзлари шундай дейдилар:

«Ёшлигимда илмга ҳарис (иштиёқманд) эдим. Рамазондан илгари бир ой такрори Куръон қилмоқ учун Шоҳимардонга борар эдим. Ул вақтларда ароба билан одамлар зиёратга борар эдилар. Менда кирага пул йўқ, ночор пиёда борар эдим. Бир мартаба кавушимни ечиб, халтага солиб, ялангоёқ юрдим. Шунинг учунки, кавшим йиртилиб қолса, бозордан янги олиш қийин, пул йўқ, камбағалчилик...

Ман энди ўзумнинг аҳволимни ёзишга бошлайин. Қиссаи

²⁹² Голиб Марғилович. «Насаб»... 216 – 118-б.

²⁹³ Қаранг: Бабаджанов Б.М. Муминов А.К., Олкотт М.Б. Муҳаммаджан Хиндустани и религиозная среда его эпохи (предварительные размышления о формировании «советского ислама» в Средней Азии) // Восток (Oriens), №5, М., 2005, с. 19–33; Бабаджанов Б.М., Муминов А.К., А.фон Кюгельген. Диспуты мусульманских авторитетов в Центральной Азии в XX веке. Алматы. «Дайк-Пресс». 2007.

кўтах (қисқаси), Шохимардонга етиб бордим. Ул жойда бир ой такрор қилиб турдим. Мени кўлимда ҳеч қандай маблағ йўқ. Фақат ҳоли таваккал эди, холос. Лекин зиёратчилар кўп келар эдилар. Баъзилар мени олдимга келиб: «Қори бир хатм қилиб кўйинг», деб бирор нарса берар эди. Баъзилари пишғон овқат олиб келиб берар эдилар.

*Таваккулни Худога айлагон эр,
На талқону, на қалқоннинг гамин ер.*

Хулоса шулки, уйимда муяссар бўлмағон лазиз овқатларни Худо етқузур эди. Эмди ҳовузнинг олдида нон сотувчи қизлар нонларини зиёратчиларга сотиб, асрда уйлариға кетур эдилар. Бир кун бир қиз кетмай ҳовузнинг олдида йиғлаб ўлтурубдур. Мен олдиға бориб сўрадим:

– Нимага йиғлайсан?

Ул қиз айтдики:

– Эртадан-кечғача сотғон нонимнинг пулини ушбу ҳовузга тушириб юбордим. Эмди мени уриб ўлдирадурлар. Онам ўгай, ўзимни онам ўлиб кетғон.

Менинг раҳмим келди. Бечора етим экан. Сўрадим:

– Қандай ва қаерда тушурдунг? Қиз айтдики:

– Ҳамма пулимни ҳамёнға солғон эрдим. Ўйнаб ўлтуруб, тушуруб юбордим.

– Қай жойға тушурдинг, менга кўрсат? – дедим. Қиз тушган жойни кўрсатди. Мен кўйлақларимни чиқориб, ҳовузға ўзимни ташладим. Истаб юриб, охири ҳамённи топиб бердим. Етим қизнинг хурсандлиғи бениҳоят эрди. Мен айтдим:

– Сан мени, Худо сизга илм берсун деб, дуо қилғил.

Қиз менинг таълим беришимга мувофиқ, қиблага қараб туруб дуо қилди. Бу менинг учун ажойиб ҳодиса бўлди. Илгари фаҳмим олмасдан кўп қийналар эдим. Ушбу авқотдан кейин фаҳмим яхши бўлуб, ҳатто шерикларимга ҳам муколима қилиб берар эдим. Бу етимнинг дуоси зоеъ кетмади²⁹⁴.

Бир пой маҳси

Идрис халифа Обшерийнинг маънавий камолотида ҳам Ҳазрат Домла назарларининг алоҳида ўрни борлигини кўраимиз. Наманганлик машҳур шайх Мажзуб Намангоний-

²⁹⁴ Қиссаи Мавлавий – Ҳиндистоний. – Т.: «Адолат», 2004, – 13–14-б.

нинг муриди Бегмуҳаммад халифанинг тўрт ўғлидан охириги си бўлмиш Идрис Халифанинг пешонасига Ҳазрат Домлага шогирд бўлиш бахти ёзилган экан, тақдир уни турли йўллар билан у зотга рўбарў қилади.

Айтишларича, халифанинг онаси томонидан боболари асли қувалик (Фарғона вилоятидаги туман) бўлишган. Ёшлиқларида оналари билан бирга тоғаларининг зиёратига тез-тез бориб туришган. Баъзан бир неча кунлаб туриб қайтишган.

Бир гал борганида катта онаси Идрисни Туямўйинда буғдой янчаётган тоғаларидан хабар олиш учун хирмонга юборади. Халтага нон, сузма, туршак ва бошқа егуликларни солиб, отнинг бўйнига илиб, бирга жўнатади. Кетаётиб Идрис йўлда бир пой маҳсини тушиб ётганини кўради. Бир оз юргач, орқага қайтади. Кичикроқ бир маҳси. «Мендан олдин ўтган йўловчилардан тушиб қолган бўлса керак», деган ўй билан маҳсини олади ва хирмонга бормаи арава изи бўйлаб юра бошлайди. Гўё кўринмас куч шу томонга мажбур қилаётган эди.

Юриб-юриб, Новқатнинг Саҳобалар деган жойигача бориб қолади. У ерда тўхтаб турган бир аравани, унинг устида эса икки кишининг тик турган ҳолда дуо қилаётганини кўради. Улар Ҳазрат Домла билан Охунжон қори Водилий эди. Бир-бирларига узр айтиб, Аллоҳга илтижо қилаётган пайтлари эди. Идрис уларга яқин бориб, суҳбатларига қулок тутади.

Маълум бўлишича, улар биргаликда Новқат сафаридан қайтишаётган, йўлда эса Охунжон қори бепарволик билан Ҳазратнинг иссиқлаб ечиб қўйган маҳсиларидан бир пойини тушириб қўйган ва Ҳазрат бу борада у кишига танбех берган эканлар. Ҳозир эса ана шу иш учун бир-бирларидан узр сўраб туришган пайти экан.

Воқеани англаб етган Идрис тўғри уларнинг олдиларига бориб, салом беради ва тавозе билан ёнидаги бир пой маҳсини олиб, кўрсатади. Кутилмаган бу ҳолатдан Ҳазрат ҳам Охунжон қори ҳам хурсанд бўлиб кетадилар. Охунжон қорининг хурсандликлари чексиз эди.

Ҳазрат маҳсини олиб, уни қаердан олганини сўрайдилар. Идрис воқеани айтиб беради. Ҳазрат хурсанд бўлиб, ҳақиқа дуо қиладилар ва боладан, исмини ва отасини сўрайдилар. «Отим Идрис, Бегмуҳаммад халифанинг ўғлиман», – дейди.

Ҳазрат бундан яна хурсанд бўладилар. Чунки Бегмуҳаммад халифани яхши билар эдилар. Болага: «Уйга борганингдан кейин, Марғилонга Хонақоҳ мадрасасига боргин, у ерда ўқийсан», – дейдилар ва пешонасини силаб, дуо қилиб жўнатиб юборадилар.

Маълум бўлмоқдаки, Идрис мазкур хизмат сабабли Ҳазрат назаридан ўтган. Қишлоққа қайтганидан сўнг Марғилонга – Хонақоҳ мадрасасига келиб, бу ерда Ҳазрат шогирдларидан бирига айланади. Унинг Ҳазрат ҳузурда ўтказган файзли дамларининг аввали мана шундай бошланган эди. Бу акаси Усмонали халифанинг вафотидан кейин ўрнига Обшерга халифа бўлиб кетгунича давом этган.

Идрис Хонақоҳда таълим олиб турган кезлари Қувадан онасининг вафоти ҳақида хабар келади. Ҳазрат унга дарҳол Қувага етиб бориши учун рухсат берадилар. У бир одамнинг отини олиб Қувага жўнайди. Онасининг жанозасида қатнашади. Буни қарангки, у ерда тоғалари уни келишига мунтазир бўлиб туришган экан. «Келдингми, биз сени келиб қоларсан деб, кутиб ўтирган эдик, таҳоратинг борми, тезда қабрга туш», – дейишади. Йигит онасини қўли билан жойига қўяди. Идрис жанозани ўтказиб қайтгач, Ҳазрат бу ерда онаси ҳақида тиловат қилиб, дуо қиладилар.

Аллоҳга яқин бўлибсан

Идрис халифанинг мадрасага келган дастлабки кунларида бўлиб ўтган воқеа ҳам бу борада ибратли. Кунларнинг бирида ёнида егулик бирор нарса қолмай, оч қолади. Янги келган пайти учун шерикларидан нон сўрашга ботина олмайди. Ночор Аллоҳга таваккул қилиб, дарсни такрорда давом этади. Шу пайт тепада бир қарға пайдо бўлади-да, бир дона нон ташлаб кетади.

Идрис хурсанд бўлиб, дарҳол нонни олади. Янги ёпилган иссиқ нон. Емасдан, тўғри Ҳазрат ҳузурига кириб, воқеани айтади. Ҳазрат ҳайрон бўлиб, ён-атрофларни суриштирадилар. Бирор кишини нон ёпаётгани маълум бўлмайди. Сўнгра Идрисга: «Сен Аллоҳга яқин бўлибсан, илтижоинг қабул бўлибди», – дейдилар ва: «Менга ҳам нонингдан берасанми?», – деб болани эркалатган бўладилар.

Айтишларича, Идрис халифа ҳаммаси бўлиб Ҳазрат билан ўн олти йил давомида бирга бўлган ва кейинчалик

Ҳазрат ўзлари бош бўлиб никоҳлаб қўйгунларича ёнларида бўлган. 1933 йилда Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида 63 ёшда вафот этган. Халифа вафотига Асий Водилийнинг қуйидаги марсияси мавжуд.

Марсия

*Жавру жафойи фалакдин, фарёд этарман ҳар замон,
Айирди жумла дўстимдан, айлади бехонумон.*

*Ҳам қиблагоҳим, меҳрибоним, соябоним, раҳбарим,
Юз дарду алам бирла, ғариблик даштида бўлди ниҳон.*

*Лекин тасаллий бергусидурким, ривоятда келур,
Ҳар ким ғариб ўлса, шаҳид ўлгай, саъодатдин нишон.*

*Ушбу башоратга ишорат, ҳотифий тарих учун,
Айди: «Жафойу ҳажр ила, бўлди шаҳид Идрис эшон».*

*Парвардигор, ул ғариб мустамандинг қабрини,
Пур нур қил, фазлинг ила, жойини аълоий жинон.²⁹⁵*

Новвойнинг ҳиммати

Турли тазкира ва маноқибларда кўплаб аллома ва авлиёларга юқоридаги каби турли сабаблар билан ризқ эшикларини очилгани ҳақида воқеалар келтирилган. Бу каби воқеалар марғилонлик уламолар ҳаётида ҳам бўлиб ўтганини гувоҳи бўлдик. Жумладан, «Чуқур мадраса»нинг бош мударриси Мирхалил Бухорий Домла талабалик пайти Бухорода бўлиб ўтган бир воқеани шундай эслайдилар:

«Бир куни ейишга ҳеч нарса қолмади. Очлик тинкамни қуритган эди. Дарсни такрор қилиш ҳам юрагимга сиғмади. Бирор егулик умидида ночор кўчага чиқдим. Нарироқда бир одам бошига бир сават нонни қўйганча шу томонга қараб келарди. Яқинлашганда иссиқ ноннинг ҳиди димоғимга урди. Сотиб олишга бир танга ҳам йўқ. Сўрагани эса ботина олмадим. Бирданига ўпкама тўлиб, йиғлагудек бўлиб, хужрамга қараб югурдим...

Буни кўрган новвой орқамдан югура бошлади. Мен эса унга қарамай кетавердим. Охири қабристондаги хужрамга

²⁹⁵ № 6-қўлёзма. 58–60-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

кириб кетдим. Орқамдан етиб келган, новвой мендан: «Сен кимсан, нима учун йиғладинг, бу ерда нима қиялпсан?», – деб сўради. Мен ўзимни талаба эканимни, аҳволимни айтдим. Шунда у: «Ундай бўлса гапларимни яхшилаб эшит, мен новвойман, дўконим ҳўв ана бу ерда. Сен ҳар куни ўша ерга бориб, мендан бир донадан нон олиб турасан, бўлмаса ҳафа қиламан», – деди ва бир дона нон бериб, йўлига кетди». ²⁹⁶

Мазкур воқеа тахминан, 1860 йилларда бўлиб ўтган эди.

Ишингиз битибди

Кези келганда Мирхалил домланинг талабалик даврида бўлиб ўтган иккинчи бир воқеани ҳам айтиш ибратли. Қиш кунларининг бирида кечанинг охириги қисмида домла таҳоратга чиқадилар. Совуқ жуда қаттиқлигидан ҳамма нарса, ҳатто мадраса ҳовузи ҳам музлаб қолган, бошқа сув йўқ эди. Ҳазрат кўп ўйланадилар. Сўнгра ҳовуз бўйига келиб, Аллоҳдан сув сўраб, дуо қиладилар.

Шунда не бахтки, Аллоҳнинг кудрати билан ҳовуз усти битта обдаста сиғадиган даражада ёрилиб, сув кўринади. Ҳазрат Аллоҳга шукрона айтиб, дарҳол обдастани тўлдириб, орқага қайтадилар. Айни пайтда устозлари ҳам уйғониб, ташқарига чиққан эдилар.

У зотни болаҳонадан тушаётганларини кўрган домла югуриб борадилар-да, иккиқўллаб сувни узатадилар. Зийрак устоз бир зум атрофга назар ташлайди ва: «Совуқни зарбидан музламаган бирор нарса қолмабди, ҳатто ҳовузимиз ҳам. Сизда эса янги сув, уни қаердан олдингиз?»,- дейдилар. Домла бир оз хижолат бўлиб, воқеани айтадилар. Устоз: «Ҳай-ҳай, шундайми, бўлмаса обдастани ерга қўйинг-да, қўлингизни очинг», – дейдилар. Сўнгра қиблага қараб: «Омин, сизнинг «ишингиз битибди» – бу ерда сиз ўрганадиган илм қолмабди, бориб, бемалол Марғилон халқига дарс айтаверинг», – дея дуо қиладилар. ²⁹⁶

Бугина эмас, домла Марғилонга қайтаётганларида, устозлари: «Бу бола Бухоронинг ярим илмини ўзи билан бирга Марғилонга олиб кетди», – дея, кузатиб қолган эдилар.

²⁹⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Қаландархона. 1998.

²⁹⁷ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Хожа Форсо. 1998.

Меҳнатсиз келган нонни емайман

Марғилонлик таниқли уламо мулла Аҳмаджон охунд ҳаётида (ваф.1959) ҳам шу каби воқеа содир бўлганини кўрамиз.

Айтишларича, охунд даданинг талабалик даври қаттиқ риёзат билан кечган. Таътил пайти меҳнат қилиб, одамларнинг хизматини қилиб, ҳовузини қовлаб бериб кун кўрганлар. Кўпинча оч-наҳор қолар эканлар. Бир гал мадрасада саккиз кун оч қолиб кетадилар. Ўзларининг эслашларича, сичқонни инини қидириб ҳам бир тишлам нон топа олмаган эканлар. Шунда емиш излашни тўхтатиб, намозга киришибдилар. Чунки ибодатнинг завқидан очликларини унутар эканлар.

Шундай кунларнинг бирида мадраса ёнгинасидан Тошпўлат бой дастурхон ёзиб, талабаларни таклиф қилади. Охунд дада эса зиёфатга кирмайдилар. Бундан хабардор бўлган бой Охунд дадани чақириб: «Ахир, оч қолибсан, нега менга айтмадинг, эҳсонга ҳам кирмадинг», – деб сўрайди.

Охунд дада: «Мен бундай меҳнатсиз келган эҳсонни емайман», – дейдилар. Бой ўйланиб: «Нима қилсам, мени эҳсонимни ейсан?» – дейди. «Менга бир юмуш айтинг, шуни қилай, эвазига менга нон беринг», – дейдилар. Бой: «Ундай бўлса, ҳар куни иккита қанор қопга пахта қоплайсан, эвазига битта патир нон бераман», – дейди. Охунд дада рози бўладилар. Шундай қилиб, Охунд дада ҳар куни ишлаб битта нон топар, унинг ярмини ўзлари еб, ярмини оналари ва сингилларига олиб бориб берар эканлар...

Охунд дадани кейинчалик халқ орасида «хатм карда мулла» («муайян диний илмларни мукамал ўзлаштирган олим») унвонига сазовор бўлиб, беназир илм соҳиби бўлиши мазкур риёзатлар натижаси экани аниқ.

Шайх ул-ислом Зарнужий «Таълим ул-мутааллим» китобида шундай келтирадилар: «Буюк аллома шайх ул-ислом Фахриддин Арсобандий талабалик пайтларида ташлаб юборилган қовун-тарвуз пўчоқларини тўплаб, уларни еб кун кўрганлар. Бир куни бир чўри буни кўриб қолади ва бу ҳақда хўжайинига хабар қилади. Хўжайин бундан таъсир-

ланиб, зиёфат ташкил қилиб йигитни таклиф қилади. Лекин йигит буни қабул қилмайди».²⁹⁸

Зарнужий: «Толиби илмнинг ҳиммати шу каби баланд бўлиши, кишилар қўлидаги нарсалардан бутунлай кўнглини узиши керак», – дея таъкидлайдилар.

Мазкур воқеаларни келтирар эканмиз, Ибнул Ҳажар Ал-Асқалонийнинг «Ад-дурад ал-Комина» асарида келтирган, Муъиниддин Абул Аъло Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ғазнавий ан-Найсобурийнинг қуйидаги шеъри ёдимизга келади. Талабалик йилларини қийинчиликда ўтказган, кейинчалик замон алломаси бўлган чоғида ҳам қорни учун бирор-бир киши ҳузурига бош эгиб боришни хоҳламаган ва бу билан дини ва обрўсини ҳимоя қилишга эриша олган аллома мазкур шеърида шундай деган эди.

*«Бир тишлагина нон мени тўйдиради, бир ҳўплам сув эса чанқогимни қондиради. Увада кийим тириклигимда менга асқатиб, вафот топганимда кафан бўлади. Шу туфайли, бировларнинг эшигига омочга қўшилган ҳўкиз қайта-қайта бориб келаётганидек, суқилиб-тиланиб бормайман. Менга синов сифатида берилган бу мартабамни обрўйимни сақлаш, дунёни эса динимни сақлаш йўлида фидо қилдим.»*²⁹⁹

Сен ўчоқ бошидан топгансан

Ҳазрат Домлани Охунжон қори Водилийга берган баҳолари ҳам назарлари борасида ёрқин мисолдир. Юқорида Хонақоҳ ва Қўқон илмий муҳити вакиллари ўртасида илмий-адабий алоқалар йўлга қўйилгани келтирилди.

Бир куни хон саройи шоирларидан Ҳазрат Домлага шеърий мактуб келади. Унга жавоб ёзишни Ҳазрат Охунжон қорига топширадилар. Жавобни икки нусхада ёзиб, устоз ҳузурига олиб келган қори улардан бирини ўқиб беради.

Ҳазрат тинглаб кўриб: «Мана бу ерини шундай деб ёзмабсан-да», – дейдилар. Шунда қори домла иккинчи нусхани ўқиб беради. У айнан, Ҳазрат айтганидек ёзилган эди. Бундан хурсанд бўлган Ҳазрат: «Ҳа, сен ўчоқни бошидан, яъни хизматдан топгансан-да», – дея, таҳсин айтадилар.

Ёки бошқа бир пайт Ҳазрат Домла «Бонат суъод» қаси-

²⁹⁸ Шайх ул-ислом Имом Бурхониддин Зарнужий. «Таълим ул-мутааллим»... 53-б.

²⁹⁹ Ибнул Ҳажар Ал-Асқалоний.«Ад-дурад ал-комина фий аъйони миати-сомина». 1-ж., 271-б. <http://www.alwarrqa.com>.

дасига шарҳ ёзмокчи бўлиб, уни излаб турганларида қори домла уни топиб келтирадилар. Бундан хурсанд бўлган Ҳазрат яна унинг ҳаққига дуо қиладилар.

Ҳазрат Домлага ҳар йили атрофдаги қишлоқлардан рамазон ойида таровеҳ намозини ўтказиб бериши учун талабаларнинг Қуръонни тўлиқ ёд олган қориларидан беришларини сўраб келишар эди. Бир йили Охунжон қори билан бирга икки қорини шерик қилиб, Лоғон қишлоғидан келган кишиларга қўшиб жўнатадилар. У ерда шерикларидан бири вабо касали билан вафот этади. Яна бири эса курашга бориб қўли синиб қолиб, кетиб қолади. Ўзлари ёлғиз бешта хатмни ўтказиб қайтадилар. Бундан хурсанд бўлган Ҳазрат Домла унинг ҳақида алоҳида дуо қиладилар.³⁰⁰

Шу ўринда Охунжон қори Водилий ҳақида. Биз мазкур зот ҳақидаги маълумотларни бир оз бадиий услубда бергимиз келди. Чунки келгусида бу зот ҳақида алоҳида китоб ёзиш ниятимиз борлиги учун унинг қоралама нусхасидан фойдаландик.

Водийдан Шоҳимардон зиёратига бораётган йўловчилар ҳар гал йўлда Водил қишлоғига етганларида албатта бир тўхтаб ўтадилар. Бу ерда шундоққина йўл ёқасида улуғ зиёратгоҳ жойлашган. Бу тасаввуф тариқатининг улуғ шайхларидан Шайх Аҳмад валий мазоридир. Зиёратчилар бу ерда ҳазрат руҳига Қуръон тиловат қилиб, фотиҳа қиладилар. Бу анъана қадимдан мавжуд бўлиб, Қўқон хонлари даврида ҳам хон оиласи Шоҳимардонга кетаётиб, Водилда тўхтаб, бу ердаги Хожа Аҳмад Валий мазорини зиёрат қилгани келтирилган.

В.А.Парфеньевнинг келтиришича, Худоёрхон 1861 йили Шоҳимардонга зиёрат қилгани кетаётиб, Водил марказида тўхтади ва бу ерда ҳар гал зиёратга кетаётиб, дам олиб, зиёрат қилиш учун махсус ўрда бино этишни режалаштиради. Худоёрхон ўрдабоп жойни ер эгалари бўлмиш Мирзараҳим Парвоначи ва Мирза Ҳамдамдан ҳар бирига 12 тилло баҳосига сотиб олмокчи бўлади. Бироқ Мирза Ҳамдам Худоёрхоннинг бу таклифига рози бўлмади. Қачонки, Худоёрхон Мирза Ҳамдамни ўз саройига чақиртириб, қим-

³⁰⁰ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Водил. 2002.

матбаҳо чопон, пул ва бошқа қимматбаҳо совғаларни инъом қилгач, у ўз ерини сотишга рози бўлади.³⁰¹

Мозор ёнгинасида саккиз юз йиллик тарихга эга қадимий чинор бор. Водилнинг қадим ўтмиши ва тарихидан дарак берувчи бу чинор зиёратчилар учун ҳам қадрли. Унинг остида ўтириб дам оладилар ва соясидан баҳра оладилар. Чинор бу ерда кад ростлагандан бери не-не воқеа ва ҳодисаларга гувоҳ бўлмаган дейсиз. Унинг остига не-не зотлар келиб кетмаган ва у қанчалаб одамларга ўз соясидан жой бермаган. Улар орасида ҳаёт машаққатларига дош беришда у каби чидамли, замон бухронларига бош эгмай ўтишда сабрли ва маънавий «соя»си ундан-да манфаъатлироқ бўлган ва бекиёс илму билими билан у каби мангуликка дахлдор бўлганлари кўп бўлган.

Эҳтимол, ушбу чинорнинг ҳар бир япроғи ва унинг сокин шивирлашида ўзи маскан бўлган замин остида абадий уйқуга кетган ўша «маънавий чинорлар» руҳларининг сас-сиз нидоси ҳамоҳангдир. Агар шундай бўлса, бежиз Водил халқи ушбу чинорга алоҳида эътибор бермаган бўладилар. Нима бўлганда ҳам чинорнинг доимо бирдек сокин ва безор шивирлаши ва барчага баробар беминнат соясида дил соҳибларигина англаб етадиган маънолар яширин.

Биз бу ерда Водилнинг ана шундай маънавий чинорларидан бири, аниқроғи, у чинорлар илдизининг энг мустаҳкамларидан бири ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

У – машҳур олим, муфассир, муфакқих, муаррих, шоир ва адиб Охунжон қори Водилий – Асий раҳматуллоҳи алайҳдирлар. Водилда туғилиб, шу ерда вафот этган, илму маърифат ҳосил қилиб, ўзидан бебаҳо маънавий бойликлар қолдириб кетган бу буюк зот бугунги Водил халқининг фаҳри ва шарафи ва ўзгаларга кўз-кўз қилгудек бебаҳо дарғасидир.

*Домла Охунжон Водиллик, аҳли ирфон юлдузи,
Маърифат осмонидан учти, қолиб раҳшон юзи.*

Бутун умрини илм ва зиё тарқатишга сарф этиб, ўзидан турли ҳажмдаги 120 дан ортиқ илмий-маърифий асарлар қолдириб кета олган бу буюк зот нафақат Водил халқи, бал-

³⁰¹ Парфёньтеев В.А. Селение Вуадил // Ежегодник Ферганского области. Том III Г.Новый Маргелан.1904.С.61.

ки бутун халқимиз, миллатимиз маънавий хазинасининг бебаҳо гавҳарларидан бири бўлишга ҳақлидир. Бежиз, у зотни замондошлари чинорга менгзашмаган.

*Илм тоғин чўққисин, кўрки эди, бу зўр чинор,
Етти муҳлат, тешаи марғдин кесилди илдизи.*³⁰²

1872 йил, Водил. Кунларнинг бирида диёнатли дўкондор Муҳаммад Расул оқчи (оқ газмол дўкондори) хонадониди чақалоқ йиғиси янграйди. Хонадонда ўғил туғилади. Унга яхши ният билан Охунжон деб ном кўядилар. Чақалоқни ўзгача бир меҳр ва мушфиқлик билан тарбия қила бошлайдилар. Ҳалол касб соҳиби тақводор ота ва мушфиқ онанинг фарзанди ҳақида қилган хизматлари ва тилаклари ижобат бўлиб, тезда ўзининг натижасини беради. Етти ёшга етгандаёқ хат-саводи чиққан болани кўшни қишлоқ Чимёнга олиб бориб, у ердаги мактабдор домла Муҳаммад Амин домлага топширадилар. Бу ерда тез фурсатда Куръони каримни ҳифз қилади ва устоз ижозати билан қишлоққа қайтади.

Қишлоқда ота-оналарининг бағрида вояга етиб, аста-секин бўй чўзади. Энди отасининг дўкониди унга ёрдамлашиб, унинг меҳнатини анчагина енгиллатган ва унинг доимий кўмакчисига айланган эди. Отасидан ҳалоллик, поклик, садоқат ва мардлик каби кўплаб яхши сифатларни ўрганган Охунжонга энди ота ҳам баъзи муҳим ишларни топширадиган бўлади. Ҳатто бир неча марта дўконга зарур бўлган махсус сармояни олиб келиш учун ҳеч иккиланмай Марғилонга жўнатган. Бир гал йўлда шундай воқеа рўй беради. Бу ҳақда йигитнинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

«Отам берган омонат-сармояни маҳкам кучганча Марғилонга йўл олдим. Йўлда иккита кўприкдан ўтилар эди. Шаҳарга кираверишдаги иккинчи кўприкка келганимда нариги томонда отамнинг савдодаги ўша ерлик шерикларини кўриб қолдим. У отамга оқлатиш учун газмол бериб турар эди. Мени кўриб, нима учун келганимни сўради. Мен, сармояга келганимни, отам жўнатганларини айтдим. У бир оз ўйланиб туриб: «Ўқийсанми?», – деб сўради. Мен: «Ҳа», – дедим. «Бўлмаса бориб, отангдан ижозат олиб кел, мен сени ўқишга жойлаб қўяман», – деди ва: «Отанг каби умринг фақат меҳнат билан ўтиб кетмасин», – деб қўшиб қўйди.

³⁰² «Баёзи Ғолиб Марғилоний»... 45-б.

Мен бу гапдан ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Чунки ўшанда менда ўқишга бўлган мухаббат чексиз эди, лекин бунга етиша олмаётган эдим. Дарҳол омонатларни бердим-да, ўша ердан оркамга қайтдим. Келгач, бўлган воқеани отамга айтдим. Отам ҳам хурсанд бўлдилар ва сафар ҳозирлигини кўрдилар. Биргаликда Марғилонга – биродарлари хузурига келдик».³⁰³

Бу Охунжон қори ҳаётида ўзи истаган маънавий-руҳий ҳаётга катта бурилиш эди. Шу пайтда ёшлари ўн бешдан ошган эди.

Болани Марғилонга олиб келиб, ўша даврнинг машҳур Куръон устози Муҳаммад Амин – Даминча қори хузурига олиб келадилар. Ҳовлилари Марғилоннинг Қаландархона даҳасида бўлган. Кириб келишганда аввалига кексайиб қолганлари боис узр айтадилар. Лекин улар қаттиқ туриб олгач, бўлмаса, бу «саноч қоқди» бўла қолсин, дея қабул қиладилар. Бу – ҳамён остида қолиб, сўнггида бакор келган танга каби қадрли бўлсин, деган сўз эди.

Шундай қилиб, Охунжон қори устоз хузурида қироат таълимини ола бошлайдилар. Зехни тийрак ва кучли қобилият эгаси бўлган йигит тезда бошқалардан ўзиб кетадилар. Бу ерда Чимёнда олган таълимлари қўл келган эди. Буни кўрган устоз болани етаклаб Ҳазрат Домла хузурига олиб келадилар. Боланинг зехни ва қобилиятини таърифлаб, унда маънавий камолот чечаклари намоён экани ва у чечаклар, айнан, Ҳазрат Домла тарбияси остида очилишига муносиб эканини айтиб топшириб қайтадилар. Шу пайтда Охунжон қори Водилийнинг ёшлари ўн тўртда эди.

Ёш Охунжон қори энди Ҳазрат Домланинг шогирдларидан бирига айланадилар. Бу Охунжон қори ҳаётида Ҳазрат Домла билан бирга ўтадиган фойзли кунларнинг бошланиши эди. Ҳа, бу водиллик бир толиб илмнинг замон алломаси хузурида аввало оддий талаба, сўнгра сафарлардаги хос шогирд, қишлоқларга юборилган ишончли вакил каби вазифаларда давом этган нурли ҳаётининг ибтидоси эди.

*Қўнса иқбол агар чивин бошига,
Сўргали Семурғ келар қошига.*

Охунжон қори 1901 йилда мадрасанинг тўлиқ курсини

³⁰³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Водил. 2001.

тамом қиладилар. Дарвоқе, қори домла ўзларининг хатмона маросимларига атаб тарих битганлар. Хатмона 1321 ҳижрий йилнинг шаъбон ойида бўлган.

Ёзма манбаларда бу зот «зубдаи олийжаноб» – «улуглар афзали», «офтоби шаръи дин» – «шариат офтоби», «кашишофи ҳақойиқ» – «ҳақиқатларни очиб берувчи», «сўз арбобини Сахбони» – «моҳир суҳандон», «зу фунун» – «турли фанлар соҳиби» каби сифатлар билан таърифланган.³⁰⁴

Қўлимизда мазкур зотнинг талабалик кезлари ёзган қўлёзмалари мавжуд бўлиб, у билан танишиш орқали ҳақиқатдан, муаллифнинг Ҳазратнинг яқин шогирдлари бўлганларига амин бўламиз.

«Ҳазрат Домламдан ўн бир танга бир мири олиб, уч мирига чит муқова учун олдим, бир ярим танга музди муқова учун бердим. Бир ярим сўм «Жазарий», бир ярим сўм «Одоб таълим», икки танга «Шарҳи Божурий», «Қасидаи Бурда». Ал-он (ҳозир) манда икки танга қолди, Ҳазрат Домламга еткурдим».³⁰⁵

Айтишларича, аравонлик мухлис кишилар Ҳазрат Домла ҳузурларига келиб, янги очилган масжидга имом тайинлаб беришларини илтимос қилишади. Уларга Охунжон қорини қўшиб жўнатадилар. Ўша вақтда шундай воқеа бўлган экан. Ўша ерлик қирғизлар Марғилондан имом келишига норози бўлиб, мунозара пайдо бўлади. Иш жанжалга етиб боради. Улар Ўшдан рус мингбошисини чақириб келадилар. Мингбоши воқеани тинглаб кўриб, тадбирли иш қилади. Ўртага икки номзод номидан иккита кўза қўйиб, йиғилганларнинг ҳар бирига ўзи овоз бермоқчи бўлган имом номига танга ташлашни тавсия қилади.

Сайловда Аравоннинг йигирма саккиз маҳалласидан келган оқсоқоллар иштирок этишади. Сайлов марғилонлик имом фойдасига ҳал бўлади. Охунжон қори у ерда имомхатиб бўлиб қоладилар. Бир муддат хизмат қилганларидан кейин аравонлик Мадоким Амин қизини қорига никоҳлаб беради. Бу билан Аравонга янада мустаҳкам боғланиб қоладилар.

Инқилоб бошланганида қайнота: «Энди юртингизга қайтинг, большевойлар ҳамма нарсани талаб кетишди», –

³⁰⁴ Бекий Полмоний. Охунжон қори вафотига тарих. Қўлёзма. 256–257-б.

³⁰⁵ №23-қўлёзма. 54-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

дейди. Қори домла у ердан Марғилонга Абдулмўмин қорининг ҳовлисига келиб тушадилар. Бу ер ҳам тўполон, ҳамма ҳадикда эди. Лекин шундай бўлса ҳам, қори домла Хонақоҳ масжидида имом-хатиб ва мадрасада мударрислик қилганлар.³⁰⁶ Айни пайтда хожи домла у зотга ўз ҳовлиларидан жой берган эдилар.

Охунжон қори домла 1928 йилдан то вафотлари 1958 йилгача, ўттиз йил уйдан чиқмай умрларини ибодат ва риёзатга бағишлаганлар. Бу ҳақда шундай дейилади:

*Узлат этган эрди элдан, фақр шориъ пайрави,
Бўлмаса даври тулуъ ичра, йўқ эрди андин муъзами.*³⁰⁷

Бу давр мобайнида кўплаб нодир китобларни оққа кўчирадилар. Дарвоқе, Асий Водилий қилқалам соҳиби бўлиб, хатлари жуда гўзал бўлган. У зот таълиф этган ва оққа кўчирган китоблари ҳаммаси бўлиб 120 тани ташкил этган.³⁰⁸

Изланишлар давомида биз ушбу асарлардан бир нечтасини топишга муяссар бўлдик. Юксак дид билан битилган бу асарлар нодир манба ва юксак санъат намунаси сифатида эътиборга лойиқ. Айтишларича, аллома асарларини махсус хонтахта устида эмас, чўкка тушиб, тиззалари устига кўйиб ёзганлар. Буни кўрган аёллари: «Ахир бир оз оёғингизни узатиб олсангиз, бўлади-ку», – десалар ҳам унга парво қилмас, ва: «Мен ҳеч қачон оёғимни узатиб ўтирган эмасман», – дер эканлар. Мободо, ёзаётган сўзлари хато бўлиб қолса, уни тиллари билан ялаб олар эканлар.³⁰⁹

Асий Водилийнинг асарларидан баъзилари

1. «Хонақоҳ сийғаси» қўлёзма. 1330 ҳижрийда ёзилган.
2. Авомилнинг назмий матни. 1330 ҳ.
3. Нахв фанига оид рисола. 1330 ҳ. 23-муҳаррам.
4. Сарф қоидасига оид рисола. 1330 ҳ.
5. Ақида бобида рисола. Тугалланмаган.
6. «Бонат суъод» қасидасининг таркиби. Йили кўрсатилмаган.

³⁰⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Водил. 1998.

³⁰⁷ Муҳаммад Мусо Бекий. Қўлёзма. 256–257-б.

³⁰⁸ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Водил. 1998.

³⁰⁹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Водил. 1998.

7. «Ҳадиси арбаъин» Имом Нававий асари. 1346 х.
8. Исломдаги фирқалар ҳақида рисола. 1349 х.
9. «Маворидул калом» рисоласи. 1349 х. Зулқаъда оёи.
10. «Бонат Суъод» қасидасининг шарҳи. 1355 х. 29-зул-ҳижжа. Тарихи: «Фихи мишкот ул-анвор ал-қудсийях».
11. «Ҳаракот», «Авомил», «Занжоний» рисолалари. 1336 х.
12. Истиора рисоласининг таржимаси. 1329 х. 23-му-ҳаррам.
13. «Авомил» рисоласининг шарҳи. 1329 х.
14. «Нисоб ас-сибён» рисоласи. Тугалланмаган.
15. Имом Насафийнинг «Мажмаъур-рағойиб манбаъул-ғаройиб» асари. 1348 х. Тарихи: «Иқдул-усул фий мазҳабил-ҳанафий». Бошқа тарих: «Ва юҳиббукал манор ли-Абил-Баракот ан-Насафий». 1348 х. 14-шаъбон.
16. «Ал-латоиф ал-алавийях» Муҳаммад Али Ризонинг тасаввуфга оид асари. Рисолани насоро боғийлари ва боскинчилари Бухорога бостириб кирган 1339 х, 23-муҳаррам, чоршанба куни кўчирганлар.
17. «Авомил» дарслик китобига шарҳ. Форсий тилда. 1366 х, 10-жумадул аввал.
18. Мавлоно Хисомул-миллат вад-дин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Ахисий. Усул. 3-шаъбонда бошланиб, 15 да тугаган. Тарихи: «Тамма китаб ал-усул ал-Ҳомий лил-ҳанафий» ва «Ала-а иннаҳа дурратун-нодирах».
18. Усули Моликий. 1347 х. Тарихи: «Ва ҳазиҳи усул ли-жамолил-араб ибн ал-Ҳожиб» – 1347, «Ва инна ҳифзаҳа лил-фақиҳи лавожиб». – 1347.
19. Мавлоно Муҳиббуллоҳ ибн Абдуш-шакур ал-Бухорийнинг усул китоби. 1348 х. да тугалланган. Тарихи: «Алайя биусулил Муслим ас-субут».
20. Илмул-балоға. «Талхис ал-мифтоҳ»га шарҳ. 1382 х. да кўчирилган.
21. Шайх Муҳаммад ас-Саббоннинг аруз назми қўл-ёзмаси. 1323 х.
22. Абдуллоҳ Дехлавий «Одобус-солиҳин». 1347 х. Тарихи: «Алҳамду лиллаҳи қод кутиб ва тамма «Одобус-солиҳин». – 1348 х. Ёки: «Одобус-солиҳин ахлоқ тоййиба мавлавий Абдулҳақ Дехлавий» – 1348 х.
23. «Китоб мақосид толибин фи илми усулид-дин Саъ-

дуддин Тафтазоний» Тарихи: «Тамма мақосидуна бит-тавфиқ». Ва мин ҳотиф «атаммал- китоб».

24. Шофия. 1325 х. 20-ражаб. Тарихи: «Ҳия Шофия бикофиятиҳа».1325 х.

25. Кофия қўлёмаси. 1325 х. Тарихи: «Ҳия Кофия би-шофиятиҳи».1325 х.

26. Мароҳул-арвоҳ.1325 х.

27. «Қасидатул ломиятус суннийях» 1354 х, 3-зул-ҳижжа. Тарихи: «Ҳа-а назмуш-шотибийях».

28. Тажвид Жазарий. Тарихи: «Таммат анварул жаза-рийях».

29. «Жавоҳирул қуръон» 1354 х. 25-шаввол. Тарихи: «Иннаҳа-а ҳазиҳи жавоҳирул Қуръон».

30. Аллома Тафтазонийнинг усулга оид «Мақосид ато-толибин» номли китоблари. Тарихи: «Тамма мақосиду бит тавфиқ», яна бири «Атмамтал китоб».

Охунжон қори домла 1958 йил 9 март куни 86 ёшда Водилда вафот этганлар. Вафотларига ёзилган тарих-марсиялардан бизда Ғолиб Марғилоний ва Бекий Полмоний ёзган бешта тарих мавжуд. Қуйида улардан бирини кел-тирамиз.

Охунжон қори Водилий вафотиға Ғолиб Марғилоний ёзган тарих

*Домла Охунжон водиллик, аҳли ирфон юлдузи,
Маърифат осмонидан учти қолиб, раҳшон юзи.*

*Илм тогин чўққисин, кўрки эди, бу зўр чинор,
Етти муҳлат, тешаи маргдин кесилди илдизи.*

*Қолмади наишӯу намо, лаззат, ҳаёт аҳбобида,
Қандайин қолсун маза, кетгач ародан эл тузи.*

*Ёритур эрди кўнгилларни қуёшдек шуъласи,
Кечага бўлди мубаддал, аҳли-дилни юлдузи.*

*Бир минг тўққиз юзу эллик ва саккиз йил эди,
Тўққизинчи март эди, яқианба кун сўлди юзи.³¹⁰*

³¹⁰ «Баёзи Ғолиб Марғилоний»... 45–46-б.

Ўрни келганда Охунжон қори Водилий билан боғлиқ кўплаб маълумотларни бизга тақдим қилган алломанинг фарзандлари Мухториддин махдум бошлиқ оила аъзоларининг беғараз ёрдамларини эшлаш лозим. Чунки биз 1996 йилларда маълумот йиғиш мақсадида у зот ҳовлиларига борганимизда, биринчи мулоқотимиздаёқ, оталари ҳақида ёзган «Эсдаликлар дафтари»ни бизга бериб юбора олгандилар. Кейин ўртамиздаги алоқалар мустаҳкамлашгач, оталарининг қўлёмаларидан фойдаланишимиз учун бизга имкон яратиб берган эдилар. Аини пайтда юзга яқинлашишига қарамай, кўлидан қалам тушмайдиган мазкур зотнинг ғайратини кўриб, ҳақиқатдан алломанинг муносиб авлоди эканига амин бўласиз.

Тилимни сўриб ол

Яна ўз сўзимизга қайтамиз. Шогирдларидан Муҳаммад Мусо Бекий Полмоний ҳам устоз назарига тушган кишилардан бири эди. Муҳаммад Мусобек 1882 йилда Фарғона вилоятининг Полмон қишлоғида туғилган. Отаси Муҳаммадқулбек етимпарвар ва саховатли киши эди.

Мусобек онасидан жуда эрта етим қолади. У билан бирга яна икки укаси бор эди. Кейинроқ отаси ҳам вафот этиб, улар бутунлай етим бўлиб қолишади. Шу туфайлими, Мусобек ёшлигиданоқ оғир, вазмин, зийрак ва эсли бола бўлган.

Бир куни уларнинг ҳовлисида усталар хизмат қилишади. Уларга марғилонлик Уста Ҳожи номи билан машхур уста раҳбарлик қилар эди. Ёш Мусобек уларга ихлос билан хизмат қилади. Олдиларидан нари кетмай, қилаётган ҳар бир ҳаракатларини диққат билан кузатиб боради. Бу билан у ўзидаги зехн ва зийракликни намоён қилган эди. Шу туфайли унга усталарнинг меҳри тушиб қолади.

Ишлар тугаб, хайрлашаётган пайт усталар уй эгаларидан Мусобекни сўраб олишади. «Агар шу ўғлингизни бизга берсангиз, шаҳарга олиб бориб, мадрасага жойлаштирар эдик. У ерда ўқиб, олим бўлар эди, чунки уни жуда зехнли ва зийрак эканига гувоҳ бўлдик», – дейишади. Амакилар рози бўлишади.

Усталар болани ўзлари билан олиб, Марғилонга қайтишади. Бу ерга келгач, Хонақоҳга олиб бориб, Ҳазрат Дом-

ланинг қўлларига топширишади. Бу ёш Мусобек ҳаётида унутилмас кунларнинг бошланиши эди.

Ҳазрат боланинг етим эканини эътиборга олиб, унга айрича муносабатда бўладилар. Бола дарс олиш билан бирга Ҳазратга сидқидилдан хизмат ҳам қилган. Кўпинча Ҳазратнинг ховлиларини супурар, баъзан, кирларини ҳам ювиб берар эди. Ҳазрат дастурхонида бирга ўтириб, у зот билан бирга овқатланган пайтлари ҳам бўлган, ҳатто баъзи сафарларида ҳам қатнашган.

Шу зайлда кунлар ўтади. Ёши йигирма тўртга кирганда Ҳазрат унга уйланишни тавсия қилганлар. Йигит ихтиёрни Ҳазратга ташлайди, сўнгра: «Мен агар имкон бўлса илмни мукамал қилгач, сўнгра уйланмоқчи эдим», – дейди. Ҳазрат жавобдан хурсанд бўлиб, ҳақиқага дуо қиладилар.

Айтишларича, Ҳазрат Домла уни жуда яхши кўрган эканлар. Ҳатто бир куни: «Кел, мени тилимни сўриб ол, токи ҳамма билганим сенга ўтиб кетсин», – деб эркататган эканлар. Ўз ўрнида Мусобекнинг муҳаббати ҳам кўп қатори устозга айрича бўлган.

Дарвоқе, Мусобек талабалик давридаёқ устозга атаб, қасидалар ёзиб, ўқиб берган ва бундан Ҳазрат мамнун бўлиб уни олқишлаган эдилар. Кейинчалик, Ҳазрат унга бир дуо ёзиб берганлари, мазкур дуони Мусобек умрининг охиригача асраб юргани ва ундан турли беморларни даволашда фойдалангани айтилган. Энг қизиғи, уни қайси беморга ёзиб берилса, уни ичгач, тездан соғайиб кетиши эди.

Устоз назари боис, Бекийнинг умри баракали кечган. Унинг илмий мероси замондошларига қараганда анчагина салмоқли. «Бекий» тахаллуси билан кўплаб асарлар ижод қилган шоирнинг икки қўлёзма девонлари мавжуд.

Бундан ташқари, насрда ҳам самарали ижод қилиб, қимматли асарлар яратган. Ҳозиргача Бекийнинг тафсир, ҳадис, адабиёт, ахлоқ, ақидага доир ўндан ортиқ асарларини топишга эришдик. Уларни фарзандлари кўлида қолдираётиб: «Ўзлари келиб олиб кетишади, буларни», – деган эканлар. Бу у зотнинг каромати бўлиб, дарҳақиқат 2004 йилнинг баҳорида фарзандлари билан суҳбатлашган чоғимиз улар мазкур китобларни бизга топширган эдилар.

Бекий Полмонийнинг илмий мероси қуйидагилар:

1. Девон.

2. Куръони каримнинг «Ёсин» сураси тафсири.
3. «Тафсир нур ул-имон» 29–30-поралар тафсири.
4. Мавлуд Барзанжийга шарҳ.
5. «Амолий» манзумасининг назмий таржимаси.
6. «Аз-заруроти шаръийях» номли катта асари.
7. Хонақоҳий Ҳазрат Домлага бағишлаб ёзилган қасида.
8. «Муножот» асари.
9. Турли тарихлар.
10. Бир қанча сочма асарлар.

Муаллиф ушбу асарларни ёзишда фойдаланган манбалар рўйхати билан танишсак, асарларининг қийматини қанчалик юқори бўлганини англаймиз. Жумладан, Бекий тафсир ёзишда «Тафсир мадорик», «Шайхзода», «Мавлоно Ҳусайн», «Тафсир Яъқуб Чархий», «Қози Байзовий», «Дақоик ал-ахбор», «Бобул футуҳ ли-маърифатир-руҳ» ва Имом Ғаззолий асарларидан фойдаланганини айтади. «Мавлудномаи Бекий» асарида эса «Мавлудномаи Барзанжий», Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг «Шавоҳидун нубуввах» Муҳаммад ибн Жилонийнинг «Шарҳ гулшанроз», Мавлоно Муъиннинг «Маъорижун нубуввах» ва Имом Ғаззолийнинг «Дақоикул ахёр» каби асарларидан фойдаланган.

Бекий девони катта ҳажмли бўлиб, у 220 та ғазал ва 10 та мухаммас, 12 та тарих ва 5 та қасидадан ташкил топган. Девоннинг ҳозирча икки нусхаси мавжуд бўлиб, ҳар иккиси муаллиф қаламига мансуб. Уларнинг биринчиси ҳозирда муаллиф фарзандлари кўлида сақланмоқда. Бизда эса унинг кўчирилган нусхаси мавжуд. Иккинчиси эса бизнинг кўлимизда бўлиб, уни фарғоналик мулла Зокиржон охунд мерослари орасида учратган эдик. Девон 1379 ҳижрий, 1959 милодийда ёзиб тугалланган. Бекий девони ва асарларини атрофлича ўрганиб, халқимизга тақдим қилиш адабиётшуносларимиз олдида турган вазифалардан саналади.

Муҳаммад Мусо Бекий 1977 йил, 12 апрель куни 87 ёшда вафот этганлар. Қабрлари Полмон қишлоғида.

Ҳазрат Домлага мухлис кишилардан бири Шамсиддин хўжа Муҳаммад Холик Соҳибзода ўғли эди. Олтириқ маънавий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган бу зот «Баланд масжид» деб аталувчи масжидда имомлик қилган. 1917 йилда вафот этган. Ҳазрат Домла билан ўрталарида яхши алоқалар шаклланган бўлиб, тез-тез зиёратларига келиб турган.

Мазкур алоқалар тақозосича фарзанди ёш Ҳидоятхонни Ҳазратга шогирд қилиб беради. Ҳидоятхон бу ерда таълим олиш давомида Ҳазрат хизматларини ҳам қилиб, у зот назарларига тушади. Кейинчалик, Ҳазрат Домла қизларидан бирини унга никоҳлаб беришлари билан мазкур алоқалар мустаҳкамланади.

Дарвоқе, мазкур никоҳ баъзи ғайбӣ ишоратлар туфайли бўлгани айtilган. Бу ҳақда 2002 йилги изланишларимиз чоғида Эшоннинг 80 ёшли фарзандлари Хадичахон она шундай хотирлаган эдилар: «Отамнинг айтишларича, Ҳазрат Домла бир куни Хонақоҳга эллик беш нафар кишиларни, шу жумладан, йигирма беш нафар талабани таклиф қилиб, уларга дастурхон ташкил қиладилар. Отам ҳам кўп қатори анжуманда хизмат қилибдилар. Сухбат сўнггида ичкаридан отам номига сарпо чиқибди, отам бундан бир оз ўнғайсизланибдилар. Ҳазрат аста сўз очиб: «Биродарлар сизлар гувоҳ бўлинглар, мен қизларимдан бирини ушбу шогирдимга никоҳлаб бердим», дея, йиғилганларга унинг сабабини айтган эканлар».³¹¹

Ҳазрат Домланинг мазкур ишларини зикр қилар эканмиз, беихтиёр Баҳоуддин Нақшбанд (к.с.)нинг ишлари ёдимизга келади. Чунки у зоти шариф ҳам қизларини Алоуддин Аттор исмли шогирдларига беришлари шу тариқа кечган эди.

«Алоуддин Аттор мадрасада таҳсил олиб юрган кезлари хонақоҳдаги суҳбатларга қатнашиб, ҳазратдан маънавий камолот ҳосил қилар эдилар. Алоуддин Аттор давлатманд оталарининг вафотидан кейин унинг меросидан ҳеч нарса олмайдилар, зоҳидона ҳаёт кечиришда давом этадилар. Балоғат ёшига етганларида, бир куни Хожа ҳазратлари мадрасага, унинг ёнига ташриф буюрадилар. Алоуддин эски бир бўйра устида дарс қилиб ўтирар эди. Хожа ҳазратлари: «Алоуддин, болам! Агар қабул қилсанг, сенга балоғатга етган қизимни никоҳлаб берай». Алоуддин хижолат тортиб, адаб билан: «Устоз, бу таклиф хизматкорингиз учун улуғ лутф ва саодатдир. Лекин уй-жой, рўзғор тебратиш учун тирикчилигим йўқ-ку?! – дейди. Хожа ҳазратлари: «Ташвишланма, Аллоҳнинг хазинаси чексиз, унинг Ўзи ризқингизни таъминлаб қўйган. Қизим сенга муносиб ва тақдирингда

³¹¹ Р.Файзуллаев. Манокиб материалари. Марғилон – Олтиариқ. 2002.

ёзилгандир. Қани энди уйга юр, сизларни никоҳлаб кўйай», – дея марҳамат қиладилар. Бу никоҳдан дунёга келган Хожа Ҳасан Аттор, Хожа Шаҳобуддин, Хожа Муборак ва Хожа Алоуддинларнинг ҳар бири хожалик мақомига етишганлар.

Хожа ҳазратлари ҳаётлик вақтларидаёқ барча толиб ва муридларининг таълим-тарбиясини Алоуддин Аттор ҳазратларига топшириб: «Алоуддин Аттор юкимизни анча енгиллаштирди. Унинг баракоти, суҳбатлари ва гўзал тарбия тарзи кўплаб толибларнинг кўзини очди, қурбият ва камолотга етказди», – деган эдилар.³¹²

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, юқорида келтирилган Шамсиддинхўжа эшоннинг беш ўғлидан кенжаси бўлмиш Бузрукхон Бухоро мадрасасида таълим олган. Шу сабабдан ўз даврида Олтиариқнинг диний уламоларидан бири бўлган. Афсуски, Шўролар замонида уни босмачиларнинг шериги, деган айблов билан қамоққа олишган эди. Бу ҳақда «Қатағон қурбонлари» китобида куйидаги маълумотлар мавжуд:

«Шамсутдинов Бузуликхон (аслида Бузрукхон) – 1887 йилда туғилган. Олтиариқ тумани Олтиариқ қишлоғидан. Собиқ қулоқ, диний маросимлар хизматчиси, имом, босмачилик иштирокчиси, ҳибсга олинган вақтда хунармандчилик артелида ишлаган. НКВДнинг Олтиариқ район бўлими тақдим этган 13705-сонли иш бўйича отувга ҳукм этилган. Аҳоли орасида аксилинқилобий, мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, хотин-қизлар озодлигига қарши фикр билдирганликда айбланган»³¹³.

Ҳар бирига алоҳида баҳо

Мадрасада Ҳазрат Домлага узоқ вақт хизмат қилган кишилардан бири бу Мулла Ҳасан исмли тожик талаба эди. Сидқидилдан хизмат қилиб, ички сирларини сақлаган мазкур йигитга Ҳазрат бир куни: «Қани энди сени ўрнингда бўлиб қолсам», – дея икки бор такрорлаганлари, бошқа бир гал эса унга ишонч билдириб: «Сен вафосан», – дея меҳр кўрсатганлари ибратли.

Маълумки, Хонақоҳ мадрасасида таълим олган талабалар

³¹² Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. «Баҳоуддин Балогардон» Т.: «Ёзувчи», 1993.

³¹³ Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари (1937 йил 10 август – 5 ноябр). Иккинчи китоб. – Т.: «Шарқ», 2007. – 260-б.

орасида Соли ҳожи домланинг алоҳида номи бор. Ўзининг ёқимли оҳанги билан танилган бу зот тиловатини тинглаган кишилар қалби юмшаб, ҳузурга тўлган. Айтишларича, Ҳазрат ҳам унинг тиловатини мароқ билан тинглар эканлар. Ҳатто бир кун унинг тиловатига юксак баҳо берган эканлар.

Ўша кезлари Соли ҳожи домла ҳар куни ўз қишлоғи Аввалдан Марғилонга етиб келиб, устоз ҳузурда пешиндан кейин «Фатҳ» сурасини тиловат қилиб бериши бежиз бўлмаган.

Шогирдларидан Абдулҳамид маҳдумга олтин сувида ёзилган Мусхафни, Охунжон қори Водилийга Амир Умархонга Эрон шоҳи тухфа этган «Тафсири Мавлоно Ҳусайний» китобини ҳадя қилишлари уларга бўлган марҳамат назарларидир.

Талабаларнинг баъзиларини бошқаларга ибрат ва намуна қилиб кўрсатиб, масалан, ўтириш одобини Абдулмўмин қори ва Идрис халифадан ўрганишни тавсия қилишлари, мулла Абдулвоҳид домлани Ғулжа сафарига бирга олиб кетишлари каби ишлар ҳам уларга бўлган эътиборлари эди.

Кези келганда айтиш ўринлики, Ҳазрат Домла талабаларни намоздан ташқарида ҳам намозда ўтиргандек ўтиришга буюрганлар. Энг қизиғи, бу уларнинг Хонақоҳ мадрасаси талабалари ва Ҳазрат Домланинг шогирди эканларининг белгисига айланиб қолгани эди. Чунки, кейинчалик ҳам улар бошқалардан айни сифат билан ажратиб олган эдилар.

Маълумки, муҳаддислар ўртасида «Жаброил ҳадиси» номи билан машҳур бўлган муборак ҳадис бўлиб, унга кўра кунларнинг бирида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига Жаброил (а.с.) аъробий суратида кириб келиб, у зотдан бир неча савол сўрайдилар. Ҳадисда фариштани ҳузур Расулulloҳга келганида ерга чўкка тушиб, икки кўлини тиззасига қўйиб ўтиргани айтилган. Ҳадисни шарҳ қилган уламолар бундан шогирд-муридни устоз-пири ҳузурда ўтириш одоби шундай бўлиши кераклиги билинади, чунки фаришта у ерга муаллим – ўргатувчи сифатида кириб келган эди, шунга кўра, унинг ҳар биз сўзи ва ҳолати атрофдаги кишиларга таълим эди, деганлар.³¹⁴

³¹⁴ Аҳмад ибн Ҳажар ал-Асқалоний. «Фатҳул Борий шарҳу саҳиҳиул Бухорий», Дорул фикр. 1-ж., 80-б; Муҳйиддин Яҳё ибн Шараф ан-Нававий. «Шарҳ Нававий ала Муслим». 1-ж., 70-б; Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қорий. «Миркот ул-мафотих шарҳи Мишкот ул-мафотих». Байрут – Лубнон. 1414/1994. 1-ж., 111-б.

Маълум бўлмоқдаки, мазкур зотлар барча соҳада энг юкори одоб меъёрларига амал қилган ва салафлар йўлига интилганлар. Масалан, Ҳаммод ибн Зайд доим мустафиз ҳолда, яъни туриб кетишга чоғланган каби омонат ўтиришлари айтилган. Буни сабабини сўраган кишиларга, «Аллоҳнинг азобидан хотиржам кишиларгина бемалол ўтиришади. Мен эса кечаси ё кундузи бошимга унинг азобни келишидан хотиржам эмасман», дея жавоб берганлар.³¹⁵

Изланишлар асносида биз талабалардан ташқари бир таллай мухлис кишилар ҳам Ҳазрат Домлага хизмат қилгани ҳақида маълумотларни учратдик. Марғилонлик машҳур Юсуфжон қизиқ Шакаржон ўғли (1869–1959) шундай кишилардан бири эди. Кўп қатори хизмат қилиб Ҳазрат дуоларини олишга мушарраф бўлган.

Айтишларича, бир куни Ҳазрат Домла Сармозор зиёратгоҳига бормоқчи бўладилар. Меҳмонларни олиб кетиш учун соябон арава ҳозирланади. Аравага чикмоқчи бўлганларида, қаердандир Юсуфжон қизиқ пайдо бўлади-да, Ҳазрат оёқлари остига ётиб олади ва мени устимни босиб чиқасиз, деб туриб олади. Чунки, соябон арава анча баланд бўлиб, одатда унга бирор нарса билан чиқилар эди.

Ҳазрат унамасалар ҳам у жойидан қимирламай тураверди. Ноилож қолган Ҳазрат унинг елкасини босиб ўтиб, аравага ўтирадилар. Энди эса у отга тескари ўтириб олган эди. Буни кўрган Ҳазрат: «Ий-е, таксир, ахир отга бундай ўтирилмайди-ку», – дейдилар. У эса: «Тўғри, лекин сизга орқа қилиб ўтиришни ўзимга муносиб кўрмадим», – дейди-да, отга камчи уриб, меҳмонларни кулдирганча, олиб кетади.³¹⁶

Мазкур воқеалар остида ўша давр кишиларидаги соддалик ва самимийлик ва шу билан бирга илм аҳлига нисбатан беғараз муҳаббатини кўриш мумкин. Улар қайси йўл билан бўлса-да, улуғ кишилар назарини топишга ҳаракат қилишган.

³¹⁵ Имом Шаъроний. Танбеҳ ул-муғтаррин... 95-б.

³¹⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Сафилтўда. 1998.

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг сафарлари

Маълумотларда Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг бир йилда бир марта сафар қилиш одатлари бўлгани айтилган. Ҳозиргача биз алломани Ғулжа, Қашқар, Бухоро, Новқат, Ўш, Аравон, Шоҳимардон, Наманган ва Косонга ва у ердаги азиз-авлиёлар, жумладан, қутби раббоний саййид Жалолиддин Сомоний, Султонмалик Заранжиш, султони тариқат шайх Зуннун, Махдум Аъзам Косоний ва Ҳазрат Бобо мазорида, шунингдек, Сармозор, Шоҳимардон, Хўжа Аҳмад валий, Пурсиддиқ, Саткак, Хожа Муоз каби зиёратгоҳларга чиққанлари ҳақида талай маълумотларни топишга эришдик.

Тасаввуф тарихидан маълумки, у ёки бу даражадаги сафарга чиқиш кўплаб тариқат шайхлари учун одат саналган.

Кошифийнинг айтишича, «Сўфийлар уч нарса учун сафар қиладилар: улуғ авлиёларни зиёрат қилиш, ё нафс риёзати, ёки тариқат йўлига кирган мардларнинг суҳбатини топиш учун».³¹⁷ Бундан ташқари, Кошифий сафарнинг фойдалари ҳақида ҳам тўхталиб, уларни ўн битта эканини айтади. «Сафар биринчидан, таннинг сиҳатига фойдали, чунки ҳаво алмашади ва аъзолар чиниқади, зеро, ҳаракат бадан рутубатини кетказди, қон айланишини яхшилади.

Иккинчидан, азиз-авлиёлар, улуғ инсонлар қабрини зиёрат қилишнинг савоби беҳад кўпдир. Учинчидан, сафарда юриб илминг ортади, зеро, сафарда кўп нарса ўрганишинг мумкин. Тўртинчидан, улуғларнинг суҳбатини қозонилади. Бешинчидан, сафарда нафс тарбияланади, чунки сафарда ранжу азият чекишга тўғри келади, биродарлар, ота-она, қариндошлардан ажралиб, уларни соғинади, одамларнинг қадри, ватан қадри киши наздида ортади ва ҳам чидам ва саботга ўрганади. Олтинчидан, ғариб-мусофирлар қадрига етади ва кўнгилда раҳм-шафқат кўпаяди...».³¹⁸

Агар биз синчиклаб ўрганадиган бўлсак, Хонақоҳий Ҳазратнинг сафарлари ҳам айна мақсадларда бўлганини кўрамиз. Бу нарсани ҳар гал сафарга чиқиш олдидан: «Сафардан мурод ўз Ватанининг қадрини билмоқ», дея

³¹⁷ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султониёҳуд жавонмардлик тариқати... 62-б.

³¹⁸ Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султониёҳуд жавонмардлик тариқати... 62-б.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ас-сафару қитъатум минас-сақар»,³¹⁹ яъни сафар ва унинг машаққати дўзахдан бир парчадир, маъносидаги ҳадисларини эслатиб туришларидан ҳам билишимиз мумкин. Ҳазрат Домланинг сафарга чиқишдан кўзлаган мақсадлари асарларида ҳам тилга олинган. Жумладан, Косон таърифида ёзган шеърларини ўрганадиган бўлсак, унда айни маъноларни кўрамыз.

Косон таърифида

*Касиро хост ногоҳ сайри орзуйи Косонаш,
Расиду дийда жойи лутфи нури файзи раҳмонаш.*

*Шамими жонфизойи дилкушойи мишки омезий,
Димоғи жон кашида ҳар нафас чор арконаш.*

*Ту гўйи «таҳтиҳал анҳар» дар шонаш шуда нозил,
Гирфта қуввати руҳоний сурати андалибонаш.*

*Ту пиндорики об у намудорест аз кавсар,
Басони занжабилу салсабиласт обшоронаш.*

*Хирад саргашта аз лутфи ҳавойи кўҳсори у,
Зи ранги лолайу насринубўйи сунбулистонаш.*

*Зи аҳли дониш у уқдаи накушода бошад нест,
Шекуфта нуктаҳо аз гуфтаҳойи нутадонаш.*

*Намоёд таъна бар афлок хок атр безод,
Сазад аз баски дорад ифтихори аз азизонаш.*

*Рўйи сад пир комил остонаш бўса даҳ ҳар дам,
Бегир аз ҳар гудومي файзи хоси чун муридонаш.*

*Чи гўйи васфи он гавсул халойиқ қутби раббоний,
Жаноб ҳазрат саййид Жалолиддин Сомонаш.*

*Чи гўйи ҳол он султон малик заранжиш олий шон,
Тажаллийгоҳ файз лам язал гашта дилу жононаш.*

³¹⁹ Молик ибн Анас ал-Асбахий ал-Ҳумайрий. «Мувагто». Дорун-нафоис. Байрут, 1978. 3-ж., 485-б. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Саҳиҳул Бухорий». Дорул фикр. Байрут. 4-жилд 191-б. Бухорий мазкур ҳадиси «Сафар азобдан бир бўлакдир» маъносидаги лафз билан келтирганлар. Саҳиҳул Бухорий. 7 жилд, 16-б.

*Зиёрат кун ту султонут тариқа шайх зуннуро,
Фиканда бар малоик гулгули амвожи ирфонаш.*

*Бибўсий остони ҳазрат Махдум аъзамро,
Ғанимат гир ҳардам ҳосил файзи фаровонаш.*

*Агар ғаввоси дарёи ҳақиқат ҳазрат бобо,
Рўйи гўйи ҳазорон шукри мунъимро зи эҳсонаш.*

*Забони хома ожиз аз шумори некувони у,
Ҳамон беҳтар бардорам дуоии жумла неконаш.*

*Шафиъ орам зи баҳри мағфират аз ҳазрати Ғаффор,
Туфайли лутфи эшонон намоям сайри гуфронаш.*

*Умиди дорам аз зоти муқаддас то қабул афтад,
Шафоат аз некуйон бо гуруҳи дил паришонаш.³²⁰*

Тарҷимаси: *Кимки Косон шаҳрини сайр этишини истаса, дарҳол борсин-да, у ердаги илоҳий нур ва файзларни кўриб келсин. Чунки унинг мушки анбардек жон бағишловчи тоза ҳавоси ҳар нафасда димоққа урилади. Сиз гўё «остидан анҳорлар оқади» мазмунидаги оят унинг шаънида нозил бўлган, деб ўйлайсиз. Негаки, сиз у ерда булбуллар сайрогидан руҳий қувват оласиз. Сувини кавсару занжабил ва салсабил сувига ўхшатасиз. Лола, насрин, сунбул каби гулларининг бўйи, баланд тоғлари хушҳавосидан эса ақлингиз яшинайди.*

Айниқса, у ернинг илм аҳли шундай етук кишилардирки, уларнинг фасоҳатли нутқидан ечилмаган бирор масала қолмайди. У азизларнинг ифтихори сабаб, осмон ҳам ўша ерни орзу қилади. Чунки у ер юзлаб пири комилларнинг остонасидирки, ҳар дамда улар файзидан сероб бўласиз.

Масалан, аввало жаноб ғавсул халойиқ, қутби раббоний Саййид Жалолиддин Сомоний васфи ҳақида мен нима дейин?! Ёки дилларга илоҳий файз етказувчи Султонмалик Заранжишининг мозори ҳақида-чи?!

Сен у ерда султони тариқат шайхи Зуннун мозорини ҳам зиёрат қилиб, унинг маънавий таъсиридан баҳраманд бўл. Ҳазрат Махдум Аъзам Косонийнинг қадамжосини зиёрат қилиб, ундан ёғилажак файзни ҳар дамда ғанимат бил.

³²⁰ №12-қўлёзма. Р. Файзуллаев кутубхонаси.

Модомики, ҳазрат Бобо ўз даврида ҳақиқат заввоси бўлган экан, сен уни зиёрат қилиб, Тангри неъматларига шукрона келтир. Ҳар қанча ёзсам, қаламим хати улар фазилатини айтишдан ожиз. Балки, менга муносиби улар ҳақиқага дуо қилмоқ.

Парвардигорим раҳматидан умид қиламанки, улар туйфайли унинг мағфиратини топсам. Буюк муқаддас Раббимдан умидим, яхшилар ҳурматидан бу паришон бандани (яъни, мени) шафоатга лойиқ қилса.

Ҳазрат Домла, айниқса, Сармозор ва Шоҳимардон зиёратгоҳларига алоҳида эҳтиром кўрсатганлари маълум. Кўлимизда мазкур зиёратгоҳлар шаънида ёзган учта мухаммаслари бор. Алоҳида мустақил асар бўлмиш мазкур мухаммасларда ушбу зиёратгоҳлар билан боғлиқ кўплаб қимматли маълумотлар, уларнинг фазилатига доир қимматли фикрлар бор. Эътиборли жиҳати, мазкур эҳтиром у зотда таълим олган уламоларга ҳам ўтгани эди. Изланишлар жараёнида Хонақоҳ мадрасаси талабаларидан бўлган бир гуруҳ уламолар ҳам мазкур зиёратгоҳлар шаънида қимматли асарлар ёзиб қолдирганлари маълум бўлди. Улар қаторида Аҳрорхон Марғинович, Қоил Марғилович, Жалололдин Қорийлар номи келтириш мумкин.

Ҳазрат Домланинг сафарлари кўплаб талабаларнинг маънавий камолотига ҳам сабаб бўлган. Улар мазкур сафарларга ҳамроҳ бўлиб бориш сабабли устозларга хизмат қилишга муяссар бўлишган. Бу ҳақда шогирдларидан Абдулғофур охунд шундай дейдилар: «Ҳазрат қаерга сафарга борди дегунча, талабалардан бирини бирга олиб кетардилар. Кўпинча, мен ҳам ҳамроҳ бўлар эдим. Вазифам, таҳоратларига зарурий нарсаларни ҳозирлаш эди. Ҳар гал сафар куни тайин бўлиши билан зарурий жиҳозларим билан ҳозир бўлар ва сафар давомида у зотга хизмат қилар эдим.³²¹

Ҳазрат Домла Аравонга сафарга борадиган бўлсалар, албатта, Охунжон қори Водилий ҳамроҳ бўлган. Бунга, у зотнинг Аравон қишлоғига куёв бўлгани эди. Дарвоқе, ушбу никоҳ ҳам Ҳазрат ташаббуслари билан бўлганини эслатиш жоиз.

³²¹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Машҳад. 1997.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛА ВА АРАВОНЛИКЛАР

Хонақоҳий Ҳазрат Домла нафақат Марғилон аҳли балки, аравонликлар учун ҳам бирдай қадрли эдилар. Негаки, Ҳазрат аёлларининг отаси Худоёр Амин аравонлик бўлган. Шу туфайли Ҳазрат Аравонга тез-тез бориб турганлар. Балки Аравон халқининг самимийлиги ва илм аҳлига эҳтиромли кишилар экани бунга етарли шароит яратган эди. Биз маълумот йиғиш мақсадида Аравон қишлоғига борганимизда мазкур фазилатлар уларнинг авлодларида ҳам мавжуд эканига гувоҳ бўлган эдик. Улар ҳақидаги ёзма маълумотларда шундай дейилади:

*Йўқ аноният аларда, жумласи зул эҳтиром,
Аҳли рифъат, пок тийнат, ул шакар гуфторлар.*³²²

Яъни, уларда манманлик йўқ, барчалари эҳтиромли, баланд мартабали, пок табиат ва ширинсўз кишилардир.

Айтиш ўринлики, мазкур сафарлар илм ва зиё тарқатиш мақсадида бўлган. Ҳазрат Домланинг Аравонга бориб туришлари унинг маънавий-маърифий ҳаётида салмоқли ўсиш пайдо қилган. Аморий Арабоний таъкидлаганидек:

*Ўз шуқр даргоҳига, кўп шаҳримизнинг фозили,
Авалан устодуна, алломайи бисёрлар.*³²³

Қолаверса, бу сафарлар у ерда кўплаб кишиларни Ҳазратга шогирд бўлишини таъминлаган. Биз Аравон сафари чоғида Ҳазрат Домлага шогирд бўлган ўша ерлик алломалар мероси билан танишишга муяссар бўлганмиз.

*Хокисору камтарин, аҳқари туллобмиз,
Борми ҳад қилсам агар, васфани мен изҳорлар.*³²⁴

Ҳазрат Домла бир гал борганларида шогирдлари Охунжон қори Водилийни Аравон жомеъ масжидига имом-хатиб вазифасига тайинлаб қайтадилар.

³²² Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»...160-б.

³²³ Ўша асар, ўша бет.

³²⁴ Ўша асар, ўша бет.

Шу ва бошқа хизматлар эвазига Аравон халқи Ҳазратга мухлис бўлиб қолишади. Айниқса, Аравон мадрасасининг собиқ мударриси бўлмиш қайнотанинг эҳтироми зиёда эди. Ҳатто Ҳазрат борган кезлари оромларини бузмасин учун кечаси билан ухламай итларни қўриб чиққан кунлари бўлган. Ҳазрат оби-таомлари учун ёқиладиган ўтинларгача ювдириб, сўнгра ёктириши олийжаноблигининг аломати эди. Фарзанди Мадқодирбек (Муҳаммад Қодирбек) доим елиб-югуриб, бу хизматларда отасига шерик бўлган.

Айтишларича, ихлос ва эътиқодли Мадқодирбек Ҳазрат Домла борди дегунча, суҳбатларини ғанимат билиб, ёнларидан нари кетмас экан. Бундан ташқари, у зот билан бирга борган шаҳарлик қориларга нуқул кироат қилдириб, тинглар экан. Ҳозир Аравонда Мадқодирбекнинг авлодлари истиқомат қиладилар. Биз сафаримиз давомида бекнинг кексайиб қолган фарзандлари билан суҳбатлашиб, оталари ҳақида қимматли маълумотлар олиб, қайтган эдик.

Мансурқул мингбоши

Аравонлик Ҳазрат Домлага мухлис кишилардан яна бири Мансурқул мингбоши³²⁵ эди. Аравон туманига 60 йил тўлиши муносабати билан нашр қилинган китобда Мингбоши ҳақида шундай маълумот берилган:

*«Қурбон мингбошининг ўғли Мансурқул мингбоши 1868 йили Аравоннинг Тепақўрғон қишлоғида тузилган. Отаси 40 йил мингбошилик қилиб, дунёдан ўтганида, 16 ёшли Мансурқул ўз ихтиёридаги гишт заводини ва 2000 таноб ерини халқ манфаати учун ҳокимиятга беради. 1907 йили Янги Марғилон, (ҳозирги Фарғона) шаҳрига генерал Скобелев номини қўйиши тантанасига чақирилади. Унга «Мулла Мансурқул мулла Қурбон» ўғли, деган №1-рақамли гувоҳнома берилади. Бундан ташқари мингбоши 1912 йили Москвага подшоҳ саройига рус армиясининг «1812 йилги Ватан урушида Наполеон армияси устидан қозонилган ғалабанинг 100 йиллик тантанаси» га таклиф этилади. У асосан, келажакка кўз қарайдиган одам бўлган. Инсофлиги ва имонлилиги билан бошиқалардан ажраб турарди...».*³²⁶

³²⁵ Мингбоши – Ўрта Осиё XIX асрнинг иккинчи ярмида энг нуфузли маҳаллий амалдорлик ҳисобланган. Уни руслар томонидан шаҳар пристави уезд бошлиғи ёрдами билан маҳаллий бойлардан сайланар эди.

³²⁶ Маннонов А. «Кутлуғ йўл» Аравон туманига 60 йил. Ўш. 1995.11-6.

Айтилганидек, Аравон сиёсий-ижтимоӣ ҳаётида муҳим ўрин тутган Мансуркул диёнатли киши бўлган. Шу билан бирга соҳибҳиммат ва камбағалпарвар эди. Яхшилик қилиш ва қийналганга ёрдам беришни ҳаётининг қонунига айлан-тириб олган мингбошининг бу борадаги ишлари ўлчовдан ташқари. Чунки у ўзи ёзган ва тез-тез такрор қилиб юради-ган қуйидаги сўзга қаттиқ амал қилган.

*«Назар солмоқ фақирларга улугликни зиёд этгай,
Сулаймон ул хашир бирлан ҷумолига назар солмиш.»³²⁷*

Кўплаб масжид-мадрасалар, кўприк ва работлар, ҳаммом ва меҳмонхоналар шулар жумласидан. Ҳатто ўз ихтиёри билан мингбошилик вазифасини топширишдан аввал тўплаган мол-дунёсининг бир қисмини халққа тақсимлаб берган эди.³²⁸

Унинг хайрли ишлари, жумладан, масжид-мадрасалар қурдиргани ўша давр асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Амоний Арабоний шеърларининг бирида шундай ёзган:

*Бор эрур бўлган бино, бир мадраса олий макон,
Жонишин жолар ичинда, бир неча ахёрлар.*

*Нақш ўлиб тоқу равоқу, тархидан ҳар доимо,
Сарнигун таъзим учун, бул гумбази давворлар.»³²⁹*

Қуйидаги мисраларда Мансуркулнинг айнаи шахси тас-вирланган:

*Ҳокимидур балдамизни Мулла Мансурқул бўлис,
Адлдан бўлгай мусаххар, жумлайи айёрлар.*

*Давлати умрига ё Раб, бермагил ҳаргиз завол,
Деб, ҳамиша айларам, аз тахти дил такрорлар.»³³⁰*

Маърифат аҳлига муҳаббати айрича бўлган мингбошининг Ҳазрат Домлага ихлос ва муҳаббати юқори эди. Ай-тишларича, Ҳазрат Аравонга борсалар, кетгунларича у зотдан бир қадам ҳам айрилмаган. Ҳар гал у зотни ўзи кутиб олиб, ўзи кузатиб қўйган. Бу ишга бошқани шерик қилмаган. Ҳазрат келишлари хабарини эшитиб қолса, полиздаги

³²⁷ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

³²⁸ Маннонов А. «Қутлуг йўл»... 16-б.

³²⁹ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 160-б.

³³⁰ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 160-б.

қовунларини уздирмай, кутиб турган. Ҳазратга атаб Аравонда алоҳида бир меҳмонхона қурдиргани унинг самимий муҳаббатидан эди. Эслатиш ўринлики, мазкур меҳмонхона ҳозир ҳам Аравон қишлоғида сақланиб қолган. Қишлоқ аҳли уни табаррук билиб, осориатиқа сифатида қадрлайдилар.

Маълумотларга кўра, мазкур меҳмонхона 1895 йилда қурилган. Унинг хизматларини муносиб тақдирлаган Ҳазрат Домла меҳмонхона биноси учун қуйидаги бешта тарихни битган эдилар.

Меҳмонхона тарихи

*Бу иморат турфа гулиандек, сарупо ранг бу,
Устида қасру нигорондур, яна остида сув.*

*Ақлдин сўрдумки, тарих асоси нечадур,
Озгина ўйлаб дедиким: «Бу зиёфат жой бу».*³³¹

*Аз хирад пурсидам, тарих ин олий бино,
Гуфт тарихи бинояш: «Манбаи файзу карам».*

* * *

*Ба тарихи ин меҳмонсародил огоҳ кун,,
Тааммул карду гуфт: «Авжи фазилат».*

*Ин чи хуш маъмураи зебоки, вазъаш жон фидо,
Чор бобу рукнҳояш атрирезу мушкосо.*

*Ҳар касеки шавад инжо якнафас аз хуш дили,
Гуфт тарихаш: «Бино хуш ҳавою дил кушо».*

* * *

*Нигору зевари тарихина бир ўқуб,
Тааммул ила деди: «Боҳаво иморати хўб».*³³²

Бинонинг тарих санаси, «бу зиёфат жой бу» ва «манбаи файзу карам», сўзларининг йиғиндисидан чиқади. Яъни, 1312/1895 йил. Дарвоқе, Асий Водилий ҳам устоз йўлидан бориб меҳмонхона учун қуйидаги тарихни битганлар.

³³¹ №7-қўлёзма. 74-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

³³² №7-қўлёзма. 74-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Меҳмонхона тарихи

Айлай дуо ҳамиша ҳурматлу Додхоҳи,
Ул сарвари валоят лутфу карам паноҳи.

То нух равоқи гардун боқий эрур ани ҳам,
Бўлсун зиёда умри иқболу иззу жоҳи.

Фархандалигда номи маъруфу муҳтарамдур,
Номин каби ўзин ҳам, мансур қил Илоҳий.

Ким хайржўлигидин, бир нафъи ом ўлур деб,
Қилди бино бу яхши ҳаммому боргоҳи.

Ҳам бу баҳона бирла кўп қилди элга эҳсон,
Ҳиммат белини боғлаб, сарф этди зар кимоҳи.

Ҳаммомга бу вилоят кўп шавқ этарди гўё,
Авжи қабулга етти, элни дуойу оҳи.

Бўлди ажаб давоийи ҳаммом созу зебо,
Ким тушса зарра қолмас, кўнглидаги сиёҳи.

Тушган киши гар этса, одобига риоят,
Кетгай губори тандин, ҳам бўйнидан гуноҳи.

Гумбазлари сафодин гўёки нух фалакдур,
Равзанлари дурахшон сайёра меҳри моҳи.

Нажжори маргинонлик уста Бадалбой отлиғ,
Йўқ, бу ҳунарда мисли бешаку бешиштибоҳи.

Гулкори андижонлик покиза тийнат усто,
Юсуф Алийки, жумла гулкорларини шоҳи.

Наққошидур Муҳаммад Сиддиқ маргинонлик,
Табъига бу ажойиб санъатлари гувоҳи.

Тарихидан башорат бермоқ учун демишлар,
Озода ва шифодур, ҳаммоми Додхоҳи.³³³

Эътибор берилса, ҳаммом курилишида иштирок этган усталар асосан, марғилонлик бўлишган. Бу ҳам Ҳазрат Дом-

³³³ Охунжон қори Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-йиғма жилд.

ла билан Аравон ижтимоий-маданий алоқаларининг самараси ўлароқ юзага келган бўлса, эҳтимол.

Мазкур боб хулосасида айтиш мумкинки, Ҳазрат Домланинг назарлари шогирд ва суҳбатдошлари учун маънавий тараққиёт бойси бўлган. Бу эса устозлар ва улуғлар дилига йўл топишнинг манфаъати катта эканини маълум қилади. Шу жиҳатдан мазкур воқеалар толиби илмлар учун ибратли.

Шогирдлар эҳтироми

Юқорида келтирилган маълумотлардан Ҳазрат Домлани ҳар бир талабага алоҳида эҳтиромлари маълум бўлди. Ўз ўрнида шогирдлар ҳам у зотга самимий муносабатларини турли йўллар орқали изҳор қилганлар. Бу ҳақда шундай дейилади:

*Баста дар хизмати маойин боиттифоқ,
Аз самими қалби он жаммуни гафир.*³³⁴

Яъни, у азизлар жамоасининг ҳар бири хулуси ният билан устоз хизматларига камарбаста бўлган. Ёки:

*Чийданд аз сарфи молу наҳв он,
Сад дуойи мустажоби бенакир.*³³⁵

Яъни, улар у зот учун молу жонларини инфоқ этадилар ва юзлаб хайри дуо қиладилар.

Абдулазиз Ғолиб Марғилонийнинг «Машғал» номли китобларида қуйидаги жумлалар бор: «Агар бир одам сени йўлга солиб, хидоят йўлини кўрсатиб, сенга Аллоҳ таолони танитиб, мусулмонликни ўргатса, шундай одам ўзингни қул қилиб, ҳамма молингни олганида ҳам ўшал раҳбарни сенда ҳаққи боқий қолади. Чунким (у) сени абадий азобдан сақлана олишингга сабаб бўлди.»³³⁶

Асий Водилий устозга муносабатини шундай ифода қиладилар:

*Касироки раҳбари у шуд саодати азалий,
Гирфт роҳи савобу нарафт жуз басавоб.
Намуд жону зараи сарф тоату эҳсон,
Чу тавфи каъбаю, таъмир маъбади аҳбо.*

³³⁴ №6-қўлёзма, 40-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

³³⁵ №6-қўлёзма, 40-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

³³⁶ Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. Машғал. Қўлёзма, 125-б. Мазкур қўлёзма Марғилонлик Эргаш қори Муқимжон ўғлининг ҳонадонида сақланади.

Яъни, кимгаки у зот раҳбар бўлса, унга саодат ёр бўлади ва у тўғри йўлни топиб, ҳаргиз залолатга юрмас. Бошқа бир ўринда:

*«Илоҳий баҳурмати анфоси дўстони остонат ва баҳаққи ихлоси оқиғони остонат он жаноби роғфат огоҳим ва пушти паноҳим ва мавлоим ва қиблагоҳим-ро...».*³³⁷

Яъни, эй Раббим, дўстларинг нафасининг ҳурмати, муҳлис қулларинг ҳаққи сўрайманки, у олий мартабали пушти паноҳим, мавлоим ва қиблагоҳим – узоқ йиллар иззату иқболда, барча орзулари ушалиб, файз-баракаларидан бутун мардум хушҳол бўлсин...», дея дуо қиладилар.

Бекий Полмоний Ҳазратнинг ҳаётлик чоғида у зотга атаб еттита қасида ёзиб юборгани юқорида келтирилди. Бу ҳақда Бекий шундай дейди:

«Камина Бекий бажаноби устод ва пири худки қутби дунё мавлоно Муҳаммад Юсуф ал-Марғиноний ал-Хонақоҳий раҳматуллоҳи алайҳ дар ҳаёти он жаноб батариқи иштиёқ ин қасидаҳоро баэшон ирсол намуд».

«Камина устозим ва пирим қутби дунё, мавлоно Муҳаммад Юсуф Марғиноний Хонақоҳий раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаётлик вақтида ул жанобга иштиёқ тариқида қуйидаги қасидаларни битиб, у зотга юборган эдим».

Афтидан асар Бекийнинг устоздан бир муддат узоқлашган чоғида ёзилган кўринади. Чунки унда изтиробга тушган толибнинг дил оғриқлари фасоҳат билан мажоз орқали баён қилинган. Ушбу бобга муносиб бўлгани учун бу ерда қасиданинг насрий таржимасини келтирамиз. Китобнинг ҳажмини инobatга олиб қасида матнларидан фақат дастлабки байтларни келтириш билан кифояландик.

Қасида

Мафоилун, фаилотун, мафоилун, фаълун.

*На зулфи пешайи ҳиммат, зи туррайи тазвир,
Паёми хеш сепорам, банавки хомайи тир...³³⁸*

³³⁷ № 23-қўлёзма. 92-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

³³⁸ «Девони Бекий». 3–5-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Биринчи қасида таржимаси

Ўз номамни камоннинг учи каби нозик ва зийнатли зулф каби гўзал қалам билан ёзиб юбормоқдаман. Бу номайи ҳижроним юрагимнинг туб-тубидан оҳ бўлиб отилиб чиқмоқда. Гарчи мен ёлғиз зоғ каби ғурбат ғамхонасида ўтирсам-да, лекин орзу-истакларим ҳайқирмоқда.

Эй зоҳид, насиҳат тинглашга розилигим қолмади, эшитяпсанми, фурсатим келди-ю, лекин сен занжирни бўшатмаяпсан. Анқонинг улуғлиги уни доимо узлатда эканидадир, бас шундай экан, эй телба дил, сен ҳам ўзингни муҳаббат гўшасига ол.

Тоқат шеваси жунун дашти томон йўл олди, энди бу йўлдан тўсиш нимаси?! Муштоқлар ҳаргиз ноумид бўлмайдилар, бу йўлда узоқ масофани босиб ўтиш машаққати улар дилига қаердан келсин?! Ҳатто фалакнинг жоми қон тўла пиёламдан айланмоқда.

Лайлининг тахти равони сайр этганини бир марта ҳам кўрмадим, ҳижрон кулфатини тасвирлашда ўзимни Мажнун каби кўраман. Ёрнинг фикри нашъасидан шундай бўй оламанки, гўё оҳу қондан мушк олганидек. Ҳижрон ноласининг бўйи захри олудки, ундан бот-бот надомат қонига чўмаман. Ғафлат аҳлининг ҳайқириғи доимо куфронда, агар шундай бўлмаса, у зот нозининг мақоми ҳурматда бўлар эди.

Фалак зоримни наърасидан ҳайқирмоқда, агар бу унинг қулоғига етса котиб (Бекий) нинг хору зорлигидан хабар беради. Кўз ёшимнинг нами кўзимни қора қилмоқда, хануз у зот маърифати дилимдан кетгани йўқ.

У зот ҳайбати Хисравлар каби бўлиб, гўё шер янглиғ ҳайбатлидир. Ким у зотга йўлиқишни мақсад қилса, даргоҳида юзлаб ожизлик билан кўзини ердан уза олмайди. Хаёлим унинг ҳайрат боғидан учиб кетди, ичим эса у зот фикридан мунаввар бўлди.

Агар менинг ёзган номам устидан кулсалар раводир, ахир қарға қачон булбул каби сайрай олсин. Гарчи зору нолон бўлсам ҳам тўхтатиб қўймайман, чунки у зот дуоси султонларга ҳам қувват. Қўлимдан нима ҳам келар эди, тунларим кунга айланиб кетган бўлса. Ахир ўрни бўлмаган нарса бошқа ўринда нима қила олсин?!

Ноламдан ноумидлик ларзага келади, унинг васлига

етиш хабари келишига шаксиз ишонади. Минглаб замон Искандари ва Жамшиди у зот адолати ва улуғлиги олдида ҳақир бир ғулом. Ҳар ким унинг ҳузурида таъзим қилмаса, орзулари парокандадир. Бу замонда Қайсар ва Доро каби тахтда ўтирган султонлар ҳам у зот хизматининг ходими. У зот эҳсонининг довуғи бутун оламини эгаллаган, ҳатто бу йўлда Ҳотам бахил номини олди.

Шавқим шундай тошдики, замон бошимга ҳар дамда таъзир берса ҳам сабр қила олмаяпман. Маънолар тахти у зотдан хуррам бўлиб, ҳикмат булоқ бўлиб отилади. Дилим ҳасратдан куйди, бахтим қародир. Тупроғим лойи эса ғам сувига қорилди. Лутфининг навозишлари ҳижронни кўтаради, бундан яна рақиблар хурсанд бўлишмасин.

Эй Раббим, замона ранжларидан у зот хотирини сақла, ҳаргиз хотирига фиғонлар келмасин. Эй Раббим, модомики осмон гардиши айланиб турар экан, у зотни душманлардан ҳимоя қил.

Ёрим ҳузурига ожизона дуодан бошқа муносиб туҳфа топа олмадим. Номаси сиёҳ Бекий маънос бўлиб, минг йил бўлса ҳам у зотни ўйлаб юради.

Иккинчи қасида

*Сабо бавақти сабиҳий, фашарад домани ёр,
Вазиди сафҳайи олам, зи бўйи мушки тотор...*³³⁹

Иккинчи қасида таржимаси

Ҳар кун тонг пайти ёрнинг этагидан майин шабода эсиб, олам юзига ёқимли бўй таралади. Хотирам шавқидан юзлаб ғунчалар очилиб, иштиёқим ноласидан ўткир шуълалар кўтарилади.

Мен у машҳур зот васфини қандай қилиб айтай, ахир у гулзордан ҳар дамда юзлаб алвон гуллар товланади. Унинг субҳида минглаб ўткир маънолар бордирки, жилвасининг ҳалқаси гўё қуёш кабидир. Эҳтимол, унинг вужуди лойига фаҳм суви кўшиб қорилган бўлса керак, акс ҳолда фақат сув ва тупроқнинг ўзидан бунчалик катта илм келмайди.

У зот фаҳмлари «Кашшоф»нинг нозик жойларини очиб

³³⁹ «Девони Бекий» 9–11-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

беради, назарларининг шуъласи «Мадорик» сирларидир. Нигоҳлари Бухорий, Муслим, Нисоий ва Абу Довуд каби муҳаддислар тўплаган ҳадислар юзидаги пардаларни очиб юборади.

У зот «Усул» денгизида балиқ кабидирки, гўё, «Хусомий», «Танқиҳ», «Шоший» ва «Манор»лар каби. У зот табиатида Жоруллоҳ (Алломайи Замахшарий) каби ҳақиқатга хилоф қилиш йўқ, кечаю кундуз ўқувчига ёқимли. Сарф фанида у зот нутқини «Шофия» каби баҳола, наҳвда эса гўё «Муфассал» ва «Изҳор» каби ўткир. Маънолар қулфига у зот нигоҳлари калитдирки, ундан «Бадойеъ» юзидаги чангу ғуборлар кетади.

Гапларининг куши тезшикор лочин каби бўлиб, назарларининг «Мавоқиф»и «Нуззор»лар мақсадидир. Илми илоҳий сайрида у зот хаёли ҳикмат. Шунчаликки, «Мантиқ» қуёшидан нурли тиглар каби. У зот етук фақиҳ эдики, дилларида «Ҳидоя»нинг дурлари бе «Ниҳоя» кўпдир.

Тилим юз бор мақтаса ҳам барибир ожиз. Қаламимнинг ёзгани денгиздан томчи эмас. Дилим афсусдан бармоғини тишлайди, ер ўпиб, тупроқни кўзига сурма қилади. Ахир парвона шамни олдига келишга мадор топа олмайди-ю, лекин самандар каби оташга ўзини ураверади.

Мажнуннинг қўлига мақсуди етмади, бирор киши Лайлини ўрнига ўтмайди. Тош ҳам ғам тешасидан ёрилиб кетади, унинг зор дилига Шириннинг бўйи етмайди. Дил сафҳасининг куйишидан зор бўламанми, йўқми, барибир, васлининг этаги рўзғор ғамларини кўтаради.

Дилим висол шавқида гўё лола каби оташ ўчоғида табо-таб куймоқда. Ғам қалами қонга қараб рақам чекди, тилим ёзганимни айтишга ожизу қосир. Номамнинг мизожи оташдирки, йўл узоқ ва қийин. Боз устига макони баланд, осмони эса шунқорлар учадиган каби кенг. Агар у кабутар бўлиб, гарчи унинг отаси лочин, онаси хуш рафтор бургут бўлганида ҳам қандай қилиб парвоз қилар эди. Унинг дояси нотик тўти бўлганида ҳам шундай, чунки у зот хулқу одобда машҳур ва буюк зотдир.

Кел, эй кабутари дамсоз, хабарни олиб бор. Мени ҳоли зоримни ёрга баён қил. Лола бағрига қўнган доғ каби ғурбат йўлида турибманки, орзулар сувининг узоқлигидан беҳолу ташнаман. Гўё ғамнинг кучидан бирор тонги отмайдиган

бойўғли каби ғурбат кунжидан жой олганман. Мақсадларим оҳуси ҳаргиз иқбол қилмади, унинг висолига етмоқ доим юз ўгиргандир.

Дилим ҳижрон меҳнатида ғамдан пора-пора бўлди. Унинг висолига етмоқ шавқи бениҳоят узайди. Дилим унинг йўлида сочим толалари сонича нола қилади.

Эй кабутар, менинг номамни олиб, у зотга ҳолимни айт, агар номам етиб борса ожизлигим яна у зотга такрор маълум бўлсин. Борди-ю, менинг ҳолим у даргоҳда рад этилса, бу – бахтимни қаролигидан.

Агар марҳамат назари етиб, қабул бўладиган бўлса, у ҳолда номамнинг иплари гўё шодликдан мусиқа чалади. Ва гўё ёрнинг лутфи бизга «анису жалис» («яқин улфат») каби бўлади, бас сен яна бунга ҳасад қилиб, душманлар тошини отма. Қарға қачон булбул каби хониш қилсин, у қачон бўстон васфию гул чехрасини айтиб бера олсин?!

Номамга агар шафқатсизларча муносабатда бўлса, у ҳолда демак, кулоққа найнинг овози ёкмаган бўлади. Номамнинг табиати кулоққа оғир ботишидан Аллоҳ сақласин, найлайки, бемаҳал гап гапириш мажнунлар одатидир. Унинг остонасига менинг ожизона дуойимдан бошқа бирор мақбул туҳфам бўлмади.

Эй Бекий номанг сиёҳ, унинг васлидан маҳрумсан, қачон унинг васлига етадиган кунлар келар экан.

Учинчи қасида таржумаси

У хуршид нурларидан олам мунавар бўлади. Вужудимнинг ҳақир тупроғи унинг шавқидан олий бўлади, кўз ёшимнинг тўфони ҳижрон мавжидан гўё оташ кабидир.

Унинг доғи захридан жисмимда юзлаб ҳубоб пайдо бўлмоқда. Дил ғунчаси қон йиғлаганидан ҳаргиз очилмади, жоним ёр хаёлидан фиғон қилавериб, тамом бўлди. Кимки у ойга назар солса, анқони овлаш учун зору нолон бўлгандек изтироб чекади.

Эй зоҳид, келиб бу ғамни кўриб, ўз ишингдан хижолат бўласан, ҳатто қутби дунё ҳам ўзини тупроққа олади. Эй дил, унинг васлини шавқидан йўлимни йўқотдим, десам, нима дейсан. Буни ибодатда турган маҳрамларгина англайди.

Мен Бекий ғурбат ғамида мақсадимга етмасам ҳам, у зот лутфидан истагим ҳосил бўлади деб умид қиламан.

Тўртинчи қасида таржимаси

Фироқим доғини ҳаргиз яшира олмайман. Қаламим зору тазарруларимни ҳузур қилиб ёзмоқда. Ёр ҳажридан бизларга нола ўрнашиб, томирим бундан танбур тори каби нозиклашди. Дилим ҳажр замзамасидан мағлуб бўлди, дил ноласини қандай қилиб яширай?!

Қани энди, тонг пайти ёр келганини кўргач, ҳижрон лашкари мағлуб бўлганини кўрсам эди. Ғамни саодат деб биладиган иродат аҳли қаердаки, менинг ёрим хоки пойидан унинг дили обод бўлади. Ҳумонинг соясини кўрмоқ ҳар кимга насиб этавермайди. Аммо ҳар ким ҳумо қушини истаса у зотдан топади.

Унинг улуғлигининг овозаси гумон қилинмайди. Афлотуннинг волийлари буни қаердан ҳисоб қилсин?! Унинг камоли олдида Искандарнинг улуғлиги қосирлик қилади, деб айт. Латиф лутфи гўё Хисрав чокарлари каби. Ҳимматидан қадим Чин подшоси Фағфур дилига ҳам ҳаяжон тушади. Фақат ғафлат аҳлигина у зот қадрини билмай, жаҳолат ва ғурур туфайли жонини фидо қилмаяпти.

У зот илму маърифатидан ҳамма мамнун ва адолат йўлидан жаҳон пур нурдир. У зот хаёл хобгоҳини дилимга келтира олмайман, у зотнинг покиза шаклига дил мажол топа олмайди. Ҳозир фақат у зот фикригагина эгаман, гарчи орзуларим этаги дилга сустлик берса ҳам. Дуоларим найининг садоси ҳижрондан нидо қилмоқда, фиғоним беҳудлигидан олам жунбишга келади.

Унинг шавқи жазбасининг бир донасиёқ куйдириб юборади, шу туфайли бизга на ёруқлик ва на қоронғу зулмат фикри қолмади. Бизга хароблик туфайли эски жома султонлар атласу кимхобидан яхши. Дил розимни у шоҳга арз қилишга қодир эмасман, агар номам етиб борса, бу улуғ бахт. Дил доғидан нима ҳам дейки, лола кабидир.

Хаёлим денгизининг мавжидан ёрим кўринади, у ўзига мусибатни чўкаётган кема каби мингандир. Қазо темир тиғ билан кўз ёшимни оқизмоқда, гўё осмондан тўфон сели қуйилганидек. Лайлининг туясини жуганига фикрим банд, шу туфайли ўзимга мажнунликни раво кўраман.

Ҳозир унинг фикри нашъасидан мастман, таажжубки, аҳли ҳаваслар узум бодасидан маст бўлиб юришса.

Эй Раббим, у зот хотири покини ранжу ғамлардан узоқ қил, токи биз каби ғариблар гуллари очилсин. Эй, Роббим, ул зотни душманлар озоридан муҳофаза қил ва уни олий мартабаларга етказ. Мен у зотга ғарибона дуодан бўлак муносиб ҳадя топа олмадим, шояд бу билан даргоҳига мақбул бўлсам. Нома сиёҳ Бекий унинг васлидан маҳрумдирки, дил аламдан қатра-қатра қон тўқади.

Айтиш ўринлики, Бекийнинг қасидасида келтирилган айрим таърифларни тушунишда устозга қаттиқ боғланган толибнинг ўзига хос бўлган ички кечинма ва ҳис-туйғуларини назардан четда қолдирмаслик мақсадга мувофиқдир.

Қолаверса, Имом Абу Довуд, Имом Аҳмад ва бошқа муҳаддислар Абу Дардо р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сени бир нарсани (қаттиқ) яхши кўришинг, уни айбларидан кўзингни кўр ва қулоғингни қар қилади», – деганлар.³⁴⁰

Имом Муновий мазкур ҳадисни шарҳлар экан, муҳиб, яъни яхши кўрувчи маҳбуб, яъни яхши кўрилган кимсани фақат яхшиликларинигина кўради. Унинг ёмонликлари ва хатолари унинг кўзига кўринмайди, деганлар.³⁴¹

³⁴⁰ Аҳмад ибн Ханбал. «Муснадул имами Аҳмад ибн Ханбал». Дорул кутубул илмийя, Байрут, 1978. 47-ж., 250-б; Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний. «Сунану Аби Довуд», Дорул Боз. Маккат ул-Мукаррама. 3-ж., 15-б.

³⁴¹ Абдурауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 3-ж., 372-б. 1356/1937.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ МАРҒИНОВИЙНИНГ ТАҚВО ВА ПАРҲЕЗЛАРИ

Тақво – Аллоҳ таолодан қўрқиш, гуноҳлардан тийилиш ва ҳарому шубҳалардан сақланиш экани ҳаммага маълум. Дунё яхшиликларнинг боши тақво бўлганидек, эзгу оқибат ҳам фақат тақводорлар учун.

Маълумки, қаерда «тақво» сўзи зикр қилинса, албатта, «вараъ» сўзи ҳам бирга келтирилади. «Тақво» сўзи, арабча, «виқоя» «сақланмоқ», «эҳтиёт бўлмоқ» сўздан олиниб, бир нарсани унга озор ва зарар берадиган нарсалардан сақлашни билдирса, «вараъ», «бир нарсадан ўзини тийиш ва тортиниш», «хижолат бўлиш» маъносини билдириб, оқибати нима бўлиши гумон бўлган нарсадан ўзини сақлашга айтилади.³⁴² Баъзан, ўзбек тилида «парҳез қилмоқ» маъноси ҳам берилди. Мулоҳаза қилинса, у иккиси маънода бир-бирига яқин бўлиб, қўп ҳолларда биргаликда ва баъзан, бирини ўрнига иккинчиси ҳам қўлланади.

Уламоларимиз у иккиси ҳақида саҳобаларнинг ва бошқа салафларимизнинг турли таърифларини келтирганлар. Масалан, ҳазрат Умар розияллоҳу анҳудан: «Тақво нима?» – деб сўралганида, у зот: «Араблар сертикан жойдан ўзини эҳтиётлаб ўтиб кетишни тақво деб атайдилар», – деганлар. Бу билан ҳазрат Умар инсон кийими ва баданига зарар берадиган нарсалардан ўзини эҳтиёт қилгани каби, имон ва исломига муносиб бўлмаган, бошқача айтганда, имон либосига санчилиб, уни айбли қилиб қўядиган ишлардан сақланмоғи, тақводир, демокчи бўлганлари билиниб турибди.

Имоми Роғибга кўра, тақво, «нафсни гуноҳдан муҳофаза қилишдир. Бу ман қилинган ишларни тарк қилиш билан бўлади. Баъзи мубоҳларни тарк қилиш билан эса мукамал бўлади», деганлар. Мулоҳаза қилинса, мазкур таъриф ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу айтган таърифнинг айни ўзи бўлиб, уни янада тўлдириб келмоқда.

Вараъ ҳақида ҳам шу каби бир-бирдан гўзал таърифларни келтириш мумкин. Масалан, Имом Муновий:³⁴³ «Вараъ,

³⁴² Абдуррауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937; 3-ж., 562-б.

³⁴³ Тождин Абдуррауф Муновий, Ўн биринчи асрнинг таникли муҳаддисларидан ва шофъий мазҳаби фақиҳларидан. Ҳижрий 952 (милодий 1545) йили

сени шубҳага солган нарсани тарк қилмоғинг, айб бўладиган нарсдан узоқ бўлмоғинг ва энг ишончлисини олиб, нафсни машаққатга солмоғинг», деганлар.³⁴⁴

Айниқса, вараъ кўпроқ шубҳали нарсалардан, яъни ҳалол ёки ҳаром экани ноаниқ бўлган нарсалардан сақланишда қўлланиши айtilган. Чунки айtilганидек, тақво маълум гуноҳлардан тийилиш бўлса, вараъ, маълум бўлмаган, балки шубҳали бўлган нарсалардан тийилмоқдир. Бу эса, ўз-ўзидан вараънинг даражаси юқори экани англатади. Негаки, аниқ нарсдан кўра ноаниқ нарсдан тийилишни машаққати қаттиқроқ бўлиши маълум. Чунки ҳаром нарсалар маълум, аммо шубҳали нарсалар номаълум бўлгани учун ҳам ундан сақланиш ҳар кимга ҳам муяссар бўлавермайди.

Ўйлаб кўрилса, тақвога қараганда вараъ қилмоқ бир оз қийинроқ экани англашилмоқда. Бежиз, ҳадиси шарифда вараъни «диндаги нарсаларнинг энг яхшиси», дейилмаган.

Хузайфа ибн Ямондан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Илмнинг фазли ибодатнинг фазлидан яхшидир, динингизни яхшиси эса, вараъдир», – деганлар.³⁴⁵ Бошқа бир ўринда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга: «Эй, Абу Ҳурайра, вараъли (парҳезкор) бўл, шунда одамларнинг энг ибодатлиси бўласан»,³⁴⁶ деганлар.

Уламоларимиз вараънинг бир неча турли бўлишини айтганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламининг: «Банда токи зарари йўқ нарсалардан ҳам зарари бор- (дир) деб сақланмагунича ҳақиқий тақводорлар даражасига етмас»,³⁴⁷ мазмунидаги ҳадисларидаги маънони, вараъ-

Мисрда туғилган. Отаси ва машҳур олим Шамси Рамлийдан ҳадис, фикҳ ва адабиёт илмларини ўрганган. Ҳаётини мударрисликка ва китоб таълиф қилишга бағишлаган. Ҳадис, сияр, фикҳ, тиб, тарих, имсол, наботот, тасаввуф ва ташриҳга доир юздан ортиқ асар ёзган. Олти жилдли «Файзул-қодир», икки жилдли «Ат-тайсир», ўн минг ҳадисни жамлаган «Кунуз ул-ҳақойик», «Асмой хусна шарҳи» каби асарлари машҳур. Ҳижрий 1031 (милодий 1662) йили Қоҳирада вафот этган, жанозаси Жомеъ ул-Азҳарда ўқилган.

³⁴⁴ Абдурауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» ... 3-ж., 706-б.

³⁴⁵ Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али Абу Бакр ал-Байҳакий. «Шуъабул имон». 4-ж., 228-б.

³⁴⁶ Муҳаммад ибн Язид ал-Қазвиний. «Сунани ибн Можа». Дор ихяу турс ал-арабий. Байрут. 1975, 4-ж., 416-б.

³⁴⁷ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. «Сунани Термизий». Дорул кутубул илмий. Байрут, Лубнон. 4-ж., 634-б; Муҳаммад ибн Язид ал-Қазвиний. «Сунани ибн Можа»... 2-ж., 1409-б.

нинг энг олий даражаси, деб айтганлар. Ушбу маъзmunни Имом Суютийнинг «Ад-дуррул мансур» да келтирган Абу Дардо розияллоху анхунинг қуйидаги сўзлари қувватлайди: «Мукаммал такво банданинг заррача нарсадан ҳам такво қилмоғи ва ўзи билан ҳаромнинг орасида парда – тўсик бўлмоғи учун ҳатто баъзи ҳалол нарсаларни ҳам ҳаромдан кўрқиб, тарк қилмоғидир».³⁴⁸

Такво ва парҳез бобида келтирилган мазкур ва бошқа ҳадиси шарифларда келтирилган қатор мазmunларга мувофиқ, саҳобалар ва улардан кейинги салафи солиҳлар ўзларини доимий назоратга олганларини кўрамиз. Масалан, Имом Аҳмад «Зухд»да Муҳаммад ибн Сиридан ривоят қиладилар: «Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхундан бошқа одамни еган таомини ўзини мажбурлаб қайт қилиб юборганини билмайман. Унга бир таом келтирилган эди, ундан еди. Кейин унга: «Буни Ибн Нўмон олиб келган эди», – дейилди. «Менга Ибн Нўмоннинг қоҳинлик (фолбинликнинг бир тури)дан топганини едирдингизми!?» – деди-да, ўзини мажбурлаб қайт қилиб юборди.³⁴⁹

Кўп ҳолларда такво ва парҳезкорлик биргаликда зикр қилинади. Чунки, ҳар иккиси ҳам инсонга маънавий нуқсон бўлувчи нарсалардан сақланиш бўлгани учун ёмонликни биридан сақланиб, иккинчисидан сақланмаслик мумкин эмасдек туюлган. Шунинг учун салафларимиз ҳаётини синчиклаб ўргансак, улар зикрида кўпроқ такво ва парҳезлари биргаликда келтирилади. Бу уларни мазкур икки сифатни бирга қўллаганларининг белгисидир. Маноқиб соҳиби Хонақоҳий Ҳазрат Домла ҳаётларида ҳам буни яққол мисолини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга у зотни бу соҳада ҳам замон муқаддами эканларига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг кўплаб оятларида бандаларни таквога буюрар экан, улар орасида кўпроқ уламолар кўрқишини ҳам айтган. (Фотир сура-си, 27-оят.) Қолаверса, илмнинг самараларидан бири ҳам бу такводир. Бу борада Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхунинг: «Илм гапнинг кўплигида эмас, таквонинг кўплигидадир», – деган гапларини, Шайх Ҳасан Басрийни

³⁴⁸ Абдурахмон ибн Камолиддин Жалолиддин Суютий. «Ад-дуррул мансур». Дорул фикр. Байрут. 1993. 8 жилдлик. 1-ж., 61-б.

³⁴⁹ Аҳмад ибн Ҳанбал. «Китоб аз-зуҳд». 1-ж., 111-б. <http://www.alsunnah.com>.

эса: «Олим Аллоҳдан ғойибона кўрққан кишидир», – деган сўзларини эсласак, фикримиз янада равшанлашади. Умар ибн Абдулазизнинг: «Тақво қилмоқчи бўлган одам шариат илмига муҳтож бўлади, чунки илмсиз тақво қиламан деган киши жоҳиллик сабаб, ўзи сезмаган ҳолда тақводан чиқиб қолади», деган сўзлари ҳам бу борада ибратлидир. Имом Куртубий ўзларининг машҳур тафсирларида мазкур оят тафсирида Рабиъ ибн Анасинг, «Ким Аллоҳдан кўркмас, у ҳақиқий олим эмасдир», мазмунидаги, Мужоҳид р.а.нинг: «Ҳақиқий олим бу Худодан кўрққан кишидир» ва Абдуллоҳ ибн Масъуднинг эса: «Аллоҳдан кўркишга илм, кўркмай, мағрурланиб юришга жоҳиллик кифоя қилади», деган сўзларини келтирганлар.³⁵⁰

Маълум бўлмоқдаки, тақвосиз илм дуруст эмас. Чунки, ёлғиз илмнинг ўзи билан азизлик ҳосил бўлганида шайтон барчанинг афзали бўлиши, лекин илми унга фойда қилмагани келтирилган.³⁵¹

Хонақоҳий Ҳазрат Домла ва у зот каби уламолардан содир бўлган тақвонинг турли кўринишлари уларни чинакам амаллик олим эканлари ва шу билан бирга, улардаги юксак илмнинг тақозоси сифатида кўзга ташланади.

Изланишлар натижасида биз Хонақоҳий Ҳазрат Домлани бу соҳада ҳам замон муқаддами эканларига амин бўлдик. Чунончи, Нуруддин маҳдум домланинг айтишларича, Ҳазрат Домлага хос тақвони ўша давр кишиларидан бирор киши қила олмаган.³⁵²

Айтишларича, одамлар Ҳазратдан: «Қандай либос кияйлик», – деб сўрашган экан. Шунда уларга: «Тақво либосини кийинглар», – дея жавоб берган эканлар. Бу билан Ҳазрат Куръони каримдаги «...ва тақво либоси – бу энг яхши либосдир», (Аъроф сураси, 26-оят.) мазмунидаги оятга ишора қилганлар.

Мазкур «тақво либоси» ҳақида муфассирлар ўзларининг тафсир китобларида саҳоба ва тобеинларнинг турли таъриф-

³⁵⁰ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий. «Тафсирул Куртубий». Дору ихёи турсил арабий. Байрут. 1405/1985. 14-ж., 343-б.

³⁵¹ Шайх ул-ислом Сайид Аҳмад Ас-Сайид Зайний. «Тақриб ал-усул ли-тасҳил ал-вусул». Матбату ал-баййина. Миср, 1304 х, 103-б.

³⁵² Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Ҳожа Форсо. 1996.

ларини келтирганлар. Масалан, Абдуллоҳ ибн Аббос: «Бундан мурод – солиҳ амаллардир», деган бўлсалар, Авф ибн Жуханий: «Бу ҳаёдир», – деб айтганлар.³⁵³ Буюк муфассирлардан Қатода ва Суддий: «Тақво либоси – имондир, чунки у ўз эгасини дўзахдан сақлайди», – деган бўлсалар, Ҳасан Басрий: «Бу ҳаёдир, чунки у эгасини тақвога олиб боради», – дея таърифлаганлар. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу уни: «Хусни хулк», – деб, Урва ибн Зубайр эса, «Бу Аллоҳдан кўрқишдир», – деб, Калбий эса: «Бу кўнгилни тамаъдан поклигидир», каби бир-бирини тўлдирувчи гўзал маъноларни берганлар.³⁵⁴

Келтирилган таърифларни мулоҳаза қилиб, Ҳазрат Домла мазкур тавсиялари билан кишиларни, хусусан, шогирдларини «тақво либоси» остига кирувчи, юкорида келтирилган барча гўзал сифатларни эгаллашга чақирганлар, деб айтиш мумкин. Чунки бу либос, оятда айтилганидек, бадани ёпиб турувчи зийнат ва жамол либосидан яхшидир.

Бундан ташқари, Ҳазратнинг мазкур сўзларидан уларга тасаввуф ва тариқат аҳлига хос бўлган кийимни тавсия қилганлар, деган хулосани ҳам чиқариш мумкин. Чунки, «Тафсири Хозин»да «тақво либоси»га берилган таърифлар сирасида, айнан, «Бу, жун ва дағал матодан тайёрланган ва тақво ва парҳез аҳли киядиган кийимдир», дея таъриф келтирилган.³⁵⁵ Лекин аввалги маънолар тўғрироқдир.

Охунжон қори Водилийнинг айтишларича, Ҳазрат Домла талабалик пайтларидаёқ Қуръони каримдаги: «Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳлларингизни ўтини одамлар ва тошлардан иборат дўзах ўтидан сақланг», (Таҳрим сураси, 6-оят.) мазмунидаги оятни ўқиб таъсирлангач, бир умр кулмай қўйган эканлар. Чунки мазкур оят кишини кўрқинчини зиёда қиладиган оятлар жумласидан бўлиб, гарчи унда зикри келган «одамлардан» кофир кимсалар кўзда тутилган бўлса-да, аммо ҳақиқий мўминларни ундан кўрқувлари зиёда бўлиши аниқ.

³⁵³ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий. «Тафсирул Куртубий»... 7-ж., 184-б.

³⁵⁴ Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Умар Шайхий Ал-Хозин. «Лубоб ат-таъвил фий маъонит-т-танзил». 678/1280–741/1341 3-ж., 10-б. <http://www.altafisir.com>

³⁵⁵ Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Умар Шайхий Ал-Хозин... 3-ж., 10-б.

Имом Байҳақий «Шуъабул имон»да куйидаги ҳадисини келтирадидлар: «Бир куни жаноб Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам асҳобларига мазкур оятни тиловат қилиб берганларида бир йигит хушидан кетиб йиқилади. Пайғамбар алайҳиссалом кўлларини унинг кўксига кўйиб, уни нафас олаётганини кўрадидлар ва унга: «Эй, йигит, «Ла илаҳа иллalloҳ», – дегин дедидлар. У буни айтади. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам унга жаннат башоратини берадидлар. Бу ҳақда ҳайрон бўлиб, сўраган саҳобаларга: «Ахир, Аллоҳ таолонинг: «Бу Менинг ҳузуримда туришдан кўрқувчи ва Менинг (дўзах ҳақидаги) ваъдамдан хавф қилган кишилар учундир», (Иброҳим сура-си, 14-оят.) оятини эштираганмисизлар», дедидлар.³⁵⁶

Абу Нуайм Ал-Исбаҳоний «Хулият ул-авлиё»да Мансур ибн Амморни куйидаги гаплари келтирганлар: «Мен бир куни кечаси кўчага чикдим. Бир ҳовлининг олдидан ўтдим. Ичкаридан бир йигитнинг йиғлаб, дуо қилаётганини эшитдим. У шундай деб айтарди: «Эй Аллоҳим, улуғлигинга қасамки, мен сенга гуноҳ қилганимда сенга қарши чиқиб қилганим йўқ. Сенга исён қилганимда, азоблашингга ишонмаганим ёки укубатингдан юз ўгирганим ва ва сени кўриб туришингни инкор қилганимдан қилган эмасман. Лекин нафсим уни менга чиройли кўрсатди ва бадбахтлигим унга ёрдам берди. Сени айбларни ёпиб туришингга алданиб қолдим. Мен сенга жоҳиллигим ва нодонлигим туфайлигина исён қилдим. Энди, ким мени азобингдан қутқаради, ким мени дўзахнинг забония фаришталаридан ажратиб олади?! Агар сен нажот арқонингни мендан узиб олсанг, кимни арқонига осилай?! Қиёматда яхши амал қилганларга дўзахдан ўтинлар, ёмон амал қилганларга дўзахга тушинлар, дейилса мени ҳолимга вой бўлсинки, аҳволим нима кечади?!...»

Шунда унинг бу гапларини эшитиб, дарвозанинг ёригидан секингина: «Ўзларингизни ва аҳларингизни ўтини одамлар ва тошдан бўлган дўзахдан сақланлар», мазмунидаги оятни ўқидим. Шунда даҳшатдан қалтираган овозни эшитдим-у, кейин у жимиб қолди. Мен ўз ишимга кетдим. Эртасига бу ерга келганимда бир жанозани олиб келишгани-

³⁵⁶ Аҳмад ибн ал-Хусайн ибн Али Абу Бакр ал-Байҳақий. «Шуъабул имон». 2-ж., 297-б.

ни кўрдим. Уни ёнида бир кекса аёл кириб-чиқиб йиғлаб турар эди. Мен ундан: «Эй она, бу маййит ким бўлади?», – деб сўрадим. У: «Қўй, мени дардимни янгилама», – деди. «Мен, бу ерга мен мусофирман, айтаверинг», – дедим. У: «Агар, бегона бўлмаганингда айтмас эдим», – деди ва бу мени жигаримнинг пораси, орқамдан дуо қилади, деб ўйлаганим, болам эди. Ҳар куни меҳробга бориб, ибодат қилар ва гуноҳига йиғлар эди. Кеча ибодатда турганида бир одам бу ердан ўтиб кетаётди, унга дўзахнинг зикрида келган оятни ўқиб берибди. Болам бечора унга тоқат қила олмай, қалтираб-қалтираб жон берибди, деди.

Мансур ибн Аммор: Худодан қўрқувчиларнинг ҳоли шундай бўлади», дедилар.³⁵⁷

Мазкур ҳикоя «Сифатус софва» ва бошқа китобларда ҳам турли шаклларда, аммо бир хил маъно билан келтирилган.³⁵⁸

Ҳазрат Домла силовсин териларидан тикилган тўнлар ҳадяга келгани ҳолда доим битта тўнга қаноат қилиб ўтганлари ҳам тақволари натижаси эди.

Ёки Абдуллажон маҳдум Аҳмад қори ўғли: «Ҳазрат Домла умрлари давомида суннат эмас, балки мустаҳаб амалини ҳам заруратсиз тарк қилмаганлар», – деганларида у зотни бу соҳада қўл етмас юксакликка чиққанларига ишора қилганлар. Айтишларича, Ҳазрат Домланинг фаолият даврида Марғилонда суннатга амал қилиш юқори паллага чиққан экан. Етти ёшли боланинг бошида ҳам салла бўлишига эътибор қилишлари ҳам шундан.

Ҳазрат Домла дастурхонда ҳеч қачон уч хил нарсани жам қилмасликлари, қора нон бўлса қанд билан, оқ нонни эса ўзини қўйишлари ва бу «зиёфат» барчага баробар эканидан исроф ва манманликдан сақланганларини билиб оламиз.

Кўп юриб вақтлари зое кетмасин учун ҳужралари атрофидан эшик очиб қўйганлари, қайси томонга зарурат туғилса унга ўша эшикдан чиқиб боришларидан эса ҳар бир нафасларини ғанимат билганлари англашилади.

Мадраса талабаларидан марғилонлик машхур Тошпўлат

³⁵⁷ Абу Нуайм Ал-Исбахоний. «Хулятул авлиё». 4-ж., 339-б. <http://www.alwaraq.com>

³⁵⁸ Ибнул Жавзий Имом Жамолиддин Ал-Кураший Ал-Бақрий Ал-Бағдодий. «Сифатус софва» Байрут – Лубнон. 1429/2007. 1-ж., 345-б.

ҳаким Раҳматуллабек ўғли: «Мен умримда бундай тақводор ва покиза зотни кўрган ва эшитган эмасман. Шошилмасдан мулоҳаза билан гапирар, Аллоҳнинг ўзи кафил деб, қўлларида дунё молини тутмас эдилар», – дея эслагани бежиз эмас.³⁵⁹

Ҳазрат Домланинг ибодатлари ҳақида, кечаси ҳеч ким ташқаридан у зотни ухлаб ётганларини кўрмаганини айтиш ўринли. Доимий ибодат ва зикрда бўлар эканлар. Ҳар куни бомдод намозидан сўнг кун чиққунча меҳробда муроқабада ўтириш, куёш кўртарилгач, ўқиладиган икки ракатлик ишроқ намози кундалик вазифалари саналган. Нонушта қилгач, дарс айтишга ўтириб то пешинга қадар дарс айтар эканлар. Ҳар йили рамазон ойининг охирига даҳасида ўн кун эътикоф ўтириш одатлари бўлган.

Шу ўринда Нақшбандия тариқатининг Махдуми Аъзам Косонийдан кейинги энг йирик вакили Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий (1487–1571) ҳақида келтирилган фикрларга ҳам эътибор қаратсак, уларнинг бир-бирига мувофиқ эканини кўрамиз.

«Мавлоно Лутфуллоҳ чошгоҳгача суҳбат қилардилар. Пешин намозидан кейин тафсир ва ҳадислардан баён қилиб, бир оз вақтдан кейин сафар ва бошқа амалларга машғул бўлардилар. Ўз саъй-ҳаракатларини бирор лаҳза тўхтатмас эдилар. Инсонлар тарбияси билан кўпроқ банд бўлардилар. Мавлоно аср намозидан сўнг «Набаъ» сурасини ўқитардилар, ундан сўнг Расулуллоҳ (с.а.в)нинг «Мен ҳар куни етмиш марта истиғфор айтаман», деган ҳадисларини айтиб, солиқларга истиғфор айтишни таълим берардилар. Шом намозидан кейин эса «Муаввизатайн»ни жаҳрий ўқитардилар.

Хуфтон намози адо қилгандан сўнг «Мулк» сурасини хатм қилиб, тариқат улуғларининг одатларига амал қилган ҳолда такбир айтиб, суҳбат бошлардилар. Мажлисдан сўнг аҳли суҳбатларни кечаси дам олишларига руҳсат бериб, чироқни пастлатиб, ўзлари ва у зотга кўнгил берганлар билан бирга қиблага юзланиб, «Эй Парвардигорим, ғофиллар уйқусидан паноҳ бер», – деб дуо қилардилар.

У зот барча зоҳир ва ботин ҳолатларини Расулуллоҳ

³⁵⁹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Қозиён. 2010.

(с.а.в)нинг суннатларига мувофиқ бўлишида жидду-жаҳд қилардилар. Талабаларига ҳам шундай амал қилишни таълим берардилар».

Хонақоҳий Ҳазрат Домла қатағон йиллари Украинага сургун қилинган шогирдлари Акбархонга: «Акангизга ўхшаб, юриб кетаётган отга ҳам қамчи ураверманг, қиёматда ҳисоб берасиз», – дейишларидан жониворларга нисбатан безорликларини англаш мумкин.

Ҳазрат Домла таом тайёрлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратар эканлар. Буни ўчоққа ёқиладиган ўтин-чўпларни ҳам ювиб, сўнгра ёқишга буюришларидан билиш мумкин.

Айтиш ўринлики, мазкур эҳтиёткорлик у зотни юқориларида ўтган пиронлар йўлига солдиқликлари белгиси сифатида юзага келган эди. Чунки буюк тариқат шайхи Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) ҳазратлари таом ейишда доимо хушёр ва огоҳ бўлиб ейишни муридларга тавсия қилар ва буни қаттиқ таъкидлар эдилар. Анжуман қанча қатта бўлмасин, орада кимдир таомни ғафлат билан еса, шафқат юзасидан уни огоҳ қилар эканлар ва таомни ғафлат юзасидан ейишга қўймас эканлар. Бордию, таом ғазаб билан ёки хоҳламасдан пиширилган бўлса, бундай таомни емас, бошқаларга ҳам едирмас эдилар.

Ҳаттоки бир гал хонадон аҳлларининг бемор бўлишига, уларнинг таом тайёрлаш жараёнида шошиб қолиб, суннатга мувофиқ қилмаганлари сабаб деб баҳолашлари ҳам ибратлидир.

Бир куни Ғадютга борганларида бир мурид таом келтиради ва шунда: «Бу таомни ейиш бизга тўғри келмайди, негаки, у ғазаб устида пиширилибди, уни элашда ва хамир қоришда кимдир ғазабда экан», – дейдилар. Мабодо, кимдир капгирни қозонга қаттиқ урса, ўша қозондан таомни емас эдилар ва айтар эдиларки: «Ғазаб, мажбурлик ва ғафлат билан қилинган ҳар бир ишда хайру барака бўлмайди, унга шайтон ва ёмон нафс йўл топган бўлади, демак, ундан қандай яхши натижа кутиш мумкин. Яхши амаллар ва гўзал ишлар биносини юзага келиши ҳалол таомга боғлиқ. Агар у таом огоҳ ҳолда ейилса, барча ишларда, хусусан, намозда яхши натижа ҳосил бўлади».³⁶⁰

³⁶⁰ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али... 56-б.

Кам еб, кам ичишни одат қилган Ҳазрат Домланинг ҳар кунги ғизолари бир коса оқ чой (нон ва сутдан тайёрланган таом) эди. Мулла Идрис томонидан тайёрланадиган мазкур таомга солиниши керак бўлган қора чой ва нон миқдорини ҳам ўзлари белгилаб берганлар.

Бу борада Иброҳим Дасукийнинг: «Содиқ муриднинг қуввати очлик, йиғи ва хавфдир, шундагина унинг қалби мулойим бўлади», – деган гаплари ибратлидир.³⁶¹ Аҳмад Кумушхонавий, очликни риёзат ва мужоҳада рукнларидан бири сифатида санаб, сулук аҳлларига ҳикмат булоғини очи-лишига сабаб деб кўрсатганлар.³⁶²

«Файз ул-қодир»да кўп ейишлик солиқлар учун ҳақдан узоқ бўлишларига сабаб бўлади, чунки бунда уларга шахвоний нафсининг ғолиб бўлиши бор. Кам ейишлик эса уларга илоҳий файзни етишига сабаб бўлади, шу туфайли улар жисмларини бошқара олишга қодир бўладилар. Модомики, бу очлик меъёрий даражада бўлса, агар ошиб кетадиган бўлса, у ҳолда ақл ва мизожни бузилишига солиб келади, деганлар.³⁶³

Абдуллоҳ ибн Тустарий: «Тўқликда жаҳл ва гуноҳ, очликда эса илм ва ҳикмат бордир», – деганлар. Сулаймон Дороний эса: «Дунё роҳатининг калиди тўқлик, охираат роҳатининг калиди эса очликдир», – деганлар.³⁶⁴

Дарвоқе, Ҳазрат Домла сигирни қандай соғиш йўлини ҳам кўрсатиб берганлари эътиборли. Унга кўра соғишдан аввал илиқ сув билан яхшилаб ювиб артгач, коса устига дока ташлаб соғиш керак бўлган. Халифалари Ҳожи Каримжон домла Ҳазрат учун алоҳида бир сигир сотиб олганлари, уни соғиш қоидаларига қаттиқ риоя қилишни, акс ҳолда, эътиборсизлик қилинса Ҳазратга маълум бўлишини аҳлларига тайинлашлари бежиз бўлмаган.

Ҳазрат Домла кўчада юрганда пастга қараб юришлари, одамлар гавжум ерлардан юрмасликлари ҳам тақво ва эҳтиёткорликдан эди. Айтиш ўринлики, бу ўша давр маҳаллий аҳолиси, хусусан, илм аҳлига хос одат бўлиб,

³⁶¹ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-солиқин»... 75-б.

³⁶² Аҳмад Кумушхонавий. «Жомеъ ул-усул ал-авлиё». Ваҳбийя матбааси, 163-б.

³⁶³ Абдурауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937. 5-ж., 642-б.

³⁶⁴ Аҳмад Кумушхонавий. «Жомеъ ул-усул ал-авлиё»... 163-б.

уларнинг барчаси шундай йўл тутишганини кўрамиз. Масалан, Мирхалил Бухорий домла ҳаётида бунинг мисолини шундай кўрамиз.

Баъзан, у зотни мадрасага олиб келиш учун бир извош Хожа Форсодаги ҳовлиларига бориб турган экан. Доим қабул қилмасалар-да, баъзан унга мингашиб мадрасага қатнаб турганлар. Бир куни олиб кетиш учун келган ходимга: «Бугун пиёда кетамиз, чунки бугун бозор, кўчада одамлар кўп. Улар қийналиб қопини елкалаб кўтариб юрса, биз аравада юрамизми?! Буни ўрнига бировнинг юкини ташиб берса яхши эмасми?!», – дейдилар ва ерга қараганча келаверадилар. Нима қилишни билмаган аравакаш орқаларидан эргашиб мадрасагача келган экан.

Ҳазрат Домла талабаларни ҳам кўчада юрганда пастга қараб юришга буюришлари эътиборли. Бу билан уларни секин-аста тақво ва парҳезкорликка кўндиришга ҳаракат қилганлар. Бир гал шогирдларидан бири Ҳазратни ҳовлисига таклиф қилади. Қайтаётганларида қариб мункиллаб қолган онаси зиёрат қилмоқчи бўлиб кела бошлайди. Буни кўриб қолган Ҳазрат энглари билан «Ҳай-ҳай», дея қайтардилар ва бошларини эгганча ҳовлидан чиқиб кетадилар.

Бу борада Мирхалил Бухорий домла ҳақида келтирилган қуйидаги воқеа ҳам ибратли. Домла бир куни кўчага чиқсалар, бир дехқонни бир арава пичан юклаб, устига 10–11 ёшлар атрофидаги ўғлини ўтқазиб олиб, шаҳарга кириб келаётганини кўриб қоладилар. Кўрадилар-у, отасига қараб: «Тақсир, бола балоғатга етиб қолибди-ку», – дейдилар. Буни тушунган ота: «Хўп бўлади,» – дейди-да, дарҳол болани тушириб олади.

Ўша даврда ҳовли деворлари паст бўлиб, от ёки аравада юрган киши ичкарини кўриши мумкин эди. Бу эса мусулмончилик анъаналарига зид экани маълум. Балоғатга етмаган болани ҳам бу ишдан эҳтиёт қилишларини ўйлаб кўриш керак. Албатта, бу уларни ёшлигидан ҳамийятли, ғайратли бўлиб ўсишларини таъминлаган. Бу ерда оддий дехқоннинг биргина ишорани англаб олиши ҳам ибратли.

*Ол, ўзингдан шаръини андозаси бирлан хабар,
Дар қадам айлаб назарни, қил қадамни дар назар,³⁶⁵ –*

³⁶⁵ Қоил Марғиловий. Баёз. 70-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

деганларида Абдуссамад охунд айна мазмунларга ишора қилганлар.

Маълумотларда марғилонлик уламолардан Ҳожи Карим-жон домла, Фозилжон махдумлар ҳам гавжум жойларда юз-ларига рўмол ташлаб юрганлари айtilган.

«Иложи бўлса, камроқ кўришсак»

Ҳазрат Домланинг дунёдор кишилар билан узоқ суҳбатлашиб ўтирмасликлари ҳам тақволарининг асари деб баҳолаш ва хусусан, қалбларини муҳофаза қилиш йўлида қўллаган чораларидан бири деб баҳолаш мумкин. Чунки Абу Абдурахмон Ас-Суламий «Одобус-суҳбат»да: «Аҳли дунёлар билан кўп гаплашмоқ киши қалбига дунё муҳаббатини солади», – дея огоҳлантирганлар.³⁶⁶

Айтишларича, давлатманд кишилардан бири Ҳазрат ҳузурига тез-тез келиб туришни одат қилган экан. Бир гал келганида: «Бизга бирор хизмат йўқми?!» – деб сўрайди. Ҳазрат: «Ҳа, бор, иложи бўлса камроқ кўришиб турсак», – деган эканлар. Чунки,

*Агарда аҳли дунё суҳбати вақтингни чоғ айлар,
Фақиру бебизоатлар гапирса бедимоғ айлар,
Захорифларни нури тушса чашиминги чароғ айлар,
Ҳаваслар норасо бўлганлиги бағрингни доғ айлар,
Бўлурми маърифат биноси қалбингда нуроний.*³⁶⁷

Ушбу ўринда тариқат шайхларидан Иброҳим Қассор (қ.с.)нинг куйидаги сўзи ёдимизга келади. «Ҳар бир инсоннинг қиймати ҳимматига кўрадир. Агар ҳиммати дунё бўлса, унинг қиймати йўқ. Агар ҳиммати Аллоҳнинг розилиги бўлса, унинг қиймати ниҳоясини тасаввур қилиш ва ундан воқиф бўлиш мумкин эмас».³⁶⁸

Абу Усмон Мағрибий (ваф. 373 х.) айтадилар: Кимки, дарвешлар суҳбатиға тавонгирлар (давлатманд кишилар) суҳбатини ихтиёр қилса, Ҳақ таоло ани мурдадил (қалби ўлик) ликка мубтало қилади».³⁶⁹

³⁶⁶ Абу Абдурахмон Ас-Суламий «Одоб ус-суҳбат». Дорус саҳоба лит-турос. Миср, 1410/1990. 53-б.

³⁶⁷ Қоил Марғилоний. Баёз. 45-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

³⁶⁸ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат»... 116-б.

³⁶⁹ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат»... 66-б.

Шунга кўра, мажлислари доим бечораҳол ва камбағал кишилар билан бўлган. Фазлул Вахҳоб Мозорий шундай ёзади:

*Шогирду муридонро кораи мадад ва ёрий,
Авлоди ақорибро вобаи карами шифоқ.³⁷⁰*

Яъни, қилмишлари шогирд ва муридларга кўмак, фарзанду ақрабодларга шафқату меҳрибонлик, эди. Асий Водилий эса:

*Ҳамчу ман сад ятими бекасро,
Мушифиқу меҳрибону файзи расон.³⁷¹*

Яъни, у зот менингдек юзлаб бебизоат етимларга мушфиқу меҳрибон ва файзёб мураббий эдилар, дея келтиради.

Бугина эмас, Ҳазрат Домла давлатманд одамлар ҳадясини қабул қилишда ҳам эҳтиёт йўлни тутганлари айтилган. Олмасликка чора топа олмасалар олгач, муносиб ерларга тарқатиб юборганлар. Фақат Саййид Аҳмад Хўжа камбағалпарвар эканидан Ҳазрат хузурига киришга имкон топган.

Дарвоқе, Саййид Аҳмад Хўжа эшон каби бирор киши Ҳазрат Домлага шойиста хизмат қила олмагани айтилган. Агар бирор муносабат билан ҳовлисига бориб қолсалар, у жонини фидо қилишга рози бўлур даражада хизмат қилар, қадамлари шукронасини адо қилишдан ожизлигини айтар экан. Бу унинг олийжаноблиги ва бу зот мақомларини билганидан эди. Мазкур воқеаларни эслаган Эшоннинг фарзандларидан бири Юнусхон ҳар гал: «Мен энди бу каби зотларни ҳаргиз тополмасам, керак», – дер эди.

Бир куни Эшон Ҳазратни меҳмонга чақиради. Қайтаётганларида у зотга иккита эгарланган от ҳадя қилади. Ҳазрат бош тортадилар. У мажбур қилади. Ноилож, уларни оладилар ва: «Энди бу бизники бўлди, биз эса сизга берамиз, зарур бўлса, олиб кетамиз»,– дея ташлаб кетадилар.³⁷²

Машхур саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) Абу Зар Гифорий (р.а.)га бир кул орқали бир оз ҳадя бериб: «Мана

³⁷⁰ №6-қўлёзма. 62-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

³⁷¹ №6-қўлёзма. 70-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

³⁷² Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Сафилтўда. 1998.

буни олиб бор, агар у буни қабул қилса сен озодсан», – дейдилар. Қул бундан хурсанд бўлиб, ҳадяни олиб келиб топширади. Лекин Абу Зар уни қабул қилмайдилар. Қул илтимос қилиб ялинади ва: «Қабул қилинг, чунки уни олишингизда мени озодлигим бор», – деди. Абу Зар: «Унда сени озодлигинг бўлса, мени қуллигим бор», – дея қайтариб юборадилар.³⁷³

Ҳақ сўзга итоат

Изланишлар шуни маълум қиладики, Ҳазрат Домла ҳақиқатни айтишда кишининг бойлиги, обрў-эътиборига қарамаганлар, нотўғри ишни, айниқса, шариатга зид ҳар қандай ишни кўрди дегунча, уни ўрнида тўғрилаш одатлари бўлган. Бу эса шариат ҳимоясига масъул уламоларга хос сифат экани маълум. Айниқса, у зотни намозга эътиборлари кучли бўлган. Гарчи намоз ҳар бир мусулмон кишини доимий шахсий бандалик вазифаси бўлса-да, онда-сонда унга бепарво кишилар ҳам учраб турар экан. Бирор сабаб билан қазо бўлган намозни дарҳол адо қилишга буюришларидан шу нарсани англаймиз.

Буни ўша даврда етти марта ҳаж қилган ҳожига бўлган муносабатларида ҳам кўрамиз. Ўшанда у Ҳазратнинг сўзини қабул қилмаган ва қазо ўқишга бепарво бўлган эди. Ҳазрат: «Худо вақтини кечади, аммо намоз қолади, уни ўқиш керак, шариат ҳукмига парво қилмасликнинг оқибати ёмон», – дер эдилар. Аввалига у бу гапларга кулоқ солмаса-да, лекин Ҳазрат кўп марта айтганларидан кейин ва у зотнинг баъзи кароматларини кўриб таъсирлангач, қабул қилади.

Айтишларича, шу воқеа сабаб, у Ҳазратга яқин кишига айланиб, мадрасада истиқомат қилиб, бу ерда хизматда туриб қолади. Кейинчалик, мазкур муҳаббати тақозосича, талабаларга қулайлик бўлсин учун мадраса яқинига бир дўкон қуради ва бу ерда зарурий нарсалар савдосини ташкил қилади.

Бир куни шундай воқеа бўлади. У дўконида ўтирган пайти олдидан Мирҳожидан бой исмли марғилонлик савдогар ўтиб қолади. «Ҳа, йўл бўлсин», – дейди. Бой: «Бир «торатан ухро» қилиб олай», – дейди. Бу Куръон оятининг бир

³⁷³ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин...102-б.

қисми бўлиб, «бошқа бир марта» маъносини англатади. Бир қарашда қулоққа «бошқа таҳорат» шаклида эшитилгани билан аслида ундай эмас. Ақида китобларида оятларни бу тарзда қўлласа ва бундан истехзони қасд қилса, диндан чиқиши айтилган.

Ҳожи буни Ҳазрат Домлага айтади. Ҳазрат: «Бой нотўғри иш қилибди, қаттиқ гуноҳкор бўлибди, бу гапда куфрнинг хавфи бор», – дейдилар. Эртаси куни дўкандор бу ҳақда Мирҳожи бойга айтади. Улар бир-бири билан тортишиб, жанжаллашадилар. Жанжал Ҳазрат Домлага етиб боради. Ҳазрат у икковини чақириб, уларга ётиғи билан тушунтирганларидан кейингина улар хатоларини англаб, Ҳазратнинг мухлисларига айланишади.

Дарвоқе, «Ойна» журналининг 1913 йил 7 декабрь, №7-сонида Камийнинг³⁷⁴ аини мазмунда ёзган «Таҳрифи³⁷⁵ каломуллоҳ» номли шеъри эълон қилинган. Шеър остига қуйидаги сўзлар ёзиб қўйилган: «Қозонли Харитунуф матбасинда таҳрифи таъб қилинғон каломи шарифни таббоъиға».

Маълум бўлмоқдаки, Қозонли ношир И.Н. Харитонов Қуръонни бузиб нашр эттиради. Шеър шу муносабат билан ёзилган. Бундан ўша давр кишиларининг муқаддас динимиз ва унга алоқадор нарсаларга ҳурмат ва эҳтиромлари билинади. Маълумот сифатида мазкур шеърни келтирамиз.

Таҳрифи каломуллоҳ

*Худодин қўрқмайин ҳам халқдин ҳаё қилмай,
На деб қилдинг, аё таббоъ, таҳрифи каломуллоҳ.*

*Ўзинг инсоф қилгил, бу нечук журъат, нечук зиллат,
Магар сен душмани мағруру жоҳилдурсан эй, бадроҳ.*

*На мақсад ўлди санга, Ҳақ каломин айладинг ботил,
На қасдинг бор эди, дини Муҳаммадда аё бадхоҳ?*

*Таажжуб, бир гуноҳе айладингким, сониси бўлмас,
Сани қилғон гуноҳинг, одам ўғли қилмади, биллоҳ.*

*Эшитгач, бўйла бир ноҳуи, хабарни ҳушидин кетдим,
Келиб ҳушимга бу ишдан, яқо чок эттиму, минг оҳ.*

³⁷⁴ Каримбек Камий Тошкандий. 1865–1922 йиллар оралигида яшаб ўтган.

³⁷⁵ Таҳриф – луғавий маъноси сўздаги ҳарфни ўзгартириб ёзиш.

*Камийнинг бир дуоси шулдур, эй мўминлар, омин, денг,
Илоҳо, ҳеч кимса кетмасин каж, туриб туз роҳ.*³⁷⁶

Ҳатто мазкур воқеадан сўнг мусулмонлар уни судга бердилар. 1916 йилга келиб, Харитонов матбааси бутунлай ёпилади.³⁷⁷

Ҳазратнинг намозга бўлган эътиборлари уни жамоат билан ўқишга тарғибларида яққол кўринади. Толиблардан бирор кишини беузр жамоат намозини тарк қилишига йўл қўймаганлар. Айтишларича, шогирдларидан бири арзимас густоҳлик қилиб, Ҳазрат кўнгилларини ранжитиб қўяди. Шериклари унга: «Агар сен Ҳазратни рози қилмоқчи бўлсанг, доим жамоатдан пайдам бўлгин-да, шунда кўнгиллари юмшайди», – дейишади. Дарҳақиқат, уни жамоат намозига бўлган муҳаббатини эшитган Ҳазрат Домла ундан рози бўлган эканлар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтадиган эътиборли бир жиҳат бор. Унга маслаҳат берганлар: «Устозингга пул ёки мол бер, деб эмас, балки, жаннат калиди бўлган намозингни бутлаб олсанг, у зотга яхши кўринадан», – дейишлари эди. Маълум бўладики, уларнинг исломнинг мустаҳкам устунини бўлмиш намозга эҳтимоллари қаттиқ бўлган. Асарларда: «Намознинг исломга нисбатан тутган ўрни гўё бошнинг танага нисбатан тутган ўрни каби», – дейилган. Фузайл ибн Йёз: «Агар фарзандим вафот этса мингдан ортиқ кишилар таъзияга келади, аммо бирор жамоат намози мендан фавт бўлса бирор киши ҳам таъзия билдирмайди. Ваҳоланки, мен учун жамоатни тарк бўлиши балоғатга етган солиҳ фарзандимнинг ўлимидан қаттиқдир», деганлар.³⁷⁸

*Ҳақни фармони ўқинглар, эй мусулмонлар, намоз,
Бахти ёр ўлган саодат, аҳли бўлганлар, намоз,
Эй, тамоми бандаликда баҳра олганлар, намоз,
Қалбида нури илоҳий жилваланганлар, намоз,
Вақтида айланг адо, эй аҳли имонлар намоз.*³⁷⁹

³⁷⁶ Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз / Тўпловчи, нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Олим Олтинбек. – Т.: «Маънавият», 1998. – 70-б.

³⁷⁷ Куръони каримнинг Қозон босмаси // «Ўзбекитон адабиёти ва санъати» газетаси, 2006 йил, 28 апрель, №17. Ушбу мақола «Ҳидоят» журналининг 2006 йил март ойи сонидан олинган.

³⁷⁸ Имом Шайбоний. Танбех ул-муғтаррин... 160-б.

³⁷⁹ Қоил Марғилоний. Баёз. Қўлёзма, 26-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Марғилонлик Мирҳожии бой

Шу ўринда Марғилонда ўтган Мирҳожиибой исмли яна бир шахс ҳақида ҳам аниқлик киритиб кетиш ўринли. Ҳозиргача маҳаллий халқ орасида Мирҳожиибой номи тилга олинганида албатта унинг савдо дўкони ёнмай қолгани ҳақида гапирилмай иложи йўқ. Айтишларича, у саховатли савдогар бўлган. Шаҳар бозорида катта дўконлари бўлган. 1911 йилда шаҳар бозорида ёнғин бўлиб, деярли барча дўконлар моли билан ёниб кул бўлгани ҳолда унинг дўкони ёнмай қолади. Бу билан боғлиқ воқеаларни бойнинг авлодларидан бири Турсунбой ҳожии ота шундай ҳикоя қилади: «Ўшанда бобом хуфтон намозига таҳорат олаётган пайтлари экан. Бирдан, набиралари кўчадан югуриб келиб, бозорга ўт кетгани, дўкондорлар молини сақлаш учун югуриб кетишаётганини айтади. Лекин бобом хотиржамлик билан таҳоратлар оладилар ва болага: «Ўзингизни босинг, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ бўлса молимизга ўт таъсир қилмайди, таҳоратингизни қилиб, намозингизни ўқинг», – дейдилар, кейин эса: «молларнинг закоти адо қилинган, мен Парвардигор ваъдасига ишонаман», – деб қўшиб қўядилар.³⁸⁰ Эртасига бомдод намозидан кейин кўп қатори бозорга хабар олгани борадилар. Йўлда кишилар бой отани дўконлари ёнмай қолгани ҳақидаги хушхабар билан кутиб оладилар. Келиб қарасалар, ҳақиқатдан дўкон ёнмаган эди. Энг қизиғи, дўкон ичида бошқа бир кишининг чакмони бўлиб, фақат ўшагина ёнган эди».³⁸¹

Марғилон бозорида бўлиб ўтган мазкур ёнғин ўша давр зиёлилари эътиборидан четда қолмаган. Кўплаб шoirлар унга тарих битганлар. Бизнинг қўлимизда Хожажон қозии домла Рожий, Асий Водилийлар ёзган тарихлар мавжуд. Асийнинг ўн тўрт мисрадан иборат тарихига эса Фаз-

³⁸⁰ Имом Байҳақий «Шабабул имон»да, Табароний «Муъжам ул-кабир»да келтирган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Молларингизни закот беришлик билан кўргонга олинглар...», деганлар. Бу ерда мазкур ҳадисга ишора қилинмоқда. Имом Муновий ўшбу ҳадиснинг шарҳида, закоти берилган моллар курукликда ҳам, сувда ҳам талафотга учрамаслигини айтганлар. Бу маъно, «Жомеъ ус-сағир»нинг шарҳи «Ат-тайсир»да ҳам келтирилган. (Имом хофиз Зайнуддин Абдурауф Ал-Муновий. «Ат-тайсир бишарҳи Жомеъ ус-сағир». Дорун нашр. Риёз. 1408/1988. 1-ж., 1010-б.)

³⁸¹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – 2007.

лул Ваҳҳоб Мозорий мухаммас боғлаган. Мазкур асарлар қўлимизда сақланмоқда.³⁸² Рожийнинг тарихида шундай жумлалар бор:

*Куйди бозор боши моли билан,
Аҳли бозорнинг шароратидан.³⁸³ 1334/1911.*

Изланишларимиз давомида биз Марғилонда турли йилларда бўлиб ўтган вабо касали билан боғлиқ маълумотларни ҳам учратдик. Жумладан, Насруллоҳ хўжа Марғинонийнинг ҳижрий 1307 йилда ёзган бир қўлёзмасида келтирилган маълумотга кўра, Марғилонда 1261, 1289, 1315 ҳижрий йилларда вабо касали тарқалиб, кўплаб аҳолининг ёстиғини қуритган экан.

Девор сиқиб чиқаради

Юқорида Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг тақвога доир ишларни талабаларга ҳам қаттиқ тайинлашлари айтиб ўтилди. Бу борада талабаларга айтган куйидаги сўзлари шоёни таҳсиндир. Мулла Йўлдош охунд шундай дейдилар:

«Ҳазрат Домла бир куни талабаларни тўплаб уларга: «Агар қайси бирингиз бирор чойхонага бориб, унинг ювуқсиз пиёласида чой ичсангиз ёки ҳалол-покиза оғзингизга ҳаром носни ташласангиз, ёки беузр жамоат намозини тарк қилсангиз, ё қаҳқаҳа отиб кулсангиз, мен бу ердан чиқиб кетинг, демайман, лекин хушёр бўлингки, мадрасанинг девори бир ҳафтага кўймай сиқиб чиқариб юборади», – дедилар. Ўшанда бунга бепарво бўлган баъзи кишиларнинг мадрасада тура олмай чиқиб кетганига гувоҳ бўлган эдик».³⁸⁴

Ҳазратнинг бундай дейишлари бежиз эмас. Чунки ўша даврларда шаҳарнинг турли жойларида чойхоналар ташкил этилган бўлиб, аҳолининг уларга кириш одати секин-аста кенгайиб бораётган эди. Рус тадқиқотчиси А.Ф.Миддендорфнинг «Фарғона водийси очерклари» номли китобида Марғилонда 1877 йилда 35 та чойхона бўлгани айtilган.³⁸⁵ Бир қарашда бу ёмон саналмаслиги мум-

³⁸² Р. Файзуллаев кутубхонаси. №6-қўлёзма. 14–16 бетлар.

³⁸³ Р. Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

³⁸⁴ Р. Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Ёзёвон. 2007.

³⁸⁵ Миддендорф А. Ф. Очерки Ферганской долины. СПб., 1882. Прибавление X.

кин, яъни катта ёшли кишиларни жам бўлиб ўтиришлари, аммо-лекин толиби илмлар айна илм ўрганадиган пайти вақтларини беҳуда сарф этиб, чойхоналарда мақсадсиз юришлари нолойиқ экани маълум. Буни олдини олиш мақсадида шундай чорани қўллаган эдилар. Бу бир томондан, иккинчи томондан мадрасани нечоғли покиза ва мукаддас даргоҳ экани англашилади.

Исҳоқхон тўра ўғли Ибрат ҳам мазкур ҳолат ҳақида куюнчаклик билан ёзар экан, бунга одатланган кишилар, агар унда қуйида зикр қилинган ҳолатлар рўй берса, шариат қошида гувоҳлиги қабул қилинмайдиган (ишончсиз) кишилар қаторидан саналишини таъкидлайди:

*«Авомунносда сарфи беҳуда ва мо лояъни, сўз ва ишлар 1290 ҳижрийдан буён одати жорий бўлди. Муни аввалги ҳолда мардуди шаҳодат ва гуноҳ қаторида халқ назари гириҳ ила боқар эди. Алҳол, урфу расм ўрнига кечди. Чунончи, халқимизда чойхона деган исми самовар деб юрутларлар – расм бўлди. Муни вазъи мусофир ва йўлчи кишиларга эди. Булар – умумий нос ҳама мунга мубталодурларки, аҳлия ва олия кишилар аксар мунда тааййуш қилмоқ одатларидурки, эрта намоздан чиққонда дарҳол чойхона дўконида ўлтуруб, кўк чойга мубталодурлар. Уйларида бўлса ҳам мундин ортуқ шайдо эрмиш».*³⁸⁶

Бундан ташқари Ибрат уни гуноҳга сабаб бўлишини ҳам таъкидлаган:

*«Мунда бўлак гуноҳи кабиралар содир бўладурки, ул гийбатдир. Аммоки, оилалик кишиларга ўз уйида бекалари илан емакни буюрган. Унда (чойхонада) ўйин ёки шикоятлар бўлур. Анда ижтимоъи саййиа (ёмон ишга тўпланиш) бўлишида гумон йўқдур».*³⁸⁷

Завқийнинг мадраса талабаларига қилган насиҳатида ҳам айна маъноларни кўрамиз. Айниқса, уни Андижон, Марғилон, Хўқанд, Наманган, Чуст, Косон шаҳри талабаларини тилга олгани ҳам буни тасдиқлайди.

Насиҳат

*Расм деб, ҳар ишни хў қилманг,
Эй, хирадманду аҳли Фарғона.*

³⁸⁶ Исҳоқхон тўра Ибрат... 179-б.

³⁸⁷ Ўша асар, ўша бет.

*Толиби илм, эшитсангиз,
Фасли аср айламангиз авомона.*

*Андижон, Марғилон, Хўқандийсиз,
Ё, Наманган, Чуст, Косона.*

*Буни «сак сайр» дер, Бухор аҳли,
Ҳеч ярашмас, бу феъл инсона.*

*Ҳам, валангу саланг юрмоқни,
Дейди, дангаса ёки девона.*

*Безори-ю, чапан шиидир бу,
Боки йўқ, нисбат этса ҳайвона.*

*Истасангиз агар саёҳатни,
Ақлингиз бирла боринг, ҳар ёна.*

*Чорсуларда ҳеч уялмайсиз,
Чапанона юришида саллона.*

*Субҳ то шом заҳр чой ичасиз,
Кўп зарар, жабр этмангиз жона.*

*Дарс такрорин айланг, доим,
Бас қорин тўйса ош ила нона.*

*Бўлса таътил кунларида қаранг,
Жомию, Бедилу назми девона.*

*Бу насихатни мен сиза қилдим,
Меҳрибонликда тенг тутиб жона.*

*Бу васиятни Завқийдан эшитинг,
Ҳикматойиндур ҳақимона.³⁸⁸*

Қўйилган талабларнинг қанчалик муҳим эканини «Таълим ул-мутааллим» китобида келтирилган фикрлар ҳам тасдиқлайди. «Шубҳалардан сақланмоқ» бобида шундай тавсия келтирилган: «Толиби илм таҳсил пайтида имкон қадар бозорда тайёрланган таомни ейишдан сақлансин. Чунки, бозорнинг таоми тайёрловчилар бепарволиги сабаб нопокликка яқиндир. Аллоҳнинг зикридан узоқ ва ғафлатга

³⁸⁸ Завқий. «Ажаб замона» – Т., «Шарқ», 2003. – 122-б.

яқин. Қолаверса, унга камбағал ва йўқсилларнинг кўзи тушиб, егиси келган, лекин сотиб олишдан ожиз бўлган. Шу туфайли баракаси кўтарилган».³⁸⁹

Мазкур боб сўнгида: «Ўтган улуғ уламолар шу хилда парҳез қилганлар. Шу сабабли, уларга беқиёс илм ва мислсиз таснифотлар муяссар бўлган», дея урғу берилган.

Алишер Навоий «Насоим ул-муҳаббат»да тариқат шайхларининг зикрини қилар эканлар, уларнинг бу йўлдаги муҳим иши луқма ҳилляти (луқманинг поклиги) га эътибор қаратишганини келтирадилар ва шундай дейдилар: «...ва ҳалол луқма бу ишда асосийдирки, ондин файзу маърифат ҳосил бўлур. Бир шубҳалик луқма онча тийра (қора)лик келтирурки, кўп вақт онинг ислоҳиға машғул бўлиб, маълум эмаски, дафъи (уни кетказиш) не навъ сурат боғлар».³⁹⁰

«Тухфат ус-соликин» номли асарда: «Кимки ҳалолдан еса гарчи гуноҳ қилмоқчи бўлса ҳам бунга эриша олмайди, чунки банданинг тоатлари уни луқмасидан ҳосил бўлади», дейилган. Иброҳим ибн Адҳам:³⁹¹ «Ҳалолдан егин-да, кечаси туриб нафл намоз ўқий олмаганингга ва кундузлари рўза тута олмаганингга ҳаргиз ачинма», – деганлар.³⁹²

«Сиз қаерда ўқигансиз, ўзи?»

Ҳазрат Домланинг тақволари борасида сўз кетганда қуйидаги воқеа ҳам ибратли. Маълумки, Чор Россияси Ўрта Осиё халқларини босиб олгач, бутун Туркистон мулки босқинчилар мустамлакасига айланган. Уларнинг қадами юртимизга етиши туфайли турфа нохуш ҳолатлар пайдо бўлган. Ушбу манзараларни 1898 йилда Андижонда бўлиб ўтган миллий озодлик ҳаракати ташаббускори улуғ шайх Муҳаммад Али халифа – Дукчи эшоннинг қуйидаги сўзларидан билсак бўлади. У зот муридларига қуйинчаклик билан қилган ваъзларининг бирида шундай деган эдилар:

«Эй биродарлар! Ҳаммамизга маълумки, юртимиз мусулмон юрти, эл мусулмон, халқ мусулмон, шариятнинг

³⁸⁹ Шайх ул-ислом Имом Бурхониддин Зарнужий. «Таълим ул-мутааллим»... 125-б.

³⁹⁰ Алишер Навоий. «Насоим ул-муҳаббат» Т.: 2001, 15–16-б.

³⁹¹ Абу Исҳоқ Иброҳим Адҳам ибн Сулаймон. Фузайл ибн Иёздан таълим олган. Каромат ва мақомот аҳлидан. 777 йилда Шом шаҳрида вафот этган.

³⁹² Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин»... 52-б.

ҳукми жорий, амри нофиз эди. Ҳукуматга Аллоҳ ўзи биландир, бу босқинчиларни мусаллат қилди. Юртимизга бегоналар келди... У аввал Ватанимизни, сўнгра тилимизни истило қилди. Секин-аста динимизга истило қилмоққа бошланди. Кўряписизларки, мусулмоннинг ахлоқи бузулди. Русиянинг келганига ўттиз йил тўлмай улар рибо (судхўрлик)ка одаланди. Ҳалол-ҳаромни фарқ қилмас бўлдилар. Хулоса шулки, шариатимиз ҳор, мусулмончилик гариб бўлди, ҳурриятимиз зойиб бўлди. Ўзимиз ўтмас, сўзимиз кесмас бўлди...».³⁹³

Айтишларича, шу пайтда шунча хўрликлар етмаганидек, Оқ Пошшо – Николай II³⁹⁴ ўзининг номини жума хутбасига кўшиб ўқишга фармон чиқаради. Шунга кўра, Туркистон генерал-губернатори Барон Веровский бу ҳақда Туркистон вилоятидаги барча жомеъ масжидларида айём кунлари ва бошқа подшоҳлик байрамларида шу каби хутбани ўқимокни буюради.³⁹⁵

Бу ҳақда Қўкон мухторияти³⁹⁶ раиси Мустафо Чўкай³⁹⁷ шундай дейди: «Туркистон Ўлкаси учун қўйилган миссионер Остроумов³⁹⁸нинг таклифига кўра, Туркистон мусулмонларига жума намози хутбаларида Оқ Пошшо номини кўшиб ўқишликка кўрсатма берилди. Мустамлака мусулмонлари таҳқирланиб, рус амалдорларига таъзим бажо этишга мажбурланар эдилар...».³⁹⁹

Ёки, давлат ва жамоат арбоби Турор Рисқуловнинг куйидаги гапларини тинглаб кўрайлик. «Приставларнинг

³⁹³ А.Эгамназаров. «Сиз билган Дукчи Эшон». Т., 1994. – 34-б.

³⁹⁴ Николай II. 1968–1918. Александр III нинг ўғли. 1894–1917 йилларда Россиянинг энг сўнгги императори бўлган.

³⁹⁵ Ўз МДА. И-1009, йиғма жилд, 1-иш, 34 varaқ. Александр III (1881–1894) номига хутба.

³⁹⁶ 1917 йилнинг 9 декабрида Қўкон шаҳрида ўлка мусулмонларининг фавкулудда қурултойи очилади ва Туркистон мухторияти эълон қилинади. Унинг биринчи раиси таникли жамоат арбоби, Алаш Ўрда партиясининг раҳбарларидан бири Тинишбоев бўлган эди. Аммо у бори-йўғи бир ҳафта раислик қилди. Ўрнига Мустафо Чўкай тайинланади. Бирок унинг ҳукумати ҳам узоқ яшаёлмайди – орадан уч ой ўтар-ўтмас большевиклар томонидан тор-мор этилади.

³⁹⁷ Мустафо Чўкай Чўкайбей Тўрғай Додҳо ўғли. 1890 йилнинг 17 январида Оқмачит шаҳрида туғилган. Оқмачит ҳозир Қизил Ўрда вилоятининг маркази. 1917 йилда вазиятни ўрганиш, халқ кайфиятини билиш учун Марғилонга ҳам келган. 1941 йилнинг 27 декабрида вафот этган.

³⁹⁸ Н.П.Остроумов (1846–1930). У 1883–1917 йилларда «Туркистон вилоятининг газетаси»да муҳаррирлик қилган.

³⁹⁹ М. Ҳасаний. «Юрт бўйнидаги қилич ёки истило». Т.: 1997, 92-б.

ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, улар, ҳатто масжидларга қўнғироқ осмоқчи бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳукмдорликларини кўрсатмоқ учун намоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар...».⁴⁰⁰

Бу ўша даврнинг: «Эй воҳ-ҳ, Оқ Пошшонинг номидан янги фармон келибди, Николайни номини хутбада ўқиймизми?! Бу қандай гап?!»⁴⁰¹ дея ғазабланган, эътиқоди мустаҳкам пок қалбли, миллатпарвар кишиларни ранжитгани каби Ҳазрат Домланинг нафратларига сабаб бўлади. У зот буни очиқ инкор қиладилар ва фармонни бажармайдилар.

Аммо бу Туркистон генерал-губернаторига етиб боради. У бу ҳақда Фарғона губернаторига топшириқ беради. Бу ишни ҳал қилиш ўлка приставига юкланади. Ўша давр рус амалдорларига хос кийинган пристав ёнида бир тилмочи билан Марғилонга – Хонақоҳга келади ва Ҳазрат билан ёлғиз гаплашмоқчи эканини тилмочи орқали тушунтиради. Ҳазрат рози бўладилар. Тилмочни ташқарида қолдирган приставни тўғри Ҳазрат хузурига олиб кирадилар. Бу ерда у Ҳазрат билан соф ўзбек тилида сўзлашади.

Пристав нима учун фармонга қарши чиққанлари сабабини сўрайди. Ҳазрат, бу каби ишлар шариатга зид экани, буни қилган киши Аллоҳ олдида қаттиқ гуноҳкор бўлишини айтадилар. Шунда пристав: «Сиз қаерда ўқигансиз?» – деб сўрайди. Ҳазрат Бухорода ўқиганларини айтадилар. «Мадрасада Татаристондан келиб ўқийдиган фалон исмли талабани билармидингиз?» – дейди. «Ҳа», – дейдилар. «Кўрсангиз уни танийсизми?», – дейди. «Танийман, бошида аломати – ортиғи ҳам бор эди», – дейдилар. Шунда у бошидаги қалпоғини олиб, ўша аломатни кўрсатади...

Маълум бўлишича, пристав бирга таълим олган ўша татар шериклари бўлиб, Чор ҳукумати уни Бухорога махсус юбориб ўқитган экан.

Сухбат охирида у Ҳазратга раҳмат айтиб, ҳали ҳам талабалик пайтларидаги каби тақвода турганларига таҳсин айтади ва хутбани бемалол ўзлари билгандек ўқийверишларини ва у ёғини эса ўзи тўғрилаб қўйишини айтиб, чиқиб кетади.⁴⁰²

⁴⁰⁰ Кўрсатилган асар... 92-б.

⁴⁰¹ Кўрсатилган асар... 83-б.

⁴⁰² Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Сафилтўда. 1998.

Маълум бўлганидек, Аллоҳ таоло Ҳазратнинг тақволари эвазига мазкур гуноҳдан сақлаган. Бу Қуръони каримда «Кимки Аллоҳга тақво қилса (Аллоҳ таоло) унга нажот учун йўл пайдо қилади...», (Таҳрим сураси, 6-оят.) маъносида оятнинг исботи эди.

Касбу камолотлари

Ушбу ўринда мавзуга муносиб бўлгани учун Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг касбу камолотлари ҳақида тўхталиб ўтамыз. Маълумотларда Ҳазрат Домлани кўл меҳнати эвазига рўзғор қилишлари айtilган. Бунда ҳам асосан, Ҳазратнинг луқмани ҳалолдан бўлишига эътиборлари кўриниб турибди. Гарчи меҳнатсиз келган даромад ҳаром дейилмаса-да, уни қайси йўлдан топилиши ва тайёрлаш жараёни номаълум эканидан шубҳадан холий бўлмаслиги мумкин. Хусусан, Хонақоҳий Ҳазрат Домладек тариқат шайхлари бу соҳада жуда эҳтиёткор бўлишганини кўрамыз. Чунки: «Уламолар қалбидан илмини кетказувчи энг биринчи нарса бу тамадир», – дейилган. Яъни, инсонлар кўлидаги нарсалардан умид қилиш. Қолаверса, улар шариат қошида «талаби ҳалол», яъни киши ҳалол йўлдан ризқ талаб қилиши фарзлиги ва уни шаръийга мувофиқ йўл билан талаб қилиш эса суннат эканини жуда яхши билганлар ва шунга амал қилганлар.

Иброҳим ибн Адҳам кунларнинг бирида кемада кетаётсалар, бирдан бўрон кўтарилади. Одамлар ҳазратга: «Мана бу шиддат-қаттиқликни кўряпсизми?», – дейишади. У зот: «Шу ҳам қаттиқлик бўлибдими, одамларга муҳтож бўлиб қолишнинг қаттиқлиги олдида бунинг шиддати нима?», – дейдилар.

Хабарларда, ким қирқ кун давомида ҳалолдан еса, Аллоҳ таоло унинг қалбини нурли қилиб, қалбидан илму ҳикмат булоғини оқизиб қўйиши айtilган. Ҳатто кимки тақво қилса, суннатга амал қилиб, ҳалолдан еса, у бу умматнинг авлиёсидир, дейилган.

Саҳл ибн Тустарийнинг: «Киши луқмасини парҳез билан емагунича имон ҳақиқатига эриша олмайди», – деган гаплари машҳур. Баъзилар: «Кимни ейиши ҳалолдан бўлмаса, қалбидан ҳижоб-парда кўтарилмайди ва қалб иллатига мубтало бўлади», – деганлар.

Ҳазрат Домланинг касблари китобат қилиш бўлиб, бу соҳада кўпроқ дарсликлар ва баъзан, Куръони каримни китобат қилганлар. Мулла Йўлдош охунднинг айтишича, ҳар ҳафтада битта «Ҳафтияк» кўчирач эканлар. Таҳсил пайтида кўпроқ «Фикҳ Кайдоний»⁴⁰³ни ўзганлар. У зот дасхати билан ёзилган ва кўчирилган китобларнинг нусхалари ҳозиргача сақланиб қолган.

«Ўзингни тилинг йўқми?!»

Маълумки, Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати кириб келиши сабабли уларнинг тилига хос баъзи сўзлар ерли мусулмонлар ўртасида ҳам ишлатила бошлаган эди. Ҳазрат Домла бу ишга жуда қаттиқ турар ва талабаларни ҳам ажнабий сўзларини аралаштириб сўзлашишдан қайтарар эканлар. Аслида бу нутқ маданиятига хос бўлмаган одат. Фанда бу, яъни ўзбек тилига бошқа тиллардан кириб, ўзлашган сўзлардан бошқасини ишлатиш «вульгаризм» деб, аталади. Чунончи, бу ҳақда Исҳоқхон тўра Ибрат «Мезон ул-азмон» номли китобида хабар бериб ўтган эди.⁴⁰⁴

Мушаррафхон охунд домла айтадилар: «Бир куни Ҳазрат Домла ҳузурда ўзим билмаган ҳолда шу тарзда сўзлаб юборибман. Шунда Ҳазрат менга қараб: «Ўзингни тилинг йўқми?!» –деган эдилар.⁴⁰⁵

Мазкур жумлаларни ўқиган кишиларда турли фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Бу ерда эътибор берилаётган жиҳат ўзга бир миллатнинг тили, дини, урф-одатларини камситишлик бўлмай, балки ўз миллатининг миллий қадрият ва анъаналарига содиқ бўлишга тарғиб этилмоқда. Чунки бунинг остида маҳаллий кишиларни ўз дини ва урф-одатларидан узоқлашиши осонликча вужудга келиши мумкин эди. Энг қизиғи, Ҳазрат Домлани мазкур ҳақиқатни англаб етганларида. Негаки, бу мустамлакачиларнинг, хусусан, миссионерларнинг ғаразли ниятларини амалга ошишига қулай шароит яратар эди.

Кириак Бендриков «Туркистонда халқ таълими тарихидан» мақоласида шундай ёзган эди:

⁴⁰³ Лутфулла Насафий Фозил Кайдонийнинг XIV аср охирида ёзган ханафий мазҳаби фикҳига оид асари. Мазкур асар ўша даврларда мадрасаларда ўқитилган.

⁴⁰⁴ Исҳоқхон тўра Ибрат... 182-б.

⁴⁰⁵ Исҳоқхон тўра Ибрат... 62-б.

«1869–1870 йиллари Русия халқ маорифи нозири Д. Толстов раҳбарлигида рус бўлмаган халқлар учун бошланғич мактаблар тармоғини кенгайтириш режасида: «Мамлакатимиз ҳудудида яшаётган барча ёт миллатларга таълим беришнинг пировард мақсади, шубҳасиз, уларни руслаштириш ва рус халқи билан қўшилиб кетишини таъминлашдир», деб кўрсатилгани айtilган. Бундан илҳомланган Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман ҳарбий нозир Милютинга юборган лойиҳасида шу мақсадда диний таълимга асосланган мактаб-мадрасалар ўрнига рус-тузем мактаблари ташкил этиш, айниқса, Туркистондаги уч миллионли аҳолининг учдан икки қисмини ташкил этувчи кўчманчиларни Ислом таъсиридан «қутқариш» учун уларни шу мактабларга кенг жалб қилиш таклифини киритгани айtilган.⁴⁰⁶

Ўша даврда аҳоли орасида пайдо бўлган ёмон одатлар жумласида тамаки ва нос чекиш одати ҳам бор эди. Ҳазрат Домла бу нохуш ҳолатни кўриб жим тура олмаганлар. Ваъзларининг бирида уларни макруҳи таҳримий (ҳаромга яқин макруҳ) эканига фатво берадилар. Чунки халқни ҳидоятга бошлаш, пайдо бўлган маънавий иллатларни йўқотиш ҳар бир замонда уламолар зиммасига тушишини у зот яхши англаганлар.

Исҳоқхон тўра Ибрат «Миллатни ким ислоҳ этар?» мақоласида айтганидек: *«Биз Туркистон мусулмонлари орасида хилофи шариат одатларини кўплиги ҳар кимга маълумдир. Мунинг дафъ ва ислоҳини ким этар? Бизнинг фикримизча, мунинг дафъу ислоҳига уламо ҳазароти камари ҳиммат боғлаб, муқаддас меҳробу минбардан ваъз сўйлаб, аҳолига аҳкоми шариатни билдируб, байтуллоҳ ҳукминдаги масжид ва жомеъларида эртаю кеч амр ба маъруф (яхшиликка буюриш) ва наҳий аз мункар (ёмонликдан қайтариш) этиб, халойиқ англайтурсон бир тил илан панду насиҳат этсалар, ҳам мунинг ҳеч қўймасдан ҳар кун баъд аз намоз фаҷр ва баъд аз хуфтон доим мухталиф мавзуларда баҳс этсалар, албатта, таъсирсиз қолмас. Хусусан, муқаддас масжидда сўйлангон ваъз ҳар бир мўмин қалбина ду боло (икки баробар) таъсир этар...»*⁴⁰⁷

⁴⁰⁶ Кириак Бендриков. Очерки по истории народного образование в Туркестане (1865–1924), Москва, 1960 г. С. 64.

⁴⁰⁷ Исҳоқхон тўра Ибрат...179-б.

Айтишларича, фатво чиққан куннинг эртасига масжид ташқарисидаги харсангтош олдида носқовоқ синиқларидан катта уюм ҳосил бўлган экан. Бундан ўша давр кишиларининг уламолар сўзига эътибори англашилади.

Идрис халифанинг айтишларича Ҳазрат Домла: «Бу дунёда тутунни ютган у дунёда тутунда қолади, Парвардигор жамолини ҳам кўра олмайди», – деган гапларидан у зотни бу соҳада қанчалик қатъий турганлари ва халқни мазкур иллатдан қутултириш учун ҳакимона йўл тутганлари маълум бўлади.

Маълумки, Аравон ва Новқат туманларида ерли дехқонлар тамаки экишган. Ҳазрат ўша томонга сафарга борганларида тамаки экадиган дехқонларни ҳам бу ишдан қайтарар эканлар. Ҳазратнинг тамакизор ёнидан ўтиб кетаётиб: «Тамакига лаънат бўлсун» деб уч марта айтса, у қуримай қолмайди», – деган гаплари мазкур кураш йўлида қўллаган чораларидан бири эди.

Агар биз Ҳазрат Домлада таълим олган талабалар фаолиятини синчиклаб ўрганадиган бўлсак, уларнинг бу соҳада ҳам устоз ўғитларига содиқ эканларини кўрамыз. Масалан, Идрис халифа ҳаётида бу қўйидагича бўлган. Халифа Обшерда турган кезлари ерлик қирғизлар билан бу борада қаттиқ мунозаралар олиб борганлар. Кейинчалик, Тожикистонга кўчиб борганида ҳам у ердаги фаолиятларининг аввали тамаки ва носга қарши «кураш» дан бошланган. Бу билан боғлиқ бир воқеани фарзандларидан кекса ёшли Сотиболди-хон ота шундай хотирлайди:

«Оиламиз билан Тожикистонга кўчиб борганимизда мен етти яшар бола эдим. Отамни ўша ердаги катта жомеъга имом қилиб тайинлашди. Баъзан, жума кунлари мени бирга олиб кетар эдилар. Мен чиққунларича, отларини пойлаб ўтирар эдим. Жумага келувчи кишиларнинг асосийси ерлик тожиклар эди. Улар отларини дарахтга боғлаб, кириб кетишдан олдин ёнидан ниманидир олиб кавушлари ичига солиб қўйишар эди. Намоз бошланганда қизиқиб бориб қараб кўрар эдим. Улар кумуш, шиша ва ҳар турли тошлардан ишланган чиройли носқовоқлар экан. Чиққунларича уларни томоша қилиб ўтирар эдим.

Бир куни келаётганимизда йўлда бу ҳақда отамга айтиб бердим. Шунда отам: «Ҳай-ҳай, уларни ушладингми-а?!

Ахир мен улар билан олишиб-олишиб, шу ерга келсаму, сен ҳали уларни ушладинг ҳамми?! Қоч, менга ёпишма, қўлингни ҳам ювамагандирсан!...» – дея қойиб бердилар». ⁴⁰⁸

Охунжон қори Водилийни нос чекиб келган кишига иқтидо қилма, дейишлари устоз тавсиясига амал қилишларидан эди. Муҳаммадумар Ғурбатийнинг эса мазкур «кураш»даги амалий фаолияти асарларига ҳам кўчган эди. Унинг бу нафратини нос ва тамакини ёмонлаб ёзган асарида қуйидагича кўрамаиз.

Ғурбатий нос мазаматида

*Мўмин эрсанг эй биродар, чекма ҳаргиз носни,
Солмагил овзингга ҳаргиз, нос деган ифлосни.*

*Носни асли тамаки, бавли шайтондур билинг,
Қил ҳазар андин ҳамиша, чекма ул ханносни.*

*Нос солиб мурдор қилманг, жойи имондир билинг,
Тил каломи Ҳақ чиқур, ул сураи «Ихлос»ни.*

*Нос чектириб қилса изво, сенга шайтони ражсим,
Сен ўқиб «ла ҳавла»ни, рад айла ул васвосни.*

*Нос ила кўкнор ҳажвин, Ғурбатий итмом этиб,
Ёди Ҳақдин ўзгага, сарф этмагил анфосни. ⁴⁰⁹*

Кўриниб турибдики, бунда фарзанд ва шогирдларни ҳалоллик ва покликка ўргатиш билан бирга Аллоҳнинг каломи тиловат қилинадиган жой – оғиз поклигига эътибор берилмоқда. Бу ўз-ўзидан кейинчалик уларни бугунги кунда оммавий муаммога айланган гиёҳвандлик иллатига мубтало бўлишларини ҳам олдини олган. Уларнинг тарбиявий соҳалардаги тез-тез такрор қиладиган қоидалари қуйидагича эди.

*Ёшлигингда одат қилсанг, қаригунча кўникарсан,
Қариганда одат қилсанг, кўниккунча кўмиларсан.*

⁴⁰⁸ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Эшонгузар.1998.

⁴⁰⁹ Баёзи Ғурбатий... 365-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Ғиштни ким қўяди?

Хонақоҳий Ҳазратнинг тақволари ҳақида сўз кетганда, Марғилондаги машҳур Жомий ҳаммоми қурилишида бўлиб ўтган воқеани эслаб ўтиш жоиз. Маълумотларга кўра, шаҳарнинг Узун ҳовуз маҳалласида жойлашган мазкур қадимий ҳаммомни мулла Муҳаммадшоҳ хўжа Сайид Мусо хўжа ўғли (1862–1913) қурдирган. Мазкур шахс тарихчи Муҳаммад Азизнинг айтишича, Марғилондаги «соҳиб ускуна» ва «соҳиб иқбол» кишилардан бири эди.⁴¹⁰ Айтишларича, у ҳаммом пойдевориغا ғишт қўйиш олдидан ташкил этилган анжуманга ўша даврнинг кўплаб уламоларини таклиф этади. Ҳамма йиғилгач, анжуман пайти уларга қарата: «Ушбу ҳаммомни яхши ният билан «шифойи ҳаммом» бўлсин деб қурмоқчи бўлдик, шунга дастлабки ғиштини қўйиб беришларингиздан умидвормиз», – дея мақсадини изҳор этади. Унинг сўзини тинглаган меҳмонлар мулоҳаза қилиб: «Шундай экан, унинг ғиштини ҳаёти давомида мустаҳаб амалини ҳам қасддан тарк қилмаган киши қўйиб берсин», – дейдилар.

Лекин, ҳеч ким бу ишга журъат қила олмайди, чунки бу ҳар ким ҳам журъат қила олмайдиган нозик шарт эди. Шу туфайли, бу ишга кимни таклиф этилса, узр айтиб, Ҳазрат Домлани кўрсатар эди. Шу зайлда давра айлангач, Ҳазрат Домла туриб, унинг биринчи ғиштини қўйган бўладилар.⁴¹¹ Маълум бўлмоқдаки, бунга Ҳазрат муносиб эканлар. Чунки, Абдуллажон маҳдум айтганларидек, у зот мустаҳаб амалини ҳам қасддан тарк қилмаган эдилар.

Қадимдан шарқ халқлари орасида машҳур бинолар пойдевориغا замон улуғларидан бирига тош қўйдириш анъанаси мавжуд. Бундан мазкур биноларни мустаҳкам бўлиши ва эл-улус манфаъатига хизмат қилиши кўзда тутилган. Бу ҳолат Кўкон хонларидан амир Умархон даврида ҳам бўлганини Исҳоқхон тўра Ибрат «Тарихи Фарғона» асарида қуйидагича келтиради:

⁴¹⁰ Марғилон уездида 1897 йилга келиб ўттизга яқин сармоядорлар қўлида пахта тозалаш заводлари мавжуд бўлиб шулардан иккитаси Муҳаммадшоҳ хўжа Сайид Мусоҳўжаевга тегишли бўлган. Бу ҳақда қаранг: Обзор Ферганской области за 1897 г. Новый Маргелань, 1899. С.76.

⁴¹¹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Ёзёвон. 2007.

*«Маишхур Умархон асринда мадраса қилмоқ, илмга ривож бермоқ, шариат аҳкомини жорий қилмоқ расм ўрнинда бўлуб, хон ўзи бошлаб, мадрасани жомеънинг биносига уруниб, асосга тош қўймоқ бўлганда уламо ва фузалолар ва умароларнинг ақобири вилояти Хўқанд жам бўлганда: «Асос тош қўядиган киши балогатдан буён тарки мустаҳаб содир бўлмаган киши тош қўядур», – деганда, бу уламою фузалолардин ҳеч ким қодир бўлмай, ожиз бўлганда хон ўзи: «Алҳамдулиллоҳ, ман тарки мустаҳаб қилмаганман умримда!» – деб, асос тошни ўзи қўйганда, уламоий аср иттифоқ илан «жаннатмакон» лақабини берган экан».*⁴¹²

Шу ўринда Муҳаммад шоҳ хўжанинг ҳаммом қурилишига асосан, замон алломаларини таклиф этилиши масаласини мулоҳаза қилиб кўрсак. Халқ эҳтиёжи учун қурилган оддий ҳаммомга ғишт қўйиш ишига бунчалик «зеб» бериш, мантиқан тўғри бўлмас. Эҳтимол, ҳаммом Хонақоҳ мадрасасига вақф сифатида бино қилинган бўлса керак. Унга ғишт қўйиш маросимига йиғилганлар, айнан, Хонақоҳий Ҳазрат Домлани кўрсатганлари ҳам шундай хулоса чиқаришимизга сабаб бўлади. Қолаверса, қадимдан маҳаллий мулкдорлар томонидан муайян мадраса ва хонақоҳлар учун шу каби вақф иншоотларини бириктиргани маълум. Бундан кўзланган мақсад, асосан, мулк эгаларининг «охират учун озуқа» ишлаши бўлса, иккинчи томондан улар дунёда обрў ва шарафга сабаб бўлган.

Масалан, XIX асрда яшаган А.Борнс Бухоро мадрасалари ҳақида келтирган маълумотларида: «...шаҳарда 366 та «катта ва кичик» мадрасалар бор», – деб кўрсатар экан, «улар вақф этилган бозорлар, ҳаммомлар, атрофдаги ерлардан келадиган даромадлар ҳисобига кун кўришини...», ёзиб қолдирган.⁴¹³

Бундан ташқари, юқорида келтирган фикримизнинг ҳақиқатга яқин эканини Хонақоҳнинг қадимий минораси қулаб тушганида унинг ғишларининг бир қисми мазкур ҳаммомни таъмирлаш ишига ишлатилгани ҳам қувватлайди.

⁴¹² Исҳоқхон тўра Иброт... 93–94-б.

⁴¹³ Борнс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря с подарками Великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятом ... в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом ост-индской компанейской службы Александром Борнсом. – М.: Университ. тип., 1848–1849. Ч. II. С.431.

Ҳазрат Домланинг «имомии»

Изланишлар давомида шу нарса маълум бўлдики, Хонақоҳий Ҳазрат Домла муносиб бўлганлари ҳолда масъулият ҳисси бўлган кўплаб ишлардан сақланишга интиланлар. Бу жамоат намозига камдан-кам имом бўлишларида ҳам кўринади. Гарчи шарафли ва шу билан бирга савобли бўлгани ҳолда бу вазифадан сақланишлари у зотнинг шахсий хусусиятлари сифатида изоҳланади.

Ҳатто бир гал шундай воқеа рўй беради. Ҳазрат Домла масжидга кириб келиб, олдинги сафдан жой оладилар. Намоз яқинлашса ҳамки имом ҳозир бўлмайди. Вақт эса ўтиб боради. Ҳазратнинг олдида бошқалар бу ишга журъат қилиша олмайди. Ноилож, Ҳазрат ўзлари намозга бош бўладилар. Лекин орқада турганларга «қийналиб» адо этаётганлари шундоққина билиниб туради.

Навоий «Махбуб ул-қулуб» номли асарларининг имомат бобида шундай деганлар: «Имомат қилгучи ўз қироатининг шифтаси, яъни мафтунидир ва ўз намозининг фирифтаси, яъни алданганидир. Кишилиқ, яъни комил инсонликдан ҳаёлида ўзича тасаввурлар ва яхшилиқдан кўнглида турфа такаббурлар. Намозга имомат комил имом ишидур ва ўзин мундоқ тасаввур қилган жоҳилу нотавон кишидур».⁴¹⁴

Ҳазрат Навоий бу сўзлари билан эл олдида туриб имомлик қилувчи киши табиатида пайдо бўлиши мумкин бўлган иллатни баён қилмоқдалар. Чунки эл олдида пешволик қилиш агар ҳушёр бўлмаса, ҳар қандай кишининг нафсида, ўзини элдан айрича тасаввур қилиш кайфиятини пайдо қиладики, бу эса унинг маънавий ҳалокатидир.

Шогирдларидан Абдулмўмин қори Ҳазратнинг махсус имомии бўлиб, қирқ йил мобайнида у зотга имомлик қилганлари айтилган. 140 нафар талабалар орасидан танлаб олиб бу хизматга қўйишларидан «имомлари»ни бошқалардан тақво ва парҳезда мумтоз эканини билса бўлади. Ҳар гал унга: «Имом ўз оти билан имом, яъни олдинда турувчи, доим ўз жойингизга лозим бўлинг», дея таъкидлашларидан эса ҳар бир вазифа эгаси ўз ишини пухта бажариши муҳимлиги билинади.

⁴¹⁴ Алишер Навоий. «Махбубул-қулуб». Т.: 1998 йил. 28-бет.

Шу ўринда тасаввуф шайхи, тайфурия тариқати асосчиси Боязид Бистомий (ваф.961.) билан боғлиқ куйидаги воқеа диққатга сазовор. У зот бир муддат бир имомнинг орқасида намоз ўқиб келадилар. Бир куни у шайхдан: «Сиз ҳеч қандай меҳнат қилмайсиз, қаердан еб-ичасиз?» – деб сўрайди. Шайх: «Тўхтаб тур, мен олдин орқангда туриб ўқиган намозларимни қайтариб ўқиб олай, кейин айтаман», – дейдилар, кейин: «Сен Аллоҳ таолони танимас экансан, Уни танимаганларнинг намози қабул бўлмайди», – дейдилар.⁴¹⁵

Намозга мени ўтказишади

Айтиш ўринлики, бу масъулиятдан нафақат Ҳазрат Домла, балки ўша даврнинг бошқа алломалари ҳам ўта хушёр бўлишганини кўрамиз. Жумладан, Мирхалил Бухорий домла ҳаётида бу куйидагича бўлган.

Бу у зотни Ҳазрат Домланинг таклифи билан Хонақоҳ мадрасасига ташриф буюрган чоғларида содир бўлган эди. Ўшанда кутиб олишга саф тортган талабалар қаторида жой олган Олтиариқ қишлоғидан келган Мадқосим қори Файзи-муҳаммад ўғли (1882–1980) шундай дейдилар: «Бухорий домла асҳоблари билан кириб кела бошладилар. Ўшанда домланинг кароматларига гувоҳ бўлган эдим. Мени олдимга келганида тўхтадилар ва менга қараб: «И-йе, бу бола бемор экан-ку, дарҳол мана бу муолажани қилса, иншааллоҳ тузалиб қолади», – дедилар ва уни тартибини ёнларида турган кишиларга тайинлаб бериб, ўтиб кетдилар. Мен анграйиб қолдим. Негаки, ҳақиқатдан мен ўша куни касал эдим. Лекин буни ҳеч кимга айтмаган, домлани ҳам биринчи марта кўриб туришим эди».

Дарвоқе, Бухорий домла тиб илмидан ҳам хабардор бўлиб, уни Бухорода таълим олаётган кезлари асрдан кейинги бўш вақтларида ўрганган эканлар.

Ўша куни Бухорий домла Ҳазрат Домда билан суҳбатлашиб ўтириб: «Бўлса-бўлмаса, қавмларингиз мени намозга ўтиб беришимни талаб қилишади. Бундан эса чора топиб бўлмайди. Келинг, мен бир Қуръон ўқиб берай, сиз эшитиб туринг», – дебдилар ва намозга зам қилмоқчи бўлган икки

⁴¹⁵ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 127-б.

сурани у зотдан ўтказиб олибдилар. Айтганларидек бўлиб, ўша куни қавмининг талаби билан жамоат намози Ҳазрат Бухорий домла бошчилигида адо қилинган экан.

Этиборли ери шундаки, мазкур эҳтиёткорлик мадрасани битириб қайтаётганда мударрислар тарафидан: «Бу бола ўзи билан Бухоронинг ярим илмини олиб кетмоқда», – дея таърифланган зотдан содир бўлаётган эди.

Бир қоп каклик

Юқорида биз Абдулмўмин қори Ҳазрат Домланинг махсус имоми вазифасида хизмат қилганини айтиб ўтдик. Бу ўз-ўзидан у зотни устоз билан кўпроқ бирга бўлишини таъминлашдан ташқари, у зотга устозга хос фазилатларнинг ўтишига сабаб бўлган.

Буни қуйидаги мисолларда кўришимиз мумкин. Маълумки, Идрис халифа Қирғизистоннинг Обшер кишлоғига халифа бўлиб борганидан сўнг бир йил ўтгач, Марғилондан тўрт нафар биродарлари унинг таклифи билан зиёратга бордилар. Зиёратчилар орасида Абдулмўмин қори ҳам бор эдилар.

Аввал айтилганидек, Абдулмўмин қорининг ҳар куни эрталаб сабабсиз бўлса ҳам бир қатор покланиб, кийимларини алмаштириш одатлари борлиги китобхонларимизга яхши маълум. Буни васваса деб эмас, камоли эҳтиёткорликдан деб баҳолаш мумкин. Обшерда меҳмонларга кўрсатилган дастлабки эҳтиром – Абдулмўмин қори учун қурилган ғуслхона бўлган.

Эртаси куни Идрис халифа шахарлик меҳмонларни хурсанд қилиш мақсадида уларга каклик пишириб бермоқчи бўлади. Бунинг учун талабалардан бир нечасини тоққа юборади. Улар чиқиб кетишарканда Абдулмўмин қори домла уларни тўхтатадилар, ва: «Таҳоратларинг борми? Бўлмаса таҳорат олинглар, бетаҳорат овга чиқманглар», – дейдилар. Сўнгра уларга ов қилиш қоидаларини мукамал ўргатадилар. Жумладан, ўқни ўнг қўл билан солиш, отишдан олдин, «Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар» деб, тасмия айтиш, ўқ бориб теккач, овнинг орқасидан югуриб бориш, агар ўлган бўлса, ҳалол, ўлмаган бўлса, уни тасмия айтиб сўйиш зарурлиги, акс ҳолда ҳалол бўлмаслиги, шунингдек, ўқ теккач, ов

ерга тушаётиб, шоҳ ёки қояга тегиб тушса ёки, ерга тушмай сувга тушиб ўлса ҳам, ё ўқни отганда битта эмас иккита ов тушса ҳам, уларни нима ўлдиргани маълум бўлмагани учун ҳалол бўлмаслиги каби масалаларни обдан ўргатадилар.

Хуллас, талабалар пешинга яқин ярим қоп каклик билан кириб келадилар. Буни кўриб, Идрис халифа хурсанд бўладилар. Аммо, қори домла Идрисга: «Қисқа фурсатда шу жимиртдеккина нарсани қандай қилиб ярим қоп қилдийкинлар-а, мабодо, бирортаси шошиб қолиб, «бисмиллоҳ» айтишни унутиб қўймадимикан», – дейдилар. Идрис: «Ундай эмас, ахир ҳаммалари хушёр йигитлар, қолаверса, ўзингиз ҳам таъкидладингиз-ку», – дейди. Қори домла: «Келинг халифам, емай кўяверайлик, дилимизга шубҳа етди», – дейдилар. Ноилож қолган мезбон ўйланиб туриб: «Бўлмаса балиқ пиширсак бўладими», – дейди. Улар рози бўлишади.

Халифа балиқ тутишни ёш талабаларга топширади. Улар бирин-кетин лозимлари пойчасини боғлаб дарёга тушишади ва тутилган балиқларни битта-битта лозим ичига солаверадиладар. Буни узоқдан кўриб қолган қори домла халифага қараб, ярим аралаш ҳазил билан: «Тақсир, балиқни ҳам еб бўлдик», – дейдилар. Бундан ҳамма ҳозирлар кулиб юборадиладар. Халифа: «Оббо қорией-й, бўлмаса нима қил, дейсиз», – дейди, бир оз хуноб бўлиб. Қори домла бир оз ўйланиб: «Бизга тараша ўтин қилиб бера оласизми», – дейдилар. «Ҳа?» – дейдилар. «Унда ҳолвайтар қиламиз», – дейдилар, хурсанд бўлиб. Хуллас улар ўзлари қўлбола қилиб ҳолвайтар қилмоқчи бўладилар. Одатда тоғнинг ўтини қаттиқ ва ҳўл бўлгани учун, у ердаги нураб қолган айвон тўсинидан бирини олиб ёриб бермоқчи бўладилар. Начора, қандай қилиб бўлса ҳам меҳмонлар кўнглини олиш керак. Тўсинни кўчириб, арраламоқчи бўлганларида қори домла уларни тўхтатиб: «Ҳай-хай, тўхтанглар, аввал дарёга солиб яхшилаб ювинглар, кейин арралайсизлар», – дейдилар.

Йигитлар айтганларидек қилиб, тўсинни дарёда ювиб қуритгач, ўтин қилиб берадиладар... Шундай қилиб, Абдулмўмин қори Обшерда ўтказган кунларини ҳам доимгидек тақво ва парҳезкорлик билан ўтказишга эришган эканлар.⁴¹⁶

⁴¹⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 1997.

Эслатиш жоизки, мазкур воқеаларни тушунишда воқеа қаҳрамонларининг эътиқоди, дунёқараши ва мусулмончилик анъаналарига ўзига хос тарзда муносабатларини назардан қочирмаслик зарур. Юқорида зикр қилинган «бир қоп каклик» ва балиқни истеъмол қилмасликда бирор-бир шаръий монелик бўлмаса-да, уларнинг ўзига хос эҳтиёткорликлари эди. Чунки салафи солиҳлар ҳаётида ҳам шу каби тақво ва парҳезкорликни кўрамиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифлари машҳур. Бир аъробийга: «Аллоҳдан кўрқиб, нимани тарк қилсанг, албатта Аллоҳ сенга ундан кўра яхшироғини беради».⁴¹⁷

Сиррий Сақатий: «Ҳохиш-истаклардан воз кечиш шубҳалардан воз кечиш билангина бўлади», – деганлар.⁴¹⁸ Абу Хурайра розияллоҳу анҳу: «Дунёда тақво ва парҳез қилган кишилар қиёматда Аллоҳнинг хос бандаларидан бўладилар», дейдилар. Юнус ибн Абдуллоҳ эса: «Ҳақиқий тақво ва парҳезкорлик шубҳали нарсалардан буткул чиқмоқ ва ҳар қадамда ўзини назорат қилмоқ», – деган бўлсалар, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Шубҳадан кўрқиб, ҳалол нарсаларнинг ҳам ўндан тўққизини тарк қилар эдик», – деганлар.⁴¹⁹

Қози Баккор ибн Қутайба бир одамдан нон ёпишда кийиб туриш учун бир кийимни сўраб оладилар. Йўлда келаётганларида бир одам сўзга тутди. Лекин унга тўхтамайдилар. У ҳайрон бўлиб, бу ҳақда сўрайди. У зот: «Мен бу кийимни нон ёпиб олиш учунгина сўраганман, сен билан йўлда гаплашишлик учун эмас. Агар шуни билганимда бу ҳақда ҳам ундан ижозат олган бўлар эдим», – дейдилар.⁴²⁰

Саллани анҳорда чайқама

Арабларда: «Кимки улуғларга хизмат қилса, унга ҳам бошқалар хизмат қилишади», мазмунидаги ҳикматли сўз бор. Юқорида келтирилганидек, Абдулмўмин қори дом-

⁴¹⁷ Аҳмад ибн Ханбал. «Муснад ул-Имоми Аҳмад ибн Ханбал», Дор ул-кутуб ул-илмийя, Байрут, 1987, 5-ж., 87-б.

⁴¹⁸ Абу Бакр Аҳмад ибн Ал-Хусайн Ал-Байҳақий (ваф. 408 х) «Аз-Зухд Ал-Кабир» Байрут – убнон. 1417/1996. 317-б.

⁴¹⁹ Абул Қосим Ал-Қушайрий. «Ар-Рисола ал-Қушайрийя» Байрут – 1412/1991.

⁴²⁰ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 179–181-бетлар.

ла устозларига садоқат билан хизмат қилгани боис, кейинчалик, у зотга ҳам атрофидаги кишилар орасидан хизмат қиладиган кишилар пайдо бўлган эди. Масалан, шогирдларидан мулла Усмон қори бир неча йил давомида у зот саллаларини ювиб беришни ўз зиммаларига олган эдилар. Бу билан боғлиқ воқеани қори домланинг набиралари Абдусаттор Абдулбоқи ўғли шундай хотирлайди:

«Усмонжон қорининг вафотидан сўнг бобом саллаларини онам ювиб берадиган бўлдилар. Ҳар гал бобом ҳузурига борсам, «Онанга айт, саллани анҳорда чайқамасин, ҳовуз сувида чайқасин», – дер эдилар. Шунга биноан, онам доим ҳовуз сувида чайқаб берардилар. Лекин бундай дейишлари сирини билмас эдик.

Бир кун одатдагидек ювилган саллани олиб бордим. Очиб кўриб: «Эй, бу сафар анҳор сувида чайқаб кўйибдику», – дедилар. Дарҳақиқат, ўша кун онам шошиб қолиб анҳорда чайқаган эканлар. Бундан хабарим йўқ эди. Буни қандай билдилар десам, бу у кишининг қароматлари экан. Чунки салла покиза, ҳеч қандай ғубори йўқ эди.

Орадан йиллар ўтди. Бир мажлисда марғилонлик уламолар ҳақида сўз очилиб, бобом фазилатлари ҳам тилга олинди. Шунда мен юқоридаги воқеани айтган бўлдим. Мажлисда марғилонлик мулла Орифжон қори домла ҳам ҳозир эдилар, сўзларимни индамай эшитиб ўтирдилар. Сухбатдан бирор ой ўтгач, қори дада билан учрашиб қолдим. Мени кўриб: «Ўша кунги қори домла ҳақларида сўзингиздан кейин мен кўп ўйландим. Чунки у зотлар бидъат бўлиши эҳтимолидан кўрқиб, одамларнинг сўзи ва қилган ишига қараб эргашиб кетадиган жоҳил кишилар бўлишмаган, ҳар бир ишни китоб ва суннатга, салафи солиҳлар йўлига мувофиқ бўлсагина қилганлар, бундай қилишларида бир сабаб бўлиши керак. Қолаверса, шариат қошида анҳор суви билан ҳовуз сувининг ҳукми покликда баробар, ҳеч қандай тафовут йўқ. Лекин нима учун бундай дейишлари сабабини излаб кўп китобларни қараб чиқдим. Бу ҳақда бирор гап топмадим.

Охири «Ходимий» номли китобда шундай маълумот кўрдим. Унда келтирилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида Мадинада оқин сувлар бўлмаган. Шу сабабли, у зотнинг либослари идишларга олинган

сувларда чайқалган. Шундан сўнг ўзимга, қори домла шу жихатдан ҳам ишлари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мувофиқ бўлиши умидида шундай қилган бўлсалар керак, дея тасаллий берган бўлдим», – дедилар.⁴²¹

«Фотиҳага бордингми?»

Маълумотлар шуни кўрсатадики, Хонақоҳий Ҳазрат Домла шогирдларини ҳам имоматлик борасида хушёр бўлишга чақирганлар. Бу уларга қилган насиҳатларида ҳам кўзга ташланади. Маълумки, ўша даврларда Марғилон ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда тарихчи Муҳаммад Азиз таъкидлаганидек, «розилик излаб, мадраса ва қорихона, масжид куриб, садақан жория учун ўз дунёи ҳалолани сарф қилиб турган кишилар» кўп эди. Янги очилган масжидлар учун кишилар имом-хатиб сўраб, кўпроқ Ҳазрат Домла ҳузурига келишган. Мадрасани тамомлаган талабалардан муносибини у ерга жўнатганлар. Кетиш олдидан уларга насиҳат қилиб: «Борганингдан сўнг маросимларга кириб, ҳовлима-ҳовли юришдан сақланасан», дея қаттиқ тайинлар эканлар. Ҳазрат Домла бу билан уларни меҳнат қилмай, тама йўлига кириб қолишдан қайтарганлари кўриниб турибди. Чунки:

*Халойиқ ошу нонига кангулни боғлаган зоҳид,
Тамаллуқдан риёдан ўзга бир сўз деёлмайду.*

Ҳасан Басрийнинг: «Олимларнинг уқубати қалбларининг ўлиши билан бўлади, қалбнинг ўлиши эса охират иши билан дунёни талаб қилишда бўлади», – деган гаплари машҳур.⁴²²

Бир куни шундай бўлади. Ҳазрат Домла бир сабаб билан шундай қишлоқлардан бирига борадилар. Қайтаётиб, хабар олгани шогирдлари хизмат қиладиган ўша ердаги масжидга тушадилар, лекин уни масжиддан топа олмайдилар. Қандайдир маросимга кетганини айтишади. Ҳазрат кутиб ўтирмай шаҳарга қайтадилар.

Қайтиб келганда унга Ҳазратнинг келиб кетганларини айтишади. У бундан афсусланиб, Ҳазрат ҳузурига келади. Уни кўриб Ҳазратнинг юзлари ўзгаради ва: «Андижонлик Мамтали (Маҳмуд Али) бой ўтибди, уни ҳам фотиҳасига бордингми?», – дейдилар.

⁴²¹ Р.Файзуллаев. Манокӣб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 1997.

⁴²² Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин ... 153-бет.

Ҳозирги кунда Андижонда «Маҳмуд Али» номи билан аталадиган, унинг ўзи қурдирган бир масжид бор.⁴²³ У ҳақида аҳоли орасида турли нақллар сақланиб қолган. Уларнинг бирида шундай дейилади.

У камбағал одам бўлиб, аёлмандлик билан кун кўрган. Бировларнинг ерида турп экиб, чоракорлик эвазига оила тебратган. Бир гал ҳосил йиғилгач, хизмат ҳаққига берилган турпларни қоплаб, шаҳар бозорига олиб боради. Бисотидаги бирдан-бир ориқ эшагига нураб қолган аравани кўшиб, юкларни жойлайди. Шаҳарга кетаётган деҳқонларга кўшилиб йўлга чиқади. Йўлда улар дарёдан ўтаётганларида кўприк олдида бир мўйсафид турганини кўрадилар. У деҳқонлардан ўзини бирга олиб кетишларини илтимос қилади. Улар эса юк кўплигини баҳона қилишади.

Мўйсафид ҳамманинг сўнггида келаётган Маҳмуд Алига ҳам ялинади. «Майли» – дейди у, «Аммо кўриб турибсиз, аравам ночор, эшак ҳам ориқ, боз устига юки бор, таваккал чиқаверасиз. Ўтсак – ўтдик, ўтолмасак – қолаверамиз», – дейди. Улар бирга аравага мингашадилар ва эсон-омон кўприкдан ўтиб оладилар. Қирғоққа чиққанларидан сўнг: «Қопингдагилар нима?», – деб сўрайди мўйсафид. «Турп, бозорга олиб кетяпман», – дейди. Шунда мўйсафид кўлларини очиб: «Омин, уларнинг ҳаммаси тилла бўлиб қолсин», – деб дуо қилади ва кўздан ғойиб бўлади.

Маҳмуд Али, бу одам нималар деяпти, дея хайрон бўлиб, дарров қопларни очиб кўради. Қараса, ҳақиқатдан уларнинг ҳаммаси тилла бўлиб қолган экан... Севинганидан шаҳарга бормай ўша ердан орқасига қайтади. Қишлоққа келгач, машхур усталарни чақириб, бир кунига бир тиллодан ҳақ тўлашини айтиб, ушбу масжидни қурдиради.⁴²⁴

Гарчи бу ривоят ҳақиқатдан анча йироқ бўлса-да, аммо кейинги воқеалар жараёни аниқ маълумотларда акс этган.

⁴²³ Андижон жомеъ масжиди – меъморий ёдгорлик. (XIX а. охири). Масжид, мадраса ва минорадан иборат. Мадраса бош тарзи шарққа қаратиб қурилган. Тарзининг ўртасида пештоқ қад кўтарган. Унинг икки ёнида безакдор минора бор. Масжид мадрасанинг ғарбий томонида жойлашган. Минора (бал. 32 м) ҳовлида жойлашган. А.ж.м. қурилишида Исахон, Ю. Мусаев ва б. усталар қатнашган. 1902 й.ги зилзилада шикастланган. Бинолар 1971 – 74; 1999–2000 йилларда таъмирланган. (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. 1 жилд, 324-б.)

⁴²⁴ Р.Файзуллаев. Манокӣб материаллари. Марғилон–Ҳожа Эгиз. 1999.

Айтишларича, масжид битгач, Маҳмуд Али атрофдаги шаҳар-қишлоқлардан машҳур уламоларни чақириб, катта зиёфат беради.

Марғилондан борган уламолар орасида машҳур Хўжажон қози домла Рожий ҳам ҳозир эдилар. Маълумки, қози домла шеърятда тарих жанрида асар битишга моҳир бўлганлар. Буни мажлис аҳли яхши билишган. Зиёфат сўнгида қози домладан масжид биноси учун тарих айтишларини илтимос қилишади. У зот бир оз тафаккур қилиб, куйидаги тарихни айтадилар:

*Тарихи минори Маҳмуд Ғариб,
«Насрум миналлоҳи ва фатҳун қарийб».*⁴²⁵

Яъни, ғариб Маҳмуд қурдирган мазкур миноранинг тарих санаси «Аллоҳнинг нусрати ва яқин ғалаба» дир. Мазкур ояти карима (Саф сураси, 13-оят.) ҳарфларининг сон йиғиндисини ҳисобланса, унинг қурилган санаси чиқади. 1302/1885 йил.

Туркистон вилояти газетасининг 1906 йил, 24 сентябрь, 48-сонида Маҳмуд Алибой вафотига марсия эълон қилинган.⁴²⁶

Кўриниб турибдики, Ҳазрат Домла шогирдлар аҳволидан бепарво бўлмаганлар, узоқдан бўлса ҳам уларни назорат қилиб турганлар. Бу эса тарикат пирларининг вазифаларидан саналади.

Хожа Алоуддин Атторнинг айтишларича, Ҳазрат Баҳоуддин (қ.с.): «Устоз шогирдни тарбия қилиб, тарбиясининг асарини унда кўришни хоҳлайди ва тарбиясини ўз ўрнида бўлган, бўлмаганига ишонч ҳосил қилишни истайди. Агар шогирдида бирор нуқсон кўрса, тарбия билан ўша нуқсонини тuzатади», – деганлар.⁴²⁷

Шунга кўра, агар муридларидан бири уларнинг ишорати билан сафарга кетган бўлса, гарчи сафардан бир йил кейин келса ҳам, сафарда қандай воқеалар юз берганини батафсил сўрар ва агар у огоҳ ва хушёр бўлмаса,

⁴²⁵ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Қаптарли мазор. 2005.

⁴²⁶ «Туркистон вилояти газети»га алифбо – соҳалар бўйича тузилган библиографик кўрсаткич (1870-1916) / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: Р. Файзуллаев. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Т.:2005.

⁴²⁷ Абул Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али...53-б.

унда юз берган нарсаларни шафқат қилиб, тушунтириб берар эканлар.

Ҳазрат Домланинг Идрис халифани Обшер кишлоғига имом сифатида жўнатаётиб, унга айтган қуйидаги сўзлари имоматлик соҳасидаги эҳтиёткорликдан эди. Унинг воқеаси шундай бўлган.

Қирғизистоннинг Обшер кишлоғида яшовчи қирғизлар ўз раҳбарлари Усмонали халифанинг вафотидан сўнг Ҳазрат Домла хузурига келиб, унинг ўрнига укаси Идрис халифани имом-хатибликка беришларини илтимос қилишади. Ҳазрат қабул қилмайдилар.

Орадан икки ой ўтгач, улар яна келишади. Ўн тўрт нафар бўлиб келган қирғизлар бу гал Ҳазрат Домланинг ҳурматиغا сазовор бўлган Сайид Аҳмад хўжа эшонни бирга олиб келадилар. Эшон қирғизларнинг қийналаётгани, тайинлик имом йўқлиги учун сарсон бўлаётганини айтиб, Ҳазратдан қаттиқ илтимос қилади. Ҳазрат ноилож бунга кўнадилар.

Идрисни чақириб, унга шундай дейдилар: «У ерга борасан, аммо бир шартим бор. Масжидда турар экансан, хоҳлагин-хоҳламагин турли эҳсонлар тушади. Уларни рўзғорга ишлатмайсан, тўплаб муҳтожларга тарқатасан. Кишлоқда бўш ерлар кўп. Ер олиб, экин экиб, деҳқончилик қилиб рўзғор қиласан. Шуларга кўнсанг, у ерга борасан».

*Вафо бирлан юриб, халқ ичра ҳеч кимдан тамаъ қилма,
Ҳарис айлаб, бу нафси саркашингни бевараъ қилма,
Дилингни тўлдириб, дунё зами бирла важаъ қилма,
Ҳалолу тоййиб ўлсин, луқмалар фавқи шабаъ қилма,
Риёзат бирла сен ҳам, олами ҳикматда Луқмонсан.⁴²⁸*

Мазкур шартларга кўра жўнаб кетган халифа қийналса ҳам, у ерда қўл меҳнати билан кун кўргани нақл қилинган.

Ёки унга ҳажга кетиши олдидан қилган насиҳатлари ҳам ибратли. Ўшанда Идрис халифанинг акаси Оқ эшон – Муҳаммад Умар халифа охирги ҳажга боришида ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлиб, Марғилонга Ҳазрат Домла хузурига келиб, укаси учун рухсат беришларини сўраган. Ҳазрат унга рухсат бериб, жўнаб кетиши олдидан насиҳат қиладилар ва сафар давомида Аллоҳга таваккул қилишга,

⁴²⁸ Қоил Марғилоний. Баёз. 222-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ҳеч кимдан ҳеч нарса умид қилмасликка ва қорин учун ҳаргиз ғам емасликни уқтирадилар.

*Таваккул бирла ҳар инсон агар вазъи қадам айлар,
Қилиб осон, ани мақсудларини Ҳақ карам айлар,
Ибодатга қабул истар киши тақвони зам айлар,
Ёзиб лавҳи дилига нақши Аллоҳ рақам айлар,
Насиб айлаб, дилига нури ирфон муҳтарам айлар.⁴²⁹*

Ўшанда воқеалар жараёни шундай давом этган эди. Улар Қора денгизгача бориб, кемага ўтирадилар. Кемада бир ярим, икки кун давомида юрилар эди. Кемада Оқ эшонга тиш оғриқ пайдо бўлиб, тобора кучая боради. Кемадан тушгач, Идрис ақасини муолажа қилиш чорасини ахтарди. Аммо эшон: «Йўқ, бу менга вабонинг аломати, мени даволайман деб овора бўлма», – дейди. «Аммо сен кўркма, бемалол ҳажга бораверасан», – дейди. Устидаги камзулини ечиб: «Мана буни кийиб ол, олдидаги икки қобиғининг ичида олтин танга бор, олиб ишлатаверасан, бориб келишингга етади», – дейди.

Айтганларидек, танганлар уни дафн қилишга ҳам, ҳажга бориб-келишга ҳам, ҳатто ҳажга бориб Маккада туриб қолган марғилонлик Соли ҳожи домлани бирга олиб келишга ҳам етади. Йўлда туяга уч кишидан мингашиб кетилар экан, етмиш бир нафар киши шу тарзда туяларга мингашадилар.

Карвонбоши ҳаммаларига бир донадан таёқ бериб: «Мабодо йўлда қароқчилар хужум қилишса, кўркманглар, бараварига ташланамиз», – дейди. Идрис халифа карвонбошига ақасининг касалини айтади. У: «Пешингача юрамиз, йўлда Мастуро деган жой бор, булоғи ҳам бор, туяларга ҳам дам берамиз, шунга қараб иш қиламиз», – дейди. У ерга етмай йўлда Оқ эшон туянинг устида вафот топади. Карвонбоши жағини боғлаб қўйишни, айтилган жойга бормагунча бирор иш қила олмаслигини айтади. У ерга етиб боргач, ювиб-тараб, жаноза ўқиб дафн қиладилар.

Айтишларича, бу ернинг тарихини китобларда ўқиган Оқ эшон шу жойда вафот топишни орзу қилган экан. Эшонни дафн қилгач, бир тошни қабр устига қўйиб, унга исми шарифи ва қаердан эканини ёзиб қўядилар.

⁴²⁹ Қоил Марғионий. Баёз. 232-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Шундай қилиб, Идрис карвон билан ўзи ёлғиз ҳажга кетади. Эҳтимол, бу Ҳазратга маълум бўлганидан сафар олдидан унга йўлда фақат Аллоҳгагина таваккул қилишни буюрган бўлсалар керак. Ҳажда Марғилондан бориб қолган ҳамдарс шериклари Соли ҳожи домла билан учрашадилар. Бирга Мастурога келиб, акаси ҳақиға фотиҳа қилиб кетадилар. Бу воқеалар 1913 йилда бўлган эди. Кейин бирга Ватанга қайтадилар.

Айтишларича, Ҳазрат Домла уларни кутиб олиш учун Марғилон станциясига чиққанлар. Бундан, у зотнинг муборак заминдан келаётган ҳожиларга ва шогирларига нисбатан эҳтиромлари англашилади. Зиёрат қилишгач, уларга бир неча талабани шерик қилиб, кутиб олиш учун келган қирғизларга қўшиб, Обшерга – акасининг фотиҳасига жўнатадилар. Энг қизиғи, Оқ эшоннинг вафоти улар келмасидан олдин бу ерда Ҳазрат Домла бошчилигидаги Хонақоҳ аҳлига маълум бўлгани эди. Улар шу ердан тўғри кишлоққа бориб, у ерда беш кун истиқомат қилиб, эшоннинг вафоти муносабати билан боғлиқ фотиҳа маросимини ўтказиб қайтадилар.

У ерда шундай воқеа бўлади. Фотиҳага келган қирғизлар одатлари бўйича бири тўн, бири пўстин яна бири чакмон ва бошқа буюмлар олиб келиб қорилар олдиға ташлаб кетишар экан. Беш кун давомида бу каби нарсалардан бир мунчаси йиғилади. Мезбонлар уларни тўртта катта қопга жойлаб, қайтишаётганида меҳмонларга қўшиб, Марғилонга жўнатадилар.

Марғилонга етиб келгач, уларни мадраса саркорига топширишади. Саркор бу ишдан Ҳазрат Домлани хабардор қилади. Ҳазрат дарҳол уларни чакирадилар ва: «Бу қандай гап! Ахир киши устида тўни бўла туриб яна тўн кийишни, олдида нони бўла туриб, яна нон ейишни ўйлайдими?!» – дейдилар. Сўнгра Соли домлага: «Сиз ҳаж қилгансиз-а? Узун Ҳовуз маҳалласидаги фалончини биласизми, ўшанинг номига ҳаж қабул бўлган, аммо ўзи ҳажга бормаган!» – дейдилар. Кейин: «Олиб чиқинг буларни, сотиб пулини муҳтожларга беринг!», – дея койиб берадилар.⁴³⁰

Шу ўринда Марғилоннинг яна бир уламиси Мирҳайдар домлани ҳажга кетиш олдидан зиёратга кирган Кўзи бола

⁴³⁰ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Эшонгузар. 2002.

ҳожи Найзақайроғочийга қилган насиҳатларини келтириб ўтсак, марғилонлик уламоларнинг дунёқараши, эътиқодларидаги муштаракликка гувоҳ бўлаемиз.

Насиҳат

*Бевафо дунё эрур қилманг муҳаббат, эй қўзум,
Бир Худодан ўзгаларни дилга солманг, эй қўзум.*

*Ким кўнгил қўйди жаҳонга, кетди юз ҳасрат билан,
Халқни аҳволидан ибрат олинг эмди, эй қўзум.*

*Эмди Адҳамдек, жаҳонни бошига туфроқ сочинг,
Бу қаландарлик тариқи яхши йўлдир, эй қўзум.*

*Бу жаҳонни боғу роғи бир қафасдур анлангиз,
Ҳамчу булбул қаъба гулзорида сайранг, эй қўзум.*

*Қаъба бир шамъи жаҳондир, сиз ани парвонаси,
Айланурдан ўзга ишни билмагайсиз, эй қўзум.*

*Қаъба анворидин чун дилни равшан қилдингиз,
Равзани жонибларини кўзлагайсиз, эй қўзум.*

*Равзага сизни мушарраф айласа лутфи Худо,
Еткуринг, юзи қародин юз саломи, эй қўзум.*

*Равза ул султони олий шаън даргоҳидур,
Бир қадамни беиболик бирла қўйманг, эй қўзум.*

*Топсангиз икки ҳарамни давлати дийдорини,
Толийи бечорани йўқланг, дуода, эй қўзум.⁴³¹*

Айтиш ўринлики, устозларнинг мазкур беғараз насиҳатларга амал қилган шогирдлар тама, риё каби иллатлардан бир умр сақланиб ўтганлар. Бу уларнинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Умаржон охунд Ғурбатий тама ҳақида шундай ёзган эдилар.

Тамаънинг мазаммати

*Тоғу тузлардан кабоир, махзи исёндури тамаъ,
Охират дўзах азоби, нори сўзондури тамаъ.*

⁴³¹ Мулла Тўракул домла. Р. Файзуллаев кутубхонаси. №25-қўлёзма. 42–45-б.

Гар тамаъ келганда кўздан шарм кетгай бегумон,
Балки шайтон ўқларидан етти пайкандур тамаъ.

Айдилар Ҳазрат: «Қаноат ганжи бепоён эрур»,
Ким тополмас, ул гадоу зори ҳайрондур тамаъ.

Ҳаширда бепўст бўлгай, барча томеълар юзи,
Бас, пушаймон бирла ютмиш, қай қароқондур тамаъ.

Жомани хашимин айлаб, илгида рангин асо,
Роҳи ом устига қўймиш, доми шайтондур тамаъ.

Гарчи солсанг, етти дарё обини қилгай палид,
Чунки тўнғиздан забундир, лавси исёндуру тамаъ.

Боиси хори мазаллат, қотеъи иззу шараф,
Заҳри олуи, икки юзлик тиги буррондур тамаъ.

Эл аро аллома бўлсун, ҳолини айлар забун,
Нафси бад илгида охир ховфи имондур тамаъ.

Илтизом айлаб, гадолик касб қўймишлар отин,
Тухми исён мазраиға балки деҳқондур тамаъ.

Шарм ила кетгач ҳаёси, маркаби шайтон бўлур,
Дарки асфалдин чуқурроқ, роҳи зиндондир тамаъ.

Гар тамаъ бўлса кишида хорлик келтиргучи,
Хоҳи дунё, хоҳи уқбо, хори хусрондур тамаъ.

Очликдан ўлса қонеъ балки андин ор этар,
Гарчи томеъларга аммо жисм ила жондур тамаъ.

Рўзи маҳшарким демишлар, охират бозоридур,
Бир пучак ярмоққа олмас, катта хирмондур тамаъ.

Нози истиғно элига бўлса гар анқо сифат,
Табъи дун Ғурбатга, лекин нархи арзондур тамаъ.⁴³²

Фикримизни ойдинлаштириш учун 1951 йилда Марғилоннинг Сармозор қишлоғидаги бўлиб ўтаётган уламоларнинг катта йиғинида содир бўлган бир воқеани эслатиш ўринли.

⁴³² Баёзи Ғурбатий... 368-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Ўшанда анжуман пайти кутилмаганда мажлис ичидан мулла Алижон охунд⁴³³ давра тўрида ўтирган Миряхё қори домлага юзланиб: «Қорипочча, агар хузурингизга биров келиб, сизни ҳовлисига таклиф қилса, хаёлингизга қандай фикр келади», деб сўраб қоладилар. Туйкуздан берилганда ҳар қандай одам ҳам бир оз ўнғайсизланадиган бу саволга қори домла хотиржамлик билан шундай жавоб берадилар: «Агар биров мени маросимга таклиф қилса, хаёлимга, «Алҳамду лиллоҳ, хотиржам ўтириб, беш-ўн пора Қуръон ўқиб олар эканмиз-да, уйда рўзғор ташвиши ва «келдикетти»лар билан бўлиб, Қуръон ўқий олганимиз йўқ эди», деб, хурсанд бўлиб кетаман».

Мазкур воқеадан биз ўша давр маросимларининг ўзига хос тартиб-қоидадини, шу билан бирга айни давр зиёли кишиларининг ният ва эътиқодини англаймиз. Салафлар маноқибда шундай келтирадилар.

«Ибн Мухайриз кийим сотиб олиш истагида чақа пул билан бозорга чиқдилар. Шунда бир киши сотувчига: «Бу Ибн Мухайриз бўладилар, савдони чиройли қилинг», – деди. Шунда Ибн Мухайриз савдони тўхтатиб дўкондан чиқиб кетдилар ва: «Биз фақат пулларимиз билан сотиб оламиз, динимиз билан сотиб олувчилардан эмасмиз», – дедилар».

Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Асбахоний емишларини бир новвойдан сотиб олишга одатланмас эканлар. Бунинг сабаби сўралганда: «Эҳтимол сизлар мени таниб қолиб, ҳайбатланиб, нонни арзонроқ қилиб беришингиз мумкин, унда мен дини билан кун кўрадиганлардан бўлиб қоламан», – деган эканлар.⁴³³

Амал қилмасликдан қийналиш

Марғилонлик буюк олим Абдуссамад охунд дада ҳақида сўз кетганда кўпинча қуйидаги воқеани эслайдилар. Агар бирор мажлисда мавлид манзумаси тиловат қилинадиган бўлса, у зот «қийналар» эканлар. Бунинг сабабини қуйидагича изоҳлар эканлар: «Ўзингизга маълум манзумада

⁴³³ Мулла Алижон охунд мулла Муҳаммаджон махдум ўғли. 1881 йилда Марғилонда туғилганлар. 1970 йил, 4 март куни (қамарий) 92 ёшда вафот топганлар. Хожа Эгиз қабристонига дафн қилинганлар. Аллома ўз даврида санокдаги олимлардан бўлиб, илми: «*ҳар дила борон масал*», бўлган.

⁴³⁴ Имом Шаъроний. Танбеҳ ул-муғтаррин... 21-б.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳволи шарифлари баён қилиниб, жумладан, очликдан муборак қоринларига тош боғлаб юрганлари келтирилган. Ҳар гал шу жойга келганда, ўзимиз бисёр неъматларга бурканиб олиб, қилаётганимиз айтаётганимизга мувофиқ бўлмаётганидан қийналаман».⁴³⁵

Фикримизни ойдинлаштириш учун мавлид манзумасида баён қилинган айни лавҳаларни Фозилжон махдум Сулаймон хўжа ўғли Марғилоний (ваф.1955)нинг «Фатҳ ул-вадуд ала шарҳ ал-мавлуд» номли шарҳидан келтириб ўтамиз.

*«...ва яна он ҳазратимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам очлик шиддати ва ҳароратини настлатмоқ ва ҳамда душман танасини даф қилмоқ учун муборак қоринларига аксар вақтлар тош боғлаб юрар эдилар. Ҳолбуки, Маккаий Мукарраманинг заминларидаги тамом хазина ва дафиналарнинг мафтух ва калидларини муҳтарам пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатлари учун арз ва таслим қилинмиши эрса-да, алар қабул қилмамиши эдилар. Яъни, бу фоний дунё давлатини қабул қилишдан махзи саодати абадий ва давлати сармадийяни хоҳламиши эдилар».*⁴³⁶

Муҳаммад Умар Ғурбатий ҳам қуйидаги мисраларни айни «қийналиш» туфайли ёзган бўлсалар керак, деган фикр хаёлимизга келади.

*Таваккул Ҳаққа айлаб нўтайи ҳимматни боғлабсиз,
Қаноат санги отлиғ боғлаган тошингдан айлонсин.*

Яъни, эй Расулуллоҳ, сиз Аллоҳга таваккул қилиб, очликдан ёнбошингизга тош боғлаб юрган эдингиз. «Қаноат санги» деб аталувчи мазкур тошга ҳам жоним фидо бўлсин.

Тушликка Аллоҳ бор

Шу ўринда марғилонлик яна бир уламо 1951 йилда 102 ёшда вафот этган Моҳи Соли ҳожи домла ҳаётида бўлиб ўтган қуйидаги воқеани эслаб ўтиш жоиз. У зотга узоқ вақт хизмат қилган Акрамжон ҳожи ота шундай хотирлайди:

«Урушдан кейинги оғир йиллар. Мен ҳожи даданинг

⁴³⁵ Р.Файзуллаев. Манокӣб материаллари. Марғилон – 1997.

⁴³⁶ Фозилжон махдум Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. Қўлёзма. 156-б.

ҳузурларига хабар олгани тез-тез кириб турар эдим. Замон нотинч бўлгани учун ҳар ким ҳам юрак бетлаб кира олмас эди. Ўзлари ёлғиз турардилар. Ниҳоятда такводор бўлган бу зот, дунё молига мутлақо муҳаббатсиз киши эдилар. Баъзида бир оз ҳадялар тушса, уларни кигиз тагига ташлаб кўяр, кейин билсам, уларни махсус кишиларга бериб юборар эканлар.

Бир куни кўчада турсам, бир одам олдимга келиб: «Мени ҳожи дадани ҳузурига олиб кира оласизми, саволларим бор эди, сўраб олишим керак», – деб қолди. Мен ҳожи дада ҳузурига кириб, бу ҳақда айтдим. «У одамни танийсизми», – дедилар. Мен: «Танимайман», – дедим. «Ишқилиб ўзимиздан бўлсин-да», – дедилар ташвишланиб ва кўркаписа рухсат бердилар.

Меҳмон билан олдиларига кирдик. Ҳожи дада турадиган ҳужра – нураб кетган эски бир уй. Чувоғи чиққан эски шолча. Тағларида увада якандоз. Хонтахтани уйнинг ўртасига қўйганлар. Ҳайрон бўлардим, деворга яқин қўйсалар, суяниб ўтирадилар, ёшлари ҳам улуғ эди. Кейин билсам, суяниб ўтирмаслик учун шундай қилар эканлар. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам суяниб ўтирмас эканлар.

Абдуллоҳ Жарир айтадилар: «Йигирма йилдан бери ёлғиз жойда ҳам оёғимни узатиб ўтирмаганман, чунки Аллоҳ таолога нисбатан одоб сақлаш барча одоблардан устундир».⁴³⁷

Кириб ўтиргач, меҳмон чорсисини ёзиб ёнидан иккита нон билан ярим қадокча новвот олиб хонтахтага қўйди. Токчада бир дона учуқ пиёла бор экан, олдим. Кираётиб, бир чойнак чой олган эдим, қуйиб узатиб турдим. Ҳожи дада ушатирилган нондан бир тишлам олган бўлдилар.

Суҳбат бошланиб, узоқ давом этди. Меҳмоннинг ҳар бир саволига батафсил жавоб бердилар. Суҳбат тугаб, тураётганида унга: «Буларни олмайсизми», – деб дастурхонга ишора қилдилар. «Тақсир, тушлик ҳам яқинлашиб қолди, сизни анча толиқтириб қўйдим», – деди, таъзим билан. «Тушлик» – дедилар, Ҳожи дада ранглари ўзгариб, – «Тушликка Аллоҳ бор, ризқимга ўзи кифоя қилади. Сизга айтиб берган жавоб-

⁴³⁷ Абул Қосим Ал-Қушайрий. «Ар-Рисола ал-Қушайрийя»... 228-б.

ларим учун эваз олсам эртага қиёмат куни нима дейман?!», – дедилар. Сўнгра: «Олинг, сиз кўчада юрадиган одамсиз, мендан ҳам муҳтожлар бор, ўшаларга беринг», – дедилар.

Тақволари шунчалик эди. Талаб қилмай, ўзи кириб келган нарсалардан ҳам парҳез қилар эдилар. Чунки дилларида тамадан ярим мисқолча ҳам йўқ эди. Энг ачинарлиси, вафот этганларида шундай зотни кафанлаш учун бир газ бўз топилмагани эди. Уч-тўрт киши кўплашиб туфроққа қўйдик».⁴³⁸

Энди кетмайсизлар

Марғилоннинг Боғтаги маҳалласида яшаб ўтган Ғайбуллоҳ эшон дада ҳаётида бўлиб ўтган куйидаги воқеани тинглаб кўрсак. Марғилонлик Абдусаттор ҳожи Абдулбоқи ўғли шундай дейди:

«Эллигинчи йилларнинг бошида бобом билан бирга Ғайбуллоҳ эшон даданинг зиёратларига бордик. Улар мадрасада бирга таълим олган эканлар. Эшон даданинг мўъжазгина ҳужраларида узоқ суҳбат бўлди. Қайтмоқчи бўлиб рухсат сўраганимизда у киши: «Мен ҳозир» – дедилар-да, ичкарига кириб кетдилар, бир оздан сўнг чиқиб: «Энди кетмайсизлар, уч кундан бери егулик топа олмай ифтор қилмаган эдик. Аёллар бугун супрани қириб, бир сиқим ун топишган экан, шуни қозонга солиб атала қилиб қўйишибди. Бирга ифтор қиламиз», – дедилар!»⁴³⁹

Келтирилган қисқа-қисқа сатрлардан маълум бўлмоқдаки, Марғилонда ўтган айни давр уламоларининг дунёқараши, эътиқоди деярли бир хил бўлган. Улар имкон қадар ахлоқи замималардан сақланишга ҳаракат қилган ва бунга эриша олган кишилар эди. Тамадан кўрқиб, аянчли кунларда ҳам қаноат билан кун кўрган бу каби зотлар ҳаёти барчага ибратдир.

Тарихда ўтган тасаввуф шайхлари, сўфийлар ҳаётида бу каби мисолларни кўплаб учратамиз. Жумладан, Муҳаммад ибн Восеъ кўп вақтлар нонни туз ёки сирка билан тановул қилар ва: «Кимки дунёдан шунча миқдорга қаноат қилса, ҳеч қачон одамларга хор бўлмайди», – дер эдилар.

Суфён Саврий эса: «Ким ҳозирги замонда арпа нонига

⁴³⁸ Р. Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёвқочар. 1999.

⁴³⁹ Р. Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 1999.

қаноат қилмаса, хорлик ва залилликка мубтало бўлади», – деганлар. Ҳомид Лаффоф: «Кимки бойликни қаноатдан талаб қилмаса, у тариқат аҳли эмас», – дея огоҳлантирган эдилар.⁴⁴⁰

889 ҳижрийда вафот этган ҳиндистонлик Шоҳ Миён, 921 ҳижрийда вафот этган Шоҳ Камол Бағдодий ал-Ҳиндийлар ҳам шу каби риёзатли кишилар бўлишган эди.⁴⁴¹

Аввалгиларга ўхшай олмадик

Изланишлар натижасида биз Хонақоҳий Ҳазрат Домлани тавозе ва камтарликларига доир баъзи маълумотларни ҳам учратдик. Чунончи, суҳбатларининг бирида: «Биз аввалгиларга қараганда ҳеч ким бўлмадик», – дея ўз ожизликларини эътироф этган эканлар. «Аввалгилар» деганда Ҳазрат Домла Хонақоҳда ўзларигача ўтган тариқат пирларини назарда тутганлар. Тариқат шайхи Ҳамдун Қассор (қ.с.) айтганларидек, кимки салафи солиҳинлар сийратиға назар солса, ўзининг камчиликларини кўради ва одамлардан орқада қолганлигини англайди.⁴⁴²

Ҳазрат Домладан содир бўлган бу каби эътироф ўтмишда ўтган буюк алломалар ҳаётида ҳам бўлиб ўтганини кўрамиз.

Масалан, устози вафотидан кейин унинг ўрнига мударрис қилиб тайинланган Муҳаммад ибн Аҳмад Шоший 429/1038–507/1114 дастлаб дарсга киргач, устоз ўтирадиган жойга ўтириб, биринчи айтган гапи Абу Таммомнинг ушбу мазмундаги шеъри бўлган эди.

«Улуғлар кетиб, ўринларига мен катта бўлиб қолганимга афсусланаман. Чунки улардан кейин ўзим қолганим, мен учун оғир мусибат бўлди».

У бу байтни қайта-қайта ўқиб: «Улар кетиб, бу ерга ўтириш менга қолдими?», – деб ўзини тутолмай йиғлаган экан.

303 ҳижрий йилда Нишопурда вафот топган Маҳфуз ибн Маҳмуд (қ.с.): «Кимки ҳидоят йўлига қадам қўймоқчи бўлса, фақат шариат ман қилган ишларда эмас, шариат буюрган ишларда ҳам ўзини қусурли деб билсин», – деган гаплари машхур.⁴⁴³

⁴⁴⁰ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин...118-б.

⁴⁴¹ Ибн ал-Мулаққин. (ваф.804 х.) «Табакот ал-авлиё» Қоҳира. 303-б.

⁴⁴² Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат»...30-б.

⁴⁴³ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат» Т.: 2001. 94-б.

Ҳазрат Домла жамоат намозини беузр тарк қилган бир талабани мадрасадан чиқариб юбораётиб: «Ўзимнинг ёмонлигим ўзимга етади», – деган гаплари ҳам камоли камтарликдан эди.

Айтишларича, Бухоро мадрасаларини тугатиб қайтган марғилонлик талабалардан бири Ҳазрат зиёратларига киради. Суҳбат асносида ундан таҳсиллар қандай ўтгани, қандай илмлар ўргангани ҳақида сўрайдилар. У камтарлик билан: «Ҳеч қанча илм ўқий олмадик, фақат икки ракат намоз масаласини тўлиқ ўзлаштирдик, холос», – дейди. Шунда Ҳазрат: «Боракаллоҳ, агар шундай бўлса жуда катта илм олибсиз, чунки биз шунча йил ўқиб, ҳам ўқитиб, ҳали ҳам икки ракат намоз масаласини тўлиқ ўзлаштирганимиз йўқ», – деган эканлар.

Шу ўринда салафларимизнинг камтарлик борасида баъзи ишларини эслаб ўтсак. Халаф ибн Тамим айтадилар: «Мен Суфёни Саврийни Маккада кўрдим, у зот атрофларида одамлар кўпайиб кетганида: «Ҳай-ҳай, мен каби инсонга одамларнинг ҳожати тушгани сабаб Аллоҳ бу умматни йўқ қилиб юборишидан кўрқаман», – дедилар».

Имом Аҳмад айтадилар: «Бир киши Суфёни Саврийга у зотни тушида кўргани ҳақида айтганда: «Ўзингни қийнама, мен нафсимни қандайлигини туш кўрувчилардан кўра яхшироқ биламан», – дейдилар». Урва ибн Зубайр айтадилар: «Ўзларингизга камтарликни лозим тутинглар, чунки у ҳеч ким ҳасад қилмайдиган улуғ неъматдир».⁴⁴⁴ Абдуллоҳ ибн Умар айтадилар: «Камтарлигингни аломати ўзингни кишилар орасида тақво ва яхшилик билан танилишингни хушламаслигингдир».

Молик ибн Динор: «Агар бир одам масжид эшиги олдида туриб, жамоатга қарата: «Ичларингиздан энг ёмонларингиз чиқсин», деса, биринчи бўлиб мен чиқардим, мендан олдин ҳеч ким чиқа олмас, фақат қуввати кўп бўлган одамгина чиқа олиши мумкин», деганлар.

Ибн Саммок шундай дейдилар: «Камтарликнинг энг афзали. ўзингни ўзгалардан бирор нарсада ортиқ кўрмаслигинг ва ўзгаларни эса ўзингдан ортиқ билишингдир. Қалбингда замондошларингни ҳар бирини ўзингдан ортиқ деб бил ва уларни раҳмати ва дуосини олиш талабида бўл. Аллоҳ таоло

⁴⁴⁴ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин ... 228-бет.

сендан балоларни шу зотлар сабабли қайтариб турибди, деб фикр қил».⁴⁴⁵

Изланишлар асносида Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг шогирдларидан бирига тегишли бўлган бир қўлёзмада учратганимиз куйидаги ғазал бу борада ибратли. Ғазал устига «Файзлари бардавом бўлсин устозимиз асарларидан намуна» деб ёзиб қўйилган. Шунга кўра, уни шартли равишда Ҳазин Марғинович асарлари деб айтиш мумкин. Аммо ундан Рожий асарларининг оҳанги ҳам сезилиб турибди. Буни си муҳим эмас. Муҳими унда олға сурилган маънолар айна мавзуга мос эканида.

*Оламга кўнғил бериб эканман,
Шайтин сўзига кириб эканман.*

*Бу даҳри хароба мардумидан,
Аҳоблар ахтариб эканман.*

*Арбоби камол ақл элидан,
Бир мунчаларин териб эканман.*

*Ўз нафъим учун вафолар излаб,
Ҳар қайсига ёлбориб эканман.*

*Кўп тажриба айлаб энди билдим,
Мажнунлара қариб эканман.*

*Бу хом хаёлу хом сўздин,
Албатта еган, фириб эканман.⁴⁴⁶*

⁴⁴⁵ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин...229-бет.

⁴⁴⁶ Мазкур қўлёзма Марғилон шаҳар Тахтакўприк маҳалласида яшаган Ғофуржон хожи ота хонадонидида сақланади.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ КАРОМАТЛАРИ

Маълумки, каромат – Аллоҳ таолонинг валий бандаларига берган улуғ инояти бўлиб, «хориқи одат» саналади. Хориқи одат эса одатда инсон қўлидан келмайдиган мураккаб ва маҳол нарсаларни бажаришга айтилади. Масалан, сув устида юрмоқ, ўт ичига кирмоқ, ҳавода учмоқ каби. Аҳли суннат вал-жамоат ақидаси бўйича бу каби ишлар пайғамбардан содир бўлса, «мўъжиза», авлиёдан содир бўлса «каромат», оддий тақводор мўминдан содир бўлса «маъунат» («ёрдам») деб аталади. Бордию, кофир кимсадан содир бўлса уни «истидрож»⁴⁴⁷ дейилади.

«Аҳли суннат вал-жамоат» ақидасининг муҳим бобидан бири, бу – авлиёларнинг мавжудлиги ва улардан содир бўладиган хориқи одатлар, турли мукошафалар ва баъзи таъсирларни тасдиқламоқдир. Аввалги ўтган умматларда бўлгани каби бу ҳолат ҳозир ҳам уммат орасида мавжуд ва қиёматга қадар давом этади. Сунний ақида бўйича ер юзида қиёматга қадар Аллоҳнинг валий бандалари бўлиши ва улардан турли кароматлар содир бўлиши ҳақ ва ростдир.⁴⁴⁸

Каромат хориқи одат бўлиб, уни Аллоҳ таоло дўстларидан бўлмиш бир валийнинг қўли орқали жорий қилади. Бу унга диний ва дунёвий ёрдам бўлиши мумкин. Мазкур кароматлар бир неча ҳикматларни ўз ичига олади.

Биринчидан, у ҳам мўжиза каби Аллоҳнинг улуғ қудратига ва хоҳишининг ижросига далолат қилади, чунки у хоҳлаган ишини қилувчидир. Негаки, Қуръони каримда қиссалари келтирилган ғор эгалари бўлмиш солиҳ йигитларнинг узоқ муддат бир ерда уклаши ва бу муддат ичида уларнинг баданининг чиримаслиги ёки Марям онамизга қишда ёзнинг, ёзда эса қишнинг меваларини пайдо бўлиши, ҳатто бундан Закарийё (а.с.) дек пайғамбарнинг ажабланиб, бу ҳақда ундан сўрашлари каби ишлар албатта, Аллоҳ қудратининг улуғлигидандир.

⁴⁴⁷ Истидрож – ўзи сезмаган томондан аста-секин азобга яқинлаштирмоқ.

⁴⁴⁸ Абу Бакр Аҳмад ибн Али ар-Розий ал-ҳанафий. (ваф.370 х) «Шарҳ бадъ ул-амолий» Макка – 2001. 278-б.

Иккинчидан, у кароматлар аслида ўша пайғамбарнинг мўъжизаси жумласидан, чунки валийларга ҳосил бўлган бу каромат, шубҳасиз, уни ўз пайғамбарига эргашиши туфайли содир бўлган. Учинчидан, мазкур кароматлар валийларга бу дунёда берилган улкан хушхабар бўлиб, у оқибатдаги яхшиликлар аломатидир. Аммо кароматни фалсафачилар ва мўътазила фирқаси вакиллари инкор қиладилар. Бу эса ботил даъводир. Чунки айтилганидек, каромат соҳибида ҳеч қачон пайғамбарлик даъвоси бўлмайди. Қолаверса, валийлар каромат талабида эмас, балки истиқомат талабида бўлганлар».⁴⁴⁹

Буюк муфассир Шамсиддин Қуртубий⁴⁵⁰ авлиёларнинг кароматлари ҳақида тўхталар эканлар, уни фақат адашган бидъатчи ва ҳаддидан ошган фосикларгина инкор қилишини айтганлар.⁴⁵¹ Абул Лайс Самарқандийнинг:⁴⁵² «Ким кароматни инкор қилса у муътазилийдир», деган сўзлари машҳур.⁴⁵³

Кароматнинг ҳақлигига сунний уламоларимиз Куръони карим ва ҳадиси набавиядан етарлича хужжат келтирганлар. Жумладан, Имом Фахр Розий (606-х.) «Ат-Тафсир Ал-Кабир»да, Амир Усома ибн Мункиз (ваф. 584-х.), «Китоб Ал-Эътибор» да, Абул Қосим Қушайрий (465-х.), «Рисолат Ал-Қушайрийя», Абу Абдуллоҳ ибн Ан-Нўъмон Ал-Марокаший (683-х.) «Мисбоҳ уз-золам», Муҳйиддин ибн Арабий (636-х.) «Рух ул-қудс», «Футуҳоти Маккийя», «Мавокиъ ан-Нужум», Имом Ёфесий (768-х.) «Равз ул-райоҳин», «Нашру ул-маҳосин», Камолиддин ибн Муҳаммад ибн Абул Ҳасан Али Ас-Сирож Ар-Рифоъий Ал-Қураший Аш-Шофесий (VIII х.) «Туффоҳ ул-арвоҳ», Ориф ибн Уббод (792-х.) «Шарҳ ҳукком ал-Атоийя», Саховий (IX аср) «Тухфат ул-аҳбоб», Жалолиддин Басрий Димашкий «Тухфат

⁴⁴⁹ Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али...76-б.

⁴⁵⁰ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий. Буюк олим, муфассир, муфаккиҳ, луғатшунос. 600/1204 йилда Қуртуба шаҳрида туғилиб, кейин Искандарияга, ундан Мисрга бориб ўрнашиб қолганлар. Алломадан жуда катта мерос қолган. 671/1273 йилда Мисрда вафот этганлар.

⁴⁵¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий. «Тафсирул Қуртубий». Дору ихёи турос ал-арабий. Байрут.1405/1985.11-ж., 28-б.

⁴⁵² Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандий. Муфассир, муҳаддис. «Имом ал-худо» лақаби билан машҳур бўлганлар. 375/982 йилда вафот этганлар.

⁴⁵³ Абул Лайс Самарқандий. «Баҳрул-улум». 1-ж., 338-б. <http://www.mawsoah.net>

ул-аном фи фазоил аш-Шом», «Имом Зайниддин аз-Забидий «Табақот ал-хавос мин аҳл ал-Яман», (893-х) Абдулваҳҳоб аш-Шаъроний (ваф.973-х) «Минан ал-Кубро», «Баҳр ул-мавруд» «Табақот ал-кубро», «Ал-явоқит вал жавоҳир», Жалолиддин Суютий «Мўъжам ал-Кабир»да, Имом Муновий «Файз ул-қодир»да қимматли маълумотлар келтирганлар.⁴⁵⁴

Абдулваҳҳоб аш-Шаъроний «Жомеъу каромот ал-авлиё» номли китобида қирқдан ортиқ ишончли китоблардан фойдаланганини келтиради.⁴⁵⁵

Имом Жалолиддин Суютий «Мўъжам ал-Кабир»да Имом Табаронийни Убода ибн Сомитдан қилган ривоятида келган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Абдоллар умматим орасида ўттиз нафардир», мазмунидаги ҳадисларини келтирар эканлар, ҳадиснинг исноди саҳиҳ эканини айтганлар.⁴⁵⁶ Бу гапни Имом Муновий «Жомеъ ас-сағир»га қилган шарҳи «Ат-тайсир»да ҳам келтирганлар.⁴⁵⁷

Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам «Фазоил ас-саҳоба»да ҳазрат Али розияллоҳу анҳунинг абдоллар мавжудлиги ҳақида айтган сўзларини келтирганлар.⁴⁵⁸

Абдоллар валийлардан бир жамоа бўлиб, абдол деб аталишининг сабаби ҳақида Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний (773–852 х.): «Улардан бири вафот этса, ўрнига бошқаси тўлдиргани учун шундай аталган», деб айтганлар.⁴⁵⁹ Айни шунга ўхшаган маънони «Танвир ул-ҳаволик»да Абдурахмон ибн Абу Бакр Абул Фазл Ас-Суютий ҳам келтириб ўтган эдилар.⁴⁶⁰

⁴⁵⁴ Юсуф Набҳоний. «Жомеъу каромот ал-авлиё». Байрут, 2005. 9–11; Жалолиддин Суютий. «Жомеъ ал-кабир» 1-жилд, 113-б; Абдурауф ал-Муновий. «Файз ул-қодир» Миср. Ал-мактабат ал-тижорият ал-кубро. 1356/1937.

⁴⁵⁵ Юсуф Набҳоний. «Жомеъу каромот ал-авлиё»... 9–11-бетлар.

⁴⁵⁶ Абу-Тийб Муҳаммад Шамс ул-ҳақ Азим Ободий. Дорул кутбул илмийя. Байрут – 6-ж., 256-б; Абдурахмон ибн Камол Жалолиддин Суютий. «Ад-дуррул мансур». Дорул фикр. – Байрут. 1993, 1-ж., 76-б.

⁴⁵⁷ Имом Ҳофиз Зайниддин Абдурауф Ал-Муновий. «Ат-Тайсир бишарҳи жомеъ ас-сағир». Дорун нашр. Риёз – 1408/1988. 1-ж., 855-б.

⁴⁵⁸ Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал. «Фазоил ас-саҳоба». Доктор Васийюллоҳ Муҳаммад Аббос таҳрири остида. Муассасатур рисола. Байрут – 1403/1983. 2-ж., 905-б.

⁴⁵⁹ Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. «Ал-маталиб ал-олийя». Дорул ваган. Риёз – 1318 х. 9-ж., 238-б.

⁴⁶⁰ Абдурахмон ибн Абу Бакр Абул Фазл Ас-Суютий. «Танвирул ҳаволик шарҳ ли-муваттои Молик». Ал-мактабат ат-тижорият ал-кубро. Миср – 1389/1969. 1-ж., 15-б.

Имом Табаронийнинг Абу Саъид Худрийдан келтирган ривоятида эса, абдолларнинг сифатлари ҳам баён қилиниб, улар олийҳимматлик, қалбнинг саломатлиги ва мусулмонлар оммасига шафқат экани, айтилган.⁴⁶¹

Имом Фахриддин Розий «Мафотих ул-ғойб» номли машхур тафсирларида: «Китоб ва суннатдан бўлган қатъий далиллар ўз пайғамбари йўлига мустаҳкам эргашган авлиёларнинг каромати ҳақлигига далолат қилади, – дейдилар⁴⁶².

Сизга Бухорода насиба йўқ

Изланишлар давомида биз Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг кароматлари ҳақида кўплаб маълумотларни учратдик. Жумладан, шогирдларидан Муҳаммад Амин охунд домла шундай дейдилар:

«Мадрасага келган дастлабки пайтимда бу ердаги таҳсилимдан натижа бўлавермади. Дарсларни яхши тушунмасдим. Зехним пастлик қилиб шерикларимдан ҳам орқада қолиб кетдим. «Энди мен бу ерда ўқий олмас эканман, Бухорога бориб ўқийман», деб қасд қилдим.

Кечаси ҳеч кимга билдирмай кўрпа-тўшагимни йиғиштириб чиқиб кетдим. Лекин бу кетишим Ҳазрат Домлага аён бўлиб турган экан, орқамдан одам юборибдилар. Марғилоннинг Сойбўйи маҳалласига етганимда улар менга етиб келишди ва тезда орқага қайтишимни, Ҳазрат жўнатганларини айтишди. Бирга мадрасага қайтдик.

Тонгда Ҳазрат хузурларига кирдим. У зот қўлимдан ушлаб: «Бухорода сизга насиба йўқ, насибангиз шу ерда», – дедилар. Мен яна шу ерда ўқий бошладим. Дарҳақиқат, кўп ўтмай менда бир ўзгариш пайдо бўлди. Зехним кучайиб, дарсларни яхши тушунадиган бўлиб қолдим ва шерикларимга етиб олдим.

Тилни эмас, дилни тийиш керак

Мадраса талабаларидан Нусратуллоҳ охунд Абдуллажон ўғлининг айтишларича, Сайид Аҳмад хўжа Марғилондаги

⁴⁶¹ Абул Қосим Сулаймон ибн Аҳмад ибн Айюб Ат-Табароний. Доктор Форук Ҳамода таҳрири остида. Дор ар-рашод.Мағриб. 1400-х. 1-ж., 85-б.

⁴⁶² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ар-Розий –Фахриддин Розий. «Мафотих ул-ғайб» 10-ж., 164-б.

мадрасани⁴⁶³ куриб битқазгач, (1904 йил) ўша даврнинг машҳур уламоларини таклиф этиб, зиёфат уюштиради. Меҳмонлар орасида кўқонлик Миён ҳазрат ҳам ҳозир эдилар. Узоқ давом этган ширин суҳбатлар ва дуойи хайрлардан сўнг меҳмонлар тарқаладилар. Миён ҳазрат шу куни бу ерда қоладиган бўладилар.

Кечга яқин Эшон Миён ҳазратга ҳамроҳ бўлишга Ҳазрат Домлани таклиф қилади. Ҳазрат қабул қиладилар. Кечқурун хуфтон намозидан кейин Эшон уларнинг тунги хизматлари-га Акмалхон исмли укасини қўйиб чиқиб кетади.

Меҳмонлар турган хона олди айвонли каттагина бир даҳлиз бўлиб, даҳлиз айвондан баландроқ, унга унча баланд бўлмаган уч поғонали зинадан чиқилар экан. Акмалхон айтади: «Акам менга уларнинг хизматига хушёр бўлиб туришимни айтиб, чиқиб кетти. Ёз кечаси бўлгани учун мен айвонда ётадиган бўлдим. Икки улуғ зотга хизмат қилганимдан хурсанд бўлиб, хаёл суриб, баногоҳ хаёлимдан: «Буларнинг ҳар иккиси ҳам замон уламози, улардан қайси бирлари улуғроқ экан, Ҳазрат Домлами ё Миён ҳазрат?» – деган фикр ўтди. Кейин бошқа нарсага чалғиб, ухлаб қолибман.

Кечанинг ярмига борганда даҳлиз эшиги очилиб, меҳмонлардан бири чиқа бошладилар. Мен уйғоклигимни билдириш учун йўталиб қўйдим. Қарасам, Миён ҳазрат экан. Дарҳол туриб қўлларидан тутдим. Ҳовлига олиб чиқдим. Қайтиб келганларидан сўнг айвон олдида ўтириб таҳорат олдилар. Кириб кетаётиб, зинанинг ярмига борганда тўхтадилар ва менга қараб: «Эшон», – дедилар, қўллари билан ичкарига ишора қилиб: «Ҳазрат Домла кўп улуғ ва мўътабар зот-да, бу кеча у зотга ҳамсуҳбат бўлганимдан жуда хурсандман», – дедилар ва кириб кетдилар. Мен ҳам жойимга бориб ётдим.

Орадан сал ўтмай Ҳазрат Домла ташқарига чикдилар. У зотни ҳам ҳовлига олиб чиқдим. Қайтиб келгач, таҳорат олдилар. Кириб кетаётиб, бу зот ҳам зинанинг худди

⁴⁶³ Мадраса 1917 йилги воқеалардан кейин ҳам бирмунча вақт фаолият кўрсатиб келган, кейинчалик ёпиб қўйилган. Мадраса биносидан маълум вақт тураржой сифатида ҳам фойдаланилган. Кейинчалик мадраса биносида вилоят ўлкашунослик музейи филиали ва маҳаллий аҳолини эски ўзбек ёзувида ўргатувчи ўқув-кооператив муассаса фаолият кўрсатган. 1992–96-йилларда эса ўрта махсус ислом билим юрти – мадраса фаолият олиб борган. Ҳозирда бу ерда шаҳар хунардандлар уюшмаси жойлашган.

Миён ҳазрат тўхтаган жойига борганда тўхтадилар ва менга қараб ичкарига ишора қилиб: «Миён ҳазратлари кўп улуғ ва фозил кишилар-да Эшон, бу зот билан тунни бирга ўтқазганимдан жуда мамнун бўлдим», – деб кириб кетдилар.

Ўшанда мен уларнинг бу ишоратларига тушунмаган эканман. Кейин акамга айтсам: «Ахир улар дилингдан ўтган нарсани айтиб қўйибдилар-ку, улуғларнинг олдида тилни эмас, дилни ҳам тийиш керак!», – дея танбех берган эдилар». ⁴⁶⁴

Миён Сотиболдихон эшон

Шу ўринда Миён ҳазрат ҳақида тўхталиб ўтсак. Шунгача бу зот номини икки жойда тилга олдик. Маълумки, диёримизнинг турли жойларида ҳозирги кунга қадар миён авлодлари истиқомат қилиб келадилар. Бу ҳақда Раҳматилла Инағомов «Муҳаммад пайғамбарнинг туркий авлодлари» номли китобида ⁴⁶⁵ шундай маълумот келтиради:

«Миён» сўзи келиб чиқиши жиҳатидан тожикча бўлиб, ўрта маъносини англатади. Миёнлар ота томонидан ҳазрати Умар (р.а.)га бориб тақалган мўътабар авлод. Ўз даврида алоҳида хурматга сазовор бўлишган». ⁴⁶⁶

Биз номларини келтирган Миён ҳазрат асл исмлари Миён Сотиболдихон бўлиб, ота авлодлари асли мадиналик бўлишган, кейин эса Ҳиндистонга келиб, аввал Дехли яқинидаги Сирҳинд, кейинроқ Калькутта – ҳинд мусулмонлари юртида истиқомат қилишган ва ундан дунёнинг кўпгина мамлакатларига тарқаб кетадилар. XVIII асрда эса Кўкон хонлигига келиб ўрнашиб қолишади.

Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулланнинг ҳужжатлар, ҳаққоний лавҳаларга асосланган «Мавлоно Муқимий» аса-рида бу авлод вакиллари тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Жумладан, китобнинг «Худоёрхоннинг пири комили» бобида Раббонийларнинг қандай қилиб Калькуттадан

⁴⁶⁴ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Милтиқсоз. 1998.

⁴⁶⁵ Инағомов Р. Муҳаммад Пайғамбарнинг туркий авлодлари. Т.: «Камалак», «Хазина», 1995.

⁴⁶⁶ Милославский Г.В. Интеграционные процессы в мусульманском мире. – М.: «Наука», 1991, С.97.

Кўқонга келиб қолгани тўғрисида батафсил ҳикоя қилинади. Унга кўра Кўқон уламолари улуғ имомни қандай қилиб бўлмасин ўз юртларига келтириш ҳаракатига тушадилар. Худоёрхон саройида катта мавқега эга шариат пешволари хонга: «Агар шу улуғ зот Туркистонга келиб туришга кўнса-ю, хон у зотни пири комилим, деб эътиқод қилса, аввало, хон давлати салтанати яна ҳам гуллаб-яшнаб кетади. Иккинчидан, хонга ҳеч бир душман путур етказа олмайди. Учинчидан, Туркистонда ислом дини яна ҳам раванқ топади», деган фикрни айтиб, Соҳибзодани Ҳиндистондан Кўқонга таклиф қилишни талаб қиладилар.

Худоёрхон Ҳиндистонга, Имом Раббонийга мактуб йўллаб, уни ўз салтанатига таклиф этади. Бирмунча фурсат ўтказ, Раббонийларнинг йўлга тушгани ҳақида хабар келади. Ҳазратнинг Туркистонга етиб келиши яқинлашгач, Кўқоннинг кўплаб машҳур уламолари, эътиборли зотлари уни кутиб олиш учун Хўжандга борадилар. Худоёрхоннинг ўзи шаҳардан ташқарига чиқиб, Хўжанд дарвозаси олдида имомни эҳтиром билан кутиб олади, пири комил шарафига дарвозадан ўрдагача кўчаларга поёндоз ташланган эди». ⁴⁶⁷

Имом Раббоний Соҳибзода бу ерда уйланиб бир неча фарзандлар кўрадилар. Улардан бирлари Миён Сотиболдихон эди. Мазкур асарда таъкидланишича, Миён Сотиболдихон имом Раббонийнинг ўғиллари орасида ёшлигиданоқ эътиқоди ва ахлоқи билан ярқираб кўриниб қолган покиза табиатли фарзанд бўлиб улғаядилар. Чунки у зот Соҳибзодага кўшилиб бирга келган ҳинд шоири Нохўш тарбиясида ўсиб, фақирларнинг бошини силаш, қийналганларга ёрдам беришни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳис этадиган саховатпеша кишига айланадилар.

У зотнинг яна бир инсоний фазилатларидан бири, ҳеч қачон ўзларининг «олий зот» экани ва катта давлат соҳиби экани ҳақида кишиларга оғиз очмас эканлар. Илм ва маърифат аҳлига эҳтиромлари кучли бўлган. У зотни ёшлигидан қийинчилик билан катта бўлган шоир Муқимийга қилган беғараз ёрдамлари, унга яратиб берган шароитлари ҳам шу туфайли эди.

Миён Сотиболдихон тўғрисида келтирилган маълумот-

⁴⁶⁷ Собир Абдулла. Мавлоно Муқимий. Т.: 1953. 269–270-б.

лар билан танишгач, у зотни Марғилон маънавий муҳити вакиллари, айниқса, Хонақоҳий Ҳазрат Домла билан яқин алоқалари нималарга асосланганини англашимиз осон бўлади.

Маърифат шайдоси ва ҳомийси бўлган у зот назаридан Марғилон ва бу ердаги маърифат аҳли, хусусан, Ҳазрат Домладек буюк зот билан алоқа қилмаслик, ўзаро дўстона муносабатларга киришмаслик мумкин эмасдек туюлган. Қолаверса, шунгача ҳам Марғилон ва Қўқон маънавий муҳити вакиллари ўртасида алоқалар бўлгани маълум.

Маълумот сифатида айтиб кетиш ўринлики, Соҳибзода ҳазратнинг Сотиболдихон эшондан бошқа яна Миён Муҳаммад Халил Соҳибзода, Миён Фазл Аҳад, Миён Содик каби ўғиллари бўлган. Улар ҳақида «Туркистон вилояти газети»нинг 1912 йил, 31 май № 41-сонида мақола эълон қилинган.⁴⁶⁸

Бухорода бўлган густоҳлик

Охунжон қори Водилий айтадилар: «Рамазон ойларининг бирида Бухоро амирининг таклифига биноан, Ҳазрат Домла Бухорога хатмга борадиган бўлдилар. Абдулҳаким деган пешқадам шогирдлари билан бирга мени ҳам олиб кетдилар.

Хон саройи аёнлари, алломалар, шоиру сўфилар иштирокида ўн кун даҳа ичи Қуръони карим хатмлари бўлди. Бизга ҳам хатмга ўтиш насиб бўлди. Кундуз кунлари улуғ зотларнинг мозорларига зиёратга чиқар эдик. Зиёрат чоғида биз фавқулодда ҳайратли кароматнинг гувоҳи бўлар эдик. Қайси мозорга борсак, икки кутбул-актоб (Вазири аъзам ва Ҳазрат Домла) ишоралари билан бир киши Қуръон ўқийди. Фотиҳадан сўнг кўзлар юмук, ул табаррук зот чиқиб, икки саодат соҳиблари билан зиёратлашгач, суҳбат бошланади. Бир неча дақиқалар кўзлар юмук, худди тушдаги каби гўё бир неча соат бўлганидек суҳбатларига гувоҳ бўламиз. Мен ва Абдулҳаким қори шундай кутлуғ дамларни орзиқиб кутиб тунларни кунга улаб ухламай чиқардик.

Бир куни подшоҳ ўрдасидаги ҳашаматли суҳбатгоҳда гап айна чин эътиқод борасида бораётган пайт шайх ул-ислом

⁴⁶⁸ «Туркистон вилоятининг газети». 1912 йил, 31 май № 41.

ҳазратлари кўкқисдан шеригим Абдулҳаким қорига қараб: «Қори» – деб, Ҳазрат Домла томонга ишора қилдилар ва (шу киши билан борганингизда азизлар билан мулоқот қилишга эришардингиз) дегандек, «Ойнайи жаҳон бу ерда турганда, сиз қаерларни бориб сайр қилдингиз?!» – дедилар. Маълум бўлишича, Абдулҳаким қори пайт топиб ёлғиз ўзи ҳам мазорларга бориб Қуръон ўқиган, лекин ҳеч кимни кўрмагач, (кўринишмагач) мулзам бўлиб қайтгани Вазири аъзамга аён бўлиб турган экан. Маълум бўлганидек, бу билан Вазир аъзам йигитда шаклланаётган густоҳликни тузатмоқчи бўлганлар. Лекин бу ҳаммаси эмас эди.

Айтишларича, ушбу сафардан йиллар ўтиб, Абдулҳаким қори китоб ёзиш учун табаррукан, Ҳазрат Домлага ёздириб бошлайди. Иттифоқо, Ҳазрат унинг бояги ёзувни ташлаб, ўрнига ўзи ёзиб олганини кўриб қоладилар. Аҳволлари ўзгариб: «Ўзи ёзиб олар экан, нега менга ёздирди экан-а?», – деб қўлларидаги қаламни хонтахтага ташлаганлари баробари Абдулҳаким қори таътилда (қишлоғида) туриб жон берган экан.⁴⁶⁹

Теракдан тушмай қўяверинг

Айтишларича, бир куни Хонақоҳ мадрасаси саҳнидаги қуриб қолган теракни кесмоқчи бўладилар. Одатда теракни кесишдан олдин бир одам чиқиб, арқон боғлаб тушиши керак бўлади. Ҳазрат Домла мулла Усмон исмли шогирдларига: «Сиз чиқиб, арқонни боғлаб тушинг», – дейдилар. У: «Хўп бўлади» – дейди-да, теракка чиқиб арқонни боғлайди. Энди тушмоқчи бўлганида пастдан: «Энди тушмай қўяверинг, яқинлашганда тушиб оларсиз», – дейдилар. У бунга ҳайрон бўлса ҳам устоз айтаётгани учун индамай ўтираверади. Ҳозирлар ҳам ҳайрон эди. Чунки ағанаётган теракдан тушишнинг ўзи бўлмади-да.

Терак кесилиб, тагидан ажрагач, қулай бошлайди. Аммо не кўз билан кўрилсинки, у худди бир одам қўли билан аста-аста, авайлаб пастга тушираётгани каби оҳисталик билан тушарди. Шу алфозда ерга яқинлашгач, бир сакраб тушиб оладилар.⁴⁷⁰

⁴⁶⁹ Мухториддин Охунжон қори ўғли. Қўлёзма. Водил – 1996. 8-б.

⁴⁷⁰ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 1998.

Қаламнинг сир

Айтишларича, Ҳазрат Домла бир куни китоб ёзаётиб, бир сабаб билан ташқарига чиқадилар. Талабалардан бири қизиқиб Ҳазрат қаламларини олиб ёзиб кўрмоқчи бўлади, лекин бунга ботина олмай яна жойига қўяди.

Ҳазрат қайтиб келгач, қаламни қўлларига оладилар ва уни кимдир ушлаганини биладилар, унга: «Эй қалам, ахир мени ушлаш учун қирқ йил бир ерда ўтириб, риёзат чекишинг керак, шундагина ёза оласан, демайсанми?!» – дейдилар.

Муҳаммад Мунир Самнудий «Тухфат ус-солиқин»да мурид одобларини баён қилар экан, шогирд устоздан берухсат унинг жойида ўтирмасин, кийимини берухсат киймасин ва унинг нарсаларини ушламасин, деб таъкидлаганлар.⁴⁷¹

Турли маноқиб ва тазкираларда авлиё ва алломаларнинг қаламига хос «сир» ҳақида гапирилган. Лекин мақсадимиз кўпроқ марғилонлик уламолар ҳаёти ва фаолиятига бағишлангани учун бу ерда уларни келтирмадик. Аммо Абдуссамад охунд Марғилоний вафотидан сўнг у зот қалам ва дафтари тилидан шогирдлари Мажруҳ Ёзёвоний (Маҳмуджон қори 1922–1994) ёзган марсияни эслаб ўтиш ўринли кўринди. Гарчи, унда қаламга хос юқоридаги каби «сир» ҳақида гап кетмаса-да, лекин, у иккиси тилидан гўзал мазмун ифодаланган.

Охундадамдан бизга қолган табаррук қалам ва дафтарлар тилидан

*Жудоликдан қалам авроқ уза бошин қўйиб гирён,
Ёриб бошин қаро қон йиғладиким, ўртади ҳижрон,*

*Варақ титраб тутиб мотам, қаро суртиб юзига,
Қаро кун тушиди деб, бошга қилиб мушкин паршон.*

*Қалам тўхтаб йиғидан, мадори қолмайин охир,
Тушиб бирён, варақ бечора ҳам, ҳайрон бўлиб бирён.*

*Рафиқ эрдик на ерга борсалар биз ҳам саёҳатда,
Ёнидан қолмайин бирдам, қаерда бўлсалар меҳмон.*

⁴⁷¹ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-солиқин» ... 63-б.

*Бизи ҳайрон қилиб, ташлаб кетиб, борган ерин айтмай,
Аларда бўлдимиз нисён ва ё бизлардами нуқсон.*

*Мани қўлга олиб, дафтар юзинга эмди ким боқғай,
Юзинг ёнғил, манам бошим олиб энди бўлай пинҳон.*

*Мени тутган, сенга боққон кишиларга эрурмиз ҳайф,
Назм майдонига ҳаргиз алардек келмагай инсон.*

*Қалам-дафтар фироқида деди, бир-бирга ҳолини,
Жудо бўлгач висолдан, менга бўлди жаҳон зиндон.*

*Вафоти тарихи Мажруҳ йиғламоқ риё бўлди,
Гуноҳинг беададдир ўзинга йиғлагил чандон.⁴⁷²*

Шу ўринда Абдуссамад охунд Қоил ҳақларида қисқача маълумот бериб ўтамиз. Биз ҳозиргача китобда асарларидан намуналар бериб келмоқдамиз. Бу зот ҳақида сўз кетганда замондошлари «ҳақиқатдан баҳра олган зот», дея, таърифлашади. Шогирдларидан Маҳмуджон қори Умаржон маҳдум ўғли эса шундай таъриф берганлар:

«Меҳрибон устозим, мураббий, раҳбарим, отамдин зиёда, ҳар борада раҳнамо, вориси анбиё, аҳли фазлга пешво, замон халқига муқтадо, суҳбатлари дилкушо, нафаслари жон физо, таъби салиму равишан замир, ҳамида хисолу дил пазир, насиҳатлари марғуб, дегонлари айни матлуб, илмда бир улуг дарё эрдиларким, ҳамма ташиналар алардин сероб эди. Забони шаккар нисорлари ҳаққа қоил, жолис барчаси суҳбатларига моил эрди».⁴⁷³

Қоил ҳазратларидан бизга катта илмий мерос – юзга яқин маънавий-ахлоқий мазмундаги ғазал ва мухаммаслардан иборат баёзлари қолган. Улар инсонни ҳақиқий инсон даражасига етишига хизмат қилувчи бебаҳо ўғитлардир.

*Анинг меҳрини таъсири билан эл ҳам суяр эрди,
Ҳама «Охунд дада» деб, боладек меҳрин қўяр эрди,
Сўзи таъсири кўпларни ёмонликдан тияр эрди,
Кўнғилга тошга ўйгандек сўзин нақшин ўяр эрди,
Алардин ҳар киши олса дуо оламда хор ўлмас.⁴⁷⁴*

⁴⁷² Мажруҳ Ёзёвоний. Р.Файзуллаев кутубхонаси. Қўлёзма. 126–27 б.

⁴⁷³ № 2-йиғма жилд. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁴⁷⁴ «Баёзи Ғолиб Марғилоний»... 19-б.

У зот асарларига таъриф берган кишилар: «*Ҳама мазмуни оёту ҳадисдур, ҳеч бекор ўлмас*», деганларида муболаға қилмаганлар. Унинг инсон қалбига таъсири ҳам шунда.

*Отадек меҳрибон элга, насиҳат доимо қори,
Муборак табъидан етмас ҳеч кимга озори,
Мухаммаслар, ажойиб шеърлар жаннат гулзори,
Харидори анинг ёшу қари гавҳарни бозори,
Ҳама мазмуни оёту ҳадисдур ҳеч бекор ўлмас.*⁴⁷⁵

Абдуссамад охунд ҳижрий 1393 йил 9 зулҳижжа, милодий 1973 йил 3 декабрда 87 ёшда вафот этганлар. Марғилоннинг Хўжа Форсо қабристонига дафн қилинганлар. Охунд даданинг вафоти Марғилон халқига, хусусан, илм аҳлларига катта мусибат бўлган. Чунки:

*Аҳли дин айрилди бир арбобидан,
Аҳли маъни, яъни дурри нобидан,
Ташналар қолди зилоли обидан,
Кўп мусибат юзланиб ҳар бобидан,
Бори гамдан дўстларин қадди камон.*

бўлган эди. Вафотларига Мажруҳ Ёзёвоний, Баҳрий, Ғолиб Марғилоний, Ҳузурий Андижоний⁴⁷⁶лар марсия ёзганлар.

Эллик йиллик тўн

Маълумки, Марғилонда Муҳаммад Амин қори домла исмли қироат устози яшаб ўтганлар. У зот Хонақоҳ мадрасасида талабаларга қироат илмидан таълим берганлар. Умрини Қуръон таълимига сарф этган бу буюк зот ўз даврида Марғилонда фаолият олиб борган соҳа устозларининг пешқадами бўлиб, минг нафар мураббит қори тайёрлагани билан машҳур бўлганлар. Ёзма маълумотларда «мавлоно», «ориф раббоний» каби сифатлари билан ёд этилган. Халқ орасида эса «Даминча қори» номи билан машҳур бўлганлар.

Аллома асли қирғизистонлик бўлиб, камбағаллик билан кун кечирар эканлар. Ёшликларида иш ахтариб, Марғилонга келиб қоладилар, бу ердаги илмий-маънавий муҳитни кўриб, шаҳарда туриб қоладилар. Қаландархона даҳасига қарашли

⁴⁷⁵ Қоил Марғилоний. Р.Файзуллаев кутубхонаси. Баёз. 45-б.

⁴⁷⁶ Асли исми Абдулфаттоҳ бўлган мазкур шоир андижонлик мударрис Сомеъ домланинг кенжа ўғли. Тахминан 1905 йилда Андижон шаҳрида туғилиб, 1991 йилда Андижонда вафот этган.

ҳозирги Оқ мазор зиёратгоҳи ёнидаги мадраса қошидаги қорихонада Куръон таълимини ўргана бошлайдилар. Беш йилда уни тўлиқ ёд оладилар. 1339/1920 йилда Марғилонда вафот этганлар. У зот вафотига ёзилган тарихда шундай дейилади.

Тарихи вафоти мавлоно ва устодунал олим араббоний ал-муқрий ал-маъруф бисмиҳис-сомий домла Муҳаммад Амин ал-Маргиноний раҳимахуллоху раҳматан восиатан

*Баҳри тарихи фавти у ҳотиф,
Фуфира лаҳу било ниҳоя гуфт.⁴⁷⁷*

Жаноб устоз ва хожамиз, машҳур қироат устози Муҳаммад Амин Маргинонийнинг, у кишига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин, вафоти тарихи: «У зотнинг вафотига ҳотифдан: «У зот мағфират қилинди», деган овоз келди.»

Бошқа бир маълумотда 1321/1901 да 114 ёшда вафот этганлари айтилган.

Хонақоҳда таълим олган талабалар, асосан, қироат илмини мазкур зотдан ўрганишган. Ўша даврда бу зотдан таълим олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаган. Ҳазрат Домла ҳам алломага айрича муносабатда бўлганлари айтилган. Чунки кўплаб илм ва маърифат аҳлини ўзида жамлаган Хонақоҳ маънавий муҳити Даминча қоридек буюк устозни эъзоз қилиши табиий ҳол эди.

Қолаверса, алломанинг Хонақоҳда туриши у зот учун шараф бўлганидек, мадраса учун ҳам катта обрў эди. Буларнинг барчаси холис ният ва самимият асосига қурилганини кўрамиз. Умуман, тарихда ўтган алломаларнинг ўзаро муносабати остида ислом ва унинг ривожига хизмат қилишдек олийжаноб мақсадлар бўлган.

Хонақоҳий Ҳазрат Домла билан бу буюк аллома ўртасида бўлиб ўтган куйидаги воқеа ҳам Хонақоҳий Ҳазрат Домла қароматларига мисолдир. Миряхё қори домла шундай дейдилар: «Муҳаммад Амин қори домла кексайган пайтларида кўпроқ уйларида ибодат билан машғул бўлиб қолган эдилар. Бир кун ҳовлиларида ош қилдирадилар. Ош тайёр бўлгач, солишга рухсат сўрашганда: «Бир оз туринг-

⁴⁷⁷ Охунжон қори Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-ийғма жилд.

лар», – деб ишора қиладилар. Сўнгра уларга мадрасани битирганларида устозлари кийдирган табаррук тўнни олиб қуйишларини айтадилар. Ўзлари эса худди биров келишини кутгандай, мунтазир бўлиб турибдилар. Кейин кўчага чиқиб кетибдилар.

Маълум бўлишича, ўша куни Ҳазрат Домла бу зот зиёратига йўлга чиққан ва етиб келишларига оз қолган экан. Буни ғойибдан билган қори домла ош солишни кечиктирган эканлар. Пўстиндўз маҳалласига борганда икки азиз зот бир-бирлари билан учрашибдилар. Ҳовлига киргач, ошни бирга баҳам кўрибдилар.

Сухбат сўнгида Ҳазрат Домла ўзлари билан олиб борган бундан эллик йил олдин Бухорода устозлари кийдирган тўнни қори домлага кийгизиб қўядилар. Ўз ўрнида мезбон ҳам олдиндан ҳозирлатиб қўйган шу каби тўнни Ҳазрат Домла елкаларига ташлаб қўйган эканлар». ⁴⁷⁸

Айтиш ўринлики, бундан юз йил олдин Марғилонда яшаб ўтган икки буюк зотнинг ўзаро эҳтироми уларнинг нечоғли олийжаноб кишилар эканининг аломати бўлиб, ибратланишга лойиқдир. Қолаверса, Марғилонда шундай зотлар яшаб ўтгани Марғилон халқи учун шараф. Ўзгаларга кўрсатилган ҳурмат аввало кишининг ўзига эҳтиром, ўзини улуғ чоғлаш эса ўзгалар наздида ўз қадрини туширувчи омил эканини англаш кўп яхшилик келтиради.

Тариқат шайхи Абу Музоҳим Шерозий шундай деган эдилар: «Кимки ўзининг назарида хор кўринса, Аллоҳ таоло унинг даражасини баланд қилади ва кимки ўзига улуғ кўринса, Аллоҳ таоло уни бандаларнинг назарида хор қилиб кўрсатади». ⁴⁷⁹

Иzlанишлар давомида шу нарса маълум бўлдики, мазкур уламолар доим бошқаларни ўзларидан ортиқ кўрганлар. Ислоҳ ва тарбияга доир ҳар қандай гапни аввало ўзлари учун қабул қилишган. Ҳеч бир ҳолда масъулиятдан ўзларини холий деб билмаганлар. Бунга мисол қилиб, ўша даврда бўлиб ўтган қуйидаги воқеани келтириш мумкин.

Айтишларича, Машҳад жомеъ масжидида бўлиб ўтаётган хатмоналарнинг бирида баногоҳ жамоат орасидан бир

⁴⁷⁸ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Қаландархона. 1997.

⁴⁷⁹ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат»... 105-б.

кишининг: «Уламолар тавфикига дуо», – деган сўзи эшитилади. Лекин буним ким айтгани маълум бўлмайди. Шундай бўлса-да, бу сўздан йиғилганлар таъсирланиб: «Ҳай, ҳай, уламоларга тавфиқ сўраб дуо қилинадиган замон келиб қолибди-да», дея ўзларини янада хушёрликка олган эканлар.⁴⁸⁰

Ҳазрат Домла ва Мажзуб Намангоний

Маълумки, Наманганда Эшон Мажзуб⁴⁸¹ номи билан машҳур тариқат шайхи яшаб ўтганлар. Асли исмлари Абдулазиз, (баъзи маълумотларда Муҳаммад Азиз) оталарининг исми Ҳасанхожа бўлган бу зот Отабек Жўрабоевнинг келтирган маълумотига кўра тахминан, XVIII аср иккинчи ярмида туғилганлар. Баъзи маълумотларга кўра туғилган жойлари Қўқон, айримларида Қарши дея кўрсатилади. Вафот саналарида ҳам бир оз ихтилоф мавжуд: Қори Қундузийнинг «Таворихи манзума»сида ҳижрий 1256 (милодий 1849) йил дейилган бўлса, Пўлатжон Қайюмийнинг «Тазкирайи Қайюмий» асарида ҳижрий 1273 (милодий 1857) йил деб таъкидланган. Ҳаёт ва фаолиятлари ҳақида ҳам маълумот жуда кам.

Аввалига Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрадилар ва шу ерда Халифа Хусайн Янгикўрғонийдан тасаввуф таълимини ўргандилар. Мазкур шайх хонақоҳидаги хизмат адосидан сўнг, тариқат (баъзи маълумотларга кўра икки – қодирия ва накшбандия, айримларига кўра ҳатто тўрт тариқат) пешволигига иршод оладилар. Фарғонага қайтгач, Қўқонда яшайдилар. Сўнгра Наманган шаҳрига бориб, муқим бўлиб қоладилар ва шу ерда вафот этадилар.

Эшон Мажзубнинг пирлари Хусайн халифа (ваф. 1834 йил) тарих фанлари доктори Икромиддин Остонакуловни таъкидлашича, Халифа Муҳаммад Сиддиқнинг улуғ асхобларидан бўлганлар. Самарқандда мадраса ва хонақоҳ бино қилганлар. Кейинчалик Амир Ҳайдар замонида Бухорода яшаганлар. У зот тарбиясини олган муршидлар Қўқон ва Кошғарда Қодирия тариқатини ҳам жорий қилишган.

⁴⁸⁰ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Машҳад. 2013.

⁴⁸¹ Мажзуб – араб. «тортилган, ошиқ бўлган». Тасаввуфда мажзуб деб Аллох томонидан қалбига ишқ-муҳаббат оташи берилган, жазба ҳосил бўлган шахс.

Мажзуб Намангонийнинг тасаввуфий мазмундаги назмий асарлари мавжуд бўлиб, улар солиқлар томонидан сўфийларнинг анжуманларида куйланиб келинган.⁴⁸²

Маълумотларда Хонақоҳий Ҳазрат Домлани Эшон Мажзуб билан учрашганлари ҳам айтилади, агар бу ўз исботини топадиган бўлса бу Ҳазратнинг йигитлик пайтларига тўғри келади.

Унга кўра Ҳазрат Домланинг ибтидоий ҳолларида бошларида бир оз оғриқ пайдо бўлиб, баъзан беҳаловат қилар экан. Бир гал Марғилондан Эшон Мажзуб зиёратига борган кишилар бу ҳақда у зотга айтишади. Қайтаётганларида Эшон Мажзуб уларга бир кулоҳни бериб: «Мана бу юқориларимиздан келаётган табаррук кулоҳ, у кишига олиб боринглар, кийсинлар ажаб эмаски, шифо топсалар», – дейдилар.

Марғилонга келгач, улар кулоҳни Ҳазрат Домлага берадилар. Ҳазрат бундан хурсанд бўлиб кулоҳни киядилар ва не тонгки, тез фурсатда беморликдан фориғ бўладилар ва бунга жавобан, Мажзуб зиёратига Наманган сафарига отланадилар. Буларнинг бориши Мажзуб ҳазратга маълум бўлади ва истикболларига пешвоз чиқадиладар. Меҳмонларни иззатикром қилиб кузатадилар. Шу воқеа сабаб, Ҳазрат Домла Эшон Мажзубга муҳаббатлари зиёда бўлиб қолади.

Айтишларича, Ҳазрат Домла тез-тез бомдод намозини ўқиб бўлгач, Наманган ва Андижон томонларга қараб таъзим билан салом берар ва буни: «У ердаги азизларга эҳтиром қиляпмиз», – дея ифодалар эканлар.⁴⁸³

Эшон Мажзуб Марғилонда

Орадан бирмунча вақт ўтгач, Эшон Мажзуб ҳам Марғилонга келадилар. Бу ташриф у зотнинг муридлари Бегмуҳаммад халифанинг таклифи билан у истиқомат қиладиган Томоша кишлоғига боришлари асносида содир бўлган. Йўлда улар Хонақоҳга ҳам тушадилар.

Айтишларича, ўшанда Эшон Мажзубнинг Марғилонга келишлари катта шов-шув ва тантаналарга сабаб бўлган экан. Бу ерда у зот ташрифи учун катта анжуман ташкил

⁴⁸² Рафиддинов С. Мажзуб ва қаландарлик. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. №3.

⁴⁸³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Чилдухтарон. 1999.

қилинади. Кейин у ердан Томоша қишлоғи томон юрадилар. Йўлда Шоҳимардон ва Водилга тушиб ўтганлари ҳам айтилган. Мазкур сафар ўз ўрнида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган. Айни пайтда Бегмуҳаммад халифанинг фарзандларидан бири Муҳаммад Умар халифа – Оқ эшон курдираётган масжид ишлари ниҳоясига етаётган эди. Мажзуб ҳазратнинг ташрифини эшитган Оқ эшон фурсатдан фойдаланиб, ҳаракатни кучайтиради. Кечани–кеча, кундузни–кундуз демай, меҳнат қилиб, қурилиш ишини охирига етказди. Қисқа фурсат ичида ерли қирғизларга эчки жунидан катта гилам тўкитиб масжид сахнига тўшатишга ҳам улгуради. Айтишларича, мазкур ташриф Оқ эшон учун унутилмас воқеага айланган экан. Чунки айтишларича, мазкур масжид очилиш маросими пайти Оқ эшон Мажзуб ҳазратга қўл бериб, у зотнинг муҳаббатли муридларидан бирига айланган экан.

Айтишларича Муҳаммад Умар халифа Оқ эшон нафақат Мажзуб ҳазратга, балки Ҳазрат Домлага ҳам муҳаббатли бўлган. Шу туфайли, хузурларига тез-тез келиб турган. Ҳазрат ҳам унинг ихлосига яраша эҳтиром кўрсатганлар. Буни талабаларга: «Қачон бу зот келса, тўхтатмасдан хузуримга киргизинг», – дея уқтиришлари ва кириб келаётганларини кўрди дегунча, истикболига пешвоз чиқишларидан ҳам билса бўлади.

Манбаларда айтилишича, Оқ Эшон ниҳоятда қўли очиқ, сахий инсон бўлган. Шу боис, халқ орасида катта обрў-эътибор қозонган эди. Бу ҳақда шоҳимардонлик шоир Мулло Ниёз (1823–1896) ҳам ўз асарларида тўхталиб ўтган эди.⁴⁸⁴

Оқ Эшоннинг оламдан ўтганига юз йил бўлса-да, сахийлиги туфайли номи кишилар қалбида сақланиб қолди. Бинобарин, сахий инсонлар дунёдан ўтиб кетсалар-да, улар тўғрисидаги хотиралар кишилар қалбида абадий муҳрланиб қолади.

Кези келганда, Оқ Эшондаги бу фазилатлар унга отаси Бегмуҳаммад халифадан ўтганини айтиш ўринли. Оқ эшоннинг Бобоси Саримсоқ бува, унинг отаси Зокир халифалар ҳам ўз даврида зиёли-маърифатли кишилар бўлиб ўтишган. Бегмуҳаммад халифа (ваф.1870) нинг тўрт ўғлидан каттаси Усмонали халифа (ваф.1913), иккинчиси Оқ Эшон, учинчи-

⁴⁸⁴ Молло Нияз. Санат дигарастар... 146-б.

си Шер халифа, тўртинчиси эса Идрис халифа (ваф.1933) эди.

Мажзуб ҳазратнинг Марғилонга ташриф буюришлари маҳаллий аҳоли орасидан кўплаб кишиларни у зотга мурид ва мухлис бўлишига сабаб бўлган. Шундай кишилардан бири халқ орасида «Тош халифа» номи билан машҳур бўлган Нурмуҳаммад эшон Ортиқ эшон ўғли эди. Беҳуда гап гапиришдан кўрқиб, доим оғзига тош солиб юргани учун шундай аталган халифанинг бу ишидан унинг ўта эҳтиёткор экани англашилади.

*Тилингни сақлагил, беҳудагўликдан ҳазар айлаб,
Гапурғил, кизбу гийбат сўз аро кирмаслигин ўйлаб,
Синиқ дилларни ўтгил, қайда кўрсанг кўнглини овлаб,
Зулдан эҳтиёт бўл, Худога арз этар йиғлаб,
Бориб маҳшар кунинда бўлмагил, анда паршонсан.*⁴⁸⁵

Аммо Марғилонда ўтган ушбу тариқат вакили Тош халифа ҳақида етарлича маълумот топа олмадик. Гарчи ҳозирда маҳаллий халқ орасида халифанинг авлодлари истиқомат қилсалар-да, лекин бизга атрофлича маълумот бера олмадилар. Бунга ўтган асримизнинг ўттизинчи йилларида олиб борилган оммавий қатағонлар туфайли халқнинг зиёли қатлами – уламолар, саййиду эшонлар бошига тушган қора кунлар сабаб бўлган эди. Натижада, мазкур сулолаларнинг авлодлари ўзларининг ким ва кимларнинг авлоди эканини халқдан яширишга мажбур бўлган эдилар. Бу эса ўз-ўзидан улар ҳақидаги қимматбаҳо қўлёзмалар, шажаралар ва бошқа нақлий маълумотларни йўқолиб кетишига сабаб бўлган эди.

Айтишларича, Эшон Мажзуб Тош халифанинг хонадонига тез-тез келиб турар ва ҳар гал бормоқчи бўлсалар муридларига: «Тошникига борамиз», – дер эканлар. Бундан халифанинг Эшон Мажзубга яқинлигини билиш мумкин.

Бир гал келганларида асоларини унинг ҳовлиси саҳнига суқиб қўядилар. Тез фурсатда у кўкариб, писта дарахтига айланади. Узоқ вақт ҳосил бериб турган мазкур дарахт қуриб қолганида халифанинг авлодлари марғилонлик Тешахон тўра бошчилигида кесиб юборадилар.

Тош халифа ўз ҳовлисига дафн қилинган. Ҳозирги Марғилон шаҳар «Тош халифа» маҳалласидаги 14-хонадон,

⁴⁸⁵ Қоил Марғионий. Баёз, 85-б.

у зот яшаган ҳовлидир. Ҳозирда мазкур кўча «Тош халифа кўчаси» деб аталади. Халифанинг Аҳрорхон эшон исмли фарзандлари бўлиб, кўпинча бисотларидаги бирдан-бир эшакларини миниб сайр қилиб юришларини марғилонлик кекса ёшли кишилар яхши эслайдилар. Эшон дада вафот этган куни мазкур эшакнинг ҳам ўлиши таажжублидир.

Биз Тош халифа ҳақидаги маълумотларни келтирар эканмиз, беихтиёр уларни китобимиз қаҳрамони Хонақоҳий Ҳазрат Домла билан алоқалари ҳақида ҳам қизиқиб кўрдик. Лекин бу ҳақда маълумот топа олмадик. Аммо тахмин қилиш мумкинки, албатта улар ўртасида ўзаро илмий-амалий алоқалар бўлиши табиий. Чунки Эшон Мажзуб билан Ҳазрат Домла ўрталаридаги алоқалар бевосита уларга қарашли кишиларнинг яқинлашувини келтириб чиқарган. Қолаверса, ўша даврда Марғилонда ҳам барча даврларда бўлгани каби халқнинг зиёли қатлам вакиллари – олим уламолар, эшону саййидлар, шоиру адибларнинг ўзаро ҳамкорлиги кузатилган.

«Ўт бўлиб қолибсиз-ку!»

Айтишларича, ўша даврда Ўш вилоятининг Томоша қишлоғида яшовчи маҳаллий қирғизларнинг раҳбари Бегмуҳаммад халифа байъат қилиш учун дастлаб Ҳазрат Домла ҳузурига келган. Лекин Ҳазрат уни Қўқонга, у ердаги тасаввуф шайхи бўлмиш Миён ҳазратга юборганлар. У зот эса Наманганга эшон Мажзуб ҳузурига жўнатган эканлар. Хуллас, шу тариқа уни бу ерга кириб келганини кўрган эшон Мажзуб: «Ҳай-ҳай» ўт бўлиб қолибсиз-ку», – дея унинг муҳаббатини юқори баҳолаган ва алоҳида эътибор берган эканлар. Ҳатто бундан у ерда хизмат қилиб юрган кўплаб муридлар «жириллаб» қолгани ҳам айтилган.

Эътибор берилса, мазкур ишда ҳар уччала зотнинг бир-бирларига ошкора ва махфий ҳурматлари кўриниб турибди. Ваҳоланки, Ҳазрат Домладек зот байъат қилиш учун келган толибга ўзларидан бошқа кишини муносиб билишлари, айтишларича, у зотнинг ҳам мазкур одобни қўллаганлари ибратли. Аслида қадимдан илм ва маърифат аҳли тавозе ва камтарликни ўзларига одат қилганлар. Айниқса, бу ҳолат марғилонлик илм аҳллари ўртасида юқори даражада бўлганини тарихий маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Абдула-

зиз Ғолиб Марғилоний асарларининг бирида шундай келтирадилар.

*Бор эди олимлари хўб, дилни обод этгудек,
Ҳалқа сардори бўлуб, таълими иршод этгудек,
Зикри «иллаллоҳ» билан кўнгилни обод этгудек,
Ноладин Довуд янглиг, нарми фўлод этгудек,
Кетдилар озодалар қон йиғлаюб, ёд этгудек,
Кечалар бедор бўлуб, тасбеҳи аврод этгудек,
Ўзларини банд этиб, мазлумни озод этгудек,
Ҳар қаёнда хотири ношодни шод этгудек,
Хоки пойи дийдаларга тўтиё бўлди дариг.⁴⁸⁶*

Кечаги иш нима бўлди

Юқорида Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг баъзи замондошлари билан ғойибона мулоқотда бўлгани тилга олинди. Бу алоҳида каромат саналиб, ўтган тасаввуф шайхлари ҳаётида унинг мисолини кўплаб кўришимиз мумкин. Энг қизиғи, бу Ҳазрат Домланинг баъзи шогирдлари ҳаётида ҳам бўлиб ўтгани эди.

Бир нарсани мамнуният билан айтиш ўринлики, биз Хонақоҳий Ҳазрат Домла ҳаёти ва фаолиятлари билан боғлиқ маълумотларни йиғиш асносида бошқа кўплаб янги-янги алломалар ва тариқат шайхлари номини аниқлашга эришдик. Улардан бири мулла Йўлдашали эшон Ортиғали эшон ўғли. 1894 йилда туғилиб, 1971 йилда 78 ёшда вафот этган мазкур тариқат пири Марғилонга кўшни Дехқонобод қишлоғида истиқомат қилганлар. Маълумотларга кўра Абдуссамад охунд дада эшон дада билан яқин алоқада бўлганлар. Тез-тез зиёратларига бориб турганлар. У зотга узоқ вақт хизмат қилган марғилонлик Обиджон хожи ота Собиржон ўғли шундай дейди: «Бир куни охунд даданинг зиёратларига борсам: «Фурсатингиз бўлса бугун мулла Йўлдошали эшон дада зиёратига борамиз», – дедилар. Мен бажонидил қабул қилдим. Биз йўлга тушдик. Йўлда кетаётганимизда менга эшон даданинг тақво ва ибодатлари ҳақида сўзлаб кетдилар ва икки ойдан бери кўришмаганларини айтдилар.

Биз етиб бордик. Эшон дада Дехқонобод қишлоқ қабристонини яқинида истиқомат қилар эканлар. Фотиҳадан

⁴⁸⁶ Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. Машғал... 125-б.

сўнг икки буюк зот суҳбатлаша бошладилар. Мен уларга чой куйиб турдим. Шу орада таҳорат олиш учун ташқарига чиқдим. Бир оз юргач, дастрўмолимни қолдирган эканман, қайтиб яна ичкарига кирдим.

Шунда охунд дада эшон дададан: «Кечаги иш нима бўлди?» – деб сўраётган эканлар. Мен шу гапни устига кириб қолибман. Охунд дада мени кўрдилар-у, ранглари ўзгариб: «Нимага кирдингиз?!» – дедилар. Мен дастрўмолимни олиш учун кирганимни айтдим. У зот дарғазаб бўлиб: «Олинг, оладиган бўлсангиз», – дедилар, норози оҳангда. Мен юз хижолат билан рўмолни олиб, ташқарига чиқдим. Бундай дейишларига уларни сирларидан хабардор бўлиб қолганим эди. Чунки йўлда бу зот билан икки ойдан бери кўришмаганларини айтган, энди эса у зотдан, «кечаги иш» ҳақида сўраётган эдилар. Йўлда келгунча ҳам индамай келдилар. Маълум бўлишича, улар бир-бирлари билан ғойибона гаплашиб турар эканлар. Бундан Охунд дадага муҳаббатим янада зиёда бўлди. Ундан кейин ҳам Охунд дадага узоқ вақт хизмат қилдим.

Орадан йиллар ўтди. Охунд дада вафотлари олдидан бир оз бемор бўлган эдилар. Биз ҳузурларида навбатлашиб, хизмат қилиб турар эдик. Шундай кезларда бир куни мени сўрабдилар. Ҳозир бўлганлар дарҳол ховлимга одам юборишибди. Уша куни уйда йўқ эдим. Бир хизмат билан Терактаги маҳалласига кетган эдим. У ерда турсам, орқамдан бир одам ахтариб бориб қолди ва менга Охунд дада сўраётганларини айтди. Мен у киши билан бирга Охунд дада ховлиларига келдим.

Ҳузурларига кириб, ўзимни танитдим. Бир оз хушёр тортдилар ва мени ўзларига тортиб қулоғимга ўша, бундан бир неча йиллар олдин бўлиб ўтган юқоридаги иш учун узр сўрадилар. Мен мутлақо хаёлимдан чиқиб кетган бу ишга узрнинг ҳожати йўқ эканини айтдим. Лекин у зот унамадилар. Мен қабул қилдим. Шунда хурсанд бўлиб, яна бир гап айтдилар. Охунд дада билан ўртамизда умрбод сир бўлиб қолган бу башоратли сўз умидида ҳозиргача яшаб келмоқдаман.⁴⁸⁷

Абдуссамад охунд даданинг яна бир шогирдлари Соқижон ҳожи ота Сулаймон ўғли шундай дейдилар: «Охунд

⁴⁸⁷ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Подшо Искандар. 1997.

дада қўлларида таълим олиб юрган кезларим. Бир куни дарсдан уйга қайтаётсам, менга, ярим соатда борасизми?», – дедилар. Мен: «Тўхтамасам», – дедим. «Бўлмаса, тўхтамай кетинг», – дедилар. Ҳеч бундай демас эдилар. Ҳайрон бўлдим, лекин айтганларидек, йўлда тўхтамай қишлоққа келдим.

Етиб келишимга ҳовлимиз олдида амакимнинг ўғли кутиб турган экан, дарҳол қўлимдан аравамни олди-да: «Тезда ичкари киринг, сизга қараб туришибди», – деди. Ичкарига кирдим. Маълум бўлишича, амаким бетоб бўлиб, «чилёсин»⁴⁸⁸ қилмоқчи бўлишган, аммо бир киши камлик қилиб турган экан. Ярим соат турайлик, Соқижон келиб қолар, деб қараб туришган экан. Ўтирдим-у чилёсинни бошладик. Уларни у ерда мени кутиб туришгани Охунд дадамга маълум бўлган экан.⁴⁸⁹

Ҳазрат Домла ва Хизр алайҳиссалом

Ҳазрат Домланинг кароматлари борасида сўз кетганда, Хизр алайҳиссалом билан бўлган мулоқотларини ҳам айтмоқ ўринли.

Авалло, Хизр алайҳиссалом ҳақида. Маълумки, Қуръони каримда Мусо алайҳиссаломни Хизр алайҳиссалом билан учрашган воқеаси зикр қилинган. Каҳф сурасида келтирилган мазкур қиссада Мусо алайҳиссалом учрашган, Аллоҳнинг солиҳ бандаларидан бўлган кишини барча муфассирлар Хизр алайҳиссалом деб айтганлар.⁴⁹⁰ Бу зотни Хизр деб аталишлари ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «У зот қайси (ғиёҳ ўсмай) қуриган ерга ўтирсалар, у ер яшилликка буркангани учун Хизр деб аталганлар», деганлар.⁴⁹¹ У зотни исми Балйо ибн Малкон, кунялари «Абул Аббос» бўлгани айтилган.⁴⁹²

⁴⁸⁸ «Ёсин» сурасини қирк марта ўқиб, беморга дам уриш.

⁴⁸⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2012.

⁴⁹⁰ Имодулдин Исмоил ибн Касир. «Тафсирул Қуръанил азим», Дорул маърифат. Ливия – Байрут. 1409–1989. 3-ж., 97-б; Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий. «Тафсирун Насафий». Дорул кутубул арабий. Ливия – Байрут. 1403/1982. 3-ж., 19-б.

⁴⁹¹ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Саҳиҳ ул-Бухорий». 3221 ҳадис; Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал». Дорул кутубул илмийя, Байрут, 1978.

⁴⁹² Имодулдин Исмоил ибн Касир. «Тафсирул Қуръанил азим»... 3-ж., 105-б; Шайх Исмоил Ҳаккий Бурсавий. «Тафсир Рух ул-баён». Дору ихю турос ал-арабий. 1421/2001. 5-ж., 318-б.

У зотни пайғамбар ёки валий экани ҳақида, ҳатто ҳаёт ёки вафоти ҳақида ҳам уламолар ўртасида турли қарашлар мавжуд бўлиб, баъзилар у зотни қиссалари келтирилган сурадаги оятларга мувофиқ, пайғамбар деган бўлсалар,⁴⁹³ баъзилар валий эканини айтганлар. Худди шунингдек, баъзи уламолар у зотни вафот этганларини оят ва ҳадисларга сунган ҳолда исботлаган бўлсалар, у зотни тирик деганлар ҳам ўз далилларини келтирганлар. Исмоил Ҳаққий умматнинг муҳаққиқ уламоларидан кўплари у зотни турли муборак ерларда кўрганларини келтирганлар ва уларни ёлгон ва бўҳтонга иттифоқ қилишларини тасаввур қилиб бўлмайдди, дея таъкидлаган бўлсалар, вафот этганларини қувватлаган уламолар эса у зотни кўрганлар руҳларни кўришган, деб уқтирганлар.⁴⁹⁴ Бу билан боғлиқ мулоҳазалар катта илмий мавзу бўлгани ва китобимиз мавзуси бўлмагани учун уларни бу ерда келтирмадик.

Биз Хонақойи Ҳазрат Домла фаолиятларини ўрганишимизда аҳамиятга эга бўлгани учун у зотни Хизр алайҳиссалом билан кўришганлари воқеасини зикр қиламиз.

Тасаввуфга доир адабиётларда ҳам тарихда ўтган кўплаб тариқат шайхларининг Хизр алайҳиссалом билан мулоқоти ва у зотдан таълим олгани ҳақида маълумотлар келтирилади. Жумладан, нақшбандия тариқатининг машҳур пири муршиди, Хожагонлар дея аталадиган силсиланинг бошловчиси Абдулхолиқ Гиждувоний (қ.с.) ҳазратлари ҳам хуфя зикр таълимини Хизр алайҳиссаломдан олганлари айтилган.⁴⁹⁵ Бу борада шундай дейилади: «Бир куни Абдулхолиқ Гиждувоний Қуръони карим тафсирини мутлаа этаётганларида қуйидаги (мазмундаги) оятга дуч келганлар: «Сен Парвардигорингга ёлвориб ва махфий ҳолда дуо қил, чунки у ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайдди». Абдулхолиқ Гиждувоний бу оят мазмунини устозлари Имом Садриддиндан сўрайдилар: «Агар зокир (зикр этувчи) овоз чиқарса, бу ҳол бошқаларга аён бўлади. Мабодо дилда, яъни товуш

⁴⁹³ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий. «Тафсирул Қуртубий». Дору ихёи турос ал-арабий. Байрут. 1405/1985.11-ж., 28-б.

⁴⁹⁴ Шайх Исмоил Ҳаққий Бурсавий. «Тафсир Рух ул-баён»... 5-ж., 319-б.

⁴⁹⁵ Бу ҳақда қаранг: Абдурахмон Жомий. Нафахот ул-унс мин ҳазароти-л-қудс. Техрон, 1370, 383-б; Фахруддин Али Сафий. «Рашаҳоту айнил-хаёт». Нашрга таёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ. Т.: 2004. – 53-б.

чиқармай зикр этса, шайтон вокиф бўлур. Чунки шайтон одам фарзандининг ичида қондек оқиба юради, деган ҳадис шунга ишоради. Хўш, унда хуфя зикр этиш қоидаси қандай бўлур?» Имом Садриддин: «Сен сўраётган илм «илми ладуний»дир, яъни Аллоҳ таоло томонидан ато этилган илм. Агар Аллоҳ ладуний илмни сенга маълум қилмоқни хоҳласа, албатта ахлуллоҳ (Аллоҳнинг хос валий бандалари) дан бирини юборади, у сени бу илмдан огоҳ этади», – деб жавоб берадилар. Мазкур суҳбатдан бир неча муддат ўтгандан кейин Хизр алайҳиссалом келиб, Абдулхолиқ Гиждувонийга хуфя зикрдан таълим берадилар ва фарзандликка қабул қиладилар».⁴⁹⁶

Ёки буюк аллома 205/820 йилда Термизда таваллуд топган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн ал-Ҳасан ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаётларида ҳам шундай воқеа бўлганини кўрамиз. Алломанинг ёшлигида оталари вафот этади. Бу ҳақда аллома шундай ёзадилар:

«Аллоҳ таоло мени отамдан жудо қилганида мен саккиз ёшда эдим». Ота вафотидан кейин аллома ўз шаҳридаги етук олимлардан, тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларидан сабоқ оладилар. У зотни термизлик муҳаддислар Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Муҳаммад ибн Наср ат-Термизий, Солиҳ ибн Абдуллоҳ ат-Термизийлардан ҳадис илмини ўрганганлари ҳақида маълумотлар манбаларда келтирилган.

Шундан сўнг аллома Фаридуддин Атторнинг ёзишича, ёшлари йигирма бирга етганида икки ўртоқлари билан ўша пайтда бутун Шарқда илму маърифатнинг энг йирик марказларидан бири саналган Бағдодга бориб илм олишни ният қилиб турганларида бирдан оналари бемор бўлиб қолади ва унга: «Эй ўғлим! Мен бир муштипар, заифа аёл бўлсам, менга сендан бўлак бошпаноҳ бўлиб ёрдам берадиган бирор кимса бўлмаса, менинг бутун борлигим фақат сен билан боғлиқ бўлса, сен мени кимга ташлаб кетмоқчисан?» – деб илтижо қилади.

Онанинг бу сўзлари ал-Ҳаким ат-Термизийга қаттиқ таъсир қилиб, ушбу сафарларидан воз кечадилар. Икки ўртоқлари эса сафарга отланиб йўлга тушадилар. Ушбу воқеадан кейин талай вақт ўтгач, ал-Ҳаким ат-Термизий Бағдодга бора олмаганлари учун ғоятда афсусланиб, мақ-

⁴⁹⁶ Абдурахмон Жомий. Нафахот ул-унс мин ҳазароти-л-қудс... 383-б.

баралардан бирининг ёнида йиғлаб хафа бўлиб турганларида, ёнларида нур юзли бир шайх пайдо бўлиб, ундан йиғлаши сабабини сўрайди. Ал-Ҳаким унга юз берган воқеани бирма-бир айтиб берадилар. Шунда шайх: «Иста-санг, мен сенга ҳар куни турли илмлардан сабоқ бериб, сени ўқитаман», – дейди. Ал-Ҳаким унинг бу сўзига дархол рози бўладилар. Бу ҳол бир неча йил давом этади. Сўнгрок билсалар, бу зот Хизр (а.с.) эканлар...»⁴⁹⁷

Мисрлик буюк олим Абул Мавоҳиб Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ибн Али ал-Ансорий аш-Шаъроний (898/1493–973/1595)нинг шайх Али ан-Набтинийдан келтиришига кўра Хизр алайҳиссалом ориф зотларга кундузи уйғоқликда, муридларга эса тушларида кўринар эканлар. Бунга муридларни у зот билан суҳбат қилишга қувватлари етмаслиги деб кўрсатганлар.

Хонақоҳ мадрасаси талабаларидан Абдулҳаким охунд айтадилар: «Талабалик пайтимда Гўри аввалдаги хужрамда турган кезларим эди. Кеч кузнинг салқин кунлари эди. Кўпинча уйқу ғолиб келмасин учун тоғорага сув қуйиб оёғимни солиб, такрор қилиб ўтирар эдим. Бир куни шундай ҳолда ўтирсам, олдимдан новчадан келган бир нуроний зот ўтиб колдилар ва менга: «Ҳа-а қори, мунча ўзингизни қийнамасангиз», – дедилар. Мен: «Риёзат қияпман, устозимиз шундай деганлар», – дедим. «Устозингиз ким?» – дедилар. «Хонақоҳий Ҳазрат», – дедим. «Устозингиздан сўраб кўрингчи, «Гўри Аввал»нинг тарихини билармиканлар», – дедилар ва кетдилар.

Мен ҳайрон бўлдим. Эртасига дарсга келганимда воқеани Ҳазратга айтиб бердим. «Бугун ҳам келармиканлар», – дедилар. «Келсалар керак», – дедим. «Агар келсалар, устозимиз сизни сўраяптилар, деб, бу ерга бошлаб келинг», – дедилар. Ҳақиқатдан эртасига у зот яна келдилар. Мен Ҳазратнинг таклифларини айтдим. Қабул қилдилар. Бирга мадрасага келдик.

Ҳазрат Домла меҳмон билан ичкарида узоқ суҳбатлашдилар. Маълум бўлишича, бу зот Хизр алайҳиссалом эканлар. Ўша кезларда Ҳазрат Домлани «Гўри Аввал» мозорининг тарихини билишга эҳтиёжлари тушиб тур-

⁴⁹⁷ Ўзбекистон буюк алломалар юрти. Тузувчи ва нашрга тайёрловчи Убайдулла Уватов. Т.: «Маънавият», 2010. – 61-б.

ган экан. Сухбат асносида у зот Ҳазратдан унинг тарихи ҳақида сўрабдилар. Ҳазрат: «Ўзлари равшан билсалар, ай-тиб бераверсинлар», – дебдилар. Меҳмон мазор тарихини батафсил айтган бўлибдилар. Мақсад ҳосил бўлгач, Хизр алайҳиссаломга кетиш лозим бўлибди, чунки етказилиши лозим гап айтилган эди. Лекин, қандай қилиб?! Шунда Хизр алайҳиссалом Ҳазратдан: «Юзта хужраси борлиги билан машхур «Чуқур мадраса»ни ҳам биласизми?» деб, сўрабдилар. Ҳазрат, нима учун барчага маълум мадрасани сўраяптилар, деб бир зум бошларини қуйи солиб, «Ҳа тақсир, биламан», деб қарасалар, у зот йўқ эмишлар. Шунда Ҳазрат пешоналарига бир уриб, «Эй-й тақсир, ҳаммани ҳам доғда қолдирганлар-у, лекин ҳеч кимники бизникидек бўлмаган», дея афсусланган эканлар.⁴⁹⁸

Шу ўринда Ҳазрат Домланинг халифалари Ҳожи Каримжон домланинг ҳам Хизр алайҳиссалом билан учрашганларини айтиб ўтсак.

Айтишларича, Ҳожи домла бир гал поезд орқали Бухорога борадилар. Кетаётиб, Зоминга етганларида поезддан тушадилар ва аср намозини ўқишни бошлайдилар. Поезд эса юра бошлайди. Лекин Ҳожи домла парво қилмай, ўқишда давом этаверадилар. Намозни тугатганларида поезд аллақачон кетиб бўлган эди. Домла темир йўл бўйлаб, яёв юра бошлайдилар. Шунда йўлдан бир мўйсафид чиқиб, қаерга ва нима учун кетаётганларини сўрайди. Ҳожи домла воқеани айтадилар. Шунда мўйсафид: «Қўлингизни беринг», – дейди ва қўлларидан тутиб, темир йўл устидан етаклаб олиб кетади. Кўз очиб-юмгунча кейинги станцияда тўхтаган поездга етказиб қўяди. Ҳожи домла поездга чиқиб оладилар. Маълум бўлишича, у зот Хизр алайҳиссалом эканлар.

Ҳазрат Домла ва замон авлиёлари

Ўша даврда Марғилонда ҳам Марказий Осиёнинг турли шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби халқ орасида турли табақадаги авлиёлар жамоаси вакиллари истиқомат қилишган. «Сўфий», «девона», «дарвеш», «хароботий», «қаландар», «мажзуб» каби номлар остидаги бу каби кишилар ҳар қадамда учраган. Улар ўзларига хос хусусиятлари

⁴⁹⁸ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Сафилтўда. 1997.

билан бошқалардан ажралиб туришган. Турли тадбирларда бозор ва масжидларда, хонақоҳ ва зовияларда одамларга аралашиб юришган. Халқ орасида уларнинг «киликлари»ни тушунган ва тушунмаган кишилар ҳам бўлган. Чунки улар кўп ҳолларда ўзларини халққа танитмаслик мақсадида бирор айб-нуқсонли қилиб кўрсатишар эди.⁴⁹⁹

Ҳозиргача уларнинг кароматлари, ибратомуз ишларига доир турли хил воқеалар маҳаллий халқ орасида сақланиб қолган. Аслини олганда, халқимиз азалдан «Тангри ардоғидаги» шундай кишиларга айрича эҳтиромда бўлишган. Уларнинг назарини топиш, дуосини олиш ва қалбига йўл топишга ҳавасманд бўлишган. Ўз ўрнида уларнинг назаридан қолиш, қарғишига учрашни оғир фалокат ва хору зорликларга сабаб деб, билишган.

Аҳли суннат эътиқоидида бўлган машҳур алломаларнинг китобларида ҳам бу билан боғлиқ кўплаб маълумотлар учрайди. Қиёматга қадар ер юзида турли валийлар жамоаси вакиллари бўлиши ва уларнинг адад ва ҳатто номларигача аниқ маълумотлар келтирилган. Уларнинг барчаси пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу билан боғлиқ муборак сўзларини келтирганлар. Масалан, Жалолиддин Суютий, «Ад-дуррул мансур»да келтирган Имом Аҳмад, Ҳоким, Термизий ва Ибн Асокирларнинг Али (р.а.) дан, Табаронийнинг «Ал-авсат»да Анас ибн Молик (р.а.) дан, Имом Аҳмад «Зухд» китобида Ибн Аббос (р.а.)дан, Абу Нуайм Исбаҳоний «Хулятул авлиё»да Ибн Масъуд (р.а.)дан ва Ибн Ҳиббон ўз тарихида Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилган қатор ҳадисларда бу билан боғлиқ турли маънолар айтиб ўтилган.⁵⁰⁰

Изланишлар давомида маълум бўлдики, Хонақоҳий Ҳазрат Домла халқ орасидаги бу каби «дўсти Худолар»ни яхши билганлар ва улар билан алоқада бўлганлар. Бежиз улар Ҳазрат хузурига тез-тез келиб туришмаган. Чунки улар учун Ҳазрат Хонақоҳлари доимо очик бўлган. Баъзан Ҳазрат суҳбатларида ҳам иштирок қилишган. Ҳатто бу ерда истиқомат қилиб қолганлари ҳам бўлган. Масалан, Хонақоҳ

⁴⁹⁹ Нақшбандийя тариқатига оид қўлэмалар фихристи. – Т.: «Мовароуннаҳр», 1993. – 119-б.

⁵⁰⁰ Абдурахмон ибн Камолиддин Жалолиддин Суютий. «Ад-дуррул мансур». Дорул фикр. Байрут. 1993. 8 жилдлик. 1-ж., 76-б.

ёнгинасида истиқомат қиладиган Бойбува номи билан машҳур авлиёнинг ҳар йили рамазон ойида томда ноғора чалиб, кишиларни саҳарликка уйғотиб туришига кўпчилик бошқача муносабатда бўлса-да, лекин Ҳазрат буни яхши қабул қилганлар. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Навоий «Насоим ул-муҳаббат»да келтиришларича, тариқат шайхларидан Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Табодгоний (қ.с.) нинг ҳузурларида бир девонасифат шўх бола бўлар экан. Баъзан, мажлисда ўтирганида сакраб туриб, ҳазратнинг бўйнига миниб, оёғи билан депсар экан. Аммо у зот мулоҳимлик билан индамас ва унга: «Қачон чарчасангиз ўзингиз тушарсиз, аммо тушмасангиз ҳам майли», – дер эканлар. Буни кўрган муридлари у зотни маломат қилсалар, уларга: «Хай-хай, ахир у бизга ҳўп лутф ва қарам қиляпти, агар, туриб, мени бозорга олиб бориб айлангириб кел, деса ҳам йўқ дейишга чорамиз бўлмас эди», дер эканлар.

Аслида, қадимдан хонақоҳлар аҳолининг турли вакиллари, хусусан, мусофирлар, дарвешлар, сайёҳлар учун ҳамиша очиқ бўлган. XIV асрда Эрон, Афғонистон, Ўрта Осий, Кавказ шаҳарларини кезиб чиқан Ибн Баттутанинг ёзишича, хонақоҳларда мусофирлар ва дарвешлар хоҳлаганларича неча кун бўлса яшаганлар, уларга бепул озиқ-овқат ва кийим-кечак берилган. Агар мусофир сафарни давом эттирса, у от-улов, зарур асбоб-анжом ва йўл ҳаржи бўладиган маблағ билан таъминланиб хурсанд қилиб жўнатилган. Ибн Баттута эллиқдан ортиқ хонақоҳ ва зовияларда кўниб, бемалол иззат-ҳурматда яшаганлиги ва шайхлар, шаҳар ҳокимлари, амирлар ва ҳатто сарой хонимларидан меҳрибонликлар кўриб тухфалар олгани ҳақида ҳикоя қилади. Чунончи, Мовароуннаҳр подшоси султон Тармашириннинг⁵⁰¹ ғайрат-шижоати, сахийлиги, адолатпарварлиги ҳақида тўлқинланиб гапирган.

Ибн Баттута Бухородаги авлиё Сайфиддин Бохарзий хонақоси ҳақида бундай ёзади: «Биз Бухоронинг Фатҳобод номи билан машҳур мавзеда тўхтадик. Бу ерда энг улуғ авлиёлардан бири аллома, шайх, гўшанишин авлиё Сайфиддин ал-Бохарзийнинг қабри бор. Мазкур шайх номи билан атала-

⁵⁰¹ Алоуддин Тармаширин – Мовароуннаҳр султони, Чигатой хонларидан ўн тўқкизинчиси. 726–734, (1326–1334) йилларда хукмронлик қилган.

диган ва биз кўниб ўтган зовия жуда катта бўлиб, вақфлари беҳисоб, зиёратчилар ана шу вақфлардан келадиган даромадлар ҳисобига таминланади.

Шу зовиянинг шайхи Сайфиддин авлодларидан бири бўлиб, Маккага ҳаж қилган Яҳё Бохарзидир. Шайх мени ўз уйида қабул қилди, шаҳарнинг обрўли кишиларини тўплаб, зиёфат берди, қорилар ажойиб овозлари билан Куръондан қироат қилдилар, воиз эса амри маъруф этди. Ҳофизлар форсий ва туркий тилларда ажойиб кўшиқлар ижро этдилар. Биз учун бу энг ғаройиб кечалардан бири бўлди». ⁵⁰² Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг хонақоҳларида ҳам шу каби ҳолатлар кўзга ташланади.

Чунончи, Абдуссамад охунд Қоил Марғинонийнинг айтишларича, бир даврда Хонақоҳда қирқ нафар валийлар жамоаси истиқомат қилишган. Улар бу ерда тез-тез чилла (қирқ кун давомида дунё алоқаларидан узилиб, фақат Аллоҳнинг зикри ва ибодат билан машғул бўлиш) ўтириб, ибодат қилишган. Улар орасида чиллага фақат бир дона нон билан кириб кетадиганлари бўлган. Ундан ҳам қизиғи, чилладан сўнг баъзан, ноннинг ярми, баъзан эса учдан бири қайтиб чиқиши эди. Бу уларнинг риёзатлари қаттиқлигини кўрсатади.

Инқилоб бошланган пайтда улар бирин-кетин тарқалиб кетишгани таажжубли. Айтишларича, ўшанда уларнинг бу кетишлари гўё бир кечада ғойиб бўлгандек, туюлган.

Хонақоҳдаги мазкур воқеаларни келтирар эканмиз, улар Ибн Баттутанинг Мажор шаҳридаги хонақоҳ ҳақида келтирган фикрларига қандайдир мувофиқ эканлигини кўрамыз.

«Мажор шаҳрида шайх Муҳаммад Батоихий хонақоси бор. Бу туркларнинг энг улуғ ва энг яхши шаҳарларидандир, ундаги хонақоҳда араб, форс, турк ва рум дарвешларидан етмиш киши истиқомат қилади. Ўлканинг халқи эса дарвешларга эътиқод камоли юзасидан ҳар кеча хонақоҳга от, мол ва кўйларни етаклаб келтириб, назр қиладилар ва султонлар шайхнинг зиёратига келиб, тухфалар эҳсон этадилар». ⁵⁰³

Биз Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг замон авлиёлари би-

⁵⁰² Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёхати. Н.Иброҳимов таржимаси. Т.: 1993, 66-б.

⁵⁰³ Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: «Ёзувчи» нашриёти. 1996 йил, 116-б.

лан мулоқотларига доир турли назмий асарларни ҳам топишга муваффақ бўлдик. Масалан, ўша даврда Хонақоҳга келиб-кетиб турган «харобот аҳли»дан бири бу – Хожа Аттор исмли авлиё бўлиб, қўлимизда унинг вафотига Хўжажон қози Рожий томонидан ёзилган тарих мавжуд.

Унда айтилишича девона бир умр битта кийим билан ўтган, ҳатто ётадиган жойи қабристондаги очиқ гўрлар бўлган. Шундай бўлса-да, доим Аллоҳнинг зикри билан машғул бўлган. Бежиз у зотни «Ажам диёрининг авлиёси» деб аташмаган. Девона 1333/1915 йилда вафот этган. Унинг вафотига ёзилган тарих-марсия қуйидагича.

Тарихи вафоти Хожа Аттор

*Ёшликда Хожа Аттор эрди жаҳон саёғи,
Маркаб икки оёғи кетти Чина яёғи.*

Хожа Аттор ёшлигида дунёни кезиб юрувчи киши эди. Ҳатто Чин диёрига ҳам пиёда-яёв бориб келган.

*Девонайи сабуквор, дер эрдиларки Аттор,
Дунёни накҳатидан бўй олмаган димоғи.*

Аммо «Аттор» деб аталмиш бу девонанинг димоғига бир умр дунё молининг бўйи етмаган.

*Бир-бир санаб бу дунё асбоби зийнатини,
Дер эрди: «Кетти-кетти, беҳудадир саногги».*

У баъзан дунёнинг зийнатларини санар, сўнгра буларни санашга ҳожат йўқ, чунки уларнинг бариси кетди, дер эди.

*Эрди ажамни даштин «девонайи Худоси»,
Мажнун эрди арабдин, Лайлини пири соғи.*

У ажам диёрининг «дўсти Худо» бўлмиш авлиёси эди. Яъни, у Лайлининг тентак ошиғи эмас, балки ақли расо ошиғи эди.

*Ҳақдин эди ҳароси, устида жул фалоси,
Устидаги либоси кир латталар ямоғи.*

Унинг қўркуви фақат Ҳақнинг ўзидангина бўлиб, устидаги кийими кир латталар ямоғидан иборат эди.

*Асҳоб Каҳф шакли шарри замонасидан,
Қочди тирик ётибдур бир гўр эди ётоғи.*

У асҳоби Каҳф – Ғор эгалари каби замон аҳлининг ёмонликларидан қочиб, қабристондаги очиқ гўрда истиқомат қилар эди.

*Маъмурайи фалаксои кўп буқъа қилди барпой,
Ҳар қайсиси қадамжой чун Бул- қубайс тоғи.*

У бир неча жойларга бориб, у ерларни қадами билан обод қилди. Уларнинг ҳар бири гўё Маккадаги Абу Қубайс тоғи каби табаррук қадамжодир.

*Ёзган эди бисотин қолин каби қалин деб,
Вайрона хонасига шўр тепани кўноғи.*

У бир кун тўплаган бисотини очган эди, улар харобгина хонасини эгаллаган тупроқдан ўзга эмас экан.

*Шайтонни ҳамласига ҳайбатли савтаси деб,
Ўлгунча ташилаган йўқ илгидаги таёғи.*

У шайтонга қарши қамчи бўлади деб, бутун умр кўлидаги таёғини ташламади.

*Умрида кир соқоли бир шона кўрмай ўтти,
Асбоби зийнати деб, аҳли риё тароғи.*

Тароқ – аҳли риёларнинг асбоби деб, умрида кирлаган соқолини бирор марта тарамлади.

*Тасбеҳ тутмас эрди, берган атоларини,
Аллоҳнинг дўстиман деб, кўнглимдадур саноғи.*

Мен Аллоҳнинг дўстиман, зикри қалбимда деб, кўлига тасбеҳ ҳам тутмас эди.

*Бесалла ўтти боши бир неча муддаъийни,
Дарди сари кўринди дастори бар қучоғи.*

Бир неча жоҳил эшонларнинг сохта даъвоси учун бошига салла киймай ўтди.

*Тарихига дедим мен, «Фарғонадан кесилди,
Бошини гўр яширгач, девонанинг оёғи».⁵⁰⁴*

Унинг вафотига мен бошини гўр яширгач, «Фарғонадан девонанинг оёғи кесилди», – дея тарих айтдим.

⁵⁰⁴ «Баёз Маҳбуб ул-маҳбуб»... 79–81- б.

Изоҳ: Эшон девонанинг вафоти тарихи охирги байтнинг «Фарғонадан кесилди, девонанинг оёғи», сўзлар йиғиндисидан чиқади, яъни 1333 ҳижрий йил. Бу 1915 милодийга тўғри келади. Маълумотларда Эшон девонани Давлатхўжа исмли бир фарзанди бўлгани айтилади. Фарғоналик Зокиржон охунднинг (1893–1990) келтиришлари, Давлатхўжа 1390 ҳижрий 7 ражаб, 8 сентябрда чоршанба куни вафот этган ва Ёрмозор қабристонига отаси ёнига дафн қилинган.

Дарвоқе, изланишлар давомида шу нарса маълум бўлдики, Ҳазрат Домлада таълим олган уламолар орасида соҳиб жазабалари ҳам бўлган. Чунончи, «Узун соқол» домла номи билан машҳур марғилонлик Абдулхай махдум «*ҳамма асрорини*» кишилардан «*ниҳон айлаб*» ўтган шундай кишилардан эдилар. Абдулазиз Ғолиб Марғилонийнинг берган маълумотларига кўра асли исмлари Умурзоқ қори бўлиб, кейинчалик Абдулхай деб аталган бу зот ўн ёшида Қуръонни тўлиқ ёд олганлар. Аммо халқ орасида «Узун соқол домла» номи билан машҳур бўлганлар. Баъзи маълумотларда Марғилоннинг Кўкмозор даҳасида яшаган тариқат пири Акбархон тўрада таълим олгани айтилган. Оталари Абдулкарим исмли мактабдор домла эдилар. Абдулхай махдум 1962 йил 20 декабрда 82 ёшда вафот этганлар.

У зотнинг маънавий қиёфалари замондошлари томонидан ёзилган асарларда тасвирланган.

*Йўқотган ўзларин айлаб ниҳони,
Ҳама асроридин бу Марғиновичи.*

*Ажаб зоти насаб олий мақоми,
Ки илми ҳол ила олий маъони.*

*Тафаккур қилдиким билмас фиолин,
Муаммодек бугун чуну чарони.*

*Тавозеъ доимо кўксидида қўли,
Салом айлабким, ул яхши ямони.*

*Латифа хуш суҳан, зикри маъориф,
Ҳадису ҳам масоиллар баёни.*

*Топиб файзу футуҳ бир неча мухлис,
Баробар эргашиб пиру жавони.*

*Соқоли деб, узун, шухратли домла,
Абдулҳай ё Умурзоқдур камони.*⁵⁰⁵

Абдулҳай махдум домла ўз ўрнида каромат соҳиби бўлганлар. Марғилоннинг Хожа Эгиз қабристонига узоқ вақт хизмат қилган Акрамжон ота (1898–1994) шундай дейдилар: «Бир куни туш кўрибман. Тушимда Узун соқол домла менга Хожа Эгиз мазорининг ёнгинасини кўрсатиб: «Бизга мана шу ердан жой қилиб берасиз», – дедилар. Чўчиб уйғониб кетдим. Бир одам ҳузуримга келиб, Домланинг вафот этганлари ва шу қабристонга дафн қилмоқчи бўлишганини айтдилар. Мен ўша ўзлари кўрсатиб берган жойга қабр қовладим».⁵⁰⁶

Қуйида мазкур жамоа вакиллариининг Ҳазрат Домла билан мулоқотларини келтирамиз. Зеро, улар билан танишиш орқали мазкур синф вакиллариининг ўзига хос жиҳатларидан бохабар бўламиз. Ўз ўрнида улар ибратли жиҳатларга бой экани билан аҳамиятлидир.

Сен айтган сабзифуруш эмасман

Мадраса талабаларидан бўлган Нусратуллоҳ охунд Абдуллажон ўғлининг айтишларича, кунларнинг бирида Намангандан уч нафар меҳмон Ҳазрат Домланинг зиёратларига келишади. Кечқурун бу ерда тунаб қоладилар. Эртасига нонуштадан сўнг улар шаҳардаги мазорларни зиёрат қилмоқчи эканларини айтишади. Ҳазрат рухсат қиладилар.

Кечга яқин зиёратдан қайтган меҳмонлардан Ҳазрат қаерда бўлганлари ва кимларни зиёрат қилганларини сўрайдилар. Улар «Хожа Эгиз»⁵⁰⁷ мазорини зиёрат қилганларини айтишади. Ҳазрат бундан хурсанд бўлиб: «Улуғларнинг ўтганларини зиёрат қилибсиз, энди тирикларини ҳам зиёрат қилинглар», – дейдилар. Улар: «Кимни зиёрат қилайлик», – деб сўрайдилар. «Шаҳар бозорига борсангиз, сабзи расталари сўнгиди кўримсизгина бир раста бор. У ерда бир хароботий одам сабзи сотиб ўтиради, шу одамни зиёрат қилинг», – дейдилар.

⁵⁰⁵ Муфаззал махдум. Абдулҳай махдум вафотига тарих. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-қўлёзма.

⁵⁰⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – 2013.

⁵⁰⁷ Марғилон шаҳар Хожа Эгиз маҳалласида жойлашган зиёратгоҳ.

Эртасига меҳмонлар бозорга тушиб, айтилган жойни топадилар. Ҳақиқатдан, бу ерда жулдур кийинган, соч-соқоли ўсган бир одам сабзи сотиб ўтирар эди. Озгина сабзи сотиб олган бўлиб, қаерда туришларини сўраб олишади. У зот кечагина ўзлари зиёрат қилган «Хожа Эгиз» мозоридаги бир хужрада истиқомат қилар эканлар.

Кеч кириб, бозор тугагач, дўконни йиғиштирган авлиё орқасидан меҳмонлар эргашиб борадилар. Хужраларига боргач, суҳбатлашиб дуоларини олиб қайтишади. Ҳазрат Домла бежиз бу зотни тавсия этмаганлари сирини англаган бўлишади ва Ҳазратдан миннатдор бўлиб қайтишади.

Орадан икки йил ўтгач, меҳмонлар яна Марғилонга Ҳазрат Домла зиёратларига келишади. Лекин бу пайтда сабзи сотишлик билан ўзининг валий эканини яшириб юрган мазкур зот вафот этган эдилар. Буни эшитиб қаттиқ қайғурган меҳмонлар: «Энди кимни зиёрат қилсак бўлади», – деб сўрайдилар. Ҳазрат: «Шаҳар бозорига борсангиз меш кўтариб «оби Худойи» дея, сув улашиб юрадиган одам бор, шу одамни зиёрат қилинг», – дейдилар.

Эртасига улар бозорга тушиб мазкур зотни топадилар ва сув ичмоқчи бўладилар. У бир косадан сув узатади. Сувни қўлларига олгач: «И-йе тақсир, сувингиз лойқаку, тиндирмабсиз-да», – дейдилар. Ҳақиқатдан сувлари кўпинча лойқа бўлар экан. Бундан девонанинг жаҳли чиқиб, қўлларидан косаларни тортиб олади-да, тўкиб ташлайди ва: «Мен сенлар айтган сабзифуруш эмасман, унинг ўлганига икки йил бўлди», – дейди-да, шитоб юриб кетади. Меҳмонлар қилган ишларидан пушаймон бўлиб, хузурларига бориб узр айтаман, деб қаерда туришларини сўраб билиб оладилар. Машҳад маҳалласидаги «Улуғ Ҳазрат»⁵⁰⁸ мозорида истиқомат қилар эканлар.

Кечки пайт бу ерга келиб, хузурларига кирмоқчи бўлишади. Лекин у зот уларни хужрага киритиш у ёқда турсин, ҳатто яқинига ҳам йўлатмайди, уларга тош отиб: «Ҳали

⁵⁰⁸ Марғилон шахрининг Машҳад маҳалласида жойлашган зиёратгоҳ. Нақл қилишларича, бу ерга Имом Абдулазиз ибн Абдураззоқ ибн Наср ибн Жаъфар ибн Сулаймон ибн Суккон ал-Марғинович дафн этилганлар. Имом Абдулазиз Самарқандга кетиб, ўша ерда яшаб, хадис илмидан дарс берганлар. 477 хижрий (1084) йили Марғилон шахрида вафот этганлар.

мен сенларга мени тайинлаб берган одам билан ўзим гаплашиб кўяман», – дея ҳайдайдилар.⁵⁰⁹

Имом Қуртубий валийлар ўзини валий эканини биладими, йўқ, деган саволга жавоб бериб, «Уламолар валийлар ўзини валий эканини билиш ва билмаслигида икки хил гап айтганлар. Биринчи томон, йўқ бу жоиз эмас, дейдилар. Чунки улар ўзларидан содир бўлган кароматни кўрқув ва хавф билан қабул қилишлари керак. Акс ҳолда бу истидрож ва макр бўлиб қолиши мумкин. Ҳатто Сиррий Сақатий: «Агар бир одам бўстонга кирса, у ердаги ҳар бир дарахт аниқ тилда «Ассаламу алайкум, эй Аллоҳнинг валий бандаси», деб салом берса ҳам, у буни макр деб билмаса, у алданган бўлади», – деган сўзлари машҳур. Чунки у агар ўзини валий деб билса ундан хавф зоил бўлади ва хотиржамлик пайдо бўлади. Аллоҳнинг азобидан хотиржамлик эса куфрдир. Валийнинг шарти эса доим хавфда бўлмоғидир, дейдилар.

Иккинчи томон, улар ўзларининг валий эканларини биладилар ва шунга кўра уларнинг хавфи бошқалардан кўра қаттиқроқ бўлади, деганлар.⁵¹⁰

Юқорида келтирилган воқеадан кўринадики, ўша даврда «Улуғ ҳазрат» зиёратгоҳи кишилар назарида алоҳида ўрин тутган. Бу мазкур зиёратгоҳдан кўплаб аҳли ҳол кишилар ўзларига бошпана топишларига сабаб бўлган. Улар бу ерда мазорнинг улуғлиги ва файзидан баҳра топа олган кўринадилар. Акс ҳолда, улар айнан, бу ерни танламаган бўлар эдилар.

Дарвоқе, мазкур зиёратгоҳга нафақат аҳли ҳол кишилар, балки ўша давр уламолари ҳам алоҳида эҳтиромли бўлишганини эслатиш жоиз. Бу уларнинг баъзи муносабатларидан ҳам маълум бўлади. Айтишларича, қадимда Марғилон мадрасаларини битирган талабаларга кўпроқ мазкур зиёратгоҳ яқинида туриб оқ фотиҳа берилган. Мазкур тадбирни айнан, Марғилонни ислом оламига машҳур қилган икки буюк алломаси Абдулазиз Марғиноний (ваф.1084 йил.) ва Заҳириддин Марғиноний (ваф.1233 йил.) марқадлари жойлашган манзил ёнида ўтказишдан, улар талабалари-

⁵⁰⁹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Милтиқсоз. 1997.

⁵¹⁰ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Фараж Ал-Ансорий Ал-Хазражий Ал-Қуртубий. «Тафсирул Қуртубий».11-ж., 23-б. Дору эҳяу турос арабий. Байрут - 1405/1985. 11-ж., 23-б.

ни ҳам мазкур алломалар каби бўлишини назарда тутган бўлсалар керак. Бу нарса Фаҳмий Марғинович асарларида ҳам тилга олинган эди.⁵¹¹

Муҳаммадҷон авлиё

Маълумки, Марғилонда XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Муҳаммадҷон авлиё номи билан машҳур валий зот яшаб ўтганлар. Бу зотнинг Марғилон ижтимоий ҳаётидаги иштироки, айниқса, аҳоли орасидаги фаолияти анчайин қизғин кечган. Кўплаб кароматлар соҳиби бўлган бу зот «Мийқотий» таҳаллуси билан ижод қилганлар. Ҳозиргача бир нечта асарларини топишга эришдик. Авлиё 1938 йилда вафот этганлар. Қабрлари Сармозор қабристониди. Мазкур авлиё ҳам Хонақоҳнинг доимий «аъзо»ларидан бири эдилар, десак, муболага бўлмайди. У зотнинг бу ерга келиб-кейтиб туриши ва Ҳазрат билан мулоқотларига доир турфа воқеалар ҳозиргача маҳаллий аҳоли орасида сақланиб қолган.

Чунончи, авлиё бир куни Хонақоҳга келиб Ҳазрат Домладан бу ерда истиқомат қилиш учун жой беришларини сўрайди. Ҳазрат мадраса хужраларини кўрсатиб, қайси бирини хоҳласалар туришлари мумкинлигини айтадилар. «Йў-ўк», – дейдилар авлиё, – «Менга ана бу таҳоратхона ёнидаги бўш жойни берсангиз бас», – дейдилар ва Ҳазрат кўнмасалар ҳам ўша ерга жойлашиб, у ерда бир неча кун истиқомат қиладилар.

Авлиёнинг бу ердаги истиқомати ҳақида гапирган Ҳазрат Домла шундай деган эдилар: «Кечаси авлиёни бирор марта ҳам ухлаганини кўрмадим, қачон қарасам, ибодатда бўлар эди».

Бир куни авлиё мадрасага йиртиқ лозим билан кириб келадилар. Буни кўрган Ҳазрат Домла кўнглини кўтариш учун: «Сизни уйлаб қўйсақ, нима дейсиз», – дейдилар. Бунга жавобан авлиё: «Мени уйқучи қилиб нима қиласиз, шу юришимнинг ўзи минг марта яхши», – дея рад этадилар.

Айтишларича, авлиё бир куни Марғилондаги Хожа Муоз деб аталадиган зиёратгоҳ ёнидаги анҳорда таҳорат олиб турганларида, одамлар шаҳардаги бир бозорқўмни дўкандорларга зулм қилаётгани, неча марта огоҳлантирилса

⁵¹¹ Девони Фаҳмий... 529-б.

ҳам натижа бўлмаганидан шикоят қилишади. У зот шундай-ми, дейдилар-да, сув устида оқиб келаётган сомон чўпини олиб, иккига бўлиб ташлаб юборадилар ва бораверинглар, ишларинг битди, дейдилар. Улар шаҳарга келиб қарашса, бозорқўм худди ўша пайтда жон берган экан.

Мазкур воқеа баъзи кишиларга бир оз бошқача тушунилиши мумкин, аммо бу каби воқеалар тарихда турли авлиёлар томонидан кўплаб содир бўлганини кўрамиз.

Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да қуйидаги воқеани келтирадилар. «Боб Фарғонийдан нақл қилурлар. Унинг дуоси ижобат эрди. Унинг замонида Саркоб деган бир зolim ҳукмдор бор эди. Халқ унинг зулмидан безор эдилар. Шайх Аму дедик, бир куни Боб Фарғоний олдида ўтириб эдим, биров келиб деди: «Саркоб келди, бир дуо қилгилки, унинг жафоси бошимиздан кўтарилса». Шу чоқда Боб ўчоқ бошида ўтириб эди ва офтобадаги ўчоқ қирғоғида эди, аёғин офтобаға уриб йикди ва дедиким, ани йикдим. Саркоб ўша дам шаҳар эшигида отдан сарнигун йиқилди ва бўйни синди».⁵¹²

Ҳазрат Домланинг кароматлари бобида у зот суҳбатдошларининг таҳорати бор ёки йўклигини билиб туришларини ҳам айтиш ўринли.

Айтишларича, кунларнинг бирида Ҳазрат Домла дарс асносида талабаларнинг бирига: «Сен чиқиб таҳорат қилиб кел», – деб буюрибдилар. Шунда даврада ҳозир бўлган Муҳаммаджон авлиё: «Тақсир мен ҳам таҳорат олиб келайми?» – дебдилар. Ҳазрат, «Йўк, ўтираверинг, сизга ўхшаган авлиёларга бўлаверади», – дея унинг кўнглини кўтарган бўлибдилар.

Айтиш ўринлики, бу тоифа кишиларининг феъли-атвори, сўз ва ҳаракатлари ўзларига хос бўлган. Бу нарса уларнинг асарларида ҳам кўзга ташланади. Уларда оддийлик ва самимийлик бор. Уларнинг бошқаларга таъсири ҳам шунда. Мисол тариқасида марғилонлик шундай кишилардан бири Дилкашнинг қуйидаги муножотини келтирсак.

Муножот

Қиламан кўп илтижо, ё Раббано, ўзинг керак.

Мен бандайи журму хато, ё Раббано, ўзинг керак.

⁵¹² Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат» Т.: 2001. 198-б.

*Ҳам яратган ёрим ўзинг, жоним фидо ширин сўзинг,
Кўрсам агар бир йўл юзинг, бўлдим адо, ўзинг керак.*

*Сен яккаю ягонасан, жон берган жононасан,
Дил уйида меҳмонасан, жоним фидо, ўзинг керак.*

*Мен бандайи бечораман, дев нафс билан овораман,
Сен подшоҳу, сен Карим, мен бир гадо, ўзинг керак.*

*Раҳм айласанг раҳим отинг, қаҳр айласанг қаҳқор отинг,
Ҳарна қилсанг улуг зотинг, сен подшо, ўзинг керак.*

*Дилкаш каби беорини, ул кўзлари хумморини,
Этсанг насиб дийдорингни, ё Раббано, ўзинг керак.*

Мулла Аҳмад авлиё

Турли тазкира ва маноқибларда авлиёларнинг кароматлари қаторида баъзи «хароботий» кимсалар халқнинг устига келаётган у ёки бу балога ўзини қурбон қилгани ҳақида турли воқеалар келтирилади. Изланишлар чоғида биз Марғилонда ҳам шундай воқеалар бўлиб ўтганини гувоҳи бўлдик. Бу 1902 йилда Чуқур мадрасада бўлиб ўтган эди.

Арабмозор қишлоғида истикомат қилган мулла Муҳаммад Амин қори домла шундай дейдилар: «Биз «Ғиштин» мадрасада (Подшо Искандар номи билан аталадиган зиёратгоҳнинг кун чиқар томонида Чуқур мадрасага яқинида жойлашган.) Бухорий домла қўлларида таълим олаёткан кезларимиз. Бу ерда мулла Аҳмад авлиё номи билан машҳур бўлган зот ҳам таълим берар эдилар. Ўзлари ёлғиз мадраса хужраларидан бирида истикомат қилар эдилар. Талабалар навбатлашиб хизматларини қилардик. Бомдод намозига Подшо Искандар масжидига чиқар эдик.

Бир куни шундай воқеа бўлди. Биз намозга чиқиб кетдик. Намоздан чиққанимизда кўчада одамлар тўпланиб туришган экан. Суриштирсак, мадраса ёнидаги ҳаммомнинг ўт ёқувчи икки гўлаҳиси бир-бирини пичоқлаб қўйган, одамлар бу ишни муҳокама қилиб туришган пайти экан. Биз бир оз қараб турдик-да, мадрасага кириб кетдик.

Аҳмад авлиё биздан: «Келдиларингми, кўчада бирор гап йўқми», – дедилар. «Бор», – дедик. «Нима гап», – деб сўрадилар. Биз, гўлаҳилар бир-бирини пичоқлаб қўйганини айтдик. Шунда у зот: «Алҳамдулиллоҳ», – деб юбордилар.

Биз нима учун бундай деганлари сабабини билмай, ҳайрон қараб турсак, сўз бошладилар. «Биласизларми, бугун ярим тунда бу ерга саккизта арава тўла одамлар келишди. Мен улардан: «Сизлар кимсизлар», – деб сўрадим. Улар: «Биз баломиз, Марғилон шаҳрига келдик», – дейишди. Мен: «Ҳай-хай, бу шаҳар улуғ жой, кўп азизлар ётишибди, сизлар кира олмайсизлар, бу ерда сизларга насиба йўқ, бу ердан кетинглар, – дея уларни чиқариб юбордим. Шунда то уларга тушунтиргунимча иккита аёл аравадан тушиб олган экан. Буни кўриб, қаттиқ ҳафа бўлган эдим. Алҳамдулиллоҳ, энди билсам, гўлаҳилар у иккисининг касофатига балоғардон бўлишибди», – дедилар.⁵¹³

Шу ўринда мулла Аҳмад авлиё ҳақида тўхталиб ўтсак. Чунки келтирилган маълумотлар билан танишган кишилар фикрига турли мулоҳазалар келиши табиий. У зот ким эди? Бу зот ҳақида замон уламози Хўжажон қози домла Рожий қимматли маълумотлар қолдириб кетганлар. Унга кўра, Мулла Аҳмад авлиё тақволи, дунёдан кўл ювган, доимо Ҳақ ёди билан юрувчи киши бўлган. Авлиёнинг шу ва бошқа сифатларини Рожий авлиёнинг вафотига ёзган тарих-марсиясида баён қилган. Қуйида марсиядан баъзи маълумотларни муҳтарам олим Муҳаммаджон Мадғозиев таржимаси билан келтирамиз.

«Мулла Аҳмад исмли бу зот дунёнинг парҳезкорларидан бири эди. Ичи маънога бой, аммо кўринишидан дунё гадосига ўхшар эди. Мансаб туфайли дунёда бўладиган роҳат-фароғат ва дунё молидан воз кечиб ўлимни ихтиёр қилди... Бир умр масъуд бурчагида ўтириб, айтар эди: «Дунё хонажойидан Аллоҳнинг бу уйи яхши». Бемаъни кишиларнинг дастурхонига яқинлашмади, ҳар бадлиқонинг миннатини кўтармас эди. Ҳаргиз, исроф қилмас эди ва «исроф қилма» оятига осмонлару ер фидо бўлсин», дер эди.

Уйланиб, бола-чақа қилиши – тааллуқ риштасини бало фитнаси деб билди. Шунинг учун хилват тутиб, дунёнинг бу рўдапосидан қочди. Гўр лабидан бир уйни ўзига жой қилиб, айтди: «Дунёга бино қўйишдан, мана шу бино яхши».

Унга раҳматки, ўзи ейишни истамади, бенаволикнинг машаққатини ўзи кўрди-ю, бошқаларнинг кўришини истамади. Қаноат билан ўтиб ўзига ворис истамади... Унинг вафоти

⁵¹³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Арабмозор. 2010.

тарихини ақл Рожий кулоғига айтдики: «Дунё ғамсаройидан мулла Аҳмад (авлиё) кетди».⁵¹⁴ 1324/1906.

Жинлар билан мулоқотлари

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг кароматлари бобида у зотни жинлар билан бўлган мулоқотларини ҳам келтириш ўринли. Биз изланишларимиз давомида бу билан боғлиқ талай маълумотларга йўликдик. Уларнинг бирида шундай дейилади:

*Сазоки, онча бағўям машойихи сақалайн,
Ба Боязид ҳамчун натойижи алҳоқ.*⁵¹⁵

Яъни, агар уни Боязид каби инсон ва жинлар устози десам ҳам раводир.

Аввало, мазкур мавзу устида бир оз тўхталиб ўтсак. Шуни айтиш керакки, сунний ақида бўйича солиҳ, валий кишиларнинг жинлар билан мулоқот қилиши каромат саналади. Тарихда бу мақомга эга бўлган бир нечта алломалар яшаб ўтган. Жумладан, ханафий мазҳабининг йирик намояндаларидан бири, фикҳ, усулул-фикҳ, тафсир, ҳадис, калом илмлари, араб тили ва адабиёти бўйича салоҳиятли ва иқтидорли олим бўлган Нажмиддин Абуҳафс Умар ибн Муҳаммад ан-Насафий (461–537 х.) ҳам шундан алломалардан бири эдилар. «Муфтий ас-сақалайн», яъни ҳам инсонлар, ҳам жинлар учун фатво бериш салоҳиятига эга бўлган олим лақаби билан машҳур бўлган. Айтишларича жинларга ҳам дарс айтар эканлар. У зот Садр ул-ислом ал-Паздавий (ваф.493/1099)нинг шогирди. «Муфтий ас-сақалайн» дейилишига сабаб инсу жинга илм ўргатар эди. У зотнинг «Ақида» рисоласи машҳур. Бундан бошқа «Тилбат ат-талаба», «Манзумат ал-фикҳ», «ат-Тайсир фит-тафсир», кўп жилдлик «Китоб ал-Қанд» сингари юзга яқин асарлари бор. Аллома 461/1068 йил Насафда туғилиб, 537/1142 йил Самарқандда вафот қилганлар.

«Зовъул маъолий» китобининг муаллифи Саховий Муҳаммад ибн Довуд Футуҳ ал-Ҳалабийни жинларга қозилик қилганини келтирган.⁵¹⁶

⁵¹⁴ Академик А. Муҳаммадиев мажмуаси, 132 – бет.

⁵¹⁵ №7-қўлёзма. 5–6-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁵¹⁶ «Зовъ ул-маолий». 5-ж., 328-б. <http://www.alwarraq.com>

Салоҳ Софдий ҳам «Ал-Вафиййот»да ҳижрий 168 йилда вафот этган Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Алоса Қози Жаза-рийни жинларга қозилик қилганини айтар экан, унга сабаб қилиб қуйидаги воқеани келтиради. Ҳаррон билан Маслама ибн Абдулмалик қасри орасида бир қудуқ бўлиб, ким ундан сув ичмоқчи бўлса, жинлар унга ташланишар экан. Бир куни у бу ерга келиб, «Эй жинлар, бу қудуқни ўртамизда тақсим қиламиз. Қундуз куни улар учун, кечаси сизлар учун», дейди. Шундан кейин ким кундузи ундан сув ичадиган бўлса, ҳеч ким унга зарар келтирмайдиган бўлган. Шундан кейин у зотни номи «қозиюл жин» «жинлар қозиси» номи билан машҳур бўлган.⁵¹⁷

Мазкур маълумот Ибнул Ҳажар Ал-Асқалонийнинг «Тақриб ат-таҳзиб» китобида ҳам тилга олиб ўтилган.⁵¹⁸

Зириклий «Ал-аълум»да Али ибн Ал-Ҳасан Ал-Ҳусайн ибн Муҳаммад Ал-Халаъий Аш-Шофеъий (405/1014–492/1099)ни қабрини Қирофада жойлашганини айтар экан, кишилар унинг қабри «Жинлар қозисининг қабри» номи билан машҳур бўлганини таъкидлайди.⁵¹⁹

Жинлар инсонлар кўзига кўринмаслиги, аммо улар ўзлари кўринмай туриб, бизларни ва бошқа нарсаларни кўришлари мумкинлиги ва уларнинг ичида ҳам худди одамларга ўхшаб, имонли-имонсиз, яхши-ёмон, адашган ва ҳидоятда юрганлари борлиги кўпчиликка маълум.

Чиқмаганинг яхши бўлибди

Шогирдларидан Абдулғофур охунд шундай дейдилар: «Талабалик пайтимда менинг хизматим кўпроқ Ҳазрат таҳоратларига сув ҳозирлаш эди. Бу хизматни кечасию кундузи меҳр билан бажарар эдим. Бир куни шундай воқеа юз берди.

Одатдагидек, ҳужрамда хизматга мунтазир бўлиб ётар эдим. Тун ярмига борганда бирдан ташқаридан ғалати овозлар эшитила бошлади. Ҳаммаёқни шовқин босди. Мен

⁵¹⁷ Салоҳ Софдий. Ал-вофий бил-вафиййот. 1-ж., 422-б. <http://www.alwarraq.com>

⁵¹⁸ Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний (852 х.). Дорул кутутбул илмий. Байрут, 1415/1995. 2-ж., 594-б.

⁵¹⁹ Хайридин Зириклий. Ал-аълум. Дорул улум. Байрут, 1980. 4-ж., 273-б.

Ҳазрат таҳоратга чиқдиларми деб, дарҳол туриб ташқарига қарадим. Лекин хужра чироғи ўчиқ, эшиги ҳам очилмаган эди. Мени ваҳима босди, чиқайми-чиқмайми деб, бир оз таррадудландим. Сўнгра Ҳазрат ҳам турмабдилар-ку, деган ўй билан жойимга ётдим...

Тонгда у зотга воқеани айтиб бердим. Шунда: «Чиқмаганинг яхши бўлибди, бир гуруҳ жинлар келишган эди, саволлари бор экан, жавоб олиб кетишди», – дедилар.⁵²⁰

Шанқулдаги воқеа

Шогирдларидан Охунжон қори Ёқубжон ўғли айтадилар: «Новқатлик талабаларнинг ота-оналари ва у ерлик бошқа мухлис кишилар ҳар йили ёз ойларида Ҳазрат Домлани қишлоқларига таклиф қилишар эди. Ҳар доим ҳам қабул қилавермасалар-да, баъзан, ижобат қилиб борар эдилар.

Шундай сафарларнинг бирида ўзлари билан бирга мени ҳам олиб кетдилар. Новқатга етиб боргач, мезбонлар хонадо-нида тунаб қолдик. Эртаси куни бизни Новқатнинг Шанқул деб аталадиган дарасига сайрга олиб борадиган бўлдилар. Бу ерда ҳам шаҳардан борган меҳмонлар учун барча шароитлар муҳайё қилинган экан. Ҳар бир киши учун алоҳида чодир тикилган эди.

Узоқ давом этган ширин суҳбатлардан сўнг меҳмонлар тарқалишди. Биз бир оз дам оладиган бўлдик. Ҳазрат ҳам чодирга кириб кетдилар. Мен турадиган чодир Ҳазрат чодирларидан сал бериқоқда қурилган эди. Кечга яқин шом намозига таҳорат олгач, Ҳазратдан хабар олиш учун чодирлари томон юрдим. Етиб бормасимдан туриб ичкаридан, Ҳазратнинг «Тўхта-а!» деган овозларини эшитиб, ўша жойда тўхтаб қолдим. Чодир ичидан кимларнидир Ҳазрат билан шивирлаб гаплашаётгани эшитилар эди. Орадан анчагина вақт ўтгач, «Энди киравер», деган буйруқларини эшитиб олдиларига кирдим. Мени нима учун тўхтатиб қўйганлари сабабини билмай қараб турсам, ўзлари сўз бошладилар: «Ўша пайтда жинлар келишган эди, бошлиқлари Абдурахмон шоҳ, Камол шоҳ ва Аббос шоҳлар дарс олишаётган пайти эди», – дея тўхтатганлари сабабини айтдилар.

Айтишларича, ўшанда улар Ҳазратдан: «Бизга бирор

⁵²⁰ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Чилдухтарон. 1997.

ҳожатингиз борми», – деб сўрашган экан. Ҳазрат: «Йўқ», – дебдилар. «Бўлмаса, сизга бир «тутатқи» берайлик, зарур бўлганимизда чақирарсиз», – дейишибди улар. Ҳазрат буни ҳам рад этибдилар ва «Мени буларнинг биротасига ҳам ҳожатим йўқ», дея жавоб бериб кузатиб юборган эканлар.⁵²¹

Кофир жинлар бор экан

Маълумот йиғиш мақсадида марғилонлик кекса мулла Муҳаммад Бобо Абдуллоҳ (1894–1996) ўғли суҳбат қилганимизда мавзуга доир қуйидаги воқеани сўзлаб берган эдилар:

«Инқилобдан олдинги олам бузилиб бораётган кезлари оиламиз билан Новқатга кетиб қолган эдик. Ўшанда Ҳазрат Домла ҳам борган эканлар.

Кунларнинг бирида ўша ерлик Нурмат мингбоши Ҳазратни уйига таклиф қилади. Уни ҳовлисига кетаверишда йўлда бир хилват жой бор эди. Кетаётиб, Ҳазрат шу ерга етганларида аравани тўхтатибдилар ва: «Мен ҳозир», – дебдилар-да, чакалак ичига кириб кетибдилар ва ҳадеганда чиқавермабдилар. Ҳамроҳлари хавотирга тушишибди. Орадан анча вақт ўтгач, чиқибдилар ва: «У ерда кофир жинлар бор экан, уларга исломни арза қилдим, ҳаммалари мусулмон бўлишди», – дея узоққанлари сабабини айтган эканлар.⁵²²

Сени ҳам ухлатмадимми?!

Охунжон қори Водилий шундай дейдилар: «Аравон аҳллари Ҳазрат Домлага ниҳоятда мухлис бўлгани боис, баъзан ёзнинг бир қисмини Аравоннинг хушхаво, салқин жойларида ўтказиб қайтар эдилар. Баъзан бу сафарда мен ҳам бирга борар эдим.

Шундай таътиллارнинг бирида Ҳазрат бир кеча тўрт-беш марта туриб, ташқарига чиқиб, айланиб келиб тонг оттирдилар. Тонгда менга: «Сени ҳам ухлатмадимми», дея бедорликлари сабабини айтдилар.

Бир гуруҳ жинлар келиб: «Бизга раҳнамолик қилинг», деб туриб олишибди. Ҳазрат талабалардан ортиб, уларга вақт топа олмаслик узрини айтиб жўнатсалар ҳам,

⁵²¹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Сафилтўда. 1997.

⁵²² Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Оқ масжид. 1996.

қайта-қайта келаверишибди. Охири: «Энди бизни ноумид қайтармайсиз, деган умидда келдик. Ўзингизга маълум, «Сассиқ ўнгури»⁵²³ да тез-тез одам йўқолиб, ўлиб туради. Му-сулмонларни ўлдириб, уларга зарар берадиган жинларни ба-тамом қириб келдик», дея севинчлашибди ва қўярга қўймай байъат қилиб кетишибди.⁵²⁴

Миряхё қори Мирбобо ўғлининг айтишларича, Ҳазрат Домла ҳузурига келган бир гуруҳ жинлар, у зотдан қиёмат уни ўзларининг фойдаларига бўлиши учун уларга номла-рини ёзиб беришларини илтимос қилганлар. Аввалига бунга рози бўлмасалар-да, қаттиқ туриб олганликлари боис, нои-лож исмларини уларга ёзиб берган эканлар.

Пичогини суқиб қўйибди

Марғилонлик Каримжон ота Маҳрам ўғли шундай дей-ди: «Ёшлигимизда бизнинг бир қўшнимиз бўлар эди. Унинг 11 ёшлар атрофидаги боласи бехосдан бемор бўлиб, кеча-лари қаттиқ йиғлаб чиқадиган, уйқусида чўчийдиган бўлиб қолди. Бечора ота болани кўп табибларга кўрсатиб муола-жа қилса ҳам нафи бўлмади. Шунда ночор бу ҳақда Ҳазрат Домлага мурожаат қилибди. У зот қоғозга бир нарсаларни ёзиб, юмалоқлаб ўраб, унга берибдилар ва: «Бугун кечаси Марғилоннинг Кўкмозор маҳалласига бориб турунг, ярим кечаси жинлар лашкарлари билан ўтишади. Олдинда келаёт-ган бошлиғига мана шу хатни беринг», – дебдилар.

У кўрсатилган жойга бориб турибди. Айтилганидек, кечаси бир гуруҳ жинлар ўта бошлашибди. Ота уларнинг йўлига чиқиб, бошлиғига мактубни узатибди. У мактубни ўқигач, орқасидан келаётган жинларни ҳаммасини бирма-бир назардан ўтказибди, навбат охирида келаётган оқсоқ жинга келибди ва ундан ҳам бу ҳақда сўрабдилар. У: «Ҳа шундай, овқатланаётган пайтимда устимдан сийиб юбориб, озор бергани учун пичоғимни суқиб қўйган эдим. Майли айбини ўтдим», – дебди. У бу ҳақда отага айтибди. Ота хур-санд бўлиб уйига келиб қараса, ҳақиқатдан боласи тузалган экан.⁵²⁵

Тарихда бўлиб ўтган бу каби воқеалар ҳақида «Ҳаётул

⁵²³ Аравон – Ўш йўлидаги тоғ ўнгури.

⁵²⁴ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Водил. 1998.

⁵²⁵ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Хонақоҳ. 2011.

хайвон ал-кубро» китобининг муаллифи Камолиддин Муҳаммад ибн Мусо ибн Исо Ад-Дамирий (ваф. 808 х.) қизиқарли маълумотларни келтириб ўтган эди.⁵²⁶ Жумладан, кодирия тариқатининг асосчиси Абдулқодир Гилонийнинг маноқибларида келтиришларича, кунларнинг бирида у зотнинг хузурларига бағдодлик бир киши келиб, бўйига етган қизини ҳовлисидан кимдир олиб қочганини айтиб, шикоят қилади. Ҳазрат унинг сўзларини тинглаб туриб: «Бу кеча Карх номли мавзенинг харобасига бориб, у ердаги бешинчи тепалик устида атрофинга бир доира чизиб, уни ичида ўтир. Ярим тунга борганда олдиндан жинлар жамоаси турли кўринишда ўтишади, аммо уларни кўриниши сени кўрқувга солмасин. Тонгга яқин олдиндан бир жамоа билан уларнинг подшоси ўтади. У сендан нима учун келганини сўрайди. Сен унга: «Мени Абдулқодир юбордилар», дегин ва қизинг ҳақида айтгин», – дейдилар. У айтади: «Мен у ердан чиқиб, айтилган жойга бориб, ҳазрат айтган ишларни қилдим. Мени олдимдан кўриниши кўрқинчли бўлган жамоалар ўта бошлади. Лекин бирортаси мен турган чизиқнинг яқинига келишга ботина олмас эди. Улар подшоҳлари ўтгунича отлиқ ва пиёда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўта бошладилар. Подшоҳлари мени олдимга келганида тўхтади ва: «Эй инсон, нима хизматинг бор?», – деди. Мен: «Мени шайх Абдулқодир жўнатдилар», – дедим. Бу гапни эшитиши билан у отидан тушди-да, ерни ўпиб, доира ташқарисига ўтирди. У билан бирга келганлар ҳам ўтиришди. У: «Нима гап ўзи?», – деди. Мен қизимнинг воқеасини айтдим. У ёнида турганларга, бу ишни ким қилган бўлса уни менга кўрсатинглар, деди. Шунда бир итоатсиз жинни олиб келишди, қизим ҳам у билан бирга эди. У ҳақида: «Бу Чин мамлакатининг итоатсиз жинларидан», – дедилар. Унга: «Бу қизни ўғирлаб кетишинга нима сабаб бўлди?», – дедилар. У: «Шу ишни қилгим келди», – деди. Шунда уни ўлдиришга буюрдилар ва бўйнига уриб, қизимни менга бердилар»⁵²⁷.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

⁵²⁶ Камолиддин Муҳаммад ибн Мусо ибн Исо Ад-Дамирий. «Ҳаётул хайвон ал-кубро». Дорул кутубул илмий. Байрут – 2010, 1-ж., 305-б.

⁵²⁷ Камолиддин Муҳаммад ибн Мусо ибн Исо Ад-Дамирий. «Ҳаётул хайвон ал-кубро». Дорул кутубул илмий. Байрут – 2010, 1-ж., 305-б.

«Тезак ва суяк билан истинжо қилмангизлар. Чунки булар жин биродарларингизнинг озуқасидир», деганлар.⁵²⁸

Уламоларимиз бу ҳадис, тезак ва суяк билан истинжо қилиш жоиз эмаслигига далилдир. Чунки булар жинларининг таоми; суяк – ўзларининг, ҳайвон чикити эса – ҳайвонларининг таомидир, деганлар.⁵²⁹

Айтишларича, кунларнинг бирида Ҳазрат шогирдларидан бирининг ўн тўрт яшарлик қизи тўсатдан бемор бўлиб ётиб қолади. Ҳар қанча муолажа қилинса ҳам барибир фойдаси бўлмади. Ноилож қолган ота маслаҳат сўраб, Ҳазратга зорланади. Ҳазрат унинг кўнглини кўтариб, жўнатиб юборадилар.

Сўнгра ҳузурларига келган жинларнинг каттасига воқеани айтиб: «Мабодо сизга қарашлилардан бирортаси «тегиб қўймадимикан?», – деб сўрайдилар. У: «Майли, эртага билиб келаман», – деб кетади. Эртаси куни келиб: «Ҳа, бир оксоқ жин бўларди, қизча шуни безовта қилган экан, гаши келиб пичоғини суқиб қўйибди. Айтдим, олиб ташлади», – дебди. Эртасига ҳузурларига келган шогирддан қизининг аҳволини сўрайдилар. У эса худди ўша айтилган вақтдан бошлаб қизининг соғайиб кетганини айтиб, миннатдорчилик қилади.⁵³⁰

Бу каби ҳолатлар баъзи саҳобалар ҳаётида ҳам бўлиб ўтган эди. Умуман олганда, жинлар инсонлар билан бирга яшаб уларнинг баъзи ишларига иштирок этган ҳолатлари кўп бўлган. Ҳадиси шарифларда бу ҳақда қатор хабарлар мавжуд. Жумладан, Имом Нававийнинг «Шарҳи Муслим», (4-жилд, 169–170-б.) Ибн Қудоманинг «Шарҳ ул-Қабир» (9-жилд, 135-б.) ва бошқаларда маълумот келтирилган.

Саҳобалардан Саъд ибн Муознинг ўлимига жинлар сабаб бўлган эди. Маълумки, Саъд ибн Муоз мадиналик Ҳазраж қабиласининг улуғларидан бўлиб «Ақоба байъати»да Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига ҳозир

⁵²⁸ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Саҳих ул-Бухорий» 1-ж., 70-б; Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. «Саҳиху суна ан-Насоий». Мактабатут тарбиятил арабий ли дувалил халийж, Риёз. 1988. 1-ж., 75-б; Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал». Дорул кутубул илмийя, Байрут, 1978. 1-ж., 458-б.

⁵²⁹ Абу Муҳаммад Бадридин Ал-Айнӣ Ал-Ҳанафӣ. «Умдат ал-Қорӣ ли шарҳил Бухорӣ». 4-ж., 178-б.

⁵³⁰ Р.Файзуллаев. Манокӣб материаллари. Марғилон – Хотинариқ. 2000.

бўлган ўн икки кишининг бири саналади. Гарчи Бадр жангида қатнаша олмаса-да, аммо унга қатнашишга жуда ҳарис бўлган эди.

Имом Заҳабий Саъд ибн Убоданинг таржимаи ҳолида шундай дейди: «Асмаъий Салма ибн Билолдан у Абу Раждан қилган ривоятга кўра, Саъд ибн Убода Шом шаҳрида вафот этган ва уни Ҳаврон исмли ерда жинлар ўлдиришган.

Бу воқеа Умар розияллоҳу анҳу халифалигидан икки йил ўтгач содир бўлган, аммо унинг вафотини Мадинада ҳеч ким билмаган. Фақат бир йигит у ердаги қудукдан қуйидаги шеърни айтилаётганини эшитиб қолади.

*Қод қатална саййидал Ҳазражи Саъд ибна Убодах,
Ва ромайнаҳу бисаҳмайни фалам нухти фуадах.*

Йигит бундан кўркувга тушади ва ўша жойни эслаб қолади. Кейин уни (Саъдни) ўша жойдан топадилар. Маълум бўлишича, у ўша ердаги бир тешикка бавл қилган ва ўша ерда ўлган экан. Уни топганларида бадани кўкариб кетган эди.⁵³¹

Одам иси келадими?

Ҳазратнинг новқатлик шогирдларидан мулла Абдулвоҳид домла шундай дейди: «Ҳазрат Домла бир гал Новқатга борганларида у ернинг Бўстон номли ерига сайрга олиб бордилар. У ерда бир неча кун турадилар. Бир куни Ҳазрат ҳамроҳларига рухсат бериб, ўзлари ёлғиз қолмоқчи эканларини айтадилар. Мезбонлар Ҳазрат кўнгиллари учун рози бўладилар, аммо икки киши хавотирланиб, яширинча бу ерда қолади.

Тонгда улар кечаси бўлиб ўтган воқеаларни шундай эслайдилар: «Кечанинг бир қисмига борганда оппоқ кийимли шарпалар пайдо бўлиб, Ҳазрат чодирларига кириб кетишди ва ичкаридан уларнинг Ҳазрат билан шивирлаб гаплашганини ва гапларининг орасида «Одам иси келадими», деб бир-бирларидан сўрашганини эшитдик.⁵³²

Охунжон қори Марғилоний шундай дейдилар: «Бир йили Ҳазрат Домланинг Ўш шаҳрига қилган сафарларига

⁵³¹ Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз (673–748). Сияр аълом ан-нубало. 23-ж., Байрут: Мавсуат ар-рисола, 1992. 1-ж., 278-б.

⁵³² Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Новқат. 1997.

ҳамроҳ бўлдим. Йўлда менга «Тажвид Жазарий» китобидан сабоқ бериб кетдилар. Ўшга етиб боргунимизча тўлиғича менга ёд бўлди. Бу у зотнинг кароматлари эди. Бундан ташқари, йўлда шундай воқеа рўй берди. Бир жойга етганимизда Ҳазрат аравани тўхтатдилар ва аравадан тушиб ерга бир чизик чиздилар менга: «Сен шу чизикдан чиқмай ўтир», деб тайинладилар, ўзлари эса нари кетдилар. Бир муддатдан сўнг қайтиб келдилар ва у ерда жинлар борлиги, улар билан мулоқот қилиб қайтганларини айтдилар.⁵³³

Вафотларидан кейинги кароматлар

Хонақоҳ мадрасасида таълим олувчи талабалар орасида Қизилқиянинг Карвон қишлоғидан келган мулла Аҳмад исмли йигит ҳам бор эди. Бу ерга ҳамқишлоғи мулла Шароф билан бирга келган мазкур талаба Гўри аввал маҳалласидаги ҳужрада туриб, истиқомат қилган. Ҳазрат Домла бир гал: «Мана бу китобни олиб кўй, бу сенга», деб унга бир дона китоб берадилар. У китобни умрининг охиригача авайлаб, сақлаб юради.

Кейинчалик совет ҳокимияти йилларида ҳукумат томонидан комсомоллар кириб, уларини тинтув қилган чоғи китобларини олиб чиқиб ҳовли ўртасида ёқиб юборадилар. Улар кетгач, ёниб кул бўлган китобларни ҳассалари билан титкилаб кўради. Не кўз билан кўрсинки, кул остидан Ҳазрат Домла берган ўша китоб ёнмаган ҳолда чиқади.⁵³⁴ Бу ҳам Ҳазрат Домланинг очиқ кароматлари эди.

Буюк алломаларнинг вафотларидан кейин ҳам шу каби кароматлари кўплаб содир бўлган. Имом Шаржийнинг айтишича Подшо Мужоҳиднинг замонида араблар ўртасида ихтилоф пайдо бўлган маҳали Бани Зиёд фуқаҳолари шаҳарни ташлаб чиқиб кетмоқчи бўладилар. Лекин катта миқдордаги китоблари уларни ташвишга солади. Чунки уларни олиб чиқиб кетиш ҳам ёки қолдириб кетиш ҳам мушқил эди.

Шунда уларнинг жонига Шайх Талҳа ибн Исо ал-Ҳаттор оро киради. У мазкур воқеалардан ташвишланиб, туш кўради. Тушида Пайғамбар алайҳиссалом кириб: «Бани Зиёд фақиҳларга айт, китобларини ҳеч иккиланмай Зарир

⁵³³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Қора арик. 1997.

⁵³⁴ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Эшонгузар. 2000.

(Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Яманий аз-Зужоъий. Хижрий VII)нинг қабри ёнига қўйиб қўйишсин, унга ҳеч қандай зарар етмайди», – дейдилар. Шайх тушини уларга айтади. Улар шундай қилишади. У ерда бир йилга яқин куёш ва ёмғир остида туради, лекин уларга ҳеч қандай зиён етмайди. Бирор киши на араблардан ва на бошқа уларни олишга ботина олмайди.⁵³⁴

Мадрасанинг хўжалик ишлари билан шуғулланувчи Абдулазиз саркор ҳам Ҳазрат Домлага кўп хизмат қилган кишилардан бири эди. Бир кун хузурларига келганида унга бир кадоқ чой бериб: «Шу охирги олишингиз, кейин олмайсиз», – дейдилар. Дарҳақиқат, кейинги рамазон ойида Ҳазрат Домла вафот топадилар. Ҳар гал буни эслаган саркор аламдан йиғлар ва неча йилгача ўша табаррук чойни арафа кунлари болалари билан ичиб, Ҳазрат ҳақиға дуо қилиб юрган.

Охунд дадага сўз бердим

Вафоти яқинлашганига олдиндан ишора қилиш каби каромат марғилонлик бошқа кўплаб уламолар ҳаётида ҳам содир бўлганини кўрамиз. Жумладан, Абдуссамад охунд ҳаётларида бу шундай бўлган. Марғилонлик буюк олим Абдуллажон махдум Аҳмад қори ўғлига кўп йиллар хизмат қилган Акрамжон ҳожи ота шундай ҳикоя қиладилар:

«Бир гал махдум домланинг Новқатдан келганлари хабарини эшитиб, зиёратларига кирдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик. Чиқаётганимда: «Фурсатингиз бўлса кечкурун Охунд даданинг зиёратларига борар эдик», – дедилар. Мен бажонидил қабул қилдим.

Кечкурун Охунд даданинг ҳовлиларига бордик. Махдум домлани кўриб хурсанд бўлиб кетдилар. Узоқ суҳбатлашдилар. Домла Новқатдан келтирган асалдан олиб борган эканлар, мамнун бўлиб едилар. Қайтаётганимизда домлага: «Махдум, Новқатда юрганингиз етар, энди келаверинг, бизнинг ҳам сафаримиз яқинлашиб қолганга ўхшайди», – дедилар. Домла: «Хўп бўлади», – дедилар. Мен бунга тушунмадим. Аммо домланинг айтишларича, бу – мени жанозамни ўқиб берасиз, деганлари экан.

⁵³⁵ Юсуф Набҳоний. Жомеъу каромот ал-авлиё. Байрут, 2005. 158-б.

Келаётганимизда: «Энди келмасам бўлмайди», – дедилар. Мен: «Нима учун», – дедим. «Чунки Охунд дадага сўз бериб кўйдим», – дедилар.

Эртасига кечкурун Ҳожа Эгиз маҳалласидаги бир хонадонда ташкил қилинган дастурхон устида тўпландик. Сухбатга маҳдум домланинг мухлислари билан бирга фарзандлари ҳам ҳозир бўлишди. Сухбат асносида домла Новқатдан бир йўла келмоқчи эканларини айтдилар. Ҳамма бунга ҳайрон бўлди. Чунки у ерда рўзғорлари, катта ҳовли-жойлари ва бола-чақалари бор эди. Уларни ташлаб, ёлғиз ўзлари кўчиб келишлари мумкин эмас эди. Уларни бу ерга кўчириб келишнинг эса иложи йўқ ҳисоби эди. Лекин домла сўзларида туриб олдилар. «Мен Охунд дадага «Хўп» деб кўйганман, келмасам бўлмайди, – дер эдилар. Хуллас, мажлисдан у зот Новқатдан келадиган бўлиб тарқалдик.

Орадан кўп ўтмай, домла Марғилонга кўчиб келдилар. Келганларидан бирор ой ўтгач, биз Охунд даданинг вафотлари хабарини эшитдик. Дарҳол жанозага отландик.

Бизни уламолар тўпланиб турган уйга олиб киришди. Маҳдум домла юқориқадан, мен эса пастдан жой олдик. Мажлисида Марғилоннинг ўша даврдаги деярли барча йирик уламолари йиғилишган эди. Юқорида замон олими Соли хожи домла ўтирар эдилар.

Бир пайт хонага ўша даврнинг ғайратли бир киши кириб келди ва ўтирганларга қараб: «Биродарлар, бир маслаҳат билан кирдим. Жанозага одам тайин қилингани йўқ. Ташқарида муаммо бўлмаслиги учун бу ерда бир киши тайин қилиб кўйилса, қандай бўлар экан?!» – деди. Таклиф ҳаммага маъқул келди. Маслаҳатлашиб, имоматга Соли хожи домлани кўрсатдилар. Ҳамма рози бўлди. Маҳдум домла ҳам индамай ўтирар эдилар. Мен ҳам ҳайрон эдим. Чунки Охунд дада бу хизматни у зотга топширганларидан хабардорман. Балки, у зотни Новқатдан кўчиб келишларига ҳам сабаб шу эди.

Намозга саф тортилди. Маҳдум домла олдинги сафда мен орқаларидан жой олдик. Соли хожи домла сухбат қила бошладилар. Сухбат тамом бўлгач, хожи домла маҳдум почча олдиларига келиб, тўсатдан: «Маҳдум келинг, намозга сиз ўтиб бера қолинг, мен ғалати бўлиб кетаяпман» – деб қолдилар. Маҳдум домла ҳам кутиб тургандек: «Хўп

бўлади», – дедилар-да, бир қадам олдинга чиқиб, намозни ўқиб бердилар. Мен анграйиб қолдим. Чунки бу Охунд да-данинг очик кароматлари эди.

Қани Ҳиёвой, Тавротдан ўқинг-чи

Фозилжон махдум Сулаймон хўжа ўғли ҳаётида шу каби кароматнинг мисолини кўрамиз. У зотга хизмат қилган марғилонлик Акрамжон ҳожи ота шундай дейди:

«Фозилжон махдум вафот топганларида Абдуллажон махдум билан жанозаларига бордик. Ҳовлида одам кўп. Бизни ичкарига олиб кирдилар. Уй олдидаги айвонда жой бор экан, шу ерга ўтирдик. Махдум почча яшайдиган маҳалла яҳудийлар маҳалласи билан ёнма-ён жойлашган бўлиб, икки миллат вакиллари аҳликда яшашар эди. Бир оздан кейин яҳудийлар жамоаси ҳам Ҳиёвой исмли домла бошчилигида кириб келишди. Уларга айвон яқинидаги ўриндикдан жой беришди.

Жанозага келган ҳар бир киши ўтиргач, фотиҳа тортиши одатга айланган. Шунга кўра, сўрида ўтирганлардан бири Ҳиёвойга: «Қани, Ҳиёвой Тавротдан тиловат қилиб беринг-чи», деб қолди. Буни бошқалар қандай қабул қилганини билмадим, аммо Абдуллажон махдум бир ғижиниб кўйдилар. У: «Хўп бўлади, таксир», – деди-да, дарҳол тиловат қилмоққа шайланди. Аммо нимадирки, оғзини жуфтламасдан, томоғига бир нарса тикилгандек, овози бўғилиб, «хиқ», «хиқ» деди-ю, бир калима ҳам айтолмай тўхтаб қолди. Уни қийналаётганини кўргач, ўтирганлар ҳам индамай қўя қолишди. Ўшанда мен улуғларнинг «улуғлиги» вафотидан кейин ҳам сақланиб қолишига гувоҳ бўлган эдим.

Ҳазрат Домланинг вафотларидан кейинги кароматлар ҳақида марғилонлик Рашидхон ҳожи ота мулла Турсун бобо махдум ўғли (ваф.1996) шундай дейдилар: «Ҳазрат Домла вафотларидан бир неча йиллар ўтгач, бобом (Ҳожи Каримжон домла) тушларида у зотни чопонлари пешини қайириб олиб ҳовли супураётганларини кўрибдилар. «Ҳазрат ҳовлисида яшаб турган кишилар бепарволик қилишибди» деб хулоса чиқардилар ва менга: «У ерга сен бориб ўтиргин», – дедилар». Биз у ерга кўчиб ўтдик ва 1937 йилгача истиқомат қилдик.

Изланишлар давомида биз бу каби кўплаб маълумотларга дуч келдик. Ҳатто улар орасида туш орқали таълим бериш каби кароматни учрагани эътиборлидир. Албатта, бу ҳам уларнинг улуғ мақом эгаси эканининг аломати эди. Шундай сифатга эга кишилардан бири Абдуссамад охунд дада эдилар. Бу ҳақда шогирдларидан Соқижон хожи ота шундай дейдилар:

«Бир куни Охунд даданинг фарзандлари Умаржон охунд ҳузурларига кирдим. Китоб кўриб ўтирган эканлар. Бир оз кўз югуртирган бўлдилар-да, китобни ёпдилар. «Бу ердан чиқмади, сўраб олармиз», – дедилар. Мен ҳайрон бўлдим. Чунки мени билишимча, бу атрофда у зотдан пешроқ киши йўқ эди. Мен: «Кимдан сўраб оласиз», – дедим. «Охунд дадамизданда», – дедилар. Мен яна ҳайрон бўлдим. Чунки Охунд дада вафотига ўн йилдан ошган эди. Эртасига мен яна ҳузурларига бордим. Авваллари уч-кун тўрт кунда бир борар эдим. Мени кўриб: «Жавоби нима бўлди экан, деб келаяпсизми», – дедилар. «Ҳа», – дедим.

Айтишларича, ўша куни кечкурун истихора қилиб ётибдилар. Тушларида Охунд дадани катта дарёнинг нариги томонида ўтирганларини кўрибдилар. Хурсанд бўлиб, масалани жавобини сўрабдилар. У зот: «Буни жавоби «Фикҳ Кайдоний»да бор, ўзинг кўриб олаверасан. Сен мендан кечаги масалани сўра», деб, ўша масала жавобини айтибдилар. Ҳатто уни уч хил суратда бўлишигача равшан баёнлаб берган эканлар».⁵³⁶

Марғилонда қурғоқчилик – ёмғир дуоси

Тарихдан маълумки, 1912 йилда Марғилонда қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, ёмғир ёғмай қўяди. Одамлар сувсизликдан қийналиб, ҳайвонлар ўла бошлади. Бу ўша давр шоирларининг асарларида ҳам тилга олинган. Завқий «Қаҳатлик» деб номланган маснавийсида шундай ёзган эди:

Қаҳатлик

*Қаҳатлик бўлди бу Фарғонамизда,
Топилмас парча нон вайронамизда.*

⁵³⁶ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2010.

*Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни,
Не қишлоғу жибол авлоқларни.*

*Қирилди қанча одамлар вабодин,
Нишона қолмади меҳру вафодин.*

*Шишиб ўлганни кўммакка киши йўқ,
Ким ўлган бирла одамнинг иши йўқ.*

*Киши боқмас жигар ҳамсоясига,
Қочиб шафқатки Анқо соясига.*

*Шаҳар аҳволдан берсам нишона,
Кишилар тентирар ҳарёна ёна.*

*Ғарибу бекасу бечора беҳад,
Бамисли «дол» янглиғ ҳам бўлиб қад.*

*Тилангайлар бориб ҳар ёнга зори,
Гўдаклар, марду зан кетган мадори.⁵³⁷*

Абу Ҳанифа (р.х) қовлига кўра, бундай пайтларда аҳоли сув сўраб «талаби борон» («сув сўраб дуо қилиш») қиладилар.⁵³⁸ Ҳатто уч кунгача чиқиш мустаҳаб экани айтилган.⁵³⁹ Шаҳарнинг нуфузли кишилари шаҳар қозиси Хўжажон қози домла ҳузурига бориб, талаби боронга чиқиш зарурлигини айтиб маслаҳат соладилар. Қози домла шаҳар уламолари билан маслаҳат қилиб бу ишни амалга оширмакчи бўладилар.

Талаби боронга мадрасаларда таълим олаётган ёш талабаларни олиб чиқмакчи бўладилар. Чунки болалар беғуноҳ бўлгани боис, уларнинг дуоси тез ижобат бўлишини умид қилинади. Бунинг учун «Хонақоҳ», «Чуқур мадраса», «Қаландархона» мадрасалари танлаб олинади. Ушбу жараёнда иштирок қилган Хонақоҳ мадрасаси талабаларидан Тошпўлат ҳакимнинг айтишларича, Ҳазрат Домла у ерга фақат покиза одамлар чиқишини қаттиқ тайин қилган, ҳатто таҳорати бўлмаган кишилар ҳам қўйилмаган экан. Талаби

⁵³⁷ Завкий. Ажаб замона..98-б.

⁵³⁸ Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Содр аш-шаҳид Бухорий Бурҳониддин ибн Моза. До-рул ихяи турос ал-арабий.11 жилдлик.2-ж., 262-б. «Ал-Иноя фи шарҳи ал-Ҳидоя» 2-ж., 449-б.

⁵³⁹ Алоуддин Масъуд ал-Косоний. «Бадойеъ ас-санойеъ фи тартиб аш-шаройеъ». 3-ж., 126-б; «Ал-Иноя фи шарҳи ал-Ҳидоя» 2-ж., 454-б; «Фатҳул кодир». 3-ж., 294-б.

боронда бевосита иштирок этган яна бир марғилонлик уламо Муҳаммад Бобо домла шундай эслайдилар:

«Қози домланинг талаби боронларида мен ҳам қатнашган эдим. Ўшанда Чукур мадрасада таълим олар эдик. Бир кун қози домла мадрасага келдилар ва домламизга: Талаби боронга чикмоқчимиз, талабаларнинг ёшларини берсангиз», – дедилар. Домла улар орасидан бизни ажратиб бердилар. Биз йўлга тушдик. Йўлда бошқа мадрасаларнинг талабалари ҳам бизга кўшилишди.

Биз Марғилоннинг «Хўжа Муоз» деб аталадиган (Аслида, Абдуллоҳ ибн Муоз ибн Жабал. Маҳаллий аҳоли томонидан мазкур зиёратгоҳни оталарига янглиш нисбат берилади. Чунки, оталари Муоз ибн Жабалнинг қабри Иордания, қадимги Шом худудида жойлашган. Шундай бўлса-да, биз китобда маҳаллий халқ тушунчасига мувофиқ шартли равишда «Хожа Муоз» тарзида келтирдик.) зиёратгоҳига қараб юрдик. Чунки бу амални шу ерда қилмоқчи бўлган эканлар.

У ерга етиб боргач, қози домла бизга: «Мен дуо қиламан, сизлар эса орқамда «омин» деб турасизлар», – дедилар. Биз: «Хўп», – дедик.

Ҳаво иссиқ. Осмонда тангадек булут кўринмас эди. Қози домла мазор ёнидаги катта майдонда қиблага қараб дуо қила бошладилар. Биз орқаларида «омин» деб, дуо қилиб турдик. Форсий тилдаги бир дуони ўқир эдилар. Кўп такрор қилганларидан менга ёд бўлиб қолган мазкур дуо қуйидагича эди:

*Ё Раб, сабаби ҳаёти ҳайвон бифрест,
Аз хони карам неъматни алвон бифрест,
Аз баҳри лаб ташнайи тифлони набот,
Аз золайи абр шири борон бифрест.*

Яъни,

*Ё Раб, сабаб бўлмиш тириклик воситасини юборгил,
Саховатли дастурхонингдан турли немат юборгил,
Ширин гўдакларнинг чанқоқ лаблари учун,
Булутлар хазинасидан тотли ёмғир юборгил.*

Шунда, не кўз билан кўрайликки, қуёш чарақлаб осмонда тангадек булут кўринмаслигига қарамай бирданига шаррос

ёмғир куйиб юборган эди. Ҳаммаларимиз ялангоёк югурганча хужраларга кириб кетганимиз кечагидек эсимда...»⁵⁴⁰

Айтиш ўринлики, қози домланинг мазкур дуолари пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг истиско чоғида ўқиган дуоларининг мазмунига мувофиқ эди.

Айтишларича, ўшанда бу хабар Фарғона губернасидаги рус ҳокимлари қулоғига етиб борган экан. Бир рус пристави бунга қизиқиб қолади ва ерли халқлар қандай «каромат кўрсатиш»ни ни ўз кўзи билан кўриш учун извошга миниб, Марғилонга Хожа Муоз даштига тушади. Извошда ўтириб узоқдан қози домла бошлиқ талабаларнинг ҳаракатларини кузатиб туради. Ҳақиқатдан, бу ердаги манзара қизиқарли эди. Чунки бу ерга таомилга кўра кексалар-ёшлар, дарвеш ва қаландарлар, мискин ва фақирлардан иборат катта жамоат ҳозир бўлган эди.

Фикҳ китобларида истискога чиқишдан аввал бевабечора, мискин-фақирларга садақа ва эҳсонлар берилиши, у ерга кексалар, ёш болалар ва бечораҳол одамларни олиб чиқилиши мустаҳабдир, дейилган. Ҳақиқатдан уларнинг йиғи-сиғиси, ниёзу илтижолари бошқача манзара касб қилган эди. Қози домланинг уларни олд томонида туриши уларни бошқариб турганини билдирар эди.

Ҳамма жам бўлгач, қози домла дуога қўл очадилар. Талабалар эса баралла «омин» дейдилар. Сув сўраш узоқ давом этади. Лекин нимадирки, ёмғир ёғмайди. Бир оз дам олгач, яна дуо қиладилар. Лекин ёмғирдан дарак йўқ. Улар бундан ажабланмайдилар. Яна аввалгидан ҳам кўра кўпроқ истиффорга машғул бўладилар. Бу билан улар ёмғир ёғиши учун бандалардан талаб қилинган шароитни ҳозирламоқчи бўладилар. Чунки гуноҳларнинг кўпайиши, турли зулму зўравонликларнинг авж олиши юртда қаҳатлик бўлишининг асосий сабаби эди. Бунини яхши англаганлари боис, ноумид бўлишмайди. Аммо пристав эса дам хавода узоқ туришни истамайди ва: «Кўлингдан ҳеч нарса келмас экан, овора бўлиб нима қиласан», дегандек, отини бурганча қайтиб кетади.

Талаби борончилар учинчи марта дуо қилишга турадилар. Аммо бу гал улар қўлларини юзларига тортмасларидан

⁵⁴⁰ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Оқ масжид.

аввал ёмғир ёға бошлайди. Очилган кафтлар ёмғир сувидан ҳўл бўлган ҳолда ёшли юзларга тортилади.

Бу ерда мазкур воқеанинг қизиқ бир жиҳати бор. Фикҳий китобларда келтирилишича, «Истикско чоғида номусулмон кишиларни ҳозир қилинмайди»⁵⁴¹ дейилган. Чунки улар ҳозир бўлган жойда дуо ижобат бўлиши секинлашар, балки, ижобат бўлмаслиги ҳам мумкин экан. Бу ҳақда Куръони каримда алоҳида оят келган. Мазкур жараёнда аввалги икки марта қилинган дуо пайти ёмғир ёғмагани, пристав кетганидан кейин эса шаррос ёмғир ёққани фикҳ китобларида келтирилган юқоридаги сўзларнинг исботи эди.

Фарғона водийсида бўлган бу қаҳатлик ўша давр расмий матбуотида ҳам эълон қилинган. Жумладан, мулла Ортиқ Муҳаммад мулло Мусо ўғлининг «Туркистон вилояти газета»сининг 1912 йилнинг 31 май 41-сонида эълон қилинган мақоласида айни воқеалар тилга олинган. Муаллиф мазкур мақолада Ўш шаҳрида бўлиб ўтган воқеаларни тилга олган бўлса-да, ўз-ўзидан бу Фарғона вилояти, жумладан, Марғилонда бўлиб ўтган курғоқчиликнинг айни ўзи экани аниқ. Чунки Ўш шаҳри ҳам водий шаҳарлари жумласига киради.

Ўшдан мактуб

«Ушбу ўтган 1911 нчи йилда Ўшда ёмғир ёғмай қайроқ буғдой ва сувлик ҳар хил галлалар бўлмай, хусусан, дала-ларда беда ва пичан бўлмагон. Фуқаролар ўзларига ва ҳам ҳайвонотларига овқат ва жҳидан кўп қийналишуб беҳзор машаққатлар бирлан бир қоп сомон икки сўм, юз бог беда ўттиз-қирқ сўмдан, юз бог маккаоя йигирма сўмга чиқуб, кўплардан кўп қийналишуб, барча фуқаролар от ва молларини сотишуб, келадургон 1912 нчи йилдаги экиладургон амрикон пахталарини ҳавола қилишуб, завутлардан ва катта фирма бойлардан ва банклардан пул олуб қишдан юз меҳнатлар билан чиқишуб, 1912 нчи йилда бўладургон деҳқончиликга ўлгон ва тирилгонликларига қарамай, ҳар хил экинлар эймоқга бошлашуб туруб эрдилар. Алҳолда барча

⁵⁴¹ Алоуддин Масъуд ал-Косоний. «Бадойеъ ас-санойеъ фи тартиб аш-шаройеъ». 3-ж., 127-б; «Ал-иноя фи шархи ал-ҳидоя» 2-ж., 454-б; Маҳмуд ибн Аҳмад ибн Содр аш-шаҳид Бухорий Бурхониддин ибн Моза. Дорул иҳия турос ал-арабий. 11 жилдлик. 2-ж., 269-б.

экинларини экишиб бўлдилар. Далв, ҳут, ҳамал, савр ойлари-ни ичида ҳеч бир ёмғир бўлмай яна ушбу йили қандай бўлур эркан деб ҳайронликда эрдилар. Худованди Карим жавзо ойини учинчи кунидан бошлаб бешинчисига ёмғур илтифот айлади...».⁵⁴²

Шу ўринда Марғилонда бундан аввалроқ, яъни, 1890 йилларда бўлиб ўтган яна бир қурғоқчилик ҳақида тўхталиш ўринли. Анъанага мувофиқ бунда ҳам аҳоли «талаб борон» га чиқадилар. Бу хизмат ўша даврнинг машҳур уламози Охунжон қори Номийга юкланади. Дуо қилиш учун жойи унда ҳам Хўжа Муоз зиёратгоҳи бўлган. Изланишлар асносида мазкур воқеа жараёнларини акс эттирган маълумотларни топишга муваффақ бўлдик. Жумладан, унда шундай дейилади:

Ҳазрат домла Охунджон ал-Марғиноний ал-марҳум ал-мутавафвий фи Маккатал-мукаррама намуда буданд дар замони қаҳат дар ҳийн талаб борон дар Марғинон.

*Жаноб ҳазрат Форуқ соҳат вақти қаҳат,
Вужуди ҳазрати Аббосро шафиъу мулоз.*

*Дар ин замон се шафиъ аз набий бимо инжост,
Нахусту шаър, дуввум зуфр, саввум ибн Муоз.⁵⁴³*

Яъни, Маккаи Мукаррамада вафот этган марғилонлик буюк аллома ҳазрат Охунжон қори Марғиноний Марғилондаги қаҳатчилик чоғи ўқиган дуолари:

«Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу Мадинада қаҳатчилик чоғи Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакилари Аббос розияллоҳу анҳуни шафиъ қилиб, Аллоҳдан сув тилаган эди. Бугун шафиъ қилмоқ учун бизда Пайгамбар алайҳиссаломдан учта нарса мавжуд. Бири у зотнинг муборак соч толалари, тирноқлари, учинчиси эса Муоз ибн Жабалнинг ўғли Абдуллоҳ ибн Муоздир».

Имом Бухорий Анас ибн Молиқдан ривоят қилган ҳадисда Умар ибн Хаттоб (р.а.) қаҳатчилик пайти Аббос ибн Абдулмуттолиб (р.а.) ни васила қилиб Аллоҳга дуо қилган ва: «Аллоҳим, биз сенга (хаётлик пайтларида)

⁵⁴² Мулло Ортиқ Муҳаммад мулло Мусо ўғли. Ўшдан мактуб // «Туркистон Вилоятининг газети». 1912 йил, 31 май. №41.

⁵⁴³ Мулла Зокиржон охунд. Р.Файзуллаев кутубхонаси № 30-қўлёзма. 74-б.

пайғамбаринг (Муҳаммад алайҳиссалом)ни (ҳаётлик пайт-ларида) васила қилар эдик, бизга сув юборар эдинг, энди Пайғамбаримизнинг амакилари (Аббос)ни васила қиламиз, бизга сув юбор», деб дуо қилгани ва уларга сув берилгани келтирилган».⁵⁴⁴

Муҳаммад ал-Муборакфурий «Тухфат ул-Аҳвазий»да шундай дейдилар: «Шайхимиз Обид ас-Сандий: «Мазкур ҳадис жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни муборак зотларини ҳаётликларида ҳам тавассул этиш жозизлигига ҳужжатдир», – деганлар. Имом Шавканий мазкур ҳадис, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламни васила қилаётган киши, ўша ишни бўлдиругучи, албатта, Аллоҳнинг ўзидир, чунки У хоҳлаганини берувчи ва ман қилувчи, У хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламагани бўлмайди, деган эътиқод билан қилишида ҳеч қандай монелик йўқ, деганлар. Чунки у зот алайҳиссаломни ҳаётлигида васила қилиш собит бўлганидек, вафотларидан кейин бошқаларни васила қилиш саҳобаларни ижмоси ила собит бўлгандир. Чунки саҳобалардан бирор киши Умар (р.а.) Аббос (р.а.)ни васила қилаётганини инкор этмадилар.

Иккинчидан аҳли фазл кишиларни васила қилиш аслида уларнинг ўзини эмас, балки қилган фазилатли амалларини васила қилишдир. Чунки икки саҳиҳда келтирилган ҳадисда Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом, бошпана топиш учун кирган ва оғзига харсанг қопланиб қолган ғордан кутулиб чиққан уч нафар йигитларни Аллоҳ таолога солих амалларини васила қилганини айтганлар. Агар васила жоиз ёки баъзилар айтгани каби ширк бўлганида Пайғамбар алайҳиссалом сўзлари сўнгида улар қилган ишни инкор қилган бўлар эдилар, дейдилар.⁵⁴⁵

Васила ҳақида уламолар ўртасида турли мунозаралар мавжуд. Аммо Аҳли суннат вал жамоат уламолари тўғри эътиқод асосида қурилган василани жоиз эканини иттифок қилганлар.

Шу ўринда Марғилонда бўлиб ўтган мазкур икки воқеа айнан, Хожа Муоз деб аталадиган зиёратгоҳ ёнида бўлганини мулоҳаза қилиб кўрсак.

⁵⁴⁴ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Саҳиҳул Бухорий». Дорул фикр. Байрут. 4-жилд, 191-б.

⁵⁴⁵ Муҳаммад ал-Муборакфурий. «Тухфат ул-Аҳвазий» Дорул кутуб ал-илмийя. Байрут. 8-ж., 476-б.

Хожа Муоз зиёратгоҳи Марғилон шахрининг шимолий-ғарбий худудида, ҳозирги Ёйилма маҳалласида жойлашган. Маълумотларга кўра, бу ерга саҳоба Муоз ибн Жабал Абу Абдурахмон ал-Ансорий ал-Хазражий (ваф. 640. х.) нинг ўғли Абдуллоҳ ибн Жабал дафн этилган.⁵⁴⁶ Санкт-Петербургдаги Салтиков-Щедрин номли кутубхонанинг Шарқ кўлёмалари бўлимида мазкур зиёратгоҳга доир бир қанча кўлёмалар сақланади.⁵⁴⁷

Тарихдан маълумки, қадимдан мусулмон халқлари орасида мазоротларни зиёрат қилиш, у ердаги азизлар руҳига дуойи фотиҳа қилиш ва шу туфайли улар руҳидан маънавий файз олиш одати шаклланган. Исломда бу амал эркаклар учун мустаҳаб саналади. Мазкур одат нафақат маҳаллий халқ томонидан, балки хонларнинг ҳам доимий ишига айланган. Ҳатто хонлар тахтдан маҳрум бўлган чоғларида муқаддас жойлар уларнинг умид манбаига айланган. Бу ҳақда Мирза Олим Мушрифнинг Худоёрхон тўғрисида келтирган маълумотларида тилга олиб ўтилган эди.⁵⁴⁸

Кўкон хони Норбўтабий давридан бошлаб, Марғилондаги Хўжа Муоз мазори ва ундаги Мўйи муборакка атаб қурилган зиёратгоҳ хоннинг севимли зиёратгоҳига айланган бўлиб, ҳатто шаҳарнинг 12 дарвозасидан бири Муоз ибн Жабал деб аталган.⁵⁴⁹ Умархон ва Шералихон, Мадалихон, Худоёрхон ва Маллахонларнинг ҳукмдорлиги даврида Подшоҳ Искандар, Сафед Булон, Ҳазрат Али, Мўйи муборак, Ҳазрати Айюб мазорларини зиёрат қилиш анъанага айланган эди.

1867 йили Кўконга ташриф буюрган рус зобити А.П. Хорошхиннинг ёзишича, Худоёрхон Мўйи муборакни зиёрат қилиш учун дабдаба ва кўп сонли кўшин қуршовида борган.⁵⁵⁰

Дарҳақиқат, зиёратгоҳ бошқа кўплаб мазорлар қатори қадимдан аҳоли учун руҳий манба сифатида хизмат қилган.

⁵⁴⁶ Абдулахатов Н, Хошимов Б. Мўйи муборак. Ф.: Фарғона, 2002. – 88-б.

⁵⁴⁷ Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968. С.528.

⁵⁴⁸ Мирза Олим Мушриф. Кўкон хонлиги тарихи. –Т.: «Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти», 1995. 78-б.

⁵⁴⁹ Писарчик А.К... С.157.

⁵⁵⁰ Хорошхин А.П. Сборникъ статей касающихся Туркестанского края. СПб., 1876. С.133.

Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг келтирган маълумотларига кўра 1862 йили Марғилон шаҳрида Худоёрхон томонидан юборилган элчи Мирзо Аҳмад Қушбегига қарши кўтарилган халқ исёни чоғида Хўжа Муоз зиёратгоҳида мудофаа учун истеҳкомлар барпо қилинади ва ҳатто бу ердаги иморатлар устига замбараклар ўрнатилади.⁵⁵¹ Бу фақат биргина мисол, холос. Қолбуки, Хожа Муоз зиёратгоҳи билан боғлиқ шу каби воқеалар тарихда кўп марта содир бўлган. Шу сабабдан ҳам юрт бошига фалокат келган вақт уни даф қилиш масаласи айнан, шу мазорда Марғилоннинг улуғлари томонидан муҳокама қилинган. Жумладан, Пўлатхон кўзғолони даврида воқеалар силсиласи ҳам шу мазор билан боғлиқ кечган.⁵⁵²

Зиёратгоҳ ўз даврида Хўжа Муоз мақбараси, Мўйи муборак хонақоҳи, чиллахона, Марғилон беклари даҳмаси, масжид, дарвозахона, Ҳидоятуллоҳ Оппоқ Хўжа хонақоҳи каби иншоотлар мажмуидан иборат бўлган.

Маълумотларга кўра Хожа Муоз мақбарасининг ҳозирги биноси XVIII асрнинг биринчи ярмида қурилган бўлиб, пишиқ ғиштдан қурилгани сабабли яхши сақланган. 1954 йили Хожа Муоз мазорини кўздан кечирган тадқиқотчи И.Ф.Бородинанинг келтирган маълумотларига кўра, мазор кейинчалик XX аср бошларида қайта таъмирланган.⁵⁵³

Ўша даврда (XIX) ҳозирги Хўжа Муоз мазори билан шаҳар дарвозаси оралиғида «Дарвоза таги» мавзеси бўлган. Бу ерда асосан, зиёратгоҳ хизматчилари, шайхлар, дарвешлар ва бошқалар истиқомат қилганлар. Бу ер ўз даврида диний-илмий марказ бўлганлигини ва бу ердан бир қанча уламолар етишиб чиққанини маҳаллий аҳоли фахр билан эсга оладилар.

Кўқон хонлиги даврида хонлик ҳудудидаги муқаддас мазорлар атрофидаги ерлар мазкур мазор соҳибларининг авлодларига вақф қилиб берилиши билан бирга улар хонлар томонидан турли имтиёзлар ва иноятномалар олганлар. Хожа Муоз зиёратгоҳига берилган ана шундай иноятнома-

⁵⁵¹ Набиев Р. Из истории Кокандского ханства. Т.: Матбуот, 2001. – 65-б.

⁵⁵² Коритов Н.П. Самозванец Пулатхан// Ежегодник Ферганской области. Том 1, Г.Новый Маргелань. 1902, С. 37.

⁵⁵³ Бородина И.Ф. Дневник обследования с описанием памятников архитектуры Ферганской долины (жилых домов, квартальных мечети, медресе и мавзалеев) 1954. Ф. №1644.

лардан ҳозирда ҳижрий 1227 (милодий 1812) йилда Қўқон хони Муҳаммад Умар Ибн Норбўтахон Баҳодур ва ҳижрий 1285 (милодий 1868) йилда Худоёрхон Ибн Шералихон томонидан берилган вақфномалар сақланиб қолган.⁵⁵⁴

Кўриниб турибдики, Марғилондаги Хожа Муоз зиёратгоҳи қадимдан маҳаллий халқ ва хонлар томонидан севиб зиёрат қилинган. Шу сабабли юқорида келтирилган «сув сўраш» иши шу ерда амалга оширилган. Қолаверса, бунга зиёратгоҳ қошида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак соч толалари сақланиши ҳам асосий сабаб бўлган.

Обшердаги воқеа

Биз Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг кароматлари бобида сўз юритар эканмиз, бевосита у зотнинг шогирдларидан содир бўлган баъзи воқеаларни эслаб ўтишни ҳам жоиз деб билдик. Жумладан, Идрис халифадан содир бўлган қуйидаги воқеани олиб кўрайлик. Юқорида ёмғир ёғиши учун дуо қилинган бўлса, Обшер қишлоғида содир бўлган бу воқеада ёмғир – селни тўхтатиш учун дуо қилинган эди.

Халифанинг фарзандларидан Сотиболди охунд отанинг айтишича, улар Обшерда турганларида бир кеча тунда қаттиқ сел куяди. Шунда Идрис аёл ва болаларини ташқарига олиб чиқиб: «Мен дуо қиламан, сизлар «омин» дейсизлар», – дейди ва қуйидаги: «Аллоҳумма ҳаволайна вало аълайна», яъни Парвардигоро, ёмғирни бизнинг устимизга эмас, чор-атрофга ёғдир», маъносидаги дуони қайта-қайта ўқийди. Шунда Аллоҳнинг қудрати билан чакмоқ чақади-да, осмонни қоплаб турган қора булут иккига бўлиниб, тоғнинг орқасига ўтиб кетади.

Машҳур саҳобий Анас ибни Моликдан ривоят қилинган ҳадисда айтилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларида бир йили Мадинада ёмғир ёғмай кўяди. Расулulloҳ (с.а.в) жума куни минбарда хутба қилиб турганларида бир аъробий кириб келиб: «Ё Расулulloҳ, сувсизликдан моллар ҳалок бўлмоқда, кишилар очликдан қийналмоқда, Аллоҳга дуо қилинг, бизга сув берсин», – дей-

⁵⁵⁴ Н.Абдулаҳатов, Ў. Эшонбобоев. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари... 140–141-б.

ди. Пайғамбар алайҳиссалом кўлларини дуога кўтарадилар. Шунда осмонда бирор парча булут бўлмагани ҳолда, у зот кўлларини туширмасдан булут пайдо бўлиб тезда осмонни қоплаб олади ва ёмғир ёға бошлайди. У зот минбардан тушмасдан муборак соқоллари ҳўл бўлади. Ёмғир келгуси жумагача ёғади.

Келаси жума куни аъробий яна келади ва: «Ё Расулуллоҳ, уйлар ёмғирдан вайрон бўлмоқда, моллар ғарқ бўлмоқда, дуо қилинг, Аллоҳ ёмғирни тўхтатсин». Жаноб Расулуллоҳ кўлларини кўтариб юқорида келтирилган дуони ўқийдилар ва булут томонга ишора қиладилар. Не тонгки, булут тезда тарқаб кетади ва Мадина осмонида ёруғлик пайдо бўлади. Атрофдаги водийлар эса сувга тўлади. Неча кунгача кишилар ёмғир кўп ёққанини сўзлаб юрадилар.⁵⁵⁵

Қабрнинг кўчирилиши

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг вафотларидан кейинги қароматлар қаторига қабрларининг кўчирилиш воқеасини ҳам келтириш жоиз. Маълумки, 1928 йилда Марғилоннинг ипакчилар шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган пиллакашлик цехи ипак комбинатига айлантирилади. Шу муносабат билан шаҳар марказидан унга олиб борадиган йўл қурилиш лойиҳаси режалаштирилади. Режа бўйича йўл Ҳазрат Домла ва бошқа кўплаб улўғ кишилар дафн қилинган қабристон устидан ҳам кесиб ўтиши керак эди.

Бундан хабар топган шаҳар уламолари ташвишга тушадилар. Чунки бу ерда нафақат Ҳазрат Домла, балки икки буюк зот – Абдул Карим ҳазрат ва Мавлоно Калон ҳазрат қабрлари ҳам бор эди. Уларни безовта қилишнинг оқибати ёмон бўлиши мумкин эди. Буни олдини олиш учун улар қабрини кўчирмоқчи бўладилар. Бу ишга Ҳожи Каримжон домла бош бўладилар.

Мазкур жараёнда бевосита иштирок этган ҳожи домланинг набиралари Рашидхон ота шундай хотирлайдилар:

⁵⁵⁵ Бу ҳақда қаранг: Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Саҳиҳ ул-Бухорий» 4-ж., 233-б; Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. «Саҳиҳу сунан ан-Насоий». Мактабатут тарбиятил арабий ли дувалил халийж, Риёз.1988. 5-ж., 461-б; Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал». Дорул кутубул илмий, Байрут, 1978. 4-ж., 197-б; Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний. «Сунану Аби Довуд», Дорул Боз. Маккат ул-Муқаррама. 4-ж., 80-б.

«Ўшанда Ҳазрат Домла билан бирга бу ердаги икки улуғ зот ҳам кўчириладиган бўлди. Вақт нозик бўлгани учун буни ҳеч кимга билдирилмади. Бу ишни кечаси қилинадиган бўлди. Бобом суякларни солиш учун бувимга айтиб, учта бўз ҳалта тиктирдилар.

Кечанинг ярмига борганда бобом, Зайнобиддин маҳдум, Охунжон қори ва Миряхё қори домла тўртовлари қабристонга чиқишди. Улар орасида Ҳазрат Домланинг асакалик шогирдлари Жума қори ҳам ҳозир эди. Ёз кечаси бўлгани учун осмон очик, юлдузлар кўп эди. Маслаҳатлашиб, аввал Катта ҳазрат қабрини очдилар. Бу ерда бир даҳма бўлиб, унда Ҳазрат Домланинг устозлари Халифа бува (Катта ҳазрат) нинг қабри жойлашган эди. Бу ер ҳозирги банк биноси ёнидаги мажнунтолнинг ўрни.

Сўнгакларни олиб, оҳисталик билан ҳалтага жойладилар. Сўнгра Калон ҳазрат қабри очилиб ҳалтага жойланди. Навбат Ҳазрат Домлага келди. Қабр очилди. Не кўз билан кўрилсинки, Ҳазратнинг таналари қандай қўйилган бўлса ўшандай чиримаган ҳолда эди. Фақат кафанлар чириган эди. Барчалари ҳайратдан йиғлаб юбордилар. Сўнг вақтни ўтказмай у зотни оҳисталик билан чиқариб олдилар. Алоҳида кафан бичиб ўрадилар.

Ўшанда бизнинг от-аравамиз бўларди. Дархол бир кўрпа олиб чиқиб, икки қават қилиб солинди. Ҳазратни аравага узунасига ётқизилди. Икки буюк зот бош томонларига қўйилди. Арава олдига бобом, қолган икки киши оёқ томонига ўтириб, Сармозор қабристонига олиб кетдилар. Бу ерга етиб келгач, янги қабр қовлаб Ҳазрат Домлани бу ердаги Эшон Абдурахим – Сармозор ҳазратнинг ёнига дафн қилдилар. Икки зотнинг қабри ҳам шу ерга бино қилинди».⁵⁵⁶ Ўшанда Ҳазрат Домланинг вафотига 14 йил, Катта ҳазратга 35 йил, Халифа бувага 70 йил бўлган экан. Ҳазрат Домла жасадларини чиримаслиги у зотдан содир бўлган каромат ва Аллоҳнинг улуғ марҳамати эди.

⁵⁵⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Хонақоҳ. 1996.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ МАРҒИНОВИЙНИНГ ФИРОСАТЛАРИ

Маълумки, қадимдан валийлар ва тасаввуф шайхлари ҳаётига бағишланган турли мақомот, тазкира ва манокибларда уларга берилган фиросат ҳақида ҳам гапирилади. Изланишлар давомида биз Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг фиросатларига доир маълумотларни учратдик. Чунончи, бу ҳақда шундай дейилади:

*Магар хамири вужудаш, зи об фаҳми омад,
Каз оби хок мужаррад, набояд ин миқдор.*⁵⁵⁷

Яъни, эҳтимол, у зотнинг вужуд тупроғига фаҳму фиросат кўшиб қорилган бўлса керак, негаки, тупроқнинг ўзидан шу қадар илму ҳикмат келмайди.

Аввало фиросат ҳақида. Фиросат – бу валий бандаларга Аллоҳ таоло томонидан берилган улуғ иноят бўлиб, каромат саналади. Бу ҳақда Ҳусайн Воиз Кошифий шундай дейдилар: «Фиросат улдурки, ботин поку кўнгил соф бўлмоғи бирла ғафлат ҳижоби басират юзидан кўтарилгай, токи мўмин яқин нури бирла аҳволи ҳақиқатга вукуф топгай».

*Фиросат ила кўнгилга кўз очилгай,
Ки ҳама ҳолатни ул маълум қилгай.*

Имом Термизий Абу Саъид Худрий (р.а.) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: «Мўминнинг фиросатидан сақланинглар, чунки у Аллоҳнинг нури билан қарайди».⁵⁵⁸

Имом Муновий мазкур ҳадисни мўминнинг қалбида пайдо бўлган нур билан қарайдиган назаридан эҳтиёт бўлинг, чунки у туфайли ҳақиқатлар маълум бўлади, дея шарҳлаганлар.

Имом Бухорий, Имом Термизий ва бошқалар Анас ибн Моликдан келтирган марфуъ ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Одамларнинг аҳволларини

⁵⁵⁷ «Девони Бекий». 12-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁵⁵⁸ Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. «Сунани Термизий». Дорул кутубул илмий. Байрут. 11-жилд, 401-б.

фиросат йўли билан биладиган Аллоҳнинг бандалари бордир», – деганлар.⁵⁵⁹ Қуйида Ҳазрат Домланинг фиросатларига доир воқеаларни келтирамиз.

«Отни эгарламабсиз-ку?!»

Маълумки, Марғилоннинг шимол томонида Шаҳартепа қишлоғи жойлашган. Ўз даврида кўп қатори мазкур қишлоқдан ҳам талабалар Марғилон мадрасаларига келиб таълим олганлар. Улар орасида Хонақоҳ мадрасасига кириб Ҳазрат Домла қўлларида таълим олганлари ҳам кўп бўлган. Шундай кишилардан бири бу Акбар Али охунд домла (1881–1983) эдилар. Умрининг охиригача Шаҳартепа ва унга қўшни қишлоқлар ижтимоий-маънавий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллаган мазкур зот Ҳазрат Домланинг фиросатлари борасида шундай дейдилар: «Кунларнинг бирида Ҳазрат Домла мадраса ташқарисида бир курсида дам олиб ўтирган пайтлари олдиларидан ўтиб қолдим. Сабоқдан бўшаб дам олиб ўтирган пайтлари бўлса керак. Мени кўрдилар-у, қўлларини узатдилар. Кутилмаган бу илтифотдан довдираб қолдим. Чунки ҳар ким ҳам у зот билан сўрашишга ботина олмас эди. Югуриб бориб кўришдим. Кўришдилар-у, қўлларимни ушлаб туриб: «Ие, қори, отни эгарламабсиз-ку?! Бундай бўлмасин!», – дедилар.

Нега бундай деяптилар деб ўйласам, ўша куни шошиб қолиб кўчага бетаҳорат чиққан эканман. Қаттиқ хижолат бўлдим. Чунки бу каби ҳолатлар Ҳазрат Домлага маълум бўлишини билар эдим. Шу-шу бўлди-ю, мен ҳеч қачон бетаҳорат юрмайдиган бўлдим.

Орадан анча вақт ўтиб, Ҳазратни яна ўша жойда кўрдим. Бу гал ҳам ўзлари ёлғиз эдилар. Севиниб кетдим. Мени кўрдилар-у, қўлларини узатдилар. Югуриб бориб кўришдим. Бу гал қўлларимни сиқиб туриб: «Мана энди бошқа бўлибди, доим шундай бўлсин», – дедилар».⁵⁶⁰

Тасаввуф шайхларидан аллома Муҳаммад Мунир Самнудий «Тухфат ус-соликин» номли китобда мурид одобларини баён қилар экан, мурид ҳеч қачон шайхининг хузурига бетаҳорат кирмаслиги керак, дея таъкидлаган.⁵⁶¹

⁵⁵⁹ Муҳаммад ал-Муборакфурий. «Тухфат ул-Аҳвазий» Дорул кутуб ул-илмийя, Байрут. 7-жилд. 456-б.

⁵⁶⁰ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – 1998.

⁵⁶¹ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин»...8-б.

Шайхул ислом Бурҳониддин Зарнужий шундай дейди: «Илмни ҳурматлаш жумласига китобларни ҳурматлаш ҳам киради. Толиби илм ҳеч қачон китобни бетаҳорат ушла-маслиги керак». Шамсул аимма Ҳалвоний (р.х.): «Ушбу мақомга мен ҳурмат билангина етдим, чунки бирор марта оддий қоғозни ҳам бетаҳорат ушламаганман», – деганлар.

Шайхул аимма ас-Сарахсий (р.х) эса дарс такрор қилиб турган тунларининг бирида қорин оғриғи туфайли ўн етти марта ташқарига чиқадилар ва ҳар гал таҳоратларини янгилайдилар.⁵⁶² Ҳатто салафи солиҳлар ораларида ҳожатдан чикқач, таҳорат оладиган жойга боргунича дарҳол таяммум қилиб оладиганлари ҳам кўп бўлган.

*Субҳи вақтидан бурун бедор ўлиш одат қилинг,
Ботаҳорат ёди ҳақ бирлан юриш одат қилинг,
Бериё халқ ичра кирганда туриш одат қилинг,
Бўлса имкони жамоат ахтариш одат қилинг,
Ажрини олгай қадамни қанча босгонлар, намоз.⁵⁶³*

Ишимизга ҳайрон бўлманг

Шогирдларидан Нусратуллоҳ охунд айтадилар: «Қиш кунларининг бири эди. Ҳазрат Домла бир жойга борадиган бўлдилар. Йўллар қор, музлама бўлгани учун мен бирга борадиган бўлдим. Биз йўлнинг девор четлари бўйлаб борар эдик.

Шу пайт нариги томондан маҳалланинг авбош йигитларидан бири маст ҳолда кела бошлади. Ҳазратга рўбарў бўлиб қолмасин-да, деб ташвишландим. Ўйлаганимдек, у девор четидан тўғри биз томонга қараб кела бошлади. Яқинлашгач, тўхтади ва Ҳазратга, «Ҳа-а, Домла, яхшимисиз? Ассалому алайкум!» – деди. Ҳазрат: «Ваалайкум асалом, эй-й фалончимисан, яхши юрибсанми?» – деб алик олдилар. Сўнгра ёнларидан бир даста пул чиқариб: «Ол, мана буни олиб қўй!» – деб унга узатдилар. У пулларни олди-да куллик қилиб тентираганча нари кетди.

Мен Ҳазратнинг ишларидан таажжубланиб: «Ўзи маст бўлса яна унга илтифот қиляптилар?», – деб дилимдан

⁵⁶² Шайх ул-ислом Имом Бурҳониддин Зарнужий. «Таълим ул-мутааллим»... 25-б.

⁵⁶³ Қоил Марғиловий. Баёз. 85-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ўтказдим. Ўйимни тугатмасимдан туриб Ҳазрат сўз бошладилар. «Қори, қилган ишимиздан таажжубланманг, ҳали бу йигит шундай инсон бўлсинки, ҳамма хайрон қолсин», – дедилар.

Ҳақиқатан, шундай бўлди. Сал ўтмай у тавфиққа келди. Ёмонликларни ташлаб мадрасага келди. Ҳазратга шогирд бўлиб, тез фурсатда улуғ мартабага етди.⁵⁶⁴

Маъруф Кархий кунларнинг бирида шароб ичиб ўтирган кишиларни кўрадилар. Муридлари: «Уларни ҳақиқага дуо қилмайсизми», – дейишади. У зот: «Эй Раббим уларни дунёда хурсанд қилганинг каби охиратда ҳам хурсанд қил», – дейдилар. «Ахир дуойи бад қилмайсизми», – дейишади. «Мусулмонни ҳақиқага-я», – дейдилар. «Аллоҳ таоло уларни охиратда хурсанд қилса, уларга тавба насиб этиб, имон ва мағфират билан хурсанд қилишини билмайсизларми?», – дейдилар.⁵⁶⁵

Хотамул Асом айтадилар: «Сени инсофингни йўқлигидандирки, одамларнинг гуноҳи учун ёмон кўрасан, аммо ўзингни гуноҳинг учун ёмон кўрмайсан».⁵⁶⁶

Айтишларича, Ҳазрат Домланинг қизлари вояга етгач, обрўли одамлардан бири унга харидор бўлади. Совчиларга: «Куёв бўлмиш билан бир суҳбатлашайлик», – дейдилар. Хузурларига келган йигит билан суҳбатлашгач, ўртада турган кишиларга узр айтиб, жўнатиб юборадилар. Сабабини эса айтмайдилар. Улар ҳам бундан хайрон бўлишади. Маълум бўлишича, йигит кейинчалик хиёнаткор кишиларга кўшилиб кетган экан.

Бу ерни бўшатиб қўйсин

Шогирдларидан Мазҳариддин махдум айтадилар: «Бир куни шаҳар қозиларидан бири ўғлини олиб келиб мадрасага топширди. Ҳазрат уни қабул қилиб ҳужраларнинг бирига жойлаб қўйдилар. У бу ерда истикомат қила бошладди. Мадрасанинг талаби қаттиқ бўлиб, талабаларга вақтни беҳуда ўтказмасликка, ҳатто қаҳқаҳа отиб кулишга ҳам йўл қўйилмас эди.

⁵⁶⁴ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Милтиқсоз. 1998.

⁵⁶⁵ Имом Шаъроний. Танбеҳ ул-муғтаррин... 113-б.

⁵⁶⁶ Имом Шаъроний. Танбеҳ ул-муғтаррин... 69-б.

Бир куни шундай бўлди. Ҳазрат унинг хужраси ёнидан ўтиб кета туриб, ичкаридан бир боланинг қаҳқаҳа отиб кулганини эшитиб қоладилар ва хужрабошини чақириб, ким кулганини сўрайдилар. У: «Қайси куни келган қозининг ўғли кулди», – дейди. «Ундай бўлса унга айт, ҳозироқ барча нарсаларини йиғиштириб, бу ерни бўшатиб кўйсин. Бу ерда унга насиба йўк!» – дейдилар. У нарсаларини йиғиштириб, мадрасадан чиқиб кетади.

Ўғлининг ҳайдалганини эшитган отаси келиб Ҳазратга узр айтиб, кечирим сўради. Яна қабул қилишларини илтимос қилди. Лекин Ҳазрат қабул қилмадилар. Ҳарчанд ялинса ҳам қаттиқ туриб олдилар.

Ўшанда биз Ҳазратнинг бунчалик қаттиқ туриб олганлари сабабини билмай: «Бечора отаси кўп ялинди, қабул қилсалар бўларди», – деб ўйлаган эдик. Лекин маълум бўлишича, кейинчалик у мусулмонлар зарарига иш қилувчи ноаҳл кишиларга қўшилиб кетган экан. Буни аввалдан билган Ҳазрат Домла шундай йўл тутган эканлар.⁵⁶⁷

Маълум бўлмоқдаки, Ҳазрат Домла бу ерда мазкур талабанинг келгусидаги баъзи аҳволларини каромат йўли билан билганлар. Акс ҳолда, отасининг илтимосини қабул қилган бўлар эдилар. Қолаверса, улуғлар кичиклардан содир бўлган баъзи хатоликларни кечирувчи бўладилар. Йўқса, янги келган ёш толиби илмнинг қаҳқаҳа отиб кулиши уни мадрасадан чиқариб юборилишига сабаб бўлмас эди.

Хирот машойихларининг муқаддамларидан саналган Абулаббос Ҳамза ибн Муҳаммад (қ.с.) шундай деганлар: «Ҳар кишиниким, машойих ва авлиё суҳбати покиза қилмағай, ҳеч панд била покиза бўлмағай».⁵⁶⁸ Ҳазрат Домла асарларининг бирида шундай деганлар:

*Моили лаъб арчи мардумзода бошад соқитаст,
Аз назарҳо ашк афтад гарчи олий манзараст.*⁵⁶⁹

Яъни, ўйин-кулгига моил киши гарчи инсон бўлса-да, безътибордир ва чиройли суратда бўлса ҳам улуғларнинг назаридан йиқилгучидир.

Умуман олганда, қадимдан салафларнинг кулгига, ай-

⁵⁶⁷ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Қаландархона. 1998.

⁵⁶⁸ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат» Т., 2001, 121-б.

⁵⁶⁹ № 21-қўлёзма. 11-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ниқса, қаҳқаҳага муносабатлари анчагина салбий бўлган. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху: «Ортида дўзах олови борлигини билиб туриб кулган одамга таажжуб бўлсин», – деганлар. Собит Банноний эса: «Қаҳқаҳа отиб кулаётган мўмин борки, у ўлимдан ғофилдир, акс ҳолда шу хилда кулмаган бўлар эди», – дейдилар. Анас ибн Молик розияллоху анху: «Мажлисда қаҳқаҳа отиб кулувчи киши билан бирга албатта, бир шайтон бўлади», – дея огоҳлантирганлар. Машхур сўфия аёл Муозатул Адавийянинг бу борадаги фикри ҳам таъсирли. У кунларнинг бирида сўфийлар кийимини кийиб олган кишиларни мажлисда қаҳқаҳа отиб кулаётганларини кўриб қолади ва: «Ҳай-ҳай, кийимлар солиҳона-ю, ammo кулгилари фосиқона», дея ўтиб кетади.⁵⁷⁰

Бугун сиз ўқинг

Шу ўринда фиросат бобида Хонақоҳий Ҳазрат Домлага замондош баъзи марғилонлик уламолардан содир бўлган воқеаларни ҳам келтириб ўтсак. Маълумки, Марғилонда Бурҳониддин маҳдум исмли уламо яшаб ўтганлар. Марғилоннинг Ғариб гўристон маҳалласида истиқомат қилиб, 1982 йилда 98 ёшда вафот этган мазкур зот ўз даврида етук Қуръон ҳофиси эди. Ёш болалик пайтларида оталари машхур шоир Муқимийни ҳузурига олиб бориб дуо олганлари айтилган. Кейинчалик, Чуқур мадрасада ҳазрат Бухорий домла қўлларида таълим оладилар. Ўша даврда бўлиб ўтган бир воқеани шундай эслаган эдилар:

«Мадрасада хуфтон намозидан кейин ҳар куни устоз ишоратлари билан талабалардан бири «Мулк» сурасини ўқир эди. Лекин бирор марта менга, сиз ҳам ўқиб беринг, демас эдилар. Бир кун хуфтонга келаётиб, нега мени ўқитмас эканлар, дея кўнглимдан ўтди. Намоздан кейин ҳалқа пайтида устоз тўсатдан менга қараб: «Бурҳониддин, сураини «Мулк»ни бугун сиз ўқиб беринг», – деб қолдилар. Кутилмаган бу таклифдан ўзимни йўқотиб қўйдим ва сурани бошлаб зўрға охирига етказдим. Фотиҳадан сўнг: «Ҳай-ҳай, мулла Бурҳониддин, сизни шундай чиройли қироат қилишингизни билмас эканмиз, бугундан бошлаб ҳар куни сиз ўқиб бераверасиз», – дедилар.⁵⁷¹

⁵⁷⁰ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 41–43 бетлар.

⁵⁷¹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – 1998.

Уламо – туби йўқ денгиз

Бу борада Холмуҳаммад қори домладан содир бўлган кўплаб воқеалар ҳам ибратли. Алломанинг шогирдларидан Абдулазиз Голиб Марғилович ўтган асримизнинг йигирманчи йилларида колхозда ҳисобчи вазифасида хизмат қилиб турган кезлари, у кишини ўзларига билдирмай партиёга ўтказиб юборишади. Чунки ўша даврларда фаол ходимларни кандидатсиз тўғри партиёга мажбур киргизилар экан. Лекин Аллоҳнинг инояти билан бундан сақланиб қоладилар. Бунинг воқеасини шундай баён қиладилар:

«Мен ўша ҳафта касал ётган эдим. Бу вақтда обком секретари Жаҳонгир Саъди эди. Анча маълумотлик, ёшларга чидамлик эди. Ўзи сипоҳ, нотик, бамаъни одам эди.

Мен тузалиб келгач, мени чақирди. Хонасига кирдим. Саломлашиб кўришгач: «Ўтир хулиган, энди у безорилингни ташла, сени партиёга қабул қилдик, манави анкетани тўлдир, отангинг касбини кўстар ё деҳқон десанг ҳам бўлади», – деб менга анкета узатди. Мен тўлдира бошладим. Бироқ бир саволга келганда ўйланиб қолдим. Анкетада, «Худога ишонасизми, йўқ?» деган савол бор эди. У вақтда шундай савол бўлиб, бунга катта аҳамият беришар эди. Мен хайрон бўлиб тўхтаб қолдим.

– Жаҳонгир ака, мана бу ери ғалати-ку?

– Нимаси? – энгашиб кўриб, – ҳа, йўқ деб қўяверсан-да, йўқ деб қўявер, – деди.

Мен: – Йўғе-е, Аллоҳ сақласин, ундай демайман, йўқ десам ҳам, бор десам ҳам илмий исбот-далил билан айтаман. Менга бир ҳафта муҳлат беринг, ахтариб кўрай, кейин келиб айтаман, – дедим.

– Ахтарсанг, бизчалик ахтарарсан, майли бир ҳафта эмас икки ҳафта муҳлат, ҳужжат топсанг бизга ҳам хабар қиларсан, деб анкетани олиб тортмасига солиб қўйди.

Мен ҳужжат – далил ахтариб чиқиб кетдим. Ҳовлимиз йироқ бўлгани учун мен Ширмонпаз маҳалласида бозор ёнидаги масжиддан бир ҳужра қилиб, шу ерда ётиб турар эдим. Мўмин қори деган бир довдир мулла мен билан бирга турар эди. Ҳужрага қараб озода тутиб тургани учун унга йўл берган эдим.

Ҳужжат ахтариб, жуда кўп китобларни келтирдим. Буларни ҳаммаси туркий-ўзбекча эди, арабий-форсийни билмас эдим. Бу китоблардаги гапларнинг ҳаммаси менга эртақ-афсонадек туюлди, бунга қоникмадим. Ўзбек атеистларининг китобларини ўқидим. Уларнинг асарларида муллашонларни масхара қилиш, динни ҳақорат қилиш, масхаралашдан бўлак ҳеч нима йўқ эди. Русча китобларга мурожаат қилдим. Буларда ҳам динни масхаралашдан бошқа нарса йўқ эди. Илмий асарларда эса Исо деган одам ўтмаган, деган сўзни уқтиришдан бўлак нарсани топмас эдингиз. Хужрам ўзбекча янги-эски китобларга тўлиб кетди, кечасию кундузи ўқидим. Фарғона кутубхонасига чиқдим. У ерда яхши маълумотлик, ўрта ёшлардаги бир рус хотин мудира эди. Шунга аҳволимни сўзладим, у менга ўнтача китоб-журналлар берди. Уларни ҳам ўқиб чиқдим, улар ҳам қаноатлантирмади. Кўплари насоро дини ва умуман, дин ҳақида асосиз мулоҳазалар эди.

Мен жинни бўлаёздим. Охири ҳужжат тополмас эканман-да, деб ўйлаиб ўтирган эдим, Мўмин қори ўйимни бўлди: «Бу, нима бало бўлди сенга, ҳамма ёқни китобга тўлдириб юбординг-ку? – деди. Мен: «Мўмин қори, ман бугун бориб партияга кириб кофир бўламан, агар қиёмат қоим бўлиб, Аллоҳ таоло мени сўроқ қилса, сени ёқандан ушлайман (ёқасидан ушладим), Худоё, ман билан шу Мўмин қори ҳамхона эди, сени манга танитмаган дейман», – дедим. Бечорани ранги ўчиб кетди, кўлимга бир уриб, ёқасини ажратиб: «Э йўқол-е, пес, бизга мана бу оят, мана бу ҳадис деса тамом, сан пес оят-ҳадисга унамасанг, санга Худони қандай танитаман?!» – деди. Мен: «Билмайман, танитасан, бўлмаса партияга қираман, уволиму чуволим сани бўйнингга», – дедим.

Жуда ғамга тушди, бир оз туриб: «Тўхта, танитиб қўядиган бор, маҳаллангдаги Холмуҳаммад қори домла санга кўрсатиб қўяди, тур ҳозир борамиз», – деди. Мен: «У одам кўр-ку, қанақа қилиб кўрсатади», – деган эдим, – «Кўп маша-маша қилма, кўрсатганда биласан, тур тезроқ», – деди.

Иккимиз бозордан ўнта иссиқ нон, икки кило узум олиб Холмуҳаммад қориникига жўнадик. Келдик. Холмуҳаммад қори икки кўзлари чип кўр кекса одам эдилар. Меҳмонхоналарида экан, биз келиб ўтирдик. Мўмин қоридан ҳол-

аҳвол сўрадилар. Бир пиёла чой ичгач, мен Мўмин қорига «сўзла» деб ишора қилдим. Мўмин қори мендан кўрқар эди, мени «ёмон» дер эди, бўлак жойи бўлмаганидан ночор мен билан турар эди.

Мўмин қори домлага: «Тақсир, мана бу мулла Абдулазизни арзлари бор сизга», – деб менга ишора қилди. Домла «қани» деб бир қимирлаб кўйдилар. Мен аҳволни айтдим. Охирида: «Тақсир, бу эски китобларингиз ҳозирги китобларга ҳеч жавоб бермайди, менга ақлга тўғри келадиган соғлом муҳокамалик жавоб керак», – дедим. Домла мийиғларида бир кулиб: «Хужжатни мана биз топиб берамиз-да, фақат мен ҳозиргиларни ақидасини билмайман, сиз ўша ўзингиз ўқиган, сизга ишонарли бўлган китобларингиздан бир-иккисини эртага Мўмин қори билан бирга олиб келинг, менга ўқиб берасиз, мен ҳам бу янги ақидага тушуниб олиб, сизни маслаҳатингизни қиламан», – дедилар. Шу билан биз қайтдик.

Мўмин қори жуда ҳам хурсанд эди, гоҳо: «Аmmo жуда соз бўлди-да», – деб кўяр эди. Мен: «Бу домланг кўрку, ҳали у ҳам эртага манга бир эртақ айтиб беради, кунингни ўзинг кўрасан», – дедим.

Эртасига Энгельсни «Дин ва оила» деган асарини, Ленинни «Дин халқ учун афюндир» деган брошюрасини, яна бир-икки китобларни – ҳаммаси русча, олиб Мўмин қори билан келдик.

Домла: «Қани, китобларингизни ҳар қайсидан бир варақ ё бирор бет ўқинг-чи», – дедилар. Мен ўзим танлаган жойлардан униси-бунисидан ҳаммаси бўлиб уч варақча ўқидим. Ўқишда ўзбекча ўқидим. Домла китобингиз туркийми, дедилар. Мен: «Йўқ тақсир, ўрисча, ман устидан таржима қилиб ўқиётирман, рус тили ўзбекчага терс тушади», – дедим.

Домла: «Ўрисчани ҳам овозингизни чиқариб ўқинг, ман ҳам ўрисчани биламан, «чалавек» дегани одам дегани» – дедилар. (Домла фақат шу битта сўзни билар эканлар, холос.) Мен овозимни чиқариб русча ўқиб таржима қилиб, яна икки варақ ўқидим. Домла: «Оббо мулло Абдулазиз-ей, ўрисчани шунақа биласизми, кўзини юмиб турган одамга худди ўрис гапираётганга ўхшайди-я», – деб завқландилар. Биз кулиб юбордик. Мен ҳам ҳазил билан: «Тақсир, ўрисчани қоронғуда ҳам гапиравераман, ўрисларни ўзлари ҳам

менчалик билмайди, яна ўқийми?» – дедим. Домла: «Бўлди тушундим, булар ҳаммаси иқтисодчи экан, буларни ҳамма химмати иқтисодга қаратилган бўлади», – дедилар.

Мен анграйиб қолдим. Чунки, мен ўша вақтда бор бўлган Лениннинг деярли барча асарларини ўқиб чиққанман. Марксни «Капитал»ини уч бор ўқидим, Гегелни асарларини ўқидим, бир фикрга келолмадим. Домла эса ҳаммаси бўлиб беш варақ, умрида эшитмаган, ўқимаган, билмаган бир мураккаб, неча қават пардага ўралган маслакни ҳамма қобиғини очиб ташлаб, яхлит ўзини намоён қилди-қўйди. Домлани бу берган баҳоси мени кўз ўнгимда йилдан-йилга тасдиқланиб, мана энди бутун дунёга аён бўлди.

Домла менга: «Сиз ақоид ўқийсиз, Мўмин қори, токчани қаранг, «Матни ақоид» бор эди», – дедилар. Мўмин қори топиб келтирди. Бу китоб ҳаммаси бўлиб асосий қисми олти варақ, қолгани ўн варақ, жами ўн олти варақ китоб экан. Ҳажми ўрғача, расми китобдек. Арабча экан, мен арабчани зер-забари бўлмаса ўқий олмаслигимни айтдим. Домла: «Сиз китобга қараб туринг, Мўмин қори ўқийди, сиз ёдга олинг», – дедилар.

Мўмин қори «Бисмиллоҳ» айтиб бир жумлани ўқиди: «Қола аҳлул ҳаққи ҳақойиқул ашъи собитатун, вал илму биҳа мутаҳаққиқун, хилофан лиссуфастоййяти».

Таржимаси: «Аҳли ҳақ дейдилар: Ашъларнинг ҳақиқати собит. Буни ҳақиқатини очиб беришга бизнинг илмимиз етарли. Сўфастоййя қовмига қарши». Мен ҳаммаси бўлиб ақоиддан шу жумлани ўқидим, холос. Шу бир жумлага домла менга ҳар куни икки соатдан баён бердилар. Ҳаммаси бўлиб шу бир жумланинг маъноси бир ҳафтада тугалланди.

Сўфастоййянинг маъноси, луғатда айтилишича, ҳукамодан бир қавмким, ҳақиқатни инкор қиладилар. Улар уч қисмга бўлинадилар, «Инодийя», «Индийя», «Лоадрия». Инодийя ҳақиқатини билиб туриб инкор қиладилар. Ашъ ҳақиқатига унамайдилар. Индийя, ашъ ҳақиқати бизнинг фикримизга боғлиқ, бор десак бор, йўқ десак, йўқ дейдилар. Лоадрия эса исбот ҳам қилмайди, инкор ҳам қилмайди. Улар олам – хаёл, бизга шунақа кўринади, дейдилар. Етмиш икки фирқа, шуларни ичида даҳрия ҳам шу уч асосий тоифага кирар экан.

Домла буларнинг ҳаммасини баёнлаб бердилар. Бунинг

ичида Юнон – қадим Греция файласуфларининг асослари-ю Афлотун, Арасту, Сукрот ва бошқа файласуфларнинг назарияларини ҳам, насоро, яхуд ва бошқа динларнинг асосларини ҳам баёнлаб ўтдилар.

Мен уламони қандайлигини шунда билдим – бир туби йўқ денгиз. Бу орада менинг муддатим ўтиб кетди. Мен Домлага «Тақсир мени ишим битти, энди мен чин мусулмон бўлдим, буёғида шу ақидамни мустаҳкамлаш мени биринчи вазифам», – дедим. Домла дуо қилдилар, шу дуо баракоти билан тузалдим, мулло бўлдим.

Горкомга кирдим. «Жаҳонгир ака, ахтарган нарсамни топдим, сизга хабар қилгани келдим, мен чин мусулмон бўлдим», – дедим. Анграйиб менга қараб: «Нима қилдинг?» – деди. Мен: «Холмуҳаммад қори домлада «Ақоид» ўқидим», – дедим. Секретарь: «У кўрда ўқиган бўлсанг, одам бўлмайсан, боравер», – деди.

Шу билан мен «одам» бўлмай ўзимни қадрдонларим билан «хулиган»лигимда қолдим. Лекин энди мени мустаҳкам ва баракали илдим бор эди.

Мана шундай улуг зот мени ҳақимга дуо қилдилар, шу домлани дуоларининг ҳосили, ман ўқимасдан мулло бўлдим, ҳар нимани ҳақиқати менга маълум бўлди. Кўп нарсалар менга кашф бўлдиким, буни илм билан топиб бўлмайди.

Энди минг-минг афсусланаманки, нима учун ўшанда ўқишни давом эттирмадим, бир жумла билан қаноатландим. Агар ўша домлада ҳеч йўқ бир-икки йил ўқиганимда, олим мужтаҳид бўлар эканман...⁵⁷²

Кийим ва либослари

Ушбу боб сўнгида Хонақоҳий Ҳазратнинг кийим ва либослари ҳақида бир оз тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълумотларга кўра, Ҳазрат Домланинг кийим ва либослари қадимдан тариқат арбобларининг анъаналарига мувофиқ бўлган. Яъни, кўк-яшил матодан тикилган.

Бунинг сабабини Ҳусайн Воиз Кошифийнинг қуйидаги фикрларидан англаймиз: «Агар яшил ранг кимники, деб сўрасалар, айтгилки, бу рангдаги хирқани олий ҳимматлилар ва кўнгли ҳамиша тирик одамлар киядилар. Агар зангори

⁵⁷² Фолиб Марғилоний. «Насаб»... 420-б.

кийим кимларга ярашади, деб сўрасалар, жавоб бергилки, зангори ранг осмон рангидир ва у сулукда тараққий этган, ҳолати баркамол одамларга ярашади. У ҳамма ожизларга соя солиб, кеча-кундуз яхшилик қилишдан тинмаслиги, чарчамаслиги лозим».⁵⁷³

Шу ўринда Марғилонда мавжуд бўлган хунармандчилик маҳсулотлари, хусусан, бу ерда ишлаб чиқарилган мато ва газламалар ҳақида келтирилган тарихий маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда айни рангдаги кўплаб «чопонлик газламалар» ишлаб чиқарилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, 1813–1814 йилларда Марғилонда бўлган Ф.Назаров, «...шаҳарда турли фабрикалар бор, уларда форс парчалари, бахмаллар ва турли Осие газмоллари тайёрлайдилар. Уларни Бухоро ва Қашқарга сотадилар»⁵⁷⁴ – деб ёзган бўлса, XIX асрнинг ўрталарида В.В. Вельяминов-Зернов, Қўқон хонлиги бозорларида Марғилон ва Хўжандда тайёрланган ипак матолар, оқ ва яшил рангли чопонлик газламалар машхур ҳисобланади⁵⁷⁵, – дея қайд этган.

Айтишларича, Ҳазрат Домла кўп вақт битта тўн билан кифояланиб, қишда унга астар қадаб ёзда эса шундай ўзини кияр эканлар. Доимо салла кийиб юришлари ўша давр кишилари учун одат бўлишидан ташқари, улуғ суннат саналган. Дарвоқе, Ҳазрат Домла кейинчалик, шогирдларидан Абдулғофур охунд Тошмуҳаммад аълам ўғли (1882–1981) га ўзлари алоҳида салла ўраб берган эдилар. Айтишларича, уни бир йилда икки марта ҳайит кунларигина кийиб, олтмиш саккиз йил сақлаб келган бу зот вафоти олдидан унинг ярмини кафанликка қўшиб ўрашларини васият қиладилар. Бундан шогирднинг устозга нисбатан эҳтироми англашилади.

Муҳаммад Мунир Самнудий мурид одобларини баён қилганида, агар устоз шогирдга бирор нарса берса, имкон қадар уни асраб-авайлаши керак, деб уқтирган эдилар.⁵⁷⁶

Ҳазрат Домланинг кулоҳлари оддий пахта ва матодан тикилган кулоҳ бўлган. Чунки ўша даврнинг кулоҳлари шу хилда бўлиши ҳақида Исҳоқхон тўра Ибрат шундай маълум-

⁵⁷³ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний... 44-б.

⁵⁷⁴ Назаров Ф. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. – Москва, 1968 – с.49.

⁵⁷⁵ Вельяминов-Зернов В.В. Торговое значение Кокандского ханства для русских. ИРГО. – СПб., 1854. – С.48.

⁵⁷⁶ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин» ... 61-б.

мот келтиради: «Ул вақтнинг либослари бошда қалин пахталик тўффи, бўз кўйлак, қўлда тўқулган тўнлари. Шул бўзни кўк, қарога мойил пахталик бир қабат эди, оёғ кийими – ёрғоқдан қилган, қафиш-маҳси эса йўқ эди».⁵⁷⁷

Кулоҳ кийиш ва унинг турлари ҳақида Кошифий шундай дейди: «Билгилким, ҳозирги замонда қарийб ҳамма дарвешлар ва тариқат аҳлининг кулоҳлари кигиздан бўлиб, уни мавлавий кулоҳи дейдилар. Агар кигиз кулоҳ кимдан қолган, деб сўрасалар, ҳазрат Жалолиддин мавлавий Румийдан деб айт. Ул киши шундай тож кийиб юришни одат қилдирганлар. Агар бундай кулоҳни кимлар кийиши керак, деб сўрасалар, дегилки, ишқ байроғини мардлик узра кўтарган ва фарзоналикда сарбаланд бўлганлар шундай кулоҳга муносибдирлар».⁵⁷⁸

Шу ўринда ҳозиргача сақланиб қолган Ҳазрат Домлага алоқадор баъзи буюм ва ашёлар ҳақида. Ҳозирда Ҳазрат Домланинг кулоҳлари, жойнамоzlари, таҳорат олишда ишлатган обдасталари, Нуриддин маҳдум мерослари орасидан топилган қаламдонлар сақланиб қолган. Бундан ташқари, пирлари Муҳаммад Обид (қ.с.) томонидан берилган у зот ўзлари кийган чакмон, Эшон Абдурахмон (қ.с.) (Сармозор) ҳазратнинг кулоқчинлари, кўйлақларининг бир қисми, Муҳаммаджон авлиёнинг хос қозони, Ҳожи Каримжон домланинг хирқа ва кўйлақлари ва бошқа нарсалар сақланиб қолган. Ҳазрат Домла кулоҳларини шогирдларидан Миряхё қорига берганлар. Ҳозирда у ворислар қўлида. Кулоҳ билан бирга берилган ўзлари намоз ўқиган жойнамоz ҳам табаррук ашё сифатида асраб келинмоқда. Мулла Идрисга берилган обдаста эса бизнинг қўлимизда. Зикр қилинган бошқа ашёлар ҳам уларга тегишли ворислар қўлида сақланмоқда.

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг фарзанд ва набиралари

Ушбу ўринда биз Ҳазрат Домланинг оилавий аҳволлари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Аслида бу ҳақдаги маълумотлар муҳим кўринмагани учун тўхталмаган эдик. Китобнинг қоралама нусхаси билан танишган баъзи азизлар бу ҳақда қизиққанлари учун бунга журъат қилдик.

Маълумотларда Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг қайно-

⁵⁷⁷ Исҳоқхон тўра Ибрат...186-б.

⁵⁷⁸ Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний... 46-б.

талари аравонлик Худоёр Амин исмли киши бўлгани айтилган. Мадраса мударриси бўлган Аминнинг уч қизи бўлиб, улардан бири (Моҳтоб ойим)ни аравонлик Мансуркул мингбошига, иккинчисини (Хоним биби)ни эса ўша ерлик Мадоким (Муҳаммад Ҳаким) аминга, учинчиси (Рисолат отин)ни эса Ҳазрат Домлага никоҳлаб берган.

Ҳазрат Домланинг учта қиз фарзандлари бўлиб, улардан Саломатхон исмли қизларини олтиариқлик шогирдлари Ҳидоятхон эшонга, Нурина исмли қизларини Муҳаммадамин охундга, учинчисини эса Миряхё қори домлага никоҳлаб берганлар. Кейинчалик Ҳидоятхон эшонга узатган қизлари маълум сабабларга кўра опаси вафотидан кейин Миряхё қори домла никоҳларига ўтганлар.

Саломатхондан Камолхон исмли бир ўғил дунёга келади. Баъзи маълумотларда Кароматхон исмли қиз туғилгани ҳам айтилган. Камолхон Ҳазрат вафотидан кейин у зот яшаган ҳовлида катта она – Ҳазратнинг аёли Рисолат отин билан бирга истиқомат қилганлар. Мазкур ҳовли ҳозирда Марғилон шаҳар Ўрда таги маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Бачқир маҳалла, Тошкент кўчасида жойлашган 101 хонадондир.

Рисолат отин 1947 йилдан кейин вафот этганлар. Отин ҳаётлик пайтида ҳам бу табаррук ҳовли обод бўлган. Шу ерлик кекса ёшли аёлларнинг хабар беришларига кўра, бу ерга ўз даврида кўплаб аёллар келиб, отин ойи суҳбатларидан баҳраманд бўлиб кетишган. Маҳалла қиз-жувонлари меҳмонларга хизмат қилиб туришган. Маълум бўлмоқдаки, отин ойи Ҳазрат вафотларидан кейин ҳам бу ердаги маънавий ободликни «ушлаб» туришга эришганлар. Набира ҳамроҳлигида бир неча марта Аравонга қариндошлари зиёратига ҳам борганларини Камолхон ота яхши эслайди. Ҳатто набираси тақдирига бепарво бўлмаган мазкура аёл вафоти олдидан унга бермоқчи бўлган баъзи ашёларни унинг ёшлигини эътиборга олиб, катта бўлганида топшириш шарти билан қўшни аёлларга қолдириб кетганидан ҳам билса бўлади.

Камолхон 1986 йилда вафот этган. Маълум сабабларга кўра уларнинг оиласи шаҳарнинг Кўкмозор даҳасига кўчиб кетганлар. Ҳозирда Ҳазрат Домланинг учинчи авлод вакиллари Марғилоннинг Шолдирама маҳалла Соҳибқирон кўча 7-хонадонда истиқомат қилишади. Бу ерда Камолхон ота-

нинг аёли Анорхон ая фарзандларини ўтган боболарига муносиб ворис бўлиш руҳида тарбиялаб келмоқда.

Миряхё қори домлага тушган қизларидан эса Мастура-хон исмли бир қиз дунёга келиб, барвақт вафот этган. Бу қиздан кейин эса икки ўғил фарзанд дунёга келади. Улардан бири ўн ёшига етганида Куръони каримни тўлиқ ёд олади. Лекин бахтсиз фалокат туфайли вафот этади. Айтишларича, у «қараб тўймайдиган» даражада беғубор гўдак бўлган экан. Кейинроқ укаси ҳам балоғат ёшига етмай вафот топган.

Муҳаммад Амин охундга узатган қизлари Нуринсадан эса Аҳадхон исмли ўғил туғилади. Улар Марғилон шаҳар Мустақиллик кўча 404-хонадонда истиқомат қилишган. Ҳозирда мазкур ҳовлида фарзанд ва набиралари истиқомат қилишади. Нуринса 1975 йилда 63 ёшда вафот этган. Демак, Ҳазрат Домланинг набиралари Камолхон ва Нуринсалардан икки қиз, бир ўғилдан фарзандлар туғилган бўлса, Саломатхон қизларидан эса икки ўғил бир қиз дунёга келиб, ҳаммаси бўлиб тўққиз нафар авлодлар бўлган.

Ҳазратнинг Саломатхон исмли қизлари ҳақида билган кишилар: «Бу қиз куёш юзини кўрмаган», яъни кўчага бемақсад чиқмаган, дея таърифлайдилар. Бундан унинг юксак ҳаё ва ибоси соҳибаси экани англашилади. Ҳаё ва ибосига яраша юксак тақвоси ҳам бўлган мазкура аёл ҳатто ўз вафоти хабарини ҳам олдиндан башорат бера олган. 25 ёшида вафот этган. Энг қизиги, унинг вафотидан кейин у дафн қилинган қабристон мактаб (ҳозирги Марғилон шаҳар 12-сонли ўрта мактаб) қурилиши муносабати билан текислаб юборилганида жасадининг чиримаган ҳолда чиққани эди. Аслида у вафоти олдидан ўзини Сармозор қабристонига оталари Ҳазрат Домла ёнига дафн қилишларини истаган бўлса-да, сабабларга кўра бошқа қабристонга олиб боришган эди.⁵⁷⁹

Шогирдларидан мулла Зиёвуддин охунднинг айтишича, мазкура қиз вафот этганида ёз кунлари бўлиб, ҳаво жуда иссиқ бўлган. Жанозага йиғилганлар бир кароматнинг гувоҳи бўлишади. Маййитни қабрга олиб боргунларича, устига майдалаб ёмғир ёғиб туради. Қизиги шундаки, ёмғирга маййитдан бошқа ҳеч ким шерик бўлмаган эди.⁵⁸⁰

⁵⁷⁹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Кўк мазор. 2013.

⁵⁸⁰ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хонқиз. 2011.

Абдулваҳҳоб аш-Шаъроний «Танбеҳ ул-муғтаррин»да Ҳарам ибн Ҳиббон вафот этганида ҳам шундай воқеа бўлганини келтирган эди. «Ҳасан Басрий айтадилар: «Ҳарам ибн Ҳиббон вафот этганида бир булут пайдо бўлиб, унинг тобути устига соя солиб турди. Уни туфроққа кўмганимизда эса устидан ёмғир куйди ва туфроғи хўл бўлгунича ёғиб турди, лекин ён-атрофига бирор томчи ҳам ёғмади».⁵⁸¹

Машҳур фақиҳ, олим, Абу Мадян Шуайб Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Имрон ал-Аёший ал-Яманийнинг жанозасини масжидга олиб кетаётганларида муаззин азон айтиб қолади. Шунда унинг тобути бирдан оғирлашиб, кўтариб бўлмайдиган даражага келди. Ночор уни ерга кўядилар. Азондан кейин аслига қайтади. Бундан ажабланган кишиларга асҳоблари шундай дейишади: «Фақиҳ жаноблари ҳаётлик чоғида қачон муаззин нидосини эшитса, юришини тўхтатиб, тинглар ва унга жавоб берар, кейин эса юрар эди. Бу вафотидан кейин ҳам шундай бўлди дейишади. Шаржийнинг айтишича, аллома 607 ҳижрий санада ҳам ҳаёт бўлиб, вафоти қачон экани номаълум».⁵⁸²

⁵⁸¹ Имом Шаъроний. Танбеҳ ул-муғтаррин... 258-б.

⁵⁸² Юсуф Набҳоний. Жомеъу каромот ал-авлиё. Байрут, 2005. 159-б.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ ХОНАҚОҲЛАРИ

Маълумки, хонақоҳ тариқат шайхлари маънавий-руҳий суҳбатлар ўтказадиган муборак маскан саналган. Исломот таълимотининг ажралмас қисми саналган тасаввуфнинг бу каби мактаблари ўрта асрлардан бошлаб, Марказий Осиё минтақаси ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб қилганини таъкидлаш ўринли. Маълумки, тарихнинг маълум бир даврларида тасаввуфнинг Қодирийя, Ишқийя, Рифоъийя, Шозилийя, Маломатийя, Сухравардийя, Яссавийя, Кубравийя, Нақшбандийя каби бир неча йўналишлари вужудга келиб, улар муайян минтақаларда катта ижтимоий-маънавий нуфузга эга бўлган. Марказий Осиёга тасаввуф таълимотининг кириб келиши мутасаввиф аллома Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1141) номи билан боғлиқ. У зот барпо этган мактабда таълим олган Аҳмад Яссавий ва Абдуҳолик Ғиждувонийлар минтақада тасаввуф тараққиётининг кейинги босқичларида муҳим ўрин тутдилар ва икки мустақил тариқат: Яссавийя ва Хожагон-Нақшбандийя (кейинчалик Нақшбандийя-Мужаддийя) тариқатларига пойдевор қўйганлар. Бундан ташқари, Хоразмда «валийтарош» унвони билан машҳур бўлган Нажмиддин Кубро (1145–1221) мустақил равишда Кубравийя тариқатига асос солдилар.

Хожагон тариқати XIV асрга келиб Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) томонларидан янада такомиллаштирилди. Бу эса Марказий Осиёда мўғуллар ҳукмронлигидан кейинги даврда диний-маънавий ҳаётнинг янги йўналишда шаклланишига асос бўлди.

Хожа Муҳаммад Форсо (1345–1420), Хожа Аҳрор Валий (1404–1490), Абдурахмон Жомий (1414–1492), Алишер Навоий (1441–1501) каби йирик алломаларнинг фаолияти эса Хожагон-Нақшбандийя тариқатининг кейинги вакилларининг диний-сиёсий фаолиятларига ижобий таъсир кўрсатди. Кейинчалик Марказий Осиёда марказлашган давлатнинг парчаланиши ва бирин-кетин хонликларнинг ташкил топиши (XVII–XVIII асрлар) ушбу ҳудудда тарқалган тариқатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Минтақада тасаввуфнинг тариқат сифатида шаклланиши билан бирга аста-секин тариқатларга хос баъзи моддий унсурлар юзага келган. Тариқат аҳли йиғиладиган хонақоҳ ва зовиялар шулар жумласидандир. Соҳа мутахассисларининг маълумотларига кўра, хонақоҳлар илк бор IX–X асрларда расман ташкил этилганини айтилган.⁵⁸³

Қадимдан тариқат соликлари маънавий камолот йўлидаги руҳий тарбия ва зарурий сабоқларни ўз шайхларидан айнан, шундай масканларда олганлар. Улар баъзан работ, зовия, хонақоҳ, даргоҳ каби номлар билан аталган. Баъзан бу жойлар ўша тариқатнинг номи билан бирга тилга олинади: мавлавийхона, қаландархона ва ҳоказо. Бир тариқатнинг барча масканлари ўша тариқат шайхи жойлашган хонақоҳга қарашли бўлади. Бу жой «пир уйи» ҳам дейилади. Кичикроғи зовия деб аталган. Хонақоҳ ва зовиялар жамиятда тез тарқалиб, нафақат тариқат аҳлига, балки оддий халққа ҳам таълим-тарбия, маданият ва иршод хизматини кўрсатадиган ҳар томонлама фаол бир муассасага айланган.⁵⁸⁴

Мовароуннахрнинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлгани каби, бундай хонақоҳлар Марғилонда ҳам бўлган. Уларда кўплаб маърифат соҳиблари – тариқат арбоблари, тасаввуф шайхлари самарали хизмат қилиб келганлар. Ҳозиргача Марғилон ва унинг атрофидаги ҳудудларда сақланиб қолган ва кишилар томонидан муқаддас зиёратгоҳ сифатида эъзозлаб келинаётган мазорларнинг кўпи ана шундай тариқат шайхлари ва уларнинг қадамжолари билан боғлиқ.⁵⁸⁵

Марғилонда шаклланган ва мавжуд бўлган хонақоҳларнинг энг машҳури ва давримизгача сақланиб қолгани, бу Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг хонақоҳларидир. Хўш бу муборақ маскан қачон қурилган ва унга ким асос солган?

Маълумотларга кўра унинг дастлабки биноси бундан 450 йиллар муқаддам бино қилинган. Унга машҳур мутасаввиф, нақшбандия тариқатининг пири муршиди Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий (1404–1490.) (қ.с.) нинг муридларидан машҳур тариқат пири мавлоно Муҳаммад До-

⁵⁸³ Комилов Н. Тасаввуф. Т.: 1996. 12-б.

⁵⁸⁴ Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. 98 – 99-б.

⁵⁸⁵ Абдулахатов Н, Эшонбобоев Ў. Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари... 32-б.

вуд Самарқандий асос солганлар. У зот асли самарқандлик бўлиб, ўша даврда пайдо бўлган баъзи воқеалар сабаб, Самарқанддан чиқиб кетадилар ва тўғри Марғилонга келадилар.

У зотнинг лақаблари «Гург» – (форсий – «бўри», кўчма маънода кўркмас, шижоатли) бўлиб, оталари Хожа Ахрор Валийнинг яқин биродари бўлган. Муҳаммад Довуд Самарқандий бу ерга келган пайтда шаҳарнинг маркази ҳозирги Бурҳониддин Марғинович номли кўчанинг шимол томонида бўлган. Масжид ўрни эса оқ тераклар билан ўралган қамишзор бўлган.

У зот бу ерга келиб ўрнашгач, секин-аста обод қилиб, хонақоҳ ва масжид бино қилганлар ва шу ерда муқим бўлиб истиқомат қилганлар ва кўплаб муридлар тарбиялаганлар. Вафот этганларида қабрлари масжид ёнидаги қадимий қабристонга бино қилинган. Масжидни кенгайтириш мақсадида қабристон текисланганда, у зот қабри ҳам бузилиб кетган. Лекин, баъзи ғайбий ишоратлар такрорлангач, қабр ўрни рамзий тарзда ихота қилиб ўраб қўйилган. Кейинчалик, унинг устига қадимий қабртоши ўрнатилган. Айтишларича, яқин-яқингача Муҳаммад Довуд Самарқандий қабри устига қурилган гумбаз мавжуд бўлиб, тез-тез унинг ичидан тўп овозига ўхшаш овоз эшитилиб турган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Муҳаммад Муфти Оҳангароний (XVI аср) ўзининг «Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб» номли китобида келтирган маълумотларга кўра, Марғилон шаҳрида Носириддин Убайдуллоҳ Хожа Ахрор Валийнинг муриди Шоҳ Ҳусайн Чорқуҳий турмуш кечирганлар. Ул зот Марғилон ийдгоҳида ваъзу насихат айтиб, кишиларни диёнатга чорлаш билан машғул бўлганлиги борасида «Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиб»да шундай нақл қилинади:

«Мавлоно Лутфуллоҳ айтдилар: Ийд, яъни, ҳайит пайти Мавлоно Шоҳ Ҳусайн ийдгоҳда ваъзу насихат қилиб минбардан тушаётганларида бир киши келиб, Мавлоно Шоҳ Ҳусайнга ўз арзи ҳолини айтди. Ул ғарибнинг ўғил фарзанди бўлиб, уни Марғилон ҳокими хусуматдан ҳибс қилган экан. Ул фақир Мавлоно Шоҳ Ҳусайнга арз баён қилганида шаҳар ҳокими ҳам ул жамоатда экан. Шунда Мавлоно Шоҳ Ҳусайн ҳокимга қараб: «Бу ғарибнинг фарзандидан бўлак хусумат

бирла ҳибсга олгудек одам йўқми?» деб газабли назарларини ҳокимга қаратдилар. Ҳоким ўрnidан туриб, баъзи ақобирлари билан Мавлоно Шоҳ Ҳусайнга арзи ҳол қилиб, ул фарзандини озод этиб қўлига топширди...

Мавлоно Шоҳ Ҳусайн Ҳазрат Хожгага зоҳиран байъат қилмаган бўлсалар-да, аммо маънида тарбияларини олган эдилар. Мавлоно Шоҳ Ҳусайн айтадилар: «Марғинонга ташириф қилдик. Ул зот истиқболларига чиқдик. Йўлда Марғинонга қарашли шаҳар боғистони бўлиб, бу ерда Ҳазрати Хожга Аҳрори Валий мулозимлари билан бирга эканлар. Мен Хожга Аҳрори Валийга байъат қилиш ниятида эдим, лекин бу ниятимни изҳор қилгунча бўлмай ул зот Боғистон маконидан жўнаб кетдилар. Мен кўз ёшим билан орқаларидан юрдим, вужудимда бир қабзи азим ҳосил бўлиб, робитамни ул зотдан уза олмадим. Махфий қолмасинким, олам фозили ва восили Мавлоно Шоҳ Ҳусайннинг вафоти 935/ 1528–29-санададир»⁵⁸⁶.

Ушбу маълумотни келтиришдан эҳтимол, Хонақоҳ масжидининг барпо этилиши Мавлоно Шоҳ Ҳусайн номи билан боғлиқдир. Зеро, у зотнинг Марғилон шаҳридаги диний фаолияти жуда қизгин кечганлигини «Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби»да келтириб ўтилган қатор мисоллардан кўриш мумкин.

Хонақоҳ масжидининг ҳозирги биноси эса маълумотларга кўра, 1790 йилда қурилган.⁵⁸⁷ Қурилиш ишига аввал айтганимиздек, ҳазрат Абдурахим эшон Сармозор бош бўлганлар.

Бу ерда бир нарсага изох бериб ўтиш жоиз. Эътибор берилган бўлса, китоб давомида учта бино хонақоҳ номи остида тилга олиб келинмоқда; масжид, мадраса ва хонақоҳ. Бу ўз-ўзидан уларни англаб олишда бир оз мушкуллик туғдиради. Буни олдини олиш учун биз ушбу бобда масжидни зикр қилганимизда «хонақоҳ масжиди», мадрасани «хонақоҳ мадрасаси» ва Ҳазрат Домлани муридлар билан суҳбат ўтказадиган бинони эса «хонақоҳ» ёки «хонақоҳ биноси» тарзида келтирдик.

⁵⁸⁶ Муҳаммад Муфти Оҳангароний. Мавлоно Лутфуллоҳ маноқиби //Форс тилдан Абдуллоҳўжа Маъруфхўжа ўғли ва Шухрат Сирожиддинов таржима қилган. Т., 2002. 30–31-б.

⁵⁸⁷ Н.Абдулаҳатов, Ў. Эшонбобоев. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари... 27-б.

Бу муборак маскан – хонақоҳ ҳақида бизгача келган маълумотлар шунчалик кўпки, улардан мазкур масканнинг мақомини билиб олишимиз мумкин. Уларда жумладан, «маъбади кироми», – «бузруклар ибодатхонаси», «бўстони зуҳду тақво» – «зуҳду тақво бўстони», «маҳбати файзи илоҳий» – «илоҳий файзлар кони», «манзили аҳли яқин» – «аҳли яқинлар манзили», «манбаи фаҳму фатонат» – «фаҳму фатонат манбаи», «максаби хулқу адаб» – «хулқу одоб ҳосил қиладиган жой», «дарёи ҳолу қол» – «илму ҳол ва қол дарёси», «маҳзани дурри саъодат» – «саодат дурларининг хазинаси», «машъали нури ҳидоят» – «ҳидоят нурининг машъали» каби сифатлар билан таърифланган.

Бу масканда Ҳазрат Домлагача ҳам бир неча буюк зотлар истиқомат қилгани аввалроқ айтилди. Чунончи, у зотнинг устози ва шайхи мавлоно Абдул Карим (қ.с.) (ваф. 1883), у зотдан аввал у кишининг шайхи Катта Ҳазрат (қ.с.) (ваф. 1857), у зотдан аввал эса Эшон Абдурахим (қ.с.) (ваф. тах. 1807–10) лар истиқомат қилиб, фаолият олиб борганлар.

Хонақоҳнинг ҳозирги биноси ҳижрий 1333, милодий 1914 йилда Ҳазрат Домла бошчиликларида бино қилинган. Унинг аввалги биноси Катта Ҳазрат даврида бўлгани айтилган.

Ҳазрат Домла бошчилигидаги янги бинонинг қурилиши ўша давр Марғилон ижтимоий-маданий ҳаётида катта воқеа бўлади. Мазкур қурилишни Туркистон Чор Россияси томонидан мустамлака қилинган даврда бўлганини инobatга олсак, бу Ҳазрат Домладан содир бўлган катта шижоат ва журъат сифатида диққатга сазовор. Бошқа бир томондан бу ўтмишда ўтган тариқат шайхлари анъанасини давом эттириш бўлган. Марказий Осиё халқлари тарихидан маълумки, мактаб ва мадрасалар, шунингдек, масжид ва хонақоҳлар қурилишида давлатманд кишилар қаторида дин пешволари – уламолар, тариқат шайхларининг ҳам ўз ўрни бўлган. Хожа Ахрор Валий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг бу соҳадаги ишлари бунга яққол мисол.

Шу ўринда яна бир нарсага ойдинлик киритиб кетиш зарур. У ҳам бўлса маҳаллий халқ орасида хонақоҳнинг мазкур йилдаги қурилиши Хонақоҳий Ҳазрат Домла Аравонга таътилга кетган пайтларида муридлари томонидан қурилгани айтилиб, бунга Ҳазратнинг норози бўлганлари, хатто бино-

нинг келажаги ҳақида баъзи нохуш сўзларни ҳам айтганлари келтирилади. Лекин бу ўз исботини топмади.

Биринчидан, барча нарсани устоз розилиги билан қиладиган Ҳазратнинг шогирд ва муридлари бутун бошли бинони у зотдан берухсат бузиб, ўзбошимчалик билан бошқа қуришлари тасаввурга сиғмайди.

Иккинчидан, ўзларигача не-не буюк зотлар истиқомат қилиб, фаолият олиб борган маскан ҳақида Ҳазратнинг сўз айтишлари ҳам мумкин эмас. Биз изланишлар давомида мазкур фикрни тасдиқлайдиган бирор манбани учратмадик. Аксинча, мазкур қурилиш Ҳазрат Домланинг бошчилигида қуриб битқазилганини тасдиқловчи ўнлаб ёзма маълумотлар қўлимизда сақланмоқда.

Бироқ юқоридаги фикрнинг пайдо бўлишига барча тариқат шайхлари қатори Ҳазрат Домла ҳам муридларини дунё муҳаббатидан огоҳлантириб келганлари сабаб бўлган бўлса керак. Ёхуд, буни ўша даврда қурилган бирор иморат ҳақида айтган бўлишлари ёки, умуман, бу борадаги тавсиялари халқ орасида бошқача талқин қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Хонақоҳ ва Жаҳон отин Увайсий

Маълумки, Хонақоҳда бўлаётган илмий жараён Марғилоннинг барча зиёли ва маърифатли кишиларнинг диққат эътиборида бўлганидек, Жаҳон отин Увайсийнинг ҳам эътиборини тортган. Шоиранинг Хонақоҳ ва у ердаги маърифат аҳлига ғойибона эҳтироми бўлгани ва у ернинг ободлигига ҳисса қўшишга ҳаракат қилгани ҳақида талай нақллар етиб келган. Ўз ўрнида Хонақоҳ аҳли ҳам унга ижобий муносабатда бўлишган.

Шоиранинг асл исми Жаҳон отин бўлиб, у 1779 йилда Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида маърифатли оилада дунёга келган. Отаси Сиддиқ исмли киши бўлиб, икки тилда шеърлар ёзган. Онаси Чиннибиби эса мактабдорлик билан шуғулланган. Хат-саводини ўз оиласида чиқарган Жаҳон отин аввал онасининг мактабида халфалик қилган. Кейинчалик, ўзи ҳам мактабдорлик билан шуғулланиб, «Жаҳон отин» номини олган. «Увайсий», «Вайсий» тахаллуסי билан ижод қилган.

Баъзи маълумотларга кўра, Увайсий амир Умархон ҳукмронлиги даврида Қўқонга келиб, саройдаги мушоираларда иштирок этган. 1842 йили Бухоро амири Насрулло томонидан Қўқон босиб олингач, Увайсий Марғилонга қайтиб кетган ва умрининг охиригача ижод билан шуғулланиб, 1845 йилда, тахминан 65 ёшида вафот этган.

Айтишларича, Хонақоҳ биноси Катта ҳазрат бошчилигида қурилаётган пайт усталарни рози қилиш чоғида шундай воқеа бўлади. Увайсий катта саватнинг ичига бир қанча олтин тангаларни солиб, устини янги пишган оқ ўрик билан тўлдириб, талабаларнинг бирига беради ва уни Хонақоҳга олиб бориб, Катта ҳазрат қўлига топширишини тайинлайди. Тухфа етиб келгач, Ҳазрат усталар ва бу ерда йиғилганлар ўрикни бирга баҳам кўрадилар. Сават остидан эса олтин тангалар чиқади. Санаб кўришса, у усталарнинг хизматига берилиши керак бўлган ҳақ миқдорича экан.

Ҳазрат бундан хурсанд бўлиб кетадилар ва уни Уста Абдураззоқ бошлиқ усталарга тақсим қилиб, рози қиладилар. Келтирилган воқеадан маълум бўлмоқдаки, Увайсий нафақат шоира, балки валоят соҳибаси ҳам бўлган.

Айтиш ўринлики, Увайсий ғазаллари Хонақоҳ аҳли ўртасида ҳам севиб мутолаа қилинган. Қўлимизда марғилонлик шоир Фидоийнинг Увайсий вафотидан кейин унга бағишлаб ёзган шеъри сақланади.

Дарвоқе, Хонақоҳ аҳли нафақат Увайсийга, балки унинг шогирди Нодирабегимга ҳам илиқ муносабатда бўлганини эслатиш жоиз. Ҳатто унинг баъзи ғазалларига мухаммаслар боғлаганлар. Айниқса, унинг «Мақсад на эди жаҳона келдинг», дея бошланадиган ғазали ўша даврда қалам тебратган бирорта шоир назаридан четда қолмаган. Уларнинг ҳар бири ғазалга тахмис қилганлар. Ҳазрат Домла ҳам мазкур ғазалга мухаммас боғлаган ва шогирдларини ҳам бунга таклиф қилган эдилар.

Марғилоннинг машҳур шоирлари Рожий, Толийлар қаторида Хонақоҳ мадрасаси талабаларидан Бекий, Моний, Гурбатий, Қорий, Ғолиб, Асий Водилий, Баҳрийлар ҳам бу анъанага мувофиқ мухаммас боғлаганларини эсласак, фикримиз янада ойдинлашади.

Хонақоҳ Ҳазрат Домла даврида

Юқорида биз Хонақоҳ биноси Ҳазрат Домла бошчилигида қайта қурилганини ва Ҳазратнинг бу ердаги фаолият даври Хонақоҳ тарихида олтин давр бўлганини айтиб ўтдик. Энди эса унинг қурилиш тарихига ёзилган асарлар устида тўхталмоқчимиз. Чунки изланишлар давомида унинг қурилишига ёзилган кўплаб тарихларни топишга муваффақ бўлдик. Асий Водилийнинг ўзи унга атаб бир нечта тарих битганлар. Қуйида мазкур тарихларни келтирамиз.

«Бисми субҳанаҳу ва таоло.

Илоҳий баҳурмати анфоси дўстони остонат ва баҳаққи ихлос оқиғони остонат он жаноби роғфат огоҳим ва пушти паноҳим ва мавлойим ва қиблагоҳимро дир сол бо ила явмил маол дар сарири иззу иқбол баҳусули жамиғи омон ва фуғуз молмаол мамнун ва хушҳол кардан рубғи маскун ба-анвори баракаташ машхун бод. Ва тири дуо баҳадафи ижобат мақрун. Баъда, арз дошт ин дур афтода маҳжур бандаи саропо қусур базирвайи зухур мирасонадки, бовужуди ноқобилият ва бибизоати баҳукми маъмур маъзур баройи тарихи масжиди муборак ду қитъа номарбут тасвир намуд. Ва фил-ҳақиқат, камоли жумуди табиат ва хумуди қариҳати худ, бамулозимони он боргоҳ таишҳир сохт. Фаман аъфа ва аслаҳа фа ажруҳу аълаллоҳ.

Ассаламу алайкум. Намқайи Охундҷон қорийи ала-Водилий уфийа ағнҳу».

Таржимаси: Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло номи билан.

Эй Раббим, дўстларинг нафасининг ҳурмати, муҳлис қулларинг ҳаққи сўрайманки, у олий мартабали пушти паноҳим, мавлойим ва қиблагоҳим – узоқ йиллар иззату иқболда, барча орзулари ушалиб, файзу баракасидан бутун мардум хушҳол бўлсин ва дуоларим ижобат даргоҳига етсин. Дуойи хайрдан сўнг, бу бандаи маҳжур, саропо айбу қусур, арз қиладурки, бовужуди ноқобиллик ва ожизликни эътироф этган ҳолда муборак масжид биноси учун мазкур икки қитъани битиб юбордим. Ҳақиқатда табиатим камолининг ўтмаслиги барчага маълум ва равшандир. «Кимки афув қилса, унинг ажри Аллоҳ ҳузуридадир. Ассаламу алайкум».

Тарих

*Буширо лана фаҳаза мабдау ризол илоҳий,
Тубо лиман баноҳу тобат лаҳул ҳаёту,
Тарих агар бихоҳи меъйи аз иқомат,
Гар бишнави салои «қод қоматис солату».*⁵⁸⁸

Яъни, илоҳий файзлар ёғилувчи бу муборак жой қурилишидан бизга хушхабар етди. Шу боис, унинг қурувчисига хушлик ва ҳаёти тоййиба насиб ўлсин. Агар унинг қурилиш тарихини билмоқчи бўлсангиз, у «иқомат» (намоз олдидан айтиладиган такбир)дан келади. Яъни, эшитаётган бўлсангиз, у, «қод қоматис солах» деб, нидо қилмоқда.

Изоҳ: Бино тарихи тўртликнинг «қод қоматис солах» сўзидаги ҳарфлар йиғиндисидан чиқади. 1333/1915 йил.

Тарих

*Баҳри ризойи Ҳақ шуд ин маъбади киромий,
Аз базли вуҷуди лутф он руҳи аҳли ирфон.
Тарихи у ҳаме жуст он бонийи Ҳақ огоҳ,
Кардам дуо ва гуфтам: «Ёби ризойи раҳмон».*⁵⁸⁹

Яъни, ушбу азизлар остонасига Ҳақнинг ризоси насиб бўлиб, у маърифат аҳли ҳомийсининг лутфи эҳсонидан ҳосил бўлди. Агар унинг қурилган тарихи кидирилса, бу ҳақда: «Унинг қурувчиси Ҳақдан огоҳ зотдир», – дейилди. Мен дедимки: «Ундай бўлса сен ҳам Раҳмоннинг ризосини топ».

Изоҳ: Бинонинг тарихи қитъанинг «Ёбе ризойи Раҳмон» сўзларининг ҳарфлар йиғиндисидан чиқади. 1333/1915 йил.

Тарих

*Ҳаббаза ин маъбади фараҳ зи лутфи кирдикор,
Нурбахш дида аҳли яқин шуд чун баҳор.*

*Аз камоли жўш завқу файзҳо аз рукни у,
Нозираш бийнад ҳудаиш дар саждаиш беихтиёр.*

*Мерасад ҳардам зиҳар кунжаиш ба гўши толибон.
Субҳ хези кун, дар ораз илму ирфон кун шикор.*

⁵⁸⁸ № 6-қўлёзма.42-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁵⁸⁹ № 6-қўлёзма.42-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

*Ғайрати хуришид дар рез зиё дорад бадал,
Бобҳо чун ҳаттоки хатти нағз чун нақшинигор.*

*Ин чи мазҳар, манишаъ, ин чи манбаъ, ин чи баҳр,
Илму ирфону саодат, файзи раҳмат бешумор.*

*Ин гулистони амал, вин матлаъи субҳи фалаҳ,
То хами ин тоқ гардунаст бошад барқарор.*

*Аз сарваши мавҷ баҳр ҳиммати як комилий,
Зуд шуд юмни жилва соз чашими тоқ устивор.*

*Мадҳи шони олишонаш ман чи гўям жуз қусур,
Манки журъати жабҳа ферсояд ба-ажзи инкисор.*

*Меҳри чархи авҷи иърфон, шамъи базми аҳли Ҳақ,
Зеби боғи олам маъно ҳидоят ихтиёр.*

*Посбони боғи миллат, ҳукмрони мулки дин.
Пешвойи соликону шаръи Аҳмадро мадор.*

*Зи ижтиҳоди ҳусни маъно бар дил ке ихтирон.
Мисри ирфон у хирадро шуд чу хуришид.*

*Вирди тарихаш ба пеш ёдам омадам дод ғайб,
«Маҳфули қудсу гулистон муҳаббат»ро шумор.*

*Ашқи ажзи рехти шуд зи табъи тийраст,
Карда чаши орзуют сармо соли иътизор.⁵⁹⁰*

Таржимаси: Не бахтки, бу саъодатли ибодатгоҳ Аллоҳ таолонинг лутфи марҳамати ила аҳли яқинлар юзига баҳор каби нур таратиб турибди. У муқаддас манзилдан таралаётган илоҳий файзлар жўшқинидан унга қараган ҳар бир инсон беихтиёр ўзини Раббисининг ибодатида кўради.

Ҳар дам ундан толиби илмлар қулоғига «илму ҳикмат сайдини шикор қилмоқ учун, субҳ вақтидан аввал, бедор бўлинг», деган нидо келади. Бу ерда офтоб ҳам унга қўшилиб ҳайрат ва ҳиммат билан бирга нур тўкади. Бу масканнинг дарвозалари куррайи заминга тортилган энг гўзал хат каби ҳуснликдир.

Бу қандай гўзал мазҳар, қандай манишаъ, қандай дарё ва

⁵⁹⁰ №7-қўлёзма. 135-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

уммонки, илму ҳикмат ва файзу раҳмат дурлари хаддан зиёд кўпдир. Бу – орзу-умидлар гулистони, фавзу нажот тонгининг зуҳури бўлиб, то осмон томи қулагунча боқий қолур. Бу бир марди комил зот ҳиммати сабаб, тез фурсатда қад ростлаб фалак кўзи остида устувор бўлди.

Мен у шаъни улуғ зот мадҳини айтаман десам, нуқсонли қилиб қўяман, бу соҳада жасорат ҳам пешонасига ожизликни қўяди. Чунки бу маскан илмлар осмонининг офтоби, аҳли ҳақлар базмининг шамъи, маънолар боғининг зийнати ва ҳидоят гавҳаридир. Бу ерда миллат қўлининг посбони, дин мулкининг маънавий раҳбари, солиқлар пешвоси ва гўё дини Аҳмаднинг таянчи бор. У зотнинг маънолар хазинаси ва гўзал ижтиҳодидан доимо дилларга яхшилик етади. Ўзи эса маърифат шаҳрида офтоб каби машҳурдир.

Унинг тарих зикрини ёдимга келтирсам, ғайбдан садо келди, «Сен муқаддас манзил ва муҳаббат гулистонини ҳисоб қил».

Изоҳ: Бинонинг тарихи «маҳфали қудс», «гулистони муҳаббат» сўзларининг йиғиндисидан чиқади. 1333/1915 йил.

Тарих

*Ин чи хушашгоҳ мавж бодаи фазлу камол,
Нашъа бахш сад ҳам кайфаст чун Жоми жам.*

*Машъали нури ҳидоят, манишаи асрори ғайб,
Мазҳари меҳру фуйузу матлаъи субҳу мақол.*

*Махзани дурри саъодат, маъдани завқу шуҳуд.
Маҷлис айни шарофат, мабдаи лутфи таъол.*

*Манбаи фаҳму фатонат, маърази ақлу шуъур,
Максаби хулқу адаб, дарёи ҳолу қол.*

*Вирдҳои анжуман то ҳашир бошад атр рез,
Бар димоғи аҳли миллат дур аз боди завол.*

*Гавҳари ин баҳри ирфон, чун кашам бар силки васф,
Осмон бартанг чаши, мўр жокардан маҳол.*

*Ҳотифи бо кавс сид гуфт, тарихаш чунин,
«Бод азиз дини муқим, ин манзил фарҳандаҳол».⁵⁹¹*

⁵⁹¹ №7-қўлёзма. 137-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Таржимаси: Бу қандай хуш манзилки, у ерда фазлу камол дарёси мавж уради, дилларга бераётган роҳати гўё жоми Жамшиддек ёқимлидир.

Бу манзил ҳидоят нури, ғайбий сирлар кони, файзу футуҳ ва ширин сўзлар маскани. Бу ер саодат дурларининг хазинаси, илоҳий завқлар маъдани бўлиб, унда мажлис курмоқ Аллоҳ лутфининг боисидир.

У фаҳму фатонат манбаи, ақлу идрок маскани ва хулқу одоб касб қилинадиган, илми ҳол ва қол дурлари териладиган жой. Бу анжуман гулларининг хуш бўйи то қиёмат қадар миллат аҳли димоғига бўй таратадирки, ҳаргиз заволга учрамас.

Бу ерда илмда уммон бўлган бир зот бор, агар таърифини васф ипига тизаман десам, имкони йўқдир, осмон ҳам чумоли кўзидек тор бўлади. Ҳотифдан ушбу манзил тарихи учун: «Бу муборак масканда бир азиз банда истиқомат қилур», – дейилди.

Изоҳ: Бинонинг тарихи еттинчи байтнинг, «Бод азиз дин муқим ин манзил фарҳандаҳол», сўзларининг ҳарфлар йиғиндисидан чиқади. Яъни, 1333/1915 йил.

Тарих

*Ин чи мавзун табъаст соний дар ажам,
Саждагоҳи субҳ, бунёд жууста аршанам.*

*Маҳбати файзи илоҳий, манзили аҳли яқин,
Субҳ ийд боби ҳаж, некбахтон ҳарам.*

*Доҳили ин ҳарат афрод маҳал сарфароз,
Согари дил пур кунад, аз замзами илму ҳикам.*

*То қиёмат бод фатҳ, жовидон ин Хонақоҳ,
Ҳар ки бошад зўяд ин, дарбандаги собит қадам.*

*Боризойи Ҳақ мудом, ин саждагоҳ муслимин,
Коми баҳш ом бод, аз жўшаш айни карам.*

*Дида ҳарат кушода, ҳоки ин даргоҳи мол,
Умдаи тарих то ҳар мисраи бини рақам.*

*Ёфти ин жодухойи сол, бинад аз бог фикр,
Шуд ин тарих илҳомий боҳукми қидам.⁵⁹²*

⁵⁹² № 7-қўлёзма. 185-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Таржимаси: Бу ажам диёрида бино бўлган қандай ҳам яхши ибодатгоҳки, у илоҳий файзлар ёғилувчи ва аҳли яқинлар манзили ва ҳарам шарифдек улуғ ибодатлар бобидир.

Унга кирган киши илму ҳикмат булоғидан ичиб, шод бўлғай. Ким кирса беихтиёр: «Ушбу масканнинг файзи қиёматгача боқий қолсин» ва: «Бу мусулмонлар саждагоҳи, қарам дарёси бўлиб, бардавом бўлсин», – деб дуо қилади. Қурилиш тарихи учун фикрим азалнинг ҳукми билан мазкур мисраларни танлаб олди.

Тарих

*Касироки раҳбари у шуд саодати азалий,
Гирифт роҳи савобу нарафт жуз басавоб.*

*Намуд жону зараи сарф тоату эҳсон,
Чу тавфи каъбау таъмир маъбад аҳбоб.*

*Чунонки афзалу ҳужжжожу аъламу уламо,
Бино намуд чунин Хонақоҳу ин меҳроб.*

*Зиҳи шарафки дар инжо ду рақъат лиллоҳ,
Адо кунанд фатубо лаҳум ва ҳусну маоб.*

*Вазиди мушки ризойи Худо зоркаш,
Дамида субҳ навид қабулаш аз ҳар боб.*

*Зи ҳарки бони фозил бижусту тарихаш,
Дуойи намуд бағуфто «ризойи Раҳмон ёб».⁵⁹³*

Таржимаси: Кимгаки у зот (Ҳазрат Домла) раҳбар бўлса, унга саодат ёр бўлади ва у тўғри йўлни топиб, ҳаргиз залолатга юрмас. У зот жони ва молини тоат-ибодатга сарф этиб, дўстлар ибодатхонасини каъба янглиғ обод қилди. Ҳожиларнинг афзали ва олимлар олими бўлган мазкур зот Хонақоҳу меҳробни барпо қилди.

Бу ерда ўқилган икки ракат намоз қандай яхшики, уни адо қилганларга чиройли оқибат бўлсин. Бу ерда ҳар тонг Аллоҳ йўлида қилинган зору нолалар қабули учун мушқлар таралади. Ким унинг қурувчиси ва тарихи билан қизиқса, дуо қилади-да, дейди: «Сен Раҳмоннинг ризосини топ».

Эслатма: Бинонинг тарихи охириги байтнинг «ризойи

⁵⁹³ №23-қўлёзма. 92-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Раҳмон ёб» – «Раҳмоннинг ризосини топ» мазмунидаги сўзлар йиғиндисидан чиқади. Яъни, 1333/1915.

Тарих

*«Заҳри он бўстони зухду тақво,
Гулшан нақду амал субҳаи таманно.*

*Зи тоб меҳр жуд бони хайр,
Чу шаън маҳфал тоат маҳло.*

*Зи пири ақл сид жустам солаш,
Бигуфтам баҳри у чизи бафармо.*

*Баёни гуфт он оро назд даргоҳ,
«Жазокаллолу фид дорайни хойро».⁵⁹⁴*

Таржимаси: Бу маскан зухду тақво бўстонидирки, бу ерда қилинган амаллар натижаси тезда қўлга келади.

Бу ер бир хайрли бинокорнинг саховат қуёши сабаб, ҳаловатли ибодатхонага айланди. Ақлдан унинг тарихи учун бирор нарса дейишини сўрадим. У: «Аллоҳ уни қурувчисига икки дунёда гўзал мукофот берсин», – деб дуо қилди.

Эслатма: Бинонинг тарихи «жазаакаллоҳу фиддорайни хойро» – «Аллоҳ сенга икки дунёда гўзал мукофот берсин», сўзлари йиғиндисидан чиқади. 1333/1915.

Хонақоҳ тарихи

*Асъадаллоҳу билуфтин бонийан,
Қод саъа билжухди фиҳи вас-суъуд.*

*Лам таро айнун биноан ҳаказо,
Фота давронун вала мимма яъуд.*

*Кайфа яровул ақлу васфан бил қусур,
Куллу мо фи шаъниҳи ҳазаш-шухуд.*

*Қола фиҳил ақлу тарихан биҳол,
Толибул аъвни миналлоҳил вадуд.*

*Инна аҳлан ядхулуҳу бир-ражо,
Иқтариб фиҳи миналлоҳи бис-суҷуд.⁵⁹⁵*

⁵⁹⁴ Ўша асар, ўша бет.

⁵⁹⁵ «Девони Бекий». 302-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Таржимаси: Аллоҳ таоло ушбу бино қурувчисини саъ-одатли қилсинки, уни жидду-жаҳд ва катта меҳнат эвазига бино қилди. Узоқ замонлар ўтади-ю, аммо кўзлар унинг ўхшашини кўрмайди.

Ақл ўз қосирлиги билан унинг тарихига нима ҳам дер эди, ахир ундаги нарсаларнинг ўзи бунга гувоҳ бўлса. Шундай бўлса-да, у бир оз ўйлаб туриб, деди: «У Аллоҳнинг ёрдамидир». У ерга кирсанг сен ҳам: «Бу ерда сажда қилиб, Аллоҳга яқин бўл», – деб айт.

Кўриниб турибдики, Хонақоҳ биносининг қурилиши ўз даврида катта воқеа бўлган. Ўз-ўзидан бу ерда масжид-мадраса ва хонақоҳдан иборат меъморий-маданий мажмуа вужудга келган ва ҳар уччаласи хонақоҳга нисбатланиб, «Хонақоҳ мадрасаси», «Хонақоҳ масжиди» ва «Ҳазрат Домланинг хонақоҳлари» тарзида тилга олинган.

Хонақоҳ масжиди минораси

Хонақоҳ қурилишидан икки йил ўтгач, Ҳазрат Домла бошчилигида янги минора қурилади. Ҳозиргача сақланиб қолмаган мазкур минора масжиднинг қайси ерида қурилгани ва қачон бузилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Аммо у масжиднинг қадимий минораси ўрнига қурилган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Марғилонлик кекса ёшли кишиларнинг эслашларича, минора жуда баланд бўлган. Таглик қисми Ўрдатаги маҳалласига қадар чўзилган мазкур минора зилзила сабабли қулаб тушган.

Француз тадқиқотчиси Элиза Реклю XIX асрнинг охирида Марғилон тўғрисида келтирган таърифида ҳам бу қайд этилган.

«Марғилон бир неча чақиримгача чўзилган боғлар билан ўралган бўлиб, унинг ҳар тарафидан гумбазлар ва масжидларнинг салобатли миноралари қад кўтарган».⁵⁹⁶

Энг қизиғи, минора қулаганида остидан чиққан ҳўкиз шохи билан бир сиқим тарик доналари эди. Очиб кўрилганида ичидан: «Бу саратонда совуқдан ўлган молнинг шохи ва чиллада унган тарикнинг доналаридир»,⁵⁹⁷ –

⁵⁹⁶ Элизе Реклю. Земля и люди. Всеобщая география. VI том. СПб. Издание картографического заведения А. Ильина. 1892. С. 406.

⁵⁹⁷ Р. Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон– Сафил тўда. 1996.

дея ёзиб қўйилган маълумотномаси бизни тарихнинг ажаб-товур ишларидан хабардор қилади. Тарихий манбаларда ҳам Марғилоннинг баланд миноралари ҳақида маълумотлар учрайди.⁵⁹⁸

Тақдир тақозоси, яъни асирлик туфайли дунёнинг кўп мамлакатларини кезиб чиққан рус зобити Филипп Ефремов 1782 йили Фарғона водийси орқали Қошғарга ўтиб кета туриб, Марғилон шаҳрини кўришга муяссар бўлади. Ф.Ефремов кейинчалик ўз эсдаликларида Марғилон бозорида айлана шаклида баландлиги 40 сажан (85,3м), эни 2,5 сажан (9,53м)дан иборат тош минора мавжудлиги ҳақида маълумот келтиради.⁵⁹⁹

Савдо ишлари юзасидан 1808 йилда Марғилонга келган сибирлик татар савдогари Муртазо Файзуддин ҳам бу ерда кўриқчиларнинг қадимги минораси қад кўтариб турганлигини таъкидлайди. Мазкур минора ҳақида маълумотлар 1812–1813 ларда Қўқон хонлигига ташриф буюрган ҳиндистонлик Мир Иззатулло ва рус зобити Филипп Назаровнинг кундаликларида келтириб ўтилган. Мир Иззатулло Марғилонда пишиғ ғиштдан баланд мустаҳкам қурилган минора мавжудлигини айтар экан, рус зобити Ф.Назаров минора 50 чақиримдан кўриниб туришини таъкидлайди.⁶⁰⁰ Ривоятларга кўра, ушбу минорани қорахонийлар сулоласининг ҳукмдори Қизил Арслонхон қурдирган экан. Ушбу ривоятни А.К. Писарчик андижонлик моҳир бинокор уста Юсуфали Мўсаев (1870–1948)дан ёзиб олганлигини айтади. Уста Юсуфалининг сўзларига кўра Қизил Арслонхон ҳукмдорлиги даврида 11 та шаҳарга шундай минора қуришга фармон беради. Бироқ уста улар ичидан Бухоро, Вобкент, Ўзган, Андижон ва Марғилондаги мавжуд бешта минорани санаб берган, холос. Шундай бўлса-да, уста Юсуфали Марғилон шаҳридаги Қизил Арслонхон томонидан XII аср бошларида қурилган минора XIX аср бошларига қадар сақланиб турганлигини айтиб, минора баландлиги 25 кулоч, яъни 37,5 метрдан баланд бўлганлигини таъкидлайди. Писарчикнинг фикрига кўра

⁵⁹⁸ Абдулаҳатов Н, Эшонбобоев Ў. Марғилон ҳақида сўз. – Ф.: «Фарғона». 2006, – 14-б.

⁵⁹⁹ «Десятилетнее странствование» Филиппа Ефремова (70-е гг.XVIII в.) // История Узбекистана в источниках. – Т.: «Фан», 1988. С.128.

⁶⁰⁰ «Записки о некоторых народах и землях Средней Азии» Филиппа Назарова. (1812–1814) // История Узбекистана в источниках. – Т.: «Фан», 1988. С.170.

Марғилоннинг қадимий минораси жомеъ масжиди олдида қурилган.⁶⁰¹

Ҳазрат бошчилигида қурилган минора ҳозиргача сақланиб қолмаган бўлса-да, уни ҳозирда Хонақоҳ масжидида мавжуд бўлган минора ўрнида бўлган дейишимизга асос бордек туюлади. У ҳам бўлса, 1959 йилда қурилган мазкур минорага ғишт қўйиш маросимида Марғилоннинг ўша даврдаги энг йирик уламолари тақлиф этилган эди. Улар орасида Мукаррамхон тўра Хон бува, мулла Нуриддин маҳдум, Миряхё қори домла, Соли ҳожи домла, мулла Абдулкарим маҳдум, мулла Зокиржон охунд, мулла Турсунбува маҳдум, мулла Умурзоқ маҳдум, Мушаррафхон домла, Ҳабибуллоҳ қори ва бошқалар бор эдилар. Қурилиш уларнинг маслаҳати ва розилиги билан амалга оширилгани аниқ. Унинг ўрни ҳам уларнинг маслаҳати билан бўлиши керак.

Шунга кўра, Хонақоҳий Ҳазратнинг издошлари бўлган бу зотлар, минорани қадимий ўрнига қурилишини тавсия этган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас. Қуйида мазкур минора учун ёзилган тарихни келтираемиз.

Тарихи минорайи Хонақоҳ

*Ажаб зебо минори хуш башорат,
Дихад ҳар дам нишони сўйи жаннат.*

*Ливойи миллат ислому шаръаст,
Соъуд калим тойийб рост мирқот.*

*Нидогоҳи Билоли шуд мушаи,
Фаҳал юҳсо жиҳотул хусни ҳайҳот.*

*Хуш омад бониҳо дур ҳаётат,
Бувад беҳтар зи дируз ту фардот.*

*Биёбе бегумон зин эҳтимомат,
Ризойи рофеъи аршу самовот.*

*Чу зинжо тофат анвори ҳудо шуд,
Батарихаи: «Далилу кулли хойрот»*

⁶⁰¹ Писарчик А.К. Некоторые данные по исторической топографии городов Ферганы... С.150.

*Дигар бор ин нидо омад зи ҳотиф,
Ки аҳли он фи ҳазал оёт.*⁶⁰²

Таржимаси: Бу қандай башоратли минорадирки, у ҳар дамда жаннат томон нидо қилади. Бу ислом шариати ва миллатининг байроғи, имон калимасининг юксаладиган ўриндир. Бу ҳазрат Билолнинг мезанаси (азон айтадиган жой) каби ёқимли бўлиб, гўзал жиҳатларини санаб тугатиб бўлмас. Қурувчисининг ҳаёти хушлиқда ўтсин ва эртаси бу-гунидан ҳам кўра яхшироқ бўлсин. Бу ишинг учун осмону аршни яратган зот ризосини топ. Ҳар ким бу ердан ҳидоят нурини топгани учун унинг тарихи: «барча яхшиликларга бошлагувчи», сўзлари бўлди. Яна хотифдан: «У маскан аҳлининг аломатлари мана шундайдир», – дейилди.

Хонақоҳ ҳожи Каримжон домла (қ.с.) даврида

Ҳазрат Домла вафотларидан сўнг ўринларига шайх комили мукаммал ҳожи Каримжон Домла (қ.с.) халифа бўлиб қоладилар. Хонақоҳ ҳожи Каримжон домла (қ.с.) даврида ҳам аввалгидек ирфоний суҳбатлар билан обод бўлган. Ҳазрат Домланинг мурид-мухлислари энди у зот ҳузурига қатнайдиган бўлишган. Бу пайтда ҳам Марғилонда кўплаб алломалар, тасаввуф шайхлари истиқомат қилар эдилар. Бизгача етиб келган Ҳазрат Домла силсилаларининг барчасида муаллифлар тариқат таълимини халифа ҳожи Каримжон домладан олганларини келтирганлар. Бу эса ҳожи Домланинг фаолиятларининг кенг тарқалганини кўрсатади.

Шу ўринда айни давр маънавий ҳаётини бир оз мулоҳаза қилиб кўрсак. XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ўтган Марғилон алломаларининг даврий силсиласини қиёсий ўрганадиган бўлсак, бу давр энг салмоқли давр бўлганини кўрамыз. Мулла Муҳаммадҷон Асака домла, мулла Абдуллоҳон маҳдум, мулла Бек домла, мулла Шоқир эшон домла, мулла Муҳиддин домла, Шермаҳдум домла, Муҳаммадҷон қори, Абдурахмон қори, Холмуҳаммад қори, Мукаррамхон тўра Хон бува, Абдулҳамид маҳдум, Оламхон тўра, Фозилҷон маҳдум Сулаймон Хўжа эшон ўғли каби олимлар ўша давр маърифат аҳлининг йирик вакиллари

⁶⁰² №6-кўлёзма. 45-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

бўлиб, улар бевосита ва билвосита Хонақоҳга алоқадор кишилар бўлишган. Ўша даврда Марғилонда масжидлар орасида Катта жомеъ⁶⁰³ ва Кичик жомеъ⁶⁰⁴ масжидлари машҳур бўлса, мадрасалар ўртасида Хонақоҳ, Чукур мадраса ва Қаландархона мадрасалари алоҳида ўрин тутган. Хонақоҳ эса маънавий-ирфоний ва руҳий муолажа маскани сифатида уларнинг барчасини ўзида жамлаган.

Муҳаммаджон Асака домла

Ҳожи Каримжон домла даврида бу ерда фаолият олиб борган уламолар орасида Муҳаммаджон Асака домланинг фаолиятлари бекиёс. Хонақоҳ мадрасасида талабаларга фикҳ илмидан дарс берган бу зот Ҳазрат вафотидан кейин ҳам кўплаб фикҳий масалаларда ҳал қилувчи ўринга эга бўлганлар. Шу билан бирга шариат қозиси, Катта жомеъ масжидининг имом-хатиби эдилар.

Тарихий маълумотлар бизга бу зотни мажлисларда «ҳалли мушкилот» – мушкул масаларни ечиб берувчи, забардаст олим сифатида танитади. Масалан, ўша даврда Хонақоҳда «ишорайи саббоба» борасида бўлиб ўтган мунозарада ҳам бу зот узил-кесил жавоб айтганлари келтирилган. «Ишорайи саббоба» – намозда туриб ташаҳҳуд макомида қўл бармоғини кўтариб қилинадиган суннат амал. Бу уламолар ўртасида қадимдан ихтилофли мавзу бўлиб, баъзилар уни қилишни баъзилар эса қилмасликни тарғиб қилганлар. Қилишга тарғиб қилганлар уни суннат экани билан исботласалар, қилмасликка буюрганлар уни ўз ўрни ва кайфияти турлича экани билан исботлашга уринганлар. Уламоларнинг бу билан боғлиқ қарашлари фикҳ китобларида баён қилинган.

Кези келганда айтиш ўринлики, буюк аллома Холмуҳаммад қори марғилонлик яна бир уламо Бухорий домлага «Ишорайи саббоба» борасида алоҳида рисола ёзиб жўнатганлар. Ҳижрий 1349 йилда ёзилган мазкур асар ҳозирда водиллик Охунжон қори авлодлари кўлида сақланмоқда. Бизда унинг кўчирилган нусхаси мавжуд.

⁶⁰³ Катта жомеъ – ҳозирги Узун Ҳовуз маҳалласида жойлашган қадимий масжид. Ҳозирда бу масжид таъмир талаб бўлиб қолган. Ўз даврида бу ерда кўплаб алломалар фаолият олиб боришган.

⁶⁰⁴ Кичик жомеъ – ҳозирги шаҳар нон заводи ўрнида жойлашган масжид.

Рисола билан танишиш асносида масаланинг ечимига доир хулосалар билан бирга, мазкур икки зотнинг ўзаро эҳтиромларидан бохабар бўламиз.

Афсуски, ўтган асримизнинг 30-йилларидаги қатағон қурбони бўлган Асака домла ҳақида жуда кам маълумотлар етиб келган. Аниқроғи, у зотни билган кишилар ҳозирда жуда кам қолган. Бизнинг тўқсонинчи йиллардаги кекса ёшли суҳбатдошларимиз ўз хотираларида бу зот ҳақида кўп марта эслаб ўтган эдилар. Маълумотларга кўра, асли асакалик бўлган бу зот Марғилонга келиб Шолдирама маҳалласида истикомат қилиб қолганлар.

Маълумотларда у зотни соҳиб каромат зот экани ҳам айтилган. Марғилоннинг Ширмонпаз маҳалласида яшаб ўтган Абдусаттор махдум Абдулғани ўғлининг хонадонига бир гал биродарлари – бир гуруҳ олимлар йиғилади. Меҳмонхонага жойлашган меҳмонлар бу ерга Муҳаммаджон Асака домла ҳам келмоқчи эканларини айтишади. Мезбон бундан хурсанд бўлиб ичкарига кириб, хонадон аҳлига севинчлайди ва уларнинг кўнглини олиб кузатиш мақсадида нима зарурлигини сўрайди. Улар ҳамма нарса етарли экани, фақат бир оз сабзи зарурлигини айтишади. Мезбон сабзи келтириш учун кўчага югуради.

Ташқарида Муҳаммаджон Асака домланинг келаётганларини кўради, салом бериб кўришади. Домла ундан шошиб қаерга кетаётганини сўрайдилар. У: «Сизни кутиб олиш учун чиқаётган эдим», – дейди ўзини ўнглаб. У зот: «Йўқ, сиз бошқа нарса учун чиқиб кетаётибсиз, қани ичкарига юрингчи», – деб, кўлларидаги чапия – идишни унга тутқаздилар. Мезбон домлани ўтказиб ҳовлига киради ва чапияни очиб кўради. Не кўз билан кўрсинки, унда тўла сабзи келтирилган эди.

Қатағонга учраган алломалар

Айтиш жоизки, айни давр мазкур уламолар учун оғир ва аянчли давр бўлган эди. Тарихдан маълумки, собиқ совет ҳукумати ҳокимиятни қўлга олган даврдан бошлаб дин уламолари, эшону сайид ва хўжаларга нисбатан аёвсиз курашни бошлаб юборган. Бу ҳолат кейинчалик қатағон даврида дин вакиллари оммавий тарзда қатағон қилинишига олиб

келди.⁶⁰⁵ Бунинг учун мустабид тузумнинг зўравонлари 20-йиллардаёқ ёвуз мақсадларда турли қотилликларни уюштириб унинг баҳонасида кўплаб бегуноҳ кишиларни қамокқа олишга киришган эдилар.

Маълумотларда 1937–1939 йилларда Ўзбекистонда тўқиб чиқарилган сохта айбловлар бўйича 41 мингдан ортиқ киши ҳибсга олиниб, улардан 37 мингдан ортиғи жазолангани, 6920 киши эса отиб ўлдиришга ҳукм қилингани, фақат давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи, шоир ва олимлардан 5758 киши қамокқа олиниб, улардан 4811 киши отиб ташлангани ҳақида айтилган.⁶⁰⁶

30-йилларнинг бошида Ўзбекистондан Афғонистонга чиқиб кетиб, кейинчалик Туркияда истиқомат қилган Аҳмад Яссавий авлодларидан Шаҳобиддин Яссавий ўша нотинч давр тўғрисида бундай деган эди:

«Келажакни олдиндан башорат қилиб ҳақиқатни айтган боболаримиз олдида уч йўл бор эди: бири ҳақ йўлида жонни қурбон қилиш, иккинчиси, истибдодга кўниб тақдирга тан бериш, учинчиси, таркидунё қилиб, ғариблик жандасини кийиб ватандан бош олиб кетмак. Не қилайликки, тақдир экан, бизларнинг оталаримиз учинчи йўлни танлаган».⁶⁰⁷

Бу ўз-ўзидан ижтимоий-маънавий соҳаларни бутунлай издан чиқишига сабаб бўлган. Кўз олдида кишиларнинг ҳовлисига бостириб кириб, арзимаган айблар билан олиб чиқиб кетилиши, ҳатто халқ кўзи олдида уларнинг отиб ташланиши, тунлари ҳеч кимга билдирмай, халқ душмани тамғаси билан мол-мулкани талон-тороғ қилиниши каби ишлар халқни, айниқса, зиёли кишиларнинг тинчини олган. Шу боис, улар ўзини олим, мулла, қори эканини халқдан «беркитиш»га мажбур бўлганлар. Лекин бу билан ҳам бир нарсага эришиб бўлмас эди.

Дарҳақиқат, 20–30-йиллардаги мустабид тузумнинг олиб борган сиёсати натижасида юрт ва миллат манфаатини ҳар нарсадан юқори қўйган Ватаннинг содиқ ўғлонлари ҳаёти таҳликали кечди. Завқийнинг бундан сал олдинроқ ёзган

⁶⁰⁵ Арапов Д.Ю, Косач Г.Г. Ислам и мусулмане по материалам восточного отдела ОГПУ. 1926 год. Нижний Новгород, 2007. С.3.

⁶⁰⁶ Қ. Ражабов, Ф.Ҳасанов, И. Шоймардонов, Б. Тожибоев. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.

⁶⁰⁷ Ҳайитов Ш.А., Собиров Н.С., Легай А.С.Хориждаги ўзбеклар. – Т.: «Фан», 1992. – 13-б.

шеърда ифодаланган ҳолатлар ҳам ҳозирги аҳвол олдида ҳолва бўлиб қолган эди. Завқий жумладан, шундай деган эди:

*Мусаллат қилди ноҳақ феълимиздан болишувикларни,
Қўтарди бошимиздан соя бўлган хону, бекларни,
Ўлук чозига солди болишувиклар бу тирикларни,
Киши билмас ҳисобини куюб ўлган ўликларни,
Ўлуклардин бўлубдур кўчалар мозор, Фарғона.*

*Ҳасад бирла хароб ўлди, дариго, шаҳримиз охир,
Ҳамани хонавайрон айлади бу раҳми йўқ кофир,
Ажаб йўқ, раҳм қилса ҳолимизга Ҳақ ўзи қодир,
Нетармиз, ҳарна қилса, кори Ҳақга бўлмайми собир,
Тўкилди оқибат тўғон эрди, бисёр Фарғона.⁶⁰⁸*

Уларнинг кўплари Ватанни тарк этиб, ўзга юртларга ҳижрат қилиб, чиқиб кетишлари ҳам мазкур нотинч вазият тақозоси эди. Маълумотларга кўра, Марғилондан Абдулқодир Марғилоний, Ҳожи Мирбобо Соҳиб, Иброҳимхўжа, Мулла Салоҳиддин, Холмуҳаммад ҳожи, Исмоилжон қори, Салим қори, Сайид Жалолхон тўра, Саҳобиддин қори сингари Марғилоннинг забардаст фарзандлари ҳам киндик қони тўкилган муқаддас заминдан олисларга кетишга мажбур бўлган эдилар.

Масалан, Фозилжон маҳдум ҳам бир ерда муқим тура олмаган бўлсалар, Аҳмаджон охунд Ўзганга бориб, у ердан бошпана топганлар. Абдуллажон маҳдум домла Новқатга кўчиб кетишга мажбур бўлган бўлсалар, Сулаймон қори, Парпи қори ва бошқа кўплаб олимлар ҳаёти ҳам шу зайлда аянчли кечган.

Юқорида номлари зикр қилинган Муҳаммаджон Асака домлани олайлик. Айтишларича, бир куни НКВД ходимлари у зотни чақириб, сўроқ қилади ва шаҳарда уламолардан кимлар борлигини сўрайди. Домла уларга: «Ҳеч ким қолмади, фақат мен қолдим», – дейдилар. Улар яна сўрайди. Домла яна шундай жавоб берадилар. Шундан кейин домланинг ўзларини қамашган ва ўша ерда вафот топганлар. Дарвоқе, бу ҳақда ўша давр расмий маълумотларида ҳам хабар берилган. Қатағон қурбонлари рўйхатида шундай келтирилади:

⁶⁰⁸ Завқий. Ажаб замона... 74–75-б.

Тожибоев Мулла Мамажон Асака – 1880 йилда туғилган. Марғилон шаҳридан, ўзбек. Собиқ мударрис ва шарият қозиси. Маълумоти диний – олий. Ҳибсга олинган вақтда имом, партиясиз. Марғилон шаҳар бўлими тақдим этган 905-сонли иш бўйича отувга ҳукм қилиниб, шахсий мол-мулки мусодара этилган.

«Шўрои исломия» ташиклотида аъзо бўлганликда, аҳоли орасида мағлубиятчилик тарғиботи олиб борганликда, Фарғона водийсидаги мусулмон уламоларининг аксилинқилобий исёнчи ташиклоти билан алоқада бўлганликда айбланган».⁶⁰⁹

Мазкур китобда қатағон қурбони бўлган марғилонлик яна баъзи уламолар номи келтирилган бўлиб, улар қуйидагилар.

1. Сағдиев (Саъдуллахўжаев) Жаҳонғирхон – 1895 йилда туғилган. Марғилон шаҳридан, ўзбек. Йирик уламолардан. Собиқ шарият қозиси... Марғилон шаҳар бўлими тақдим этган 6844-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 20 сентябрдан ҳисобланган.

Аҳоли орасида мунтазам равишда аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, халқ доҳийсига қарши гайрификр билдирганликда, отиб ташланган халқ душманларига афеус қилганликда айбланган.

2. Бадридинов Абдулла Махсум – Марғилон шаҳридан. Собиқ мударрис ва шарият қозиси. Диний маълумотга эга...

Совет ҳукумати ва ВКП(б)нинг сиёсатида қарши мунтазам равишда тарғибот олиб борганликда, кишиларни ноқонуний тарзда хорижга юбориш билан шуғулланганликда, муҳожирдаги мусулмон уламолари билан алоқада бўлганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 29 апрелдан ҳисобланган.

3. Мирзахонтўраев Содиқхонтўра – 1864 йилда туғилган. Марғилон шаҳридан, ўзбек. Маълумоти диний – олий. Йирик уламолардан. 1930 йилда 5 йил қamoққа ҳукм этилган. Ҳибсга олинган вақтда ўз уйида ноқонуний равишда табиблик билан шуғулланган. Совет ҳукумати ва

⁶⁰⁹ Репрессия 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. – Т.: «Шарк», 2007. С. 16–19.

*ВКП(б)нинг сиёсатига қарши мунтазам равишда тарғибот олиб борганликда айбланган. 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 30 апрелдан ҳисобланган.*⁶¹⁰

Қамоқхонадаги шижоат

Юқорида келтирганимиз Асака домладаги каби шижоатни Фозилжон маҳдум домла ҳаётида ҳам кўришимиз мумкин. Айтишларича, у зотни НКВД чақирган. Суҳбат асносида ўзлари билган бирор уламони номини айтиб беришларини сўрашган. Шундай қилсалар, у кишини қўйиб юборишларини ҳам ваъда қилишган. Уларга жавобан, маҳдум домла Куръондан бир оятни ўқиб, тафсир қилиб берадилар. Унда мўмин мўминга хиёнат қилмаслиги, сотқинликнинг ёмонлиги ҳақида маънолар бор эди. Домла бу ишни қила олмасликларини айтадилар.

Айтишларича, шундай қийин ҳолатда ҳам садоқат билан турганларини кўрган терговчи таъсирланиб, у зотга раҳмат айтиб чиқариб юборган экан. Афсуски, Фозилжон маҳдум шу сўроқ билан қутулиб кетмаган. Кейинчалик бир неча марта қамоққа олинганлар.

Фикримизни равшанлаштириш учун Фозилжон маҳдум ҳаётидаги баъзи лавҳаларни келтирсак. Биз у зотнинг фарзандларидан бири Носирхон ота билан суҳбат қилганимизда (1999 йил.) оталарининг аянчли тақдири ҳақида гапириб, шундай деган эдилар:

«1918 йили бобом вафотларидан кейин отам у зот ўрнида «Қатта ийдгоҳ» мадрасасида (ҳозирги шаҳар 10-сонли мактаб ўрнида жойлашган) талабаларга дарс бера бошладилар. 1926 йили Фарғонадаги шаҳар вокзали (автобекат ўрни)даги масжидга имом бўлиб бордилар. Ўша ерда турганларида ачам билан бирга извошда кўргани борганимиз эсимда. Орадан роса бир йил ўтгач, отамни ноҳақ айблар билан айблаб қамашди. Ўшанда отам билан бирга яна икки машҳур уламо ҳам қамалган бўлиб, бири Холмуҳаммад қори эдилар. Учинчилари эса эсимда йўқ. Бу қамаш Марғилоннинг Ширмонпазлик маҳалласида бўлди.

1928 йилда Намозгоҳ мадрасаси ҳукумат томонидан

⁶¹⁰ Репрессия 1937–1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. – Т.: «Шарк», 2007. С. 16–19.

ёпилиб, талабалар тарқатиб юборилди. 1930 йилда отам қамокдан чиқдилар. Орадан бир йил ўтгач, 1931 йили Андижонга бориб, ҳозирги вилоят боғи ёнидаги масжидда имом бўлиб турдилар. Лекин бу ердаги фаолиятлари ҳам узоққа чўзилмади. Ўша йилиёқ иккинчи марта қамалиб, жазони ўташ учун Қўқонга олиб кетилдилар. Бир йилдан сўнг 1933 йили қамокдан чиқдилар».⁶¹¹

1934 йили Фозилжон махдум ўз ватанларида фаолият олиб бора олмасликка ақллари етгач оила ва фарзандларини олиб, Тожикистоннинг Хўжанд вилояти Ўратепа кишлоғига кўчиб кетадилар.

*Тутиб илм чирогин, ёндуриб ҳар бир шаҳарларда,
Юриб сайёра бирлан, эҳтиёжин қондирур эрди.
Мукаммал комилу акмал, муфаззал фозил эрдилар,
Ҳамиша салтанатни таб этиб ҳарён юрар эрди.*⁶¹²

Махдум поччанинг Ўратепадаги истиқоматлари ҳам узоққа чўзилмайди. 1936 йили оилаларини олиб, яна Марғилонга қайтиб келадилар. Бу ерда ижтимоий муҳит нозик эканига қарамай, Катта жомеъ масжидига (ҳозирги шаҳарнинг Узун ҳовуз маҳалласида жойлашган) имом бўлганлар ва 1937 йили масжид ёпилгунига қадар хизмат қилганлар.⁶¹³

Қандай ёлгон гапираман

Қатағон даври бедодликларига учраган уламолардан бири шайх Муҳиддин домла эди. Бу зот 1856 йилда Марғилоннинг Келачи маҳалласида таваллуд топганлар. Оталари мулла Усмон масжид-мадрасалар пойдеворига ғишт териб берувчи уста бўлган.

Шайх Муҳиддин аввалига Марғилоннинг Пур Сиддик масжидида, кейин эса Келачи масжидида имомлик қилганлар. Пур Сиддикда турган кезлари дуо билан анҳор сувини тўхтатган эканлар. Шу воқеадан кейин халқ у зотни «шайх» деб, атай бошлаган. 1942 йилда чакув туфайли қамалиб, саккиз йилга кесиладилар. Сарт аравага китобларини юклаб устига ўтказиб, олиб кетишган. Сайид Аҳмадхўжа

⁶¹¹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Сирли масжид. 1999.

⁶¹² Жалолоддин Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

⁶¹³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Сирли масжид. 1999.

мадрасасига олиб бориб, у ерда бир муддат ушлаб туриб, сўнгра Фарғона шаҳар қамоқхонасига олиб кетишган.

Турмада дуо қилганларида қамоқхона эшиклари очилади, ташқарига чиқиб таҳорат оладилар. Посбонлар буни кўриб кўрқиб кетишади. Турма бошлиғи домлага: «Мени илмим йўқ, масжидда имомлик қилмаганман» деб, ёзиб берсангиз, сизни кўйиб юборамиз, дейди. Домла: «Ахир менинг орқамда юзлаб одамлар намоз ўқиган, қандай қилиб ёлғон гапираман», – дейдилар. Саккиз йил муддатга кесилганлар. Бир йилдан кейин 87 ёшда вафот этадилар. Жанозаларини қабристон қоровули ўқиб, қамоқхона олдидаги Сирпўш ота қабристонига дафн қилади. Мазкур уламолар шу хилда қувғин остида бўлишларига қарамай доим ёруғ кунлар умидида бўлганлари ибратлидир.

Шу ўринда Абдулазиз Ғолиб Марғилонийни қуйидаги мухаммасини келтириш муносиб кўрилди. Унда мазкур ноодил замоннинг ноҳақлигу бедодликларидан ҳасратга тушган огоҳ дилнинг изтироблари ички бир армон билан рўйрост баён қилинган.

Муҳаммас

*Кел, эй оқил, тафаккур қил, бу меҳнат бизга кимдандир,
Ҳавоийи нафси шумдандирму, аъмоли бадандандир,
Саҳар вақти эшитдим, бир нидо дерким: «азалдандир»,
«На сандандир, на мандандир, на чархи кийнавардандир»,
Биза бу кўргуликлар бориси рўзи азалдандир.*

*Шуъои маърифатни кўр хуффошлари билмас,
Кўнгилни дардини бедарду бебошлар билмас,
Тариқи одамиятликни бу беқошлар билмас,
На сирлар олам ичра ўтаётир, у бошлар билмас,
Ўзинг воқиф, бу ҳикматлар Худоё, бори сендандир.*

*Гуноҳу, фисқу исён, қуфр дарёси тўлиб тошди,
Қазо тигин яланғоч айлади, эл ҳаддидин ошди,
Кетиб бир-бир некулар, барчаси бу уқбадин ошди,
Қолиб бир неча биздек бенаволар, ақлдан шошди,
Юрак ўти аламдандир, кўзин ёши надамдандир.*

*Ҳариси молни кўр, дин ила инсофини ютди,
Жаҳолат зулматида Хизр деб, хинзирни кутди,*

*Бири Илӛс деб, кўрки, думи Иблисни тутди,
Ямонлар ҳасратида яхишлар қон йиғлашиб ўтди,
Илоҳо, эмдиги умидимиз, гўру кафандандир.*

*Худовандо, раҳм қил, бир неча бечоралар қолдик,
Бало тўфони ичра тўдайи оворалар қолдик,
Хижолатдин деёлмас, арзини юз қоралар қолдик,
Ситамдан ҳам аламдан, бағри юз минг поралар қолдик,
Ниёзу ажзимизни коми дилдан, роҳи ғамдандир.*

*Илоҳо, биз каби ношодларга шодлик еткур,
Дили вайронамиз, икки жаҳон ободлик еткур,
Эрурмиз тўдайи бибунёдлар, бунёдлик еткур,
Асири банди ғамдурмиз, ўзинг озодлик еткур,
Мукофоти амал эрмас, бериши сенга карамдандир.*

*Замона офатидан қил саломат, жонимиз бергин,
Етургин муддаога, тан сиҳатлик, нонимиз бергин,
Кетар вақтида айлаб, мағфират имонимиз бергин,
Кариму бокарам Аллоҳсан, айтгонимиз бергин,
Синуқ кўнгилли Ғолиб ҳам гадоийи даргоҳингдандир.*

Хонақоҳ нозик жой

Яна ўз сўзимизга қайтамыз. Хонақоҳдаги бу ободлик ўтмиш тарихимизнинг энг аччиқ кунлари – дин ва маърифат аҳллари қувгин қилиниб, масжид-мадрасалар вайрон қилинган ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги оммавий қатағон даврига қадар давом этган. Тўғри, мадраса 1924 йилда ёпиб қўйилган бўлса-да, аммо унинг фаолияти Хонақоҳ масжиди тимсолида давом этиб турган эди. Масжид мадрасадан кейин ҳам бир оз ишлаб турган. 1928 йилда мадраса тамоман бузиб юборилади. Хонақоҳ биносидан бир неча йил мусофир йўловчилар бошпана сифатида фойдаланиб турганлар.

*Не азиз, не авлиёларни мазорин буздилар,
Хонақоҳлар ичра наҳс, фисқ базмин қурдилар,
Масжиду меҳроб ичига куфр элин киргиздилар,
Бошимизда минг тегирмон тошини юргиздилар,
Раҳм-шафқат бирла сўргин ҳолимиз, сирдошимиз.⁶¹⁴*

⁶¹⁴ «Баёзи Ғолиб Марғилович»... 42-б.

Тарихий маълумотларда Ўзбекистонда совет тузуми ўрнатилганидан сўнг нафақат динга, балки, диний таълим тизими ҳамда таълим масканларига қарши аёвсиз кураш бошланиб кетгани ва кўп асрлик диний кадриятларга барҳам беришга ҳаракат қилингани қайд этилган. Бу борада ЎЗР ФА Тарих институти тарих фанлари номзоди А. Тоғаеванинг келтирган маълумотларига эътибор қаратсак.

Олима ўзининг «1940–1970 йилларда Ўзбекистонда диний таълим тизими ҳолати», мақоласида шундай келтиради: «Хусусан, 1927 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг VI пленумида «Рухонийлар ва мактаб тўғрисида»ги масала муҳокама қилиниб, эски усул мактабларини ёпиш, рухонийларни қувғинга солиш, маориф соҳасида атеистик билимларни ривожлантириш каби масалалар кўриб чиқилади. Шундан сўнг диний таълим муассасалари бўлмиш мактаб ва мадрасалар фаолиятига барҳам берилди бошланди. 1928 йилга келиб, Ўзбекистонда диний таълим тизими батамом тугатилди».⁶¹⁵

Мазкур жараён 1943 йилга қадар олиб борилиб, барча мадраса, масжид ва зиёратгоҳлар бекитиб қўйилди.⁶¹⁶ Қадимда маърифат ўчоғи бўлган бу биноларда хўжалик, маданий-маиший муассасалар жойлаштирилди ёки улардан аҳоли тураржойлари сифатида фойдаланила бошланди.⁶¹⁷

Шуниси қизиқки, шаҳардаги кўплаб масжид-мадрасалар бузиб ташлангани ёки улардан ўткир ҳидли, заҳарли кимёвий дорилар сақланадиган омборхона (бу ўша даврдаги баъзи «доно» маслаҳатчиларнинг таклифи билан бўлган эди) сифатида фойдаланилгани ҳолда Хонақоҳ шаҳар марказида бўлишига қарамай, бу каби ҳужумлардан сақланиб қолган.

Аммо масжид бундан холи бўлмаган. Бир қисмига тандир қурилиб, новвойхона сифатида фойдаланилган. Ҳукумат рухсати билан 1943 йилда қайта очилганда ўт ва тутунлар таъсиридан яроқсиз ҳолга келган шифтини қайта тиклаш имкони бўлмаган эди. Ночор қадимий меъморий санъат асари

⁶¹⁵ Фафуров У. Ўзбекистонда диний таълим тарихини ўрганиш масалалари. Тошкент Ислон Университети. Илмий-таҳлилий ахборот. 2003, 3-сон. 32-б.

⁶¹⁶ Каримов Э., Гаюпова Ш. Ўзбек миллий-маънавий тараққиётида муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларнинг ўрни. Тошкент Ислон Университети. Илмий-таҳлилий ахборот. Т., 2004, 4-сон. 48-б.

⁶¹⁷ ЎЗР МДА, 2456-жамғарма, 1-рўйхат, 74-йиғма жилд, 2–74-варақлар.

бўлган бебаҳо безак усти юпқа ёғоч қоплама (фанер) билан беркитилган.

Шу йили Хонақоҳ биноси ҳукумат томонидан бир оз қайта таъмирланиб, халқ банкига айлантирилади. Кейинроқ аҳолини бўш пул маблағларини сақловчи омонат кассага ўзгартирилган ва ҳозиргача шу мақсадда фойдаланиб келинмоқда. Шундай бўлса-да, унинг биноси шаҳардаги бошқа осориатикалар қатори билган кишиларга шаҳарнинг ўтмиш файзли кунларидан хабар бериб, шаҳарга кўрк бўлиб турибди.

Кўриниб турганидек, Хонақоҳ қандай мақсадларда фойдаланилмасин, барибир ўз «улуғлиги»ни кўрсатиб тураверган. Бу ерга жойлашган омонат кассада қирқ йил хизмат қилган марғилонлик Акрамжон ҳожи ота шундай ҳикоя қилади:

«Бу ернинг муқаддас ва «нозик» жой экани бизга яхши маълум эди. Шунга кўра, тез-тез дуойи фотиҳа қилиб турар эдик. Ҳамма ҳам англаб етавермайдиган сирли ҳолатлар кўп бўлган. Бу ерда жуда ҳам хушёр ва эҳтиёткор бўлиш керак бўлган. Бепарволик қилган кишиларнинг «тура олмай» чиқиб кетганига гувоҳмиз. Бу ҳақда ходимларга ҳам қаттиқ тайинлар эдик. Жума кунлари кекса ёшли кишилар келишиб, мендан бу ерда дуойи фотиҳа қилишлари учун рўхсат сўрашар эди. Мақсадлари ҳосил бўлгач, хурсанд бўлиб чиқиб кетишар эди.

Бу ҳол ўтган асримизнинг саксонинчи йилларигача давом этган. Кейин билсам, улар бу масканда таълим олган уламолар бўлиб, Марғилонга жума намозига келган қўшни қишлоқлик кишилар экан».⁶¹⁸

Хонақоҳ мадрасасида таълим олган талабалардан Тошпўлат ҳаким Раҳматуллабек ўғли ҳам тез-тез бу ерга келиб, дуойи фотиҳа қилиб кетиши, ҳар гал келганида бу ерни нозик экани ва уни покиза ва озода тутиш зарурлигини таъкидлашлари ҳам шундан. Чунки у зот ҳам талабалик пайтини шу муборак масканда Ҳазрат Домла ҳузурларида ўтказган эдилар.

Кўриниб турибдики, «файзи зоҳир» бўлган Хонақоҳ ва унинг дилларга муҳрланган баҳраси уни билган ва унга

⁶¹⁸ Р.Файзуллаев.Маноқиб материаллари. Марғилон – Ёвқочар. 1998.

алоқадор бўлган кишилар қалбида узоқ йилларгача сақланиб қолган.

*«Вирдҳойи анжуман то ҳашир бошад атр рез,
Бар димоғи аҳли миллат дур аз боди завол.»⁶¹⁹*

Яъни, бу анжуман гулларининг хуш бўйи то қиёмат қадар аҳли миллат димоғига бўй таратадирки, ҳаргиз завол бодига учрамас, дейилганда айна ҳақиқат айтилган эди.

Хонақоҳ масжиди Иккинчи жаҳон уруши даврида

Яқин тарихдан маълумки, иккинчи жаҳон уруши айна қизиган паллага кирган йили собиқ Иттифоқда Марказқўм томонидан мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган диндор фуқароларга улардан тортиб олинган ибодатхоналарнинг баъзиларини зудлик билан қайтариб бериш ҳақида буйруқ чиқади.⁶²⁰ Бу борада олима А.Тоғаеванинг маълумотлари муҳим. У шундай ёзади: «1940-йилларнинг бошларида совет ҳукуматининг диний ташкилотлар, жумладан, диний таълим муассасаларига нисбатан сиёсатида ижобий ўзгаришлар рўй берганлиги кузатилади. Бу ўзгаришлар Иккинчи жаҳон уруши туфайли юзага келган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият билан боғлиқ бўлиб, бу даврда диний таълим тизими чекланган доирада тиклана бошлаганлигини кўриш мумкин».⁶²¹ Тоғаевага кўра бу: «... уруш фожияларидан руҳан эзилган халқни маънавий қўллаб-қувватлаш, диний эътиқоднинг ватанпарварлик хусусиятларидан фойдаланиш, ташқи душманлар устидан ғолиб чиқиш учун ички кучларни бирлаштириш мақсадида давлатнинг динга нисбатан сиёсатида бир оз илиқлик ва ён бериши...», эди.⁶²²

Шунга кўра, Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари диний идораси ташкил этилиб, ҳар бир вилоятда оз сонли масжидлар очилиш ишини кўриб чиқди. Бу ўша даврда кечиктириб бўлмайдиган зарурий эҳтиёж эди. Фарғона вилоятида очилиши керак бўлган масжидлардан бири Марғилон шаҳрида бўлиши керак эди.

Мазкур масжид шаҳарнинг қайси масжиди бўлиши

⁶¹⁹ №7-қўлёзма. 55-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶²⁰ Гафуров У. Ўзбекистонда диний таълим тарихини ўрганиш масалалари. Тошкент Ислам университети. Илмий-таҳлилий ахборот. 2003, 3-сон. 32-б.

⁶²¹ Тоғаева А. 1940–1970 йилларда Ўзбекистонда диний таълим тизими ҳолати.

⁶²² Тоғаева А. 1940–1970 йилларда Ўзбекистонда диний таълим тизими ҳолати.

ҳақида кўп мулоҳаза ва мунозаралар бўлган. Ҳар ким ўз фикрини айтар эди. Кўпчилик Пўстиндўз маҳалласида жойлашган масжидни тавсия қилади. Аммо баъзи сабабларга кўра у рад этилади. Хуллас, маслаҳатлардан сўнг (ваҳоланки, бу пайтда ортиқ маслаҳатлашишга ҳам вақт йўқ эди,) очилиши керак бўлган жомеъ бу – Хонақоҳ масжиди бўлишига қарор қилинади. Масжид очилади.

Шундай қилиб, Хонақоҳ масжиди ўша даврда бутун Марғилон ва унинг атрофида мавжуд бўлган кўплаб қишлоқларда яшовчи мўмин-мусулмонлар учун яна зиё ва маърифат масканига айланди. Масжиднинг қайта очилиши билан гўё Ҳазрат Домла хонақоҳларининг фаолияти қайта бошланган эди. Гарчи бу билан мадраса ва хонақоҳдаги тасаввуфий таълимга рухсат бўлмаган бўлса-да, масжиднинг ўзи маълум даражада улар вазифасини ҳам бажарган эди.

Бир нарса эътиборлики, ушбу жараёнда айнан, Хонақоҳ масжидининг очилиши ҳам илоҳий ҳикматдан холи бўлмаган. Негаки, ўша даврда шаҳарда Хонақоҳ масжидидан кўра мустаҳкамроқ ва қулайроқ масжидлар ҳам кўп бўлган.

Хонақоҳ масжидининг қайта очилиши шаҳар халқи учун катта воқеа бўлган. Буни кўзларда ёш билан кутиб оладилар. Салгина олдин ўзининг уч юзга яқин масжидлари, эллиқдан ортиқ мадрасасидан ажраган шаҳар халқининг дарду алами чексиз эди. Бу уларнинг ана шу дардларига оз бўлса-да малҳамдек бўлган. Буни улар: «*Очилди бахтимиз қайтиб эришдик бу саодатга...*»,⁶²³ дея қарши олишган. Бу хурсандлик уларни турли шеърлар, мадҳиялар ёзишларига ҳам туртки бўлган. Қўлимизда масжиднинг очилишига шукрона тарзида ёзилган асарлардан Фидойининг қуйидаги манзумаси бор.

Шукрона

*Бихамдиллоҳ Назорат Дини ислом барқарор ўлди,
Ҳукумат раҳбарлари ҳам жумла элга эътибор ўлди.*

*Ҳукумат ҳукмида тасдиқланиб масжид билан минбар,
Мувофиқ Ҳақ каломига ибодат ошкор ўлди.*

⁶²³ Қорий Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №14-кўлёзма.

*Намозу рўзалар барпо мусулмонликни ҳукмидир,
Кимики анга таъхир этмади ул неку кор ўлди.*

*Тиловат ояти Қуръон масоиллар бўлиб ҳар дам,
Муравваж масжидимиз муқтадомиз номудор ўлди.*

*Бихамдиллоҳ Ислом дини Оламда мунаввардур,
Қуёшни шуъласидек қайга етди сабзор ўлди.*

*Худовандим ҳамиша сақласун ҳифзу ҳимоятда,
Зиёвуддин Муҳаммад дини ичра тождор ўлди.*

*Ёнида ходими динлар ҳамиша барқарор ўлсун,
Назорат Дини Ислом хизматига кимки ёр ўлди.*

*На учун эй Фидоий, сен ўзинг масжидда камдурсан,
Ёшинг кетти, ёвуқ етди, соқол оқи барор ўлди.⁶²⁴*

Хонақоҳ масжиди Абдулҳамид махдум даврида

Марғилонда очилган масжид шаҳарнинг марказида бўлиши бу ерда хизмат қиладиган ходимларни шаҳар ва унинг атрофидаги аҳолининг маънавий эҳтиёжига яраша бўлишини тақозо этарди. Шундай ҳам бўлди. Маслаҳатлардан сўнг бу хизматга ўша даврнинг йирик уламоларидан инқилоб йилларида шаҳардаги Мўйи муборак масжиди⁶²⁵да имоматлик қилиб, машҳур бўлган Абдулҳамид махдум муносиб топилади. Қолаверса, махдум домла масжид очилишида ғайрат кўрсатган кишилардан бири эдилар.

Абдулҳамид махдум устозлар таклифни қабул қилдилар ва ҳеч иккиланмай бу масъулиятли вазифани зиммага оладилар. Бу ўша даврда махдум поччадан содир бўлган катта жасорат эди. Негаки, кечагина ўзи каби юзларча илм ва зиё аҳлларининг бошига не-не аламларни солган, уларни оммавий қирғин қилган ўша давр ҳукуматининг фаолиятида пайдо бўлиб қолган бу «юмшаш»лик остида, яна қандай найранг ва ҳийлалар борлигини ҳеч ким билмас эди. Қолаверса, махдум поччанинг ўзлари ҳам шунгача бу каби «хужум»ларга бир неча марта нишон бўлган эдилар. Лекин Аллоҳ йўлида хизмат қилишга муҳаббат бу каби мулоҳазалардан устун келади.

⁶²⁴ Фидоий Марғиноний. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

⁶²⁵ Мазкур масжид ҳозирги шаҳар марказидаги музей ўрнида бўлган.

Абдулҳамид махдумнинг мазкур хизматга келишидан шаҳар халқининг хурсандлиги уларнинг қуйидаги сўзларида акс этган.

*Худовандим атоси бизлара Махдум имом ўлди,
Очилди бахтимиз, қайтиб эришидик биз саъодатга.*

*Илоҳий пойдор ўлсун имоматлик мақомида,
Қилиб ваъз-насиҳатлар айласунлар қилган одатга.*

*Ярашган Хонақоҳнинг масжидига ҳазрати Махдум,
Имоматлик хатибликда муносиб бўлди қоматга.*⁶²⁶

Бу шодлик ва ҳаяжонни тушуниш қийин эмас. Бу уларнинг оммавий-расмий тарзда ибодат қилишга ташналигидан эди. Ҳозиргача марғилонлик кексаларнинг қалбида масжиднинг Абдулҳамид махдум давридаги манзаралари сақланиб қолиши шундан. Абдулҳамид махдум Хонақоҳ масжидида кишилар ўйлаганидан ҳам яхшироқ хизмат қиладилар. Бу у зотнинг илмга, дин хизматида рағбатли эканларидан эди.

Шу ўринда Абдулҳамид махдум ҳақларида тўхталиб ўтсак. Бу зот 1887 йилда Марғилоннинг Эшонгузар маҳалласида зиёли оилада дунёга келганлар. Оталари Султон Ғози ҳожи ўша даврнинг маърифатли кишиларидан эди. Боболари Абулқосим Бек Заркент қишлоғидан. Эшонгузар қишлоқ «Қувур боши» масжидида 1898–1918 йиллар давомида имом-хатиб бўлиб хизмат қилганлар.

Махдум домла ёшликларида Қуръони каримни тўлиқ ёд олгач, Қаландархона мадрасасида Муҳаммаджон қори домла кўлида таълим олганлар. Зеҳн ва қобилиятлари кучли эканидан кўплаб талабалардан ўзиб кетганлар. Тез-тез чилла ўтириб, дарс такрор қилганликлари айтилган.

Махдум домланинг илмий фаолиятлари жуда эрта бошланган. Аввалига, Жаҳр масжидда тўрт йил имомлик қилиб, у ердан шаҳар марказидаги Мўйи муборак масжидига хизматга ўтадилар ва ўн йилдан ортиқроқ турадилар. 1925–28-йилларда эса Ётиқтут масжидида фаолият олиб борганлар. Имом-хатиблик даврида ҳам дарс бериш ишларини тўхташиб қўймадилар. Хузурларига кўплаб талабалар келиб турган. Қирғизистоннинг Қорасув қишлоғидан қирғиз муллалар ҳам келиб дарс олгани айтилган.

⁶²⁶ Қорий Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №14-кўлёзма.

Домланинг камолотига оталарининг дуолари сабаб бўлганини эслатиш жоиз. Айтилишича, ҳаж сафарида Аллоҳдан фарзандларига ладуний илм беришини сўраб дуо қилган эканлар.

Оналари Ҳалима бону исмли аёл бўлиб, 1937 йилда 63 ёшда вафот этган. Уларнинг бутун фазилат ва таърифлари махдум домланинг улар вафотига ёзган марсияда келтирилган.

Ёзма маълумотларда бу зот қуйидаги сифатлар билан таърифлаганлар: «гавҳари-ноёб», «хотам намо», «комилу ак-мал», «фозилу афзал», «чироғи-дин», «мақбули-жаҳон» ва бошқалар.

Махдум домла ҳақида сўз кетганда бошқа фазилатлар қатори у зотда нотиклик санъати кучли бўлганига алоҳида урғу бериб: *«Фасоҳат ҳам балогат бобида ҳамтоси йўқ эрди»*, дея эслайдилар.⁶²⁷

Замон олими Фозилжон махдум ҳам у зотнинг бу фазилатларини эътироф этиб, суҳбатларини тинглаш учун тез-тез дарс ҳалқаларига келиб турар эканлар. Абдулҳамид махдум 1370/1950 йилда 63 ёшда вафот этганлар. Қабрлари Марғилоннинг Оқ масжид қабристонида бино қилинган.

*Сана бир минг уч юз етмишинчи соли ҳижрийда,
Сафарининг саккизи эрди кунни якишанба кунида.*

*Фасиҳи парда бўлдилар шу кун соат ўнида,
Худонинг чин қули махдумимиздан айрилиб қолдик.*

*Ёшидур олтмиш учга етган эди, билсангиз аҳбоблар,
Расулulloҳга тобе умматдин айрилиб қолдик.*⁶²⁸

Абдулҳамид махдум даврида масжидда Ҳошимжон махдум домла ҳам бирга (1943–1946 йиллар) хизмат қилганлар. Шу туфайли бу зот ҳақида ҳам тўхталиб ўтамиз.

Ҳошимжон махдум домла 1886 йилда Марғилоннинг Машҳад маҳалласида туғилганлар. Дастлаб Машҳад мадрасасида Абдуллажон махдум қўлида таълим олганлар. 30 та ҳужрага эга мазкур мадраса шаҳарда ўз ўринга эга бўлган. Кейин, Самарқандда Шердор мадрасасида таълим оладилар. Марғилонга келгач, Холмуҳаммад қори домла-

⁶²⁷ Жалолоддин Қорий Марғинович. № 25-қўлёзма. 96-б.

⁶²⁸ Қорий Марғинович. № 25-қўлёзма. 102-б. Р. Файзуллаев кутубхонаси.

да таълим олганлар. 1946 йилдан Шоҳимардон масжидида, кейин Тошкент вилояти Тўйтепа туман масжидига имом-хатиб бўлиб борганлар. 1953 йили Қўқонга бориб, у ердаги Норбўтаҳоннинг Чалчиқ номли жомеъ масжидида имомлик қиладилар. 1955 йилда Самарқанд жомеъ масжидида, умрларининг сўнгида эса Марғилоннинг Туттаги масжидида ўн йилдан ортиқ имом-хатиблик хизматида турганлар. 1962 йилда оз сонли кишилар қатори муборак ҳаж сафарига боришга муваффақ бўлганлар. 1972 йилда вафот этганлар. Жанозалари Соли хожи домла бошчилигида адо этилган.⁶²⁹

Абдулҳамид махдум вафотидан кейин масжидга Мушаррафхон охунд домла имом бўладилар.

Хонақоҳ Мушаррафхон охунд домла даврида

Мушаррафхон охунд Муҳиддинхон эшон ўғли. 1896 йилда Марғилоннинг Терактаги маҳалласида туғилганлар. Оталари Муҳиддинхон эшон ўз даврининг маърифатли кишиларидан бўлган. Охунд домланинг фаолияти Марғилоннинг Ёнғоқзор маҳалла масжидида имоматликдан бошланган. Кейин машъум кунлар туфайли масжидлар ёпилади. 1943 йилда Хонақоҳ масжиди очилганида Абдулҳамид махдумга имом ноиби вазифасида хизмат қилганлар. Охунд домланинг маънавий қиёфаларини ўша давр ёзмаларида шундай кўрамыз:

*Хатибу муқтадо эрди, ярашган сурати зебо,
Муносиб афзалидин, латофатлар қилиб пайдо.*

*Ки тафсиру ҳадислардан, ҳама амри шариатни,
Маъориф амри маъруфин, этиб элга бўлиб зўё.⁶³⁰*

Ёки,

*Олийҳиммат, софдил, ҳам бетакаллуф ўзлари,
Анбиё ахлоқлик, юзи очиқ ҳар кимсага.*

*Чин кўнғил бирлан чиқиб минбар сари ваъз айлағай,
Нафъ олур мўмин-муслмон охират савдосига.⁶³¹*

Мушаррафхон охунд даврида ҳам Хонақоҳ масжиди

⁶²⁹ Р.Файзуллаев. Манокиб материалари. Марғилон – Машҳад. 2002.

⁶³⁰ Муфаззал махдум. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-ийғма жилд.

⁶³¹ Қорий Марғинович Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 25-қўлёзма. 8- б.

ҳар жихатдан гуллаб-яшнади. Чунки, бу давр Мукаррамхон тўра Хон бува (ваф. 1959), Фозилжон махдум (ваф. 1955), мулла Аҳмаджон охунд (ваф. 1959), мулла Аббосхон қори (ваф. 1960), мулла Нуриддин махдум домла (ваф. 1962), Миряхё қори домла (ваф. 1961) каби ўша давр Марғилон маънавий муҳитини белгиловчи буюк уламоларнинг фаолият даври эди. Улар бевосита ва билвосита Хонақоҳга алоқадор кишилар бўлишган.

Охунд домла даврида Хонақоҳ масжидида икки муҳим иш амалга оширилди. Бири намозхонларга қулайлик яратиш мақсадида масжид хонақоҳи олдига қурилган айвон бўлса, иккинчиси минора қурилиши эди. Бу икки иншоот ўша давр шароитига кўра катта воқеа бўлгани аниқ. Шу туфайли му-сулмонлар тарафидан катта шодлик билан кутиб олинган. Мазкур ҳолатни уларнинг қуйидаги сўзларидан биламиз:

*Айласун раҳмат ато бирлан аносин қўл очинг,
Давлати бўлсун фузун раҳмат Мушаррафхонига.*

*Неча юз йиллар ўтиб бўлмай бу айвон олдига,
Бу бино бўлди Мушаррафхон имомин номига.*⁶³²

Минора 1959 йилда масжиднинг кун чиқар томонига саккиз метр баландликда пишиқ ғиштдан қурилган. Унинг ғишт қўйиш маросимига ўша даврнинг кўплаб олимлари таклиф этилган.

Мушаррафхон охунд домла 1962 йил 23 сентябр куни 67 ёшда вафот этганлар. Вафотларига ёзилган тарих-марсиялар қўлимизда сақланмоқда.

Хонақоҳ Соли ҳожи домла даврида

Мушаррафхон охунд домладан сўнг масжидга Соли ҳожи домла имом-хатиб бўлиб келганлар. Ёзма маълумотларда бу ҳақда шундай дейилган.

*Хатиб бўлган эдилар Марғилон жомеъсига ҳожим,
Тиловат қилсалар, сомеъ бўлиб оёти Қуръона,*⁶³³

Етук олим, ҳофизул Қуръон, гўзал савт соҳиби Соли ҳожи домла Кўчқор ҳожи ўғли 1891 йилда Фарғонанинг Аввал қишлоғида туғилганлар. Маълумотларга кўра ёш-

⁶³² Қорий Марғиноний. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №14-қўлёзма.

⁶³³ Қорий Марғиноний. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №25-қўлёзма. 487-б.

ликларидаёқ хат-саводлари чикқач, Марғилонга келиб Қаландархона мадрасасига жойлашадилар.

*Сўраб ул қиблагоҳидан ижозат олдилар қори,
Келиб бу Марғиновича истиқомат шайхи ислома.*⁶³⁴

Бу ерда «Мақсумча домла» номи билан машхур бўлган Абдурахмон домла кўлларида таълим ола бошлайдилар.

*Бор эдилар жаҳонда мисли йўқ устодким анда,
Лақаб «Мақсумча домла» исми эрди Абдурахмона.*⁶³⁵

Таълимни тугатгач, Хонақоҳга келиб Ҳазрат Домла ҳузурида таҳсилни давом эттирадилар. Сўнгра у зот ижозатлари билан Маккаи Мукаррамага ҳаж ибодатига борадилар ва у ерда Қуръон таълимини ўрганиш учун туриб қоладилар.

*Ўқиб бир неча йил илм ҳосил айлагандин сўнг,
Сафарни ихтиёр айлаб, кетиб ул байти Раҳмона.*⁶³⁶

Бу соҳада мукамал билим ҳосил қилиб қироат устозига айланадилар.

*Муҳаққиқ олим ўлдилар, ўқиб мулки Ҳижоз ичра,
Қилиб сабру қаноат, олим ўлди амру фармона.*

*Мисрму ё Ироқу ҳам, Ҳижозу Ясрибу Батҳо,
Бўлиб пайғамбаримга неча йиллар анга меҳмона.*

*Қилиб меҳнат у ерда ўзларин мақбули ом айлаб,
Кетиб бу Марғиновичдан барча қолди байтул аҳзона.*⁶³⁷

Орадан етти йил ўтиб, Ватанга қайтадилар. Ўзларининг айтишларича, бунга устоз Ҳазрат Домлага муҳаббатлари сабаб бўлган. Бу ҳақда шундай дейдилар: «Ўшанда сафардан Марғилонда Ҳазрат Домладек устозим дарс айтиб турган бўлсалар-у, у зотга хизмат қилмай бу ерда юрибман, деб қайтган эдим. Қайтиш мақсадида истихора қилиб кўрдим. Тушимга Ҳазрат Домла кириб, келаман деган одам ўйланмай, келаверади-да, дедилар. Эртасига уйғониб шерикларимга тушимни айтдим. Қайтиш олдидан уларга бир кўлбола қилиб ош қилиб бермоқчи бўлдим. Улар ошни егач,

⁶³⁴ Қорий Марғинович... 120-бет.

⁶³⁵ Қорий Марғинович... 120-бет.

⁶³⁶ Қорий Марғинович... 119-бет.

⁶³⁷ Қорий Марғинович... 119-бет.

мамнун бўлдилар. Кетишимга ҳеч розиликлари йўқ эди, бир-биримиздан ажраш жуда қийин бўлди. Шунинг учун улар менга атаб мазкур шеърни битиб, кузатиб қўйган эдилар».

*Кўнгиллар завқи тоза бўлди бул кун ошу ёгингдин,
Магар лаззатга боис бўлдим, дику ўчоғингдин,*

*Муяссар бўлди эй қорий, санга жаннатни боғидин,
Чиқор энди мамлакатни орзусини димоғингдин.*⁶³⁸

Қайтишда Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳридан ўтадилар. У ерда мусулмон ҳокимлардан бири кироатларини тинглаб, меҳри тушиб қолади ва у ерда қолишларини сўраб қаттиқ туриб олади. Ноилож, у ерда уч йил туриб қоладилар ва бу ерда ҳам кўплаб талабалар орттирадилар. Сўнгра Ватанга қайтадилар. Марғилонга келгач, Хонақоҳга келадилар ва Ҳазратнинг ижозатлари билан талабаларга Қуръони каримдан сабоқ бера бошлайдилар.

Айтишларича, Соли ҳожи домланинг шундай одатлари бўлган. Ҳар гал Қуръон ўқисалар кўзларини юммай бир нуктага қараб ўқир эканлар. Шогирдларидан бири айтади: «Бир куни устозимиз мулла Йўлдош охунд дада билан Фарғонага Соли ҳожи домла хизмат қилаётган масжидга жума намозига бордик. Ўша куни ҳам Қуръон ўқиётиб шундай қилдилар. Мен нима учун шундай қилар эканлар, деб ўйладим. Намоздан сўнг зиёратларига кирдик. Сухбат асносида ўзлари сўз очдилар: «Қуръоннинг 20 порасини Каъбага қараб ёд қилганман. Ҳар гал Қуръон ўқисам, Каъбатуллоҳ кўз олдимга келиб туради».

Соли ҳожи домла 1975 йили 4 август, 1399 ҳижрий, ражаб ойида, душанба куни, 86 ёшда вафот топганлар. Қабрлари Фарғона шаҳар «Сирпўш ота» қабристонига бино қилинган.

Соли ҳожи домла фаолияти, фазилатлари борасида бир неча ёзма асарларни топишга эришдик. Жумладан, замондошлари Жалолиддин Қорий томонидан ёзилган манзумада ҳожи домла ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар келтирилган.

Соли ҳожи домла Хонақоҳда бир муддат хизмат қилганларидан сўнг, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмон-

⁶³⁸ Мазкур шеър муҳтарам устоз ЎМИ идораси раис ноиби, шайх Абдулазиз Мансур жанобларидан ёзиб олинган. Марғилон – Тошкент. 2012.

лари диний идораси буйруғи билан Фарғона шаҳар жомеъ масжидига имом-хатиб вазифасига ўтадилар. Лекин домланинг Марғилонни ташлаб Фарғона жомеъсига кетишлари шаҳар халқига жуда оғир бўлган. Чунки улар «гавҳари қимматбахо» имомдан ажраб қолишаётганига қаттиқ ғамгин бўлганлар. Бу уларнинг куйидаги сўзларидан ҳам маълум бўлади:

*Ҳазор афсусларким, Марғилон иқболи наст ўлди,
Қолиб гафлатда бизлар кеттилар шаҳри Фарғона.*⁶³⁹

Ўшанда Марғилон аҳли дил изтиробини Фарғона халқига шундай изҳор қилган эди:

*Ташаккур айламоқ лозим сиза эй, аҳли Фарғона,
Эришдингиз саодатга бу кунда фазли Раҳмона.*

*Ато қилди Худовандим сиза бу мулку давлатни,
Имом ўлди жаҳонда йўқ анингдек аҳли фарзона.*

*Бу фурсатлар ганиматдур, очинг кўзни мусулмонлар.
Тутинг домонларини раҳнамодур аҳли исёна.*

*Алар остонасига ястаниб бошни қўйуб доим,
Қилинглар пойи гардин сурмайи қаҳли Сулаймона...*⁶⁴⁰

Хонақоҳ Ҳабибуллоҳ қори даврида

Соли ҳожи домла Фарғона масжидига кўчиб ўтганларидан сўнг, масжидга Ҳабибуллоҳ қори домла имом-хатиб бўлдилар. Ҳабибуллоҳ қори Дадажон хўжа эшон ўғли 1901 йилда Марғилоннинг Галахумдон маҳалласида туғилганлар. Ёшликларидаёқ Куръони каримни ёд олиб хушсухан қори бўладилар. Сўнгра Қаландархона мадрасасида Муҳаммаджон қори ва Абдурахмон домла каби уламолардан дарс тинглайдилар. Кейинроқ эса Хонақоҳ мадрасасига келиб таълим оладилар.

Тавозе ва камтарликда мумтоз бўлган мазкур зотнинг масжид минбарига келиши Марғилон халқи учун катта хурсандчилик бўлган. Ҳабибуллоҳ қори домла масжидда ўн йилдан ортиқ имом-хатиблик вазифасида турадилар. Қори домланинг баъзи фазилатлари у зотга ёзилган таърифларда ўз аксини топган. Жумладан, Ғурбатий шундай ёзади:

⁶³⁹ Қорий Марғинович, Р.Файзуллаев кутубхонаси. №25-қўлёзма. 387-б.

⁶⁴⁰ Қорий Марғинович... 388-б.

Мадҳия

Эй кўзумнинг қароси, ҳам дардимизга дармонсиз,
Мулки таннинг шоҳисиз, тахти узра султонсиз.

Мақдаминг бошим узра лутф ила карам айлаб,
На бўлур қадам ташлаб кулбамизга меҳмонсиз.

Ёд этиб бир келсангиз, гул юзингиз кўрганда,
Бизга ул кун бўлгуси мисли ийди қурбонсиз.

Умрингиз дароз ўлсун, фазли Ҳақ бўлиб ёвар,
Ўтказиб жаҳон ичра соли моҳи давронсиз.

Даҳр аносидан ҳаргиз тузмади сиздек ўғил,
Гўйиё садаф ичра ҳамчу дурри галтонсиз.

Кечаларда ёд айлаб, Ҳақ каломини доим,
Дев ила шаётинга мисли тиги парронсиз.

Қорилар қиёс этсам, барча бўлсалар кавкаб,
Осмони дунёда ҳамчу моҳитобонсиз.

Тангримиз насиб этса бўстони жаннатдин,
Бўйи ҳавзи кавсарда андалиби ризвонсиз.

Васфингизни доимо Гурбатий қилур ифшо,
Номингиз Ҳабибуллоҳ қори, ҳифзи қуръонсиз.⁶⁴¹

Фарғона шаҳар жомеъ масжидида узоқ йиллар имом-хатиблик хизматида турган Зокиржон охунд домла Ҳабибуллоҳ қорига қуйидаги маснавийни ёзиб жўнатган эдилар.

Маснавий

Ассалом, раҳмат салом, раҳмат салом,
Марғилонни хатиби ҳоли киром.

Ҳабибуллоҳ жаноб ҳазратки қорий,
Улуғ Тангрим ўзи бўлсунки ёрий.

Саодат бахту иқболдан нишона,
Ҳарамайнга бориб қўйсун фашона.

⁶⁴¹ Баёзи Гурбатий... 256-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

*Муҳаббат аҳли доим йўлларида,
Қалом Ҳақ даволат қўлларида.*

*Бу шаҳри Марғилонда олий жомий,
Ҳабибуллоҳ жаноб қорийки номи.*

*Улуғ Танғримни фазли гавҳар этган,
Каломуллоҳ билан мақсадга етган.*

*Шукр қилса неъматни бўлгай фузун,
Фазли бирла умрини қилсун узун.*

*Саломатлик саодатлик замони,
Муҳаббат билдириб ёздики Моний. (1973 йил.)⁶⁴²*

Ҳабибуллоҳ қори домла 1977 йил 17 август, рамазон ойида 76 ёшда вафот этганлар. Жанозалари Хонақоҳ масжида Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон⁶⁴³ бошчилигида адо этилган. Хожа Эгиз қабристонига дафн қилинганлар.

Хонақоҳ Собиржон ҳожи домла даврида

Ҳабибуллоҳ қори домла вафотидан кейин масжидга Собиржон ҳожи домла Муҳаммад Амин (Эминжон) ўғиллари имом-хатиблик хизматига ўтадилар. Ҳожи домла аслида бу ерга 1968 йили Бухоро Мир Араб мадрасасини битириб имом-хатиб бўлиб келган эдилар. Лекин шундай бўлишига қарамай, устоз Ҳабибуллоҳ қори домлага ноиб сифатида ишлаб келганлар.

Бу зотнинг минбарга чиқиши шаҳар халқи учун катта хурсандлик бўлади. Негаки, домлани устоз Ҳабибуллоҳ

⁶⁴² № 2-йиғма жилд. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶⁴³ Шайх Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон. 1908 йилда Тошкентда туғилганлар. 12 ёш Қуръони каримни тўла ёд олганлар. 1920 йили Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасига ўқишга кирадилар. Бу ерда Шайх Муҳаммад ибн Саид ибн Абдулвоҳид Асалий Шоший Тараблусийдан ҳадис, фикҳ илмини ўргандилар. 1943 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати таъсис этилган кундан масъул котиб вазифасига қўйиладилар. 1947–1948 йилларда Қоҳирадаги «ал-Азхар» дорилфунунда, сўнгра Макка, Мадина шаҳарларида таҳсил олганлар. 1948 йилда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний назорати раисининг ўринбосари, 1957 йилда эса унинг раиси ҳамда муфтийси этиб сайланди ва умрларининг охирига қадар ана шу вазифада самарали ишлайдилар. 1982 йил, 74 ёшида вафот этиб Қафқол Шоший мақбарасига – оталари Эшон Бобоҳон ҳазратлари ёнига дафн этилганлар.

қори домлага эҳтиромлари у зотни шаҳар аҳлининг қалбига чиройли кўрсатган ва шу туфайли улар дилидан мустаҳкам жой олган эдилар. Бунга у зотнинг камтар ва юксак ахлоқ соҳиби эканлари сабаб бўлган.

Ҳожи домла масжидга келган дастлабки кунларини эслаб, шундай дейдилар: «Мадрасани битириб келганимизда бизни мухтарам устоз Ўзбекистон Мусулмонлари идораси (ўша даврда Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний назорати) раиси, муфтий ноиби Исмоил махдум Сотти охунд ўғли масжидга олиб келдилар. Жума намози олдидан суҳбат қилгач, бу ерга янги имом-хатиб келганини жамоатга маълум қилдилар ва суҳбат сўнгида менга ўрнимдан туриб жамоатга кўриниш беришимни айтдилар. Икки кўлим кўксимда ўрнимдан туриб жамоатга таъзим қилдим. Не кўз билан кўрайки, масжид саҳни буюк сиймолар, нуроний юзли чехраларга тўла эканидан гўё масжид ичини қуёш нури тўлдириб, уфуриб турганидек кўринди. Улар ҳайбатидан вужудимдан қувват кетиб, ўзимни йўқотдим. Агар устоз «ўтиринг», демаганларида йиқилишим аниқ эди...

Ушанда мен: «Наҳотки Марғилондек даҳо зотлар ўтган шаҳарга мен муктадо бўлиб келаманми, шу буюк зотларга энди мен имом бўламанми, деган ўй эзиб, йиғлаган кунларим кўп бўлган».⁶⁴⁴

Шу ўринда бир воқеани айтиш ўринли. Биз маълумот йиғиш мақсадида кўплаб улуғ ёшли кишилар билан суҳбатлашган чоғимиз, марғилонлик юз ёшни қоралаган Имомназар ота мулла Қурбон ўғли куйидаги воқеани эслган эдилар:

«Етмишинчи йиллар эди. Бир куни Хабибуллоҳ қори домла бемор бўлиб жумага кела олмадилар. Мулла Собиржон ҳожи домланинг янги келган вақтлари эди. Ўрниларига суҳбат қилиб, намозни адо қилдилар. Суҳбатни устозга одоб ва хурмат мақомида ўта камтарлик билан олиб бордилар. Йиғилган жамоат ҳам буни эътироф этди. Чунки ўша даврда жамоат дил кўзи очик валий зотлардан холи эмас эди. Улар назарининг ўзиёқ кишини «у» ёки, «бу ёқлик» қилиши аниқ эди. Жумага келганлар суҳбат файзидан кўра Ҳожи домла одобидан кўпроқ таъсирланиб тарқалишди. Чунки масжидга бутун вужуди билан боғланган кишилар қалбида, мас-

⁶⁴⁴ Р. Файзуллаев. Маноқиб материалари. Марғилон – Ширмонпаз. 2004.

жид янги келган имомни «қабул қилиш» ёки «қилмаслиги» ҳақида ўй-фикрлар бўлиши табиий эди.

Бугун ҳожи домла мазкур имтихондан юксак баҳо билан ўтган эдилар. Бу нарса менга равшан маълум қилингани ҳам ибратли. Ўша кунни тушимда Хонақоҳий Ҳазрат Домла масжидга кириб келдилар ва айвон олдида қурилган мослама-пирамондан масжид калидини олиб, хурсанд ҳолда Ҳожи домлага топшириб кетдилар. Буни Ҳожи домлани бу ерга келишларига бу ерда ўтган улуғларнинг розилик аломати деб, билган бўлдик».⁶⁴⁵

Маҳаллий халқнинг Хонақоҳ масжидида хизмат қилаётган имом-хатибларга илиқ муносабатларига қуйидаги воқеа ҳам мисол бўла олади. Айтишларича, Собиржон ҳожи домла масжидга имом-хатиблик вазифасига келган дастлабки пайтларида ҳузурларига Марғилоннинг Туттаги маҳалласида истиқомат қилган мулла Аҳмаджон ота Холикжон маҳдум ўғли кириб келадилар ва самимий муҳаббат тақозосича бир тўртликни ўқиб берадилар. У зот Ҳожи домлани масъулиятли вазифа билан муборакбод этиш билан бирга, мазкур меҳроб унда турган кишилар учун тенгсиз шараф эканини ҳам эслатган эдилар. Аброрлардан биридан нақл қилинган деб, айтган ўша мисралари қуйидагича эди:

*Шуким, меҳроби ирфона кечиб, халққа имом ўлди,
Юзи қибла, ўзи каъба, сўзи Ҳақдан калом ўлди,
Шараф илми илоҳийдир, ҳақиқат руҳи инсона,
Бу шараф арбобини тақи нуқсонни тамом ўлди.*⁶⁴⁶

Мулла Собиржон ҳожи домла қирқ тўрт йилдан ортиқ Марғилон ва унинг атрофидаги кўплаб туман ва қишлоқ аҳолисига самимий хизмат қилдилар. Давроннинг энг аянчли ва қаттиқ кунларида дин-давлат муносабатларида оқилона ва ҳақимона йўл тутиб ишлаб келдилар. Салкам ярим аср давомида шаҳарнинг расмий диний хизматлари асосан, Ҳожи домла томонидан адо этилган. Бу хизматлар ўз-ўзидан Хонақоҳ масжиди ва мадрасасида ўтган буюк зотларнинг хизмати эди гўё.

⁶⁴⁵ Р. Файзуллаев. Маноқиб материалари. Марғилон – Ёвқочар. 2011.

⁶⁴⁶ Р. Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Занжирли масжид. 2013.

Бу зот фаолияти даврида масжидда мисли кўрилмаган қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. 1980 йилда масжиднинг шимол томонига икки қаватли бино шарқона кўринишда қурилади.

1985 йилда эса масжиднинг кун чиқар томонига учинчи йўлдош бино – икки қаватли намозхона ва таҳоратхона қуриб ишга туширилади. 1988 йилда эса масжиднинг жануб томонига уч қаватли учинчи йўлдош бино қурилиши бошланади. 1989 йилда эса масжид саҳнига шарқона кўринишда ёзги айвон қуриб битказилади.

2009 йилда эса масжиднинг қадимий биноси ўрнида янги хонақоҳ ва айвон қурилиши бошланиб тез фурсатда қад ростлайди. Ўта маҳобатли ва шарқона кўринишда қурилган мазкур хонақоҳ бугун нафақат шаҳар ва водий халқи балки бутун мамлакатимиз мусулмонлари учун табаррук масканга айланган.

Масжидни таъмирлаш ишлари якунига етганида қадимдан келаётган анъанага мувофиқ унга андижонлик Абдуқаҳҳор домла тарафидан қуйидаги тарих ёзилди ва уни масжиднинг қадимий йўлаги пештоқига битиб қўйилди.

*Бонийи масжиди сахий, тарихи бўлди муттақий,
Таъмири масъуди бўлса, акси бўлғайдур шақий,
Ким бино этмиш Худонинг байтини, қурмиш анга,
Қасри марфуъ жаннат ичра бўлғай анга муртақий,
Ҳар жади́д бўлғай лазиз, таъжидиди масъжиддур алазз,
Шул сабаб бўлсун «алазз», тарихи таъжидид эй, тақий.*

Шунга кўра, тарих моддаси «алазз» («лаззатлироқ, ширинроқ») сўзи бўлиб, у хижрий 1431, милодий 2010 йилга тўғри келади.

Тарихнинг мазмуни шундай: Мазкур масжиднинг саховатли қурувчисининг тарихи «муттақий – тақводор» киши бўлди. Масжидни обод қилувчи саодатли бўлса акси, яъни уни вайрон қилувчиси эса бебахтдир. Ким Аллоҳнинг уйини бино қиладиган бўлса, унга жаннатда олий қаср бино қилинади. Ҳар бир янги нарса лаззатли – ширин, аммо масжиднинг янги бўлмоғи эса ундан-да ширин. Шу боис унинг тарихи ҳам «алазз», яъни «лаззатлироқ» сўзи бўлсин.

2011 йилда Ҳожи домла кўп йиллик хизматлари муносиб тақдирланиб, Ўзбекистон Мусулмолари Идораси томонидан бутун вилоятимизнинг «фахрий имоми» унвонига

сазovor бўладилар. Сўнгги икки йил ичида эса масжидда Собиржон ҳожи домланинг бевосита раҳбарликлари остида устоз Асадуллоҳ домла Оллоҳберди ўғли бу ерда ўтган буюк зотларнинг кенжа вакили сифатида имом-хатиб вазифасида хизмат қилдилар.

Кўриниб турибдики, Хонақоҳ биноси ва масжиди қад ростлаган кунидан бери дину миллатга, илм ва маърифатга хизмат қилиб келган. Унинг фаолият даврини қиёсий ҳолда қуйидагича белгилаш мумкин:

- XVII асрнинг иккинчи ярми – қурилган даври;
- XVII асрнинг охири – мавлоно Муҳаммад Довуд (қ.с.) ва у зот сафдошларининг фаолият даври;
- XVIII асрнинг иккинчи ярми Абдурраҳим эшон Сармозор ҳазрат (қ.с.) ва у зот сафдошларининг даври.
- XIX асрнинг биринчи ярми – Катта ҳазрат мавлоно Муҳаммад Карим (Абдулкарим) (қ.с.) фаолият даври;
- XIX асрнинг иккинчи ярми – Калон ҳазрат мавлоно Абдулкарим (қ.с.) фаолият даври;
- XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошигача Хонақоҳий Ҳазрат домла (қ.с.) фаолият даври;
- 1918 йилдан 1928 йилгача мавлоно халифа Муҳаммаджон Асака домла ва Ҳожи Каримжон домла (қ.с.) фаолият даври;
- 1928 йилдан 1943 йилгача мусофирхона;
- 1943 йилдан омонат касса;
- 1945 йилдан ҳозиргача халқ банки.
- 1943 йилда Хонақоҳ масжиди очилиб, ҳозиргача фаолият олиб бормоқда.

Масжиднинг очилишини Хонақоҳнинг фаолияти, деб қабул қилсак, айтилганидек, бу муборак маскан қурилган кунидан бошлаб халқимиз маънавияти, муқаддас динимиз равнақиға хизмат қилиб келаётгани англашилади. 1943 йилдан 1989 йилгача Марғилон шаҳри ва унинг атрофидаги кўплаб қишлоқ мўмин-мусулмонлари икки ҳайит, жума ва кундалик беш вақт намозларини асосан, ушбу масжидда адо этиб келганлар.

Ҳозирда ҳам мазкур масжид ўзининг файзи футуҳи билан шаҳардаги бошқа масжидлардан ажралиб туради. Унга кирган ҳар бир киши беихтиёр бу ерда ўтган азиз зотлар файзини топгандек бўлади. Биз масжиднинг файзи янада

зиёда бўлишини ва қиёматга қадар муқаддас динимиз ва му-
сулмонларга хизмат қилишини Яратгандан тилаб қоламиз.

Ҳозирги кунда ҳам Марғилон шаҳрида 26 та жомеъ
масжиди расман фаолият кўрсатмоқда. Уларда устоз имом-
хатиблар Мулла Собиржон ҳожи домла Муҳаммад Амин
ўғли, Мулла Нуруллоҳон домла Мулла Абдулфаттоҳ ўғли,
Мулла Абдулфаттоҳ домла Лукмонжон ўғли, Мулла Рустам-
жон домла Расулжон ўғли, Мулла Муҳаммад Мусо домла
Абдуллатиф ўғли, Мулла Зокиржон домла Тоштемир охунд
ўғли, Мулла Собиржон Нормуҳаммад ўғли ва бошқалар
Ўзбекистон Мукулмонлари Идорасининг Фарғона вилояти-
даги вакили устоз Турсунтоҳир домла бошчилигида шаҳарда
ўтган буюк зотларнинг ворислари ўлароқ халқимиз маъна-
вияти ва маърифати йўлида хизмат қилмоқдалар.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ МАДРАСАЛАРИ

Ҳозиргача биз Хонақоҳ мадрасаси ҳақида турли маълумотларни бериб келяпмиз. Энди эса бу ҳақда тўлиқроқ тўхталиб ўтамиз. Айтиш мумкинки, Хонақоҳ мадрасаси ўз даврида Марғилондаги мавжуд мадрасалар ичида нуфузи ва ўрнига кўра биринчи ўринда турган. Тарихий маълумотларда ўша даврда Марғилонда 57 та мадраса бўлгани айтилган.⁶⁴⁷

Архив ҳужжатларида Марғилондаги мавжуд мадрасалардан Узун ҳовуз мадрасаси, Домулла Турсунмуҳаммад Охунд мадрасаси, Намозгоҳ мадрасаси, Муштарий ойим мадрасаси, Бобоҳон қози аскар мадрасаси, Ҳасайни Хусайни Хожа эшон мадрасаси, Шайх ул-ислом Бобоҳон мадрасаси, Ҳасанхожи қози калон мадрасаси, Домулла Абдукарим халифа мадрасаси, Абдуваҳоббой мадрасаси, Ҳазрати Муоз ибн Жабал мадрасаси, Исмоил Махдум мадрасаси, Аҳмадбой бойвачча мадрасаси, Сарикбой мадрасаси, Эски Подшоҳ Искандар мадрасаси, Янги Подшоҳ Искандар мадрасаси, Домулла Мир Муҳаммад Амин қозикалон мадрасаси, Кўкмозор мадрасалари ҳақида маълумотлар келтирилган.⁶⁴⁸

Булардан ташқари, Гўри аввал, Холмуҳаммад додхоҳ мадрасаси, Шарифбой мадрасаси, Чукур мадраса, Хожа Форсо, Ёр оталиқ мадрасаси, Қози калон мадрасаси ва Пурсиддиқ мадрасалари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.⁶⁴⁹

Марғилондаги мавжуд мадраса, қорихона ва хонақоҳлар учун ажратилган вақф ерларини қайси ҳудудларда жойлашганлиги тўғрисида С. А. Геппенеръ куйидагиларни келтиради:

1. Марғилон шаҳридаги Узун ҳовуз мадрасасининг вақф ерлари майдони – 8 десятина. Аввал қишлоғи ҳудудида.
2. Марғилон шаҳридаги Ҳасанбой масжидининг вақф

⁶⁴⁷ Бушков В.И. Сельские мечети Среднеазиатского междуречья// Среднеазиатский этнографический сборник. – М.: «Наука», 2001. С.119.

⁶⁴⁸ Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеленский уезд. Составиль С. А. Геппенеръ. Г. Новый Маргелань, 1899.

⁶⁴⁹ Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари... 271-б.

ерлари майдони – 15 десятина. Бой маҳалла қишлоғи худудида.

3. Марғилон шаҳридаги Жомеъ масжидининг вақф ерлари майдони – 6 десятина. Бой маҳалла қишлоғи худудида.

4. Марғилон шаҳридаги Султон Муродбек қорихонасининг вақф ерлари майдони – 69 десятина. Пакана қишлоғи худудида.

5. Марғилон шаҳридаги Домулла Турсунмуҳаммад Охун мадрасасининг вақф ерлари майдони – 74 десятина. Пакана Қақир қишлоғи худудида.

6. Марғилон шаҳридаги Домулла Турсунмуҳаммад Охун мадрасасининг вақф ерлари майдони – 16 десятина. Аввал тожик қишлоғи худудида.

7. Марғилон шаҳридаги Намозгоҳ мадрасасининг вақф ерлари майдони – 13 десятина. Аввал тожик қишлоғи худудида.

8. Марғилон шаҳридаги Домулла Турсунмуҳаммад Охун мадрасасининг вақф ерлари майдони – 528 десятина. Кокилон қишлоғи худудида.

9. Марғилон шаҳридаги Муштарий ойим мадрасасининг вақф ерлари майдони – 4 десятина. Юқори Дамқўл қишлоғи худудида.

10. Марғилон шаҳридаги Ҳасанбой масжидининг вақф ерлари майдони – 5 десятина. Қуйи Дамқўл қишлоғи худудида.

11. Марғилон шаҳридаги Муштарий ойим мадрасасининг вақф ерлари майдони – 27 десятина. Қуйи Дамқўл қишлоғи худудида.

12. Марғилон шаҳридаги Бобохон қози аскар мадрасасининг вақф ерлари майдони – 1 десятина. Лоғон қишлоғи худудида.

13. Марғилон шаҳридаги Ҳасайни Хуйсайни қози эшон мадрасасининг вақф ерлари майдони – 13 десятина. Лоғон қишлоғи худудида.

14. Марғилон шаҳридаги Бобохон шайх ул-ислом қорихонасининг вақф ерлари майдони – 29 десятина. Қақир қишлоғи худудида.

15. Марғилон шаҳридаги Бобохон қози аскар мадрасасининг вақф ерлари майдони – 12 десятина. Қақир қишлоғи худудида.

16. Марғилон шаҳридаги Бобоҳон шайх ул-ислом мадрасасининг вақф ерлари майдони – 9 десятина. Қақир қишлоғи ҳудудида.

17. Марғилон шаҳридаги Домулла Турсунмуҳаммад Охун мадрасасининг вақф ерлари майдони – 10 десятина. Қақир қишлоғи ҳудудида.

18. Марғилон шаҳридаги Ҳасанхожи қозикалон мадрасасининг вақф ерлари майдони – 19 десятина. Қўчқорчи қишлоғи ҳудудида.

19. Марғилон шаҳридаги Ҳасанхожи қозикалон мадрасасининг вақф ерлари майдони – 320 десятина. Саримирза қишлоғи ҳудудида.

20. Марғилон шаҳридаги Янги Подшоҳ Искандар мадрасасининг вақф ерлари майдони – 378 десятина. Оқтепа қишлоғи ҳудудида.

21. Марғилон шаҳридаги Янги Подшоҳ Искандар мадрасасининг вақф ерлари майдони – 285 десятина. Шакар қишлоғи ҳудудида.

22. Марғилон шаҳридаги Абдукарим халифа охун мадрасасининг вақф ерлари майдони – 37 десятина. Муён қишлоғи ҳудудида.

23. Марғилон шаҳридаги Сафилтўда қорихонасининг вақф ерлари майдони – 45 десятина. Муён қишлоғи ҳудудида.

24. Марғилон шаҳридаги Янги Подшоҳ Искандар мадрасасининг вақф ерлари майдони – 285 десятина. Янгисой қишлоғи ҳудудида.

25. Марғилон шаҳридаги Абдувахоббой мадрасасининг вақф ерлари майдони – 139 десятина. Қуйи Учқўрғон қишлоғи ҳудудида.

26. Марғилон шаҳридаги Маъоз ибн Жабал мадрасаси ва масжидининг вақф ерлари майдони – 48 десятина. Қуйи Учқўрғон қишлоғи ҳудудида.

27. Марғилон шаҳридаги Янги Подшоҳ Искандар мадрасасининг вақф ерлари майдони – 84 десятина. Қуйи Учқўрғон қишлоғи ҳудудида.⁶⁵⁰

Айтилганидек, Хонақоҳ мадрасасини марғилонлик мухлис кишилардан халқ ўртасида «Исмоил маҳдум» номи би-

⁶⁵⁰ Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеленский уезд. Составиль С.А. Геппенеръ. Г. Новый Маргеланъ, 1899.

лан машҳур бўлган саховатли савдогар курдирган. Аслини олганда, бунгача ҳам Марғилон ўзининг кўплаб мадрасалари, ундаги таълим жараёнларининг пухталиги билан машҳур эди. Шунга кўра, бу ерда янги бир мадрасанинг қурилиши аҳоли учун янгилик бўлмаса-да, аммо Хонақоҳ мадрасасининг фаолият бошлаши қувончли воқеа бўлган. Бунга уни шаҳарнинг қадимдан маърифат ўчоғи бўлган маскан Хонақоҳ ёнида қад ростлагани сабаб бўлган.

Мадрасанинг ўрни ҳақида гап кетганда, маълумотларга кўра, у шаҳарнинг қадимий бозори яқинида бино қилинган. Мазкур бозор эса ҳозирги шаҳар музейи биноси олдида бўлиб, шаҳарнинг Тешик оғиз маҳалласига қадар чўзилган. Ҳозирда унинг ўрнида маҳалла ва хонадонлар жойлашган. Дарвоқе, унинг ўрни бир савдогар бойнинг ери бўлган. У маълум сабабларга кўра Қашқарга кетиб қолгач, ўша ерда туриб бу ерда бўлаётган дарс жараёнлари ҳақида эшитиб, жойини мадраса учун бўшатиб беради, келгач, ўзи Ширмонпаз маҳалласига кўчиб ўтади.

Кўлимизда наманганлик мулла Шерали қори мулла Баҳриддин ўғлининг марғилонлик устози Муҳаммад Исабойга жўнатган мактуби сақланади. Муаллиф унда устоз зиёратидан мамнун бўлгани ва суҳбатидан баҳра олганини айтади. Афтидан, мактуб Марғилонга устоз зиёратига келиб кетгач ёзилган. Қисқагина бу мактубдан биз Хонақоҳ мадрасаси шаҳар бозори ёнида жойлашгани ва муаллиф ҳам мадраса талабаларидан бўлгани ва бу ерга Намангандан ҳам талабалар келиб таълим олганини билиб оламиз.

Намангандан мактуб

*«Дуойи салом бениҳоя ва саломи ғойибона этиб маълум бўлсинким, Муҳаммад Исабой падари бузруквори маънавийимизга. Ҳовлингизга бориб кўп хурсанд бўлдик, китоб ўқушуб ва яна Қуръон ўқушуб вақтимиз хурсанд бўлди. Доимул-авқот панж намозда дуо қилиб турибмиз. Сиз ҳам дуода бўлунг. Зиёда ассалому алайкум. Хатни олиб боргон кишидан бир дона оқ дўппи юбордим, йўқлаб олиб кийсунлар. Ҳар вақт ўзингиз бозорга тушсангиз бизни мадраса (Хонақоҳ)га киринг, бозор тушсангиз. Ушбу хат наманганлик мулла Шерали қоридан».*⁶⁵¹

⁶⁵¹ Р.Файзуллаев кутубхонаси № 1-ийғма жилд..

Ҳазрат Домланинг устозлари Абдул Карим ҳазрат ҳақидаги бобда тилга олганимиз Шарқий Туркистоннинг Қошғар вилоятидан келган Абдулғаний Қошғарийнинг мактубида муаллиф, Хонақоҳ мадрасасида турган кезлари «*мадраса мударриси, «умдатул фузало, ва «зубдатул уламо» мавлоно Муҳаммад Юсуфхон ҳазратларида шогирд бўлиб» таълим олганини айтади.*»⁶⁵²

Айтишларича, мадрасадан чиқаётган талабалар, гўё жума намозидан чиқаётган кишилар каби кўп бўлган. Албатта буларга Хонақоҳдан ва масжиддан чиқаётган кишилар ҳам кўшилгани учун ҳам шундай бўлган. Бинобарин, ўша даврда Ҳазрат Домланинг хонақоҳларига келиб, суҳбат топгач, ботиний дардига малҳам топмаган, илоҳий муҳаббат сари йўл топмаган кишилар кам топилган.

*Мажруҳи залолатро суҳбати у ваҳм.
Малдуғи жаҳолатро ба хизмати у тарёқ.*⁶⁵³

Яъни, суҳбатлари залолатдан мажруҳ дилларга марҳам, хизматлари жаҳолатдан тойилганларга мадад эди.

*Гар бувад муридиро дар дил ҳас ҳошаки,
Аз барқи таважжух кард, он хор ҳасаиш аҳроқ.*⁶⁵⁴

Яъни, кимки у зотга мурид бўлса, таважжухларидан диладаги ғам-ғашлар куйиб, кул бўлғуси эди.

Хонақоҳ мадрасасида таълим олиш ўша даврда талабалар учун шарафга айланган. Арабонийнинг дастлабки келган пайтида ёзган куйидаги шеърдан айна мазмунни уқамиз.

Илтижо

*Худовандим менга ҳар дам, адувлардан паноҳ бергил,
Алар макридан эмин қил, яна сабру ризо бергил.*

*Келибман Марғинович ичра азизлар остониға,
Талаб айлаб Худовандо, манга илму ало бергил.*

*Бўлибман толиби ушбу шариф йўлни нажот истаб,
Кўриб лойиқ бу ожизни кўнглиға сен зиё бергил.*

⁶⁵² №23-қўлёзма. 42-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶⁵³ №6-қўлёзма. 55-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶⁵⁴ Мазкур-қўлёзма. 55-б.

*Дегайман толиби содиқ, ҳаммиша қилмиши козиб,
Нетайким, қобилият йўқ, манга ақлу расо бергил.*

*Бу ҳам бахту саодатдур, бўлибман ахқари туллоб,
Карам айлаб, Худоё сан, ўзинг ақлу расо бергил.*

*Бериб туллоб матлубини хусусан, Хонақоҳ аҳли,
Мени ҳам ноумид этмай, ўзинг яхши жазо бергил.*

*Амоний, этма корингни риё қонунига лойиқ,
Башартики, амал қилсанг, хифо айлаб сафо бергил.*⁶⁵⁵

Илм керак бўлса Хонақоҳга бор!!

Мадрасанинг бошқа илм даргоҳларидан мумтозлиги нафақат зиё аҳли, балки аҳли ҳол авлиёлар томонидан ҳам эътироф этилган. Марғилонлик Абдулҳаким Абдулвосеъ ўғли шундай ҳикоя қилади: «Ёшлик пайтимда мактабни тугатгач, шаҳарнинг кун чиқар томонидаги мадрасалардан бирига кирмоқчи бўлиб кетаётиб, йўлда марғилонлик машҳур Муҳаммадҷон авлиёни учратиб қолдим. Мендан қаерга кетаётганимни сўрадилар. Мадрасага кирмоқчи бўлиб кетаётганимни айтдим. Шунда: «Агар сенга илм керак бўлса, ё Холмад қорини ёки Ҳазрат Домланинг мадрасасига бор, у ерда ҳам илм оласан, ҳам такво ўрганасан», – дедилар. Шундан кейин мен Холмуҳаммад қори домла мударрислик қиладиган Чуқур мадрасага бориб, у ерда таълим ола бошладим».⁶⁵⁶

Назарларидан баҳра олдик

Текширишлар натижаси шуни маълум қиладики, кўплаб талабаларнинг бу ерга келишига, асосан, Ҳазрат Домлага нисбатан муҳаббат сабаб бўлган. Масалан, Муҳаммадумар охунд Ғурбатийни олайлик. Бу зот айни муҳаббат туфайли бу ерга келган эдилар. Бу ҳақда ўзлари шундай дейдилар:

«Ёрони аҳли исломга махфий қолмагайким, камина Умарҷон маҳдум тахаллус ба Ғурбат асли таваллудим Марғинон шаҳрига тобеъ Ёзёвон номлик қишлоғда Тошҳовуз маҳалласида бўлиб, ёшликда ўз падари бузрукворимиз қўлларида саводимиз чиқиб, баъдазон, Марғинон

⁶⁵⁵ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 156-б.

⁶⁵⁶ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – 2010.

шаҳридаги Қипчоқ номли мадрасада ўқиб, жаноб мулла Поччабек охунд домла хизмат шарифларида туриб, ҳар кун Хонақоҳ номли мадрасага Ҳазрат жаноб шайх ул-ислом, яъни ҳазрат Юсуф алайҳиссаломга ҳамном бўлмиш, Ҳазрат Домла хизматларига келиб, табаррукан дарс ўқиб, «Шарҳи мулло»дин то ақоиди исломга қадар, ҳар кун келиб, назар кимё назарларидан баҳра олиб кетиб турдик». ⁶⁵⁷

Кези келганида Ғурбатий ҳақида маълумот бериб кетишни жоиз деб билдик.

Мулла Умаржон махдум Ғурбатий 1315 ҳижрий, 1897 милодий санада Ёзёвоннинг Тошҳовуз қишлоғида зиёли хонадонда туғилганлар. Бошланғич маълумотни оталари Юсуббек ҳожидан олиб, сўнгра Марғилондаги «Қипчоқ» мадрасасида замонасининг етук олими мулла Поччабек охунд кўлида таълим олганлар. Сўнгра Хонақоҳ мадрасасига келиб, Ҳазрат Домлага шогирд бўлганлар. Бу ерда Қуръон, тафсир, ақоид, сарф-наҳв, араб ва форс тиллари, дин тарихини мукаммал ўрганадилар. Шу билан бирга бадиий адабиётга ҳам алоҳида ихлос кўядилар.

Қизил салтанатнинг ноҳақ тузуми, Сталин даври катағонларига учраган Юсуфбек ҳожи хонадони кулоқ қилиниб, Қирғизистоннинг Қорасувига сургун қилинади. Сургун муддати тугагач, уларнинг оиласи яна ўз юртига қайтади. Ғурбатийнинг ёшлик йиллари қийинчилик, қаҳатчилик, ноҳақликлар замонига тўғри келгани сабабли ўзиларига «Ғурбатий» тахаллусини танлаган эканлар. Бу ҳақда ўзлари шундай маълумот келтирганлар:

«...Камина ҳам бошига инқилоби фалакдин кўп ишлар тушиб, аксар авқот умримни зариб мусофирчиликда кечирганим учун ҳар шеърни тахаллусда «Ғурбатий» келтирдим. Аҳбоблардин махфий қолмагайким, мани бу ёзган ашъорларим нутқ бозорида булаголар наздида бир пучак пулга арзимайди. Локин ўзимизга ўхшаш кажфаҳм, кўтаҳ андешаларга бир андак афсонадир. Аммо ушбу шеъри номарғубни саҳву фасодини тез ҳавас зийрак одамлар кўрсалар, дарҳол афув қалами бирла ўчириб, ислоҳ қилиб қўйсунлар. Чунки, «Ал инсану муштаққун минан нисён» банда албатта хатодин холи эрмас». ⁶⁵⁸

⁶⁵⁷ Баёзи Ғурбатий... 1–3–б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶⁵⁸ Баёзи Ғурбатий... 1–3–б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Умаржон махдум Ғурбатийдан бизга каттагина мерос қолган. Уч жилддан иборат ёзма баёзларида 400 дан зиёд ғазал, рубоийлар, мухаммас, мурабба, мусаддас, марсия, саёхатнома, фард ҳамда ҳажвиялар ўрин олган. Шоир Лутфий, Навоий, Фузулий, Ҳувайдо, Машраб, Амирий, Убайдий, Камий, Мужрим, Обид, Мискин, Фурқат, Муқимий, Залилий, Ҳазиний, Ноқис, Роғибий, Рожий каби ўнлаб ижодкорларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлаганлар.⁶⁵⁹

Мулла Умаржон махдум Ғурбатий 1395/1975 йил, 25 сентябрда 78 ёшда вафот этганлар.⁶⁶⁰

Мен қишлоққа бормайман!

Ёзёвон қишлоғидан мулла Йўлдош охунд Нурмуҳаммад ўғлининг мадрасага келиши ҳам мазкур муҳаббат туфайли бўлган эди. 1889 йилда Ёзёвон қишлоғида деҳқон оиласида туғилган бу зот шундай ҳикоя қилади:

«Бошланғич таълимни чиқарганим бўйича, бирор мадрасада илмни давом эттира олмадим. Чунки ёшлигимда отам вафот этиб, рўзғор ташвишлари мени зиммамга тушган эди. Амакиларим билан бирга деҳқончилик қилиб, ползда меҳнат қилар эдим. Лекин илмга бўлган муҳаббат қалбимда мустаҳкам ўрнашган эди». Ҳа, бу муҳаббат у зотни Хонақоҳда Ҳазрат Домла хузурида талаба бўлиб қолгунича кучайиб борган. Унинг воқеаси шундай бўлган.

Бир йили одатдагидек амакилари билан Марғилонга қовун сотгани келадилар. Қовунларни сотиб бўлгач, бозор ёнидаги чойхонада ўтириб, бир оз дам оладилар. Олдиларидан салла-чопон кийган талабалар китобларини қўлтиқлаб ўтиб қолишади. Улар шу яқин орадаги мадраса талабалари экани шундоққина билиниб турар эди. Уларнинг одоб ва тавозелари мулла Йўлдош қалбига қаттиқ таъсир қилади. Ўзининг айни илм ўқийдиган пайтида бекор юрганидан афсусланади. Улар билан гаплашиб, қаерда таълим олишларини сўрайди. Улар Хонақоҳ мадрасасининг талабалари эди.

Амакиларига келиб: «Амаки, мен шу ерда қоламан, мадрасага кириб ўқийман», – дейди юраги тўлиб. «Мени аравамни ҳам қўшиб олиб кетаверинг». Амакиси: «Жуда яхши, лекин аввал қишлоққа борайлик, маслаҳатлашиб сўнгра ке-

⁶⁵⁹ Девони Ғурбатий... 3-6-б.

⁶⁶⁰ Баёзи Ғурбатий... 1–3-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

лайлик», – дейди. «Йўқ», – дейди мулла Йўлдош, қатъий оҳангда, – «Мен қишлоққа бормайман, агар у ерга бориб маслаҳат қилинадиган бўлса, мени бу ерга келтирмай қўйишади, мен у ердагиларни биламан», – дейди. Боланинг қатъиятини қўрган амаки ночор кўнади.

Мулла Йўлдош амакиси билан бирга тўғри мадрасага бориб, Ҳазрат Домлага аҳволни баён қиладилар. Ҳазрат уни талабалikka қабул қиладилар. Шундай қилиб, қишлоқлик бу боланинг пешонасига Хонақоҳда таълим олиш битилган экан, бу ерда талаба бўлиб қолади. Шу пайтда унинг ёши йигирма бирда эди.

Ёшлигидан суяги меҳнатда қотган йигитнинг ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги ва хизматларга чаккон экани Ҳазрат Домла назарига тушишига сабаб бўлади. Унга ўз меҳмонхоналари ёнгинасидан жой берадилар.

Мулла Йўлдош мадрасада қийинчилик ва қаттиқ риёзат билан илм ўқийди. Бу йўлда бор бисотини сарф этади. Қариндошларининг қаршилигига қарамай, бир йили келиб от-араваларини, кейинги йили эса кўш ҳўкизларини, яна бир йили мерос қолган ерларини сотиб сарф этган эди. Кейинчалик, бу ишидан хурсанд бўлиб, ўшанда сотиб яхши қилган эканман, сақлаб қолган кишиларникини сал ўтмай ҳукумат ҳақсиз қилиб олиб кетди. Бизга эса илм фойдага қолди, дея эслаган эдилар.

Бундан ташқари, мулла Йўлдош мадрасада иккинчи мударрис Махдум домланинг ҳам хизматларини қилганлар. Шу тариха ҳаммаси бўлиб, мадрасада тўрт йилгина истиқомат қилган бўлсалар-да, анчагина маънавий баҳра олишга эришганлар. Бу давр мобайнида мадрасада бўлиб ўтган тўртта хатмонада иштирок этадилар.

Мулла Йўлдош охунд қачон устозларини эсга олдилар, дегунча йиғлайверар эдилар. Устозга қилган хизмати эвазига кейинчалик кўплаб кишилар у зотга муҳаббат билан хизмат қилганлар. Марғилонлик Муҳаммад Амин охунд ҳар гал Тошкентдан келди, дегунларича бу зот зиёратига келишлари ҳам шундан. Мулла Йўлдош охунд 1971 йилда Ёзёвон қишлоғида вафот этганлар.

Амоний Марғилонда

Қирғизистоннинг Аравон қишлоғида туғилган Амоний Арабоний ҳам Марғилонга келганида, бу қутлуғ даргоҳ зиёратидан файзёб бўлиб, шу ерда Ҳазрат қўлларида талаба бўлиб қолганини китоб аввалида келтирган эдик. Кейинчалик, бу ҳақда алоҳида бир мухаммас ёзган эди. У билан танишиш орқали мадраса ва у ердаги дарс жарёнлари, устоз ва талабалар, хусусан, Ҳазрат Домла ҳақида кўплаб маълумотлардан бохабар бўламиз.

Хонақоҳ мадрасаси шаънида

*Бешак эрур бул мадраса нурнинг кони ,
Толибман деб, файз олмаса йўқдур жони,
Хонақоҳда яхшиларнинг кўндур сони,
Бул сабабдан Марғинонга бордим, дўстлар,
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*

*Зоҳир тузук, кўнгли бузук муллоси йўқ,
Валлоҳ аълам, бир дона ҳам бежоси йўқ,
Аҳмоқлардек ташқаридан оиноси йўқ,
Бул сабабдан Марғинонга бордим, дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*

*Ҳуш табиат Хонақоҳнинг муллолари,
Андин кўндур тавозеълик қурролари,
Яхши эрур, доноликда парволари,
Бул сабабдан Марғинонга бордим, дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*

*Ҳазратимдан кўргай назар қадди ҳамлар,
Жонин бергай Ҳазратимга чин толиблар,
Бу бир жондур, минг жон бўлса, фидо айлар.
Бул сабабдан Марғинонга бордим, дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*

*Эски чопон бўлса толиб, кўнгли синук,
Андоқ толиб Хонақоҳдан чиқмас қуруқ,
Бир дам сизмас, Хонақоҳга кўнгли бузук,
Бул сабабдан Марғинонга бордим, дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*

*Беодоблар асло дохил бўлолмагай,
Кўйса қадам, остонада титраб тургай,
Чин толиблар борган ҳамон, шодий бўлгай,
Бул сабабдан Марғинович бордим, дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*

*Боргил ўғлим таҳсилга деб, ёз ила қиш,
Топганларин бергай падар булдуру равиш,
Ноқисликдан ҳеч топмадим, бирдек юриш,
Бул сабабдан Марғинович бордим, дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*

*Бўлса толиб, чиқмас Ҳазрат фармонидан,
Бу оламни кечгай юз минг алвонидан,
Бўлгай охир, икки олам султонидан,
Бул сабабдан Марғинович бордим, дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*

*Саломат қил, жумла ҳешу таборимни,
Равшан қилгил, бу узлатдин жамолимни,
Узлат завқи олди, бўлди қароримни,
Бул сабабдан Марғинович бордим, дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.*

*Қул Амоний, Ҳазратимдан олди сабоқ,
Маърифатни китобидан неча варақ,
Бир йўл сабоқ олганларга ёр ўлди Ҳақ,
Бул сабабдан Марғинович бордим, дўстлар.
Файзи зоҳир Хонақоҳда қолдим, дўстлар.⁶⁶¹*

Куйида китобда кўп тилга олинган Марғиновичдаги Қаландархона ва Чуқур мадраса ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Қаландархона мадрасаси

Айтишларича, мадрасани марғиновичлик машҳур мутасаввиф шоир Азим хўжа эшон қурдирганлар. Бу зот шаҳарнинг ҳозирги Янги боғ маҳалласида истиқомат қилганлар. У зот қурган масжид эса ҳозир ҳам бор. Вафот этганларида шу ердаги қадимий қабристонга дафн қилинганлар. 1955 йилда шаҳар истироҳат боғига олиб борадиган йўл қурилиши са-

⁶⁶¹ Баёз «Махбуб ул-махбуб»... 139–144- б.

баб қабрлари Хон бува бошчилигида Сармозор қабристонига кўчирилган. Бу ерда Садриддин эшон исмли жиянларининг қабри сақланиб қолган.

Мадрасада мулла Абдурахмон домла, Муҳаммаджон қори домла, Муҳаммад Амин домла каби замонасининг таниқли олимлари дарс берганлар. Айтишларича, Абдурахмон домла мадрасага кирмоқчи бўлган талабаларни имтиҳондан ўтказиб, сўнгра Муҳаммаджон қори домлага топширар эканлар. Ҳар иккилари ҳам етимликда ўғай она кўлида катта бўлганлари айтилади. Ҳатто ўғай она уларга азоб бериб, бошларига чакич билан урган кезлари ҳам кўп бўлар экан. Уларга хизмат қилган Марғилонлик уста Муқимжон ота (1907–1986): «Мен ҳар чоршанба куни сочларини олмоқчи бўлганимда бошларида ўша чакичлар асарини кўрар эдим», – дея эслаган эдилар.⁶⁶²

Муҳаммаджон қори домла Сармозор қабристонига дафн қилинган. Энг қизиғи, у зот вафот этиши билан мадрасадаги қулоқли қушлар ҳам бир кечада ғойиб бўлиши эди. Кейинчалик, мазкур қушлар у зотнинг янги қабри атрофида пайдо бўлган эди.

Биз Қаландархона мадрасаси ва бу ерда бўлиб ўтган баъзи воқеаларни тилга олар эканмиз, «қаландар» ва қаландархона» сўзлари устида ҳам тўхталиб ўтсак. Зеро, бу Марғилоннинг қадимий гўшаларидан бири ҳақидаги фикрларимизни янада бойитади. Бу борада Тошкент Ислом Университети тадқиқотчиси Н. Тўйчиеванинг маълумотларини келтириб ўтамиз.

«Қаландар» бир қанча маъноларни билдириб, кўчма маънода: дунёдан воз кечган, таркидунё қилган киши, зоҳид маъносини англатади. Қаландархона – қаландарлар йиғиладиган ва тунайдиган жой.⁶⁶³

Қаландар киши дарвеш каби Худо ишқида сархушлик (*суқр*) ка мубтало бўлиб, ўзлигини унутган шахс саналган. XIV асрда ушбу атама сўфий сўзи билан мос равишда қўлланилган. Бечорасифатлик, Худо ишқида дарбадар кезиш, У билан руҳий жиҳатдан қаттиқ боғланган киши бўлган. Ушбу маънода қаландар сўзи тасаввуфнинг буюк вакиллари Абдуллоҳ Ансорий (ваф. 1089 й.), XII асрда ижод

⁶⁶² Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Қаландархона. 2012.

⁶⁶³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том. Т., 1981. 545-б.

қилган шоир Ҳаким Саной (ваф. 1131й.), мутасаввиф шоир Фаридуддин Аттор (ваф. 1220 й.) кабиларнинг ижодларида қўлланилганлигини кўришимиз мумкин. XI асрдан кейин Марказий Осиё ва Хуросонда «риё»га қарши куч сифатида юзага келган мактаб маломатийлик, кейинчалик қаландария тарикатига асос бўлиб хизмат қилди.⁶⁶⁴

Қаландарлар муайян жамоа (сулук)га бирлашиб, унинг таълимотини тарғиб этган, ўз муршиди (шайх, эшон ёки пири)нинг кўрсатмаларини бажариши шарт бўлган.⁶⁶⁵ Демак, қаландар нақшбандийлик, яссавийлик, кубравийлик сулукига мансуб кишилар бўлиши ҳам мумкин. Масалан, самарқандлик шайх Сафо Валий (ваф.1732 й.) ўзининг раҳнамоси сифатида Баҳоуддин Нақшбандни зикр этади.⁶⁶⁶ XVIII асрнинг биринчи ярмида яшаган Хожа Пирмуҳаммад Қаландар кубравия сулукига мансуб киши бўлган.⁶⁶⁷

Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб»⁶⁶⁸ асарининг 40-фаслини «Дарвешлар зикрида» деб номлаб, унда дарвешларга хос бир қатор хусусиятларни санаб ўтган. У қаландарларни ниҳоят даражада ҳурмат қилган. Хондамир «Мақоримул ахлок»да Навоийнинг қаландарлар маҳалласида ҳовуз ва Қаландарон деган кўприк қурдиргани, шунингдек, «Боғи Зоғон» ичида «Масжиди маҳаллаи қаландарон» бино қилдиргани ҳақида маълумот беради.⁶⁶⁹

Марғилондаги Қаландархона деб аталадиган масканда эса мазкур тоифа вакилларининг доимий тунайдиган ва ўз амалий фаолиятларини олиб борадиган манзил жойлашгани учун шундай аталган кўринади. Бошқа бир жиҳатдан эса бу қадимдан Марғилон аҳолиси ҳам Ўрта Осиёнинг кўплаб шаҳарлари аҳолиси каби қаландарлар ва дарвешларга эҳтиромли кишилар бўлишганини кўрсатади.

⁶⁶⁴ Ислам: энциклопедический словарь. – М., 1991. С.130.

⁶⁶⁵ Ислам энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси нашриёти, 2003. – 290-б.

⁶⁶⁶ Бу ҳақда қаранг: Снесарев. Г.П. Под небом Хорезма. – М., 1973. С.85.; Троицкая А.Л. Каландары и Маддахи. // Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. – М.: Наука, 1975. С.192.; Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Т.: Издательство Академии Наук Узбекисанской ССР, 1960.С.53: Рассудова Р.А. К истории одежды среднеазиатского духовенства. Памятники традиционно-бытовой культуры народов Средней Азии, Казахстана и Кавказа. Сборник Музея Антроп. и Этногр., выпуск 43. Л. 1989; Фаниев – Т. Кўнгил дуржи. – Т., 2009. 146-б.

⁶⁶⁷ Хўжаев М. Шермухаммадбек кўрбоши. – Т.: «Шарк», 2008. – 30-б.

⁶⁶⁸ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. 14-том. Т.: Фан, 1998. – 46-б.

⁶⁶⁹ Хондамир. Мақорим ул-ахлок. Т.:1967. 69—86 б.

Чукур мадраса Марғилондаги Подшо Искандар зиёратгоҳининг кун чиқар томонида жойлашган эди. Мадрасанинг бундай аталишига сабаб, унинг бошқа мадрасалардан чуқурроқда жойлашганидир. Қадимдан бу каби ерлар шундай аталган. Бу ҳақда Исҳоқхон тўра Ибрат ҳам «Тарихи Намангон» асарида шундай маълумот келтиради: «Бир маҳалласини «Чуқуркўча» дерларки, ул Наманганинг ҳамма кўчасидан чуқурроқ учун «Чуқуркўча» тасмия бўлган».

XX аср бошларида марғилонлик бой савдогар Муҳаммад Карим (Муҳаммадкаримбек) томонидан Тошлоқ ҳудудига барпо этилган мадраса ҳақида Муҳаммад Азиз Марғилоний «Тарихи Азизий» номли китобида жумладан куйидагиларни келтиради:

*«Муҳаммад Каримбек отлиғ савдогар одам бор эди. Тошлоқ маҳалласида бир яхши хишдан мадраса бино қилиб кетди».*⁶⁷⁰

Мадраса талабалари

Тадқикотлар шуни кўрсатадики, Хонақоҳ мадрасасида таълим олган талабаларнинг ҳар бири юксак маънавий камолотга етиб замонасининг беназир уламози бўлиб етишганлар. Бу ҳақда шундай дейилади:

*Хатмонайи намуданд, қаз васфи он батафсил,
Нутқи забону ҳома кардид ба-ажзи мулҳақ.*⁶⁷¹

Яъни, улар ҳар бир илмни мукамал хатм қилгандирларки, васфини тил билан айтиб, қалам билан ёзмак душвор. Ёки:

*Соҳибонаш зу фунуну нуктадон,
Ҳар яки дар илми ирфон беназир.*⁶⁷²

Яъни, уларнинг ҳар бири турли илмлар соҳиби ва нуктадон бўлиб, илму маърифатда беназир кишилардир.

Шуниси диққатга сазоворки, мадрасада талабалар сонининг кўплиги кейинчалик, Марғилон ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда Хонақоҳ талабаларининг фаолияти

⁶⁷⁰ Муҳаммад Азиз Марғилоний. «Тарихи Азизий» ...88-б.

⁶⁷¹ №6-қўлёзма, 72-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶⁷² №6-қўлёзма, 70-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

узоқ вақтгача давом этишига сабаб бўлган. Уларнинг ҳар бири ўз даврининг ижтимоий-маънавий муҳитида мустаҳкам ўринга эга бўлганлар, атрофидаги кишилар ахлоқиға ижобий таъсир ўтказганлар.

Сўнги юз йиллик ичида Марғилон ва унинг атрофида яшаб, муқаддас динимиз ривожига хизмат қилиб ўтган буюк олимларнинг кўплари, асосан, Хонақоҳ мадрасаси талабалари бўлишган. Жумладан, Ҳожи Каримжон домла (ваф.1944), Абдулмўмин қори (ваф.1940), Фозилжон махдум Сулаймон хўжа Эшон (ваф.1955), Зайнобиддин махдум (ваф.1944), Абдулҳамид махдум (ваф.1950), Охунжон қори Водилий (ваф.1957), Мулла Аббосхон қори домла (ваф.1960), Миряхё қори домла (ваф. 1961), Нуриддин махдум домла (ваф.1962), Мушаррафхон охунд домла (ваф.1962), Абдулкарим махдум домла (ваф.1962), Зикриё қори (ваф.1966), Абдуссамад охунд дада (ваф.1973), Соли ҳожи домла (ваф.1974), Охунжон қори Ёқубжон қори ўғли (ваф.1974), Ҳабибуллоҳ қори (ваф.1977), Нусратуллоҳ охунд домла (ваф.1981), Абдулғофур охунд домла (ваф.1981), Мадқосим қори (ваф.1989), Мулла Зиёвуддин охунд (ваф.1982), Мулла Акбарали охунд (ваф. 1983), Мазхариддин махдум (ваф.1989) ва бошқалар номини келтириш мумкин.

Мазкур зотларнинг фаолияти ўз даврида улар истикомат қилган шаҳар ва қишлоқларда қизғин кечган. Масалан, улардан Ҳожи Каримжон домланинг фаолиятлари аввал айтганимиздек, Ҳазрат Домланинг халифалари ўлароқ, у зот тариқат йўллари ни кейинги авлодларга етиб боришини таъминлаш билан белгиланса, Охунжон қори Водилийнинг асосий фаолиятлари кўплаб асарлар таълиф қилиш билан белгиланади. Абдулҳамид махдум, Мушаррафхон охунд домла, Ҳабибуллоҳ қори домлалар фаолияти эса Хонақоҳ масжиди билан боғлиқ кечган бўлса, Абдулкарим махдум домла, Мулла Аббосхон домла, Миряхё қори домла, Нуриддин махдум домлалар ўз даврида Марғилон маънавий муҳитининг энг йирик дарғалари сифатида эътироф этилганлар. Муҳаммадқосим қори домла фаолияти, асосан, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Чимён, Файзобод, Зилха қишлоқларида маҳаллий халқ орасида қизғин кечган бўлса, Мулла Зиёвуддин охунд эса Хонқиз, Зодиён, Риштон, Миндон қишлоғи аҳолиси ўртасида маънавий раҳбар

сифатида обрў-эътиборга эга эдилар. Шаҳартепа кишлоқ аҳли узоқ вақт мулла Акбарали охунд суҳбатларидан баҳраманд бўлган бўлса, Ёзёвон, Сойбўйи, Тошҳовуз кишлоқ фуқаролари ижтимоий ҳаётида эса мулла Умаржон охунд Ғурбатий, мулла Йўлдош охундларнинг ўрни бекиёс бўлган. Шу каби мисолларни юқорида тилга олинган бошқа уламолар ҳаётида ҳам кўришимиз мумкин.

Иzlанишлар давомида биз мазкур уламолар яшаган ва фаолият олиб борган кишлоқларда бўлганимизда ўша ерлик маҳаллий аҳолининг кекса вакиллари улар билан боғлиқ хотираларини ўртоқлашган эдилар.

Ўрганиб чиқилса, бугун ҳам водийнинг шаҳар-кишлоқларида давом этаётган кўплаб диний-маърифий жараён вакилларининг силсиласи, айнан, Хонақоҳ мадрасасига бориб уланишини кўрамиз.

Замонамиз олимларидан узоқ йиллардан бери Ўзбекистон Мусулмонлари Идорасида муфтий ноиби бўлиб хизмат қилиб келаётган устоз, шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари ҳам Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг шогирдлари Муҳаммадқосим қори кўлида таълим олганлар. Шайх жаноблари билан бўлган мулоқотимиз чоғида бир неча марта устозлари ва хоссатан, Ҳазрат Домла ҳақларида тўлқинланиб сўзлаб берган эдилар.

Шайх Абдулазиз Мансур хотиралари

«Камина бу улуғ зот ҳақида илк бор устозим олти-ариқлик Муҳаммад Қосим қори домладан эшитганман. 1961 йилдан то 1971 йилга қадар устоздан диний сабоқ олиб юрган унутилмас йиллар асносида Ҳазрат Домлоий Марғиноний (раҳматуллоҳи алайҳ)нинг маноқибларини ҳикоя қилиб беришдан у зот ҳеч чарчамас эдилар...

Ҳазрат Домла ҳақидаги хотираларини устозимиз деярли ҳар куни эслаб, гапириб берар эдилар, десам муболаға бўлмайди. Масалан, дарсларимиз асносида: «Қофия»нинг мана бу иборасини Ҳазрат Домла мана бундай шарҳлаб бергандилар, «Мухтасарул-виқоя» матнидаги мана бу иборани бундай изоҳлаб берган эдилар», – дея эслаб ўтишлари жуда кўп бўлган.

Устозимизнинг ўзлари ҳақида гапирадиган бўлсак, у зот дарсдан бўшади дегунича, дарҳол ибодатга шуруъ қилар

эдилар. Фатво беришда ёки фикҳий саволларга жавоб беришда ҳам жуда эҳтиёткор эдилар. «Ҳидояйи шариф» ва бошқа юзлаб фикҳ ва фатво китобларини обдан ўзлаштириб, ёдлаб олган бўлишларига қарамай, биров бир масала ҳақида мурожат қилса, дарҳол китоб очиб, ўша саволга муносиб жавобни ўқиб, таржима қилиб берар эдиларки, бундай эҳтиёткорлик бошқа биз билган бирор уламода кузатилмаган.

Устозимиз Муҳаммадқосим қори домламиз 1900 йилда туғилиб, 12 ёшларида Олтиариқдаги устозлардан сабоқ олиб, Қуръони каримни тўлиқ ёд олишлари биланок падари бузрукворлари Файзимад бой ота ёш қори ўғилларини дарҳол Марғилоннинг Хонақоҳ мадрасасига олиб бориб топширган эканлар. «Менинг», – деб, эслайдилар устоз, – илм олиб қори бўлишимга, қишлоғимга қайтиб келмасдан Марғилонда туриб давомли дарс олишимга волидаи шарифамни норасида пайтимда вафот этиб, отамнинг бошқа аёлга уйланишлари сабаб бўлган эди. Ўғай онам мадрасадан уйга келишимни хоҳламаслиги туфайли мен ёшлик, ўспиринлик давримни мусофирликда ўтказишга мажбур эдим. Уйга келсам, мени соғиниб, эркалатиб бағрига оладиган волидам бўлмагани устозлар ҳузурда кўпроқ бўлиб, уларнинг илму ҳикматларидан баҳраманд бўлишимга сабаб бўлган.

1924 йил 24 ёшга тўлганимда масжид-мадрасалар ёпилиб, талабалар мажбурий равишда диний таълимдан маҳрум қилинди, деб таассуф билан эслар эдилар, устоз, шундан кейин то 1961 йилга қадар Ҳазрат Домланинг энг муқарраб (яқин) шогирдларидан бири марғилонлик Миряхё қори домлани уйларига катнаб, қолган дарсларимни ул зоти бобаракот ҳузурларида давом эттирдим». ⁶⁷³

Хуллас, камина Ҳазрат Домлоийи Хонақоҳий (рахматуллоҳи алайх) ни кўрмаган бўлсам-да, ул буюк зотнинг шогирдлари, шогирдларининг шогирдларидан илму адаб ўрганиб, Аллоҳ насиб этганича диний билимдан баҳраманд бўлганим учун Аллоҳ таолога беадад ҳамду сано ва шукронлар айтиш билан бахтиёрман». ⁶⁷⁴

⁶⁷³ Р.Файзуллаев. Шайх Абдулазиз Мансур билан суҳбат. Тошкент – 2013.

⁶⁷⁴ Р.Файзуллаев. Шайх Абдулазиз Мансур билан суҳбат. Тошкент – 2013.

Ўша давр мадраса талабалари

Изланишлар давомида биз Хонақоҳ мадрасаси ва талабалари фаолиятига доир кўплаб маълумотларни топишга эришдик. Улардан ҳар бир олим ҳаёт ва фаолияти алоҳида бир асар бўлишга яроқли эканини алоҳида таъкидлаш ўринли. Қўлимизда Асий Водилийнинг талабалик кезлари ёзган қўлёзмаси бўлиб, муаллиф унда мадрасага кириб, уни тамомлаган баъзи талабалар рўйхати ва уларнинг илмий салоҳиятини келтирган.

«Мадрасани тамомлаб чиққан талабалар»

1321 ҳижрий. (Милодий 1903.)

1. Мулла Ҳасан Собир қори мулла Имло ўғли. Рамазон ойида, дуруст.

2. Мулла Муҳаммаджон Шўралик Мавлон ўғли. Дуруст, моҳи ражабда.

3. Мулла Нуруддин мулла Зокир ўғли. Олий, рабиъус сонийда.

5. Мулла Узоқжон Ҳикматуллоҳ ўғли. Дуруст, моҳи мазкурада.

6. Мулла Тўхтасун Раҳматуллоҳ ўғли. Моҳи мазкурда, дуруст.

7. Мулла Абдураҳмон қори мулла Муҳаммадамин ўғли. Ўрта, ражаб.

8. Мулла Толиб Саримсоқ ўғли. Дуруст, ражаб ойида.

9. Мулла Охунджон Муҳаммадрасул ўғли. Олий, шаъбон ойида.

10. Мулла Муҳаммадкарим қори Нўъмон ҳожи ўғли. Ўрта, мазкур ойда.

11. Мулла Каримжон Муҳаммадрасул ўғли. Ўрта, моҳи мазкурда.

12. Мулла Маҳмуд Мир Раҳмат ўғли. Мазкур шаъбонда, ўрта.

13. Мулла Шоҳ Мирзо. Рамазонда.

1322 ҳижрий, 1904 йил милодийда мадрасани битирган талабалар

1. Мулла Муҳаммадҷон Мулла Аҳмадали ўғли. Қурбон ойида.
2. Мулла Абдуллоҷон Муҳаммад Иброҳим ҳожи ўғли.
3. Мулла Алиҷон Нишонбой ҳожи ўғли.
4. Мулла Тешабой Исмоил ўғли.
6. Мулла Маҳмудҷон Хўҷандий Мулла сўфи Ризоҷон ўғли.
7. Мулла Жалолиддин Бобобой ўғли.
8. Мулла Абдулҳамидҷон мулла Ҳасанҷон ўғли.
9. Мулла Толиб Саримсоқбой ўғли.
10. Мулла Абдулаҳад мулла Мирзодомла ўғли. Ражаб ойида.
11. Мулла Охунҷон қори мулло Муҳаммад Яъқуб ўғли. Шаввол ойида.
12. Мулла Усмон Али. Шаввол ойида.
13. Мулла Муҳаммад Иброҳим қори. Дуруст, моҳи шавволда.
14. Мулла Абдуллаҷон Муҳаммад Раҳим ўғли. Дуруст, муҳаррам ойида.
15. Мулла Бозор. Моҳи мазкурда, дуруст.
16. Мулла Нуруддин мулла Салоҳиддин ўғли. Дуруст, моҳи мазкурда.
17. Мулла Умарали Муҳаммад Раҳим ўғли. Рабиъул аввалда.
18. Мулла Абдуллоҷон Муҳаммад Қосим ўғли. Ўрта.
19. Мулла Саид Азим мулло Саидқосим ўғли. Дуруст, шаъбон ойида.
20. Мулла Тошпўлат Қосим ўғли. Дуруст, моҳи моҳда.
21. Мулла Аббос Муҳаммад Турди ўғли. Дуруст, шавволда.
22. Мулло Ғиёсиддин Муҳаммад Турди ўғли. Шавволда.
23. Мулла Абдулвоҳид Ҳасан ўғли. Мазкур ойда.
24. Мулла Турсунмурод Абдусаттор ўғли. Зулҳижжада.
25. Мулла Саид Али Абдураззоқ ўғли.
26. Мулла Тошпўлат Худойберди ўғли. Мазкур ойда.
27. Мулла Фозилҷон Абдураззоқ ўғли.

1323 (1905) ҳижрийда дохил бўлганлар

1. Мулла Муҳаммад Мўсобек.
2. Мулла Охунжон Муҳаммаджон ўғли.
3. Мулла Эшонжон уста Холиқназар ўғли.
4. Мулла Жамолхон мулла Абдурахмон ўғли.
5. Мулла Турсунмурод Абдусаттор ўғли.
6. Мулла Муҳаммад Усмон Муҳаммад Иброҳим ўғли.⁶⁷⁵

Айтиш ўринлики, мазкур зотларнинг ҳар бирини ҳаёт ва фаолиятини ўрганиш ўша давр Марғилон ижтимоий-маънавий, диний-маданий соҳасига доир янги-янги маълумотларни юзага чиқишига сабаб бўлади.

Қайиқнинг тиқилиши

Таъкид жоизки, мадрасанинг машҳур бўлишига бу ерда талабаларга шариат билан бирга тариқат илмидан ҳам таълим берилиши катта сабаб бўлган. Аввал айтилганидек, Ҳазрат Домла ҳар бир талаба зарурий шариат илмини ҳосил қилиб, қувват топгач, муайян вазифалар бериб, уларни тариқат йўлига йўллар эдилар.

*Хонақоҳи Ҳазрата нурун ала нур ўлсун,
Ҳам шариат ҳам тариқатга чарогон айлади.*⁶⁷⁶

Аслида ўша даврда Марғилон уламоларининг деярли барчаси тариқат аҳллари бўлиб, тасаввуфнинг у ёки бу йўналишига мансуб эдилар. Марғилонда қадимдан қодирия, ва кўпроқ нақшбандия тариқатларига амал қилинганини айтиб ўтдик. Ҳазрат Домлага қўл бериб, вазифа олишнинг бирдан-бир шартини, уларнинг шариат илмларини пухта ўзлаштиришлари эди. Чунки Жунайд Бағдодий (қ.с.) айтганларидек:

«...бу йўлга кирган киши каломи Худони ўнг қўлига ва суннати Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни сўл қўлига олган бўлғай ва икки шамънинг ёруқлиғи бирла йўл юргай, то на шубҳа чуқурига йиқилғай ва на бидъат қоронғулиғига қолғай».

Хожа Алоуддин Атторнинг айтишларича кишилар

⁶⁷⁵ №23-қўлёзма. 154–158-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶⁷⁶ Охунжон Марғилоний. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 1-йиғма жилд.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.) ҳазратларидан: «Сизнинг тариқангизни қандай топиш мумкин, деб сўрадилар. Айтдилар: «Шариатни маҳкам тутиш, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига тўлиқ амал қилиш билан».

Бу борада марғилонлик Мулла Турсун мударриснинг: «Талабалар зарурий шаръий илм ҳосил қилгунича завққа оид суҳбатлардан эҳтиёт қилган яхши. Акс ҳолда, завқ ғолиб келиб, илм талабидан қолади. Кейин эса жоҳиллик туйфайли шайтон ғолиб бўлиши мумкин», – деган сўзлари ҳам аҳамиятлидир.

*Агар бўлмаса бир, йўл бошлагувчи пир,
Солур Шайтон бўйинга дори тазвир.
Агар бўлмаса бир, соҳиб каромат,
Эмас мумкин, киши етгай саломат.*

У зотга қўл бериб улгурмаган толиблар халифалари Ҳожи Каримжон домла (қ.с.)га байъат қилишган. Ҳазрат Домла бир марта оддий кишиларга ҳам вазифа берганлари маълум. Мазхариддин маҳдумга кўра унинг тафсилоти шундай бўлган.

Кунларнинг бирида Ҳазрат Домла Мирхайдар домла ва Бухорий домла билан биргаликда Наманганга борадиган бўлишади. Йўлда дарёдан ўтишда ҳар бирлари алоҳида қайиқларга ўтиришади. Қазоро, дарё ўртасига борганда Ҳазрат минган қайиқ қумга тикилиб қолади. Ҳарчанд уришиб, чиқара олмайдилар.

Буни кўриб Мирхайдар домла дарёнинг нариги томонида ишлаб турган ерлик деҳқонларни ёрдамга чакирадилар. Улар дарҳол қайиқларга миниб келишиб, Ҳазратни чиқариб кўйишади. Қирғоққа чиққач, Ҳазрат ҳақида сўраб билгач, у зотга мурид бўлмоқчи эканларини айтишади. Маълум бўлишича, улар Ҳазрат Домланинг таърифларини эшитиб, қўл бериш орзусида юрган эканлар. Ҳазрат эса одатлари бўйича розилик бермайдилар. Улар яна илтимос қилишади. Ҳазрат барибир кўнмайдилар.

Шунда Мирхайдар домла Ҳазратга: «Тақсир, буларни яхшиликлари эвазига қабул қилмасангиз бўлмайди», – дейдилар. Ноилож қолган Ҳазрат уларга байъат бериб, муридликка қабул қиладилар.⁶⁷⁷

⁶⁷⁷ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – 1998.

Дарс жараёнлари

Мадраса дарс жараёни ҳақида гап кетганда айтиш мумкинки, бу ерда шариатнинг барча фанларидан дарслар ўқитилган. Жумладан, Қуръон, ҳадис, тафсир, фикҳ, калом, усул, адабиёт, тарих, сийра, сарф, нахв ва бошқа фанлардан етук мударрислар дарс айтганлар. Ҳазрат Домла фалакиёт илмини ҳам яхши билганлари айtilган. Охунжон қори Водилий бу соҳада ҳам у зотдан таълим олишга улгурган эдилар.

Таъкид жоизки, бу ерда асосан, ақида илми пухта ўргатилган. Талабаларни ақида илмини билмаслигига мутлақо йўл қўйилмаган. Айниқса, Ҳазрат бу соҳада қаттиқ турганлар. Шу туфайли устоз Маҳмуджон қори – Маҷруҳ Ёзёвоний айтганларидек: «Ўша давр уламолари орасида эътиқод борасида ихтилофлар бўлмаган».

Сўфи Оллоёр⁶⁷⁸нинг «Саботул ожизин» номли асари ҳам ақида бобида ёзилганидан Ҳазрат мазкур асарга алоҳида эътибор қаратганлар. Уни ёд олишни ҳар бир талабадан талаб қилганлар.

Айтиш ўринлики, Сўфи Оллоёрнинг мазкур асарига нафақат Ҳазрат Домла, балки ўша давр маърифат аҳли эътибор қилганлар. Фикримизни «Шўро» журналининг 1917 йил 7 сонидан босилган Маҳмуд Жамол Очқуриннинг қуйидаги маълумоти ҳам тасдиқлайди.

«Усули қадим ила ўқиган замонда мактабларда ҳам, ўрта мактабларда ҳам ўқувчи болаларнинг ҳеч бири «Саботул ожизин» ўқимай қолмаган, десам муболаға бўлмайди. Ул вақтда деворга осиб қўйилган «программ» деган нарса бўлмаса-да, «Фазоилуш-шухур» ўқигач, «Саботул-ожизин»-ни ўқимай ўтиш мумкин эмасдек эди...».⁶⁷⁹

⁶⁷⁸ Сўфи Оллоёр Аллоҳкули ўғли. Йирик ўзбек адиби, тасаввуф адабиётининг намояндаси. 1634 йилда Самарқанднинг Минглар қишлоғида туғилганлар. 1721 йилда Вахшиворда вафот этади. Сўфи Оллоёрнинг «Маслак ул-муттақийн» «Сабот ул-ожизин», «Махзанул-мутъин», «Муродул-орифин» асарлари мавжуд. Сўфи Оллоёрнинг машҳур асари «Сабот ул-ожизин» бўлиб, Саудия Арабистони, Покистон, Туркия каби мамлакатларда чоп этилган. Бир неча марта шарҳлар ёзилган. Асар дастлаб форс-тожик тилида ёзилган. Кейинчалик, уни ўзбек тилига шеърӣ услубда таржима қилганлар. Ҳажми 12000 байтдан ортқ «Сабот ул-ожизин» асарининг тузилиши ҳам ўзига хос. «Маслак ул-муттақийн» асари Нақшбандия тариқати мужадиддия тармоғининг назарий манбаси ҳисобланади. Унда сулук одоби, мурид ва мурид муносабатлари янгича талқинда баён қилинган.

⁶⁷⁹ Маҳмуд Очқурин. «Сабот ул-ожизин» китоби. «Шўро» 1917, 7-сон.

Хонақоҳ мадрасаси талабаларидан Абдулҳаким махдумнинг (ваф. 1984) айтишларича, Ҳазрат Домла ақоид фанидан дарс айтаётиб, гоҳо ҳалқада ўтирган машҳур Муҳаммаджон авлиёга: «Ҳў-ўв, авлиё, навбат сизга», – дер эканлар. Авлиё дарҳол ўрнидан туриб, «Саботул ожизин»дан ҳозиргина ўтилган бобга мувофиқ манзумани ўқиб берар эканлар.

Хонақоҳий Ҳазрат ҳанафий мазҳаб ҳимоячиси

Маълумки, диёримиз мусулмонлари узоқ вақтлардан бери ақидавий масалаларда Аҳли суннат вал жамоат эътиқодига мувофиқ, мотуридийя таълимотига биноан эътиқод қилиб келганлар. Фикҳий масалаларда суннийликдаги тўрт эътироф этилган мазҳабдан бири ҳанафийлик мазҳабига мансуб бўлганлар. Ўзларининг ақидавий ва амалий-ҳуқуқий барча ишларини мазкур икки йўналиш таълимоти, кўрсатмалари асосида адо этганлар. Ўз ўрнида ўзлари мансуб бўлган бу икки мазҳаб, унинг имомларига муҳаббатлари кучли бўлган. Бу уларнинг мазкур мазҳабларни маҳкам ушлаб келишлари ва унга зид бўлган ҳар қандай ақидавий ва фикҳий янгиликка мурасасиз бўлганларида ҳам кўринади. Бинобарин, шу давр мобайнида диёримиз мусулмон халқлари орасида ақида ва мазҳабда тафриқа – бўлиниш ва ихтилоф – тортишув бўлмагани шундан. Албатта, бу ишда ҳар бир даврда уламоларнинг меҳнати ва хизматлари бекиёс бўлган. Юртимиздан етишиб чиққан мутакаллим олимлар аҳли сунна вал-жамоанинг соф эътиқодий қарашларини баён қилиш билан бирга ўз давридаги турли адашган фирқа ва оқимларга ақлий ва нақлий далиллар воситасида раддиялар берган бўлсалар, бир томонда бу ҳолат фикҳий мазҳабларни муҳофаза қилишда ҳам кўзга ташланади. Улар ҳам ўз илмий салоҳиятлари асосида, суннийликдаги бошқа мазҳабларни эътироф этган ҳолда ўзлари мансуб бўлган ҳанафий мазҳаб афзалликлари ва унинг барча замон ва макон ва унинг кишилари учун муносиб, мўътадил мазҳаб экани ва бошқа турли далиллар асосида мазҳаб софлигини сақлаб келишга эришганлар.

Агар биз синчиклаб ўрганадиган бўлсак, Хонақоҳий Ҳазрат Домла ҳам мазкур хизматда турган уламолардан бири сифатида намоён бўладилар. У зот бутун фаолияти давомида издошлари ва шогирдларини диёримизда узоқ

вақтлардан бери амал қилиб келинаётган суннийликдаги ханафия мазҳабини маҳкам ушлашга, ҳар қандай бидъат ва бадмазҳабликдан сақланишга қаттиқ буюрган эдилар. У зотни муқаддас динимизга қилган улкан хизматларидан бири ҳам шу аслида.

Абу Абдурахмон Ас-Сулабий (325-412 х.) «Одоб ас-сухбат» номли китобларида: «Агар Аллоҳ таоло бандасига яхшиликни хоҳласа, уни аҳли суннат ва аҳли салоҳ кишилар билан бирга қилиб, уни бидъат ва бадмазҳаб кишилардан узоқ қилиб қўяди», – дея келтирган эдилар.⁶⁸⁰ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши, биродарининг дини – йўли ва маслагидадир, шундай, экан, ҳар ким ўзини ким билан юрганига қарасин»⁶⁸¹, – деганлар. Сулабий мазкур ҳадисни келтирар экан, киши имкон қадар бидъат аҳлидан узоқ бўлиши кераклигини уқтирадилар.⁶⁸²

Ҳазрат Домлани мазҳаб поклигини сақлашга бўлган эътиборлари, у зотда таълим олган шогирдларининг фикридан ҳам билиш мумкин.

1917 йилда «Ал-Ислох» журналининг 5-сони, 749–752-бетларида ва 6-сони, 790–793-бетларида шогирдлари Фазлул Ваҳҳоб Мозорийнинг тақлид ҳақидаги мақоласи эълон қилинган бўлиб, муаллиф унда тақлид ва ўтган салафи солиҳлар йўлига эргашиш ҳақида куюнчаклик билан гапирган. Афтидан, ўша даврда ҳам баъзи кишилар орасида мустақил фикр юритишга доир баъзи қарашлар кўзга ташланган кўринади. Мақолада, жумладан, шундай сатрлар бор.

«...Ҳамма ҳам Қуръон ва ҳадисдан бир ҳукми, хоҳ у эътиқодий бўлсин, хоҳ амалий бўлсин, хоҳ ахлоқий бўлсин чиқара билмас. Ҳар кимга бу муяссар бўлмас. Бу ҳақиқат очик ва равшан маълумдир! Шунга кўра, ўтган мужтаҳидларимиз эътиқод масалаларида бўлсин, амалиёт масалаларида бўлсин Қуръон ва ҳадисдан ҳукмларни истихроҷ қилиб қўйдилар.

Мотуридийя, Ашъарийя эътиқодлари, «Ҳидоя», «Канз

⁶⁸⁰ Абу Абдурахмон Ас-Сулабий. «Одоб ас-сухбат». Дорус саҳоба лит турос. Миср. 1410/1990. 1-ж., 41-б.

⁶⁸¹ Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али Абу Бакр ал-Байҳакий. «Шуъабул имон». 7-ж., 55-б; Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснад ул-Имоми Аҳмад ибн Ҳанбал», Дор ул-кутуб ул-илмийя, Байрут, 1987, 2-ж., 33-б;

⁶⁸² Абу Абдурахмон Ас-Сулабий. «Одоб ас-сухбат»... 1-ж., 41-б.

уд-дақоик», «Мухтасар ал-виқоя», «Баҳр ур-роик» каби китобларимиз ана шу Қуръон ва ҳадислардан олинган сўзлардир. Биз мусулмонлар эса бу сўзларни, бу масалаларни Қуръон ва ҳадисга мувофиқ деб, амал қиламиз.

Қуръон ва ҳадисдан истихроҷ қилишга қодир бўлмаган зотларга мужтаҳидларга ва уларнинг китобларида (хоҳ эътиқодда, хоҳ фикҳиётда, хоҳ ахлоқда бўлсин) забт ва сабт қилган масъалаларга тақлид қилмоқлик лозимдир...».⁶⁸³

Ҳазрат Домланинг сунний ақидага хилоф бўлган ҳолатларга мурасасиз эканлари Андижоннинг Пойтуҳ қишлоғидан келиб, бу ерда зиёратчиларнинг кавушларига тартиб бериш асносида, баъзан «бу жаннатий» ва «мана бу дўзахий» кишининг кавуши дея ажратадиган девонага муносабатларида ҳам кўринади. Чунки «Аҳли суннат вал-жамоат» ақидаси бўйича ҳеч кимнинг Пайғамбар алайҳиссалом башорат берган кишилардан бошқа бирор киши ҳақида «жаннатий», ёки «дўзахий»лик ҳукмини бериши мутлақ мумкин эмас. Чунки бу ғайб илми саналиб, у фақат Аллоҳ таолонинг ўзигагина хос, ҳатто пайғамбарлар ҳам бу соҳада у билдирганидан бошқа нарсани билмасликлари айтилган.

Рухсат бўлса айтаман

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг мазҳабни муҳофаза қилишдаги жараёнидаги эҳтиёткорликлари Миряхё қори домла айтган куйидаги воқеада ҳам яққол кўзга ташланади: «Кунларнинг бирида бизнинг гуруҳимиз талабалари Ҳазрат Домладан «Саҳиҳи Бухорий»дан ҳам дарс беришларини илтимос қилдик. У зот, бир оз ўйлаиб туриб: «Сизлар бораверинглар, қачон бошлашни ўзим айтаман», – дедилар. Биз қачон дарс бошланишини кутиб юрдик.

Орадан бир муддат ўтгандан кейин рухсат бердилар. Биз дарсни бошладик. Дарс олдидан бизга: «Мазкур ҳадисларни фақат табарруклик жиҳатидан ўқийсизлар, лекин улардан ҳукм олиш учун эмас. Ҳукмда фуқаҳоларимиз чиқарган йўлга юрасизлар», – дея қаттиқ уқтирдилар.

Кейин маълум бўлишича, ўшанда Ҳазрат хос кишиларидан бирига йўл ҳаражатини бериб, уни Самарқандга жўнатибдилар. У ерда ҳазрат Имом Бухорий ҳузурларида

⁶⁸³ «Ал-Ислоҳ». 1917 йил 5-сон, 749–752; 6-сон, 790–793-бетлар.

истиқомат қилишини тайинлабдилар. Етиб боргач, у ерда бир неча кун истиқомат қилибди. Ҳазрат руҳларидан ижозат бўлгани ҳақида ишорат олгач, Марғилонга қайтибди. Келгач, бу ҳақда Ҳазратга севинчлабди. Шундан кейингина бизни чақириб, дарс бера бошлаган эканлар».⁶⁸⁴

Талабаларга эътибор

Ҳазрат Домлани талабаларга эътиборлари ҳар жиҳатдан юкори бўлган. Дарсни ўзлаштиришдан ташқари, уларнинг оддий юриш-туриши, ейиш-ичиш, кийим кийиш каби кундалик одоб-ахлоқ меъёрларига ҳам алоҳида эътибор қилганлар. Талабалар бирор хато қилганини кўрсалар, уларга дарҳол уни тузатишни, бу кейинчалик илми камолига етгач содир бўлса, катта хатога айланишини уқтирар эканлар. Улардан билган ва ўқиганларига амал қилишни қаттиқ талаб қилар эканлар. Олим адашса – олам кўради, олимнинг адашиши худди куёш тутилиши кабидир, деган гаплари машҳур.

Айтишларича, талабалардан бири бир куни дарсдан чиқиб кетаётиб, китобни чап қўлида кавушини эса ўнг қўлида ушлаб олганини кўриб, уни чақириб, унга бу тўғрида танбех берган эканлар. Тез-тез: «Битта касофат мингта шарофатни кетказди», дея огоҳлантиришлари ҳам бу борадаги аҳамиятларидан эди.

Бирор ҳужра олдидаги кавушлар кўпайиб қолганини кўрсалар, дарҳол уларни чиқариб юборишларини аввал ҳам айтдик. Бундан талабаларни дарс пайтида беҳуда гаплашиб ўтиришларига йўл кўймасликлари англашилади. Кам ейиш, кам ичиш, кам ухлаш талабалар учун ўзгармас қонун бўлган. Бирор талабанинг қаҳқаҳа отиб кулиши уни мадрасадан кетиши аломати бўлган. Бежиз: «Ҳазрат мадрасасининг таҳсинга лойиқ жиҳати – талабаларга одоб-ахлоқ тарбиясининг кучли бўлгани эди», – дея эслашмайди. Зеро, тариқат шайхларидан Абу Абдуллоҳ Небожий (қ.с.) айтганидек: «Ҳар бир нарсанинг вазифаси бор, диннинг вазифаси адабдур».⁶⁸⁵

Ҳазрат Домла дарс жараёнида вазифаларни уларнинг қувваи ҳофизаси ва тоқатига қараб белгилаб, ўз-

⁶⁸⁴ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Қаландархона. 1999.

⁶⁸⁵ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат»... 69-б.

лаштиришлари учун доимий ёрдамларини аямас эканлар. Кўпинча уларни бир-бирига шерик қилиб қўйганлар. Масалан, Охунжон қори Водилийни янги келган пайтида пешқадам талабаларга қўшиб қўядилар. Ўшанда бошқалар, қори қийналиб қолмасми экан, дея таажжуб қилишган экан. Шунда: «Ахир чўмич менинг кўлимдами?!», – дея қўлларини кўрсатган эканлар.

Талабалар доимо салла-чопонда бўлиши, ўша давр талаби бўлишидан ташқари, Ҳазратнинг суннатга эътиборларини кўрсатади. Бу бирор бидъатни кириб келмаслиги учун замин эди. Чунки бир суннат кетиши билан ўрнига бидъат кириб келиши аниқ.

Абул Ҳусайн Борусий шундай деган эдилар: «Суннатга эргашмай, бидъатлардан қочмай туриб, бирон кишида имон нури зоҳир бўлмайди. Қаерда нурсиз–зоҳирий ҳаракатларни кўрсанг, билгинки, у ерда махфий бидъат бордир».⁶⁸⁶

Алишер Навоий ҳазратлари «Насоим ул-муҳаббат»да тариқат шайхларининг зикрини қилар эканлар, уларнинг бу йўлдаги муҳим ишларидан бири сифатида «шариат риояти ва суннат мутобаати» ни келтирадилар ва шундай дейдилар:

«Шайх ул-ислом Абу Абдуллоҳ Ансорий (қ.с.) шундай деганлар: «Ҳар нимарсадин бир миқдорни олсалар, бир миқдори қолур, шариатдин ўзгаки – бир миқдори ондин кам бўлса, ҳеч нима қолмас».⁶⁸⁷

Кейинчалик ҳам Хонақоҳда таълим олган уламолар ўз даврида суннатни маҳкам тутувчи кишилар бўлишгани бежиз эмас. Марғилонлик буюк олим Абдуллажон маҳдум Аҳмад қори ўғли шундай хотирлайдилар: «Ўша даврда кўчада каттаю кичик ҳамма салла-чопонлик юрар эди. Бир кун шошилиб, кўчага салла киймай чиқиб қолибман. Сартарошхонада ўтирган Хўжажон қози домла мени кўриб қолиб чақирдилар. Кирсам, нима учун бесалла юрганимни сўрадилар. Мен уни ювиб қўйганларини айтдим. У киши бунга кўнмай танбеҳ бердилар ва яна бир марта шундай юрсам, таъзир беришларини айтиб, чиқариб юборган эдилар».⁶⁸⁸

Зехни тийра болаларни пешқадамларига шерик қилиш,

⁶⁸⁶ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат»...52-б.

⁶⁸⁷ Алишер Навоий. «Насойим ул-муҳаббат» Т.: 2001, 16-б.

⁶⁸⁸ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–1998.

қийналиб қолганларига моддий ёрдам бериш, уларни ҳар томонлама қувватлаш Ҳазрат Домланинг доимий эътиборларида бўлган. Аморий Арабоний, «Эски чопон бўлса, толиб кўнгли синуқ, андоқ толиб Хонақоҳдан чикмас куруқ», дея бошқа ўринда, «Чин толиблар борган ҳамон шодий бўлгай», деб, Асий Водилий эса:

*«Ҳамчу сад ятим бекасро,
Мушфиқу меҳрибон ва файзи расон», – 689*

яъни, у зот менингдек юзлаб бебизоат етимларга мушфиқу меҳрибон ва файзёб мураббий эдилар, дея таърифлаганида, айни маъноларни ифода этганлар.

Мадрасага келган инъомлар ҳам талабалар нафақасига сарф бўлгани айтилган. Ҳар йили рамазонда мухлис кишилар томонидан ташкил этилган хайрия дастурхонидан сўнг ҳадя сифатида қолдириб кетилган анжомлар талабалар ўртасида тақсим қилинган. Ҳазрат Домла никоҳ ёшига етган талабаларнинг кўпларини ўзлари уйлаб қўйганлар. Уч нафар қизларини ҳам ўз шогирдларига узатганлари бу борадаги ишларининг энг гўзали эди.

Айтишларича, Ҳазрат Домла кексайиб қолган пайтларида талабаларни тўплаб: «Мендан кейин ушбу дуони ўқиб юрсангиз, албатта, олим бўлмай қолмайсиз», деб қуйидаги дуони ўргатадилар.⁶⁹⁰

«Аллоҳуммарзуқна фаҳман-набиййин ва ҳифзал-мур-салин ва илҳомал-малаикатил-муқорробин, аъла китабикал-қадим».

Яъни, эй Роббимиз, бизга улуғ китобинг маъноларини билмоғимиз учун набийлар фаҳмидек фаҳм, пайғамбарлар ҳифзидек ҳифз ва фаришталар илҳомидек илҳом бергин.

Бундан Ҳазрат Домланинг ўзларидан кейин ҳам шогирдлари тақдирига бефарқ эмасликлари англашилади.

Мадраса мударрислари

Шу ўринда мадраса мударрислари ҳақида тўхталиб ўтиш ўринли. Маълумотларда Ҳазрат Домла бир пайтнинг ўзида кўплаб фанлардан талабаларга дарс айтганлари келтирилган. Масалан, Бекий у зотни тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, наҳв,

⁶⁸⁹ № 6-қўлёзма. 50–54-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶⁹⁰ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Жалоил. 1998.

сарф, калом каби фанларда мохирликларига ишора қилиб, шундай деган эди:

«У зот фаҳмлари «Кашшоф»нинг нозик жойларини очиб беради, назарларининг шуъласи «Мадорик» сирларидир. Нигоҳлари Бухорий, Муслим, Нисоий ва Абу Довуд каби муҳаддислар тўплаган ҳадислар юзидаги пардаларни очиб юборади.

У зот «Усул» денгизида балиқ кабидирки, гўё «Хусомий», «Танқих», «Шоший» ва «Манор»лар каби. У зот табиатида Жоруллоҳ (Алломайи Замахшарий) каби ҳақиқатга хилоф қилиш йўқ, кечаю кундуз ўқувчига ёқимли. Сарф фанида нутқларини «Шофия» каби баҳола, нахвда эса сўзлари гўё «Муфассал» ва «Изҳор» каби ўткирдир.

Маънолар кулфига у зот нигоҳлари калитдирки, ундан «Бадойеъ» юзидаги чангу ғуборлар кетади. Гапларининг қуши тезшикор лочин каби бўлиб, назарларининг «Мавоқиф»и «Нуззор»лар мақсадидир. Илми илоҳий сайрида у зот ҳаёли ҳикмат. Шунчаликки, «Мантик» куёшидан нурли тиглар каби. У зот етук фақиҳдирки, дилларида «Ҳидоя»нинг дурлари бе «Ниҳоя» кўпдир».⁶⁹¹

Тарихда ўтган кўплаб тариқат шайхлари ҳам тасаввуф билан бирга шариат таълимидан бирга дарс берганлари маълум. Масалан, Шарқда «Ғавсул Аъзам», «Ғавсус сақалайн», «Султонул авлиё» номлари билан машҳур бўлган Саййид Абдулқодир Гилоний (1079–1166) ҳам Бағдод шаҳрида 33 йил давомида ўз мадрасаларида 13 та фандан мударрислик қилган эдилар.⁶⁹²

Мадрасада Ҳазрат Домла билан бирга ўша даврнинг йирик уламолари ҳам турли фанлардан дарс айтганлар. Гарчи қўлимизда мадраса мударрислари фаолиятига доир расмий маълумотлар бўлмаса-да, аммо бизгача етиб келган турли хабарларга таяниб, умумий маълумот олишимиз мумкин. Қуйида улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамыз.

Холмуҳаммад қори домла

Марғилонлик буюк аллома Холмуҳаммад қори домлани мударрислар қаторида келтиришимиз мумкин. Гарчи

⁶⁹¹ «Девони Бекий». 8-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶⁹² Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М.,1965.

бу зотнинг Хонақоҳ мадрасасида дарс айтганлари маълум бўлмаса-да, аммо бу ерга тез-тез келиб турганлари маълум. Чунки Хонақоҳий Ҳазрат Домла билан бу зот ўрталарида яқин алоқалар бўлган.

Бир гал аллома Ҳазрат Домланинг таклифлари билан Хонақоҳга рамазон хатмонасига келадилар. Суҳбат асносида талабалар одоби, ахлоқига ҳам муносабат билдириб, айниқса, уларни таҳоратхона одобларига қаттиқ риоя қилишларини уктириб ўтадилар. Айтишларича, алломани олиб келишга Ҳазрат Домла талабалардан бирини тайин қиладилар. Кузатгани борган талабага: «Кейинги сафар олгани келиб юрманг, йўлни билиб олдим, ўзим боравераман», – дейдилар. Ҳолбуки, аллома яшайдиган ҳовли Марғилоннинг Чорбоғ маҳалласида жойлашган эди. Хонақоҳ билан ораси тахминан икки чақиримлик масофа. Ҳақиқатдан, кейинги сафар бемалол етакчисиз келаверадилар.

Айтишларича, бир кун шундай бўлади. Мадрасага бориш учун йўлга чиққанларида, ярим йўлга борганда ёмғир куйиб юборади. Орқага қайтмай, кавушларини ечиб, қўлтиқларига қистириб, мадрасага кириб борадилар. Етиб келганларида уст-бошлари жикқа ҳўл бўлган эди. Буни кўрган Ҳазрат дарҳол у зотга бош-оёқ янги либос тортиқ қиладилар.

Мазкур воқеадан кўп нарсаларни ўрганиш мумкин. Биринчидан, Ҳолмуҳаммад қоридек замон алломасининг зиёратга пиёда бориши. Бу улуғларга эҳтиром бўлиши билан бирга, камтарлик ва тавозенинг белгиси эди. Ёмғир ёғиб юборишига қарамай, орқага қайтмаганларидан эса ҳар қандай шароитда ҳам улуғлар зиёратига бориш муҳим экани, акс ҳолда бу камҳимматлик аломати эканини англаймиз. Шу ўринда шайх Аҳмад Хадравийя билан боғлиқ бир воқеани айтиш ўринли.

Шайх Фаридиддин Аттор «Тазкиратул авлиё» номли китобларида шундай келтирадилар: «Шайх Аҳмад Хадравийя, (к.с.) Хуросон шайхларининг обидларидан эди. Мингта муриди бор. У ҳавода учур, жойнамозни сувда ёйиб намоз ўқир эди. У аввало Хотам Асом ҳазратларининг муриди эди. Абу Туроб билан кўп суҳбат курган, Абу Хафс Ҳаддод ҳазратларини кўрган эди.

Бир валийдан нақл қилинурким, айтар: «Бир куни Аҳмад ҳазратларини кўрдим. Бир олтин аравани миниб, ҳавода кетаётган экан. Сўрадим:

- Бундоқ мартаба билан қаерга борурсан?
- Фалон азизнинг зиёратига борурман, – деди.
- Сенинг бунчалик мартабанг бор экан, нечун у сенинг зиёратингга келмайди?
- Бу мартабани мен зиёратга бормоқ билан топдим. Агар у менинг зиёратимга келса эди, бу мартаба уники бўлар эди». ⁶⁹³

Чукур мадраса мударриси Аҳмад Али махдум Холмуҳаммад қори домла ҳақида: «Сўнгги олти юз йил ичида Мовароуннаҳрда Холмуҳаммад қори каби аллома чиқмаган», дея баҳо берганлар. ⁶⁹⁴ Тўғри, у кишидан кўра пешроқ олимлар кўп бўлган, лекин аъмо бўлгани ҳолда етук олим бўлиб етишгани бўлмаган экан. Чунки алломанинг кўзлари аъмо бўлган. Лекин зоҳир кўзлари кўрмаса-да, қалб кўзлари очик бўлган. Жалолиддин Румий шундай ёзган эдилар:

*Кўзни юмгил кўзга айлансин кўнгил,
Кўз бўлурми Ҳақни кўрмас бўлса ул.*

Аллома қалби кўзга айланган шундай кишилардан эдилар.

Аллома 1857 йилда Риштоннинг Тўда қишлоғида туғилганлар. Оталари мулла Соҳибжон исмли киши бўлиб, ёшлиқларида вафот этади. Ота вафотидан кейин оналари Марғилонга олиб келиб, Чорвоқ маҳалласида бўлиб ўтаётган уламолар мажлисига топшириб кетадилар.

Ўшанда ҳеч ким болани кўзи яхши кўрмаслиги учун қабул қилгиси келмаган экан. Аммо шу маҳаллалик мулла Абдурраҳим домла болани ўзи билан бирга олиб кетади ва ўзи бошқариб турган қорихонага жойлаб қўяди. Ўша пайтда бўлиб ўтган бир воқеани аллома кейинчалик шундай эслаган эдилар: «Ҳар куни хуфтондан сўнг болалар «Мулк» («Таборақ») сурасини тиловат қилар эдилар. Мен ўқишни билмас эдим. Юрагим эзилиб, Худо менга ҳам таборақ ўқишни насиб қилармикан, деб йиғлар эдим».

Аввалига алломанинг зеҳни суст бўлиб, кўп қийналадилар. Ҳатто бу ерда бир ярим йил тургач, шериклари Ғиёсиддин: «Холмад (Холмуҳаммад), энди уйингга бориб,

⁶⁹³ Фаридиддин Аттор. «Тазкират ул-авлиё»... 75-б.

⁶⁹⁴ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон–Кўрғонча. 1996.

онангни хизматини қилавер, бу ерда сендан қори чикмайди. Чунки, бир ярим йилда ҳеч нарса бўлмадинг» – дейишгача боради. Шундай қилиб, 16 ёшда Қуръонни тўлиқ ёдлаб бўладилар.

Шу йили Абдурраҳим домлани Андижон қозиси хизматга чақириб, олиб кетади. Сафар олдидан устоз болани Қаландархона мадрасасига олиб бориб, Муҳаммад Амин домлага топшириб кетади. Дастлаб, у зотда уч йил давомида «Тажвид Шотибий»ни таълим оладилар. Кўпинча дарсга кетаётиб маҳсиларини ечиб, ялангоёқ борар эканлар. Етиб боргач, ариқда оёқларини ювиб, кирар эканлар.

Алломанинг зехнлари очилишига қуйидаги воқеа сабаб бўлган. Бир куни дарсга боргач, одатдагидек, эшик олдида устоз чиқишини кутиб турадилар. Қиш кунлари бўлгани учун қор ёға бошлайди. Қор устиларида бир қарич бўлгунича туриб қоладилар. Устоз чикқач, унга салом бериш учун эгилганларида бошларидаги қор бирга тўкилади. Буни кўрган устоз: «Холмуҳаммад, Аллоҳ сенга илм берсин, шунгача чақирмай туравердингми», – дея дуо қиладилар. Шу туфайли аллома эшитганини ёдлаб қоладиган бўладилар.

Ҳижрий VII санада яшаб ўтган Бакр ибн Воил ибн Рабиъа қабиласига мансуб Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Яманий аз-Зужоъий ҳам туғма кўр бўлганлар. Шу туфайли «аз-Зарир» – «ожиз» номи билан машҳур бўлган. Имоми кабир, олим, ориф, комил бўлган мазкур шайхнинг кўплаб шогирдлари бўлган. Машҳур фақиҳ Али ибн Қосим ҳам шу зотнинг шогирди. У зотнинг кароматларидан шуки, эшитган нарсасини кўп бўлсин, оз, бир мартада ёдлаб олар эканлар, хатто Бурҳониддин Марғинонийнинг машҳур Ҳидоя китобини ҳам бир марта эшитганида ёд олганлари айтилган.⁶⁹⁵

Кўкон хони Худоёрхон сарой уламоларидан пашша баданни чақиб, қон сўриб турганида ўлдирилса, таҳорат синиш ё синмаслиги ҳақида сўрайди. Сарой олимлари жавобдан ожиз бўлишади. Хон уларга уч кун муҳлат беради.

Хон олимларидан бири Марғилонга келиб, Холмуҳаммад қоридан сўрайди. Аллома: «Сизга айтиб бера олмайман, иложи бўлса мени ўзимни олиб боринг», – дейдилар. Алломани Кўконга олиб борадилар. Хоннинг қабулига кирадилар. Хон:

⁶⁹⁵ Юсуф Набҳоний. Жомеъу каромот ал-авлиё. Байрут, 2005. 158-б.

«Жавоб бўлдим», – деб сўрайди. Улар қори домлага ишора қиладилар. Масалага қониқарли жавоб берадилар. Хон таъсирланиб: «Марғилоннинг бир аъмоси шундай бўлса, қолганлари қандай экан», – дея таҳсин айтади.

Холмуҳаммад қори 1939 йил 17 август куни 82 ёшда Марғилонда вафот этганлар. Бу ҳақда шундай дейилган:

*Гулзори Марғиновичдин парвоз қилди булбул,
Гулгунчайи шариат хор узра қолди ҳамдам.*⁶⁹⁶

Марғилонлик Тожиддин қори мулла Нуруддин маҳдум ўғли шундай дейдилар: «Холмуҳаммад қори домла вафот этган куни мен сафарда эдим. Кечқурун уйга келсам, отам йиғлаб ўтирган эканлар. «Нима учун йиғлаяпсиз» – деб, сўрадим. «Икки сандиқ илми ерга кўмиб келдик, болам», – дедилар.

Хатиб ал-Бағдодийнинг «Тарихи Бағдод» китобида келтиришларича, машҳур луғат олими Имом Кисойи машҳур фақиҳ Имом Муҳаммад билан бир кунда вафот этадилар. Бундан қаттиқ таъсирланган Хорун ар-Рашид: «Бугун луғат ва фикҳни бирга кўшиб ерга кўмдик дея, афсусланган эди.»⁶⁹⁷

Абу Нўмон Исбахонийнинг айтишича Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний ва Имом Кисойилар Хорун ар-Рашид билан бирга Рай шаҳрига чиқишади. У икки буюк олим ўша ерда бир кунда вафот этишади. Шунда улар ҳақида қуйидаги мазмундаги шеър ўқилади.

«Қозилар қозиси Муҳаммад ибн Ҳасан вафотига кўзларимдан ёш тўкиб йиғлайман ва айтаманки, сиз бўлмасангиз, бизга хутбалар мушкил бўлса, ким уни шарҳлаб-баёнлаб беради!? У зот билан бирга вафот этган Кисойининг ўлими эса мени паришон қилди ва ер гўё кулагандек бўлди. У иккиси бизнинг икки буюк олимимиз эдилар. Бас энди улар учун дунёда ўхшаши йўқ».⁶⁹⁸

Улкан чинор қулади

Аллома билан бир маҳаллада яшаган сайид Абдул-аҳадхон тўра шундай дейди: «Мен қори домла хузурига

⁶⁹⁶ №2-ийғма жилд. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁶⁹⁷ Ал-Хатиб Бағдодий. «Тарихи Бағдод» Қоҳира 1350 х. 1-ж., 273-б.

⁶⁹⁸ Ал-Хатиб Бағдодий. «Тарихи Бағдод»...1-ж., 273-б.

тез-тез кириб, суҳбатлашиб, турар эдим. Бирор туш кўрсам ҳам дарҳол кириб, таъбирини сўраб олар эдим. Бир куни тушимда катта осмонўпар чинорни кулаб тушганини кўрдим. Чўчиб уйғониб кетдим. Таъбирини сўраш учун қори домла ҳузурига югурдим. Кирсам, не кўз билан кўрайки, домла вафот этган эканлар. Тил билан айтмаслар-да, бу гал ҳам ҳол тили билан тушим таъбирини айтиб бергандилар гўё. Чинор у зотнинг ўзлари экан».

Холмуҳаммад домла вафотига тарих

*Қолди нигини холис мафқуд бўлди хотам,
Бу пийра золи кажрав қори ситам дамо-дам.*

*Баъзини маст мағрур айлаб қилиб сарафроз,
Баъзни доғ ҳасрат бирлан қилиб қадин ҳам.*

*Нисбатда эрди мақрун зотида мужстаҳидлик,
Исмида Холмуҳаммад қори лақаб муаззам.*

*Гулзори Марғинондин парвоз қилди булбул,
Гулгунчайи шарият хор узра қолди ҳамдам.*

*Фонуси динга эрди гўёки шамъ чашми,
Зулмат саҳрода тушиди ислом аҳлига мотам.*

*Меҳр ўти эрди ломеъ ҳуснида мазҳари хулқ.
Илми ҳадису тафсири мазмунидан мукаррам.*

*Хулқида моликият мерос анбиёга,
Бор эрди комилият тақвода мисли Адҳам.*

*Амрози жаҳла эрди ҳар сўзи ани нофеъ,
Майдони гуфтигўда монанди Золу Рустам.*

*Ақл айди тарихи фавтига бўйла шукри,
Ё кетди мазмунидин ўчди чироғи олам.⁶⁹⁹ (1358/1939)*

Муҳаммадниёз Эшон Марғиноний

Мадраса устозлари қаторида марғилонлик улуғ шайх Муҳаммадниёз эшон (қ.с.) алоҳида ўрин тутати. Бу зотга мадрасанинг устозлар жамоаси ва талабалар гуруҳи алоҳида эҳтиромли бўлишган. Бунини у зот вафотига мадраса талаба-

⁶⁹⁹ «Холмуҳаммад қори вафотига марсия». Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-кўлёзма.

лари томонидан кўплаб тарих-марсиялар ёзилганидан ҳам билса бўлади.

Ҳозирда Марғилоннинг Ёвқочар маҳалласи ҳудудида жойлашган зиёратгоҳ мазкур зотнинг марқади саналади. Ҳозирда шу маҳаллада у зотнинг авлодлари истиқомат қиладилар. Биз маълумот йиғиш мақсадида авлодлари билан суҳбат қилганимизда, улар тўлиқ маълумот бера олишмаган эди. Ўртадаги узоқ таҳликали кунлар, халқимизнинг зиёли қатлами – олиму муллалар, эшону тўралар қувғинга учраган машъум замон туфайли эшон дада билан боғлиқ ёзма маълумотлар бизгача етиб келмаган. Лекин у зотнинг ўз даврида тасаввуфнинг машҳур шайхи бўлиб, муридлар тарбиялагани нақл қилинган. Дарвоқе, у зотнинг баъзи кароматлари ҳозиргача маҳаллий халқ орасида машҳур. Авлодларининг берган маълумотларига кўра, ҳозирда у зот авлодларининг бир қисми Хитой республикасининг Қошғар вилоятида истиқомат қиладилар.

Бизнинг кўлимизда бу зот вафотига ёзилган иккита тарих-марсия мавжуд бўлиб, уларни Охунжон қори Водилий меросларини ўрганган чоғимизда учратган эдик. Қисқагина бу тарихлардан ҳам биз эшон даданинг баъзи сифатларини билиб оламиз. Унга кўра эшон дада 1326 ҳижрий, 11 ражаб ойида 104 ёшда вафот этганлар. Бу милодий 1908 йилга тўғри келади.

Тарих

*Он нури ҳадиқайи валоят,
Соли саду чор зист мабрур.*

*Чун ёздаҳ аз маҳи ражаб шуд,
Руҳаш бависол гаит масрур.*

*Тарихи вафоти он сафо зод,
Жустам зи хирад бигуфт «мағфур».⁷⁰⁰*

Таржимаси: Валоят гулшанининг нури бўлмиш бу зот бир юз тўрт ёшга кирган эдилар. Ражаб ойининг ўн бирида руҳлари бу дунёдан шод бўлган ҳолда Илоҳ висолига кетди. Охиратлик озуқаси пок бўлган у зот вафоти ҳақида ақлдан

⁷⁰⁰ № 6-кўлёзма. 61-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

сўрасам, у: «Унинг тарихи «мағфур», яъни у гуноҳлари кечирилган кишидир», – деб айтди.

Эслатма: Эшон даданинг тарих моддаси охирги байтдаги «мағфур» сўзининг сон йиғиндисидан чиқади. 1326 хижрий.

Тарих

*Он тоири қудс ту бидонки кужо рафт,
Аз ҳибси фано бар ҳарамии унсу бақо рафт.*

*Афсус биймо бебасару гумроҳонаст,
Каз маҳфали мо он илму раҳнамо рафт.*

*Жустам зидили ғамзада тарихи вафотаиш,
Нолон шуда гуфтоки «Зи Фарғона ҳудо рафт».⁷⁰¹*

Таржимаси: Сен у муқаддас қушни қаерга кетганини билдингми? У фано зиндонидан абадий дўстлик ҳарамига учиб кетди. Афсус бўлсинки, бизлар бошсиз гумроҳ бўлиб қолдик, чунки бизнинг орамиздан раҳнамо кетди. Озурда дилимдан унинг вафоти тарихини сўрасам, у нолон бўлиб, дедики: «Фарғонадан ҳидоят кетди».

Халифа Домла Андижоний

Хонақоҳ мударрислари қаторида Халифа Домла Андижонийнинг ҳам номлари бор. Мадраса талабаларидан мулла Муҳаммад охунд домла Муҳожирӣ, Фазлул Ваҳҳоб Мозорӣ ва Охунжон қори Водилийлар бу зотни «устозимиз» деб аташган. Ҳазрат Домла вафотидан уч йил олдин вафот этганлар. Андижон маънавий муҳитида алоҳида салмоқли ўрин эгаллаган мазкур зот билан Хонақоҳий Ҳазрат Домла ўрталарида илмий-ижодий алоқалар йўлга қўйилган. Мазкур алоқалар талабаларнинг маънавий камолотига ҳам сабаб бўлган. Чунки Ҳазрат Домла талабаларига ҳар бир илм аҳлини эҳтиром қилиш ва улар дуосини олишга ўргатган эдилар. Бунга биз марғилонлик буюк олим Бухорӣ домланинг мадрасага ташриф буюришлари билан боғлиқ воқеаларни ўрганган чоғимизда гувоҳ бўлган эдик. Ҳазратнинг Халифа домла билан алоқалари мадраса талабалари қалбида у зотга нисбатан муҳаббат пайдо қилган эди.

Изланишлар давомида биз аллома вафотига ёзилган уч

⁷⁰¹ № 6-қўлёзма. 62-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

нусхадаги тарих-марсияларни учратдик. Намуна сифатида улардан бирини келтирамиз.

***Тарих ҳазрат халифа домлоий Андижоний
аз таъби мулла Муҳаммад Охунд домла муҳожирий
салламахуллоху таоло айна мо кан***

*Во дариго, аз саройи ин жаҳон,
Рафт он мажзуби Ҳақ сўйи жинон.*

*Аз фано сўйи бақо рав тофта,
Шуд муқим базми васли жовидон.*

*Аҳли оламро аз дарди фурқаташ,
Жўйи хун аз дийдаҳо кашта равон.*

*Омада баҳри солати дафни у,
Бар замин фавҷи малоик зи осмон.*

*Мунтазир будам сарваши гайбро,
Соли тарихаш намопад то аён.*

*Бар кашаида оҳ, гуфто ҳотифи,
Сол риҳлат гў: «Чироғи Андижон»⁷⁰²*

***Насрий таржимаси
Халифа домла Андижоний вафотиға
мулла Муҳаммад Охунд домла муҳожирий тарихи***

Во дариғки, бу жаҳон саройидан Ҳақнинг мажзуб кули жаннат томон равона бўлди. У фано олаמידан бақо гулзорининг базмига абадий ҳаёт топиш учун кетди. Унинг мусибатидан олам аҳли дилидан гўё қон кетди. Унинг жанозаси ва дафни учун гўё осмондан малоикалар тушгандек бўлди. Мен унинг вафоти тарихини айтиши учун гайба қулоқ солсам, у бир «оҳ» уриб, дедик: «Унинг тарихи «Чироғи Андижондир».

Эслатма: Вафот санаси охири байтдаги «чироғи Андижон» сўзларининг сон йиғиндиси бўлиб, 1333/1915 йилдир.

⁷⁰² Фазлул Ваҳҳоб Мозорий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 6-қўлёзма. 29-б.

Тўхтаназар Аълам домла

Мударрислар қаторида Тўхтаназар Аълам домла номини ҳам келтириш ўринли. Гарчи бу зот ўша даврда қозихонада аъламлик хизматида бўлсалар-да, Хонақоҳ мадрасасига тез-тез келиб турганлар. Талабалар у зот илмидан оз бўлса-да, фойдаланишган. Ёзма маълумотларда бу зотни «*фақоҳат дастгоҳ*» – «*буюк фақиҳ*», «*раҳнамойи аҳл илм*» – «*илм аҳлларининг йўлбошчиси*» каби сифатлар билан таърифлашган. «Тарихи Азизий» китобининг муаллифи бу зот ҳақларида шундай маълумот келтиради: «*Шу вақтда ўрин ва амал ишига аралашмасдан бир кунжида китобу қогоз қилиб ётган икки азиз уламо бор (эдилар). Бири Мулло Ҳошимхўжа эшон⁷⁰³ ва иккинчиси Мулло Тўхтаназар аълам. Улар фатво ишига яхши эдилар*». ⁷⁰⁴

Биз 1996 йилда 106 ёшда вафот этган марғилонлик кекса мулла Муҳаммад Бобо қори мулла Умурзоқ ўғли билан суҳбат қилган чоғимизда мазкур Аълам домлани кўриб, бирга ҳамсуҳбат бўлганини эслаган эдилар. Муҳаммад Бобонинг берган маълумотлари ҳам Муҳаммад Азиз маълумотини тасдиқлайди. Қўлимизда домла вафотига Асий Водий тарафидан ёзилган тарих мавжуд. Бу Аълам домланинг Хонақоҳ мадрасаси билан алоқадор бўлганини кўрсатади. Тўғри, ўша даврларда мадрасалар илм-фан маркази бўлиб, қозихоналар фуқароларнинг ҳақ ва ҳуқуқларини шаръий йўл билан ечиб берадиган маҳкама вазифасини бажарган бўлса-да, ҳар бир илм ва маърифат аҳли бевосита у ёки бу жиҳатдан Хонақоҳга алоқадорлиги бўлган. Мисол тариқасида Марғилоннинг қозикалони Хўжажон қози домла Рожийнинг ҳам тез-тез Хонақоҳ мадрасасига келиб туриши ва бу ерда бўлаётган илмий жараёнларда иштироки борлиги, мадраса фаолиятига доир кўп воқеа ва ҳодисаларни ўз асарларида ёритиб берганлигини эсласак, бу нарса янада равшанлашади. Таъкид жоизки, бунга Ҳазрат Домланинг бу ерда суҳбатлари ва маънавий-руҳий тарбиялари сабаб бўлган. Аълам домла 1346/1927 йилда Марғилонда вафот этганлар.

⁷⁰³ Мулла Ҳошимхўжа эшон Марғилонлик уламолардан. Архив ҳужжатларида Эшонхўжа Ҳасан хожи деб ёзилган. Ўша даврларда Чимён волостида қози ул-қуззот бўлгани келтирилган.

⁷⁰⁴ Муҳаммад Азиз Марғилоний. «Тарихи Азизий»... 69-б.

Тарихи вафоти мулла Тўхтаназар аълам Марғинович

*Он фақоҳат дастгоҳу раҳнамоӣ аҳли илм,
Раҳт басат аз ин жинон пух баназди Худо.
Баҳри тарихи вафоташ бедили нолиду гуфт,
Шуд зи Марғинов ҳидоят ҳам зи Фарғона ҳудо.*⁷⁰⁵1346 /1927.

Насрий таржимаси: Илм аҳллариининг йўлбошчиси, буюк фақиҳ бўлмиш бу зот ногоҳ бу фоний дунёдан Аллоҳ ҳузурӣ – жаннатга сайр қилиб кетди. Унинг вафот тарихи ҳақида бир бедил одам нола қилди-да деди: «Марғилону Фарғонадан ҳидоят кетди».

Домла Кулаҳбардорӣ

Мударрислар қаторида Домла Кулаҳбардорӣнинг ҳам номлари бор. Охунжон қори Водилий бу зотни «устозимиз», деб айганлар. Шунга кўра бу зот Хонақоҳ мадрасасининг кекса мударрисларидан бири бўлган кўринади. 1897 йилда вафот этган бу зот ҳақида бизгача етиб келган бирдан-бир маълумот ҳам Охунжон қори ёзган тарих бўлиб, у қуйидагича:

*Баҳри тарихи фаоти у ҳотиф,
Ғуфира лаҳу било ниҳоя гуфт.*⁷⁰⁶

Таржимаси: У зотнинг вафоти тарихига шундай дейилди: У зот бениҳоят мағфират қилинди. Эслатма: Тарих моддаси «ғуфира лаҳу» сўзларининг сон йиғиндисидан чиқади. 1315/1897.

Мадраса хатмонлари

Маълумки, қадимдан Ўрта Осиё мадрасаларида ҳар йили ўқув мавсуми тугаши муносабати билан хатмона маросимлари бўлиб ўтган. Унда битирувчи талабаларга оқ фотиҳа берилган. Бу каби маросимлар талабалар учун ҳам, устозлар учун ҳам катта воқеа бўлган. Кўпинча, бу маросимларда зиёфат ташкил қилиниб, унга кўплаб уламолар ҳам таклиф

⁷⁰⁵ Асий Водилий. Қўлёзма. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-йиғма жилд.

⁷⁰⁶ №6-қўлёзма. 60-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

қилинган. Шундай тадбир Хонақоҳ мадрасасида ҳам ҳар йили бўлиб ўтган.

Қўлимизда мазкур хатмоналар учун ёзилган бир нечта тарихлар мавжуд. Улар 1330/1908 санада Миряхё қори, 1301/1909 санада мулла Муҳаммад Амин қори ва 1334/1912 санада бўлиб ўтган мулла Абдуллоҳон қори ва ҳамдаре шерикларининг хатмона тарихидир. Улар билан танишиш жараёнида Хонақоҳ мадрасаси ва талабалари билан боғлиқ кўп нарсаларни билиб оламиз.

***Тарих хатмонайи Хонақоҳийяҳ кироми ва некномий
мулла Миряхё махдум қорий ва шуракозшон
намуда буданд салламаҳуллоҳу таоло***

*Шукри Худоки, ҳастам балутфи у мувофиқ,
Дорам бафарқи зиллий зон раҳнамоийи барҳақ.*

*Он носири шариат, воон ҳодийи тариқат,
Ҳам муршиди ҳақиқат, кашта зи фазли мутлақ.*

*Аз мавжи он табаҳхур, туллоб фавж бар фавж,
Хатми сабақ намуда, дар жумла фан баравнақ.*

*Хоссаки хатми ҳолий, хатми шарифи ашраф,
Васфаи баҳар чи гўям, гўянда анта асдақ.*

*Хатмонайи намуданд, қаз васфи он батафсил,
Нутқ забон ва ҳома, кардад ба-ажзи мулҳақ.*

*Ҳаққоки шаън басурат, нуранд бомалоик,
Сийрат бар ин қиёсаст, аз ҳар жиҳат фатобиқ.*

*Аз жону дил бижустам, тарих ва ном дарҳол,
Ин гуфт хайри шукрон, «хатмонайи мусоддиқ».*

*Хатми калому хайр ва даъват эшон Илоҳий,
Бо ахтари қабулат, мақрун соз ва мулсақ.⁷⁰⁷*

Таржимаси: Худойи таолога шукроналар бўлсинки, унинг лутфи инояти ила раҳнамоийи барҳақ зотнинг маънавий сояси остида таълим олиш шарафига муваффақ бўлдим.

⁷⁰⁷ №6-қўлёзма. 50–54-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

У зот шариат кўмакчиси, тариқат йўлбошчиси ва ҳақиқат муршиди бўлиб, жумла фазилатларни ўзида жам этган. У файзу футуҳ конидан маърифат муштоқларига маънолар хазинаси ёғилади. Сон-саноксиз толиблар саф-саф бўлиб таълимларига ошиқадилар ва ҳар бир фанни мукамал хатм қиладилар.

Хоссатан, ҳозирги бўлаётган хатмона улуғ ва шарафли толиблар хатмонасидирки, улар васфини ҳар қанча мадҳ этсам ҳам, рост айтасан, дейдилар. Чунки улар ҳар бир илмни шундай мукамал хатм қилдиларки, тил билан айтиб қалам ила ёзмоқ душвордир. Уларнинг зоҳир – суратлари малаклар каби нурли, ботин – сийратларини ҳам шунга қиёс қилаверки, ҳар жиҳатдан мувофиқ келур.

Ушбу хатмонанинг номи ва тарихини дилимдан сўрасам, у дедик, «шогирдларнинг афзали» ва «ҳақиқий хатмона». Эй Раббим, бу эзгу хатмона ва уларнинг хайри дуоларини қабулият даргоҳига яқин ва муносиб эт.

Изоҳ: Ушбу хатмонанинг тарих санаси еттинчи байтнинг «хатмонайи мусоддик» сўзларининг ҳарфлар йиғиндисидан чиқади. Яъни, 1330 ҳижрий, 1912 милодий.

Тарих хатмонайи жамоайи мулла Муҳаммад Амин охунд салламаҳуллоҳу таоло

*Ҳаббаза хони хитомил ихтитом,
Фоқа фи ақтори мо фил аном.*

*Ҳаббаза шукран аъла хотмил улум,
Заликал базлу ва хатмотил калом.*

*Хотамуху гиррун турран комилун,
Ҳум нуҷумун бал будурун лиззалом.*

*Ҳавла шамсул фазли мин анвориҳи,
Муришдун вазиун ила дориссалом.*

*Мунфиқухум соҳилал баҳрил азим,
Мин лаолий илмиҳи фавқол маром.*

*Аллазий мин жудиҳи раббоҳуму,
Сумма заққоҳум литакмилил мақом.*

*Аббадаллоҳу аълайна зиллаҳу,
Вартазоҳу ҳофизон амма юзом*

*Роббана ушкур саъйаҳум фи хотмиҳим,
Зид биҳим нафъан ила явмил қиём.*

*Қийла лама кана за «хатмал будур»,
Жа-а фи тарихиҳи хотмул киром.⁷⁰⁸*

Таржимаси: Ушбу хатмона қандай ҳам яхши хатмонадирки, унинг ҳаётбахш томчиларидан кўпчилик баҳрадор бўлди. Бу ерда хатм қилинган илм ва сарф этилган инфоқларга шукр қилмоқ ҳам қандай яхши. Уни фазилатда машҳур зотлар хатм қилдиларки, улар гўё юлдузлар, балки қоронғу кечадаги ой кабидирлар.

Улар бир фазилат офтобининг атрофида унинг нуридан баҳра олгандирларки, у офтоб жаннатга йўл бошловчидир. Улар катта денгиз каби бўлмиш у зот атрофида унинг илм жавҳарларидан оладилар. У шундай зотки, уларни ўз қарамидан тарбия қилган, сўнгра олий мақомга етмоқлари учун ҳозирлаган.

Аллоҳ бошимизда унинг марҳамат соясини бардавом қилсин ва ундан рози бўлиб, барча ёмонликлардан сақласин. Эй Роббим, улар олган илмлар ажрини кўпайтир ва қиёматгача оммага манфаатли қил. Хатмона тарихида ҳотифдан: «Бу тўлин ойдек равшан зотлар ва улуғларнинг хатмонасидир», – дейилди.

Изоҳ: Хатмонанинг тарихи охириги байтдаги «хатмул будур» сўзларининг йиғиндисидан чиқади. 1331/1913.

Тарих хатмонайи жамоайи мулла Абдуллоҳон махдум шакараллоҳу саъйаҳум

*Ваҳки шуд ин хатм аз бас дилтазир,
Манбаи алтоф ва эҳсони касир.*

*Инқадар натвон базри файзи футух,
Гарна юмни комили неъман насир*

*Аз фуйузи ҳазрати мавлоийи мо,
Хоссаҳул маннон биллутфил ҳазир.*

*Онки Марғинон намоянд ифтихор,
Бар фалак зи анвори он меҳри мунир.*

⁷⁰⁸ №6-қўлёзма. 39-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

*Аз ифодати саъодаткаши у,
Баҳравар кашта ҳама барноу пир.*

*Соҳибонаш зу фунуну нуктадон,
Ҳар яки дар илми ирфон беназир.*

*Баста дар хизмати маъойин боиттифоқ,
Аз самими қалби он жаммун гафир.*

*Чийданд аз сарфи молу наҳв он,
Сад дуойи мустажоби бенакир.*

*Сумма ламма фоқа хатмус солиҳин,
Қийла фи тарихиҳи «хатмул-кабир»⁷⁰⁹*

Таржимаси: Не ажабки, бу хатмона дилларга сурур бағишловчи ва кўп эҳсон ва марҳаматларга тўла бўлди. Агар бир марди комилнинг файзи ва баракоти бўлмаганида, ҳеч ким бунчалик эҳсонга қодир бўлмас эди. Яъни, бу ишлар Аллоҳ ўз лутфига муносиб кўрган мавлойимиз Ҳазрат Домланинг файзи ва баракотидан бўлди.

У зот бутун Марғинович аҳлининг фаҳри ва ифтихори бўлиб, илмларининг нури ҳатто фалакларга қадар етади. У саодат соҳибининг суҳбатидан пиру жавон – ёшу қари баҳраманд бўлади.

Хоссатан, бугунги хатмона соҳиблари турли фанлар соҳиби, нуктадон ва илму маърифатда беназир кишилардир. У буюклар жамоасининг ҳар бири хулуси ният билан устоз хизматларига камарбаста бўлганлар. Улар у зот учун молу жонларини инфоқ этадилар ва ҳаққига юзлаб хайри дуолар қиладилар. Шундай бўларкан, ушбу солиҳлар хатмонасининг тарихи учун, «Бу улуғ кишилар хатмонасидир», дейилди.

Изоҳ: Хатмонанинг тарих санаси тўққизинчи байтдаги «хатмул-кабир» сўзларининг ҳарфлар йиғиндисидан чиқади, яъни 1334/1916.

Бундан ташқари, қўлимизда Хўжажон қози домла Рожий томонидан ёзилган қуйидаги тарих мавжуд бўлиб, у 1330/1912 йилда бўлган хатмонага бағишланган.

⁷⁰⁹ №6 қўлёзма, 40-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Тарих

Маълум бодки, дар Хонақоҳ зиёфатгоҳ ҳазрат устод раҳмат паноҳ рӯз саёзки абвоб хусумат аҳлут-тахосум барӯйи мо бозаст баъзи аҳл илм улум мустаниддон он даргоҳ тарих сол вуқуъ ийн садақайи жорияҳ маъруфа байна аҳли илмки мавсум бахатмонаст илтимос намуда исъофан лил маром бовужуд техраш хисом ва тахархур авом ба ташаттут ҳол ва интишор бол мушавваш маол боин мақол тарих карда шуд. Фурсат мусоида накирад боинтизом он эҳтимомо намуда шуд. Он манзума онаст.

*Ҳибрей ҳамном бо Аби Юсуф,
Вофирул илм фавқол ақрон шуд.*

*Кард ифодат баюмни таълимаш,
Мустафид аз улум чандон шуд.*

*Чанд аз он жумла расм хатмро,
Мустаҳиқ бувад толиби он шуд.*

*Аввалан бар равони устодон,
То бубаҳшанд хатми Қуръон шуд.*

*То ботаом коффайи мардум,
Даъвати ом аҳли булдон шуд.*

*Аз сари хони атйабу атҳар,
Баҳравар аз шуйҳу сибён шуд.*

*Хирадам гуфт баҳри тарихаи,
Номи хатмона пок эҳсон шуд».⁷¹⁰*

Таржимаси: Бу зот (Ҳазрат Домла) Абу Юсуф ҳазратларига номдош бўлган буюк аллома бўлиб, замондошларининг энг пешкадамидир. У зот илмининг баракасидан кўплаб толиблар истифода қиладилар. Бугун ҳам бир қанча толиблар хатм қилмоқдалар. Аввало, ўтган устозлар руҳига тиловат қилдилар. Дастурхонга бутун шаҳар аҳллари таклиф қилинган эдилар. Чунки у зотнинг покиза дастурхонидан ёшу қари баробар баҳраманд бўлади. Ақлимдан унинг

⁷¹⁰ Рожий Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 6-қўлёзма, 40-б.

тарихи ҳақида сўрасам, у: «Бу «пок эҳсон» хатмонасидир», – деди.

Маълум бўлмоқдаки, Хонақоҳда бўлиб ўтган ҳар бир хатмона ўз даврида илмий-амалий, ижтимоий-маънавий аҳамиятга молик бўлган. Шунга кўра, толиблар ҳам улар файзини узоқ вақт эслаб юрганлар.

Ўша давр мактаб-мадрасаларидаги таълим жараёнлари

Шу ўринда ўша давр мактаб-мадрасаларидаги таълим жараёнлари ҳақида тўхталиб ўтсак. Бу борада муҳтарам олим Комилхон Каттаевнинг келтирган маълумотлари аҳамиятли. Талабалар дастлабки ўқиш кўникмаларини эгаллаб, саводлари чиққач, «Ҳафтияк»ни (форсча, «Қуръоннинг еттидан бир қисми») ўқишни бошлаганлар. «Ҳафтияк»ни ўқиш икки йилгача давом этган.

Ўқувчилар «Ҳафтияк»ни тугатганларидан сўнг «Чор китоб» ни ўқишга киришганлар. «Чор китоб» форс-тожик тилида ёзилган бўлиб, у бундан бир неча юз йиллар муқаддам ҳар хил даврларда турли муаллифлар томонидан тузилган.

IX асрда Шарофиддин Бухорий томонидан тузилган «Номи Ҳақ» деб номланувчи биринчи қисмида диний амалларга оид масалалар шеърӣ усулда баён этилган, иккинчи қисмида Қози Азмуддиннинг «Бидон» номли китобидан олинган ва юқоридаги масалалар изоҳ шаклида кенг ёритилган парчалар ўрин олган.

«Мусулмонликнинг муҳим масалалари» деб номланган учинчи қисми ўқувчиларни шариатнинг асосий устунӣ, яъни мусулмон ҳуқуқшунослиги билан таништирган. Китобнинг «Панднома» деб номланган ва XIII асрда ёзилган тўртинчи қисмида Қуръони каримдан олинган одоб-ахлоқ масалаларига оид қоидалар шеърӣ шаклда баён этилган.

«Чор китоб» ўқувчининг ўзлаштиришига қараб бир ярим-икки йил мобайнида муаллимларнинг изоҳ ва тушунтиришлари ёрдамида ўқитилган. Уни ўқиш мобайнида ўқувчилар адабий тил ҳисобланган форс тили билан ҳам танишганлар.

Шундан сўнг ўқувчилар диний-ахлоқӣ масалаларга бағишланган «Саботул ожизин» китобини ўқишни бошла-

ганлар. Ушбу асар кўпинча унинг муаллифининг номи билан, яъни – «Сўфи Оллоёр» деб ҳам юритилган.

Талабалар юқоридаги китобларни ўқиб битирганларидан сўнг устоз тавсиясига кўра ўзбек ва форс-тожик шеърятининг Ҳофиз, Бедил, Навоий, Фузулий каби мутафаккир шоирлари ғазалларини ўрганишни бошлаганлар. Болалар уларни ўқиш билан бирга ёд олишган. Уларда олға сурилган ахлоқий меъёрларга амал қилишган.

Бир нарсани айтиш ўринлики, бугун мазкур асарларни фақат адабиётшунослар ва шунга алоқадор соҳа вакиллари билишларини эътиборга олсак, бундай юз-юз эллик йил олдин Марғилондаги илмий-маънавий муҳит даражаси нечоғли юқори бўлганини англашимиз мумкин.

Тўғри, талабалар мазкур асарларни атрофлича ўрганишмаган ёки уларни тадқиқ қилишмаган, балки шунчаки ўқиш ва ёдлаш билан кифояланишган. Лекин, шундай бўлса-да, у асарларнинг ғоявий-бадиий мазмуни, мақсади ва унда олға сурилган ахлоқий меъёрлардан оз бўлса-да, хабардор бўлишган. Шунинг ўзиёқ уларнинг маънавий-руҳий тарбиясига кучли таъсир кўрсатган. Мактабни тамомлаган ўқувчилар таълимни давом эттириш учун мадрасаларга кирганлар.⁷¹¹

Мадрасалардаги таълим услуги эса анчагина мураккаб бўлган. Хусусан, Марғилон мадрасалар таълим тизимида кўпроқ қадимий ўқитиш анъаналарига содиқлик кузатилган. Талабаларни шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин. Унга кўра биринчи, яъни бошланғич босқич – адно (қуйи), иккинчи босқич – авсат (ўрта) ва учинчи босқич – аъло (юқори) деб номланган.

Таълимнинг биринчи йилида машғулотлар тожик тилида тузилган ва бутунлай савол-жавоблардан иборат бўлган «Аввали илм» китобидан ўрганилган. Сўнгра талабалар «Кофия» китоби асосида араб тилини ўрганишни бошлаганлар. Мазкур китоб бешта мустақил бўлимдан иборат бўлиб, унинг ҳар бири араб тили грамматикаси масалаларига бағишланган.

Шунингдек, талабалар ўз билимларини Абдурахмон Жомий (1414–1492) томонидан ёзилган «Шарҳи Мулло» ки-

⁷¹¹ Каттаев К. Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривожини. – С.: «Зарафшон», 2003. – 32–33-б.

тобини ўқиш орқали янада бойитганлар. Сўнгра талабалар Лутфулла Насафийнинг XIV асрнинг биринчи ярмида ёзилган «Фикҳи Кайдоний» номли китобини ўқиганлар.

Биринчи курс Нажмиддин Умар Насафийнинг XII асрда араб тилида ёзилган «Шамсия» китобини ўқиш билан ниҳоясига етган. Ушбу асар мантиққа оид бўлиб, уни тушуниш осон бўлмаган. Шунинг учун у доимо «Сулламий» номли шарҳий қўлланма ёрдамида ўқитилган.

Мадрасанинг ўрта босқичида талабалар «Мухтасар ал-виқоя» (Убайдулло ибн Маъсуд Ҳанафий Садруш-шариа. (ваф. 747 х.) томонидан ёзилган) китобини ўрганишни давом эттирганлари ҳолда янада мураккаб қўлланма – «Ақоид»ни ўрганишга киришганлар. Ушбу китобни ўқиш учун одатда 3–4 йил сарфланган.

Сўнгра талабалар мантиққа оид кенгайтирилган босқич бўлмиш – «Таҳзиб» китобини ўрганишни бошлаганлар. Ўрта босқичнинг охирига келиб эса нотиклик илмини ва «Талхис» китоби асосида араб тили грамматикасини ўрганганлар.

Учинчи босқичда яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар 2–3 йилда керакли китобларни ўқиб тугатганлар ва мадрасани тамомлаганлар. Хусусан, улар диний билимлар ва мусулмон ҳуқуқшунослигининг тўлиқ курсини ўзлаштирганлар.

Шунингдек, талабалар «Мулла Жалол» (муаллифининг номи билан аталган) китоби бўйича мантиқ ва метафизиканинг тўлиқ курсини ўқиб тугатганлар.⁷¹² Ҳисоблаб чиқилса, таълим даври бошланғич мактаб даври билан қўшиб ҳисоблаганда 10–12 йилни ташкил қилади.

Мадрасада дарслар бомдод намози ўқилганидан сўнг бошланган. Пешин намозигача, тушликдан сўнг эса – шом намозигача давом этган.

Мадрасаларга мударрислар тайинлаш масаласи шахсан хон томонидан, кичикроқ мадрасаларда эса маҳаллий ҳокимият томонидан ҳал этилган. Бунини Қўқон хонлигининг мударрис тайинлаш ҳақидаги қуйидаги фармони мисолида ҳам кўриш мумкин:

«...Ҳаммага маълум бўлгайким, биз иқтидорли ва муносиб олим Мулла Муҳаммад Содиқни Муҳаммад Алихон қурдирган мадрасага мударрис этиб тайинлашга фармон бердик. Ушбу мадрасанинг барча илм толиблари фанлар

⁷¹² Каттаев К. Самарқанд мадрасалари ва илму фан ривожини... 32–39 –б.

*бўйича билим олиш учун шул зотга мурожаат қилмоғи даркор. Муҳр ва сана: 1843».*⁷¹³

Қорихоналар

Марғилонда, шунингдек, кўплаб қорихоналар ҳам мавжуд бўлган.⁷¹⁴ Қорихоналар алоҳида биноларига ҳам эга бўлиб, улар, асосан, вақф даромади эвазига ва ҳимматли кишилар тарафидан қурилган, кўплари масжид ва мазорлар қошида фаолият юритган.

Марғилонда XIX аср иккинчи ярмида жами 21 та қорихона бўлиб, унда 395 нафар қори таҳсил олган. Архив ҳужжатларида Султон Муродбек қорихонаси, Шайх ул-ислом Бобоҳон қорихонаси, Сафилтўда қорихонаси, Ҳазрат Азизхожа эшон қорихонаси, Офтоб пошшо қорихонаси, Кўкмозор қорихонаси ва Бадалбой қорихонаси ҳақида маълумотлар келтирилган.⁷¹⁵

Бу ерда асосан, Куръони каримни тажвидга мувофиқ қироат билан ўқиш ва тўлиқ ёдлаш мақсад қилиб қўйилган. Қорихоналарда ўша даврнинг етук қироат устозлари дарс берганлар. Улар қаторида минг нафар қори тарбиялаб чиқарган Муҳаммад Амин (Даминча) қори, Муҳаммад Умар қори, Булбул қори, Жамол қори, Тожи қори каби ўша давр машхур қорилари номини келтириш мумкин. Уларнинг кейинги авлод вакиллари сифатида Марғилонда собиқ тузум даврида фаолият олиб борган қатор қироат устозлари номини келтириш ўринли. Гарчи улар ҳақида атрофлича маълумот бериш имкони бу ерда мавжуд бўлмаса-да, аммо номларини келтиришни ўзи ҳам кишига завқ беради.

Айниқса, улар орасида Терак тағи ва Эшонгузар маҳалласида истиқомат қилган қорилар жамоаси салмоқли ўрин эгаллаган. Бу ҳудудларда бир даврнинг ўзида юзга яқин қорилар яшаб ўтишган. Улар қаторида устоз Ҳайдар қори домла (1875–1932), Малла қори Мирзажон ўғли (1897–1983), Зокиржон қори (1906–1978), Каримжон қори Зиёвуд-

⁷¹³ Абдулгаффоров С. Краткий очерк Кокандского ханства до завоевания его русскими // Туркестанские ведомости. 1891. № 29. С. 8.

⁷¹⁴ А.Салмонов, А.Султонов, Н.Алимова. «Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Марғилондаги мактаб ва мадрасалар аҳоли»... Фарғона. 2007.

⁷¹⁵ Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеланский уезд. Составиль С.А. Геп-пенеръ. Г. Новый Маргелань, 1899.

дин ўғли (1883–1963), Абдурахим қори Муҳаммадумар ўғли (1894–1963), Исҳоқ қори Нурмуҳаммад ўғли (1891–1988), Тўхтасун қори (1898–1984), Абдулхай маҳдум (1901–1988), Абдулазиз қори (1910–1986), Неъматжон қори (1898–1965), Солижон қори Бобораҳим ўғли (1906–1992), Абдулаҳад қори Бобораҳим ўғли (1916–1989) ва бошқалар номини келтириш мумкин. Мазкур уламоларнинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам Марғилон шаҳрининг турли маҳаллаларида истиқомат қиладилар.

Отин ойи мактаблари

Бундан ташқари, ўша даврда Марғилонда аёллар саводхонлигини чиқариш учун мўлжалланган отин ойи мактаблари ҳам мавжуд бўлган. 1908 йилга келиб улар сони 25 тани ташкил этгани ва уларда 330 нафар аёл-қиз таҳсил олгани манбаларда келтирилган.⁷¹⁶

Мазкур мактабларда, асосан, кучли билимга эга бўлган, маърифатли, зиёли отин ойилар дарс берганлар. Бу каби мактаблар шундай отинбибилар уйларида ҳам очилган, ҳамда у ерда таълим олаётган қизларга ўқиш-ёзиш билан бирга, ахлоқ-одоб, хусну муомала, ҳатто уй-рўзғор ишларини юритиш одоблари ҳам мукамал ўргатилган.

Айниқса, уларнинг мусулмончилик анъаналарига риоялари ўта қаттиқ бўлган. Буни Чор Россиясининг ўша даврдаги ўлкадаги вакиллари ҳам эътироф этганлар. Бу уларни маҳаллий аҳолини рўйхатга олиш жараёнида йўлиққан қийинчиликлари чоғида айтган фикрларидан маълум бўлади.

Маълумки, 1896 йил 27 июлда Россия империясида биринчи марта аҳолини оммавий рўйхатга олишни амалга ошириш ҳақида подшоҳнинг буйруғи чиқади. Шунга мувофиқ тарзда 1896 йил 24 ноябрда Туркистон генерал-губернатори ўлкада аҳолини рўйхатга олиш ҳақида буйруқ чиқаради, айти пайтда вилоятлар (Сирдарё, Фарғона, Самарқанд) ва уездларда рўйхатга олиш комиссияларини тасдиқлайди. Бу ишга умумий раҳбарликни генерал-губернатор ўз зиммасига олади.⁷¹⁷

⁷¹⁶ Эргашев Ф.Обидов Д.Миллий таълим тарихидан. – Т.: «Академия», 1998. 37-б.

⁷¹⁷ Ким П.Г. Фитна санъати. 1-китоб. Тошкент, 1993.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирида Туркистон ўлкасининг маҳаллий маъмурияти вакиллари қандай муносабатда бўлганлар? Бу ҳақда уезд бошлиқларининг вилоят ҳарбий губернаторларига берган баённомаларида қуйидагича маълумот бор.

Марғилон уездининг бошлиғи шундай ёзади: «... *Осиёдаги рўйхатга олиш Европа Россиясидан кескин фарқ қилиши керак. Диний урф-одатлар кучлилиги ва тилдаги фарқ туфайли рўйхатга олиш қийин кечадиган иш*».

Кўқон уезди бошлиғи ёзади: «... *Туркистон ўлкасидаги мавжуд мураккаб шароитда бундай ишга маҳаллий аҳолини жалб этиш зоятда мушкул. Бунинг учун қандайдир программа ишлаб чиқишни ҳам хаёлга келтириб бўлмайди*».

Тошкент уезди бошлиғи ёзади: «... *Аёлларни рўйхатга олишни ақлга сиздириб бўлмайди. Аёллар ва болаларни ҳисобга олишда уй эгалари – оила бошлиқларининг жавоблари билан чекланишга тўғри келади*».

Кўриниб турибдики, уезд бошлиқлари аҳолини хулқатворини назарда тутишиб рўйхатга олишни муваффақиятли чиқишига кўзлари етмаган. Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари губернаторлари ҳам шундай хулосага келишган ва ишнинг ютуғидан умид қилишмаган. Улар бу ҳақда генерал-губернаторга ахборот берганлар.

Уезд бошлиқлари аҳолининг урф-одатлари ва турмуш шароитини ўрганишиб, вилоятлардаги аёлларни рўйхатга олиш учун кўрсатма беришларини сўраб, мурожат этишган. Бу ўринда Фарғона вилоятидаги рўйхатга олувчи комиссиянинг 1896 йил 12 декабрь кuni бўлган мажлис протоколи эътиборга молик. Унда шундай ёзилган: «Наманган уезди бошлиғи рўйхатга олишга маҳаллий аҳоли хонадонларининг ичкараси – аёллар, болаларни рўйхатга олиш учун маълум кўрсатма беришини сўраганлар, чунки маҳаллий аҳолининг урф-одатлари хонадонларининг ичкарасига бегона кишиларни киритишни ман этади». Бу масалага ойдинлик киритиш учун комиссия қарор қилади:

«Намангандаги, шунингдек, бошқа барча жойлардаги комиссияларга маълум бўлсинки, ҳар бир мусулмон ховлижойининг ичкараси дахлсизлиги билан боғлиқ маҳаллий аҳолининг азалий урф-одатларини бузишга йўл қўйилмасин ва масъулият юкланган раҳбарлар, ҳисобчилар рўйхат

варақасига аёлларни қайд этишда уй эгаларининг берган маълумотларига амал қилсинлар».⁷¹⁸

Кўриниб турибдики, Чор амалдорлари ҳам маҳаллий аҳолини турмуш тарзи ва урф-одатлари билан ҳисоблашишларига тўғри келган. Бу эса маҳаллий халқнинг миллий-диний қадриятларга қаттиқ эътиборли бўлганидан эди.

Зикр қилинган таълим масканларида таълим олган аёл-қизлар кейинчалик ўз даврининг зиёли ва маърифатли кишиларига айланган. Иккинчи жаҳон урушигача ҳам ундан кейинги даврларда яшаган кишиларнинг ҳалол-пок, диёнатли кишилар бўлганининг сабаби ҳам шунда. Чунки улар юқоридаги каби мустаҳкам имонли аёл-қизларнинг фарзандлари бўлишган. Бежиз, уларнинг тақвога доир ибратли ишлари ҳозирга қадар ҳам эсланмайди. Нафақат ҳозирги кунда балки, ўша даврдаёқ замон кишиларининг эътиборини тортган.

Масалан, Хўжажон қози домла Рожийнинг Наманган вилоятида жойлашган Учқўрғон қишлоғида яшаб, фаолият олиб борган отин биби вафотига ёзган тарих-марсияси айни эътибор натижасидир. Мазкур асардан биз ўша давр отин-ойиларининг маънавий-руҳий қиёфаларини билиб оламиз. Гарчи асар Учқўрғонлик отин-ойи ҳақида ёзилган бўлсада, марғилонлик маърифатли аёллар фазилати улардан кам бўлмаган, дейиш мумкин. Бу бошқа маълумотларда ҳам таъкидланади.

Эътиборли ери, замон олими Хўжажон қози Рожийдек буюк зотни оддий бир отинбиги муносабатида. Мазкура аёлнинг тақвоси ва бошқа фазилатлари Рожий назарини четлаб ўтмаган. Қуйида муҳтарам устоз Муҳаммаджон Мадғозиев домла лутфан тақдим этган марсиянинг насрий таржимасини беришни маъқул топдик.

***Учқўрғонлик обида, соғида қиз болалар муаллимаси,
жойнамоз устида вафот этган
отин ойи вафотига марсия***

Мен (Рожий) бутун умр кулбайи вайронасидан ташқарига чиқмай ўтган бу мастура отинни бу жаҳондан қайга кетганини сўрадим. Овоз келдики: «У ўлим паҳлавонини эта-

⁷¹⁸ Ким П.Г. Фитна санъати. 1-китоб. Тошкент, 1993

гини маҳкам ушлаб фано мулкига кетди». У Учқўрғоннинг туфроқли кўчаларидан кечиб, жаннатнинг олий қалъасига кетди.

Унинг ҳаётлик пайтида кўплаб ёш болалар савод чиқариб, ер юзи гулгунчаларга тўлган эди. Гўёки, Аллоҳнинг унга (жаннатга олиб кетиш учун бўлган) бўлган лутфи, бошқалар учун қаҳрга айланди. Олам ғам селидан мотамга айланди.

Тоза сувлар шўр бўлиб, халқнинг тили аччиқ бўлди ва шўрликлар булути ғам ёмғирини тўкди. Кўпчилик унинг тобутига бош уриб, кўзидан ёш ўрнига қон тўкди.

У кекса кампир эмасди, балки ёшлар ғайрати бор пир эди. Бу маънода дунёда гўёки, эрлардан эди. Унинг таълимидан кўплаб қизлар илм ўрганиб, хат таниб, шарият билмдонни бўлишган эди.

У элдин узилиб, бу дунёдан видолашди. Кўплаб аёллар ундан маҳрум бўлиб, беҳуд бўлдилар. Қанча отинлар ундан илм ўрганганлар, лекин ўрганганда ҳам озмунча эмас, балки дин ва одоб илмларидан таълим олганлар.

Бутун халқ, ҳатто, қози (Рожий) ҳам соқолин юлиб, ғамга ботиб, гўё дармони кетди. Бу отинда кўплаб аёллар, отинча бўлиб, намозу рўза ва бошқа барча дин аҳкомларини ўрганган эдилар. Ҳатто ёш ўғил болалар ҳам мактабга бормай туриб, унинг тарбиясида савод чиқарган эдилар.

Энди унинг вайронаси хотунларнинг вайронасига айланди, ҳар бири турфа ғамдан мотам тутадилар. Бирида бир хил ғусса, бошқасида эрнинг қиссаси, яна кўпроғида эса даврон бедодликларидан афсоналар.

Эркакларнинг исломи суст, бекорга аёлларнинг диёнати кучли эмас, уларнинг йигиси бу жоҳил халқни бепарволигидандир. Агар чиқишининг иложи бўлса улар (аёллар) осмонга чиқиб, фалак биносини бузиб тушар эдилар. Бу даҳр ичида бирор мардни қурбат қилиш имкони йўқ экан, агар шундай кимсани топсам, унинг атрофидан минг марта айланган бўлар эдим.

У бу дунё дастурхонидан лаззат топа олмади, энди жаннат неъматларини роҳат билан еяжаск. У гўёки пари эдики, бу дунёдан чиқиб, фирдавс жаннатининг ҳурларига қўшилди. Ибодатда гўёки охират кишиси эдики, бутун умр Ҳақ фармонидан заррача чиқмаган.

(Эй қози!) у ризвон боғининг гули учун юрагингдан қон тўкиб йиғла. Ахир, гам шаҳиди бўлган кишининг қони Карбало шаҳидидан камми? Эй Роббим, унинг жойини Марям, Сора оналар ёнидан роҳатли айвон – қасридан қил. Кишилар унинг ҳақида: «Агар у бўлмаса шунча қизлар дур каби отин бўлиши олармиди», – дейишиди.

Дунёда илм аҳлини нодон билан бирга қилиш зиндонга солгандан ҳам қаттиқроқдир. Мен бу марсияда хотинларни ҳолини баён қилдим. Уларнинг гамини бу мархума гами олдида гам деманг. Ўлган бу отин илм аҳлининг алломаси эди, бўлмаса қози унга шунчалар эътибор берарми эди?!

Шариат илмига моҳир ул диёнат соҳибасини нега қози тириклигида хабар топмади. Энди, унинг ўлимига йиғласинки, унинг (қози) учун ундан бошқа шафоатчи йўқдек. Гарчи Баҳоуддин ҳазратлари Бухорода балогардонлик қилса бу аёл у каби аёлларнинг авлиёси эди.

Сен бир фарзандсиз аёл эдинг, энди фарзанд ўрнида шаҳид Ҳусайн этагини тут. Эй қаноатпеша, бунда қизларнинг нонини ер эдинг, энди унда гилмонлар билан ҳурлар дастурхонида таом ейсан. Куфр аҳли томонидан ўлдирилган Марям билан унинг жаннатдаги олий айвонда бирга егин. Доруссалом (жаннати)га бориб мендан салом айт ва сўрагинки, у ерда, яъни жаннатда Рожийнинг ҳам жойи бормикан?! Унинг вафотга ақл шундай деб тарих айтди: «Учқўрғондан отин биби кетди».

Кези келганда айтиш ўринлики, Марғилонда қадимдан аёллар орасидан ҳам кўплаб йирик олималар, сўфийлар чиққан.

«Ат-тахбир фи муъжам ал-кабир» номли китобда марғилонлик обида аёллар ҳақида ҳам гапирилиб, жумладан Оиша бинти Абил-Музаффар ибн Аҳмад ибн Ҳасан ибн Али ибн Яҳё ал-Марғиноний ҳақида маълумотлар келтирилган. Унинг отаси асли Марвлик сўфийлардан экани ва отасига Абу Бакр Аҳмад ибн Мансур ибн Халаф ал-Мағрибийдан ижозат етгани айтилган. Аёл отасидан ҳадис илмини ўрганган. 460 ҳижрийда туғилиб, 530 ҳижрийда вафот этган.⁷¹⁹

Таъкидлаш жоизки, Марғилонда ўша даврда аёллар томонидан ҳам мадраса ва масжидлар қурилган. Масалан,

⁷¹⁹ Ат-тахбир фи муъжам ал-кабир. 1-жилд, 156-саҳифа.

Шодмон ойим масжидини олайлик. Янги боғ маҳалласида жойлашган мазкур масжидни ўтган асримиз бошларида Шодмон ойим исмли бир аёл қурдирган. Фарзандсиз ўтган мазкура аёл шу маҳаллалик мулк эгаси Насрулло отадан ер сотиб олади ва масжид қуриб, вақф қилади. Унинг вафоти олдидан маҳалла кишиларига: «Гўдак ҳолида вафот этган болаларни мени ёнимга дафн қилинглар, токи уларнинг фойдаси менга етиб турсин», – дея қилган васиятидан болаларга нечоғли ташна бўлгани ва ўз ўрнида оқила аёл экани англашилади.

Масжид ўтган асримизнинг эллигинчи йилларига қадар турган. Энг қизиғи, мазкур маҳаллада истиқомат қиладиган Абдумухтор хожи ота Олимжон ўғли иморат қурмокчи бўлиб, ерни қовлаганида мазкура аёлнинг қабри очилиб уни чиримаган ҳолда чиққани эди.⁷²⁰

Архив ҳужжатларида ҳам марғилонлик аёлларнинг масжид-мадраса қурганини тасдиқловчи маълумотлар бор. Масалан, С.А. Геппенеръ 1899 йилда берган маълумотида Марғилон шаҳрида мавжуд мадрасаларни санар экан, улар қаторида «Муштарий ойим мадрасаси» номини ҳам келтиради. Бундан англашиладики, Марғилонда мазкура аёл томонидан қурилган мадраса мавжуд бўлган.⁷²¹

Эслатиш жоизки, Қўқон хони Худоёрхон ҳам ҳижрий 1286 (милодий 1869) йили онаси Жарқин ойимга бағишлаб Чорсу мавзесида мадраса қурдирган эди. Мазкур мадраса 105 та ҳужрадан иборат бўлиб, бош мударрис Раҳматулло Охунд бошчилигида 13 нафар мударрис, 182 нафар талабага дарс берганлар. Ҳоким Ойим мадрасаси қурилиши тўғрисида Мирзаолим Мушриф жумладан шундай ёзади: «...Худоёрхон волидаи шарифаларини васиятлари бирла оналарини номига мадраса солмоқ бўлуб, Мулла Турдиали мирзони ишбоши қилиб, масжиди жомеънинг шарқида мадрасайи олий биносига машғул бўлуб, саҳл вақтида итмомиға етиб «Мадрасаи Ҳоким ойим» номзод қилди. Ва яна бул мадрасаи «Ҳоким ойим»га Шаҳрихон устида дарёдин арик чиқариб, хирожи вақф айлади...

⁷²⁰ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Шодмон ойим. 2012.

⁷²¹ Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеланский уездъ. Составиль С.А. Геппенеръ. Г. Новый Маргеланъ, 1899.

Ушбу мадраса хусусида Муҳаммад Азиз Марғилович ҳам ўзининг «Тарихи Азизий» асарида жумладан шундай ёзади: «Ўрданинг иморатларини битириб ва бозорларда янгитдан расталар ва дўконлар бино қилди. Хўқандда бир мадраса бино қилдириб, сўнгра ўз онаси [Ҳоким Ойим]нинг номига мусаммий қилдирди (номлади). Яхши хазина сарф қилмагани учун ҳозир мадраса иморати ёрилган».⁷²²

Келтирилган маълумотлардан маълум бўлмоқдаки, азалдан Туркистон халқлари, шу жумладан Қўқон хонлиги таркибига кирувчи Марғилович халқи инқилобга қадар ҳам юксак маънавиятли ва маърифатли кишилар бўлишган. Аммо мустабид тузум давридаги дарсликлар ва тарихга оид асарларда Туркистон халқининг асосий қисми саводсиз бўлган, аҳолининг бор-йўғи икки фоизигина ўқиш-ёзишни билган, деган ноҳолис ва ғайриилмий муносабатларга кўп дуч келиниши⁷²³ни юртпарвар олимларимиз қуюнчаклик билан гапирадилар.

Аслидан ҳам шундаймиди? Исломининг машҳур илм-фан ва маданият ўчоқларидан бўлган, жаҳонга ўнлаб даҳо олимларни берган юрт халқи ҳақиқатан ҳам руслар босиб олгунича ялпи саводсиз бўлганмиди? Тарихий маълумотларга муурожаат қилинса бунинг аксини кўрамиз.

Бу борада таниқли шарқшунос олим, Фарғона тубжой аҳолисига таълим бериш қандай ташкил этилганини бир неча ой мобайнида ўрганган академик А. Миддендорфнинг Туркистон маҳаллий аҳолисининг саводхонлиги нисбатан юқори даражадалигини таъкидлаб айтган фикрлари диққатга сазовор. У шундай деб ёзган эди: «Фарғонада ҳамма ўқиш ва ёзишни билишини назарда тутсақ, туб жой аҳоли учун зарур қўлланмалар нашр этилиши биланоқ тараккиёт жуда тезлашиб кетади».⁷²⁴

Туркистон ўқитувчилари семинарияси директори Н.Остроумов илмий фаолияти давомида маҳаллий аҳолининг саводхонлиги масаласини ўрганишга жиддий эътибор қаратган. У «К истории народного образования в Туркистанском крае» (Тошкент 1899), «К истории мусулманского

⁷²² Муҳаммад Азиз Марғилович. «Тарихи Азизий»... 86-б.

⁷²³ Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистонда халқ таълими. Т., 1941. Қадиров И.К. Народное образование Советского Узбекистана, Т., 1964. Ўзбекистон ССР тарихи, ЎзССР даги Ўрта мактабларнинг 9–10- синфлари учун ўқув қўлланмаси. Т., 1974.

⁷²⁴ Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. СПб. 1882.

образовательного движения в России в XIX и XX столетиях» (СПб, 1913) ва бошқа китоблар муаллифи эълон қилинмаган «Общий взгляд на историй русской изофа русско-туземнх школь» сарлавҳали мақоласида (1911 йил.) шундай ёзади: «Ўлканинг турли вилоятларидаги мавжуд мадрасаларни эътибордан соқит қилган ўша пайтдаги чиновниклар уларнинг таълим бериш тартиби ҳақида етарли даржада тасаввурга эга бўлмаганлар».⁷²⁵

«Қомус ул-аълום»да келтирилишича, XIX асрда биргина Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 13 минг хонадон, 18 та мадраса, 60 та бошланғич мактаб бўлган. Петербургда чиққан «Отечественные записки» журналининг 1821 йилги сонларидан бирида «150 минг аҳоли яшаган Самарқандда қирқта, 200 минг нуфусга эга Бухорода ўттизта мадраса бўлгани» ёзилган. 1974 йили рус тилида нашр этилган «Ўзбекистон халқлари тарихи» китобида 1894 йили Туркистонда жами 6445 та мактаб ва мадраса фаолият юритгани келтирилган.

XIX асрда Русиянинг Қўқон хонлигидаги элчиси бўлган Филипп Назаров аср бошларида Қўқонда ўнлаб мадрасалар ишлаб турганини ёзади. Ҳатто амир Умархон замонида хонлик ҳудудида ўн бешта янги мадраса барпо қилинган. Ўша давр маълумотларига кўра, хонликка кирувчи Наманган шаҳрида 39 та мадраса, масжидлар қошида эса 450 дан ортиқ мактаб ва қорихоналар ишлаб турган. Мавжуд элликка яқин қорихонада юзлаб мураттаб қорилар, Қуръон ҳофизлари тайёрланган. Тадқиқотчи Н. Хаников маълумотларида эса Бухорода 103 та мактаб-мадраса ишлаб тургани, уларда беш мингга яқин илм толиблари таҳсил олгани таъкидланади».⁷²⁶ Марғилонда фаолият олиб борган мадраса, қорихоналар ҳақида эса китоб аввалида маълумот келтирилганмиз.

Туркистон халқларининг нечоғли саводхон бўлганини В.Наливкиннинг (Туркистон ўлкасидаги халқ билм юртлари 3-инспектори) маъориф министрига 1896 йил 8 майда йўллаган ахборотидан ҳам билса бўлади. У мазкур ахборотномада ўлкадаги мавжуд мактаблар сони ҳақида қизиқарли

⁷²⁵ Ким П.Г. Фитна санъати. 1-китоб. Тошкент, 1993.

⁷²⁶ Соатов С. Ўзбекистон ССР тарихидан ўқув кўлланмаси, Т., 1973, 27-б.

маълумотлар келтириб, Туркистонда маҳаллий мактаблар сони 5000 дан ортиқ эканини айтган.⁷²⁷

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг мадрасалари ҳақидаги бобни тугатар эканмиз, маълумот учун ҳозирги кунда мамлакатимизда Ислом университети, (ТИУ) Ислом инситути (ТИИ) ва ўнлаб мадрасалар, шу жумладан иккита аёл-қизлар мадрасаси фаолият олиб бораётганини мамнуният билан эслатиб ўтамиз. Уларда ҳар йили кўплаб йигит-қизларимиз диний ва дунёвий фанлар билимдони бўлиб, халқимизнинг маънавият ходимлари ўлароқ хизмат қилмоқдалар.

⁷²⁷ ЎзССР МДа, фонд 47, Записки Наливкина о мактабах Туркестана в 1896 г.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ ХАЛИФАЛАРИ

Маълумки, тасаввуф таълимотида тариқат пирлари вафоти олдидан ўзлари учун халифа қолдириб кетиш анъанаси мавжуд. Улар бу вазифага муридлари орасидан муносиб ва салоҳиятли бўлганларини танлайдилар. Бир шайхнинг бир неча халифалари бўлиши ҳам мумкин. Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг халифалари аввал айтилганидек, шайх комил мукамал Муҳаммад Карим (қ.с.) бўлганлар. Ҳазрат Домла билан бир даврда яшаган Абдуллоҳ Марғилонийнинг маълумотларига кўра, Ҳазрат Домла ўзларидан кейин кўплаб халифа қолдирганлар. У бу ҳақда шундай ёзган эди:

«...ва бу даврда Марғилонда илми ҳол ва илми қол олими, аввал узоқ йиллар дарс берган, сўнгра эса кўплаб халифалар қолдирган Ҳазрат Домла бор эдилар».⁷²⁸

Бундан Ҳазрат Домланинг узоқ шаҳар- кишлоқларда ҳам халифалари бўлгани англашилади.

Биз бу ерда бизга маълум бўлган марғилонлик халифалари Муҳаммад Карим (қ.с.) ҳақларида тўхталиб ўтамиз. Бу зоти шариф зот халқ орасида баъзан, «Абдул Карим домла», «Ҳазрат Домла», «Ҳожи Каримжон домла» номлари билан машҳур бўлганлар. Кўпроқ, «Ҳожи Каримжон домла» тарзида зикр қилиниб, пиронлар силсиласида ҳам шундай келтирилганига мувофиқ биз ҳам мазкур унвон билан келтирдик.

Аслида тақвою тоатда, ибодату риёзатда ўз замонида бе-назир бўлган бу зот ҳақида алоҳида бир маноқиб ёзиш мумкин бўлгани ҳолда, бу ерда ишончли маълумотларга таяниб, мухтасар маълумот бермоқчимиз. Қўлёзма манбаларда мазкур зот жумладан, қуйидаги сифатлар билан таърифлаганлар.

«Халафи сидк» – «муносиб ўринбосар», «бадри мунир» – «тўлин ойдек равшан», «соҳиби тамйиз», «қаноатпеша», «муҳаббат аҳлини хоқони», «дард аҳлини дармони» ва бошқалар.⁷²⁹

⁷²⁸ №12-қўлёзма. 166-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁷²⁹ Охунжон қори Водилий. №2-йиғма жилд; Баёзи Ғурбатий... 486–488-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Маълумотларга кўра, Ҳожи Каримжон домла (қ.с.) 1851 йилда Марғилоннинг Ёстикут маҳалласида таваллуд топганлар. Оталари мулла Юнус ҳожи исмли киши бўлиб, тақволи савдогар эдилар. Оналари Пўлатхон ойим маърифатли аёл бўлиб, Марғилоннинг Тошкесар маҳалласидан Анасиддинбойнинг қизи бўлганлар.

Ҳожи Каримжон домла (қ.с.) ёшликларидаёқ Ҳазрат Домлага шогирд бўладилар. Ўн саккиз ёшларида ота-оналари билан муборак ҳаж сафарига борадилар ва у ерда бир муддат туриб қоладилар. У ердан бир неча фавқулудда турли ҳодисаларга гувоҳ бўлиб қайтадилар. Булар Ҳожи домланинг келгусидаги маънавий камолотларидан дарак эди.

Ёшлари йигирмага яқинлашганда, Ҳазрат Домла ижозатлари билан Бухорога бориб, у ерда Мир Араб мадрасасида таълим оладилар. Мадрасани тамомлаб Марғилонга келгач, Хонақоҳда яна Ҳазрат Домланинг маънавий тарбияларида бўладилар.

Ҳожи домла (қ.с.)нинг илмий фаолиятлари Ҳазрат Домла ҳаётлик чоғларидаёқ бошланган. Бу Марғилоннинг Пўстиндўз маҳалласида яшовчи мухлис кишилар Миркомилбой ва Насриддинбойларнинг бу ерга катта масжид ва мадраса қуриб битқазган пайтларига тўғри келади. Ўшанда улар Ҳазрат Домла ҳузурига масжид ва мадраса учун мударрис ва имом сўраб боришган эди. Ҳазрат Ҳожи домлани у ерга мударрис этиб юборадилар.

Ҳожи домланинг бу ердаги фаолиятлари даврида Марғилон ва унинг атрофидаги кўплаб талабалар у зот илмларидан баҳра оладилар. Ҳожи домла фаолиятлари нафақат толиб илмлар, балки ўша давр оддий кишилари хотирасига ҳам муҳрланиб қолган. 1996 йилги изланишлар пайти Пўстиндўз маҳалласида яшовчи юз ёшли Мўсинжон ота билан суҳбат қилган чоғимиз ўша тарихий хотираларни эслаб, шундай деган эдилар:

«Ёш болалик пайтимизда оталаримизга эргашиб, биз ҳам масжидга борар эдик. Ҳар гал борганимизда Ҳожи домла бизга ёнларидан майдаланган новвот олиб берар ва бошимизни силаб ҳаққимизга дуо қилар эдилар».⁷³⁰

Ҳожи Каримжон домла (қ.с.) фавқулудда кимёназар соҳиби бўлганлар. Назарлари кимга тушса албатта, у камол

⁷³⁰ Маноқиб материаллари. Марғилон – 1996.

топар эди. Хонақоҳ жомеъ масжиди имом-хатиби мулла Собиржон ҳожи ота мулла Муҳаммад Амин ўғли шундай дейдилар:

«Қиблагоҳим мулла Муҳаммад Амин қори Ҳожи Каримжон домлага мурид эдилар. Ҳожи домла бир куни бизникига келадиган бўлдилар. Ўшанда мен беш-олти ёшли бола эдим. Бир кун суҳбат тугаб, аравага чиқаётган пайтлари мен ҳузурларига келиб қолдим. Отам дарҳол мени у зотга ишора қилиб, ҳаққимга дуо қилишларини ва таомилга кўра оғзимга туфлаб қўйишларини илтижо қилдилар. Ҳазрат дарҳол бармоқлари билан қўлларини ҳўллаб, тағнайимни кўтариб қўйдилар. Ўшанда мен шундай бир лаззатни туйдимки, унинг мазаси ҳозиргача оғзимдан кетмайди».⁷³¹

Ҳожи домла маноқибларини ўрганар эканмиз, у зотнинг илм аҳлларига нисбатан эҳтиромлари юқори бўлганини кўрамиз. Айниқса, замон уламоси Мукаррамхон тўра Хон бувага эҳтиромлари айрича эди. Тез-тез зиёратларига бориб турганлар. Ўз ўрнида Марғилоннинг кўплаб маърифат аҳли Ҳожи домла зиёратларига келиб туришган.

Буюк аллома Холмуҳаммад қорини ҳам Ҳожи домлага эҳтиромлари кучли бўлганини кўрамиз. Шуниси қизиқки, бу эҳтиром у зотнинг фарзанд ва набираларига муносабатларда ҳам ўз аксини топган. Ҳожи домланинг набиралари Рашидхон ота Турсун бобо ўғлининг хотирлашича, Холмуҳаммад қори домла бу зот ҳаққига кўп дуо қилган ва ёшликлариди оғизларига туфлаб ҳам қўйган эканлар.⁷³²

Ҳожи домла ўз устозлари Ҳазрат Домла вафотидан кейин йигирма саккиз йил давомида у зотнинг сулук йўлларини бошқардилар ва бу йўлда кўплаб муридларни тарбиялаб, уларни маънавий камолотга йўлладилар. Кейинги даврда Марғилонда ўтган кўплаб илм аҳли Ҳожи Каримжон домлага байъат қилиб, тариқат таълимини шу зотдан олган эдилар.

Ҳожи Домланинг фарзандларидан кейинчалик машҳур тариқат шайхи бўлиб етишган Тўхтасун маҳдум эшон (Муҳаммад Саъид) (к.с.) ҳазратларини қиблагоҳларига шойиста хизмат қилганлари келтирилган. Буни ҳар куни таҳажжудга туриш олдидан таҳорат сувларини бағриларга босиб иситиб беришларидан ҳам билса бўлади. Мазкур

⁷³¹ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон—Арабмозор. 2012.

⁷³² Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон—Хонақоҳ. 1996.

хизматлар оталарининг қалбидан у зотга нисбатан зиёда муҳаббат ва меҳр пайдо бўлишига сабаб бўлган. Айтишларича, Ҳожи Домла вафотлари олидан у зотга: «Энди хирқа билан саллани кийинг», – дейдилар. У зот одоб билан: «Ахир мендан катта акамлар турибдилар-ку», – дейдилар. Дарҳақиқат, катта ёшли акалари бўлган эди. Лекин бунга жавобан Ҳожи Домла: «Нисбат сизга ўтиб кетганига аллақанча бўлган», – дея пирлик хирқасини у зотга кийдириб қўйган эканлар.

Изланишлар давомида биз Ҳожи Домладан кўплаб илмий мерослар қолганига гувоҳ бўлдик. Ҳозирда улар авлодлари қўлида сақланади. Улар орасида устозлари Ҳазрат Домлага тегишли бўлган бир қўлёзма ҳам мавжуд бўлиб, 1297/1880 йилда ёзилган. Ўз ўрнида мазкур қўлёзма Хонақоҳий Ҳазрат Домла фаолиятларини ўрганишимизда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Аҳамиятлиси, унда Ҳазрат Домланинг замондошлари билан бўлган илмий алоқалари, ўзаро ёзишмаларига доир қимматли маълумотлар ҳам ўрин олганидир. Бундан ташқари, мазкур мерослар орасида Ҳожи Домла томонидан «Мухтасар ал-виқоя», «Амолий», «Кофия» дарслик китобининг 1300 хижрий йилда Марғилоннинг Исақбой масжидида кўчирилган қўлёзмаси ҳам сақланади.

Марғилонлик Орифжон қори Охунжон қори ўғлининг маълумотларига кўра Ҳожи Каримжон Домла 1363 хижрий, йил зулқаъда ойининг 9 куни, милодий 1944 йил 25 ноябрда чоршанба куни қиём пайтида 89 ёшда Марғилонда вафот топадилар.⁷³³ Жаноза намозлари Абдулҳамид махдум домла бошчилигида адо этилган. Домланинг вафотлари ҳақида набиралари Рашидхон хожи ота Турсун бобо махдум ўғли шундай хотирлайди:

«Бобом жанозаларига узоқларни айтилмади. Лекин намоз куни ўз-ўзидан чекка қишлоқлардан ҳам Марғилонга сон-саноксиз кишилар оқиб кела бошлади. Улар: «Туш кўрдик, тушимизда Ҳазрат оппоқ кийимда, оқ отни минган ҳолда қиблага қараб, биз кетаяпмиз», – дедилар. «Эрталаб турдик-да, Марғилонга қараб келавердик», – дейишди». Ҳожи Домланинг қабрлари Сармозор қабристонига устозлари ёнига бино қилинган.

Айтишларича, Ҳожи Каримжон домла вафотларидан

⁷³³ Орифжон қори Охунжон ўғли. Р. Файзуллаев кутубхонаси. Қўлёзма.

кейин, шогирдлари Зайнобиддин махдум кўп қатори қирқ кунгача фотиҳага келиб турганлар. Тиловатдан кейин кўзларини юмганча пастга қараб, узоқ вақт индамай ўтирган мазкур зот қирқинчи куни вафот этадилар. Бу ишларда ҳам бизга маълум бўлмаган сирлар бордек кўринади. Аввало, шогирднинг устозга мухаббати ва уларнинг ўзларига маълум бўлган руҳоний алоқа ва бошқалар.

*Аҳли дилҳоки дар хаёли у банд,
Ҳама ҳайрону зору гирён шуд.*⁷³⁴

Кўнги́л ахллари́нинг барчаси унинг хаёли билан банд бўлиб, ҳайрон ва гирён эди.

Ҳожи домла вафотларига замондошлари томонидан кўплаб тарихлар битилган. Бизда улардан Асий Водилий ва Умаржон махдум Ғурбатийга мансуб икки тарих мавжуд.

Тарих

*Бедилон, чархро чи фармон шуд,
Ки инқадар даври у паршион шуд.*

*Номуродаст ҳосили омор,
Яъс ҳаззи умидворон шуд.*

*Натавон дийда рӯй некуйи,
Зи жаҳон балки рости зиндон шуд.*

*Ҳама аз ҳастаги аст аблаҳи зард,
Сийна хунобу хонавайрон шуд.*

*Аз самуми замон ноҳанжор,
Ҳамчу кумоч пухту бирён шуд.*

*Лек андар балойи шекибойи,
Муждаий раҳмат фаровон шуд.*

*Нуқси дунё камоли династ,
Ҳар ки аз жону дил мусулмон шуд.*

*Кист он каски зист дарди дунё,
Ғам надиду ҳамиша шодон шуд.*

⁷³⁴ Асий Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. Қўлзма. №2-ийғма жилд.

*Рехт бармо мусибатеки аз у,
Нуқс дар омурдин намоён шуд.*

*Онки маъваш бувад Марғинович,
Файзиҳояи муҳити булдон шуд.*

*Халафи сидқи ҳазрати устоз,
Бувад қоим мақоми эшон шуд.*

*Ҳожи Домлоки бувад бадри мунир,
Солҳо бар қулуби тобон шуд.*

*Тоқати шӯраш замона надошт,
Бақазо зери абр пинҳон шуд.*

*Балки маҳ дур шуд зи ҳоили хок,
Нури овози муфиз чандон шуд.*

*Аҳли дилҳоки дар хаёли у банд,
Ҳама хайрону зору гирён шуд.*

*Умр ҳаштоду нуҳ ки онҷомид,
Ҳама масруфи илму ирфон шуд.*

*Чоҳоршанба нуҳум зи зулқаъда,
Сӯйи даргоҳи Ҳақ хиромон шуд.*

*Аз ҳаво дил бурида тарихаш,
Кӯ бахонаи карим меҳмон шуд.*

*Ҳарки пурсид кужо шуд он маҳ боз,
Ҷоли тарих кӯйи ризвон шуд.⁷³⁵*

Тарҷимаси: Эй азизлар, ушбу фалакка нима бўляптики, унинг тоши паришон айланмоқда. Бу дунёда барча орзулар армон, умидворларнинг насибаси эса ноумидликдир. Ҳеч ким бу дунёда яхшилик кўрмайди, бу дунё рости зиндон. Бунда барчанинг қалби хаста, кўнгли хуноб ва вайрондир.

Замоннинг даҳшатли захридани барчанинг бағри қон ва бирён бўлди. Лекин умид шулки, бу балоларнинг орқасида бисёр раҳматлар бор. Чунки, ҳар ким комил мусулмон бўлса, аниқ биладикӣ, дунёнинг ками, охират камолидир. Ким экан у, бу дунёда ғам кўрмай доимо шодон бўлса.

⁷³⁵ Асий Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. Қўлёзма. №2-йиғма жилд.

Бошимизга бир мусибат тушдики, унинг алами барча мардлар устида намоён бўлди. Маскани Марғинонда, аммо довруғи бутун шаҳарларга кетган, ўтмиш сиддиқларнинг ўринбосари, ҳазрат устоз Ҳожи домламиз дунёдан кетдилар. У зот гўё тўлин ой каби зиёси қалбларга нур берар эди.

Унинг мусибатига замоннинг тоқати етмади, у тўлин ой ногоҳ булутлар остига ғойиб бўлди. Балки нури барчага етувчи у ой тупроқ остига ғойиб бўлди. Кўнгил аҳллариининг барчаси унинг хаёли билан банд бўлиб, хайрон ва гирён эди.

Умрлари саксон тўққиз ёш бўлиб, унинг бари илму ҳикматга сарф бўлган эди. Зулқаъда ойининг тўққизинчи куни, чаҳоршанбада Ҳақ даргоҳига хиром қилиб кетдилар. Ғойибдан дилимга келдики, унинг тарихи: «У Карим бўлган зот хонасига меҳмон бўлиб кетди», – деди. Ҳар ким у ойни қаерга кетганини сўраса, унинг тарихи: «У ризвон йўлига кетди», сўзлари (нинг форсий бирикмаси) дан чиқади.

Муҳаммадумар Ғурбатий Ҳожи Каримжон домла таърифларида шундай ёзган эдилар.

Мадҳия

*Ғурбатий гурбатга эрди мубтало,
Бошига тушган эди турли бало.*

*Дарду ғам бирла дили маҳзун эди,
Ёш ўрнига кўзи пурхун эди.*

*Лоладек эрди юраклар доғ-доғ,
Ўзгаларни ийд янглиғ вақти чоқ.*

*Шукр лиллоҳ Тангрига беҳад сано,
Раҳм қилди-ю, манга берди паноҳ,*

*Манга бир зотни ҳамдам айлади,
Сирри асрорига маҳрам айлади.*

*Васфини айлай сиза бир-бир баён,
Токи бўлсун исми сизларга аён.*

*Бир Карим маҳдум деган соҳиб тамиз,
Сўзлари шаҳд ила шакардин лазиз.*

*Ҳам қаноат пешалиқ кори ани,
Аҳли мўмин доимо ёри ани.*

*Ҳам муҳаббат аҳлини хоқонидур,
Гўйиё дард аҳлини дармонидур.*

*Ҳам халойиқлар ичинда хуш калом,
Ҳам саховат бобида Хотам гулом.*

*Бўлди бошимга ҳумодек соябон,
Мурда жисмимга бўлиб руҳи равон.*

*Мунису гамхор бўлди ҳамдамим,
Бу жароҳатлик дилимга марҳамим.*

*Мадҳи авсофини қилсам субҳу шом,
То ила явмул жазо бўлмас тамом.*

*Етти бошига ани ногоҳ малак,
Марғи жомин нўш этиб бўлди ҳалак.*

*Эй Худоё, қабрини пурнур қил,
Тонгла дийдоринг била масрур қил.*

*Маҳв бўлган эрди дарди кулфати,
Чунки маҳдум Ғурбатийни улфати.⁷³⁶*

Юкорида айтилганидек, Ҳожи домла вафотларидан кейин у зотнинг сулук йўлларини фарзандлари Тўхтасун маҳдум Эшон (Муҳаммад Саъид) (қ.с.) ҳазратлари давом эттирганлар. Ўз даврида бекиёс тақво ва кўплаб кароматлар соҳиби бўлган мазкур зоти шарифни ҳозирда ҳам шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқларда истиқомат қиладиган кўплаб кишилар номларини ҳурмат билан тилга оладилар. Ёзёвоннинг Хонобод қишлоғида туғилиб истиқомат қилган мухтарам устоз Маҳмуджон қори Мажруҳ Ёзёвоний Муҳаммадумар охунд Ғурбатий ўғли ҳам мазкур зотга мурид бўлган эдилар. Шайх ҳазратларининг вафотлари у зотнинг тақдир тақозоси билан Тожикистоннинг Қўрғонтепа қишлоғида бориб истиқомат қилган кезлари содир бўлади. Пирларининг вафотини эшитиб, ўша ерда туриб у зот вафотига қуйидаги тарих-марсияни ёзадилар.

⁷³⁶ Баёзи Ғурбатий... 486-488-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Пирим вафотларига тарих

*Жаҳонга келди ким жону жаҳондин,
Жудодир охири яхши ямондин.*

*Ҳамма ёшу қарига тутқизибдур,
Ажал соқийси ногаҳондин.*

*Ўлимни жомидан пирим бўлиб маст,
Ўзидин борди ҳам сифли макондин.*

*Қаро кун тушиди бошига, бўлди андоқ,
Кетиб хуришиди тобон осмондин.*

*Тутиб бир-бирларин фарёд этарлар,
Ёронлар ажралиб шайхи замондин.*

*Ёшурди пири устозимни туфроқ,
Қачон топқумдур излаб ҳокидондин.*

*Ҳама шоҳу гадо зери лаҳадда,
Нишонни йўқ, гадо-ю комирондин.*

*Бўлиб туфроқ аро асар қолмагандир,
На шоҳи талъату қоши камондин.*

*Худоё, лутф этиб пиримга дийдор,
Насиб эт, кавсару ҳуру жинондин.*

*Вафоти пирима тарих тушибдир,
«Сафар уқбога қилди Маргинондин».*

*Етолмай хизматига борди тарих,
Мане бечора Мажруҳ нотаваондин.⁷³⁷*

⁷³⁷ Мажруҳи Ҳақирул ибод Ёзёвоний. Баёзи Мажруҳ.– Ф.: «Фарғона» нашриёти, 2008. 108-б.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАДА ТАЪЛИМ ОЛГАН АЛЛОМАЛАР

Хонақоҳ мадрасасида таълим олиб, Ҳазрат Домлага шогирд бўлган уламолар ҳақида сўз кетганда бир сўз билан: «Улар Ҳазрат Домладек зотга шогирд бўлган кишилар», – дейиш мумкин. Чунки маълум бўлганидек, Ҳазрат Домла тақвою тоат, илму маърифатда замон уламоларининг энг мукаддами эдилар. Бу эса ўз-ўзидан уларнинг маънавий-ахлоқий тарбияларига ижобий таъсир қилган.

Имом Зарнужийнинг «Таълим ул-мутааллим» («Таълим олувчиларга таълим йўллари») номли китобида, толиб илм устоз танлашда уларнинг ёши каттароғига бориб таълим олиши лозимлиги айтилган ва бунга мисол қилиб, Имом Аъзам Абу Ҳанифа⁷³⁸ (р.а.)нинг кўп фикр ва андиша қилганларидан кейин ўша даврнинг улуғ олим ва фозили Ҳаммод ибн Сулаймон (р.а.) ҳузурига боргани ва у зот тарбиясида камол топганлари келтирилган.⁷³⁹ «Тухфат ус-соликин»да Муҳаммад Мунир Самнудий: «Толиби илм устоз танлашда покиза эътиқодли, тавозеъ ва камтар, солиҳ амалли олимни ҳузурига борсин», – дея тавсия берганлар.⁷⁴⁰

Бу борада Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.): «Токи одамлар илмни улуғлардан олар эканлар, яхшилик уларга доим ёр бўлади. Қачонки, илмни ёшлардан олар эканлар улар ҳалокатга юз тутадилар» ёки «Илм улуғларингизда бўлса сизлар яхшилик устидасиз, агар кичикларингизда бўлса, кичиклар улуғларни нодон санай бошлайди», деган сўзлари ибратлидир.

Бу борада ҳам Имом Зарнужийнинг шогирдларни илм аҳллари билан мунозара қилишдан қайтариб, бу тортишувлар ёши улуғ кишилар вафотидан сўнг пайдо бўлганига алоҳида урғу бергани ҳам диққатга сазовордир.

⁷³⁸ Абу Ҳанифа Нўмон бин Собит бин Зуто ал-Кўфий. Суннийликдаги ханафий мазҳаб асосчиси. 80/699 йил туғилиб, 150/767 йил вафот қилганлар.

⁷³⁹ Шайх ул-ислом Имом Бурхониддин Зарнужий. «Таълим ул-мутааллим»... 35-б.

⁷⁴⁰ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин»... 62-б.

Устоз танлашда кўрсатилган шартларга амал қилишгани боис, Ҳазрат Домлада таълим олган уламоларнинг барчаси маънавий камолотга етганлар. Улар орасида бирорта ҳам «йўлда қолган»лари бўлмаган. Изланишлар давомида улар ҳақида келтирилган кўплаб таърифларнинг гувоҳи бўлдик. Қизиғи шундаки, мазкур таърифлар ўша даврнинг бирор-бир тарихчи ё шоири томонидан бўлмай, ўзлари каби уламолар томонидан айтилганидир. Бу эса уларнинг самимий муносабатларини ифода қилади. Жумладан, улар ҳақида шундай дейдилар:

«Улар шарият ва тариқат йўлини баробар ушлаган эдилар».

«Уларнинг барчаси кечаси намоз ўқиш билан муттасиф бўлиб, таҳажжуд намозидан сўнг ухламас эдилар».

«Улар мажлисда доимо чўкка тушиб ўтирар, ҳамма ҳолда устозларига содиқ эдилар».

«Уларнинг суҳбатига беҳуда сўз аралашган эмас».

«Улар бирор-бир одамга қасдан озор бериб дилини оғритган эмаслар».

«Улар қалбида ўзларидан гўзал намуна қолдирган эдиларки, суҳбатдошлари уларни узоқ вақт эслаб юрганлар».

«Улар ўзларининг ҳамдарс шериклари ҳурматини улар вафотидан кейин ҳам сақлаб ўтганлар».

«Улар ҳеч қачон Худонинг махлуқотидан койимадилар. На дунёдан, на мавжуд тузумдан, на аҳли аёлу, қўниқўшинидан».

«Улар дунёдан одамларнинг улар ҳақидаги нотўғри гумонларини ҳам тузатиб кетдилар».

«Улар охираатга банда билан Аллоҳ ўртасида бўладиган хақлардаги масъуллик билангина кетдилар. Бандалар ўртасидаги хақларни эса шу дунёдаёқ рози қилиб кетдилар».

«Улар бирор марта бир-бирларига нолойиқ сўз айтмаганлар. Ошкоро ва пинҳонда бир хил эдилар».

«Улар бирор мажлисга жам бўлишса сўралган масалага моҳир бўлгани ҳолда бир-бирларига нисбатан одоб сақлар эдилар».

«Улар ўзлари муҳтож бўлган нарсалар муяссар бўлганида ҳам тама бўлиб қолмасин деб, сақланар эдилар».

«Улар фазл ва камолларини имкон қадар яширар эдилар».

«Улар илмига амал қилган амаллик кишилар бўлишган».

«Уларда кибр ва манманликнинг бўйи ҳам кўринмас эди».

Куйида мазкур таърифлар устида бир оз тўхталиб ўтамиз.

«Улар шарият ва тариқат йўлини баробар ушлаган эдилар», – дея келтирилди. Дарҳақиқат, шундай. Чунки улар инсон маънавий камолоти фақат шу йўл билангина мукамал бўлишини чуқур англаганлар.

Иzlанишлар давомида гувоҳи бўлганимиз улар қолдирган илмий мерослар орасида энг кўп ўрин берилгани ҳам тасаввуфий китоб ва адабиётлар экани диққатга сазовор. Уларнинг ҳар бирида солиқларнинг кундалик вазифасига доир «Рисола», «Далоил ул-хойрот», «Авроди фатҳийёт» каби асарлар мавжудлиги, турли қасидалар, жумладан, «Бонат суъод», «Қасидаи бурда» ва айниқса, мазкур асарларга турли шарҳ ва баъзи изоҳлар ёзиб қолдирганлари фикримиз далилидир. Асарларида келтирилаётган иқтибослар ҳам асосан, Жомий, Ҳофиз, Румий, Навоий, Бедил, Соиб каби тасаввуф намояндаларининг асарларидан бўлган. Асарларида кўпроқ муножот мавзусига эътибор қаратганлари ҳам уларнинг сўфий кишилар эканининг аломати эди. Чунки сўфийлар дунё ва унинг лаззатларидан фориғ бўлиб, кўпроқ илоҳий ишқ оғушида бўладилар. Бу эса ўз-ўзидан киши қалбида Яратганга муножот ва илтижо хусусиятини келтириб чиқаради. Бу борада ислом тарихида машҳур Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг «Муножот»лари, ҳазрат Умар (р.а.), Имом Аъзам Абу Ҳанифа (р.а.), Имом Шофеъий⁷⁴¹ (р.а.) ларнинг машҳур муножотларини кўп такрор қилганлар. Хўжажон қози Рожийнинг ички руҳий кечинмалар, дил изтироблари оҳангида ёзилган «Нечук жонман», дея бошланадиган ғазалини ён дафтарига ёзиб олмаган марғилонлик бирор олим меросини кўрмадик.

«Улар кечаси намоз ўқишга одатланган бўлиб, таҳажжуддан сўнг ухламас эдилар».

Марғилонлик Мирза Мухлис ҳожи ота шундай дейди: «Мулла Нуриддин махдум домладан дарс олиб юрган кез-

⁷⁴¹ Муҳаммад бин Идрис бин ал-Аббос бин Усмон бин Шофиъ ал-Қураший ал-Маккий. Суннийликдаги тўрт мазҳабдан бирининг соҳиби. 150/767 йилда туғилганлар. 199/814 йил Мисрга бориб, у ерда 204/819 йил вафот қилганлар.

ларим. Вақт нозик бўлгани учун кечанинг ярмида борар эдим. Қачон келсам, ичкаридан у зотни жойнамоз устида йиғлаб турганларини кўрар эдим. Шундай йиғлар эдиларки, инсон тоқат қила олмас эди. Бевовта қилмаслик учун хужрани тақиллатмай, чиқишларини кутиб турардим. Анчадан кейин ўзлари чиқар ва мени кўриб, билиб қолдим, деб ўйлаб, дарҳол: «Қачон келдингиз», – деб сўрар эдилар. «Ҳозиргина келдим», – десам, хотиржам бўлар эдилар. Кейин кириб сабоқ олиб қайтар эдим.⁷⁴² Айтишларича мазкур ҳолат Миряхё қори домла ҳаётида ҳам кузатилган.

Ёки, Фозилжон махдум домлани олиб кўрайлик. Марғилонлик Раҳмонберди ота Қурбонбой ўғли шундай ҳикоя қилади:

«Қиш кунларининг бирида Фозилжон махдум бизникига меҳмонга келдилар ва бир кеча тунаб қоладиган бўлдилар. Хуфтонни ўқиғач: «Энди дам олайлик», – дедилар. Биз жойимизга ётдик. Бир оздан кейин махдум почча ўринларидан тура бошладилар. Таҳоратга чиқмоқчи бўлдиларми, деб, мен ҳам турмоқчи бўлдим. Менга: «Сиз ётаверинг, мен бир оз намоз ўқиб оламан», – дедилар ва намоз бошладилар. Мен жойимда намоз ўқишларини кузатиб ётдим. Кейин кўзим уйқуга кетибди. Кечаси уйғониб кетиб, қарасам, махдум почча ҳали ҳам намозда эканлар. Нима қилишимни билмай, яна уйқуга кетдим. Тун ярмида яна бир уйғонибман. Не кўз билан кўрайки, домла ҳануз қиёмда эдилар. Ўшанда мен ўзимча: «Бу зотларнинг халқ орасида «махдум почча» бўлиб юришлари бежиз эмас экан. Кечаси билан Аллоҳнинг хизматини қилиб, кундузига борганда халқ ҳурматини қозонишар экан-да», – дея хулоса чиқарган эдим».⁷⁴³

Ҳассон ибн Сионнинг аёли айтади: «Ҳассон келиб тўшакка ётардилар, сўнг мени худди она боласини алдаб ухлатганидек, ухлатишга ҳаракат қилардилар. Агар ухлаганимни кўрсалар ўзларини секин тўшакдан чиқариб олиб, хонадан ташқарига чиқиб кетар эдилар. Сўнг намоз ўқишга турар эдилар».⁷⁴⁴

Марғилонлик кекса маҳсидўз уста Муҳиддин ота шундай дейдилар: «Қиш кунларининг бирида Фозилжон махдум

⁷⁴² Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Қаландархона. 1997.

⁷⁴³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Ёвқочар. 1994.

⁷⁴⁴ Имом Шаъроний. Танбеҳ ул-муғтаррин...133-б.

келиб қолдилар. Маҳсилари чокидан йиртилиб қолган экан, кўрсатиб: «Шуни тезда тикиб беринг», – дедилар. Мен у кишини ичкарига таклиф қилдим. «Шошиб турибман», – деб унамадилар. Ваҳоланки, қор ёғиб турган эди. Мен маҳсини олиб ичкарига кириб кетдим. Битказиб чиқиб қарасам, не кўз билан кўрайки, махдум почча қор устида намоз ўқиётганлар эканлар».⁷⁴⁵

Абдуссамад охунд дада ҳам бу борада ўзига хос юксакликка етганларини кўрамыз. Шогирдларидан Соқижон хожи ота шундай дейдилар:

«Охунд дадага келган пайтимда мендан: «Таҳажжуд ўқийсизми?» – деб сўрадилар. Мен аввалроқ мулла Йўлдош охунддан бу борада таълим олганим учун: «Ҳа», – дедим. Хурсанд бўлиб кетдилар. «Энди унга икки ракат «шукри вузуъ» («таҳорат шукронаси») намозини кўшиб кўямиз», – дедилар. Мен шу тариқада ўқиб юрдим. Кейинроқ эса: «Энди таҳажжудни кўпайтирамыз, ўн икки ракатлик ўқийсиз, ўрганиб қолдингиз. Буни ўзингизга доимий одат қилиб, олинг», – дедилар».

*Саҳарда уйғониб ҳар кимса истиғфор этар бўлса,
Кўйуб пешонасини саждада тўхтатар бўлса,
Забонин раббиял аъло, каломи тебратар бўлса,
Кечар Тангрим гуноҳидан, агар хавфу хатар бўлса,
Таҳажжуд нияти бирла таҳорат айласанларчи.*⁷⁴⁶

Кўриниб турибдики, улар шогирдларини ҳам секин аста ибодатга кўниктириб борганлар. Абдулазиз Ғолиб Марғилонийнинг зикр айтиш йўллари ҳақида келтирган тавсиялари ҳам мазкур таълим асосида қурилган эди.

«Зикр (айтиш)да уч даража бордир. Биринчи даража шулки, дилни зикрга дунё ишидан зўрлаб олиб келинади. Бу вақтда зикрни овоз чиқариб, тил билан айтиш афзал, чунки тилни сирояти (таъсири) дилга уради. Тилни сирояти дилга уришига далил шулки, бир одам яна бир одамни ҳақорат қилди. Ҳақоратланганда шунчалар ғазаб кўзғаладиким, ҳатто ҳақорат қилганни ўлдириб қўйиши ҳам мумкин. Бир ёмон сўзни дилга сирояти шунчалар бўлса, энг яхши улуғ

⁷⁴⁵ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 127-б.

⁷⁴⁶ Қоил Марғилоний. Баёз. Р.Файзуллаев кутубхонаси. 32-б.

сўзни сирояти бундан неча бор катта бўлиши маълум. Бу ҳолатда дилни ўз ҳолига қўйса, яна дунё ишига ўтади.

Иккинчи даражаси шулки, зикрни тил билан айта бергач, тоборо сирояти дилга уриб, дил ўзи айтадиган бўлади. Бу ҳолатга етганда дилни зикрдан ўзиб дунё ишини муҳокамасига (мажбур) олиб келинади. Ўз ҳолига қўйилса, зикрга машғул бўлади. Энди зикрни тил билан эмас, дил билан айтади. Буни «зинда дил» – «тирик, огоҳ дил», дейилади. Бундай дил бадандан жон чиққанида ҳам зикрдан қолмайди.⁷⁴⁷

Учинчи даража фано филлоҳ макомиким, бу ҳар кимнинг ўзига маълум бўлади, буни баёни мумкин эмас.⁷⁴⁸

Абул Қосим Мисрий айтадилар: «Абу Али ибн Ал-Қотиб шундай деган: «Аллоҳ таоло бандасига зикр ҳаловатини берса, у бунга хурсанд бўлиб, шукр қилса, уни ўзига яқин қилади. Агар шукрда сустлик қилса, тилида зикрни жорий қилдиради-ю, аммо дилидан ҳаловатини олиб қўяди».⁷⁴⁹

Соқижон хожи ота яна шундай дейдилар: «Бир куни тушимда: «Охунд дада ўлдилар», – деб хабар беришди. Уйғонсам, сахар вақти бўлиб қолибди. Шошиб турдимда, таҳорат олдим, унгача намоз вақти ҳам бўлди дарҳол ўқидим-у, Хотинариқ қишлоғига Охунд дада ҳовлиларига югурдим. То келгунимча ёруқ ҳам тушиб қолди. Аравамни ҳовли олдига қўйиб, ичкари кирдим. Муаллим ача билан бирга меҳмонхона олдидаги сўрига нонуштага ўтирган пайтлари экан. Мени келганимни сезиб муаллим ача ичкарига юра бошлаган эканлар.

Мен кириб бордим-у, ўзимни тўхтата олмай Охунд дада бағрига ўзимни отдим. Мени кучоқлаб, орқамни силаб туриб: «Ҳа, мени ўлди дейишдим», – дедилар. «Ҳа», – дедим. «Кечқурун кечроқ ётиб, тунги ўқийдиган вазифаларимни охирига етқаза олмаган эканман, кимнинг тунги вазифаси бўлиб, мабодо уни қилмай қўйса, унинг муаккиллари ўша одамнинг яқин биродарларига фалончи ўлди, деб хабар

⁷⁴⁷ Имом Муҳаммад Ғаззолий «Кимёи саодат» асаида дилдан мурод бу рухдир, деганлар. Дил кўкракнинг чап томонига ўрнатилган бир парча гўшт эмаски, унинг эътибори йўқ, чунки у ўлиқда ва хайвонларда ҳам бўлади. (Ғаззолий. Кимёи саодат. Т.: «Камалак», 1995. – 7-б.)

⁷⁴⁸ Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. Машъал... 131-б.

⁷⁴⁹ Ибнул Жавзий Имом Жамолиддин Ал-Қураший Ал-Бақрий Ал-Бағдодий. «Сифатус софва» Байрут – Лубнон. 1429/2007. 2-ж., 392-б.

қиладилар», – дедилар. Кейин: «Бизга муҳаббатингиз борлигидан сизга хабар қилишибди», – дедилар.⁷⁵⁰

«Тухфат ус-соликин»да шундай келтирадилар: «Мурид одобларидан бири имкон борича уйқуни камайтирмаклиқдир, хусусан, сахар вақтида. Чунки бу вақт ижобат, илоҳий файз ва тажаллиётлар бериладиган вақтдир. Уйқуда дунёвий ва ухровий фойда йўқ, у зиёнкорликка сабаб, чунки у ўлимнинг укаси дир.

Иброҳим Дасукий: «Илоҳий лутф, яширин сир ва хазиналар очиладиган сахар пайтида ухлаб ётган муриднинг даъвоси ёлғондир», – деганлар.⁷⁵¹

Мазкур китобда келтирилган Бишри Ҳофийнинг куйидаги гаплари ҳам ибратли. Айтишларича, у зот жуда кам ухлар эканлар. Бир куни: «Ахир бир оз ухласангиз бўлмайдими?», – дейишади. Шунда: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қадамлари шишиб кетгунча намоз ўқиганлар, ваҳоланки, у зотнинг аввалги ва кейинги барча гуноҳлари кечирилган. Мени эса ҳали бирорта гуноҳим кечирилгани маълум эмас», – дейдилар.⁷⁵²

«Улар мажлисларда доимо чўкка тушиб ўтирар, ҳамма ҳолда устозларига содиқ эдилар».

Бу ҳам уларнинг устоздан олган таълимлари эди. Аввалроқ, Ҳазрат Домла мажлисда ҳам намозда ўтиргандек ўтиришга буюришларини айтган эдик. Ҳатто улар ўзлари ёлғиз қолган пайтларида ҳам шу тарзда ўтиришлари ибратли. Китобнинг аввалги бобларида зикри келган Моҳи Соли ҳожи домланинг ёшлари юзга борганига қарамай суянмай ўтиришлари ва буни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари дея, изоҳлашлари таҳсинга лойиқ.

«Уларнинг суҳбатига беҳуда сўз аралашган эмас».

Ҳақиқатдан, улар жам бўлган суҳбатларда қасддан беҳуда сўз аралашмаганини тушунса бўлади. Масалан, Абдуссамад охунд дада ҳақларида сўз кетганида у зотга мажлис аҳлини тасарруф қилиш қуввати берилганини айтадилар. Мажлисда ўтирган кишиларнинг дилини битта нуқтада жам қила олишга эришган эканлар. Мажлис аҳлининг дилидан ўтаётган баъзи ўй-фикрларини ҳам Аллоҳ билдирганича

⁷⁵⁰ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2012.

⁷⁵¹ Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин»... 53-б.

⁷⁵² Муҳаммад Мунир Самнудий. «Тухфатус-соликин»... 53-б.

билиб туришлари эса у зотнинг алоҳида фазилати эди. У зот асарларининг бирида шундай ёзганлар:

*Забонинг қовли бемаънида доим бўлмасун гўё,
Ани ўрнига сен одат айлагил, зикри иллаллоҳ,
Худо ёди дилингда бўлса, шайтон айламас игво,
Ҳаво бирла ҳаваслар хотирингни қилмасин бежо,
Кангулда жониби Ҳақни, риъоят айласангларчи.⁷⁵³*

«Улар бирор одамга озор бериб, дилини оғритган эмаслар».

Нега, чунки улар инсоннинг дили Ҳақнинг назаргоҳи эканини яхши англаганлар. Кишининг дилига озор бериш гўё Каъба биносини бузиш билан баробар эканини дилдан ҳис қилганлар. Бу ҳақиқат уларнинг асарларида ҳам тилга олинган. Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний шундай дейдилар:

*Инсонга сўзласанг юзига қилмагил дағал,
То етмагай муҳаббат имонига халал,
Коринг бўлар тамоми оҳиста сўзда ҳал,
Шайтон дилиннга васваса солар газаб маҳал,
Нури ақлни хира қилур ҳар қачон жадал.⁷⁵⁴*

Ғолиб Марғилоний баёзлари билан танишганимизда, улар орасида шундай жумлаларни учратган эдик: «Мусулмон одам бўлса, мен унга душманлик қилмадим. Менга ҳар қанча ёмонлик қилса ҳам кечирдим. Мен мусулмонлардан розиман. 1968 йил, 31 март».⁷⁵⁵

Марғилонлик Нўъмон эшон ота шундай дейди: «Кунларнинг бирида Абдуссамад охунд дада ҳузурига зиёратга бордим. Сухбат асносида шундай дедилар: «Ёшим ҳозир етмиш иккида, алҳамдулиллоҳ, шу ёшгача бирор одамга таҳқир назари билан боқмадим, чунки унга ёмон назар қилсам, Аллоҳ менга қараб турбди-ку, дея кўрқдим».

«Насоим ул-муҳаббат»да келтирилишича шайх ул-ислом Абу Абдуллоҳ Ансорий шундай деганлар: «Ҳеч кимга ҳақорат кўзи бирла боқмагинки, анинг (Аллоҳ таоло)нинг дўстлари яширун бўлғайлар».⁷⁵⁶

⁷⁵³ Қоил Марғилоний. Баёз. 32-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁷⁵⁴ Қоил Марғилоний. Баёз. 55-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁷⁵⁵ «Баёзи Ғолиб Марғилоний»... 63-бет.

⁷⁵⁶ Алишер Навоий. «Насоим ул-муҳаббат» Т., 2001, 121-б.

Тасаввуф ҳақида сўз айтган зотлар тасаввуфдан мақсад – фазилатли хулқлар билан хулқланмоқ ва ёмон хулқлардан сақланмоқдир, деганлар. Ким суннати набавийга тўлиқ эргашишлик билан мазкур ахлоқлар соҳиби бўлсагина, бу йўлда зафар топган одам саналади.

Ашраф Али Таҳонавий эса шундай дейдилар: «Ахлоқи ҳамиданинг боши киши бирор кишининг ундан озорлан-маслигига жон-жаҳди билан ҳаракат қилишидир. Бу борада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Тили ва қўли билан бошқаларга озор бермаган киши ҳақиқиқий мусулмондир», – деган сўзлари етарли сўздир. Ҳар нарсаки, у бошқаларнинг озорига сабаб бўлса, у ёмон хулқ остига киради. Гарчи унинг кўриниши ходим ёки одоб кўринишида бўлса ҳам. Чунки ҳусни хулқдан мурод, асли бошқаларга роҳат беришдир ва бу эса хизматдан муқаддам туради. Бировни роҳатлантирмайдиган хизмат эса мағзи йўқ пўст кабидир. Гарчи муомала одоби диннинг шиори саналмиш ақида, ибодат масалаларидан кейин турса-да, лекин бошқа бир жиҳатларда улардан муқаддамлиги бор. Масалан, ақида ёки ибодатга ҳалал етса унинг зарари кишининг ўзига, аммо муомалада ҳалал етса унинг зарари бошқаларга бўлади. Кишининг бошқаларга зарар бериши ўзига бўлган зарардан қаттиқроқдир. Бинобарин, Аллоҳ таоло бандаларини «Улар тунларини роббиларига сажда ва қиём қилган ҳолда (ибодат билан) ўтказадилар» (Фурқон сураси, 64-оят), дея ибодатларини зикр қилишдан олдин, «Улар ер юзида хоксорлик билан юрадилар ва уларга жоҳиллар хитоб қилса, уларга саломат бўлинглар, дея жавоб қиладилар» (Фурқон сураси, 63-оят), деб ахлоқларига доир оятни келтиради. Демак, чиройли муомала баъзи жиҳатларда фарз ибодатидан муқаддам турар экан, аммо нафл ибодатдан муқаддамлиги эса барча жиҳатларда аниқ исботлангандир.⁷⁵⁷

«Улар ўзларидан гўзал намуна қолдирган эдиларки, суҳбатдошлари узоқ вақт эслаб юрганлар».

Исмоилжон маҳдумга хизмат қилган марғилонлик Зайнобиддин ҳожи ота Йўлдош ўғли шундай дейди:

«Маҳдум домладан мен жуда кўп одобларни ўргандим. Жумладан, ҳар гал кавушларини кийишга тўғрилаб қўяр эдим. Баъзан, кавушни оёғлари билан бир тепиб, кейин кияр

⁷⁵⁷ Зафар Аҳмад Ал-Усманий Ат-Таҳонавий. «Эъло ус-сунан»... 1-ж., 19-б.

эдилар. Мен ҳайрон бўлиб сўрасам: «Болам, иложи борича қибланинг ҳурмати ни жойига қўйинг», – дер эдилар. Кейин билсам, кавушни қибла томонга тўғрилаб қўйган эканман.

Фаридиддин Аттор «Тазкиратул авлиё»да қуйидаги ҳикояни келтирадилар. Боязид Бастомийга, фалон ерда бир улуғ зот бор, дедилар. Унинг ҳузурига борди. Кўрдик, у қиблага қараб туфламокда. Боязид бу ҳолни кўриб, «Бул зот улуғ бўлса, қиблани ҳурмат қилиб, у томонга туфламас, эди», – деб изига қайтди.⁷⁵⁸

«Улар ҳамдарс шериклари ҳурмати ни улар вафотидан кейин ҳам бир умр сақлаб ўтганлар».

Айтишларича, Сайид Аҳмад эшоннинг укаси Акбархон мадрасада Идрис халифа билан бирга турган. Акбархон орадан йиллар ўтгач халифанинг фарзанди Сотиболди эшонни учратиб уни пешонасидан ўпади ва: «Отангиз билан бир ҳужрада турган эдим, энди ундай зотларни қайтиб топа олмайсиз», – дея йиғлаган.

Охунжон қори Водилий Идрис халифа ҳақида: «Намозга бу зот каби мустаҳкам кишини кўрмадим», – деб баҳо берган бўлсалар, Водилийнинг жанозаси олдидан сўзга чиққан Соли ҳожи домла шундай деган эдилар:

*«Биз билган алломалар орасида бунчалик қўп китоб ёзгани бўлмаган. Узлатга амал қиламан деган одам узлатни, ўттиз йил уйдан чиқмай ўтириб китобат қилган, агар уни бировга кўрсатсам, мени ишдан қўяди, деб, ҳеч кимга билдирмасдан ўтган, ушбу зотдан ўргансин».*⁷⁵⁹

Сайид Мукаррамхон тўра Хон бува Абдулмўмин қори ва Зайнобиддин маҳдум ҳақида: «Бу иккилари бирор марта ҳам бетаҳорат юрмаган бўлсалар керак», – дея баҳолаган эдилар.

Айтишларича, Мадқосим қори Хонақоҳга келган пайтида Ҳазрат Домла Миряхё қори домлага шерик қилиб қўядилар. Қори домла у зотга доимий кўмак бериб юрадилар. Кейинчалик, бу яхшилиқларни эслаган Мадқосим қори: «Мен бир умр қори домладан миннатдорман», – деган эдилар. Энг қизиғи, «Биз қирқ саккиз йил қори домла билан бирга бўлиб, бирор марта бир-биримизга нолайиқ гап гапирмабмиз», – дея эслашлари эди.

Уларнинг бир-бирларига эҳтиромлари уларнинг ўзаро

⁷⁵⁸ Фаридиддин Аттор. «Тазкират ул-авлиё»... 32-б.

⁷⁵⁹ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Водил. 1999.

ёзишмаларида ҳам акс этган. Изланишларимиз давомида бу каби мактублардан бир нечтасини топишга муваффақ бўлдик. Масалан, Нўмон қори домланинг Ҳабибуллоҳ қори домлага ёзган мактубини олайлик. Унда қуйидагича сўзлар бор:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

*Ҳадиси шарифда келур: «Мусулмончилик суннатларидан бири киши ўзининг биродарини кавуш ёки маҳсига миндириб қўйишидир. Бу ерда миндириши уни отга миндиришидир. Шунга кўра, ким бир биродарига кавуш ё маҳси ҳадя қилса, гўё уни отга миндиргандек савобга эга бўлур. Камина ушбу ҳадисга амалан, жанобларига отга қурбим етмаганидан, от ўрнига оёғларига ёзбоб қилдириб кавуш олиб келдим. Қабул қилгайлар деб, қиёматлик дўстлари Нўмон қори. Ассаламу алайкум ва аъла ман ладайкум».*⁷⁶⁰

Охунжон қори Марғинович Мушаррафхон охунд домлага ёзган мактубни шундай бошлаганлар:

*«Жаноб муҳтарам ва мукаррам хатиб домла хидматларига маъруз бўлгайким...».*⁷⁶¹

Абдулғофур охунд домлага номаълум котиб тарафидан юборилган мактубда у зотга шундай мурожат қилинган:

*«Жаноби муҳтарам маоб ҳазрат Охун дадамизга... 1968 йил 2 май».*⁷⁶²

Айтишларича бир гал замон алломаси Холмуҳаммад қори домла зиёратига келган кишилар у зотдан: «Таксир, ҳозир сиз ҳаётсиз, бирор масалада муҳтож бўлсак, тўғри сизга мурожаат қиламиз, сиздан кейин кимга мурожаат қиламиз», – дея сўрайдилар. Шунда қори домла: «Мана Фозилжон махдум турибдилар-ку», – дея жавоб берган эканлар.

«Улар ҳеч қачон Худонинг махлуқотидан койимадилар. На дунёдан, на мавжуд тузумдан, на аҳли аёлу, кўни-кўшнидан».

Миряхё қори домла ҳақида шундай келтирадилар: «Биз у зотга неча йил хизмат қилган бўлсак, бирор марта шикоят қилганларини эшитмадик».

«Улар дунёдан кишиларнинг улар ҳақидаги гумонларини ҳам тузатиб, бандалар ҳаққини шу дунёдаёқ рози қилган эдилар».

⁷⁶⁰ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

⁷⁶¹ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

⁷⁶² Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

Бунга мисол тариқасида Абдуссамад охунд дада ҳаётида содир бўлган бир воқеани келтиришимиз мумкин. Бу ҳақда марғилонлик Обиджон ҳожи ота шундай дейди:

«Охунд даданинг беморликларида ҳузурларида эдик. Бирдан бир уламанинг номини айтиб қолдилар. Биз, фалон зотни сўраяптилар, у кишини олиб келиш керак, деб, дарҳол у зотнинг ҳовлисига йўл олдик.

Ҳузурларига кириб, Охунд дада бемор экани ва у зотни сўраётганларини айтдик. Домла ҳавонинг совуқ эканини айтиб, узр айтдилар ва ҳақларига дуо қилиб қолдилар. Биз орқага қайтдик. Дарвоза олдига яқинлашганимизда дераза тақиллаб қолди. Қарасак, домла бизга: «Тўхтанглар, бораман», – дедилар ва чакмонларини кийиб чиқдилар.

Бу ерга етиб келгач, Охунд дада билан кўришдилар, юзларини юзларига қўйиб, бир муддат турдилар. Охунд дада домлага бир нима дедилар. Домла табассум қилдилар, сўнгра хайрлашиб чиқиб кетдилар. Биз у зотни олиб уйларига кетдик. Қайтиб келиб, Охунд дада ҳовлиларига кириб бормасимиздан туриб, омонат топширганлари хабарини эшитдик.

*Такаббур феъл шайтондир, ҳаво бирлан қадам қўймай,
Сабо маҳшар куни бу хаста жонингга алам қўймай,
Ғубори кийнани дилдан чиқар, бир зарра ҳам қўймай,
Адо қил ҳаққи мардум, гарданингда бир дирам қўймай,
Мусулмонликка лойиқ яхши одат айласангларчи.⁷⁶³*

«Улар ўзаро шундай муомалада бўлишар эдики, ҳаргиз нолайиқ сўз айтмаганлар. Ошкоро ва пинҳонда бир хил эдилар».

Айтишларича, Миряхё қори домла Чуқур мадраса мударриси мулла Аҳмаджон маҳдум ҳузурига тез-тез келиб турар ва суҳбат асносида бошларини бир-бирига қўйиб: «Майли-ю, аммо ажраб қолар эканмиз-да, дунёнинг етиб боргани шу экан», – дея йиғлар эканлар.

Бундан ташқари, у зотнинг Водилга Охунжон қори зиёратларига тез-тез бориб туришлари, деразани тақиллатишлари биланоқ келганларини билиб, у зотни истиқболга чиқишлари ҳам самимий қадрдонлик аломати эди.

Маълумки, Шоҳимардон қишлоғида Хонақоҳий Ҳаз-

⁷⁶³ Қоил Марғилоний. Баёз. 71-бет. Р. Файзуллаев кутубхонаси.

рат Домланинг Абдулазиз исмли (Азиз махдум мулла Фармон ўғли 1896–1995) шогирдлари бўлган. Ўз даврида Шохимардон ижтимоий-маънавий муҳитида салмоқли ўрин эгаллаган мазкур зот ҳақида мулла Абдуссамад охунд: «Махдум – ичи-таши бир махдум», – дея таърифлаган эдилар.

«Улар бирор мажлисга жам бўлишса, сўралган масалага мохир бўлгани ҳолда бир-бирларига одоб сақлар эдилар».

Бу борада Абдуссамад охунд даданинг талабаларга қилган қуйидаги насиҳатлари ибратли. «Агар бирор мажлисда савол берилса, жавобини билсангиз ҳам дарҳол жавоб беришга шошилманг. Бошқалар жавоб беришини кутинг. Биринчи дафъада жавоб беришга тезлаган Шайтон бўлади. Иккинчи марта дилингизга келса, буниси фариштадан, жавоб берсангиз майли. Аммо учинчисида жавоб берсангиз, энди бу Аллоҳдан бўлади, бу ҳолда сиз ҳеч қачон хато қилмайсиз».⁷⁶⁴

*Халойиқлар қаторида ўзингни чоғла мажлисда,
Агар сен садри мажлис ўзгалар бўлган билан настда,
Такалум қадрни ҳожат қил било мантиққа вобаста,
Айтиб сангу миро бировни қилма кўнглини хаста,
Паришон айласанг бир дилни сен анда паришонсан.*⁷⁶⁵

«Улар илмига амал қилган амаллик киши эдилар».

Охунжон қори мерослари орасида учратганимиз қуйидаги байт улар ҳаётининг шиоридек эди.

*Тақвосиз илмда гар бўлса шараф,
Бўлар эди Иблис барчадин ашраф.*

«Уларда кибр ва манманликнинг бўйи ҳам кўринмас эди».

*Гапурганда ўзингни мақтаниб, ўрганмагил асло,
Киши ўз фазлини кўрмаклигидан кибр ўлур пайдо,
Азозил номи шайтон ўлди кибр айлади расво,
Ҳамо асрору зоҳир ботинингдан Хақ эрур огоҳ,
Анга оина янглиз, на қилгансан, на билгансан.*⁷⁶⁶

⁷⁶⁴ Р.Файзуллаев. Маноқиб материаллари. Марғилон – Хотинарик. 2012.

⁷⁶⁵ Қоил Марғилович. Баёз. 72-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁷⁶⁶ Қоил Марғилович. Баёз. 62-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Абдуссамад охунд даданинг насиҳатлари орасида яна шундай гаплар бор: «Агар мажлисининг тўрида ўтириб қолсангиз, зинҳор мен бу ерга муносибман, дея кўрманг, балки, одамлар мени кимлигимни билмадилар-да, агар билганларида, мени бу ерга ўтказмаган бўлардилар. Аслида мени жойим «кавуш бозори», яъни пойгакда эди, деб ўтиринг. Шунда нафсингиз «семириб кетиши»дан сақланиб қоласиз. Акс ҳолда бу сизнинг ҳалокатингиздир».

*Семирса нафс агар яхши емакдин,
Юз онча баҳр олур яхши демакдин.*

Маъноси: Агар инсоннинг нафси яхши еб, яхши ичишдан қанчалик семирадиган бўлса, «Сиз яхши, сиз яхши», деб мақташларидан ундан-да, ортиқроқ семиради.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Нима учун уларда кибру ҳаво ва худбинлик иллоти бўлмаган? Нима учун улар тавозе ва камтарлик билан безанган олийжаноб кишилар бўлишган? Чунки, улар Аллоҳ таолонинг: «Ҳар бир билувчининг устида ундан ҳам кўра яхшироқ билувчи бор», (Юсуф сураси, 76-оят.) мазмунидаги оятини яхши билганлар.

Бунга Абдулазиз Ғолиб Марғилонийнинг «Машъал» номли китобларида келтирган куйидаги сўзлари жавоб бўлади: «Илми ҳолдан хабардор олимда ҳеч кибр бўлмайди, риё бўлмайди. Чунки бу олим яхши биладурким, ҳар қанча илми бўлса ҳам билгани билмаганига нисбатан заррача ҳам эмас. Шунинг учун у ўзини ҳеч кимдан баланд тутмайди, илмини баройи Худо (Худо йўлида) сарф этади. Бундай олимларни камтарлиги учун ҳеч ким назарига илмайди, (аммо) бундай олимлар халқи оламга марҳамат ва шафқатли бўлуб, нима билан бўлса халқни абадий азобдан сақланишига ҳаракат қиладилар».⁷⁶⁷

Бишри Ҳофий айтадилар: «Риёкор одам тириклигида риё қилгани етмаганидек, вафотидан кейин ҳам риёни яхши кўради. Сўрашди: «Вафотидан кейин қандай риё қилади?». Дедилар: «Жанозасида одам кўп бўлишини хоҳлайди».⁷⁶⁸

Улар худбинлик ва манманлик кишига ҳеч қачон яхшилик келтирмаслигини чуқур англаган ва шунга амал

⁷⁶⁷ Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. Машъал... 119-б.

⁷⁶⁸ Ибнул Жавзий Имом Жамолиддин Ал-Қураший Ал-Бақрий Ал-Бағдодий. «Сифатус софва» Байрут – Лубнон. 1429/2007. 1-ж., 13-б.

қилганлар. Нуриддин қори Муҳаммадрасул ўғлининг бу бо-
радаги сўзлари шоёни таҳсин. Бир гал Марғилоннинг барча
йирик уламолари тўпланган мажлисда у зот жумладан, шун-
дай деганлар:

«Биродарлар, ҳозир бу ерда ҳар биримиз уламолик даъ-
восини қилиб турибмиз-у, аммо ҳаммамиздаги илмни бир
ерга жамлаганда, бундан ўтгиз йил олдин ўтган уламолар-
дан бирининг илмига баробар келмайди».

Камоли инсоф билан айтилган бу сўз улар фазилатини
янада зиёда қилган эди. Чунки,

*Агар инсоф билан оинайи ажзига боқмайдур,
Жаҳонда ҳеч киши нуқсонига Қоил бўлолмайдур.*⁷⁶⁹

Абдуллоҳ ибн Муборак: «Олим модомики, ўз шаҳрида
ўзидан ҳам кўра олимроқ киши бор деб ўйлар экан, у
ҳақиқий олимдир», – деганлар.⁷⁷⁰

Шу ўринда бир нарсани айтиш ўринли. Нафснинг хи-
лофини қилиб, шаръийга мувофиқ истиқомат қилмоқ бу
илмнинг тақозоси бўлиб, ўз ўрнида жуда қийин. Чунки илм
ўқимоқ осон, аммо унга амал қилмоқ эса оғир. Кимгаки
ушбу равиш муяссар бўлса, уни замон авлиёси дейиш мум-
кин. Чунки,

*Хилофи нафс, истикмоли тоат,
Бўлурми мундин ортиқ хориқи одат.*

«Хориқи одат» – одатдан ташқари иш эса мўмин ки-
шиларда валийлик аломатидир. Мазкур зотлар бу дунё
ҳаётининг фонийлигини англаб етган, шу туфайли охират
абადий саодатини қасд қилиб, бу йўлда нафслари мазамма-
тини хуш кўрганлар.

Маънавий комил инсонлар ҳақида сўз кетганда, мухта-
рам устоз марҳум Маҳмуджон қори Мажруҳ Ёзёвонийнинг
қуйидаги сўзлари ёдимизга келади. Қачон ундай зотлар
ҳақида сўз кетганда, «Улар «инсон зотига лойик», «банда
отига муносиб зотлар», дея таърифлар эдилар. Бу бир
қарашда оддий сўз, мулоҳаза қилинса, жиддий гап экани
англашилади. Негаки, дунёда инсон бўлиб туғилиб, шу ном-
га лойик бўлиб яшашдан кўра душвор иш йўқ.

⁷⁶⁹ Абдулазиз Голиб Марғионий. Машғал... 75-б.

⁷⁷⁰ Имом Шайбоний. Танбех ул-муғтаррин... 123-б.

Абдуссамад охунд дада: «Ҳаммаёқ садаф, лекин дури топилмайди. Ҳаммаёқ тош, лекин қайроқ бопи топилмайди. Ҳамма ёқ одам, лекин «одам»и топилмайди», – деганларида айни мазмунга ишора қилган бўлсалар керак. Аслида уларнинг шиори қуйидагича бўлган.

*Мақтаган сўзни эшитмоғликка одат айлама,
Ким юзингга мақтаса кўнгилда сен бекор қил.*⁷⁷¹

Одам бўлиш қийин

Юқорида келтирилган фикрлар хулосаси ўлароқ, Абдулазиз Ғолиб Марғилонийнинг қуйидаги фикрларини эсга олиш ўринли.

«Маълум бўлсинки, уламо бўлиш ҳам осон, эшон бўлиш ҳам осон, аммо одам бўлиш қийин. Ўн, ўн беш йил илм ўқиса, диққат қилса, олим бўлади. Яна шунча йил риёзат чекса, пир хизматини қилса, иршод тегади, эшон бўлади. Аммо одам бўлиш учун ҳам олимнинг илмини ўқиш керак, ҳам эшоннинг тақвосини тутишлик керак. Яна бундан ташқари, доимо ўз нафси билан жанг қилиши ва кўп нарсалардан воз кечиши керак бўлади.

Тараққиёт – олим илмига амал қилса, вориси анбиё бўлади. Эшон халқни ҳидоятга бошласа, халифайи Расулуллоҳ ва жунудуллоҳдан бўлади. Одамга одамлик муяссар бўлса, Аллоҳ таолонинг ердаги халифаси бўлади. Демак, одам бўлишлик барча мартабалардан олий экан.

Таназул – олим агар илмига амал қилмаса, нафсини домига илинади ва бора-бора нафс учун ҳийлаи шаръий йўлига ўтади. Мавжуд масалаларнинг моҳиятига эмас, ҳарфига қарайдиган бўлади. Доимо шунга мудовоамат қилса, Аллоҳ таоло уни маънавий жиҳатдан ит суратига киргизади. «Дунё нажас, унинг толиблари эса итдир», мазмунидаги ҳадиси шариф шунга далолат қилади.

Эшон агар зоҳидликнинг эҳтиётини қилмаса, дили қорайиб, маърифати хиралашади, зикри-фикрини тамаъ халёли босади. Ёинки, хотиржамлик, яъни охиратдан беғамлик келади. Бу эса юзаки ор ва қалбаки номус келтиради. Шу даражада настлагани учун Шайтон бўлади.

Аммо одам одам даражасига кўтарилдимми, энди

⁷⁷¹ Қоил Марғилоний. Баёз. 42-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

унинг яна қайтиб тубанлашиши жуда қийин, балки мумкин эмас. Чунки у шу одамлик даражасига ўзидаги барча қабоҳатларни енгиб, барча пасткашликлардан нафратланиб етган ва нафсининг қабиҳликлари унга яланғоч бўлиб кўринган. Шунинг учун у таназзулга учрамайди, аммо хатога кетиши мумкин.

Хулоса. Аллоҳ таоло йўлдан оздирмайди, магар фосиқларни оздиради. Чунки уларнинг доимий талаби фисқ бўлади. Аллоҳ таоло уларнинг шу талабини муяссар қилиши билан оздирадир.

Маълум бўладики, одам бўлишлик, агарчи қийин иш, аммо муяссар бўлгандан сўнг саботлик бўлади. Одам бўлдим мусулмон бўлди, мусулмон бўлмасдан одам бўлолмайди. Одам бўлмасдан мусулмон бўлолмайди.

*Кимки мусулмон эмас, одам эмас,
Ҳар киши одам муни ёлгон демас».*⁷⁷²

Юқорида биз Нуриддин қори Мухаммадрасул ўғлининг уламолар иштирокида ўтаётган анжуманда айтган сўзларини келтириб ўтдик. Унга кўра улар ўзларигача ўтган уламолардан илм ва амалда ожиз эканларини эътироф этганлар. Шундай бўлса-да, айтиш жоизки, уларнинг ҳар бирлари ўз даврида замон уламози мақомига эга кишилар эдилар. Биз изланишларимиз давомида бунга гувоҳлик берувчи кўплаб мисолларни учратганмиз. Айниқса, уларнинг назм майдонидаги маҳоратлари бекиёс бўлган. Ушбу ўринда ҳар бирлари ҳақида тўхталиб ўтиш имкони бўлмаса-да, мазкур гапни айтган Нуриддин қори домла мисолида буни кўриб ўтишимиз мумкин.

1899 йилда Марғилонда таваллуд топиб, 1981 йилда 82 ёшда вафот этган Нуруддин қори Мухаммадрасул ўғли етук олим ва ҳофиз калом эдилар. Кўплаб назмий ва насрий асарлари мерос қолган.

Маълумки, ислом тарихида тасниф этилган назмий жавоҳирлар орасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг халифалари Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг муножотлари машҳур. Бу нодир асар кўплаб қалам аҳлларини ўзига жалб этиб келган. Унга шарҳлар ва мухаммаслар боғлаганлар. Изланишлар давомида кўқонлик шоир Зокир

⁷⁷² «Баёзи Ғолиб Марғилович»... 45-46-б.

Хўқандий томонидан унга боғланган мухаммасни топишга муваффақ бўлган эдик. Араб тилидаги мазкур мухаммас катта маҳорат билан яратилган. Мулла Нуруддин қори домла эса мухаммасни аслидаги жозибасини сақлаган ҳолда туркийга ўғирган эдилар.

Бундан ташқари, кўлимизда XIX асрга оид бир қўлёзма бўлиб, у мулла Абдураҳмон исмли шахс томонидан тузилган баёздор. Баёз ҳижрий 1301 йилда кўчирилган. Биз муаллиф шахсини аниқлай олмадик. Лекин уни шартли равишда «Абдураҳмон Марғинович», деб атадик ва №31-рақам билан кутубхонамизга жойлаштирдик. Қўлёзмада мазкур қасиданинг араб тилидаги матнига боғланган мухаммас ҳам келтирилган. Бу ҳам Марғилонда яшаб ўтган зиёлиларнинг салоҳияти юқори бўлганини кўрсатади. Чунки сир эмаски, XIX аср Кўкон адабий муҳитида ижод қилган шоирлар орасида араб тилидаги ғазалга туркий тилда мухаммас боғлаган ижодкорлар кам топилади.

Мухаммас

*Осийман, қаттиг гуноҳим, йўлда қолдим бедалил,
Менга раҳматдин назар қил, музтарибман эй далил,
Даргоҳингга юз кетурдим, мисли Иброҳим халил,
Хуз билутифика йа илаҳу, ман лаҳу зодун қалил,
Муфлисун биссидқи яътий, инда бобика йа Жалил.*

*Келса даргоҳингга ким, тасдиқи дилдан, эй Карим,
Сандин излабдур паноҳ, шайтондин айлаб ховфу бим,
Лутф қил ул бандага, қўрқадур аз нори жаҳим,
Занбуҳу занбун азимун фағфириз занбал азим,
Иннаҳу шахсун гарибун, музнибун абдун залил.*

*Сарф қилдим нақди умрим, жумла сўзум лаъбу лаҳв,
Рўзгорим ҳарфи жаҳл ила тугаб, ақл ўлди маҳв,
Онча мақсудим ўзингсан, ўзга мақсад ҳеч саҳв,
Минҳу исёнун ва нисёнун ва саҳвун баъда саҳв,
Минка эҳсонун ва фазлун, баъда эътоил жазил.*

*Қилмишам гарчи ўзим, умр ичра кўп афъоли бад,
Афв қил бахшойишинг бирла кечиргил, ё Аҳад,
Бор пушаймоним гуноҳим кўплигидан, ё Самад,
Қола: Йа Роббий, зунубий мисла ромлин ла юъад,
Фаъфу анний кулла занбин, васфаҳис софҳал жамил.*

Гарчи фармонингни тутмай, қилди бад нафсим хилоф,
 Лутф қил, ё Раб, манга, ёзуқларим айлаб маъоф,
 Қил кудуратдин муроди чехрасини поку соф,
 Ҳаб лана мулкан кабирон, нажжина мимма нахоф,
 Роббана из анта қозин вал мунодий жаброил.

Гарчи исёним келур, вазн ичра монанди жабал,
 Нафс саркаш қўшилиб, бергай касофатдин халал,
 Оҳ, бу бадкори золимдин, фигоним ҳар маҳал,
 Кайфа ҳолий ё Илоҳий лайса фий хорул амал,
 Су-у исёний кабирун, зоду тоатий қалил.

Умрлар ҳосил ўлди, ё Раб, ҳосили ҳирсу ҳаво,
 Келмади тоат қўлимдин, ҳайф умр ўлди адо,
 Дасти кўтоҳман кечир, журмим туфайли Мустафо,
 Қул ли нарин «убрудий», йа Робби, фий ҳаққий, камо,
 Қулта «нарон убрудий», анта фий ҳаққил халил.

Айлама, ё Раб, дилимдан ҳар нафас андуҳ дур,
 Бер қўлумга лутф бирлан, боби мафтўҳу сурур,
 Сандин истарман муродим, айла ҳожотим зуҳур,
 Анта шофий, анта кофий фи муҳиммотил умур,
 Анта ҳасбий, анта Роббий, анта лий неъмал вакил.

Истиқомат бер манга, ё Раб, бароҳи мустақим,
 Сақла ўз ҳифзингда нафсим шарридин улдур лаим,
 Оч юзимга рўзи маҳшарда, боби жаннотин наъим,
 Робби ҳаб лий канза фазлин анта Ваҳҳобун Карим,
 Аътини мо фий замирий, дуллани хойрад далил.

Кори хайр устина ё Раб, менга бергил ҳиммати,
 Машираби аҳли тавозеъ узра қилгил улфати,
 Бер қаноат ганжидин, берма тамаъдин кулфати,
 Аафини мин кулли даин, вақзи анний ҳожатий,
 Инна лий қалбан салиман, анта ман яшфил алийл.

Рўзи шаб мавлони ёд эт, то дилинг топгай футуҳ,
 Зикр этмоғ аҳли дил жонига бўлгай қуту руҳ,
 Қил умид ўзинг учун чун жомий ҳар шому сабуҳ,
 Айна Мусо, айна Ийсо, айна Яҳё, айна Нух,
 Анта йа Сиддиқу осин туб илал мавлал жалил.

*Домани пири фанони тут жаҳондин, уз кўнгул,
Гўша тут, элдин чиқиб, жамъи тааллуқдин қутул,
Маҳв қил, лавҳи вужудингдин хутуту жузви кулл,
Фаътабир, йа Абдурахмон, фастаъиз, вансиф ва кул,
Тубту йа Робби, тақоббал, тавбатан ваҳдис сабил.*⁷⁷³

Ҳар сўзи мисли чироз

Биз Хонақойи Ҳазрат Домлада таълим олган уламолар ҳақида гапирар эканмиз, улар баҳонасида марғилонлик айни давр бошқа илм аҳллари ҳақида ҳам маълумот бериб кетишни вазифамиз деб билдик. Зеро, уларнинг ҳаёти ва фаолияти билан қисман бўлса-да танишиш орқали маълумотларимиз бойиши шубҳасиз. Шундай уламолардан бири бу мулла Аббосхон Ҳаким хўжа ўғли эдилар. XX аср Марғилон алломалари орасида ўз номи ва ўрнига эга бўлган мазкур зот маълумотларга кўра Марғилоннинг Гўриаввал маҳалласида таваллуд топганлар. 1960 йилда Марғилонда вафот этганлар.

Аллома халқимиз орасида «шарафли насаб», дея эъзозланадиган хожалар авлодидан бўлганлар. Ёзма маълумотларда: «*Ул муборак номи поки, Хожай Аббос эди, халқи олам ўртасида, балки хойруннос эди*» ёки «*Хожамиз жисми ҳаёти ҳаммага эрди фароз, зулмати дунёга ташлаб бизни эшон кеттилар*», – дея насабларига ишора қилганлар.

Бошқа ўринда эса: «устод даврон» – «ўз даврининг устози», «аълами шаръ» – «шариат олими», «фарди замон» – «замон яғонаси» каби сифатлар билан зикр этилганлар. Мулла Аббосхон домла ўз даврида кўплаб замондошлари қатори мустабид тузум ноҳақликларидан азият чеккан кишилар жумласидан эдилар.

*Мазҳабу миллат гамида, чекдилар кўп оҳ-воҳ,
Дини Аҳмадни йўлида дийда бирён кеттилар, –*

деганида, Гурбатий домланинг айни жиҳатларига ишора қилганлар. Муфаззал маҳдумнинг маълумотига кўра Аббосхон домла «*мисли Нўъмон ибн Собит*», каби бўлсалар-да, хатиб ё имоматликка ўзларини муносиб билмай, сақланиб ўтганлар. Бу нарса у зотниг эҳтиёткорликлари сифатида баҳоланади.

⁷⁷³ Абдурахмон Марғиноний №31-қўлёзма. 102–104-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

*Ижтиноб айлаб ҳамон, бўлмаи хатибу ё имом,
«Азза ман эрди қанаъ», бу дунёдан бўлди ниҳон.*

Аббосхон домла кўплаб замондош уламолар қатори меҳнат билан сувоқчилик қилиб, рўзғор тебратганлар.

*Нафси ройига муттабаъсиз, бетамаъ, бешубҳа соф,
Меҳнат айлаб сиҳҳат этган, руҳи покини омон.⁷⁷⁴*

Аббосхон қори домланинг сифат ва фазилатлари у зот вафотига ёзилган марсияда ўз ифодасини топган.

Марсия

*Оҳким, найлай бугун устои даврон кеттилар,
Аҳли мўминлар танидан, гўёки жон кеттилар,
Гулишани оламда битган, сарви райҳон кеттилар,
Ғунча янглиз бағримизни айлабон қон, кеттилар,
Зулмати дунёга ташлаб, бизни Эшон кеттилар.*

*Ул муборак номи поки, Хожай Аббос эди,
Халқи олам ўртасида, балки хойруннос эди,
Амри шаръийга қоим, бекаму бекос эди,
Мубтадеълар шарридан, беҳовфу беҳаррос эди,
Бешайи дорул фанодин шери гаррон кеттилар.*

*Хозини жаннат аро ризвон муборакдур санга,
Жаннат ичра ҳур ила, гилмон муборакдур санга,
Қасри олийлар билан, вилдон муборакдур санга,
Тахти жаннат тожлик, султон муборакдур санга,
Бохабар бўлгил бу кун, сизларга меҳмон кеттилар.*

*Ҳур гилмонлар бу кун, сиз ҳам муборакбод этинг,
Барча булбул сарви жанат устида фарёд этинг,
Ушбу зиндондан қутулган бандани дилишод этинг,
Сайри жаннат бирла кўнглин қайғудан озод этинг,
Анбиёлар вориси, шохбози тойрон, кеттилар.*

*«Мавту олим мавту олам» дедилар, ҳақ Мустафо,
Бу сабабдин кўнглимизда, қолмади завқу сафо,
Биз каби жоҳил билан, нодонга эрди муттако,
Муттакодин айрилиб, аҳволимизга ҳасрато,
Водийи ҳасратга ташлаб, бизни ҳайрон, кеттилар.*

⁷⁷⁴ Муфаззал Маҳдум. «Аббосхон қори вафотига тарих». Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-рақамли йиғма жилд.

*Мавту олим ҳасратида арзигаӣ қон йиғласак,
Икки кўздин қон оқиб, монанди тўфон йиғласак,
Бошимизга тош уриб, биз дийда гўён йиғласак,
Чун самандар оташи, ҳижронда сўзон йиғласак,
Кулбайи аҳзонимиздин, моҳи Канъон кеттилар.*

*Эрдилар афсуским, оламда гўё бир шери нар,
Мубтадеъ муфсид элидин қилдилар доим ҳазар,
Иншааллоҳ, вақти ҳижрат, Ҳақ ўзи бергаӣ зафар,
Йўқ ажаб, охир дамида, марҳамат бирла назар,
Боамал устоди олам, ҳифзу Куръон кеттилар.*

*Зулмати оламга эрди, ҳар сўзи мисли чирог,
Уқдаи мушқил масоил ёзгучи жонга фарог,
Тегди сарсар, бўлди вайрон, ҳам чирогоу боғу рог,
Лола янглиғ сийнамизга бости доғ, устига доғ,
Сарви яроғи тўзиб, гулгунча хандон кеттилар.*

*Кўз юмиб кетти жаҳондин, юзлари монанди моҳ,
Маснади илму амалда, эрдилар монанди моҳ,
Жоҳилу нодон билан, гумроҳларга хайрихоҳ,
Мазҳабу миллат ғамида, чекдилар кўп оҳ-воҳ,
Дини Аҳмадни йўлида дийда бирён кеттилар.*

*Ё Илоҳий, раҳматингдин қабрини пурнур қил,
Тонг-ла машҳар атқиёлар силкида маҳиур қил,
Барчамизни гавҳари имон билан масрур қил,
Ҳам ўқиб билган кишилар журмини мағфур қил,
Чиқти Фурбат дилидин дурри ғалтон, кеттилар.⁷⁷⁵*

Шу ўринда Марғилон шаҳрига туташ Қўрғонча қишлоғида яшаб ўтган Мулла Абдурахмон домла ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Мазкур зотни замондошлари «Кекса хатм қарда мулло» деб аташар эди. Ушбу юксак таъриф қадимдан Ўрта Осиё халқлари орасида шариатнинг мавжуд барча илмларини пухта ўзлаштирган муайян кишиларгагина берилишини эътиборга олсак, мазкур зотнинг мақоми юқори эканини англаймиз. Лекин афсуски, у зот ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз.

Маълумот йиғиш мақсадида у зот яшаган Қўрғонча қишлоғига бир неча марта бордик. Лекин ворислари қолмагани

⁷⁷⁵ Баёзи Фурбатий... 102–14-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

учун ҳеч қандай маълумот топа олмадик. У кишини кўрган ва суҳбатини топган кишилар эса бирор жўяли маълумот бера олмадилар.

Қўлимизда бу зот ҳақида қисқача маълумот берувчи тарих-марсия мавжуд бўлиб, у ҳозирча аниқланманган «Махдум» тахаллусли шахс томонидан ёзилган. Мазкур тарихнинг ўзидан ҳам у зотнинг маънавий қиёфаси ва илмий рутбаларини билиш мумкин.

Тарих

«Мулла Абдурахмон Охунд кекса мулла, хатм карда, ўзларини беркитган Кўргонча қишлоғида ётиб меҳнатни ҳам бақадри ҳожат қилиб, ҳаётлари яхшигина ўтказиб, иззу шарафда келдилар. Узоқ муддат бемор бўлиб, ушбу жума куни Марғилоннинг масжиди жомеъсига жанозалари олиб келинди. Камина баъдаз жума ва жаноза адосидан сўнг, тарихга ушбу:

*Гуррайи ҳижрий сана, моҳи муҳаррам, жума кун,
Билди Махдум, ёзди фавран, тарихи «ғуфрона ҳол»,*

яъни, ҳижрий сананинг муҳаррам ойи, жума куни вафот топган мазкур зотнинг вафот тарихи: «ғуфрона ҳол» – «мағфират қилинган», деб ёзган эдим. Биродарларни илтимосига кўра унга тубандагилар қўшилди.

*Олиму илму адаб, ҳам косиби меҳнат фаол,
Хатм карда кекса мулло, Абдурахмон хуш мақол.*

*Эҳтироз айлаб қочиб, оламни кори боридин,
Сокини Кўргонча қишлоқ, эрдилар бечора ҳол.*

*Кўп тазарруъ бирла, ёттилар етти қазо,
Марғинович аҳлида қисман, билмадилар иртижол.*

*Гуррайи ҳижрий сана, моҳи муҳаррам, жума кун,
Билди Махдум, ёзди фавран, тарихи «ғуфрона ҳол».*

*«Ғарқи раҳмат» тарихи, ўлди бир тафаккур чоғида,
Борди-келди «бе» ҳисоби ҳазрат Исога ол.⁷⁷⁶*

Маълум бўлмоқдаки, ўша даврларда Марғилон ва унинг

⁷⁷⁶ Ушбу марсия кутубхонамиздаги №2-йиғма жилдда сақланмоқда.

атрофидаги қишлоқларда кўплаб ёши улуғ кекса уламолар яшашган. Лекин уларнинг кўплари замоннинг жафо ва ситамларидан ўзларини «ошқоро» қилолмай, илму билимларини толибларга бера олмай қон йиғлаб ўтганлар. Шу туфайли уларни кўпчилик яхши таниёлмай қолган. Энг ачинарлиси, ўзлари билан бирга улар билган кўплаб илм ва қимматли маълумотлар ҳам ерга кўмилиб кетган.

Байтинг тавофин насиб эт

Айтиш ўринлики, мазкур даврда яшаган уламоларнинг дилида бирдан-бир армони бўлган. У ҳам бўлса, ўз Ватанини озод ва обод кўрмоқ ва шу туфайли диний эркинликларга эга бўлиб, кундалик ибодатларини эмин-эркин адо қилмоқ. Айниқса, муборак ҳаж ибодатига бориб, исломнинг буюк фарзини бажармоқ улар учун асрий орзу бўлган. Агар улар қолдирган меросларни ўрганадиган бўлсак, мазкур орзу ушалиши йўлида тинимсиз дуо ва илтижолар қилганини кўраемиз.

Масалан, мулло Зокиржон Охунд Муҳаммад ўғли ҳам ҳаж зиёратига ташналикда ўтган минглаб юртдошларимиздан бири сифатида кўз ўнгимизда гавдаланади. Мулла Зокиржон Охунд Моний 1893 йилда Марғилонда таваллуд топганлар.

*Отим Зокирдур ибн Муҳаммад,
Ҳавойи нафсга бўлдим муқаййад.*

*Ғариқи баҳри исён бўлди Зокир,
Иноят бирла қил бу қулни шокир.⁷⁷⁷*

Домланинг ота-она аجدодлари маърифатли кишилар бўлишган. Бу зотнинг маънавий камолотларига асосий сабаб ҳам шунда. Оналари томонидан бўлган боболари Мулла Абдурраззоқ Марғилоннинг Хожа Эгиз масжидада қирқ йил муаззинлик қилган. Бошланғич таълимни ҳосил қилганларидан сўнг Зокиржон охунд Чукур мадрасада машхур мударрис Бухорий домла қўлида таълим оладилар. Асосий фаолиятлари Фарғона жомеъ масжидада имом-хатиблик билан белгиланади. Мустабид тузумнинг энг оғир кунларида ҳам халқимизга муқаддас динимиз таълимотларини етказишда жонбозлик кўрсатганлар.

⁷⁷⁷ Зокиржон охунд. Моний. № 20-қўлёзма. 25-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, «Зокир», «Моний», «Ғариб», «Розий» каби тахаллуслар остида ижод қилган алломадан форсий, туркий ва араб тилидаги асарлар мерос қолган.

Ҳаж ибодатига бориш умиди у зотда ҳам кўп қатори умрлари охиригача тарк бўлмаган. Бу йўлдаги илтижолари дилдан тилга, тилдан қоғозларга кўчган. Манзумаларининг бирида шундай деган эдилар:

Илтижо

*Ё Холиқу кулли ашё, байтинг тавофин насиб эт,
Ё Розиқу кулли аҳё, байтинг тавофин насиб эт.*

*Фазлинг била раҳматинг эт, байтин тавофин насиб эт,
Тўқсон учга бормиш ёшим, байтинг тавофин насиб эт.*

*Қудрат бори сен ўзингда, байтинг тавофин насиб эт,
Биз ожизу, ожизликда, байтинг тавофин насиб эт.*

*Таваккулни қилдим сенга, байтинг тавофин насиб эт,
Вирдим менга «ҳасбияллоҳ», байтинг тавофин насиб эт.*

*Зотинг аҳад шеринг йўқ, байтинг тавофин насиб эт,
Ҳоким ўзинг, вазилинг йўқ, байтинг тавофин насиб эт.*

*Охир сўзим Ҳаққа менинг, байтинг тавофин насиб эт,
«Ҳабибингга еткур мени», байтинг тавофин насиб эт.⁷⁷⁸*

Шу ўринда бугун ажодларимиз орзу қилган ёруғ кунларга етганимизни мамнуният билан эслатиш зарур. Ҳар йили ҳукуратимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар боис мамлакатимиздан минглаб мўмин-мусулмонлар муборак ҳаж ва умра зиёратига бориб, муқаддас манзил-маконда улуғ ибодатни адо этиб қайтмоқдалар. Бу албатта, ўтган ажодларимизнинг тинимсиз дуо-илтижоларининг ижобати десак, хато бўлмайди.

Марғилонда яшаб ўтган қироат устозларидан Иззатуллоҳ қори домла суҳбатларининг бирида: «Биз бир йил давомида ўқиладиган эллик тўрт хутбани ёд олганмиз-у, аммо улардан бирортасини ҳам қўллай олганимиз йўқ», – деганлар. Бундай дейишларига сабаб уни ўқиш учун масжидда имом бўлиш

⁷⁷⁸ Зокиржон охунд Моний. Қўлёзма. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

керак бўлган. Марғилонда эса ўша даврда фақат биттагина масжид фаолият олиб борган.

Бугун мустақиллик туфайли мамлакатимиздан ҳар йили минглаб мўмин-мусулмонларни муборак ҳаж ва умра зиёратига бориб келишадигани ва икки мингдан ортиқ масжидлар расман фаолият олиб борганини ўйласак, аждодларимиз орзу қилган нурли кунларда яшаётганимизни англаймиз.

Исмларга ишорат

Китоб аввалида айтилганидек, қадимдан диёримиз алломалари ўзаро ёзишмаларда бир-бирларининг исмларини очиқ айтмай, ҳурмат юзасидан ишора билан келтирганлар. Бу каби ҳолат биз ўрганаётган давр Марғилон зиёлилари ўртасида ҳам қўлланганини гувоҳи бўлдик. Жумладан, мулла Тўрақул домла Мирҳайдар домла Толий вафотига ёзган тарихда у зот исмига шундай ишора этган:

*Бино лижамъи фазоил, Абу ҳанифа шумор,
Фидоийи номи тавъами, номи ҳазрат Каррор.*

Яъни, у зот Абу Ҳанифа каби ўзида барча фазилатларни жам қилган, исмлари эса ҳазрат Каррор (яъни, ҳазрат Али) билан номдош эди.⁷⁷⁹

Марғилонлик кекса мударрис Абдурахмон домла шаънига Ғурбатий шундай ёзган:

*Номингиз ул мавлавий Жомий билан ҳамном ўлиб,
Мавлавий дуввум эрурсиз, раҳнамо хуш келдингиз.*⁷⁸⁰

Ғурбатийнинг Миряхё қори домла шаънида ёзган мухаммасидаги ушбу мисралар ҳам шу қабилда.

*Номи Яҳё, ўзлари Яҳё сифат,
Бу сифат офоқ узра камёб.*⁷⁸¹

Ҳожи Каримжон домла вафотига Асий Водилий ёзган тарихда домла исмларига шундай ишора қилган:

⁷⁷⁹ Ҳазрат Али (р.а.)нинг исмларидан бири «Каррор» бўлиб, жанглarda такрор-такрор курашувчи маъносида. Мумтоз адабиётда «Ҳайдар» номи билан ҳам келтирилади.

⁷⁸⁰ Баёзи Ғурбатий... 156-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁷⁸¹ Баёзи Ғурбатий... 562-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

*Аз ҳаво дил бурида тарихаш,
Кў бахонаи Карим меҳмон шуд.*

Яъни, ғойибдан дилимга, у зот тарихи учун: «У карим зотнинг хонасига меҳмон бўлиб кетди», – дейилди.

Қорий Марғиновичнинг Фозилжон махдум шаънида ёзган таърифи ҳам исмий ишорат намунасидир.

*Мукаммал комилу акмал, муфаззал фозил эрдилар,
Ҳамиша салтанатни таб этиб ҳарён юрар эрди.*

*Ёзув бирлан тамом бўлмас, у Фазлийнинг сифотини,
Нечукким, жомеъи фазлу фазоил, аҳли фазл эрди.*

Соли хожи домла ва Мулла Зокиржон охунд шаънларида ёзилган назмда шундай келган:

*«Бу Фаргона камоли икки мулло,
Иккови икки гавҳар икки тилло.*

*Десам мумкин бири ойу, бири кун,
Ажаб йўқ, фазли Ҳақдан бўлса имло.*

*Ишорат айлагил асмоларингни,
«Салоҳ андеи» дикараиш, «Зокириллоҳ».⁷⁸²*

Ижобат бўлган дуолар

Хонақоҳ мадрасасида Ҳазрат Домла кўлида таълим олган уламолар ўз замонида кўплаб фазилатлар қатори дуоси ижобат кишилар бўлишгани ҳақида ҳам турли маълумотлар етиб келган. Марғилоннинг Қаландархона даҳасида истиқомат қилган Раҳматжон ота бу ҳақда шундай дейди: «Урушга кетишим олдидан отам мени Фозилжон махдум ҳузурига олиб бордилар ва мени урушга кетаётганимни айтиб, ҳақимга дуо қилишларини сўрадилар. У зот «Фанада физ-зулумати», деб бошланадиган оят (Анбиё сураси, 87-оят) ни ўқидилар ва менга дам уриб, дуо қилдилар. Мен у ердан тўғри урушга кетдим... Алҳамду лиллоҳ урушдан саломат қайтиб келдим.

Фарзандини ҳарбийга жўнатиш олдидан ҳузурларига кирган шогирдлари ҳақида Соли хожи домла шундай дуо қилганлар:

⁷⁸² Мулла Зокиржон Охунд Моний. Қўлёзма. 1960. 50-б.

*Эй бори Худойи пур иноят,
Лутфу карами ту бениҳоят,
Ман ғойиби худ ба ту сепурдам,
Ту нез расон баман саломат.*⁷⁸³

Яъни, эй инояти тўлган зот, сани лутфинг бениҳоят. Мен ўзимни ғойибимни сенга топширяпман, уни менга саломат қайтарасан.

⁷⁸³ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Фарғона. 1997.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ МАРҒИНОНИЙНИНГ ЗАМОНДОШЛАРИ

Хонақоҳий Ҳазрат Домла яшаган даврда Марғилонда кўплаб алломалар ва тариқат шайхлари истиқомат қилганлар. Бу вақтда Марғилонда мавжуд бўлган алломалар кимлар эди? Бу ҳақда Муҳаммад Азиз Марғинович «Тарихи Азийий» китобида шундай маълумот беради:

*«Бу пайтда вафот қилиб кетган уламои киром олижаноблардан, чунончи, Домулло Муҳаммад Амин охунд қози калон, Абдусаттор охунд қози калон, Титроқ қози домулло, Сариг раис домулло, Мавлавий Жабалий, Ҳасанҳожжи эшон қози, Хусайн Хўжа қози, Домулло қози Пундуус, Бобо Хўжа эшон шайх ул-ислом охунд, Нусратуллоқ Хўжа қози, Абдурахмон охунд Чинак, Ориф охунд, Домулло Муҳаммад Амин, Файзи охунд, Домулло Абдураззоқ қози ва бошқалар бор эди».*⁷⁸⁴

1997 йилги изланишлар асносида марғилонлик Муҳаммад Сиддиқ охунд мерослари орасида учратганимиз Абдуллоқ Марғинович исмли шахсга тегишли бир қўл-ёзмада муаллиф Марғилон ва унинг атрофидаги шаҳар ва қишлоқларда ўзи кўрган ва зиёрат қилган айни давр алломалар номини келтирган.

*«Камина фақирул ҳақир гуноҳкор кўзларим билан кўрган ва ҳозирда олами фонийдан олами боқийга риҳлат қилиб кетган уламои изомлардан Марғилонда устозларимдан, марҳум ва устози кулл (барчанинг устози) домла Аҳмад бобо қози калон домла ва зоҳир ва ботин илмлар билимдонни домла Муҳаммад Аминхон ағлам домла, соҳиби мунозара Шамол маҳдум домла ва муришидлардан жанозаларига икки минг киши ҳозир бўлган Валихон тўрам, Қози эшон, Тош халифа, Тилло халифалар бор эдилар».*⁷⁸⁵

Аҳамиятлиси шундаки, муаллиф унда мазкур алломалар қаторида Ҳазрат Домла номини ҳам келтирган.

*«...ва илми ҳол ва илми қол олими, аввал узоқ йиллар дарс берган, сўнгра эса кўплаб халифалар қолдирган Ҳазрат Домла бор эдилар».*⁷⁸⁶

⁷⁸⁴ Муҳаммад Азиз Марғинович. «Тарихи Азийий... 70-б.

⁷⁸⁵ №12-қўлёзма. 166-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁷⁸⁶ №12-қўлёзма. 166-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Муаллифнинг келтиришича, ўша даврда Андижонда домла Абдусаттор қози калон, Хўқандда ҳазрат Маъсумхон тўра, фақиҳ ва дарсгўй мударрис домла, олим Исмоилхон эшон, «Далоил хойрот»нинг шориҳи, дарсгўй шайх эшон Ҳожи домла, Домла Абдулмўмин, муршидлардан эса ҳазрат Соҳибзода эшон Миён ва Ҳожи Қобил эшон марҳум, Наманганда эса муршидлардан илми ҳол, илми қол ва илм ладун соҳиби ҳазрат Меҳмонхон тўра, «Ҳазрат Домла» номи билан машҳур эшон домла Абдулкарим ва эшон Мирзохон афандилар ва Зоҳидонда эса Мавлавий Чўбин домла ва бошқалар бўлишган.

Ҳазрат Домла билан доимий алоқа олиб борган марғилонлик алломалар қаторида Мирҳайдар домла Толий, Мирхалил домла Бухорий, Хўжажон қози домла Рожий, мулла Абдурахмон домла, Абдуллахон махдум Бадриддин ўғли, Бек домла, шайх Муҳиддин домла, Мулла Муҳаммаджон Асака домла, Холмуҳаммад қори домла, Мукаррамхон тўра кабилар номини келтириш мумкин. Қуйида улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мирҳайдар домла Толий

Ўз даврининг машҳур олим ва мударриси. Нақшбандия тариқатининг йирик шайхи. Кўплаб ахлоқий-тасаввуфий мазмундаги манзумалар муаллифи.

Мирҳайдар домла Толий 1833 йилда Марғилоннинг Хўжа Форсо маҳалласида бўзчи оиласида туғилганлар. Бошланғич таълимни ҳосил қилгач, Бухорога бориб, у ердаги мадрасаларнинг бирига жойлашиб таълим ола бошлайдилар.

Аммо домланинг мадрасадаги ҳаёти осон кечмайди. Камбағал хонадондан арзимаган пул билан чиқиб кетгани, қолаверса, у ерда бирор-бир яқин кишисининг йўқлиги талабанинг ҳаётига жиддий таъсир кўрсатади. Кўп вақтини оч-наҳор, юпун ҳолда мадраса хужрасида ёлғизликда, фақат китоблари билан суҳбатлашиб ўтказар эдилар. Ушбу машаққатли кунларини кейинчалик шундай ёзган эдилар:

Армон

*Бул кутублар барчаси боғим мени,
Тахта сўри сайр учун тоғим мени.*

*Нони юмишоқ роҳати жоним эрур,
Бир қадоқ чой хумдаги ёғим мени.*

*Бир дарахти манга ғам бўстонида,
Қанча кулфат шох япрогим мени.*

*Кўйлагим майдони битлар сайдидур,
Лочину шунқор тирногим мени.*

*Қайда туфроқ бўлса ёшлар ўйнашур,
Эски ёстиқ бошида туфрогим мени.*

*Сақму сиҳҳат куз била бўлди баҳор,
Шоди-ю ғам булбулу зогим мени.*

*Бир пиёла чой эрур оби ҳаёт,
Нўш қилсам ташналик чоғим мени.*

*Кўрмадим мен оламда субҳу сурур,
Доимо ғам шоми ўртоғим мени.*

*Хужрани зулматидан топдим мурод,
Доғи Искандар эмас доғим мени.*

*Йўқла ё Раб, Толийи бечорани,
Хоҳ дийда девона ё соғим мени.⁷⁸⁷*

Мирхайдар домла мударрислик фаолиятлари давомида шогирдларга меҳрибон устоз бўлишлари бежиз бўлмаган. Камбағал, бечораҳол талабаларга алоҳида эътибор қилишлари, уларни оби таом, кийим-бош, ва ҳатто уй-жой билан ҳам таъминлашлари ҳам шундан. Шогирдларидан мулла Тўракул домла у зот ҳақида ёзган марсиясида бу ҳақда шундай деган:

*Ҳар сабоқ олганда беадад итъомлар,
Ҳеч кимга бўлмаган лутфу карам инъомлар,
Кўп навозишлар ила дилдорлик иқромлар,
Эмди бўлдик, бенасиб қайдин бўлур пайғомлар,
Лутфу эҳсон қилгучи султонидан айрилмасун.*

*Ҳам отамлар, ҳам онам, ҳам пиру устозим мани,
Очмусан ё тўқмусан, ҳар дамда сўргоним мени,*

⁷⁸⁷ «Баёз Махбуб ул-махбуб»... 35–37-бетлар.

*Чойу шам, ўтин кўмур берган қадрдоним мани,
Ҳар либосим кўҳна бўлганда қадрдоним мени,
Ҳеч ким менингдек қадрдон пиридан айрилмасун,*

*Хони неъматдан узилди бир неча қашишоқлар,
Кўлида қолди қалам ҳар ҳужрада машишоқлар,
Дарси мушиқил ҳал бўлурди ҳам яна ағлоқлар,
Тарк бўлди бу жаҳондан турфа бу ахлоқлар,
Пири устози аммо устозидан айрилмасун...⁷⁸⁸*

Мирҳайдар домла мадрасадан қайтгач, ҳовлилари ёнидаги Хўжа Муҳаммад Форсо номли мадрасада мударрислик фаолиятини бошлайдилар ва умрларининг охиригача бу ерда хизмат қиладилар.⁷⁸⁹

Маълумотларда мазкур мадраса Марғилонда ўз нуфузи билан бошқа мадрасалардан ажралиб туриши айтилган. Мадраса қошида мактаб бўлиб, унга «илмга чанқоқ, ўзига тўқ кишилар болаларини беришлари» таъкидланган.

Ўтган асримиз бошларидаги миллий озодлик ҳаракатининг йирик вакили Муҳаммад Амин Аҳмадбек ўғли — Мадаминбек ҳам ушбу мадраса талабаси бўлган эди. Бу ҳақда Алишер Ибодиновнинг Қўрбоши Мадаминбек номли ҳужжатли қиссасида шундай келтиради:

«...Болалигидан зеҳни ўткир, зийрак Мадаминбек ўқимишли эди. Эски мактабда савод чиқарган, Марғилон шаҳрида Хўжа Муҳаммад Порсо маҳалласида, домла Мирҳайдар кўлида таълим олган. Домла Мирҳайдар Марғилондаги илғор усулда дарс берадиган билимдон муаллим сифатида донғи кетган одам бўлган. Илмга чанқоқ, ўзига тўқ кишилар болаларини айна шу мактабга берганлар».⁷⁹⁰

1996 йилги изланишлар чоғида биз мазкур мадраса талабаларидан марғилонлик Мадаминжон қори ота Муҳиддин ҳожи ўғли билан суҳбатлашган эдик. Суҳбат давомида ҳожи ота Хожа Муҳаммад Форсо мадрасаси билан боғлиқ хотираларини қуйидагича эслаган эдилар: «Мадраса мударриси мулла Эгамберди домла эдилар. Биз шу зотда 7–8 ёшимизда

⁷⁸⁸ Мулла Тўракул. Марсия Р.Файзуллаев кутубхонаси. №30-қўлёзма. 12-б.

⁷⁸⁹ Ушбу масжид 1930 йиллардаги замон алғов-далғовлари пайтида бузиб юборилган. Ҳозирда унинг ўрнида янги масжид бино қилинган.

⁷⁹⁰ Алишер Ибодinov. Қўрбоши Мадаминбек. — Т.: «Ёзувчи», 1993.— 15-б.

таълим олганмиз. Тожи қори домла эса бу ерда Куръондан таълим берар эдилар».

Бундан ташқари, бу ерда Мулла Музаффар охунд, Тўқсонбек ҳожи ва мулла Зуннун ва мулла Муҳаммад Мусо эшон Хўжа каби ўша давр маърифатли кишиларидан иборат жамоа фаолият олиб боргани қўлёзмаларда келтирилган. Улардан бирида мазкур зотлар номи шундай келтирилган:

*«Жаноб киромий сомий зул-эҳтиромий мақбул хосу-омий Ҳайдар қори домла ва Мулла Музаффар охунд, Тўқсонбек ҳожи ва мулла Зуннун ва Мулла Муҳаммад Мусо эшон Хўжа бо-ҳамаи атиббо-он... марҳамат намуда таширф қудум намоёнд».*⁷⁹¹

Мирҳайдар домла Толий ҳам тариқат таълимини Муҳаммад Обид (қ.с.)дан олганлар. Демак, Хонақоҳий Ҳазрат Домла билан бир пирга инобат қилганлар. Бу йўлдаги камолотлари шоёни таҳсин. Юзлаб муридлар тарбия қилиб, уларни илоҳий муҳаббат сари етаклаганлар. Кўплаб кароматлари содир бўлган. Бу ҳақда Тўракул домла шундай ёзган:

*Ким кирур хизматларига лутфу эҳсонлар топур,
Бўлса ҳар ким рўбарў инъом эҳсонлар топур,
Топса суҳбат гар муяссар нур имонлар топур,*

*Дардман бўлган кишилар келса дармонлар топур,
Ҳеч ким бизлар каби дармонидан айрилмасун.*⁷⁹²

Қизиғи шундаки, ҳар гал бу зот номи тилга олинса албатта, «Ҳазрат Бухорий домланинг акалари», дея келтириладилар. «Баёз Маҳбуб ул-маҳбуб»да ҳам худди шу тарзда келтирилган.⁷⁹³ Бунга укалари Мирхалил Бухорий домланинг шуҳрати акаларининг шуҳратидан ортиқлиги сабаб бўлган.

Ёзма маълумотларда Мирҳайдар домла куйидаги сифатлар билан таърифлаганлар: «фариди замон» – «замоннинг яғонаси», «устози ҳозирони жаҳон» – «жаҳон аҳлининг устози», «пири мукамал», «мушфиқи бечоракон» – «бечоралар меҳрибони», «зубдаи дуогўён» – «дуогўйлар пешвоси» ва бошқалар.⁷⁹⁴

⁷⁹¹ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-қўлёзма.

⁷⁹² Мулла Тўракул. Марсия. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 30-қўлёзма. 12-б.

⁷⁹³ «Баёз Маҳбуб ул-маҳбуб»...126-б.

⁷⁹⁴ Мулла Тўракул. Марсия...12-б.

Ўз даврида марғилонлик кўплаб уламолар домла зиёратларига келиб турганлар. Жумладан, Хўжажон қози домла ҳам тез-тез ҳазрат хонақоҳларига келиб тургани ҳақида маълумотлар бор. Бир куни шундай воқеа бўлади. Қози домла зиёратга келиб, у зотни топа олмайдилар. Бундан афсусланиб, дарҳол ёнларидан қоғоз-қаламларини оладилар-да, куйидаги байтни ёзадилар:

*Имом ҳайки Ҳайдардур, ҳама ҳай бору ҳайдар бор,
Ажал бир кун келиб ҳайдар, на ҳай бору, на Ҳайдар бор.*⁷⁹⁵

Бир новдани синдириб учини йўниб, байтни хужра эшигига қистириб кетадилар. Домла келгач, қоғозни кўриб дарҳол олиб ўқийдилар. Ўқийдилар-у, пешоналарига бир уриб: «Қози келдиларми, ҳақ гапни айтиб кетибдилар-ку», – дея, кўзларига ёш олган эканлар.

Байтнинг мазмуни куйидагича эди: «Ҳозир бу ерда маҳалла ҳам, унинг имоми Мирҳайдар домла ҳам бор. Аммо, бир кун ажал келиб, ҳаммани ҳайдади. Шунда на маҳалла, на унинг масжиди ва на Мирҳайдар домла қолади».

Кўриниб турибдики, домла бу сўзга таслим бўлганлар. Яъни, қози домла менга ўлим тиламоқда, мени вафотимни истайди, деб мутлақо ўйламаганлар. Уларнинг бир-бирларига дўстона муносабатлари шундай беозор бўлган. Чунки у зотнинг ўзлари:

*Соқол оқин кўриб, ҳар дам ўлимни ёд қилгайсиз,
Ўлим ёди билан гўру кафанни ёд қилгайсиз.*

*Кафанни ёд айлаб зийнату зеварни тарк айланг,
Қаландарлик билан дил мулкани обод қилгайсиз.*

*Чу дил обод бўлса гўр уйи бешак бўлур обод,
Кириб ул равзага анда кўнгилни шод қилгайсиз.*

*Солинг дил ҳуққасига гавҳари огоҳлик доим,
Бу гавҳарлар билан тан хуттасин обод қилгайсиз.*

*Юрунг огоҳлик бирла, сўранг бечоралар ҳолин,
На давлатдур, агар гамгин кўнгилни шод қилгайсиз.*

⁷⁹⁵ Мулла Тўракул. Марсия...12-б.

*Замиринг сохатини зикри мавло бирла гулшан қил,
Ҳаво гулҳанларин совриб, барбод қилгайсиз.*

*Нафаслар гавҳар эрди, билмадинг қадрини эй, Толий,
Билиб эмди нафасни зикридин обод қилгайсиз.*

Ёки:

*Бўлма мағрури нишон охир нишонинг гўрдур,
Кўп баланд учмоқ нечукким, ошённинг гўрдур.*

*Қабр бўлғай суйсалар ҳар манзилу гулшан саро,
Варна жойи нолаю, оҳи фигонинг гўрдур.*

*Манзилу маъвоя кўнгил бермагил, эй беҳабар,
Бул работ эрмас макон, аслий работинг гўрдур...*

дея, айна ҳақиқатларни куйлаб ўтган эдилар.

Тарихда ўтган кўплаб салафи солихлар ҳам бир-бирларига мактуб орқали шу каби насиҳатли сўзларни ёзиб юборишни одат қилганлар. Масалан, Юсуф ибн Асбат (р.а.) биродарларига ёзган мактубларининг бирида саломдан кейин: «Шуни билки, кимнинг назарида фазилятли амаллар, гуноҳдан тийилмоқдан яхшироқ бўлса, у алдангандир, ким Куръони каримни ёдлаб, сўнгра унга хилоф иш қилса, бас у гўё Куръонини масҳара қилган бўлибди», – деб ёзганлар.

Товус (р.а.) Макхул (р.а.)га ёзган мактубларида: «Эй дўстим, қилаётган яхши амалларингни кўриб, ўзинг учун Аллоҳнинг ҳузурида улуғ мартаба бор деб, гумон қилма, чунки ким ўзини шундай деб билса, қиёмат куни яхшиликдан қўли қуруқ қолади. Кўпинча одамлар сени яхши амалларинг сабабли ҳурмат қиладилар. Буларга қувониш натижасида, сени охиратлик савобинг камайганини билмай қоласан,» деб ёзганлар. Рабиъ ибн Хайсам (р.а.) эса, баъзи дўстларига ёзган мактубларининг бирида: «Сен, бировдан насиҳат кутмай, ўзинга-ўзинг насиҳат қилиб турадиган бўл», – деб ёзиб юборган эдилар.⁷⁹⁶

Мирҳайдар домла айтилганидек «Толий» тахаллуси билан ижод қилганлар. Кўплаб назмий асарлари бизга етиб келган. Ҳозиргача, ўнлаб ғазалларини топишга эришдик.

⁷⁹⁶ «Танбех ул-муғтаррин» ... 246-б.

«Баёз Маҳбуб ул-маҳбуб»га Толийнинг бир нечта ғазаллари киритилган.⁷⁹⁷

Толий бобомиз асарлари ҳақида гап кетганда айтиш мумкинки, шеърларининг тили содда ва равон. Фикрларини ортиқча муболаға ва ясама зийнатларсиз, шундайича баён қилганлар. Бу шеърятда шоир фикрини ўқувчи дилига тез етиб боришини таъминлайдиган энг яхши услубдир. Асарларида шоирнинг хайрихоҳлиги, самимий насиҳатлари шундоққина билиниб туради. Фикримиз исботи учун Толий асарларидан намуна келтирамыз.

*Солико кўп ётмагил, бедор бўл вақти саҳар,
Гулишани тавҳид эрур, бедорлик вақти саҳар.*

*Гунчайи мақсудинг очилмоғи осон эмас,
Очгуси ул гунчани бедорлик, вақти саҳар.*

*Файз уйига йўл тополмай, қолгуси ҳайрат билан,
Ул кишиким айламас, бедорлик вақти саҳар.*

*Мағфиратнинг гуллари очилгуси ул бандага,
Хавфу Ҳақ бирлан қилур, бедорлик вақти саҳар.*

*Маҳрами рози Илоҳий бўлгуси, андоқ киши,
Одат эрса доимо, бедорлик вақти саҳар.*

*Ноумидлик дорига осилди деб, гамгин бўлинг,
Ҳар кимики, қилмади бедорлик, вақти саҳар.*

*Хамри гафлатдин ичиб, токай ётурсан маст ўлиб,
Толиё, минбаъд қил, бедорлик вақти саҳар.⁷⁹⁸*

Толийнинг кўплаб ибратли сатрлари ҳозиргача ҳам баъзи маърифатли кишилар томонидан тез-тез ёдга олинади.

*Сақласа кимни Худо, анга балони иши йўқ,
Раҳматинг кимга насиб этса қазони иши йўқ.
Сен қазога ўчашиб йиғлама гар етса алам,
Бу сени йиғлагонинг бирла қазони иши йўқ.*

Толий Марғинович 1332 хижрий, зулқайда ойининг 22 кун, милодий 1914 йил 11 октябрда 79 ёшда якшан-

⁷⁹⁷ «Баёз Маҳбуб ул-маҳбуб»... 126-б.

⁷⁹⁸ Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-йиғма жилд.

ба куни вафот этганлар. Хўжа Форсо кабристонига дафн қилинганлар.

Мирҳайдар домла Толий вафотига тарих-марсия

*Бабози васли фариданд он фариди замон,
Баноми ҳазрат устоз ҳозирони жаҳон.*

*Ва нез пири мукаммал сулуки нақшбанд,
Баилму ҳилму шужоъ саховатаи пайванд.*

*Бино лижамъи фазоили Абу Ҳанифа шумор,
Фидоии номи тавъами номи ҳазрати Каррор.*

*Муфид мушфиқи бечоракони муҳтожон,
Жаноб раҳбари мо зубдаи дуогўён.*

*Мисоли шамсу қамар дар санори лутфи карам,
Бамухлисони сиддиқаш ва хосимони бадам.*

*Баён васфи сифоти вале на мақдурам,
Валек шаммаи гуфтам башавқи маҳбубам.*

*Ғариқи раҳмати борий шавад дуои мо,
Шафеи аҳли қиёмат кунад Ҳудойи мо.*

*Қарори соли муборак зуҳури зоти Эшон,
Баҳафт даҳ бизани нуҳ бануҳ ба умраиш дон.*

*Тафаккур хурдони рӯз бист зу қаъда,
Фироқ ҳазрати мо буданд якшанбаҳ.*

*Суоли аҳли хазин вақти фирқатон чу зариф,
Хазони гулшани суҳбат шуда бафасли хариф.*

*Агар суол шавад сол фавти ҳазрати мо,
«Чироғи бадини набий» рафта аз миёни мо.*

Таржимаси: Ёлғиз Тангрининг васлиға етмоқ учун замони яғонаси бўлган устозимиз дунёдан кетдилар. У зот нақшбандия сулукининг пири муршиди бўлиб, илму ҳилм ва саховатда паҳлавон эдилар. Абу Ҳанифа ҳазратларидек ўзида барча фазилатларни жамлаган бу зот, исмда ҳазрат Алига номдош эдилар. Муҳтож, кабағалларга ёрдам берувчи у зот, бизнинг раҳнамо ва дуогўйларнинг зубдаси эдилар. У

зот лутфу карамда тўлин ой каби, мухлис ва дўстларига эса меҳрибон эдилар. Унинг васфини баён қилишга кудратим етмайди, лекин камоли муҳаббат туфайли бир оз баён қилдим. Дуоларимиз сабаб, Борий таоло у зотни раҳматига олсин ва қиёмат куни шафоатга етказсин. У зотнинг умрлари етмиш тўкқиз ёшда эди. Зулқаъда ойининг тўкқизинчи якшанба куни биздан ажрадилар. Унинг мусибатидан маҳзун бўлганлар вафот вақтини сўрадилар. «Куз фаслида унинг вафотидан суҳбатдошларига хазон етди». Агар унинг вафот тарихини сўрасалар у: «У зот набий динининг чироғи», мазмунидаги сўзлар (нинг форсий бирикмаси)дан чиқади. 1332/9/11.1914/9/10.

Бир кўлёмзада учратганимиз қуйидаги сўзлар бизни ажаблантирган эди.

Жа-ал андалибу аъла роси қабри-т-Толий

ва қола нозиран лаҳу,

Тўтийи гўёйи вақти хеш буди Толиё,

Аз чи рў мебинимат акнунки хомуши баҳок.⁷⁹⁹

Яъни, бир булбул Толийнинг қабри устига келди ва унга қараб деди: «Эй Толий, ўз вақтингда хушхандон тўти эдинг, энди нима учун туфроққа беланиб хомуш ётибсан».⁸⁰⁰

Бухорий Домла – Мирхалил Марғиноний

Хонақоҳий Ҳазратнинг замондошларидан бири Мирхалил Бухорий домла эдилар. Марғилоннинг Хўжа Форсо маҳалласида туғилганлар. Оталари Мирхайит исмли киши бўлган. Домла илм таҳсилани болалик пайтларидаёқ бошлаганлари айтилган. Кейин Бухорога бориб, у ерда узоқ вақт таълимни давом эттирадилар. У зотни «Бухорий» нисбаси билан машҳур бўлиши ҳам шундан. Мадрасага борган дастлабки пайтларидаёқ Бухоро амири пешқадам талабаларга таъсис қилган мукофот соҳиби бўладилар.

Бухорога жўнаш олдидан акалари Мирхайдар домланинг: «Ука, у ерга боргач, астойдил ўқийсан-да, отамиз қийналиб бўз тўқисалар ҳам, сени таҳсилга юбораётганини унутмагин», – дея айтган насиҳатига бир умр амал қилганлар.

⁷⁹⁹ Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-ийғма жилд.

⁸⁰⁰ Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-ийғма жилд.

У ерда қаттиқ риёзат эвазига таҳсил қилганлар. Ҳатто йўқчилик туфайли ташлаб юборилган сабзи пўчоқларини еган кунлари ҳам бўлган. Мазкур риёзатлар эвазига у зотга мислсиз илм ҳосил бўлади.

Бухорий домлани марғилонлик буюк аллома Холмуҳаммад қори «фозил», «мукаррам» дея зикр қилганлари ибратли.⁸⁰¹

Айтишларича, Домла таълимни тугатгач бир муддат Бухорода истиқомат қилиб қоладилар. Таърифлари амир қулоғига етади. Бу хабарни унга унинг муфтийси етказган экан. Амир у зотни чақириб, Бухорода қолишга таклиф қилади. Лекин домла қабул қилмайдилар. Бу иш уч марта такрор бўлади. Барибир домла ватанни соғинганлари узрини айтиб Марғилонга қайтадилар.

Марғилонга келгач, бу ердаги Чукур мадрасада мударрислик қила бошлайдилар. Кейинчалик, бош мударрис бўладилар. Мадраса шаҳарнинг ҳозирги Подшо Искандар деб аталадиган маҳалланинг кун чиқар томонида, эски бозор ёнида жойлашган. Кўплаб машҳур мударрислар дарс берганлар. Марғилон ва унинг атрофидан кўп талабалар келиб, бу ерда таълим олишган. Жумладан, марғилонлик мулла Аҳмаджон охунд, мулла Зокиржон охунд, Алижон охунд, Абдуссамад охунд, мулла Умурзоқ охундлар мазкур мадраса талабалари бўлишган.

Буюк аллома Холмуҳаммад қори ҳам бу ерда мударрислик қилганлари маълум. Марғилонлик машҳур Муҳаммаджон авлиёнинг ҳам бу ерда алоҳида хужраси бўлгани ва тез-тез келиб тургани нақл қилинган. 1912 йилда Марғилонда бўлиб ўтган машҳур «талаби борон» («ёмғир сўраб дуо қилиш») воқеасида ҳам мадраса талабалари фаол иштирок этишган.

Биз мазкур мадрасада таълим олган талабалардан Кўрғонча қишлоғилик мулла Йўлчи домла (1903–2000.) билан суҳбатлашган чоғимиз мадраса билан боғлиқ хотираларини шундай эслаган эдилар:

«Мадраса бош мударриси Бухорий домла эдилар. Ўша даврда масжидда «Аврод» ўқилар эди. Ҳар куни бомдод намозидан кейин офтоба олиб келган кишиларга масжид атро-

⁸⁰¹ Холмуҳаммад қори Марғинович. Ишорайи саббоба ҳақида рисола. Араб тилида. 1349 хижрий. 2-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

фи тўлиб кетар эди. Сабаби анҳор суви масжид олдига келиб қайрилиб оқар эди. Сувга зикрнинг файзи тушган деб, одамлар табаррук билиб, олиб кетишар эди.

Масжид имом-хатиби мулла Орифжон охунд эдилар. Ўттизинчи йилларда вафот этганлар. Бухорий Домладан кейин мадрасага куёвлари Почча домла (мулла Эгамберди) мударрис бўлдилар.⁸⁰² Кейин Мирза Мусо охунд бўлдилар. Учинчи мударрис Аҳмадали махдум, тўрттинчилари Гармдори маҳаллалик Маҳбубхон тўрам, бешинчилари Авлиёхон тўрам, олтинчилари мулла Ҳасан Тожик эдилар. Кейинроқ, қатағон йиллари Аҳмадали махдум, Яҳёхон махдум ва Абдуллахон махдум ва улар билан бирга яна бир уламони НКВД бир кечада олиб чиқиб кетиб, қамаган эди. Абдуллахон махдум Кичик жомеъ⁸⁰³ масжидининг имом хатиби эдилар».⁸⁰⁴

Бухорий домла 1340/1922 йилда вафот этганлар. Вафотларига Бухородан мулла Низомиддин охунд бошчилигидаги бир гуруҳ уламолар ҳам ҳозир бўлишган. Хўжа Форсо қабристонига дафн қилинганлар. Қўлимизда вафотларига мулла Алижон охунд томонидан ёзилган тарих-марсия мавжуд.

Тарих

*Ҳазрат Устозимиз хойрул башар,
Аълами аҳли улуми баҳри бар.*

*Ўзбекистон диёридан Марғинон,
Шаҳри покиза эрди олий макон.*

*Хўжа Форсодур маҳалла жойлари,
Ҳам шу ерда марқади олийлари.*

*Илму ҳолу, илми қол дарбар эди,
Ҳам таломиз аҳлига раҳбар эди.*

⁸⁰² Асли исми Иброҳимжонбек хожи Отабек хожи ўғли. Отасини ҳажга олиб бориб, хизмат қилгани учун, мен шу боламдан розиман, деб дуо қилади. Буни эшитган Бухорий домла қизларини унга никоҳлаб берадилар.

⁸⁰³ Кичик жомеъ – ҳозирги шаҳар нон заводи ўрнида жойлашган масжид. Айтишларича уни Мирза Бўлис исмли шахс қурган.

⁸⁰⁴ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон –Қўрғонча.1996.

*Қолдириб бизлар учун маҳдумимиз,
Исмоилжон номлари маҳдумимиз.*

*Ҳазор се саду чеҳл бувад соли,
Барафт аз ин Домлоий Бухорий.*⁸⁰⁵ 1340/1921/22.

Охунжон қори Номий

Хонақоҳий Ҳазратга замондош уламолар орасида Охунжон қори Номийнинг алоҳида номи бор. Буюк аллома, шайх ул-ислом, адиб, муфассир, мутасаввуф бўлган бу зот ўз даврида Марғилон буюкларининг бири эди.⁸⁰⁶ Аллома Марғилонда таваллуд топганлар. Умрларининг сўнггида айрим сабабларга кўра аввал Маккага, кейин Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилганлар.

Марғилонлик Холмуҳаммад қори домла ҳам алломани «шайхимиз», дея келтирганлар.⁸⁰⁷ «Номий» таҳаллуси билан ижод қилган алломанинг бир нечта ғазал ва мухаммаслари, «Қасидайи бурда» асарига қилган шарҳ ва бошқа баъзи асарларини топишга эришдик. «Баёз Маҳбуб ул-маҳбуб»га ҳам Номий асарларидан бири киритилган.⁸⁰⁸

Ҳазрат Домла билан Номий ораларида яқин алоқалар бўлгани аввалроқ айтилди. Ҳижратдан кейин ҳам мактублар орқали давом этиб турган мазкур алоқаларга доир ҳужжатлар сақланиб қолган. Қўлимизда Номийнинг 1291/1874 йилда Мадинадан марғилонлик Муҳаммад Амин қорига йўллаган мактублари сақланади. Ҳазрат Домла қаламига мансуб бир қўлёзмада алломанинг бир нечта номий асарлари келтирилган.

Маълумки, Ислом тарихида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бағишлаб ёзилган қасидалар орасида саҳобий Каъб ибн Зухайрнинг «Қасидат ул-бурда»си машҳур бўлса, кейинги ўринда мисрлик машҳур сўфий шоир Шарофуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Саъид ибн Ҳаммод ибн Абдуллоҳ ал-Бусирий (608/1212–692/1292) нинг қасидаси туради. Ислом қомусида таъкидланишича, «Кавокиб ад-дуррийя фи мадҳи хайр ал-барийя» деб номланган мазкур қасида шоирнинг оғир касалликдан шифо то-

⁸⁰⁵ Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-йиғма жилд.

⁸⁰⁶ Мулла Комилжон мулла Муҳаммад Иброҳим Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-йиғма жилд.

⁸⁰⁷ Холмуҳаммад қори Марғинович. «Ишорайи саббоба» Ҳижрий 1349, 2-б.

⁸⁰⁸ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 58-б.

пишига сабаб бўлгани боис, бу ҳам «Қасидат ул-бурда» ёки «Қасидат ул-буръа» номи билан юритилган.⁸⁰⁹

Каъб ибн Зухайрнинг қасидаси кўпинча дастлабки мисрасининг бошланишига қараб «Қасидаи бонат Суъод» деб ҳам аталади. Тариқат аҳли, шу жумладан, нақшбандийларнинг ҳам доимий вирд-вазифалари таркибидан жой олган. Мазкур икки қасидага кўплаб алломалар томонидан шарҳлар битилган. Ҳар бир замонда ўтган буюк олимлар қасидага шарҳ ёзишга уриниб кўрганлар. Номий ҳазрат ҳам асарнинг XIX асрдаги шорихлардан бири саналадилар. Қўлимизда мазкур шарҳнинг икки нусхаси бор.

Биринчи нусханинг бошига «Қасидаи Бурда»нинг таржимаси бўлган бу асар ҳазрат Охунжон қори Марғинович, сўнгра Маккий сўнгра Маданийнинг асарларидир» деб, ёзиб қўйилган. Таржима қилинган сана абжад бўйича берилган.

*«Залика бижудил азизи тамм». Яъни, бу асар азиз бўлган зот (Аллоҳ) нинг ёрдами билан тамомига етди. Мадинайи Мунаввара. 1311 ҳижрий».*⁸¹⁰ (1898.)

Иккинчи нусхада юқоридагидан фаркли ўлароқ кўчирилган сана ва жой номи ҳам келтирилган.

*«Бу асарни мен Марғилон шаҳрига тобеъ Варзак қишлоғининг Бештол мавзеъида кўчирдим. 1352 ҳижрий».*⁸¹¹

Алломанинг мақоми замон зиёлилари назарида ҳам юқори бўлганини Аманийнинг 1928 йилда Асий Водилийга юборган мактубидан билсак бўлади. Унда муаллиф Асийни «Охунжон қорийи соний», яъни «Иккинчи Охунжон қори», дея Номий ҳазратга тенглаштириб таърифлайди.⁸¹² Маълум бўлмоқдаки, Номийнинг мақоми юқори эканидан кишилар у ёки бу шахсни таърифлашда у зотга ташбих қилишган. Аллома Мадинада вафот этганлар.

Хўжажон қози Роҷий Марғинович

Марғилон шаҳрининг қози калони бўлган мазкур зотнинг асли исмлари Хўжажон хўжа, оталари Низомиддин хўжа, боболари Тоҳир қози исмли кишилар бўлишган.

⁸⁰⁹ Умар ибн Аҳмад Харпутий. «Асидату уш-шаҳда» Истанбул. 1316-х. 5-б.

⁸¹⁰ Охунжон қори Номий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

⁸¹¹ №17-қўлёзма. Р.Файзуллаев кутубхонаси. 257-б

⁸¹² Аманий Арабоний. 1347 ҳижрий. № 2-йиғма жилд. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Маълумотларга кўра қози домла 1834 йилда Марғилонда Низомиддин сувоқчи оиласида туғилганлар. Аввал Қўқон мадрасасини тамомлаб, кейин Марғилонга келадилар ва бу ерда хат ишларини олиб борувчи мирзолик вазифасини бажарадилар.

1869 йилда қозилик вазифасига ўтирадилар ва 1904 йилгача мазкур вазифада турадилар. Шу туфайли исмлари «қози домла» номи билан машҳур бўлган. «Рожий» («умидвор») тахаллуси билан ижод қилганлар. Тадқиқотчилар ҳозиргача ўн минг мисрадан ортиқ назмий меросини топишга эришганлар.⁸¹³

Шоир Фурқат 1976–77-йилларда эски Марғилонда турганида бу зот билан танишгани ва суҳбатлашгани ҳақида кейинчалик 1891 йили «Туркистон вилоятининг газети»да берилган мақоласида шундай ёзади:

*«Марғилон шаҳрининг қозийи калони Хожажон қози бирлан маърифат пайдо айладим. Аруз фанида кўп моҳир киши экандур. Туркий газал машқида таъби кўп латиф ва равон эрмиш. Амир Алишер Навоийнинг бир газалига қилган мухаммаси кўп мустаҳсан кўринди. Писандида атвор ва ҳамида афъол киши экандур. Тариқат йўлига кирган, муҳаббатлик киши экандур».*⁸¹⁴

Бундан ташқари, Туркистон вилояти газетасининг 1913 йил, 30-сонида берилган фарғоналик мулла Олимнинг мақоласида ҳам қози домла ҳақида маълумот келтирган. Унда муаллиф жумладан шундай дейди:

«...намози жумани адо айлаб, Марғионда кўп вақтлардан буён қозилик мансабида турган Хўжажон қози жанобларини зиёрат қилмоқ бўлиб сўраганимда маълум бўлдики, ул зот қозилик лавозимини ташлаб, зиёрати байтиллоҳ ва адоийи ҳаж фароизиллоҳ қилмоққа ният айлаб, бу сана ҳажга кетгон экан. Кўп замондан буён бу жанобни кўрмоққа орзу қилиб, иттифоқо, Марғион борганимда ул зот Марғионда бўлмай кўролмаганимга афсус қилдим. Лекин ул жаноб ҳажга ният қилиб, белат олган вақтларида бир рубоий машқ қилиб, ёднома қолдириб кетган эканлар, ул

⁸¹³ Мадғозиев М. Рожий Марғилович – XIX асрнинг охири – XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг талантли вакили// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1972. №9. 38-б.

⁸¹⁴ Икромиддин Останакул. Фарғоналик валийлар... 89-б.

рубодий манзуриим ўлиб, табаррукан уибу жойга ёздим, уибу экан:

*Сад шукр сўйи Батҳо, белат гирифта рафтам,
Сарро аз зарби мансаб, бе лат гирифта рафтам,
Кардам даво дави чанд, он дулати қазо буд,
Давлат кунун бекаду, белат гирифта рафтам.*⁸¹⁵

*Ул зоти бобаракот ахборотларини келган ҳожилардан сўраганимда мавлуди шариф ийдида Маккатуллоҳ ё Мадинаи мунавварада бўлмоқ эдилар, деб жавоб бердилар...»*⁸¹⁶

1902 йили Марғилон шаҳрига ташриф буюрган шаркшунос олим академик В.В. Бартольд ҳам Хожажон Хожа Рожий ҳазратлари билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлган.⁸¹⁷ Рожий Марғиноний тўғрисида «Тазкираи Қайюмий»да қуйидагича маълумотлар келтириб ўтилган:

«Бу киши Марғилон шаҳаридан бўлуб, шунда ўқуб илм-маърифат ҳосил қилмиш шоирдур. Номи Мулла Хўжажон хўжа бўлуб, Низомиддин хўжа ўғлидур. Узоқ вақтлар Марғилон шаҳарга қози бўлиб турганидан Мулла Хўжажон қози деб маъруфдур... Вафоти эса 1918 йилдадур. Демак, Муқимий билан замондош шоирлар жумласидандур. Айрим девонга кўзимиз тушмади эса-да, форсий ва туркий ашъори ила танилган кишидур...»

*Соҳиб басорат ва дониш хирад илмий даража жиҳатидан маҳсулан шарият тариқат ва ҳар бобда жавобга ҳозир эдилар. Нужум, кавокиб, қасида ва бошқа фан фунун, тиббий ва ҳоказоларда мақташ ҳожати йўқдур. Инқилоб даврида «Шўрои ислом» вақтида касал бўлуб 1918 йилнинг 9 нчи апрел панжшанба куну ўз ватанларида 80 ё 81 ёшларида вафот этдилар. Жанозага Марғилон тўлди. 40 йил қози бўлуб турдилар. Ҳавою ҳавасга, кибру сазо, мулку ашё этмай нописандликда ўтдилар. Домулла Ҳазин жанозаларига имом бўлдилар».*⁸¹⁸

Ғолиб Марғилонийнинг Рожий вафоти ҳақида берган маълумотлари бир оз фарқли. Бизнингча, мана шу маълум-

⁸¹⁵ Туркистон вилояти газетаси. 1913 йил, №30-сон.

⁸¹⁶ Туркистон вилояти газетаси. 1913 йил, №30-сон.

⁸¹⁷ Бартольд В. В. Сочинения, Т. II часть. I. – М.: «Наука», 1963. С. 360.

⁸¹⁸ Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 321–324-б.

мот ҳақиқатга яқин. Чунки Ғолиб Рожийнинг замондоши бўлиши билан бирга буюк тарихчи олим бўлганлар.

«*Хўжажсон қози Домланинг вафоти 1335 ҳижрий, 17 шаввол, яшанба куни бўлиб, дафнлари эртаси душанба куни бўлган*». ⁸¹⁹

Қози домла Марғилоннинг Ҳожа Форсо қабристонига дафн қилинган. ⁸²⁰ Вафотига замондошлари тарафидан кўп-лаб тарих-марсиялар битилган. Қўлимизда шоирнинг набираси Алмаъий ва Асий Водилий томонидан ёзилган икки марсия мавжуд.

Алмаъий ёзган тарих

*Гуфто эй пири хирад баҳри тасаллий бино,
Чист тарихи барин ҳодисайи беҳангом.
Сар фуру бурда багуфто зи сари жон багузаит,
Восили ҳақ шуда аз аҳбоби жинон ёфт мақом.* ⁸²¹ 1335 ҳ.

Таржимаси: Ақлдан, бизларга тасаллий бериши учун содир бўлган бу воқеа (қозининг ўлими) ҳақида хабар бер, дейилганида: «У олий мақомга восил бўлди», – дейилди деди.

Асий Водилий ёзган тарих

*Рўзики бувад чун шаби торекасту боло,
Аз хоне шунидамки, мурбаси шўраш алоло.*

*Тореки замонро тариху ваҷҳе мегуфт,
Ҳибреки рав нуҳ ҳафтанд эшонӣ қози домло.* ⁸²² 1335 ҳ.

Таржимаси: Ўша куни кундузлар гўё кечалар каби зулматли бўлди. Замоннинг қоронғулиги бу мусибатга тарих айтди ва «Етмиш тўққиз ёшда у буюк олим дунёдан кетди», – деди.

Тарих

*Шунидамки, он ҳибру фарзона рафт,
Хиромид басўйи тараб хона рафт.*

⁸¹⁹ «Баёзи Ғолиб Марғилоний»... 79-б.

⁸²⁰ Абдулахатов Н., Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари... 271-б.

⁸²¹ №6-қўлёзма. 60-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸²² Асий Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

*Чу фардохт дил баҳри тарихи у,
Ду мисра аз байти сегона рафт.*

*Мағу мард у киш аз баҳри шуд,
Бадаргоҳи Ҳақ ҳамчу парвона рафт.*

*Кашид аз ҳаво рӯй аз мулки по,
Бадид аз жонони ҳарифона рафт.*

*Вале кашт мотам бафарғониён,
Сар аҳли ирфон зи Фарғона рафт.⁸²³*

Таржимаси: Эшитдимки, у буюк олим бу дунёдан шодлик хонасига шитоб юриб кетди. Унинг вафоти тарихи учун дил икки мисра шеър айтди. У мард киши Ҳақ даргоҳига гӯё парвонадек учиб кетди. Лекин у Фарғона аҳли раҳнамосининг ўлими Фарғона халқига катта мотамни келтирди.

Эслатма: шоир вафоти «Фарғона» сўзларининг йиғиндисидан чиқади, яъни 1335 ҳижрий.

Айтишларича, қози домла вафоти олдидан марғилонлик Абдураззоқ ҳофизни чақириб, унга ўзининг янги ёзган «Нечук жонман» деб бошланувчи ғазалини бериб: «Мана буни ёдлаб кўй, вафотим куни ўқирсан», – дейдилар. Шоир вафот топганида Марғилонда қиёмат кўпгандек бўлади. Ҳофизлар жаноза орқасидан мазкур ғазални куйлаб борганларида йиғламаган одам қолмайди.⁸²⁴

Муқаррамхон тўра Хон бува

Ҳазрат Домланинг замондошлари қаторида саййид Муқаррамхон тўра Хон бува (қ.с.) номларини ҳам келтириш ўринли. Ёзма маълумотларда «саййиди ғовсул варо – қутблар саййиди», «олий насаб қутби замон», «маърифат бобида якто», «вужуди кимё», «фарди замон – замон яғонаси», «илми иърфон олими», «соҳиби фаҳми фаросат – фаҳму фиромат соҳиби», «моҳийи бидъат – бидъатларни ўчирувчи»⁸²⁵

⁸²³ Асий Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №14-қўлёзма. 186-б.

⁸²⁴ Икромиддин Остонакул. Фарғоналик валийлар. –Т.: «Мовароуннаҳр», 2001. 90-б.

⁸²⁵ Муфаззал маҳдум: «Хон Бува вафотига марсия»; Бекий: «Хон Бува вафотига тарих»; Корий Марғинович: «Хон Бува тарифида» №2-йиғма жилд. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

каби сифатлар билан таърифланган бу зот аввал айтилганидек, Ҳазрат Домла билан бир устоздан таълим олганлар.

1959 йил декабрь ойининг охирида Марғилонда 100 ёшда вафот этганлар. Бу ҳақда замондошларидан Муфаззал махдум шундай дейди:

«Марғилон шахрининг ифтихори жаноб саййид Мукаррамхон тўрамнинг шайхи фонийликда эъзоз жаҳон бўлиб, хусусан, Ўрта Осиё бўйича ҳар бир тўғрида илгорлик сифати ила шуҳрат топиб, имтихонлар билан давримизнинг олий насаб қутби замонликда бир «азизул вужуд» («вужуди азиз») эканликлари маълум эди. Бу зот 1960 милодий, 1379 ҳижрий йиллари ичинда вафот этдилар. Ҳар бир сифат билан марсия ва тарих қилиши мумкин ҳолда ҳар бир шоир ва қаламкашлар қилдилар.

*Камина илмим етарли бўлмай ва абёт қофияларга ожиз бўлсам-да, камоли шавқу муҳаббат ва самимий эътиқод лаззатида ва жаноб муфтий ҳазратни дафн ораси етиб келиб, нутқи томма дурдоналарини халқи оламга сочиб, мақоми пири муғон янглиг ҳаммани бошқа хил кайфиятга солиб, гунгу лол қилмиш завқи, тубандаги марсияни илҳомга шуғуллантирди. Қофия ва мазмуни мафҳумларидаги нуқсонларга ожизона узрлар талаби билан истеъзорлар».*⁸²⁶

Айтишларича, собиқ муфтий Зиёвуддинхон Эшон Бобохон ҳазратлари ҳам Хон бува зиёратларига келиб турганлар. Сўнгги марта вафотлари олдидан келган Зиёвуддинхонга Хон Бува ўз чакмонларини бериб: «Бизнинг ҳам сафаримиз яқин бўлиб қолди», – дейдилар. Жаноза кuni ўша йўл-йўл тўнни қистирган кўйи кириб келган муфтий ҳазрат йиғилганларга қараб: «Биродарлар, бу ерда биздан ҳам кўра илмли, тақволи кишилар бор. Лекин Хон бува бир ҳафта олдин мана бу тўнни бериб, бу хизматни менга топширмаганларида, бунга журъат қилмаган бўлур эдим», – дея одоб билан нутқ қиладилар.

Хон бува вафотига замондошларидан кўплаб кишилар марсиялар ёзишган. Бизда улардан бир нечтаси сақланади.

Бу ерда яна бир нарсага тўхталиб ўтиш ўринли. Маълумки, қадимдан дунёнинг кўплаб мусулмон мамлакатларида, шу жумладан, Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларида «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодла-

⁸²⁶ Муфаззал махдум. Марсия. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 2-йиғма жилд.

ри», дея эътироф этиладиган сулолалар яшаб келадилар. Биз қаламга олган даврда Марғилон ва унинг атрофида сайид авлодларининг кўплаб улуғ вакиллари истиқомат қилганлар. Жумладан, Оламхон тўра, Қиличхон тўра, Акрамхон тўра, Мадаминхон тўра, Абдулаҳадхон тўра ва бошқалар номи-ни келтириш мумкин. Уларнинг марғилонлик алломаларга эҳтиромлари кучли бўлган. Ўз ўрнида уламолар ҳам уларни эъзоз қилганлар. Буни биз биргина Мукаррамхон тўра Хон бува билан замондошлари мисолида кўрдик.

Мазкур сулола вакиллари атрофларидаги кишиларга илм-маърифат, тақвою тоат, ахлоқи ҳамида, тавозе ва камтарликда намуна бўлганлар. Маҳаллий аҳоли кўп соҳаларда уларнинг ахлоқларидан ибрат олганлар. Марғилонлик уламолардан Жалолиддин Қорий, Муфаззал махдум, Мулла Орифжон қори Охунжон ўғли, Мулла Абдурахмон Баҳрий ва бошқаларнинг қўлёзма асарларида бу билан боғлиқ маълумотлар учрайди.

Сайидларга эҳтиромли бўлган марғилонлик уламолардан бири бу Абдулазиз Ғолиб Марғилоний эдилар. У зот ҳатто асарларидан бирини ҳам мазкур сулола вакилларига бағишлаганлари фикримиз исботидир. «Машғал» номи билан аталадиган мазкур асарнинг муқаддимасида муаллиф шундай дейдилар:

«Бу китобни ёзишимга сабаб қодирийя сулуқларидан ва Ҳазрат Ғовсул Аъзам наслларидан эшон-сайид Баҳодурхон тўрамнинг таважжужлари ва ул зоти шарифга қилган ваъдам сабаб бўлди. Охир замон ва дажжол фитналарини зулумотида ҳақиқат йўлини ёритармикан деган умид билан бу китобни «Машғал» деб атадим.⁸²⁷

Бундан ташқари, муаллиф сайид авлодларидан Абдулаҳадхон тўра, Қиличхон тўра вафотларига бағишлаб қатор марсиялар ёзганлар. Абдулаҳадхон тўра вафотига ёзилган марсияда жумладан шундай сўзларни ўқиймиз.

*Марғилондан кўчдилар соҳиб дуолардан бири,
Андалиби зикри Ҳақ, ширин наволардан бири,
Туттилар жаннат йўлини атқиёлардан бири,
Раҳмати Ҳаққа уланди муттаколардан бири,
Саййиди Абдулаҳадхон атқиёлардан бири.⁸²⁸*

⁸²⁷ Абдулазиз Ғолиб Марғилоний, Машғал... 1-б.

⁸²⁸ «Баёзи Ғолиб Марғилоний»... 29-б.

Мулла Абдурахмон Домла

Хонақоҳий Ҳазрат Домлага замондош уламолар қаторида Мулла Абдурахмон домла номини ҳам келтириш лозим. Бу зот Марғилоннинг «эски давр уламолари»дан бири эдилар. «Қаландархона» мадрасасининг мударрисларидан бўлган мазкур зот манбаларда келтирилишича ўз даврида «мисли йўқ устоз» бўлганлар.

*Дарёйи илм эди мусаллам,
Йўқ ул тарафига ҳадду поён.*

*Минбаъд, бутун жаҳонга келмас,
Олам юзига бу янглиг инсон.⁸²⁹*

Абдурахмон домла 1942/1361 йилда Марғилонда вафот этганлар. Афсуски, ўтмиш машъум замон бухронлари остида унутилиб кетган кўплаб ҳужжатлар қатори бу зот ҳақидаги маълумотлар кам сақланган. Фақатгина у зот ҳақида иккитагина ёзма маълумот етиб келган. Улар Ғурбатий томонидан ёзилган. Абдурахмон домланинг Ғурбатий хонадонига ташрифи муносабати билан ёзилган мадҳияда у зотни: «вужуди гавҳари қимматбаҳо», «юзлари оинайи гетинамо», «маъдани сидқу сафо», «чироғи пур зиё» каби сифатлар билан таърифлаганлар.

Мулла Абдурахмон домла таърифиди

*Ўргулай мақдамларинга жон фидо, ҳуш келдингиз,
Ҳоки пойингдур кўзимга тўтиё, ҳуш келдингиз.*

*Дилда армон қолмади, гулдек жамолингни кўриб,
Бизга ҳосил бўлди эмди муддао, ҳуш келдингиз.*

*Ғам била вайрона бўлган дилни обод этгали,
Эй вужуди гавҳари қимматбаҳо, ҳуш келдингиз.*

*Тил билан доим каломи зикри Ҳақ ёд айлабон,
Юзлари оинайи гетинамо, ҳуш келдингиз.*

*Зоҳирида амру наҳйу, пайрави ҳақ Мустафо,
Ботини эй маъдани сидқу сафо, ҳуш келдингиз.*

⁸²⁹ Баёзи Ғурбатий ... 10-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

*Ҳам оёқ остида ётган қоп-қаро санг порани,
Айлагайсиз бир назарда кимё, хуш келдингиз.*

*Неча кундин бери муштоқи дийдоринг бўлиб,
Биз эдик фурқат гамида мубтало, хуш келдингиз.*

*Илтифот айлаб қоронғу кулбага ташлаб қадам,
Этгали равшан чироғу пурзиё, хуш келдингиз.*

*Номингиз ул мавлавий Жомий билан ҳамном ўлуб,
Мавлавий дуввум эрурсиз раҳнамо, хуш келдингиз.*

*Ҳар қачон шаҳду шакардек сўзларинг гул юзларинг,
Фурбатий кўрганда айтур, «марҳабо» хуш келдингиз.⁸³⁰*

Хонақоҳий Ҳазрат Домла даврида Марғилон қозилари

Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг замондошлари ҳақида тўхталар эканмиз, ўша давр қозилари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсак. Маълумки, ўша даврда гарчи расмий ҳукумат Рус мутамлакачилари томонидан бошқарилса-да, лекин ўлкада қозилик тизими бир муддат сақланиб қолган. Аммо қозиларни сайлаш расмий рус ҳукумати томонидан амалга оширилган ва ўз ўрнида назорат остига олинган.⁸³¹

Худоёрхон даврида Марғилонда тўрт даҳа мавжуд бўлиб, у ерда, асосан, шариат қозилари ва аъламлар хизмат қилишган. Улар қуйидагича номланган: Қаландархона даҳаси, Тошмозор даҳаси, Машҳад даҳаси ва Сафилтўда даҳаси. Мазкур даҳалар таркибида 200 дан ортиқ маҳаллалар бўлгани айтилган.⁸³²

Қаландархона даҳаси қозихонасида бўлиб ўтган воқеаларга доир баъзи маълумотлар ўша давр вақтли матбуотида ҳам берилган. Жумладан, Туркистон Вилояти газетасининг 80-сонида Мулла Олимнинг «Фарғонадан мактуб» номли мақоласида бу ҳақда тўхтаб ўтилган. Унда муаллиф мазкур қозихонада бўлганини таъкидлар экан, Хўжандлик Пўлат Қушбеги маҳалласида яшовчи Абдулқодир Мирқурбон ўғли билан Хўжанд шаҳрига тобе Қулонбош қишлоқлик Олим-

⁸³⁰ Баёзи Фурбатий... 12-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸³¹ Пояснительная записка к проекту об управлении в областях Туркестанского генерал-губернаторства. – СПб., 1874, 53-б.)

⁸³² Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. – Т.: «Фан», 1983. – С.23.

бой Муҳаммад Иброҳим ўғлининг ўртасида бўлган маҳкама ишига гувоҳ бўлганини ҳам келтиради.⁸³³

Тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилович ўша давр қозилари ҳақида шундай маълумотлар келтиради:

«...1876 масиҳо тарихида ўрусия Марғилонга дохил бўлган вақтда номлари зикр бўлинган қозикалону домуллолар ўзларини маъзул қилиб олдилар ва бўлаклари эса қозиликда қолдилар. Чунончи, ўрусия Марғилонга келган вақтда катта устоз муллалардан икки киши бор эди. Иккалалари ака-ука эдилар. Акалари домулло Муҳаммад Бобо ва укалари Маҳмуд Бобо эдилар. Бу амалларни Худоёрхон ёки Маллахон уларга берган эди. Бу азизлар Хўқанд давлати борлиги замонида аксар катта шоҳона мажлисларда ёки фатво, ривоят, ҳалли масъалайи мушиқларда бу ака-уканинг улуглиқ мартабалари халойиққа маълум бўлинур эди. Хону беклар қадрларини билиб, кўп иззату икром қилардилар. Ўрусия келган вақтда бу қози домуллолик ва қозилик ишига аралашмасдан мударрислик қилиб ётдилар. Домулло Муҳаммад Амин (Бобо) охунд эски аъмоллик ишига аралашмасдан хуфия сулуки илм ал-ҳол мақсадига ўтириб, дарс айтмоққа ҳавола қилиб турардилар.

Шул қозикалондан кейинги мартабадаги қозилар Поччажон Хўжа қози ул-қуззот ва ҳам қози раис Юнусали Хўжадир. Бу иккааласи, чунончи Поччажон Хўжа қози ул-қуззот Машиҳад даҳаси ва Юнусали Хўжа қози раис Қаландархона даҳасига қози эдилар.

Аслида бу иккала қози ул-қуззот ва қози раисни ҳам Худоёрхон ёки Маллахон китоб ўқиттириб қози қилган экан. Шул вақт Тошмозор даҳасига қозилик қилиб турган Хўжажон Хўжа қози мазкур қозикалон домуллонинг олдиаридаги аълам ва муфтийларнинг бири эди. Ўрусия давлатини ҳеч ким Хўжажон Хўжадек кўрган эмасдур. Ушбу замондаги қозиларнинг дурустроғи ва неиқадами шул кишидур.

Андин сўнгра Мулло Бузрукхон қози. Булардан кейин Сафилтўда қозиси Мулло Музаффархон. Бу кишидан кейинги мартабада Ёзёвон қозиси Мулло Шоҳ Умар.

Ушбу одамлар мусулмон хонларининг вақтида қўлига қалам ушлаб юртга хизмат қилиб, аралашиб юрган.

⁸³³ Туркистон Вилояти газети. 1904 йил, №30-сон.

Хўжажон хўжа ва Мулло Бузрукхўжа фатво ишига моҳир эдилар.

Шул вақтда ўрин ва амал ишига ҳеч аралашмасдан бир кунжида китобу қозоз қилиб ётган икки азаз уламо бор. Бири Мулло Ҳошимхўжа эшон. Ва иккинчиси Мулло Тўхтаназар аълам. Улар фатво ишига яхши эдилар.»⁸³⁴

Тарихий ҳужжатларда ўша давр қозилари ҳақида қуйидагича маълумот берилади:

Поччажонхўжа Эшонтўра ўғли. Машҳад даҳаси қозиси. 1890 йилги қозилар йиғилишида даҳага қози этиб сайланганлар.

Хўжажонхўжа Низомиддинхўжа ўғли. Марғилоннинг Тошмозор даҳасида туғилган. Эски Марғилонда 100 таноб ерлари бўлган. 1890 йили қозиликка сайлаш учун номзодлари кўрсатилганда ёшлари 55 да бўлган.

Бузрукхўжа қози Исмоил маҳдум ўғли (ваф.1319/1901). Марғилоннинг Машҳад даҳасида 1890 йили қози этиб сайланганлар.

Ҳозирда японлик олдима Я.Кавахара томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида Бузрукхўжа қозининг иш юритувига доир турли васиқалар топилган.⁸³⁵

Мулла Музаффархон Мансур Ҳожи ўғли (ваф.1329/1911). Марғилоннинг Сафилтўда даҳаси қозиси.

Қўлимизда Рожийнинг марғилонлик қозилардан Бузрукхон қози, Музаффаржон қози ва унинг набираси Муҳтарамхон, Усмон хўжа Аълам вафотига ёзган тарих-марсиялари сақланади.

Қуйида улардан Усмон хўжа аълам вафотига ёзилган тарих-марсияни келтиришни муносиб кўрдик. Чунки унда келтирилган фикрлар ҳар қандай кишини бефарқ қолдирмайди. Мисралар кетма-кетлигида бир-бирини тўлдириб келаётган маънолар ўқувчига ўзгача завқ беради ва беихтиёр унда олға сурилган маъноларга таслим бўлишга мажбур қилади.

⁸³⁴ Муҳаммад Азиз Марғилоний. «Тарихи Азизий»... 68–69–бетлар.

⁸³⁵ KAWANARA Yuyoi. Private Archives on a Makhdumzada Family in Marghilan Tias: Department of Islamic Area Studies Center for Evolving Humanities Graduate School of Humanities and Sociology The University of Tokyo. 2012. 261.

Усмон Хўжа ағлам вафоти

*Фано майдонидан ким юрмай ўтди,
Қазони қахрамони сурмай ўтди.*

Бу фоний дунё майдонини босиб ўтмаган ва қазо-ўлимнинг қахрамони суриб йиқитмаган бирон одам борми?

*Ўрин ахтаргучи кўп аҳли мансаб,
Қазо етди ўридан турмай ўтди.*

Бу шундай дунёки, қанча-қанча мансабга интилганлар мансаб келганида ўтириш учун ўринларидан турмай, ўтиб кетдилар.

*Бири кеттию, навбат бирга етди,
Туриб кетган, келиб ўлтирмай ўтди.*

Бу дунё шундай жойки, бири кетса, ўрнига бошқаси келади. Кўп ҳолларда ўридан турган киши яна жойига ўтиролмай кетди.

*Қазо девонига ёзган сижилни,
Кими ҳукмин бажо келтирмай ўтди.*

Бу дунёда пешонага ёзилган ўлим ҳукмини бажо келтирмасдан ўтган бирон-бир киши борми ўзи?

*Алар дастидаги муҳри қазони,
Қазо дасти қачон синдирмай ўтди.*

Уларнинг қўлидаги қозилик муҳрини (агар улар қози бўлсалар) ўлимнинг дасти синдирмай ўтгани борми?

*Бинойи давлатини қайси содот,
Ҳаводис сайлига буздирмай ўтди.*

Ёки, кунгирали уйини илоҳий қазонинг селига буздирмай саломат ўтган бирор мансабдор борми?

*Бу майдонни самарлик қайси нахлин,
Ҳазонни сарсари еткурмай ўтди.*

Ҳазоннинг шамоли дунёнинг бирор мевалик боғини тўктирмай ўтгани ҳам борми?

*Бу мазраъдин ҳаётин ҳирманини,
Фано барқи қачон ёндирмай ўтди.*

Дунё экинзорида ҳосилини ўлим чакмоғига урдирмай ўтган киши ҳам борми?

*Асолат гулшанини қайси баргин,
Тегиб гам жоласи сўлдурмай ўтди.*

Қайси аслзода кишининг умр боғига қарилик ғамининг ёмғири келиб сўлдирмаган?

*Ким онлардин ҳаётин заврақини,
Жаҳон гирдобидин сурдирмай ўтди.*

Бунда ҳаёт саҳифасини жаҳон гирдобига сурдирмай ўтган бирор киши борми?

*Бу маҳфалдин ажал соқийси кимга,
Ўлумни шарбатин сундирмай ўтди.*

Ушбу карвон ичидан қайси бир кишига ажалнинг соқийси ўлим шарбатини бермаган?

*Фалакни золи кимни туфроғини,
Иликдин ўтказиб тўздирмай ўтди.*

Бу кўҳна фалакнинг ёвуз кишиси кимнинг жасадини туфроққа айлантириб, тўздирмаган?

*Лаҳад дарвозасидин қайси сардор,
Белин букмай, бошин индурмай ўтди.*

Ман-ман деганларнинг қайси бири лаҳаднинг дарвозасидан бошини эгиб, белини букмай ўтган?

*Бу дунё кўчасидин қайси отлиғ,
Адам сари инонин бурмай ўтди.*

Дунёнинг кўчасидан қайси отлиқ охират томонга отнинг жуганини бурмай ўтган?

*Бошини косасини қайси сарвар,
Лаҳад туфроғига тўлдирмай ўтди.*

Қайси ман-ман деган кимса бошининг косасига лаҳаднинг туфроғини тўлдирмаган дейсиз?

*Тараб домини ким тутти қўлга,
Ажални шарбатин тўлдирмай ўтди.*

Ким кўлига хурсандлик косасини олган бўлса, ажал бир кун унга ўз шаробини тўлдиргандир.

*Ажал кимни ёғочлик маркабига,
Оёқдин қолдириб миндирмай ўтди.*

Бунда ажал оёғидан қолдириб, ёғочлик маркабига миндириб олиб кетмаган бирор киши борми?

*Бу саҳрони ҳавоси ҳар қуюнни,
Бошин айлантириб тиндирмай ўтди.*

Бу дунё саҳросининг ҳавоси кимларни бошини айлантирмаган дейсиз.

*Қани бир дасти болоким бошига,
Ажални муштини туйдирмай ўтди.*

Бу дунёда бошига ажалнинг муштини урдирмаган бирорта паҳлавон борми?

*Ўлум шоҳбозини сар панжасидан,
Ким ул болу парин юлдирмай ўтди.*

Ёки, ўлим лочинининг чангалига патини юлдирмай қутулиб қолган бирорта паҳлавон борми?

*Бу зулматхонадин бир дам ёруғлик,
Шарарни ламъасидек турмай ўтди.*

Бу дунё шундай зулматли дунёки, унда ёруғлик бир лаҳза ҳам турмай ўтган.

*Бу дунёни аруси мардларини,
Тасарруф қилгали қўйдирмай ўтди.*

Бу дунё ҳар қанча ман-ман деган эрларни ҳам ўзига яқинлаштирмай ўтказиб юборди.

*Жаҳондин ўтти ҳар ким юк қўтармай,
Шаётин қўллари туттирмай ўтди.*

Кимки бу дунёдан кўп юк олмасдан кетган бўлса, демак ўзига шайтоннинг қўлини тегизмай ўтибди.

*Бу қаттиқ йўлда дунё тутмаганлар,
Оғир юкдин белин буктирмай ўтди.*

Бу узун йўлда ортиқча дунё йиғмаганлар, охиратда белини қаттиқ ҳисобдан буктирмай ўтди.

*Бу йўлда катта давлатлик мусофир,
Қўлидин нақдини олдирмай ўтди.*

Бу дунёдан охират озуқаси билан кетган кишилар ўз молини олдирмай ўтди.

*Ажал сарпанжасидан қайси жиддий,
Муборак жабҳасин буздирмай ўтди.*

Бу дунёда жиддий инсон бормики, ажал сарпанжасидан пешонасини тириштирмай ўтган бўлса!

*Жаҳондин ўтти Усмон Хўжа Аълам,
Тажаммулни дўконин қурмай ўтди.*

Усмон Хўжа Аълам ўтди-ю, лекин ўткинчи дунёга зийнат иморатини қурмай ўтди.

*Беҳишт айвониға маъво солурға,
Бузуғ вайронасин буздирмай ўтди.*

Жаннатнинг айвониға маскан қурамыз деб, бу ердаги вайронасини ҳам буздирмай ўтди.

*Фароғат бирла бошин қашлатурға,
Фалак тирноғини ўстирмай ўтди.*

Ҳатто бу дунёда бирор марта ҳам бошини фароғат билан қашлатгани фалакнинг тирноғини ўстирмади.

*Беҳишт озодаларни маскани деб,
Бу дунё гардини юқтирмай ўтди.*

Қандай улуғ инсон эканки у, жаннат озодаларнинг макони деб, ўзига дунё молининг гардини ҳам юқтирмай ўтди.

*Қазо бирлан ото бобоси ўтган,
Ажаб ўтди қазо етқирмай ўтди.*

Ота-боболари қозилик мансабида ўтган эдилар, лекин ажиб бир мард эканки, ўзига қозилик мансабини етқизмай ўтди.

*Қазо то етқуча ўлди-ю, кетти,
Қазо истаб ўзин ўлдирмай ўтди.*

Қозилик мансабини оламан деб, бу йўлда ўзини хор қилмади, балки қозилик унга еткунча ўлиб, бу ишдан ўзини «ўлдирмай» ўтди.

*Билинтирмай ажал дарвозасидан,
Бошин буркаб қаттиқ чучкурмай ўтди.*

Дунёдан шундай кетдики, гўё ажал дарвозасидан бошини буркаб, ҳеч кимга билинтирмай ўтди.

*Ўринсиз қарзи йўқ ўтди ўринда,
Бировга доманин туттирмай ўтди.*

Бировлар билар ноўрин қарзи йўқ унинг. Чунки гарчи амал ўрнида ўтган бўлса-да, бировга ўз этагини ноҳақлик билан туттирмади.

*Олиб тавқи убудийят бўйунга,
Нафси шум ҳалқасин тақтирмай ўтди.*

Бўйнига бандалик ҳалқасини маҳкам қилди-да, харгиз унга нафсу шайтон ҳалқасини тақтирмади.

*Тамаъ даштидаги чопқучилардин,
Самандар нафсини уздирмай ўтди.*

Бу дунёда бировдан тама қилиб, бошқалар каби ўз нафсини балоларга рўбарў қилмади.

*Олиб қочди бошин дорул-фанодин,
Таъаллуқ дорига остирмай ўтди.*

Азиз бошини дунёнинг таъаллуқ дорига остирмасдан, бу дорул-фанодан олиб қочди.

*Вафоси йўқ жаҳон ул шўрликка,
Танаъум тузини тоттирмай ўтди.*

Афсуски, бу бевафо дунё у бечорага бирор марта нозу неъмат тузини тоттирмади. Яъни, фароғат кўрмай ўтди.

*Ўзин ҳар суфлаларнинг миннатиға,
Ажаб марди экан ул бостирмай ўтди.*

Ажиб мард эканки у, бировлар берганни олиб, ўзини ҳар турли тубан кимсаларнинг миннатиға рўбарў қилмади.

*Амал бош оғригидин елкасиға,
Қариндош ўпкасин қоқтирмай ўтди.*

Қариндош-уруғлари мансабини суистеъмол қилмасинлар учун, дунёда бирор мансабга ўтирмасдан кетди.

*Қаламдин кўрди ризқини қаламдек,
Бошини саждадин тиндирмай ўтди.*

Ризқини меҳнат билан қалам тебратиб топди, ўзи худди қалам каби бошини бирор марта ҳам саждадан тиндирмай ўтди.

*Амални нечасини домони йўқ деб,
Бу қоматга қафо кийдирмай ўтди.*

Дунёдаги амалларнинг этаги калта, яъни вафоси йўқ дея, баданига амал кийимини кийдирмай ўтди.

*Қазони кулфатига тўймагани,
Қачон ғам жонидан тўйдирмай ўтди.*

Чунки ғам қозиликнинг кулфатидан безор бўлмаган бирор инсонни жонидан тўйдирмай қўйдими?

*Либоси ориятни остинидин,
Ажал тортиб қачон суйдирмай ўтди.*

Кийиб олган омонат либосларини ечиб олиш учун ажал этагидан тортмаган бирор кимса борми?

*Кироман котибинга қайси аълам,
Амални журмини ёздирмай ўтди.*

Дунёда амал ишига минган кимсани кироман котибин дафтарига гуноҳ ёздирмай ўтгани борми?

*Оёғи йўлдан озган қайси муфтий,
Жаҳаннам жаридан тойдирмай ўтди.*

Қайси йўлдан озган қози ё муфтий жаҳаннамдан тойилмасдан ўтгани борми?

*Асал деб, ким қўлин солди челаққа,
Арини найзасин сайдирмай ўтди.*

Асал челагига қўл солиб панжасига ари найзасини сайдирмаган ким бор?

*Бақо мулкин йўлини билган аълам,
Хато жинкўчасидан юрмай ўтди.*

Аммо бизнинг қахрамонимиз (Усмон Хўжа аълам) эса охират абадий мулкига олиб борадиган йўлни яхши билгани учун, дунёда хатонинг кўчасидан юрмай ўтди.

*Ажаб ўтдики, умри доманини,
Алойиқ хорига илдирмай ўтди.*

У дунёдан шундай ўтдики, этагига дунё алоқаларининг тиканини илдирмади.

*Момогулдирайди, аммо газабдин
Адоват чақмогин чақдирмай ўтди.*

Осмонда момагулдирай овоз қилса қилади-ю, аммо у бирор марта бировга адоват юзасидан ёмон назар билан боқмади.

*Сайр айлаб бу йўлда ҳар кивони,
Қароқчи тигига олдирмай ўтди.*

У дунёнинг турли кўчаларидан ўтди-ю, молини қароқчининг тигига олдирмай ўтди. Яъни, диёнат мулкини шаётин қароқчисига олдирмади.

*Эмас Мункар Накирни гурзисини,
Қаламдон бирла бирни урмай ўтди.*

У бирор кимсани қалами билан «урган» эмас, шунинг учун қабрда Мункар Накир гурзисини емайди.

*Жаҳаннам ўтида ёнмас, бировни
Ғалат фатво бериб куйдирмай ўтди.*

У жаҳаннамнинг оловида ёнмайди, чунки бировни нотўғри фатво бериб куйдирмаган.

*Амал мезонига валлоҳу аълам,
Гуноҳдан заррани солдирмай ўтди,*

Аллоҳ билади, мезон тарозусига гуноҳдан зарра ҳам кўйдирмай ўтди.

*Қаламдонни кўтариб охиратни,
Ҳисобига ўзин қўйдирмай ўтди.*

Дунёда доим қаламдонини кўтариб, гўё ўзини ҳисоб-китоб қилиб ўтди, шунинг учун унда қаттиқ ҳисобга тугилмас.

*Мусибатномасидур «талху ширин»,
Қачон йиғлатти-ю, кулдирмай ўтди.*

Унинг мусибатномаси, яъни вафот тарихи: «талх-ширин», яъни, «аччиқ-ширин» бўлди.

*Доб ўтди бир киши тарихи фавтин,
«Ўзини кимлигин билдирмай ўтди».*

Бошқа бир одам эса унинг вафот тарихи: «Ўзининг кимлигини билдирмай ўтди» сўзлари бўлди, деди.

*Дедиким: «Ўлди Усмон Хўжа Аълам,
Ёруқлик юзини кўрмай ўтди».⁸³⁶*

У яна дедики, унинг тарихи: «Усмон Хўжа Аълам дунёдан ўтти, лекин бирор марта ёруқлик юзини кўрмай ўтди», – деди. 1311 ҳижрий, 1894 милодий.

Ҳазрат Домла ва Дукчи эшон

Маълумки, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида мамлакатнинг турли жойларида Чоризм мустамлакалари зулмига қарши миллий озодлик ҳаракатлари бўлиб ўтган. Муҳаммадали халфа Собир ўғли мустамлакачилар зулми остида эзилган, қашшоқ, ҳақ-ҳуқуқсиз халқни истиқлол учун курашга кўтарган, ўз юртини озод ва мустақил кўришни орзу қилган ана шундай буюк инсон экани билан тарихда қолган. 1898 йилда Андижонда бўлиб миллий озодлик ҳаракати ташаббускори сифатида танилган Дукчи эшон мазкур иши олдидан «Фарғона музофотидаги машҳур катта одамларни ўз фикрига ёр этмоқ учун» уларга мактуб юборган эди. Чунончи, улар орасида Андижон жомеъ масжидини бино қилган Маҳмуд Алибой Холмирза ўғли, мударрислардан мулла Сомий охунд, домла Холиқбой охунд, Ўшдан Қурбонжон додхоҳ, Қамчинбек домла, домла Яъқуб охунд аълам, Намангандан Яхёхон маҳдум ва Қодирхўжа хожи ва Марғилондан Ҳазрат Домла, Сайид Аҳмад Хўжа ва бошқалар бор эди. Улар орасида Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг номларини борлиги уларни ватан озодлиги, миллат қайғусига бефарқ эмасликларини билдиради.

⁸³⁶ Рожий Марғинович. Усмон Хўжа аълам вафотига марсия. №16-қўлёзма. 84–88-б. Р. Файзуллаев кутубхонаси.

Бугина эмас, Ҳазрат Домла миллий истиқлол курашчиларига маънавий кўмакчи сифатида маслаҳатларини аямаганлари ҳам айтилган. Бу ҳақда Фозилбек Отабек (1879-1938) ўғли ўзининг «Дукчи Эшон воқеаси» хужжатли қиссасида батафсил маълумот бериб ўтган.⁸³⁷

Бугун уларнинг асрий орзулари ушалиб набираларига насиб этди. Шу туйғули, бу ёруғ кунларнинг келишида уларнинг ҳиссалари катта эканини эслатгимиз келади. Китоб аввалида келтирганимиз Қоил Марғилонийнинг «Жаҳонда сен учун ғусса ютганлар ризо бўлсин», деган сўзлари ҳам биз учун айтилгани ҳақиқат.

⁸³⁷ Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси /Нашрга тайёрловчилар: Сирожиддин Аҳмад, Улуғбек Долимов, Шухрат Ризаев. – Т.: «Чўлпон» нашриёти, 1992 йил. 24-б.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ МАРҒИНОНИЙНИНГ ИЛМИЙ ВА АДАБИЙ МЕРОСИ

Хонақоҳий Ҳазрат – Ҳазин Марғинонийнинг илмий меросларининг асосий қисмини назмий асарлар ташкил этади. Ҳозирча биз минг байтдан ортиқ ғазал, мухаммас, рубоийларини топишга эришдик. Девонлари ҳақида маълумот учратмадик. Асарлари, асосан, шогирд, замондошларининг қўлёзмалари орқали бизга етиб келган. 1912 йилда Тошкентда чоп қилинган «Баёз Маҳбуб ул-маҳбуб»га тўртта мухаммаслари киритилган.

Ҳазрат Домла шарқнинг буюк даҳо шоирлари Жомий, Ҳофиз, Хисрав, Бедил, Нодира ғазалларига мухаммаслар боғлаганлар. Шунинг ўзиёқ Ҳазин асарларининг илмий даражаси юкори бўлганини кўрсатади.

Насрий асарлари

Ҳазин Марғинонийнинг насрий асарларига келсак, уларнинг асосий қисмини дарсликлар ташкил қилади.

*Дар ҳаёти бебаҳошон саёъ кўшиши карданд,
Азбаройи навешта рўз қиёмат дур рабуд.*⁸³⁸

Яъни, у зот умр бўйи китоблар таълифи ва дарсликлар таснифига саъйи кўшиш қилди, шу туфайли эртан қиёмат куни беҳисоб дурлар тергай.

Улар орасида сарф илмига оид «Хонақоҳ сийғаси», «Авомил» китобининг назмий матни машҳур бўлган ва ўша даврда бир неча марта чоп қилинган. «Сийға» ўша давр мактаблари учун араб тили морфологиясига оид дарслик бўлиб, 1912 йилда Тошкентда чоп қилинган. Китобнинг биринчи саҳифасига шундай деб ёзилган.

«Ушбу фасоҳат ва балогат соҳиби, эзгу хотима ва оқибат эгаси мулла Муҳаммад Юсуфхон Домлоий Марғинонийнинг сарф илми ва муҳим феъллар тартиби қоидаларига бағишланган «Сийға» номли китоблари бўлиб, талабалар иқтидори ва истеъдодига мувофиқ осонлаштириб ёзилгандир. Буйруқларига биноан, шогирдлари мул-

⁸³⁸ Абдуллоҳ Марғиноний. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-йиғма жилд.

ла Муҳаммад Азим Рӯзи Муҳаммад ўгли Тошкандий китобат қилгандир. Бунга талабаларга сарф илми ва бошқа ҳар турлик илмлар осон бўлмоғи учун мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (р.х) «Миату авомил» дарслик китобига қилган назми ва унда мавжуд бўлмаган ҳарфларга Ҳазрат Домланинг айтган назмлари ва «Нисоб ус-сибён» рисоласи қўшиб, чоп қилинди».

«Мазкур шогирдлари устоз амрларининг тақозосича Тошкент вилояти Ильин матбаасида тожир Муҳаммадхон ибн Хўжам почча хўжа харажати билан чоп қилдирди. 1330 ҳижрий 2 зулқаъда, 1912 милодий 30 сентябрь».

Мактаб китоб савдоси. Эски Тошкент, Хадра маҳалласи».

Мазкур дарслик кейинчалик ҳам кўплаб талабалар ўртасида қўлланган. Хусусан, Ҳазрат Домлада таълим олган уламолар, асосан, мана шу дарсликдан фойдаланганлар. Бу уларнинг устозга эҳтиромлари эди.

Замонамиз алломаларидан шайх Абдулазиз Мансур жаноблари ҳам Олтиариқ кишлоғида истиқомат қилган устозлари, Ҳазрат Домланинг шогирдлари Муҳаммадқосим қори домла ҳузурида таълим олиб юрган чоғлари мазкур дарсликдан таълим олганларини қуйидагича эслаган эдилар:

«Биринчи диний дарсни бошлаш олдидан устоз каминига: «Сиз фақат Қуръонни ёдлаш билан чекланманг, балки ёшлик чоғини ганимат билиб, араб ва форс тилларини пухта ўзлаштириб олишингиз керак», – деб бир рисолани қўлимга бердилар ва айтдиларки: «Бу рисолани Ҳазрат Домлоий Марғиновичдек буюк зот Марғилоннинг Хонақоҳ деб аталувчи дарсхонасида ўтириб ёзганлар. Шунинг учун бу араб тилининг сарф китоби – «Хонақоҳ Бидони» деб, юритилди. Буни ёзишдан мақсадлари олдингилар ёзган зерикарли, узундан-узун сарф дарслиklarини қисқартириб, ўқувчига уни ўзлаштириши ва ёдлаш қулай бўлиши учун қайтадан ўзлари ёзиб чиққан эканлар», – дея эслатган эдилар.

Дарҳақиқат, мазкур «Хонақоҳ Бидони» билан бошқа сарф дарслиklarини бир-бири билан солиштириб чиққанимизда бу ҳақиқатнинг гувоҳи бўламиз. Ҳали ҳанузгача ўша мўъжаз китобдан олган сабоқларимиз тошга ўйилгандек, дилимиз лавҳида сақланиб қолган».⁸³⁹

⁸³⁹ Р.Файзуллаев. Шайх Абдулазиз Мансур билан суҳбат. Тошкент – 2013.

Марғилонлик Нўъмонхон эшон ота шундай дейди: «Биз Абдулазиз қори домлада таълим олиб юрган пайтларимиз эди. Бир куни: «Мана Қуръон ўқишни ҳам билиб олдингиз. Энди илм олишларингиз керак. Хотинариқ маҳалласидаги Абдуссамад охунд дадага борасизлар. У зотда ҳол ва қол илми муяссар бўлган», – дедилар.

Биз шеригим Мирза мухлис билан бирга Охунд дада ҳузурига йўл олдик. Бориб ҳовлиларини тақиллатдик. Ичкаридан ҳайбатли, ёрқин сиймоли бир зот чиқиб келдилар. Биз билан кўришдилар. Шунда мен ажиб ҳолатни гувоҳи бўлдим. У зот билан кўришишим баробарига бир ёқимли бўй димоғимга етиб, оёғимдан чиқиб кетди. Мен тамоман бошқача бўлиб қолдим. Ичкарига кириб, мақсадимизни айтдик. У зот: «Шаҳарда шунча олимлар туриб, қишлоққа бизнинг ҳузуримизга келибсизлар-да», – дедилар, сўнгра: «Майли бир истихора қилиб кўрамиз, истихорадан ўтсаларинг, қабул қиламиз», – дедилар. Биз истихора нима эканини билмай ўйланиб, орқамизга қайтдик.

Орадан уч кун ўтди. Биз яна бордик. Чақирдик. Ичкаридан юзларида табассум билан чиқиб келдилар. Буни кўриб, шеригим, истихорадан ўтдик шекилли, деди. Ҳақиқатдан ўтган эканмиз, бизни шогирдликка қабул қилдилар.

Чоршанба кунидан дарс бошланадиган бўлди. Бизга Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг «Сийға» номли китобларидан дарс бера бошладилар. Китоб тугагач: «Сизлар ақида илмини ҳам билишингиз керак», – дедилар ва Ҳазрат Домланинг устозлари Муҳаммад Обид (қ.с.)нинг «Амолий» китобига ёзган шарҳи «Миръотул мўътақиддин»дан дарс бера бошладилар».⁸⁴⁰

Қўлимизда Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг қуйидаги асарлари мавжуд.

1. «Сийға» дарслик китоби.
2. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Авомил» рисоласи назмига илова.
3. Амир Алишер Навоийнинг «Арбаъин» асари қўл-ёзмаси. 1295/1878 йил.
4. Ақида илмига доир рисола. 1295/1878 йил.
5. «Бадъ ул-амолий» рисоласига шарҳ. 1295/1878 йил.

⁸⁴⁰ Р.Файзуллаев. Манокиб материаллари. Марғилон – Бекат. 2012.

6. Шайх Муҳиббуллоҳ ал-Баҳорийнинг «Ат-тахрир ул-муҳаққиқ вал баҳр ул-мудаққак» рисоласига шарҳ ва ҳошия. Йили номаълум.

6. Шарҳи «Суллам ал-улум». Йили номаълум.

7. «Далоил ул-хойрот» китоби. Мазкур китоб Ҳазрат Домла томонидан шогирдлари Миряхё қорига туҳфа қилинган бўлиб, кейинчалик Муҳаммад Мусо Абдуллатиф ўғлига берилган. Ҳозирда уларнинг қўлида сақланади.

8. Ҳожи Каримжон домла (к.с.) мерослари орасидан топилган қўлёзма. №11-рақам билан шахсий кутубхонамизда сақланаётган мазкур қўлёзма Ҳазрат Домланинг махсус дафтарлари бўлиб, унда у зотга алоқадор кўплаб маълумотлар бор.

Назмий асарлари

Ҳазрат Домла «Ҳазин» тахаллуси билан ижод қилганларини юқорида айтилди. Маълумотларга кўра, «Ҳазин» ва «Ҳазиний» тахаллуси билан бир неча шоир ўтган. Улардан бири Султон Аҳмад Ҳазиний бўлиб, XVI асрда яшаб ўтган.⁸⁴¹ Пўлатжон Домла Қайюмийнинг «Газкират уш-шуаро» асаридан маълум бўладики, XVIII асрда яшаб ўтган эронлик шоир Шайх Муҳаммад Али ҳам «Ҳазин» тахаллуси билан ижод қилган.⁸⁴²

Ҳазрат Домланинг «Ҳазин» тахаллусини танлашлари ҳам бежиз эмас. Қадимдан шарқ адабиётида тахаллус танлашда, уни бирор маъно англатишига эътибор қаратилган. Кўп ҳолларда бу уларнинг яшаш жойи, касб ёки ҳунарларига қараб ҳам танланган. Лекин кўпинча бу соҳада шоирнинг ички ҳис-туйғуларини, умид ва илтижоларини ифода қилувчи ожизлик, хокисорлик, умидворлик маъноси билдирувчи «Бедил», «Рожий», «Мискин», «Ҳазиний», «Ҳокий», «Залулий», «Ғарибий» каби тахаллусларга кўпроқ эътибор берилган.

Ҳазин Марғиноний асарлари форсий ва туркийда битилган. Асосан, ғазал, рубоийёт, фард ва мухаммаслардан иборат мазкур асарларнинг ғоявий-бадиий мазмуни қадимдан тасаввуф намояндалари учун хос бўлган комил инсон ғоясидир.

⁸⁴¹ Ориф Усмон. Ваҳдат шаробин ичдим (Ясавий тариқати) // Ғойиблар хайлидан ёнган чироклар. – Т.: «Ўзбекистон», 1994. – 142-б.

Ҳазин ўз асарларида инсонларни маънавий комилликка чақириб, бу йўлда барча нафсоний хоҳишларидан воз кечишга буюрадилар. Масалан: «*Нафсинг бошин риёзат ила захми иста кўр*»,⁸⁴³ деган сўзларидан аини мазмунни укамиз. Ёки:

*Метавон худ зи ихлоси дод ар нақшу нигор,
Онки майли нақшибанд ошнойи дарбараст.*⁸⁴⁴

Эй инсон, ўзингни ихлосдан йироқ тутма, нақшу нигоринг қалбингда бўлсин, ким шундай қилса у яхшилар ҳамроҳидир.

Аллома инсонларни ёлғончи дунё ва унинг ўткинчи орзу-ҳавасларига берилмасликка, топилган мол ҳалолдан бўлиши, уни беҳуда сарф этмай, муносиб ўринларга бериш туфайли охират саодатига эришишга чақирадилар.

*Шоҳро айвон нигорин кашта аз симу зар,
Оқибат дон ҳар яки мори газидон дарбараст.*⁸⁴⁵

Яъни, шоҳлар иморатларини олтину кумуш билан безамоқдалар, лекин билсинларки, эртага улар заҳарли илон бўлади. Алломанинг ўзи ҳаётда шунга амал қилган эдилар.

*Дар мuddати умри худ накашад бадунё чаши,
Фо мулки гино матлаб, хавфу ҳазар зи амлок.*⁸⁴⁶

Яъни, умрлари давомида дунёга меҳр билан боқмадилар, доимий фикрлари хавфу ражо эди.

Айниқса, у зот кишиларни кўпроқ илм ва маърифатга чақирадилар, илмни зулматлардан қутқарувчи нур, жоҳиллик эса зулмат эканини таъкидлайдилар. Ақли бўлгани ҳолда кишининг жоҳил бўлиб қолиши у зот наздида кечирилмас айб, деб қаралади.

*Кишиким илм йўлида қилур хизмат хулус ила,
Хулуди жаннатул маъвоя Ҳақ ани насиб айлар*⁸⁴⁷.

Аҳамиятли ери шундаки, аллома бу сўзларни шунчаки айтиб қўймай, амалий ҳаётда қўллаб, бошқаларга ибрат

⁸⁴² Қайюмий.П. «Тазкирайи Қайюмий»... 122-б.

⁸⁴³ № 6-қўлёзма. 58-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁴⁴ №21-қўлёзма. 11-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁴⁵ №21-қўлёзма. 11-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁴⁶ №21-қўлёзма. 11-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

бўлганлар. Сўзларининг таъсири ҳам шунда. Сўзлари эмас, туришларининг ўзи ҳам кишилар ахлоқиға таъсир кўрсатгани айтилган.

*Ҳолаш ҳама увайсий бувад, қолаш ҳама илҳомий,
Анвори қадам дар дил, ҳар лаҳза намуд широқ.*⁸⁴⁸

Яъни, у зотнинг ботиний аҳволлари увайсий, сўзлари эса илҳомий эрди. Қадамларининг нури дилларға нур берар эди.

Асарларида илмли кишиларни билганларига амал қилишға чақирганларини кўрамиз.

*Олими бечашми ирфон жуз алам аз худ наёфт,
Илм холи аз амал шуд бенишон абтараст.*⁸⁴⁹

Яъни, олим агар илмдан маърифат ҳосил қилмаса (яъни, амал қилмаса), ўз жонига аламдан бошқа нарсани тортмайди. Чунки амалсиз илм ҳар қанча кўп бўлса-да, барибир йўқ кабидир.

Дарҳақиқат, синчиклаб ўрганилса, аллома ҳаётларининг ўзи жонли ибрат эди. Чунки у зот «Илоҳ ибодатининг доими ва зикри барҳақ зокири, жумла фазилатларни ўзида жамлаган ва илоҳий сирлар огоҳи» эдилар.⁸⁵⁰

Аллома кишиларни кибр ва манманликдан қайтарган бўлсалар, ўзларини ҳаётда бу сифатдан жуда узоқ бўлганларини, кишиларни ҳалоллик ва покликка чақирган бўлсалар, амалий ҳаётда ўзларининг бунга қаттиқ амал қилганларини кўрамиз. Яъни, аллома бутун умр қўл меҳнати билан кун кўрганлар. Аслида қадимдан нақшбандия тариқати вакиллари шундай йўл тутганлар. Улар «Дил баёру даст бакор», яъни, қўлинг меҳнатда, қалбинг эса Аллоҳ ёди билан бўлсун, шиорига қаттиқ амал қилганлар.

Айтиш ўринлики, аллома бобомиз асарлари бугунги кунда халқимиз учун, хусусан, зиёли, маърифатли кишилар ва шеърят аҳли учун қадрлидир. Қолаверса, адабиётшунос тадқиқотчиларимиз диққатига XIX аср охири ва XX аср бошларида Кўкон адабий муҳитида шоир марғиновичлар ўрнини белгиловчи яна бир муҳим омил бўла олади. Сир

⁸⁴⁷ №21-қўлёзма. 11-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁴⁸ №7-қўлёзма. 109-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁴⁹ №21-қўлёзма. 11-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁵⁰ Мулла Усмон Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №2-йиғма жилд.

эмаски, шу кунгача замонамиз шеърят аҳллари ва адабиёт-шунослари учун Ҳазин Марғинович номи мутлақо номаълум эди. Соҳа муттаҳассислари ҳиммат қилсалар, келгусида Ҳазин Марғиновичнинг янги-янги асарларини излаб топиб, халқимизга тақдим қилсалар ажаб эмас.

Изланишлар давомида биз Ҳазрат Домланинг қуйидаги назмий асарларини топишга эришдик:

Форсий ғазал ва мухаммаслар

1. «Санойи зот меълои соқийи кавсар», дея бошланувчи маснавий.⁸⁵¹

2. Хисравнинг «Бар жамолат ҳам чунон ман ошиқи зорам ҳануз», дея бошланувчи ғазалига мухаммас.⁸⁵²

3. Жомийнинг «Зиҳи ба хоки дарат чашми хунфишон муштоқ», дея бошланувчи ғазалига мухаммас.⁸⁵³

4. Назирийнинг «Озори ман газиду чоҳор баҳона кард», деб бошланувчи ғазалига мухаммас.

5. Жомийнинг «Аз ёри кўҳна намекуний ёд», деб бошланувчи ғазалига мухаммас.⁸⁵⁴

6. «Ғуборам то кужо дорад ҳавойи жабҳа ферсойи» деб бошланувчи ғазал.⁸⁵⁵

7. «Азми жафо макун, бакун рўйи раҳи ризойи ман», деб бошланувчи ғазал.⁸⁵⁶

8. «Касиро хост ногаҳ орзуи Косонаш», деб бошланувчи ғазал.⁸⁵⁷

9. «Сарири хомайи наво мекунад боз салом», дея бошланувчи ғазал.⁸⁵⁸

10. «Шукри изидроки фикри у бажонам раҳбараст», деб бошланувчи ғазал.⁸⁵⁹

⁸⁵¹ №7-қўлёзма. 67–68; №6-қўлёзма. 15–16; №10-қўлёзма. 27–28; №21-қўлёзма. 1-2-бетлар.

⁸⁵² Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 6–8; №7-қўлёзма. 84-б. №21-қўлёзма. 21–22-бетлар.

⁸⁵³ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 10–14-бетлар.

⁸⁵⁴ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 23–26; №6-қўлёзма. 70–73-бетлар.

⁸⁵⁵ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 49–50; №7-қўлёзма. 56; №21-қўлёзма. 13-б.

⁸⁵⁶ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 50–51-бетлар; №7-қўлёзма. 78-б.

⁸⁵⁷ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 108-б; №7-қўлёзма. 35–36; №6-қўлёзма. 11–14-б; №21-қўлёзма. 17–19-бетлар.

⁸⁵⁸ №7-қўлёзма. 145–146; №6-қўлёзма. 17–20; №21-қўлёзма. 25–26-бетлар.

⁸⁵⁹ №7-қўлёзма. 124; №6-қўлёзма. 5; №10-қўлёзма. 26; №21-қўлёзма. 10–12-бетлар.

11. Жомийнинг «Эй кофир, танад хуйи бедод», деб бошланувчи ғазалига мухаммас.⁸⁶⁰

12. Жомийнинг «Ажинну шавқан ила диёрин лақийту фийҳа лиқоа салмо», деб бошланувчи ғазалига мухаммас⁸⁶¹

13. Жомийнинг «Аз хорҳойи зи ишқи ту бар дорам хорҳо», деб бошланувчи ғазалига мухаммас.⁸⁶²

14. «Вала бичаши тағофул нигоҳ сомон бош», дея бошланувчи ғазал.⁸⁶³

15. «Мавжи ашки шўри ҳасрат рўз бод арманаст», дея бошланадиган ғазал.⁸⁶⁴

16. «Кашиду бар сари худ тиғи чашми жодуяш», дея бошланувчи ғазал.⁸⁶⁵

17. Жомийнинг «Зиҳи баҳоки дорат чашми хунфишони мушток», деб бошланувчи ғазалига мухаммас.⁸⁶⁶

18. Хисрав ғазалига мухаммас.

20. «Ҳар раҳи ҳолу хатат ҳардам гулистон бинимат», дея бошланувчи ғазал.

21. Бедилнинг «Мо ғарубат ашёнам ақо булбулони ватан гў», деб бошланувчи ғазалига мухаммас.⁸⁶⁷

22. «Аз раҳи холи хатат ҳар дам гулистон бинимат», дея бошланадиган ғазал.⁸⁶⁸

23. «Кашида бар сари худ тиғи чашми жодуяш», деб бошланувчи ғазал.⁸⁶⁹

24. «Мадори чашми вафойи азин хароб обод», деб бошланувчи ғазал.⁸⁷⁰

25. «Жаноб Ҳазрат шаҳаншоҳи сарири яқин», деб бошланувчи ғазал.⁸⁷¹

⁸⁶⁰ №7-қўлёзма. 82; №6-қўлёзма. 70-б.

⁸⁶¹ Нуриддин кори Марғинович. Қўлёзма. 52-б; №7-қўлёзма. 18-б. №6-қўлёзма. 66-69; №10-қўлёзма. 35-37; №21-қўлёзма. 31-32-бетлар.

⁸⁶² Абдулмўмин кори. Баёз. 22-23-бетлар. Қўлёзма кутубхонмизда №10 билан рўйхатга олинган. Бундан кейин: «№10-қўлёзма»; №7-қўлёзма. 14-16-бетлар;

⁸⁶³ №7-қўлёзма. 162-б; №21-қўлёзма. 24-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁶⁴ №7-қўлёзма. 14-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁶⁵ №7-қўлёзма. 77-б. №21-қўлёзма. 23-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁶⁶ №7-қўлёзма. 160-162; №10-қўлёзма. 40-41-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁶⁷ №7-қўлёзма. 149-151; №7-қўлёзма. 8-10; №21-қўлёзма. 8-9-бетлар.

⁸⁶⁸ №7-қўлёзма. 86-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁶⁹ №21-қўлёзма. 23-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁷⁰ №21-қўлёзма. 22-23-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁷¹ №7-қўлёзма. 19-20-бетлар. №21-қўлёзма. 25-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

26. «Малоҳатҳойи у афканд шўри инчунин таҳсин», деб бошланувчи ғазал.⁸⁷²

27. «Дорам батай зи ғамзи дилам чу кабоб кун», деб бошланувчи ғазал.⁸⁷³

28. «Жон шикору тан фикору турфа беморам ҳануз», деб бошланувчи мухаммас.⁸⁷⁴

29. «Эй тожи авлиё, шаҳаншоҳи аткиё», дея бошланувчи ғазал.⁸⁷⁵

Туркий ғазал ва мухаммаслар

30. «Бу ер гулшанлиғ этди мавсими бўйи баҳор ўлди», дея бошланувчи ғазал.⁸⁷⁶

31. «Саҳар ёдингла ҳар дам оҳу фиғон этдугум ўхшар», деб бошланувчи ғазал.⁸⁷⁷

32. «Солик табиатинг рағми иста кўр», деб бошланувчи ғазал.⁸⁷⁸

33. «Дилбарим ишқингла кўзум уйғонур», деб бошланувчи ғазал.⁸⁷⁹

34. Нодира ғазалига мухаммас.⁸⁸⁰

35. «Келибман остонинга саргашта музтар», дея бошланувчи ғазал.

Тарихлар

Булардан ташқари, Хонақоҳий Ҳазрат Домла ўша давр ижтимоий-маданий воқеаларига доир бир нечта тарихлар ҳам битганлар. Улар куйидагилар:

1. Мансуркул мингбоши вафотига тарих-марсия.⁸⁸¹

2. Аравонда қурилган масжид биниси учун тарих.⁸⁸²

3. Устозлари Калон ҳазрат вафотига тарих-марсия.⁸⁸³

⁸⁷² №7-қўлёзма. 18–19-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁷³ №10-қўлёзма. 37–38-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁷⁴ №7-қўлёзма. 19-20-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁷⁵ №7-қўлёзма. 70-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁷⁶ №7-қўлёзма. 57-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁷⁷ №7-қўлёзма. 168-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁷⁸ №6-қўлёзма. 9–10; №21-қўлёзма. 21–22-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁷⁹ №7-қўлёзма. 151-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁸⁰ Баёз «Маҳбуб ул-маҳбуб»... 45–49; №6-қўлёзма. 20–22; №7-қўлёзма. 79–80-бетлар.

⁸⁸¹ №7-қўлёзма. 55-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁸² №7-қўлёзма. 109-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁸³ №7-қўлёзма. 30–31-бетлар; №10-қўлёзма. 23–24-бетлар.

4. Оқ мадраса биноси учун тарих.⁸⁸⁴

Айни вақтда Ҳазрат Домла моҳир хаттот бўлиб, хатнинг бир неча турлари бўйича кўплаб китобларни нусха кўчириб тарқатганлар. Жумладан, «Далоил ул-хойрот», «Арбаъин», «Қасидайи бурда», «Қасидайи бонат суъод» ва бошқа асарларнинг баъзи нусхалари ўша даврда кўплаб хаттотлар қатори Ҳазрат Домла қаламлари орқали ҳам тарқалган. Ҳозиргача уларнинг кўплаб нусхалари алломага алоқадор кишилар мероси ичида сақланиб қолган.

Ҳазин Марғинович асарларидан намуна

*Шукри изидроки фикри у бажонам раҳбараст,
Раҳматаш бар раҳматан лил оламин пайғамбараст.*

Аллоҳ таолога шукрлар бўлсинки, унинг ва оламларга раҳмат қилиб юборган пайғамбарининг фикри-ёди манга доимий йўлбошчидир.

*Жумла сидқу адлу ҳилму, илму шуд ёрони у,
Ҳар яки нажму худо мур аҳли динро сарвараст.*

Садоқат, адолат, ҳилм ва илм у зотнинг ёридирки, уларнинг ҳар бири дин аҳлига гўё хидоят юлдузларидир.

Бу ерда Ҳазин Марғинович Абу Бакр Сиддик, Ҳазрат Умар, Ҳазрат Усмон ва Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳум)ларга ишорат қилмоқдалар. Чунки Ҳазрат Абу Бакр Сиддик садоқат, Ҳазрат Умар эса адолат, Ҳазрат Усмон эса ҳалимлик ва Ҳазрат Али эса илм билан машҳур бўлган эдилар.

*Одамий аз эътибороти жаҳон гофил мабоиш,
Одами аз баҳри дониш хайру шарро масдараст.*

Одам дунёнинг ишларидан ғафлатда қолмай ибрат олувчи бўлиши керак, чунки у илму дониш, ибрат билангина яхши-ёмонни ажратувчи бўлади.

*Мазҳари илму ҳаё дорад улувви мартаба,
Мардумак акбар бувад ҳарчанд дар худ асгараст.*

Инсон учун илм, ҳаё каби хислатлар олий мартабалардир. Бу сифатга муттасиф бўлган киши гарчи ўз наздида кичик бўлса-да, Ҳақ наздида буюк саналади.

⁸⁸⁴ Асий Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. № 1-йиғма жилд.

*Оқил он бошадки, бийнад чашми худ дар пойи шаръ,
Варна у аз ҳар чи бийни камтарини камтараст.*

Ҳақиқӣ оқил шундай кишики, ўз қадамини шариат андозасида кўрсин. Агар шундай бўлмаса, у ҳар қанча катта бўлса-да, барибир арзимас бир инсондир.

*Олими бечашми ирфон жуз алам аз худ наёфт,
Илм холий аз амал шуд бенишон абтараст.*

Олим агар илмидан маърифат ҳосил қилмаса (яъни, амал қилмаса), ўз жонига аламдан бошқа нарсани тортмайди. Чунки амалсиз илм ҳар қанча кўп бўлса-да, барибир йўқ кабир.

*Омий аз сарчашмаи илм аз надорад баҳрайи,
Сарбасар кардад амал кораи дарахти бебараст.*

Омий кимсалар агар илм сарчашмасидан бебаҳра бўлса, бош-оёқ амал қилса ҳам барибир (илмсизлиги сабаб) қилгани гўё бир мевасиз дарахтдир.

*Ҳирмани ҳусни амал дар хона-и ихлос кун,
Варна бори уҷбу нахват ҳирманатро сарсараст.*

Эй инсон, қилган амалингни ихлос ганжинасига маҳкам беркит, агар шундай қилмасанг, уҷбу-риё амал ҳирмонингни шамолдай вайрон қилади.

*Обидон он бошадки, дорад чашми худ бар рости,
Варна бошад то абад бад, балки аз бад бадтараст.*

Ҳақиқӣ обид шулдирки, ўзини рост йўл – шариат устида маҳкам тутса. Акс ҳолда у, дунёда ёмонларнинг ёмони бўлади.

*Жоҳили аз жаҳли сар бозад шавад аҳли қабул,
Варна жоҳил хар бувад сарро набозад хартараст.*

Жоҳил кимсалар жоҳиллиги сабаб, ўзини қабул аҳли деб билади. Ваҳоланки, жоҳил кимса чорподан ҳам ҳакироқдир.

*Сахти дил бекин набошад сангро оина кир,
Андару оташ найойад дар назар ҳам музмараст.*

Дили қаттиқ инсонлар гина-кудуратдан холи эмас, унга ҳаргиз муҳаббат йўл топмайдикӣ, у пардалангандир.

*Метавон худ зи ихлоси дод ар нақшу нигор,
Онки майли нақшибанд ошноӣи дарбараст.*

Сен эй инсон, ўзингни ихлосдан йироқ тутма, нақшу ни-горинг қалбингда бўлсинки, кимки шундай қилса у яхши-ларнинг ҳамроҳидир.

*Жону тан чун шавҳару зан ақл фарзанду барин,
Пайрави руҳасту нафсат фи мисли чун духтараст.*

Жон билан тан гўё эру хотин, ақл эса уларга фарзанд каби.

*Шоҳ дон жонро вазираш ақл, шайтон душманаш,
Дар миёни шоҳ корзору нафсу тан чун кишвараст.*

Жон эса бу ерда шоҳ, ақл эса вазир, шайтон уларга душ-мандир. Шоҳнинг олдида нафс ва тан гўё мамлакат, яъни зироат қиладиган ердир.

*Ҳеч асар дарнест дар вайронаи гети чу нафас,
Ҳарки кишт уро ба тиғи шаръ нодиру сафдараст.*

Вайрона бўлган мамлакатда ҳеч қандай асар-самара бўлмайди. Кимки, бу ерда шарият тиғи билан зироат қилса, албатта, у нодир инсондир.

*Ҳамчу ҳаскаширо басўзад ҳирс оташ ҳосият,
Дарвай афтад сандалу саркин ҳама ҳокистараст.*

У бир ҳас-хашаклар ўсган чангалзор каби бўлади-да, ҳирсу ҳавонинг ўтида ёниб кул бўлади ва ташландиқ жойга айланади.

*Моили лаъб арчи мардумзода бошад соқитаст,
Аз назарҳо ашк афтад гарчи олий манзараст.*

Ўйин-кулгига моил киши гарчи инсон бўлса-да, безъти-бордир ва улуғларнинг назарларидан гарчи чиройли суратда бўлса ҳам йиқилгучидир.

*Таблаи маъно чи бакушойи баройи ноқисон,
Когоз гул бедимогонро чу варди аҳмараст.*

Маънолар сандиғи жоҳиллар фикри билан қачон очил-син. Ахир қоғоз гул ҳам улар назарида қизил гул бўлиб кўринса.

*Ҳарки дорад сайри дар худ бар лабаиш муҳри сукут,
Бенишон дар бенишон у комилу донишвараст.*⁸⁸⁵

Ҳар ким ўз қалбида сайр қилмоқни истаса, лабига сукут мухрини боссин ва ўзини бенишонни ичида бенишон деб билсин, шунда у ҳақиқий комил бўлади».

Ҳазрат Домланинг Марғилондаги Оқ мадраса биносининг қурилишига ёзган тарихлари:

*Ин иморат бамўминон гўяд,
«Сариъу-у лиссалоти қоблал мавт».*

*Ҳотифи гуфт баҳри тарихи,
«Ажжзилу-у биссолати қоблал фавт».*⁸⁸⁶

Таржимаси: мазкур иморат мўминлар қулоғига, гўё, «Ўлим келмасидан аввал намозга шошилинглар», демоқда. Шу боис, унинг тарихи учун хотифдан: «Қазо бўлмасидан аввал намозга шошилинглар», дейилди.

Ушбу мадраса ҳозирги шаҳар ички ишлар биноси ўрнида жойлашган бўлиб, 1928 йили янги йўл ўтиши муносабати билан бузиб юборилган. Унинг ўша даврда олинган сура-ти ҳозир Тошкентда Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондида сақланмоқда. Унинг «Оқ мадраса» деб айтилишига сабаб оқ рангли ғиштдан жуда кўркам қилиб қурилгандир. Мадрасада ўша даврда Сайид Алихон махдум бош мударрис бўлганлар.

Биз Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг ижодий фаолиятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, бир нарсани айтишни ўринли деб билдик. У ҳам бўлса, Марғилонда Ҳазрат Домла билан бир даврда яшаган ва улардан кейинги уламоларнинг ҳар бири мумтоз адабиётдан атрофлича хабардор бўлиб, назм майдонида қалам сурганлар. Улар асарларини йиғиш ва атрофлича муҳокама қилиш ўз тадқиқотини кутиб турган ишлар сирасидандир.

⁸⁸⁵ №21-қўлёзма. 11–13-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁸⁶ Охунжон қори Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-йиғма жилд.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ ДОМЛАНИНГ ВАФОТЛАРИ

Беморлик ва имон қайғуси

Ҳазрат Домла вафотларидан олдин бир оз бемор бўлганлар. Бу ҳақда Миряхё қори домла шундай дейдилар: «Ҳазрат Домланинг беморлик пайтларида хузурларига кирдик. Зиёратдан сўнг Ҳазрат ҳазин оҳангда: «Биродарлар, мендан бирор нарса сўрамаяпсизлар-а», – дедилар. Биз: «Қандай хизмат бор?», – дедик. Ҳазрат: «Менинг бир омонатим бор, шуни сизнинг гувоҳлигингизда Аллоҳ таолога топшираман», – дедилар, сўнгра: «Чунки у қўйилган омонатга хиёнат қилмайдиган, зотдир», – дедилар. Бу Ҳазратнинг охирги ҳоллари эди.

Маълум бўлмоқдаки, бу ерда Ҳазрат Домла имон саломатлиги учун қайғурмоқдалар. Дарвоқе, у зот ҳаётлик чоғларидаёқ доим имон саломатлиги учун ташвиш чеккан эдилар. Бу борада қуйидаги дуолари машҳур:

«Аллоҳумма йа валийял-ислами ва аҳлиҳи саббитна аълал-имани ҳатта налқоқа биҳи ва анта аънна розин зойро гозбана, йа Аллоҳ, йа Аллоҳ, йа Аллоҳ».

Таржимаси: Эй Ислом ва мусулмонлар эгаси бўлган Аллоҳ! Бизларни, сенга бизга ғазаб қилмаган, балки рози бўлган ҳолингда йўлиққунимизга қадар имонда собит қил.

Бишри Ҳофий айтадилар: «Агар фаришталар имон билан ўлган бир мўминнинг руҳини осмонга олиб чиқишса, фаришталар таажжуб қилиб: «Бу одам қандай қилиб у ерда нажот топди, ахир унда бизнинг энг яхшимиз ҳам нажот топмаган эдик-ку?», дея ҳайрон бўлишар экан».⁸⁸⁷

Мутриф ибн Қайс айтадилар: «Ҳалок бўлган кишининг нимадан ҳалок бўлгани ажабли эмас, балки нажот топган кишининг нимадан нажот топгани ажабли. Аллоҳ таоло бандасига уни имон билан ўлдиргани каби ортиқ неъмат бермаган».⁸⁸⁸

Суфёни Саврий айтадилар: «Мўминнинг хавфи унинг имон нурининг қувватига қараб бўлади».⁸⁸⁹

⁸⁸⁷ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 113-б.

⁸⁸⁸ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 77-б.

⁸⁸⁹ Имом Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин ... 77-бет.

Асий Водилийга кўра, Ҳазратни дафн қилинганидан сўнг ғойибдан: «У зотнинг имонидан Аллоҳ рози бўлсин», деган сўзлар эшитилгани Ҳазрат орзуларининг ушалгани аломати эди.

*Бозаш аз ғайби ин нидо омад,
Розияллоҳу анҳу бил-имон.*

Яъни, сўнгра ғайбдан шундай нидо келди: «Аллоҳ у зотнинг имонидан рози бўлсин!». Айни маънони Бекий ҳам таъкидлайди.

*Рухуҳу индал хуружи суръатан жавфал бадан,
Иннаҳу қод ҳалла фи дорин ақалла аълаш-шараф. 1336.⁸⁹⁰*

Унинг руҳи танадан тезлик билан чиқиб кетаётганда: «У энг шарафли жойга бориб тушди», – дейилди.

Шайх Фаридуддин Атторнинг келтиришича, буюк тариқат шайхи Довуди Тоий вафотидан кейин ҳам шундай овоз эшитилган эди: «У дунёдан ўтган кеча бир овоз эшитилар: «Эй ер аҳли! Довуд дунёдан ўтти. Ҳаққа етушти. Ҳақ таоло ундан рози бўлди».⁸⁹¹

Хонақоҳий Ҳазрат Домла 1918 йил рамазон ойининг 10 куни Марғилон шаҳрида 78 ёшда вафот этганлар. Бу ҳақда шундай дейилади:

*Рухаш даҳум рамазон, шуд бол кушо тайрон,
Аз корки тақйид, то боргоҳи итлоқ.⁸⁹²*

Яъни, покиза руҳлари рамазоннинг ўнинчисида бу чигал дунёдан воз кечиб, қодир зот даргоҳига қанот қокмоқ учун ҳозирлик кўрди. Ёки:

*Муришиди аҳли сулук, ҳодийи аҳли илм,
Рафт аз дунёйи фоний сўйи уқбойи гануд,⁸⁹³*

Яъни, ҳасратлар бўлсинки, илм аҳлининг ҳодийси, сулук эгаларининг муришиди бу фоний дунёдан уқбо сари сафар қилди. Ёки:

⁸⁹⁰ Муҳаммад Мусо Бекий. Қўлёзма. 8–9 б.

⁸⁹¹ Фаридиддин Аттор. «Тазкират ул-авлиё»... 57-б.

⁸⁹² Фазлul Ваҳҳоб Мозорий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №7-қўлёзма. 86-б.

⁸⁹³ Мулла Усмон Марғионий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-ийғма жилд.

*Фарёдки, аз олами устои алал итлоқ,
Баркаит иқомат кард дар боргоҳи Халлоқ.*⁸⁹⁴

Яъни, фарёдлар бўлсинки, боргоҳи илоҳийда истиқомат қилмоқ учун бу оламдан устои ҳақиқий кетдилар.

Бу билан шаҳар ўзининг маънавий устунларининг биридан, уламолар ўз маслаҳатгўйи, шогирдлар ўз устои, муридлар эса маънавий раҳбари – пиридан ажраган эди. Қуйидаги мисраларда бу шундай таърифланади:

*Кетиб ул гулдастайи шаръи тариқат зебодин,
Уламо-ю фуқаролар бағрини қон айлади.*⁸⁹⁵

Дарҳақиқат, шу куни Марғилонда катта мусибат бўлган. Чунки узоқ йиллар шаҳар ва унинг осмони узра илм ва маърифат нурларининг тарқалишига сабаб бўлган зот оламдан ўтган эди.

*Рехт бармо мусибатеки манурс,
Кай баризу барўзи шаби мардон.*⁸⁹⁶

Яъни, бизнинг бошимизга тушган мусибатнинг қандайлигини асло сўрама! Борди-ю, билмоқчи бўлсанг, у шундай мусибатки, эртаю кеч бошимизга ёмғирдай тўкилади.

Ҳазратнинг вафотлари хабари тезда атрофга тарқайди. Одамлар шаҳарга дарёдек оқиб кела бошлайди. Шаҳар ва унинг атрофидаги кишлоқлардан мингларча одамлар келишган эди, гўё осмондан малаклар тушгандек.

*Дар рўзи видои у анбуҳ асҳоби ба сад андуҳ,
Карданд кафи ҳокаш чун бўйи гул истиншоқ.*⁸⁹⁷

Яъни, унинг таъзиясига йиғилган одамлар осмондаги юлдузлардан-да кўп эди. Малаклар жамоасидан кўчаю майдонлар лиқ тўлди. Унинг қабри устида сон-саноксиз асҳоблар кафи хокини гул бўйи каби искайдилар.

Сармозор кишлоғида истиқомат қилган Соли хожи домла Ҳазрат жанозалари кунини шундай эслаган эдилар. «Ҳазрат вафотлари хабари етиб келганида биз талабалар билан дарс қилаётган эдик. Дарҳол улар билан бирга учта ара-

⁸⁹⁴ №7-қўлёзма. 122–126-бетлар. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁹⁵ Охунжон Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-йиғма жилд.

⁸⁹⁶ №7-қўлёзма. 122-бет. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁸⁹⁷ №7-қўлёзма. 86–90-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

вага ўтириб шаҳарга келдик. Жанозага йиғилган мингларча саллалик кишилар кўплигидан кўчалар оппоқ суратга кирган эди».

Жанозага ўша даврнинг барча улуғ ва мўътабар кишилари йиғиладилар. Жаноза ишига халифалари Ҳожи Каримжон домла бош бўладилар. Маслаҳат билан Ҳазратни Хонақоҳнинг ёнидаги қадимий қабристонга, икки буюк устозлари ёнига қўйиладиган бўлади. Лекин йиғилган жамоатнинг кўплигидан майитни ташқарига олиб чиқишнинг имкони бўлмай, узоқ вақт туриб қоладилар.

Ҳазрат Домлани Абдулмўмин қори сувга олганлар. Охунжон қори Водилий сув қуйиб берганлар. Қабрга тушганлар қаторида мулла Абдулғофур охунд ҳам бор эди. Жаноза намозини Қўқонлик Миён ҳазратлари ўқиганлар.

Миён ҳазратнинг Ҳазрат Домла жанозаларига бош бўлишлари ҳам алоҳида ҳикмат бўлганини эслатиш ўринли. Айтишларича, Ҳазрат Домла вафотлари олдидан гарчи васият тарзида бўлмаса-да, ўрталаридаги самимий дўстлик сабаб намозларини Миён ҳазрат ўқиб беришларини истаган ва буни Миён ҳазрат ҳам қабул қилган эканлар. Вафотлари куни Ҳазрат жанозаларини ҳар қанча оломонни тинчлантирсалар ҳам то Миён ҳазрат Қўқондан етиб келгунларича ташқарига олиб чиқишнинг имкони бўлмагани ҳам ҳар икки зотнинг қароматлари саналади.

Мазкур сўзларни ёзар эканмиз марғилоннинг яна бир уламози Хон Бува ҳазратларининг жанозаларида ҳам шу каби ҳолат такрорлангани ёдимизга келади. Китоб аввалида айтилганидек, Хон бува жанозаларини муфтий Зиёвуддин-хон Эшон Бобоҳон бошчилигида адо этилишини истаган ва бу ҳақда у зотга ишора ҳам қилган ҳам эдилар. Хон Бува вафотлари куни муфтий ҳазратнинг Тошкентдан етиб келгунларича тайёр бўлган жанозани ташқарига олиб чиқишнинг имкони бўлмагани ва Ҳазрат ўтирган машина етиб келиб тўхташи биланоқ, жаноза сувдек отилиб ташқарига чиқишида, фақат кўнгил аҳлларигина англаб етадиган ўзига хос маънолар бор.

ХОНАҚОҲИЙ ҲАЗРАТ МАРҒИНОВИЙ ВАФОТИГА ЁЗИЛГАН ТАРИХ-МАРСИЯЛАР

Хонақоҳий Ҳазрат вафотларига замондош ва шогирдлари томонидан кўплаб тарих-марсиялар ёзилган. Изланишлар давомида биз ҳаммаси бўлиб олти юз ўттиз икки мисрадан иборат, жами етти нусхадаги марсияларни топишга эришдик. Уларнинг ҳар бири алоҳида мустақил асар сифатида эътиборга молик эканини таъкидлаш жоиз.

1. Охунжон қори Водилий ёзган марсия. 96 мисра. Форсий тилда. Марсиянинг икки нусхаси мавжуд булиб, улардан бирини 1997 йилги изланишлар асносида Абдулғофур охунд мерослари орасида, иккинчисини Водилий мерослари орасида учратган эдик.

2. Охунжон қори Марғиловий ёзган марсия. 108 мисра. Туркий тилда. Марсия 67x46 см ўлчамли қоғозга беш устун қилиб ёзилган. Арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф баҳрида битилган бўлиб, шерий вазни фоилотун, фоилотун, фоилун.

3. Фазлул Ваҳҳоб Мозорий ёзган марсия. Форсий тилда. 46 мисра. Марсия марғиловлик Зикриё қори мерослари орасидан топилган.

4. Бекий Полмоний ёзган марсия. Форсий тилда. 56 мисра. Бекий девонига илова қилинган мазкур марсия Зокиржон охунд Марғиновий мерослари орасидан топилган.

5. Мулла Усмон Марғиновий ёзган марсия. Форсий тилда, 36 мисра. Қўқон қоғозига настаълик хатида ёзилиб, юқорисига «Тарихи вафоти Ҳазрат Домлаи Марғиновий», деб кўрсатилган.

6. Қурбон Муҳаммад Аълам ёзган тарих.

Куйида мазкур марсияларнинг матни ва таржимасини келтирамиз.

Охунжон қори Водилий ёзган марсия

*Ҳасрато аз жафойи даври замон,
Кад расад ҳардам ошкору пинҳон.*

*Нест эмин зи захми бедодаш,
Ҳеч олию дун ва пиру жавон.*

Фалак гийнаҳўйи каж бунёд,
Мадиҳад бе дуvasила парча нон.

Тавба кардамки бас ҳато гуфтам,
Ҳуш биношуд шикоят аз даврон.

Балки шикуби зиҳўйи мабояд,
Ки ҳама шум ва мойи хусрон.

Ҳубби дунёки роъси кулли хатоост,
Ҳубби жоҳ ва ҳужум баисён.

Ғийбату кизбу кибр ва бугзу ҳасад,
Бедилий дар ибодати Дайён.

Жамъи мол аз ҳарому сарф бӯй,
Лаъбу лаҳву гафлату тугён.

Андаки тоатаст ва чандон уҷб,
Беадад лутфу ва нест як шукрон.

Қовли зуру нифоқу жуз инҳо,
Мубтало карда халқро яксон.

Феълҳойи ҳаром татғоро,
Ошкор кунанд фахр кунон.

Ағниё аз рибову манъи закот,
Накунад истиҳолайи чун гирён.

Нокасоон таз суоли беҳожат,
Мекнадоранд шарм аз мардон.

Хор доранд илм ва аҳлаширо,
Кашад инҳо бакуфру бар куфрон.

Олимон қадри илм нашуносанд,
Поймол кунанд пеи ҳассон.

Магар онҳоки аҳли маърифатанд,
Басафойи жинон камаст инон.

Чун баношуд баилми истиғно,
Бегумо мекашад сўйи ҳузлон.

Зин сабаб ранжҳўйи рангоранг,
Мебаризад ҳамиша чун борон.

*Гоҳ зоҳир шуд бешвайи қаҳат,
Ки забидад дузду тарсиён.*

*Гоҳ боду ҳавоии ноҳамвор,
Медиҳад аз ҳалоки ом нишон.*

*Бархусус ин мусибат кубро,
Ки азу кашат жумла саргардон.*

*Яъни, он баҳри илми Раббоний,
Муттасиф бар ибодату эҳсон.*

*Ҳомийи шаръ ва моҳий бидъат,
Жомий вақт ва Нақшбанди замон.*

*Халаф сидқ ва орифони салаф,
Шарафи дин ва хотами орифон.*

*Собиҳи дажлайи тариқат гу,
Ғоиси лужжайи ҳақиқат хон.*

*Он самий ҳабиб ҳазрат Ҳақ,
Мутахаллиқ бахулқи бузрукон.*

*Ҳам самий азизи Сиддиқаст,
Божамолу камол сирри аён.*

*Мукошифи дақоиқ аз ҳар фан,
Ки назираш надида чашми жаҳон.*

*Ҳамчу ман сад ятим бекасро,
Мушфиқу меҳрибон ва файзи расон.*

*Ман ким васфи-у қунам аҳсо,
Чун шуморам фароиди уммон.*

*Рафт ногоҳ зимо файо асафоо,
Валанал муштако илар Раҳмон.*

*Монанд арбоб фазл ва аҳли табиб,
Ҳама ҳайрону бесару сомон.*

*Рейхт бармо мусибатеки мапурс,
Кай баризу барӯзи шаби мардон.*

*Ҳоссаи ман гарибу ноқисро,
Боядаш чун гиряи афгон.*

*Лек уро бағъям ва гиров,
Жон фидо кардад дар раҳи жонон.*

*Ҳамчу мухтор соҳибил меърож,
Баъружи намуд сайри жинон.*

*Ё чу Юсуф бамулки иззат Миср,
Кавс рихлат байти аз Канъон.*

*Ё Зулайҳойи аз хатоири қудс,
Буда муштоқ мақдами эшон.*

*Қаддасаллоҳу сирраҳуссомий,
Равваҳаллоҳу руҳаҳул ҳузлон.*

*Баҳр тарихи Асий бағуфт ки рафт,
Бафалак додҳо зи Маргинон.*

*Боз гуфт эй Худой бақун раҳмат,
Баъдазон гуфт рубъи ризвон.*

*Бозаш аз ғайби ин нидо омад,
Розияллоҳу аънҳу билимон.*

*Роббона арзи руҳаҳу анна,
Иннакал мустажибу вал маннон.⁸⁹⁸*

Тамма тарихи интиқол мавлоно ал-ориф рабоний ва устозуна ал-маъруф ал-Маргиноний ал мутаваффий саната ситтин ва саласина саласа миаҳ баъда алфин раҳимаҳуллоҳу таъала модома ҳарфун баъда ҳарфин. Омин.

Тарҷимаси

Замоннинг жабру жафосидан минг ҳасрат-надомат чекурманки, унинг бедодликлари ҳар дамда ошкораю пинҳон етувчидир. Унинг аччиқ ситамларидан ҳеч ким, ёшу қари ва олиму оми хотирҷам эмас. Таассуфки, фалак ҳам ғаддор ва эгри яратилган. Ҳатто бир бурда нонни ҳам бевасила бермайди.

Йўқ, ҳар бир айтган сўзимга тавба қилдим. Чунки мен хато қилдим. Шундай бўлса-да, даврдан шикоят қилмоқ менга лозим келди. Эҳтимол, ҳамма қийинчилик ва зарарлар

⁸⁹⁸ №7-қўлёзма. 122–126-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ўз феълимиз шумлигидандир. Борди-ю, шундай бўлса, унда начора!

Чунки дунёга муҳаббат қўймоқ гуноҳларнинг боши, мансабу мартабани хуш кўрмоқ эса гуноҳга бошлагувчидир. Ҳолбуки, ушбу сифатлар бизнинг феълимиздир. Гийбат, ёлгончилик ва ҳиқду ҳасад каби ёмон хулқлар эса сифатимиз. Ҳаромдан мол йиғиб беҳуда сарф қилмоқ ҳам бизлардан содир бўлди. Боз устига озгина тоатга мағрурланиб юришимиз ва ношукрлигимиз лутфдан узоқ бўлишимизга боис.

Ёлгончилик ва мунофиқлик ҳам мазкур ёмон хулқлар жумласиданки, бугун ҳамма шунга мубтало. Одамлар ёмон феълларни ошкоро қилиб, ҳатто бундан фахрланиб тугёнга кетмоқдалар. Бойлар эса закотни адо этиши ўрнига судхўрлик қилсалар-да, бу феълларидан кўрқиб йиғлаш ўрнига хотиржам юрибдилар. Беузр тиланчилик қилиб юрган нокас соиллар бирор кишидан шарм қилмайдилар. Улар илм ва унинг аҳлини хурмат қилмай, динга куфру бидъатни тортмоқдалар.

Олимларнинг ўзи илм қадрини билмайди, шунинг учун уни нодон кимсалар олдида поймол қилмоқдалар. Ўзлари маърифат аҳли бўлганлари ҳолда поклик ва мусаффоликдан узоқдирлар. Агарчи илму маърифатдан беҳожатлик ҳосил бўлса-да, улар кишилар қўлидан тама қилмоқдалар.

Шу каби ишлар туфайли турфа ранжу аламлар бошимизга ёмғир каби ёғилмоқда. Чунончи, гоҳо гайридин, ўғри ва золимлар шумлиги сабаб юртда қаҳатчилик пайдо бўлса, гоҳо хайрсиз шамол эсиб, халқни ҳалокатга рўбарў қилади.

Лекин, ушбу барча мусибатлардан ҳам кўра каттароқ бир мусибат пайдо бўлдики, у сабаб барча сарсону саргардон бўлди. Яъни, ладуний илм денгизи, яхшилик ва ибодатга муттасиф, шариятни бидъат ва хурофотлардан ҳимоя қилувчи ва гўё ўз вақтининг Жомийси ва замонасининг Нақшбанди бўлган зот бу дунёдан кетдилар.

У зот барча орифларнинг ўринбосари бўлиб, дини ҳанифнинг шарафи ва маърифат аҳлининг узуги, тариқат дажласидан дур терган, ҳақиқат уммонига шўнгиган гаввос эдилар.

У зот Ҳақнинг ҳабиби Муҳаммад алайҳиссаломга номдош бўлиши билан бирга бузруклар ахлоқи билан хулқланган эди. Бундан ташқари зоҳиру ботинлари гўзаллигидан, «Сиддиқи Азиз», деб ҳам номланганлар.

Диний ва дунёвий фаннинг нозик жиҳатларигача очиб бера оладиган бундайин зотни дунёнинг кўзи кўрган эмас. Зероки, у зот менингдек юзлаб бебизоат етимларга мушфиқу меҳрибон ва файзёб мураббий эди. Мен кимдурманки, маърифат уммонининг ягонаси бўлган шундайин зотни таърифлай олсам.

Минг афсуски, шундай сифатлар соҳиби бўлган зот ногаҳон орамиздан кетди. Бизга бу аччиқ аламдан маҳзун бўлиб йиғламоқ даркор. Сен бошимизга тушган мусибатнинг қандайлигини асло сўрама! Бордию, билмоқчи бўлсанг у шундай мусибатки, эртаю кеч бошимизга ёмғирдай тўкилади. У зот фироқи учун қон йиғламоқ ҳаммадан кўра менингдек ғариб, бечорага лозимдир.

Бизлар-ку шундай аламда қолдик, аммо у зот-чи?! У зот жонни жонон йўлида фидо қилиб кетди. Қайсики, меърож соҳиби Пайғамбар алайҳиссалом осмонга кўтарилгани каби, у зот ҳам жаннатлар саройига кўтарилди.

Ёки, ҳазрат Юсуф Канъондан Азиз мулки Мисрга сарфар қилганидек, бу зот ҳам бизлардан риҳлат қилиб кетди. Эҳтимол, малаксифат Зулайҳо у зотнинг муқаддас мақдамига муштоқ бўлгандир?! Қандай бўлганда ҳам Аллоҳ таоло у зотнинг муқаддас руҳини шод ва сарафроз этсин!

Ожиз Асий у зот вафот тарихи учун: «У кун Маргинондан фалакка додлар кетти» дея, ҳайқиради ва: «Парвардигоро, у зотни раҳмат қилиб жаннатни унинг макони қил!», – дея дуо қилади. Сўнгра гайбдан шундай нидо келди: «Аллоҳ у зотнинг имонидан рози бўлсин!». Эй бори Худоё, у зот руҳини биз томондан ҳам шод эт, зероки, сен дуоларни ижобат қилувчи меҳрибон зотсан!

Муҳтарам устозимиз Мавлоно Ориф Раббоний ва маъруф бил Маргинонийнинг дунёйи фонийдан дунёйи боқийга қилган интиқоллари тарихи тамомига етди. Ҳижрий 1336 йил».

Бекий Полмоний ёзган тарих

Алангаст бажаҳон зи наъйи пири вифоқ,
Ба наърайи аҳли талаб бас баякдигар алзоқ.

Азин гамики фалак гирягар кунад банизом,
Бадийдаи ҳама ахтар сафид шавад ширноқ.

Саҳобро жигарам оташи аз он баравад,
Баранги лолайи борон, барағди дарди шиҳоқ.

Баройи таъзияи пурсирасанд токи гуруҳ,
Кабоби аз жигарам мо ҳазар кунам сафи хоқ.

Ғанимат дар дили ман дорад аз ғизони наво,
Бахуни дил кунам он пур миёнаи нуҳи тоқ.

Кунуни зи дийда барафт у басафҳайи зи жаҳон,
Бооташи жигарам жустиҷуғи надида ғироқ.

Ҳаққаст хун бачакийд то зи дийдаҳо бағизон,
Ки сайди илм баён, кашта шудба уаз висоқ.

Чароки дийда нағиряд, зи хун дил бағизон,
Намонд даврайи илмий, на ҳалқайи баиноқ.

Чу тухми илми амал, чу наёфт чаими диёр,
Замона дона барезадбазуд рафта зиҳоқ.

Чу боғи гулшани илмий, пур аз чаман шуда зу,
Зи ғайзи нутқи фурузаиш, Ажаму Ироқ.

Зи нури илми ҳидоят, жаҳони жуҳҳол пурнур,
Зи ранги ғайзи мақолаиш, банағфи дар ирҳоқ.
Чу ранги шамси наҳорий латоиф сабъаҳ,
Зи нури шаъшайи дилдавоири исоқ.

Сазоки онча бағўям машойихи сақалайн,
Ба Боязид ҳамчун натоийҷи алҳоқ.

Басағби нуқтайи тағсир, забон у Кашишоғ,
Мағолими назараиш, шудки Қози аироқ.

Бақуғли илми мағоний, мақоли у мифтоҳ,
Мантиқ назарий ҳамдард нашид мисдоқ.

Ба наҳви ибн чи Ҳожиб камина шогирди,
Ба сарғи нутқи салимаиш, ки санғат адёқ.

Баилми фарғи зи ҳақ шуд иноят мухтор,
Ба ҳалли мушкил инсон зи дегарон басабоқ.

Ба асли ранги манор, ва забон у тавзеҳ,
Ки ранги ситта сиҳохи ки бувад дар аироғ.

*Бихўрад мурғи ажал, донайи ҳаёти тамом,
Шитофат сўйи жинони ки руҳи равоқ.*

*Батарзи ҳурмати меҳмон, Бекий башуд бабеҳишт,
Ки ҳури ийн бижинонаш зи буданд беҳ иноқ.*

*Фа ин яқул батариҳи фавтиҳи фаҳрий,
«Фалайса ювжаду мислуҳу ладун Ажаму Ироқ». 1336 ҳ.*

*Яхунну аҳлу иродат аълал хусус даман,
«Лаббайка муришидуна ка абри даман лифироқ. 1336 ҳ.*

*Фаиннаҳу ризванун яқулу назаран,
«Фаҳалла қутбу барийятин ва нола аъла равоқ». 1336 ҳ.⁸⁹⁹*

Таржимаси

Жаҳон барчага мақбул бўлган устоз вафоти сабабли алангага тўлиб, наъра тортди, талаб аҳлининг наъраси бу алангага қўшилди. Фалакни ҳам йиғлатган мазкур ғамдан барчанинг кўзи қип-қизариб кетди. Жигаримнинг булутининг оташидан вайрон бўлиб, аламдан яшин уриб, тўзиган лола каби бўлди.

Агар унинг мотами ҳақида сўрасалар, жигаримни яна қайта куйишидан қўрқаман. Гарчи у осмонларни тўлдиргудек кўп бўлса ҳам, дилим унинг фигонларини барибир ганимат билади. У бу дунё саҳнасидан кетган пайтида жигарим оташи фироқдан бошқа бирор нарсани топмади. Фигондан кўзим қон оқизса сазодир, чунки у зот тенгсиз аллома эдилар.

Нега энди қонли кўз фигондан йиғламасин, ахир илм давраларида ҳам, дарс ҳалқаларида ҳам роҳат қолмади-ку?! У зот каби илм хазинасини давроннинг кўзи кўрмаган эди, уларни бизга сочдилар-да, тезликда кетдилар.

Ажаму Ироқ у зот илм гулианининг файзидан тўлган эди. Жоҳиллар дунёси илмининг нуридан мунаввар, сўзларининг файзидан эса барча наф олар эди. Кундузининг қуёши камалакдек сержило эди, осмон ҳам у зот дили нуридан устивордек эди. Агар уни Боязид каби инсон ва жинлар устози десам, раводир.

⁸⁹⁹ «Девони Бекий». 256–257-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Тафсири илмининг энг қийин ерларига унинг забони гўё «Кашшоф» каби эди. Назарларининг тиги эса нурли «Қозий» эди. Маънолар илмига сўзлари калид, нутқлари бу соҳада «Мантиқ» каби рост сўзлагувчи. Наҳв илмида гўё алломайи Ҳожиб⁹⁰⁰ каби бўлиб, камина унинг шогирди, сарф илмида нутқлари эса санъат эди. Фуруъ илмида Ҳақ у зотга иноят қилган эдики, қийин масалаларни ечишда моҳир эдилар. Усул илмида «Манор» каби бўлиб, тиллари унинг шарҳи «Тавзеҳ» эди гўё. Ҳадис илмида эса «Сиҳоҳи ситта» каби эдилар.

Ажсал қуши у зот ҳаёти донасини тамом қилди. Тездан жаннат сари ҳурматли меҳмон каби илдамлаб кетдилар. У зот жаннатда ҳури ийнлар бениҳоя кўпдир.

Агар вафоти тарихини сўрасалар, у шундай: «Унга ўхшаши Ажаму Ироқда ҳам асло топилмайди». Хосса-тан, иродат аҳли қон ютиб: «Мурийдимизнинг булут каби фироқига ҳозир бўлдик», – дедилар. Унинг борган жойи ризвон бўлиб, унга қараган киши шундай дейди: «Инсонлар қутби у ерга етиб бориб, қасрларга кўтарилди».

Бекий томонидан ёзилган бошқа тарихлар

*Рухуҳу индал хуружи суръатан жавфал бадан,
Иннаҳу қод ҳалла фи дорин ақалла аълаш-шараф. 1336 ҳ.*⁹⁰¹

Унинг руҳи танадан тезлик билан чиқиб кетаётганда, у энг шарафли жойга бориб тушди, дейилди.

*Иннама мотал валийю фи балдатин байнал варо,
Қул лаҳум убку-у даман фи карби ман фажат талаф. 1336 ҳ.*⁹⁰²

Аниқки, халқлар орасидаги валий зот оламдан кетди. Шу туфайли, уларга: «Мусибатга сабаб бўлган зот ўлимига қон йиғланглар», – деб айт.

*Қод жаро фи байна холқин холатун индал вафот,
Иннамал мавту касайфин, фи ҳарифин фил ҳажсаф. 1336.*⁹⁰³

⁹⁰⁰ Ибн Ҳожиб Абу Амр Жамолиддин Усмон ибн Умар (1175–1249) – араб тили грамматикаси билимдони. Жомий Ибн Ҳожибнинг «Кофия» асарига шарҳ битган. Бу асар «Шарҳи Мулло» номи билан машҳур бўлиб, асрлар давомида Хуросон ва Туркистон мадрасаларида бирдан-бир дарслик сифатида ўқитиб келинган.

⁹⁰¹ «Девони Бекий». 258-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁹⁰² «Девони Бекий». 258-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

⁹⁰³ «Девони Бекий». 258-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

У зот вафоти чоғи кишилар ўртасида шундай ҳолат юз берди ва: «Албатта ўлим кескир қилич каби кишиларни кесувчидир», – дейилди.

Мулла Усмон Марғиноний ёзган марсия

Муришиди аҳли сулук, ҳодийи аҳли илм,
Рафт аз дунёи фоний сўйи уқбойи гануд,
Хомийи шаръи шариф, моҳийи расму бидаъ,
Кошифи сирри илоҳ, маҳрами даргоҳ бувад.
Соҳиби илми ладун, сарвари аҳли ҳунар,
Ҳазрати устод кулл, орифи биллоҳ бувад.
Толиби дийдори Ҳақ, тобеи дини набий,
Обиди маҳбуб барҳақ, зокири зикру дуруд.
Жомеъи жумла фазоил бувад бешак онжаноб,
Омилу ахкоми шаръ, воқифи асрор бувад.
Дар фасоҳат беназиру дар балоғат бе бадал,
Маъдани асрор гайб, манбаи дурдона бувад.
Дар тариқат Боязиду, Нақшибанди Бухорий,
Бувад безан он киромий дар замони нек худ.
Аз пейи таълими туллоб хаводирони хеш,
Дар маъориф дурафшоний карда монанди кабуд.
Дар ҳаёти бе баҳшон саъъ кўшиш карданд,
Азбаройи навешта рӯз қиёмат дур рабуд.
Дарди ҳижронш кашиданд жумла ахбобешон,
Аз бас нақли равону рихлати он дил зидуд.
Оҳи афғони баромад аз ҳама марду занон,
Лек чандони надиданд қаз надомад нафъу суд.
Мақтаъи файзи саховат, матлаъи нури Худо,
Зокиру зикру сабоҳу, вориди вирду дуруд.
Махбати анвори гайб, матмаҳи анзори Рабб,
Матмаъи кашфу кушуфу, соҳиби даҳну вақуд.
Маржеъи аҳли замон, мажмаъи ахлоқи хуш,
Малмаъи нуру суруру, махзани фарҳат фузуд.

*Бандайи наълин бардорий он олий мақом,
Жусти жўйи кирад баҳри соли тарих гануд.*

*Номаш Усмону тахаллус бандайи даргоҳи Ҳақ,
Дар итоат пойпусий он кироми бе намуд.*

*Номи поки он жаноби бил киноя гуфта-ам,
Ҳаст Азизи Миср бе шак молики асҳоби жуд.*

*Соли тарихи вафоташ гуфт ногоҳ хотифий,
«Оҳи сард барун қаз Марғинович гашта чу дуд».⁹⁰⁴*

Таржимаси

Ҳасратлар бўлсинки, илм аҳлининг ҳодийси, сулук эгаларининг муришиди бу фоний дунёдан уқбога сафар қилди. У шаръи шарифни ҳимоя қилувчи, бидъату хурофотларни ўчирувчи, илоҳий сирлар қошифи ва илоҳ даргоҳининг маҳрами эди.

Ладуний илмлар соҳиби бўлган Ҳазрат устозимиз орифи биллоҳ эдилар. У зот Ҳақ дийдорининг толиби, дини ҳаниф ходими, Илоҳ ибодатининг доими ва зикри барҳақ зокири. Жумла фазилатларни ўзида жамлаган у жаноб илоҳий сирлар огоҳи эди. Фасоҳатда беназир, балоғатда бемисл ва маърифатда беҳамто. Тариқатда шак-шубҳасиз замонасининг Боязиди ва Нақибанди.

Сон-саноқсиз толиблар суҳбат-таълимларига иштиёқманд ва ташина. Зероки, у зот илму маърифатда дурлар сочилган осмон кабидир. Умр бўйи китоблар таълифи ва дарсликлар таснифига саъй кўшиши қилди, шу туфайли эртан қиёмат куни беҳисоб дурлар тергай.

Вафоти сабаб жумла дўстларини ҳижрон доғи ушлади. Ушбу таъриф басдирки, гўё юраклардан ўт чиқди. Эркагу аёл ҳамма-ҳаммаси оҳу фиғон қилурлар, аммо ҳарчанд нола қилмасинлар бари бефойда.

Файзу саховат ва ҳидоят нурининг матлаъи, саҳарларда зикру тасбеҳ айтувчи, қалби гайбий нурлар кони бўлган зот кетди. Ҳақ тажаллийсининг мазҳари, каромат ва кашуфотлар ва ёқимли сўзлар соҳиби кетди. Замон аҳлининг маслаҳатчиси, гўзал хулқлар манбаи, тийра дилларга шодлик улашувчи зот кетди.

⁹⁰⁴ Мулла Усмон Марғинович. Р.Файзуллаев кутубхонаси.№1-ийғма жилд.

У олиймақом зотнинг кавушини кўтариб юрувчи бу заиф банда ҳам у роҳатли ўлим тарихига сўз айтди. У заифнинг номи Усмон, тахаллуси «Даргоҳи Хақнинг қули» ва у зот (Ҳазрат Домла) остонасининг мулозими.

У жанобнинг (Ҳазрат Домла) покиза номларини агар киноя-шиора билан айсам: Миср Азизи (Юсуф алайҳиссалом) ва саховат аҳлининг хожаси (Муҳаммад алайҳиссалом)-нинг номларидир. Вафот тарихи учун ногоҳ хотифдан қуйидаги овоз келди: «Маргинондан атрофга тутун каби оҳу фигонлар кетди».

Фазлул Ваҳҳоб Мозорий ёзган марсия

Аз қуввату ҳолу қол, бикушод баҳудад вабол,
Бигашт фароғул бол аз нафаси аз офоқ.

Шерозайи жамъийят туллоби муридонро,
Бакусту паришон шуд, чун барги саман авроқ.

Бар илму амал мебувад авқоти гаризаи сарф,
Кораи ҳама шаб тоат, рўзаи ҳама истинтоқ.

Мажруҳи залолатро суҳбати у ваҳм,
Малдуғи жаҳолатро баҳизмати у тарёқ.

Дар ҳалқайи тадрисч саф-саф ҳама туллоб,
Таҳсил фунун мекардад босад тараб ашвоқ.

Тақрири баёнаи ҳуш, таҳрири хатаи дилкаш,
Чун дар суханаи як-як, мустажмаъи ҳар ахлоқ.

Шогирду муридонро кораи мадад ва ёрий,
Авлоди ақорибро вобаш карами ашфоқ.

Дар муддати умри худ накашуд бадунё чаши,
Фо мулки гино матлаб, хавфу ҳазар зи амлоқ.

Ҳолаи ҳама увайсий бувад, қолаи ҳама илҳомий,
Анвори қадам дар дил ҳар лаҳза намуд ишироқ.

Чун толиби ҳолу қол гўёки аёлаи бувад,
Аз хони улуми онро пайваста намуд инфоқ.

Гар бувад муридиро дар дил ҳас ҳошаки,
Аз барқи таважжух кард, он хор ҳасаи аҳроқ.

*У рафт алам шуд муфт ҳар кас бахудаи мегуфт,
Ман боғам меҳнат жуфт аз шодийи фарҳат тоқ.
Дар ҳалқайи асҳобаи чун файзи сафо гум шуд.
Азвоқи мавоҷиду беҳушу истиғроқ.*

*Руҳаи даҳум рамазон шуд бол кушо тайрон,
Аз корки тақйид то боргоҳи итлоқ.*

*Дар рӯзи видои у анбуҳ асҳоби ба сад андуҳ,
Карданд кафи ҳокаш чун бўйи гул истинишоқ.*

*Ёраб басари ҳокаш борони карам бифрест,
Вағфир маъаҳу иннака ла тухлифу фил мисоқ.*

*Жустам зи хирад тарих зад сайҳайи бепоён,
Фармудки тарихаи «Устози аълал итлоқ».*

*Гуфто сари жамият афсуски зоил шуд.
Зи осибӣ заволи у шуд «мардум тоқат тоқ».*

*Сардори фано кешон бар авжи бақо пур зад,
Буданд ҳама хурон «бо мақдами у муштоқ».⁹⁰⁵*

Таржимаси

Фарёдлар бўлсинки, боргоҳи илоҳийда истиқомат қилмоқ учун бу оламдан устози ҳақиқий кетдилар. У зот зоҳиру ботин қувватидан ўзидаги барча ғамларни кетказган, дунё ва унинг тааллуқларидан эса қалби холий эди. Унинг ўлими толиб ва муридларни оқ гул япроқлари каби паришон қилди.

Вақтлари доимо илму ибодатга сарф бўлгучи. Қилмиши кечалари ибодат, кундузлари ҳушилик ила дарс айтмоқ. Сухбатлари залолатдан мажруҳ дилларга марҳам, хизматлари жаҳолатдан тойилганларга мадад эди. Саф-саф шогирдлар дарс халқаларида шавқ-завқ ила турли фанлардан таҳсил қиладилар.

Сўзлашлари ёқимли, хатлари эса дилкаш. Гаплари чигал ва тугунлардан йироқ. Сўзларининг ҳар бирида бир суннат, феълларининг ҳар бирида бир ахлоқ. Қилмишлари шогирд ва муридларга кўмак, фарзанду ақраболарга шафқату меҳрибонлик.

Умрлари давомида дунёга меҳр билан боқмадилар. Фикр-

⁹⁰⁵ Фазлуд Ваҳҳоб Мозорий. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №7-қўлёзма. 86–90 б.

лари хавфу ражо эди. Ботиний аҳволлари увайсӣй, сўзлари эса илҳомий эрди. Қадамларининг нури дилларга ҳар лаҳзада ёруқлик берар, илми ҳол ва қол толиблари гўё у зотга аҳли аёл каби эдики, у зот илм дастурхонидан ризқ ейишар эди. Кимки у зотга мурид бўлса, таважжухларидан дилидаги гам-гашилар куйиб кул бўлгуси эди.

У зот кетди... Бизга «фойда»га қолгани фақатгина алам бўлди. Ҳар ким ўзича айтардики: «Мен гам ила меҳнатга ҳамроҳ, шодлигу хурсандликдан йироқ бўлдим». Покиза руҳи рамазоннинг ўнинчисида бу чигал дунёдан воз кечиб, қодир зот даргоҳига қанот қоқмоқ учун ҳозирлик кўрди.

Унинг видолашув кунда нолайи афгонлар фалакка кўтарилди. Кўздан ҳар лаҳзада ёш ўрнига қон оқарди. Таъзиясига йиғилган одамлар осмондаги юлдузлардан-да, кўп эди. Малаклар жасмоасидан кўчаю майдонлар лиқ тўлди. Унинг қабри устида сон-саноқсиз асҳоблар кафи-хокини гул бўйи каби искайдилар.

Ё Раб, унинг туфроғи узра раҳмат ёмғирини ёғдир ва уни мағфират қил. Зеро, сен ваъдаларга хилоф қилмайдиган зотсан. Ақлдан тарихини сўрасам, у узун бир сайха тортди ва деди: «Устози ҳақиқий дунёдан кетдилар». Сўнгра дедики: «Жамият раҳбари зойиб бўлди, унинг алаmidан мардумлар тоқати тоқ бўлди. Ҳамма аҳли шарафлар унинг кетмоғидан маҳзун бўлсалар-да, аммо жаннат ҳурлари унинг бормоғига муштоқ бўлдилар».

Охунжон қори Марғилоний ёзган марсия

Тарихи вафоти марсияйи Ҳазрат ваҳиди замон ва фариди даврон эшон шайх ул-ислом Домлоийи Муҳаммад Юсуф-хон алайҳи раҳмат вал-ғуфронга бир неча абёти дуромиз ва марсияи шўрангиз иншо этилди.

Эшитинг, эй дўстлар, бу достони дистон,
Нақди ҳоли барчамиз авлоди эшон айлади.

Ҳеч ким дасти ажалдин қутулиш имкони йўқ,
Гар набий ила валий, ҳофизи Куръон айлади.

Одаму Хотам явмидан сури Исрофилгача,
Минг ўлиб, минг бир туғиб унсо ва зукрон айлади.

«Лиманил- мулкул- явм» деб сўраб, ўзи бергай жавоб,
«Лиллаҳил- ваҳидил- қаҳҳор» амру фармон айлади.

Домла Муҳаммад Юсуфхон шайх ул-исломи замон,
Ҳақ висола етмага тарки Мурғинон айлади.

Марғи мўмин кўфрукдур, ёр ёрига етар,
Жон нисор айлаб, ўзин мақбули жонон айлади.

Хонақоҳи Ҳазрата нурун ала нур ўлсун,
Ҳам шарият, ҳам тариқатга чарогон айлади.

Илму фикҳу, ояту саҳиҳи амири мўминин,
Марғинона ҳарамайин ўхшаиш чарогон айлади...⁹⁰⁶

Етар самъига нидойи иржиъий то раббик,
Розиятан марзиятан эшитти, жавлон айлади.

Мадхалидир фий ибодий, вадҳулидир жаннатий,
Ҳури жаннат тахти иззат узра меҳмон айлади.

Имтисоли амр, имтисоли суннату мустаҳаб,
Хайри уммат уммати марҳума равшан айлади.

Боғу бўстони жаҳонни кўрди тамоми тикан,
Ҳеч илинтирмай ўзини пок домон айлади.

Кетиб ул гулдастайи шаръи тариқат зебодин,
Уламою фуқаролар бағрини қон айлади.

Эмди дунёда юзин кўрмоғлиг мумкин даҳал,
Худмагар азғосу-аҳлома намоён айлади.

Мунча одам навҳа бирла йиғлашурлар зор-зор,
Ҳақ таоло раҳмат этсун ёки зуфрон айлади.

Луълуйи тар юз-кўзидан халойиқ тар уза,
Дурри марварид эди, лаъли бадахшон айлади.

Тири душманлар ила ўлган шаҳиди руҳдур,
Мурғи сар ичра солиб, жаннатга паррон айлади...⁹⁰⁷

⁹⁰⁶ Бу ерда етти байт йўқолган.

⁹⁰⁷ Ушбу ердан ҳам тўққиз байт йўқолган.

...Тушти афлокдин амлоки сайри осмон,
Раҳмати Ҳақ тобутин бошга афишон айлади.

Тождек тобутин бошга кўтара декар ҳама,
Олиб бориб лаҳадга дурри галтон айлади.

Гўри нур нур ўлсун, мин ҳаза ила явмин нушур,
Устида тоқи равоқ даҳмаи шоҳон айлади.

Фаришталарнинг савол сўрашлари

Ёндилар олам эли икки малоик кирдилар,
Рабб ила пайгамбару дин сўраб осон айлади.

Раббим Аллоҳ, набиййим Мустафо, Ислому дини,
Ул Накиру Мункар аҳволин шодон айлади.

Дедилар онлар: «Нам канавмил-аруси» эй, домод рав,
То қиёмат гўрини меҳри раҳшон айлади.

Очдилар бир равза жаннатдин мисоли равзана,
«Юърофуна фариҳин» деб, раҳву райҳон айлади...⁹⁰⁸

...Уйимиз оина Искандар эди Моний нақуш,
Кўр ҳужуми дарди доғи бирла вайрон айлади...⁹⁰⁹

Матлаъи шамсу қамар эрди базми айвон аро,
Ерга ботти ва базми шоми ғарибон айлади.

Дуди оҳимдан фалак қилди либосини қаро,
Сабъа саййора кўздин жола борон айлади.

Кўзуми мушки суйи ашқиға сепсам марқада,
Сочими чоруб миштин тири мужгон айлади.

Хотирим сарбаста эрди ҳамчу гул гунчасидек,
Моҳирўларни сочи ўхшаиш паришон айлади.

Ошиа тожур-рижол, Фотима хайрун-нисо,
Фавти пайгамбара кўзларни нолон айлади.

Сўрдим устоди хирад тарихи фавти Ҳазратим,
Деди: «Ҳақ азза ва жалла «гуфрона» эълон айлади».

⁹⁰⁸ Ушбу жойдан ҳам ўн байт йўқолган.

⁹⁰⁹ Ушбу ердаги бир байтни ўқиш мумкин бўлмади.

*Шаҳри рамазону, даҳайи раҳмату гуфрон аро,
Жумлани саршор этиб, озоди нирон айлади.*

*Абкий фабкий, сумма абкий, сумма абкий дўстлар,
Кўз ёшин хуни шаҳд ила савоун кон айлади.⁹¹⁰*

*Замоири улил айди вал абсорга возеҳ ва лойеҳ ўлгайким,
моддаи тарихи вафоти Ҳазрат Домлайи марҳум калимаи
«гуфрона» дурки, 1336 ҳосил ўлур.*

Қурбон Муҳаммад Аълам ёзган тарих

*Онки бувад алломайи аҳли яқин,
Во дариго рафт он аз Марғинон⁹¹¹*

Яъни, афсуски, аҳли яқинлар алломаси бўлган зот Марғинондан кеттилар.

Аллоҳ таборак ва таоло Хонақоҳий Ҳазрат Домлани раҳматига сероб қилиб, қабрларини нурга тўлдирсин.

⁹¹⁰ Охунжон қори Марғилович. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №1-йиғма жилд.

⁹¹¹ Қурбон Муҳаммад Аълам. Р.Файзуллаев кутубхонаси. №7-қўлёзма. 60-б.

ХУЛОСА

Мана Яратганнинг инояти билан XIX аср охири – XX аср бошларида Марғилон ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган аллома, Нақшбандийя тариқатини мазкур ҳудудда янада кенг ёйилишига сабабчи бўлган мутасаввифлардан бири, буюк аллома Муҳаммад Юсуф Ҳазин Марғиноний ҳаёти ва фаолиятига бағишланган китоб ниҳоясига етди. Кўз ўнгимизда бу зот шахси илм-маърифат билимдони, шариат ҳимоячиси, миллат жонкуяри, маънавият фидойиси ва ирфон ходими сифатида гавдаланди. Беихтиёр дилимиздан бизнинг шундай буюк илдизларимиз, мустаҳкам томирларимиз борлигидан фахрланиш ҳисси ўтди. Ҳа, ўзбек халқининг дунёга кўз-кўз қиладиган мустаҳкам маънавий илдизлари кўп. Айниқса, дунё хари-тасида дўппидеккина келмайдиган Марғилонда шундай буюк даҳо зотлар ўтгани тенгсиз фахрдир. Устоз Ғайбулла ас-Салом шогирдларига қилган насихатларининг бирида: «Юртимиз шундай муқаддас маконки, қаерида юрмагин, қадамингни эҳтиёт бўлиб ташлашинг керак: чунки унинг ҳар бир тоши ё кесаги бир буюк зотнинг хоки бўлиши мумкин!» – деган эдилар. Дарҳақиқат, юртимизнинг қаерига бормайлик улуғларнинг зиёратгоҳларини кўриб устознинг бу борада айтган насихатлари нақадар тўғри эканлигининг гувоҳи бўламиз. Агар уларнинг тарихини ўргангудек бўлсак, ҳар бирининг ўзи неча-неча китоб бўлгуси. Ҳозирда кўҳна Марғилоннинг Сармозор қабристонида сокин топган Муҳаммад Юсуф Ҳазин – Хонақоҳий Ҳазратнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида тайёрланган ушбу китоб ҳам шулар жумласидандир.

Гарчи биз мазкур камтарона уринишда Хонақоҳий Ҳазрат Домладек буюк зотнинг бор фазилат ва манокибларини тўлалигича очиб бера олмаган бўлсак-да, аммо халқимизга ўзининг мустаҳкам илдизларидан бири, аниқроғи уларнинг энг буюкларидан бири ҳақида оз бўлса-да хабардор бўлишларига ҳисса қўшганимиздан бахтиёرمىз. Қолаверса, Марказий Осиё шаҳарлари орасида ўз ўрнига эга бўлган кўҳна Марғилон шаҳри қадимдан миллий-диний

анъаналар энг кўп кадрланадиган, унинг аҳолиси аждодлари йўлига қанчалик содиқ экани, балки уларнинг фазилати айни шу жиҳатларда эканини эслатувчи кўплаб фикрлар китобхонни мулоҳазага чорлаши унинг қийматидир.

Китобга хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Лекин у ҳозиргача унутилиб кетган, аммо бугунги доруломон кунларда қайта тирилаётган кўплаб маънавий-ахлоқий одоб кўринишларига бойлиги билан китобхонни мулоҳазага чорлаши табиий. Аслида унинг асосий урғу берилган жиҳати ҳам шунда. Қандай бўлганида ҳам у халқимизни аждодлар маънавий меросига бўлган меҳр-муҳаббатларини шакллантириб, уларга муносиб ворис бўлишга бир оз бўлса-да, жонланиш пайдо қила олган бўлса, мамнунмиз.

Сўзимиз охирида китоб аввалида келтирилган марғилонлик буюк олим Абдуссамад охунд Қоил Марғилонийни куйидаги сўзларини такрор эслагимиз келди.

*Қадамни ончунон қўйгилким, ўтганлар ризо бўлсун,
Қилиб қойим сени ўрнига кетганлар ризо бўлсун,
Жаҳонда сен учун ғусса ютганлар ризо бўлсун,
Дуо айларму деб, кўз санга тутганлар ризо бўлсун.,
Бўлур роҳат аларга, орқасидан тухфа борғони.*



Марғилон. Пур Сиддик зиёратгоҳи. XIX аср охири.



Марғилон. Қўқ мазор зиёратгоҳи. XIX аср охири.



Марғилон қозилари. 1912 йил. Ўртада чапдан иккинчи Хўжажон қози домла Рожий, ундан кейин Музаффархон қози, охирида Қосимхон қози.



Марғилон қозилари. 1916 йил. Ўртада Хўжажон қози домла Рожий, у кишининг чап томонида Қосимхон қози.




Хонақоҳ масжиди минорасига ғишт қўйиш маросими.
1959 йил.



Рус амалдорлари Марғилон катта жомеъ масжидида. 1899 йил.



Хонақоҳ масжиди имом-хатиби Ҳабибуллоҳ қори
домла (1900–1977).



Ҳазрат Домланинг шогирдлари Абдулмўмин қори.
(ваф.1940)



Ҳазрат Домланинг шогирдлари Соли хожи домла.
(ваф. 1974.)



Ҳазрат Домланинг шогирдлари Мир-
яхё кори почча. (ваф. 1961.)



Ҳазрат Довланинг шогирдлари
Мушаррафхон домла. (ваф. 1963)




Хонақоҳ масжиди имом-хатиби
Абдулхамид махдум.
(ваф. 1955)




Ҳазрат Домланинг шогирдлари
Абдулхай махдум. (ваф. 1963)



Ҳазрат Домланинг шогирдлари
Нусратуллох охунд. (1898–1981)



Ҳазрат Домланинг асарларидан намуна.



Ҳазрат Домланинг «Сийға» дарслик китоблари. Тошкент 1912 йил.

ХАНАКАИ ХАЗРАТ МАРГИНАНИ

Муҳаммад Йусуфхан Хазин, прославившийся среди местных интеллектуальных кругов под именем «Ханакаи Хазрат дамулла Маргинани» (1840-1918), продолжил традиции ферганской школы в областях мусульманского права (фикх) и суфизма. Он творил в поэзии под псевдонимом «Хазин». Будучи мударрисом, Ханакаи Хазрат воспитал много учеников. Его наследие, несомненно, представляет научный интерес. Оно, наряду с общими чертами, присущими центрально-азиатской культуре, содержит в себе свой колорит и особенности. Это имеет место во многом благодаря древней культуре Маргилана, одного из важнейших городских центров Ферганской долины. Городская культурная среда сохранила и развила традиции времен Караханидов, Чагатаидов, Тимуридов, Шайбанидов, Аштарханидов и Кокандского ханства. В обычаях, традициях и этническом облике людей этого города легко заметить то неповторимое, присущее только этой местности.

Ханакаи Хазрат родился в 1840 году квартале Бачкир города Маргилана. Ее родители были благовоспитанными и аскетично настроенными людьми. В промежуток между 1848–1851 годами он получил начальное образование в школе (мактаб), которая находилась в квартале Гури Аввал.

Ханакаи Хазрат после школы учился суфийскому пути у известного шайха братства Накшбандийя Маулана Муҳаммад-Карима, получившего в местной мусульманской общине почетное прозвище «Катта Хазрат». Затем он продолжил образование в медресе Мири Араб в Бухаре. В 1870 году он вернулся в Маргилан уже образованным человеком. Он свое суфийское образование продолжил у шайха Абдулкарима, известного под именем «Калон Хазрат». После долгих лет занятий Ханакаи Хазрат сам стал авторитетным шайхом. В знак достижения суфийской степени наставничества Ханакаи Хазрат обзавелся цепью передачи традиций (силсила) в братстве Накшбандийя. Это давало ему право самостоятельно набирать и воспитывать своих учеников.

Ханакаи Хазрат долгие годы преподавал в медресе Ханака, за что получил свое почетное прозвище. Он был признан авторитетом также в искусстве проповедей, благодаря чему

количество берущих у него уроки в медресе росло с каждым днём.

Ханакаи Хазрат имел много последователей и друзей из числа ученых людей Ферганской долины. Часто у него дома устраивались публичные собрания, которые собирали огромное количество образованных людей. Маджлисы сопровождались обсуждением богословских, интеллектуальных вопросов, ответами на вопросы по духовной культуре.

Ханакаи Хазрат оставил богатое литературное наследие. Он имел свой путь в поэзии. За свой стиль и тематику Ханакаи Хазрат имел среди литераторов титул «Шайх ал-ислам». Его творчество также отличалось аскетическим пафосом.

Педагогическая деятельность Ханакаи Хазрата заслуживает отдельного внимания. Без него невозможно изучать богословскую среду Ферганской долины. Он воспитал целую плеяду ферганских улемов: Абдулмумин Кари (1858–1940), Идрис Халифа Обишери (1870–1933), Ахунджан Кари Вуадили (1872–1958), Абдусамад Ахунд Каил Маргинани (1876–1973), Фазилджан Махдум Маргинани (1878–1955), Мир-Яхя Кари (1880–1961), Беки Палмани (1882–1977), Сали Хаджжи Дамулла (1891–1975), Мулла Юлдаш Ахунд (1889–1971), Мушаррафхан Ахунд (1896–1962), Мулла Алиджан Ахунд (1881–1970), Мулла Умарджан Махдум Гурбати (1897–1975), Балтабай Кари (1892–1979), Мазхариддин Махдум (1900–1989), Мулла Нуриддин Кари (1899–1981), Хабибуллах Кари (1901–1977), Мулла Аббасхан Кари (ум. в 1960 г.), Мукаррамхан Тура Хан Бува (ум. в 1959 г.), Мухаммад Сиддик Ахунд, Мулла Закирджан Ахунд, Мулла Абдурахман Дамулла и другие.

Ханакаи Хазрат Дамулла вел образ жизни частного лица и занимал нейтральную позицию в отношении властей. Жизненный путь великого деятеля ислама закончился в 1918 году. Ханакаи Хазрат в качестве крупного и влиятельного лидера братства Накшбандийя в конце XIX – начале XX веков оказывал значительное влияние на духовную ситуацию своего времени. Его деятельность и наследие имеет важное значение для изучения и понимания черт духовной и культурной жизни Ферганской долины.

В данном издании предпринята попытка на основе оригинальных источников осветить жизнь, творчество и письменное наследие Ханакаи Хазрата.

HANAKAI HAZRAT MARGINANI⁹¹²

Muhammad Yusufkhan, renowned among local intellectuals as «Hazrat Hanakai Damulla Marginani» (1840-1918), continued the Ferghana school traditions in Islamic law (*fiqh*) and Sufism. He created his poetic compositions under the pseudonym «Khazin». Being a *mudarris*, Hanakai Hazrat educated many disciples. His legacy, of course, is of great scientific interest. Along with common features characteristic of Central Asian culture, his legacy is distinct for coloring and peculiarities of its own. This takes place mainly due to the ancient culture of Margilan, one of the major urban centers of the Ferghana Valley. Urban cultural milieu maintained and developed the tradition of the times of the Karakhanids, Chagataids, Timurids, Shaybanids, Ashtarkhanids and the Kokand Khanate. In the customs, traditions, and ethnic image of the people of this city it is easy to see something unique and inherent only in this area.

Hanakai Hazrat was born in 1840 in the Bachkir quarter of Margilan city. His parents were decent and ascetically minded people. Between 1848 and 1851, he received his primary education in the school (*maktab*) situated in the Guri Avval city quarter.

After school, Hanakai Hazrat he studied the Sufi path from the famous Shaykh of the Naqshbandiyya brotherhood Maulana Muhammad Karim, who was known in the local Muslim community under the honorary nickname «Katta Hazrat». He then continued his education in Miri Arab madrasah in Bukhara. In 1870, he returned to Margilan as an educated person. He continued his Sufi education from the shaykh Abdulkarim, known as «Kalon Hazrat». After long years of learning, Hanakai Hazrat himself became an authoritative Shaykh. In token of achieving a Sufi degree of tutorship, Hanakai Hazrat created his *silsila* (a transmission chain of Sufi tradition) in Naqshbandiya. This gave him the right to take and teach his own disciples.

For many years, Hanakai Hazrat had taught at madrasah Hanaka, for that he received his honorary nickname. He was a

⁹¹² Ушбу тадқиқот «Gerda Henkel Stiftung» фондининг «The History of Social, Cultural and Religious Life in Marghilon's Residential Quarters in the 19th and early 20th Centuries» лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

recognized authority in the art of preaching, so the number of those willing to take lessons from him in madrasah grew with each passing day.

Hanakai Hazrat had many followers and friends in the midst of intellectuals in the Ferghana Valley. Public meetings (*majlises*) were often held in his house, which gathered educated people in great numbers. Majlises were usually followed by discussions of theological and intellectual subjects; the questions on the spiritual culture were answered.

Hanakai Hazrat left a rich literary heritage. He chose his distinct way in poetry. For his style and themes, Hanakai Hazrat earned the title «Shaykh al-Islam» among men of letter. His creative work was also distinguished for its ascetic pathos.

Educational activity of Hanakai Hazrat deserves special attention. Without it is impossible to study the theological circles in the Ferghana Valley. He raised a galaxy of the Ferghana Ulema: Abdulmumin Kari (1858-1940), Idris Khalifa Obisheri (1870-1933), Ahundzhan Kari Vuadili (1872-1958), Abdusamad Akhund Kail Marginani (1876-1973), Fazildzhan Makhдум Marginani (1878-1955), Mir Yahya Kari (1880-1961), Beki Palmani (1882-1977), Sali Haji Damulla (1891-1975), Mullah Yuldash Akhund (1889-1971), Musharrafkhan Akhund (1896-1962), Mullah Alijan Akhund (1881-1970), Mullah Umardzhan Makhдум Gurbati (1897-1975), Baltabay Kari (1892-1979), Mazhariddin Makhдум (1900-1989), Mullah Nuriddin Kari (1899-1981), Habibullah Kari (1901-1977), Mullah Abbaskhan Kari (d. 1960), Mukarramkhan Tura Khan Buva (d. 1959), Muhammad Siddik Akhund, Mullah Zakirdzhan Akhund, Mullah Abdurahman Damulla and others.

Hanakai Hazrat Damulla was considered a private person in his activity but held a neutral position in respect to the authorities. This great figure of Islam ended his way of life in 1918. As a major and influential leader of the Naqshbandiyya Brotherhood, Hanakai Hazrat in the late 19th and early 20th century had a significant impact on the spiritual situation of the time. His work and legacy is important for in-depth studying and better understanding of the spiritual and cultural life of the Ferghana Valley.

Based on original sources, this book attempts to shed light on the life, creative activities, and written heritage of Hanakai Hazrat.

МУҲДАРИЖА

Сўзбоши	4
Муқаддима	8
Марғилон алломалари	23
Хонақоҳий Ҳазрат Домла яшаган давр ижтимоий-маънавий муҳити	30
Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний	39
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг исм ва унвонлари	56
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг ота-оналари	65
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг ёшлик аҳволлари	70
Хонақоҳий Ҳазрат даврида Марғилон мактаблари	81
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг устозлари	88
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг пирлари	119
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг сифат ва таърифлари	132
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг назарлари баёни	140
Хонақоҳий Ҳазрат Домла ва аравонликлар	179
Хонақоҳий Ҳазрат Марғинонийнинг тақволари	192
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг кароматлари	243
Хонақоҳий Ҳазрат Марғинонийнинг фиросатлари	306
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг хонақоҳлари	322
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг мадрасалари	368
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг халифалари	425
Хонақоҳий Ҳазрат Домлада таълим олган алломалар ..	434
Хонақоҳий Ҳазрат Марғинонийнинг замондошлари	462
Хонақоҳий Ҳазрат Марғинонийнинг илмий ва адабий мероси	495
Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг вафотлари	508
Хонақоҳий Ҳазрат Марғиноний вафотига ёзилган тарих-марсиялар	512
Хулоса	529
Ханакаи Ҳазрат Маргинани	539
Hanakai hazrat marginani	541

**РАҲМАТУЛЛО ФАЙЗУЛЛАЕВ
НОДИРЖОН АБДУЛАҲАТОВ**

МУҲАММАД ЮСУФ ҲАЗИН
(Хонақоҳий Ҳазрат Маргиноний)

Масъул муҳаррир
Шайх Абдулазиз Мансур

Муҳаррир *Эркин Малик*
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноатов*
Техник муҳаррир *Бекзод Каримов*
Матн терувчилар: *Абдуллоҳ Саматов,*
Ақромжон Ўринбоев
Саҳифаловчи *Мастура Атхамова*
Мусахҳиҳ *Маъмура Зиямуҳамедова*

Нашр лицензияси АІ № 201, 28.28.2011-йил.

Теришга 2013 йил 15.07 да берилди. Босишга 2013 йил 20.08 да рухсат этилди. «TimesNewRoman» гарнитураси. Офсет усули. Бичими: 60x90^{1/16}. Нашриёт-босма табағи: 30,67. Шартли босма табағи: 34,0. Адади 1000 нусха. Буюртма № 3108. Баҳоси шартнома асосида.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.